

Жаҳон АДАБИЁТИ

Арабий-бадний, илғимий-публицистик журнал

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 3 (142)

2009 йил, март

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
МАБУОТ ВА АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

М У Н Д А Р И Ж А

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Арсений ТАРКОВСКИЙ. **Бамисли ўз дардинг – ўзганинг дарди**.....3
Ҳофиз ШЕРОЗИЙ. **Бир дилбари жоним менинг. Фазаллар**.....71

НАСР

Бағрат ШИНКУБА. **Кетганларнинг сўнггиси. Роман**.....11
ПРЕМЧАНД. **Севги инъоми. Роман**.....77

НОБЕЛ МАЪРУЗАЛАРИ

Эльфреда ЕЛИНЕК. **Сўзларим – болаларим**.....126

ТАРЖИМА МАКТАБИ

Иброҳим ФАФУРОВ. **Нардасен, ох, нардасен**.....133

АДАБИЙ ТАНҚИД

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ. **Бадий тафаккурдаги эврилишлар**.....137
Бир кун, албатта, қайтаман (И.Бродский ижоди ҳақида).....143

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ўқтамбек СУЛТОНОВ. **Нодир манбалар дурдонаси**.....162

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

Сидни ШЕЛДОН. **Тақдир тегирмони. Роман**.....166
Янги нашрлар.....206

ТОШКЕНТ
МАРТ

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

Таҳрир ҳайъати:

Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Азиз САИД
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

Жамоатчилик кенгаши:

Бобур АЛИМОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Абдулла ИСМОИЛОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Абдурахим МАННОНОВ
Абдулла ОРИПОВ
Азимжон ПАРПИЕВ
Файрат ШОУМАРОВ
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир Г. САЪДУЛЛАЕВА
Рассом А.БОБРОВ
Техник муҳаррир У.КИМ
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

Жаҳон адабиёти, 3. 2009.

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди 23.03. 2009 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.

Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.

Жами 2000 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги НМИУда чоп этилди.

100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2009 й.**

Арсений ТАРКОВСКИЙ

Бамисли ўз дардинг – ўзганинг дарди

* * *

Тақмишди гиёҳлар шабнамдан маржон,
Келар сўқмоқ бўйлаб бир гўдак шодон,
Жажжи саватида ертут, маймунжон,
Ойнадан боқардим уфқларга илҳақ,
Туйдим мен гўдакда тонг сафосин нақ.

Сўқмоқлар чиқсайди менга ҳам пешвоз,
Сават ўйнасайди қўлларимда соз,
Адирдаги уйга термилмасдим боз,
Шаффоф ҳаволарга тўярдим балки,
Уйга ҳам қайтмаган бўлардим балки...

ДАШТ

Уфқлар ямлар унинг сўл-соғин,
Ҳатто осмон туйилади чоҳ.
Эшар тинмай кечмиш арқоғин
Гоҳ одам-ла, ёвшан билан гоҳ.

Майсаларни – туёқлар эзган,
Мунғаяди ерда бош чаноқ.
Сўз билан ва фақат сўз билан
Файз топар ойдинда ҳар ёқ.

ТАРЖИМОНДАН

XX аср рус шеъриятининг таниқли намояндаларидан бири Арсений ТАРКОВСКИЙ 1907 йили Елизаветград (Кировоград)да туғилган. Адабиётга ихлоси баланд отаси туфайли болалигида Ф.Сологуб, К.Бальмонт, И.Северянин сингари шоирлар билан кўришишга муяссар бўлади. Гимназияда, муסיқа мактабида таълим олади. 17 ёшида Москвага келиб ўша даврда ёш ижодкорлар орасида катта обрўга эга бўлган “Гудок” газетаси тахририятига ишга қиради. Унда бир пайтлар машҳур адиблар М.Булгаков, Ю.Олёша, Ильф ва Петров каби машҳур ёзувчилар фаолият кўрсатишган эди. А.Тарковскийнинг дастлабки шеърлари вақтли матбуотда 1928 йили эълон қилинади. Бу шеърлардаги юрак ҳароратига йўғрилган сатрлар шеърият дунёсига ўзига хос, бетакрор овозли янги шоир кириб келганлигидан дарак берарди. II Жаҳон урушида бир оёғидан жудо бўлган шоир ижодга астойдил киришиб, 1946 йилда илк шеърий китобини нашрга тайёрлайди. Лекин ўша пайтда адабиётда кучайиб кетган янги қатағон тўлкини туфайли А.Тарковскийнинг мазкур илк тўплами босмаҳонадан қайтариб олинади ва йўқ қилинади.

*Мирпўлат МИРЗО
таржималари*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Мудрайди дашт – бамисли бежон,
 Ёндуларга чулғанар туши.
 Тепаликлар ёнбошлар бу он,
 Жигасида – ойнинг кумуши.

Сўз жон берар сукунат ичра,
 Осмон сочар қаҳрини аччиқ, –
 Шўх жилғалар тешмагунича
 Замин бағрин – метиндек қаттиқ.

Киприкларин тўкар чакамуғ,
 Чигирткалар қамчилар отин,
 Дарак бериб тонглардан қутлуғ,
 Дашт лочини ёяр қанотин.

Мовий сутга чўмилиб буткул
 Одам Ато чиқар жаннатдан
 Ва қайтадан ато этар тил
 Кушларгаю ҳатто тошга ҳам;

Муҳаббатнинг шавқи билмас чек,
 Еру кўкдан ўқир ажиб сир;
 Тушларида зикр этгандек
 Гиёҳларни номлайди бир-бир.

* * *

Отлар кишнар Суло ортида...
“Игорь жангномаси”

О, Россиям менинг, мушфиқ онажон,
 Фарзандларингга сен – қанот ҳар қачон!

Гўдакка – бешиксан, ёшларга – сурур,
 Юрткезарга – асо, тенгсиз завқ-хузур,

Кўшчига – даласан, овчига – денгиз,
 Дўст учун умидсан, ёвга – ғам-ангиз,

Бу шоир юрагини қаттиқ жароҳатлайди ва у узоқ вақт шеърларини матбуот саҳифаларида эълон қилдирмайди.

Шоир руҳиятига бу зарбалар етмагандек, ўғлининг қисмати ҳам бошига катта мусибат келтиради. Суюкли фарзанди – ниҳоятда истеъдодли кинорежиссёр Андрей Тарковский ўзининг “Иванов болалиги” ва “Кўзгу” фильмлари учун ўша давр сиёсий раҳбарлари томонидан қаттиқ қувғин остига олинади, оқибатда у хорижга бош олиб кетади ва мусофирликда ҳаётдан кўз юмади...

Адабий жамоатчилик А.Тарковскийни, вақтли матбуотда эълон қилиниб турган шеърларини ҳисобга олмаганда, асосан таржимон сифатида биларди. Зеро, у умри давомида жуда кўп шеърый асарлар (асосан шарқ шеъриятидан) таржима қилган.

1962 йилда унинг илк тўплами – «Қор олдидан» номли жажжи шеърый китобчаси нашр этилади. Ушбу тўплам А.Ахматова томонидан юқори баҳоланади.

Ҳаётлигида шоирнинг санокли китобларигина эълон қилинган. Унинг 1987 йилда чоп этилган «Умрим йўллари» номли сўнгги шеърый мажмуаси Давлат мукофоти билан тақдирланади. Лекин шоирга мукофотни олиш насиб этмайди, чунки у бир неча ой муқаддам ҳаётдан кўз юмган эди.

Умри синовларда кечган, ўзига хос, бетакрор овозга эга шоир ниҳоят ўз қадри ва юксак эъзозини топди. Унинг шеърый мероси қайта-қайта чоп этилмоқда. Зеро, бугунги кунда ХХ аср рус поэзиясини Арсени Тарковский шеърларисиз мукамал тасаввур этиб бўлмайди.

Шоирнинг шеърлари ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Дарғага – елкансан, мерган учун – кўз,
Зиёлига – китоб, пайғамбарга – сўз,

Босқончига – болға, оқилга – сабр,
Тирикка – ота юрт, ўликка – қабр,

Мардлар юрагида – сўнмас учқун сен,
Барчасидан аъло – улар учун сен.

Қаҳрингнинг оташи билмас асло чек,
Босқинчи товонин куйдиргай чўғдек!

Игорь сенинг учун жонга бериб жон,
Қилмадим енгинг қон билан алвон!

Рублев кифтидаги қирмиз тўн бари
Яна товланмасми шафақ сингари!

Мен то сўнгги нафас сен деб яшайман,
Сен учун ҳар лаҳза ўлмоққа шайман!

* * *

О, мовий настаринлар,
Қўмсайман гоҳи сизни.
Ғужғон асаларилар
Эгдими шохингизни?

Туйганман фараҳ бир кез
Аритиб дилдан ғамлар –
Қўпирган гулларингиз
Соясида бир дамлар.

Арилар тўзир ногоҳ,
Чақмоқ тилар кўк юзин;
Ёришиб яқин-йироқ
Қамашиб кетар кўзим.

Эпкинлар эсан қирда
Гиёҳлар туrolмас тек;
Томчилар ўйнар ерда
Симоб доналаридек.

Оқшом олди росмана
Биллурланар ҳаволар;
Қучар борлиқни яна
Ифорлар, хуш садолар...

РЎПАРАДАГИ УЙ

Эски ёғоч уйни буздилар бир кун.
Кетди эгалари қолдириб мулкин.

Қолди идиш-товоқ, гулу гулдонлар,
Тош ойна, китоблар ҳамда жавонлар.

Мўйсафид кетар чоғ ортига боқди,
Ҳайдовчи шошириб, баттар тутақди.

Ҳаммаси аввалги кўйича қолди,
Бироқ уй мунғайиб ғамгин тус олди.

Ўприлган дераза ўрни боқди зор,
Бўм-бўш хоналарга қўнди чанг-ғубор.

Қолди уйда бироқ тушлар, хотира
Ва ташвиш-армонлар, ўйлар бокира.

Оғочу тахтани олиб кетдилар,
Қайгадир саранжом ҳолда элтдилар.

Бироқ қолди бунда кечмиш шарпаси,
Даврада куйланган қўшиқлар саси;

Тўйларда шаробга тўйишарди хўб,
Ишдан сўнг кинога боришлар тўп-тўп...

Тобутни қўлма-қўл кўтаришарди,
Бамисли ўз дардинг – ўзганинг дарди;

Икковлон ухларди битга тўшакда,
Тўнгич фарзанд мудом қўлда – юксакда...

Чўмичин тупроққа ботириб нукул
Олмагуни қадар сидириб буткул,

Силжимагунича бу ердан кран,
Шарпалар жимгина солдилар сурон.

ТУНГИ МЕҲНАТ

Чироқни ёқаман туриб бемалол,
Ёришиб кетади хонанинг ичи.
Майли, куйлайверсин чирилдоқ мисол
Бурчакда электр ҳисоблагичи.

Столга ўтиргум – қаламим қўлда,
Югуриб қолади сичқонлар шу зум;
Ушбу пайт кўпчилик уйқуда бўлмай,
Мен эса тонгача юммайман кўзим.

Сатрлар битаман чекиб риёзат,
Бироқ ушбу палла – чиққунча куёш
Вақтин ишратларга сарф этгай фақат,
Шароблар нўш этар, кимки мендан ёш.

Мени жазб этмас бу! Боқмасман зинҳор,
Қалбимни тўккайман қоғоз узра соф...

Балки, кимдир бундан бўлар миннатдор,
Балки, кимдир буни айлар эътироф.

* * *

Ҳар томчи сув учун, ризқу рўз учун
Айтгум шукрона.
Меҳнат-ла кечмоқда менинг ҳар куним,
Айтгум шукрона.

Менга сўз бахтини берди, берди ғам,
Яшарман ёна...
Кулфатлар қошида ожиз бандаман,
Айтгум шукрона.

Мен ҳам ер бағрига киргайман бир кун
Ҳаётга қона,
Рухим юлдуз қадар юксалтгани-чун
Айтгум шукрона.

* * *

Тушимга киради йироқ бир уммон,
Аллақандай кема сузади унда;
Бир ғусса руҳимни айлайди урён,
Кўксимга чирмашар бир ҳасрат тунлар.

Келар йироқлардан бўғиқ бир нидо,
Муқаррар қисматдан машъум хабардек.
Ҳалокат ҳидини туйгандек гўё
Сувлар саҳросида кема қотар тек.

Фарёдга йўғрилар йироқ нидолар,
Кейин фарёддан ҳам қолмайди нишон.
Уммон тортса сирли комига агар,
Чиқиб кетолмайди ундан тирик жон.

Мен – бир сайёҳ боқиб уфққа масрур,
Талпиниб бораман ул кемага нақ.
Биламан, бу ўша “Титаник” эрур,
Мени кутиб турар интиқ ва илҳақ.

Ғалати туюлар менга жуда бу –
Уфқлар бағрига сингмоқлик шоён;
Совуқ тўлқинларнинг ортида мангу
Мунғайиб қолади шаҳрим жонажон.

СЎЗ

Сўз фақат қобиқ холос,
Пардадир у, қуруқ сас.
Бироқ бир нуқта рўй-рост
Ёнар унда ҳар нафас.

Урар юрак, оқар қон,
Сенинг билан иши йўқ.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Аён берар бир замон,
Бундан кўнглинг бўлсин тўқ.

Сўз ҳукми буюк азал,
Шоир, сен огоҳ бўлгин,
Сўзинг кучин кўрсатар,
Қолмаса бошқа йўлинг.

Севгинг бўлсин доим чин,
Сен чеккадан солма кўз,
Башоратлардан кўрққин,
Ўлимдан ҳеч очма сўз.

Сўз фақат қобиқ холос,
Қисматларга бир парда.
Лекин сўз сенга рўй-рост
Тиғ қайрар мисраларда.

* * *

Ёниб турар эди қорда бир чироқ,
Фориғ бўлганди у ёдимдан бироқ.

Балки япроқдир у — тўкилмай қолган,
Балки у докадир — қон шимиб олган.

Балки бу — қорларнинг бағрин кўриб хуш,
Сайр этмоққа чиққан қирмиз патли куш.

Балки, мени алдаб гангитди чоғи,
Ҳасратга йўғрилган куннинг шафағи...

* * *

Бунда уй бор эди. Унда кекса чол
Ҳамда ёш бир бола. Уй топди завол.

Улкан бомба тушиб, қилди тап-тақир —
Турган уй йўқ бўлди. Уруш бу, ахир!

Ашқол-дашқол, латта-лутталар ҳар ён,
Қоришар тупроққа совумаган қон.

Энди тиконларга тўлар бу хилқат,
Изгир энди бунда арвоҳлар фақат.

Бошқа ким ҳам увлаб кезарди бунда,
Совуқ печлар узра рақс этиб тунда.

* * *

Кечган шу тепалик ортида жанглар,
Хаёлда садоси ҳали ҳам янграр.

Ҳали ҳам қорларда мурдалар ётар,
Узилган қўллари ҳавода қотар.

Гарчи кечмиш эрур бу қонли рўё,
 Ҳозир тирилар-да ўликлар гўё,

Ҳеч завол кўрмаган каби яйрашиб,
 Маст бўлиб тингларлар қушлар сайрашин...

ГОСПИТАЛЬ БОҒИДАГИ КАПАЛАК

Турмас бир зум бир жойда
 Учиб-қўнар бетоқат.
 Туғилган ўзи қайда,
 У бир хилқат аломат.
 Суйгани унинг ёғду,
 Чин-Мочиндан балки у?
 Йўқдек унда вужуд, тан,
 Келган балки мозийдан;
 Қаноти ажиб мовий,
 Инжадир ва самовий.

Онт ичар-да: бўлди, бас! –
 Лекин сўзида турмас,
 Кошки савод чиқарса,
 Санокда – нари борса,
 Билар у бир, иккини
 Ҳарфлардан – О

ва

И¹ ни –

Танир, исми йўқ ҳатто,
 Балки у – расмда жо².
 Оромни тан олмас у,
 Бамисли – ялт-юлт кўзгу.
 О, малак, сўз бер менга,
 Кетмам деб Чин-Мочинга!
 Эврилсин рўё чинга,
 Кўргин, қалбим титроқда,
 Ёлғиз ўтинчим сенга,
 Ташлаб кетма фироқда!

ШОИР

Яшаб ўтди хоксор бир жўмард...

Менга бу китобни қайси бир замон
 Тутқазган эди бир шоир хуш-хандон,
 Баҳор қуёшидек илтифотли, шўх.
 Бироқ китоб ҳозир уринган чандон,
 Шоир ҳам оламдан ўтган, энди йўқ.

Дердилар, у шоир қиёфасида
 Булбулники янглиғ қувноқ сасида
 Бор эди қандайдир сирли мунг, озор.

^{1,2} Капалакнинг учиши ушбу ҳарфлар ва Хитой иероглифларига қиёсланмоқда. (Тарж.)

Битса ҳам ҳаётга гоҳи қасида,
Бироқ эди руҳан ғариб ва хоксор.

Ўргилиб садақа — ордонасидан,
Ўтар нашриётлар остонасидан,
Кетадиган каби гўё қоқиниб.
Бироқ бир ёввойи истиғно билан
Олар эди доим қалам ҳақини.

Кекса масхарабоз унинг монанд заб:
Мастлардек эшилиб, юриб ва тўхтаб,
Экрандан кўриниб яшнар-у сўлар
Ва айни чоғ хушёр одамга ўхшаб,
Кўксин ярасин ҳам яширмоқ бўлар.

Қофиялар бир пайт берганди қанот,
Энди илҳом ҳатто бўлолмас нажот,
Ғамлар, салом энди, алвидо сурур!
Қалам ҳақини ҳам кўп кўрди наҳот,
Қора нонга қўйиб бу тақдир қурғур!

Сўзлар жилвасидан эди у огоҳ,
Қуш тумшуқ юзи-ла жилмаярди гоҳ,
Шубҳали боқарди нуқул ҳаётга.
Ёлғизликдан қўрқиб чекар эди оҳ,
Шеърларин ўқирди бегона, ётга.

Ўша шоир чиқиб мудом йўлимга,
Дардларини ташлар ўксук кўнглимга,
Ёлғизликдан қўрқиб яшайман мен ҳам.
Эҳтимол юзинчи марта кўлимга
У китобни олгум ёлғиз қолган дам.

Унинг шеърларида ташбеҳлар камдир,
Безовта одамлар кўзлари намдир,
Ҳамон нидо қилар сатрлар ёна.
Ҳаммани гунг қилган чексиз аламдир,
Бозорлар, навбатлар ва қамоқхона.

Яшарди одамдек у шоир ҳам бир,
Афсус, хароб қилди разил замона.



Баграт ШИНКУБА

Кетганларнинг сўнггиси*Роман***БИР СИҚИМ ТУПРОҚ**

Чор генераллари убихларнинг Туркияга кўчаётганига ишонч ҳосил қилгач, ўз кўшинларини тўхтатишди. Турклар эса янги кемалар юборишга ваъда беришди. Шундай қилиб, кўчишимиз икки ҳафтага чўзилди. Бу яхши эдими ёки ёмонми, билмадим, лекин менга ёмондек кўринарди. Барибир ўлишингни билганингдан кейин, аста-секин ўлгандан кўра, тезроқ ўлганинг маъқул.

Бизлар муқаддас ибодатхонамиз Битхада тўпланган кунимиз Битха мутасаддиси Соулах қурбонлиқ учун асраб қўйилган бир неча оқ эчкини сўйиб, уларнинг пиширилган, ҳали иссиқ, буғи чиқиб турган жигар ва юракларини яхшилаб тозаланган ўткир учли ёнғоқ таёқчаларга сихлаб қўйди-да, ибодат қила бошлади. Бизлар ҳам унинг атрофида тиз чўкиб, тоат-ибодатга киришдик. Соулахнинг овози бўлинди, чаккасида ёш ялтирарди. У ибодат қиларкан, муқаддас даргоҳимизга ўз еримизни ташлаб кетаётганимизни гапирмас, лекин хаёлида шу дард чарх ураётганидан ўкиниб йиғларди.

– Бизнинг қирилиб кетишимизга йўл қўйма, ё Битха! – хитоб қилди у кўзда ёш билан дуосини тугалларкан. Бизлар унга жўр бўлиб такрорладик:

– Омин! Омин!

Шундан кейин бизлар бирин-кетин қадамжога ёндашиб, агар орамиздан кимдир ҳаммамиз билан бирга бормайдиган бўлса, муқаддас даргоҳимизнинг қарғишига учрасин, на ўзи, на болалари, на қариндошлари рўшнолик кўрсин, деб қасам ичдик.

Ибодатхонадан сўнг қурбонлиққа сўйилган эчкиларнинг пиширилган гўштидан тановул қилганимиздан кейин Соулах бизларга шундай деди:

– Биз бутун халқ билан ўзгалар юртига кетаяпмиз. Бу ерда ким ибодат қилади? Ибодатхонамиз ташлаб кетилган тегирмон тарновидай сувсиз қолдириб кетилаверадими? Мен халқдан илтимос қиламан: муқаддас ибодатхонамизга ҳамма бир-бир қўл теккизиб, унинг еридан оз-оздан тупроқ олиб кетишсин, токи хоки покимиз олис юртларда бизларни ёрлақаб юрсин.

Оқсоқолларимиз аввалига бу гуноҳ деб рози бўлишмади, кейин Соулахнинг гапларини эшитиб, унинг айтганларига кўндилар. Шунда юз ёшга кирган учта қария муқаддас Битхани ерости қароргоҳидан олиб чиқишди. Мен уни биринчи марта шунда кўрдим. У тошдан та-

Давоми. Боши ўтган сонда.

рашлаб ишланган бўлиб, бургутга ўхшаб кетарди. Бургутнинг кўзлари тилладан, тумшуғи, қанотлари ва тирноқлари кумушдан ишланганди.

Тоат-ибодатдан сўнг биз уни яна ўз жойига, маконига қўйдик. Соулахнинг гапларига қараганда, бу катта Битха экан. У ерда кичкинаси ҳам бор эди, у ҳам тошдан ясалган, тилла ва кумуш билан зийнатланган бўлиб, бургут тимсоли эди.

Чоллар Соулах билан биргаликда уни олишди. Мум сингдирилган матога бир неча бор ўрашди ва мустақкам чарм халтага солишди. Кўчадиган кунимиз Саулах ўша чарм халтани белига боғлади ва бутун йўл бўйи кичкина Битха кемада денгизда сузаётганимизда ҳам, Туркияга тушганимизда ҳам, ҳамини биз билан бўлди. Кейин, анча йиллар ўтгач, Битхамиз фалокатга учради, уни деб бир одам ўлиб кетди. Ҳолбуки, ўша одамни биз халқимизнинг умиди деб билардик. Лекин ҳозир мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасман, пайти келгач, мавриди билан айтиб берарман.

Ўша оқшом Зауркан бошқа ҳеч нарса демади, эртаси куни ҳам узоқ сукут сақлади. Тўнқага ўтириб олиб, Бирам олиб келган тамакини индамай майдалади. Унга қараб ўтириб, унинг кеча гапирган Битха ҳақидаги ҳикоясини эслаб, уни бу тўғрида олдин эшитганларим билан таққосладим. Таққослаб ўтириб, миямга келган фикрларни ёзиб борардим.

Ўз маъносига кўра, “битха” одамлар сиғинадиган оддий буюм эмас, балки буюмнинг ўзи ҳам, унинг халқ тасаввурдаги у дунёга хос хусусияти ҳам, ўша тепаликда кавланган у сақланадиган жой ҳам, уни қулфлаб ёнимизда олиб юрганимиз ҳалиги совуқ калит ҳам — буларнинг ҳаммаси ягона бир яхлитликни ташкил этарди, шунинг учун бўлса керак, катта Битхани ўзлари билан олиб кетиш на Соулахнинг, на бошқа оқсоқолнинг ақлига келганди. Улар катта Битхани жойида қолдириб, кичкинасини ўзлари билан олиб келишганди. Энди кичкина битха улар учун катта Битханинг, она тупроқларида қолиб кетган ҳамма нарсанинг вакили эди.

“Битха” сўзининг этимологиясига келсак, уни лингвистик жиҳатдан бўлинса, иккинчи қисми “тха” — адигларнинг “тха” сўзи бўлиб, “худо” маъносини англади. Хўш, унда сўзнинг биринчи қисми — “би” нимани англатаркан? Мен шу саволни қарияга бермоқчи эдим, лекин шундай қилгим келмади, аммо унинг бунга жавоб бериши ҳам даргумон эди.

Биз, абхазларда ҳам шунақа қадимий илоҳлар бўлиб, уларнинг номлари ўзлари мавжуд жойлар билан боғлиқ эди: Лдзаа, Лихни, Дидрипш, Инал-куба, Елир, Лашкиндар...

Илоҳнинг ўзи абхазча “аниха” сўзи билан боғлиқ. Баъзи тилшунослар бу сўзни икки қисмга бўладилар: “ан” — худо, “ха” — бош яъни худонинг боши. “Аниха” сўзи мажусийлар илоҳини билдиради. Лекин “худонинг боши” тушунчасида насронийлик унсурлари ҳам мавжуд. Афтидан насронийликдан анча олдин пайдо бўлган “аниха” сўзи бу динга сингиб кетган. Ҳар ҳолда диннинг мазкур моддий рамзлари шаклига кўра илоҳнинг бошини эслатмайди. Баъзи ҳолларда бу тош санамлар тоғ бургутига ўхшайди, баъзан эса, қўйнинг бош чаноғини, ҳатто қандайдир мавжудотни эслатади, шундай тарихий манбалар борки, уларда айтилишича, Византия мубаширлари ҳали IV асрдаёқ насронийликни ёя туриб, ўз мақсадлари йўлида қадимги мажусий муқаддас қадамжолардан фойдаланганлар ва Лдзак, Пицунда, Лихна, Елирда насроний калисо-

лар қурганлар. Ана шу калисоларда “аниха” сўзи кейинчалик илоҳ онасининг боши маъносини касб эта бошлаган. Бошқа жойларда эса бу сўз қадимги маросимлар маъносида ҳам ишлатилади.

Афтидан, убихлар учун ҳам шундай бўлганга ўхшайди. Қадимги мажусий дин билан бир қаторда насроний дини ҳам ўз пасхаси-ла мавжуд бўлган. Кейинчалик ислом ҳукмрон динга айлангач эса у қолган икки динни суриб чиқарган бўлса керак.

Нега энди, деб ўйладим мен, газовотнинг фидойилик ғоялари мусулмон Туркиясига кўчишга ундаган убихлар, ўз ерларини ташлаб кетар эканлар, мачитда эмас, Битхада тўпландилар? Балки, уларнинг онги Оллоҳдан ҳали узоқ, муқаддас Битха эса шундай ёнларида бўлгани учундир? Улар бу ерга қадим-қадимдан йилига икки марта ибодат қилгани келардилар. Бошқа пайтларда якка-якка келиб муқаддас Битхага сиғинардилар. Бирор гуноҳ ишда айбланган одам бу ерга келиб халқ олдида ўзини оқлаб олт ичарди. Шунинг учун бўлса керак, мусулмонлар юртига кўчиб ўтар эканлар, убихлар ўзлари билан кичик битхани олмай у ёққа кетолмасдилар.

Қария менга кейинги воқеалар ҳақида нималарни гапириб беришини билмайман, лекин менда ҳозирданоқ шундай туйғу пайдо бўлмоқдаки, газовот ғоялари убихлар диёрида унчалик мустаҳкам асосларга эга эмасди. Бу ғоялар султон Туркиясидан тарқалиб, аста-секин уларнинг қалбига жо бўлиб, убихларни она ерларидан Туркияга бошлаб борарди...

Тамакини майдалаб, қоғозга ўраган Зауркан ёнимга келди ва қоғоз устида йўрғалаётган қаламимга мароқ билан қараб турди. Ёзишдан тўхташим билан яна гапга тушиб кетди.

– Азизим Шарах, мен сенга айтган эдим, бизнинг убих дворянлари орасида биринчи бўлиб Туркияга отланган Шардин Алоу ўғли эди. Лекин шундай одам бир ўзи кўчиб ўтармиди? У кўчиб кетяптими, демак, бизлар ҳам у билан кетишимиз керак эди. Зеро, бизлар у билан эмикдош биродарлик ришталари ила боғлиқ эдик. Бизнинг қариндошларимиз, қўшнилариимиз, унинг қўл остида бўлган деҳ-қонлар, унга қарздор бўлганлар ҳам у билан кетишга мажбур эдилар. Ана шунда дворянлар ўртасида кимлар ким билан кетади, деган мавзуда баҳс қизиқ кетди.

Ҳожи Керантух ўзига тобе бўлган тўрт юз деҳқон оиласидан ташқари яна эллик оилани, шулар қаторида бизнинг оиламизни ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Афтидан Туркия ҳақидаги турли-туман уйдирмаларга у унчалик ишонмасди. Шунинг учун ўзига хизмат қилишлари ва қўриқлашлари учун кўпроқ одам олиб кетишни истарди. У менга икки марта чопар юборди. Чопарлар унинг сўзларини менга оғзаки етказдилар:

“Менинг жондорим нега мени тарк этди? Мен унга жуда ўрганиб қолганман. Шунинг учун у ва унинг оиласи қаерга борсам мен билан бўлишини истайман!”

Мен ўша пайтлар жуда бақувват эдим, азизим Шарах. Бошқалар билан ёнма-ён турганимда улардан бошим бўйи баландроқ эдим. Жангда бир неча бор Ҳожи Керантухга ўзимнинг жасурлигимни исботлагандим. Шунинг учун у менга чопарлар юборган эди. Мен буни тушунардим. Лекин Ҳожи Керантухнинг ўзи мен учун ўлган эди. Сенга гапириб берганим кундан эътиборан ундан қўлни ювиб, қўлтиққа урган эдим. Мен у билан кетишни истамасдим. Отам ҳам бунга қарши эди. “Қанақасига оиламиз эмикдош биродаримиздан бошқа биров билан кетиши мумкин?” – дерди у.

Шардин Алоу ўғли Ҳожи Керантухнинг ниятини билиб қолиб, унга бизни ҳам, ўзига қарашли оилаларни ҳам бермайдиган бўлди.

Ўша куни иккаласи ҳам хунхор душманлардек деҳқонлар ҳовлиларига изғишар, қон тўкилмаслиги учун бир-бирига дуч келмасликка уринар эдилар.

Ҳали улардан бири деҳқонлар ҳовлисига кириб, оила бошлиғига: “Сен мен билан кетишинг керак”, дерди. Ҳали иккинчиси шу ҳовлига кириб: “Туркияга мен билан борасан”, дер эди. Деҳқонлар ким билан боришни билмай гангиб қолардилар.

Бир куни оиламиз тушлик қилгани йиғилган пайтда ҳовлимизга Ҳожи Керантух учқур аргумоғида кириб келди. У ёлғиз, кузатувчисиз эди. Отам билан мен ҳузурига югуриб чиқиб, отининг тизгинидан ушладик, эгардан тушишига қўмаклашишга шошилдик. У ҳаётида бизга бунақа ҳурмат кўрсатмаганди, — уйимиз бўсағасига қадам қўймаганди. Унинг бу эҳтиромига отам мендан баттар ҳайратланганди. Буни қарангки, Ҳожи Керантух отдан тушгиси йўқ экан. Аргумоқ типирчилар, гир айланар, юганини тишларди, биз эса тизгинини қўлдан қўймасдик.

— Ҳали яқиндагина кўплар менга хизмат қилиш ҳуқуқини олиш учун ўзаро қилич қайрашишга тайёр эдилар, — деди Ҳожи Керантух, отидан тушмай. — Энди бўлса, кўриб турганингиздай, мен ёлғизлашиб қолдим. Бошқаларни қўйиб тур, сен Зауркан мени ёлғиз қолдирмаслигинг керак эди. Ахир, сен: “Токи жанобим тирик экан, мен ундан ажралмайман. Агар у ўладиган бўлса, мен ундан олдин ўлишга тайёрман!” деб қасам ичгандинг-ку.

У менга таъна қилар, овозида алам ва ғижиниш бор эди, отам гўё бунини сезмагандай, уни отдан тушиб уйга киришга таклиф қиларди.

— Сен уйимизга ҳеч кирмагансан, марҳамат қилиб, отдан туш, уйга кир. Овқат тайёр. Туз-намагимиздан татиб кўр мундоқ.

Мен Ҳожи Керантух отининг тизгинини қўйиб юборгандим. Отам ҳамон уни кўндиришга уринар экан, менга қаради. Мен отамнинг кўзларидан “Агар у отдан тушса, дарҳол бориб битта кўзичоқни сўй, кўрмайпсанми, уйимизга қандай меҳмон ташриф буюрди!” деган маънони уқдим.

Ҳожи Керантух отдан тушармиди ёки шундай қайтиб кетармиди, билмадим, лекин отам уни уйга қўниб ўтишга кўндиришга уринаётган пайтда, ҳовлимизга Шардин Алоу ўғли кириб келди. Одатдагидек, у хачирини миниб олганди. У бу ерда хачиридан ўзи тушиб, тўғри Ҳожи Керантух ёнига борди:

— Сен бу ерда, эмикдош биродарим уйида нима қилиб юрибсан. Бу уйга қайси сўқмоқ билан келганингни унутмагандирсан! Бу оилани тинч қўйгин-да, келган жойингга жўна!

Ҳожи Керантух газаб билан унга бошдан-оёқ қараб чиқди:

— Қаёққа борсам, орқамдан изма-из юрибсан, Шардин. Эҳтиёт бўл! Мен ким-у, сен ким, унутдинг чоғи. Мен истаган жойимда бўлишга ҳаққим бор. Менинг гапларим қонун эканини унутма!

— Сўзларингни қонунга айлантирган нарсани ўз қўлларинг билан чошиб ташладинг, — деди қўполлик-ла Шардин Алоу ўғли.

— Шу пайтгача фақат менга хушомад қилишнигинга билардинг, — деди Ҳожи Керантух. — Энди бўлса, йўлимни тўсишга қарор қилдингми? Шуни яхши билиб қўй: бошингга фалокат ёғилмасин десанг, билиб қўй, бу оила мен билан бирга кўчиб кетмоқчи, мен билан улар ўртасига тушиб ўтирма.

Лекин Шардин бўш келмоқчи эмасди:

— Виждонингни аллақачон йўқотганингни биламан. Лекин худодан кўрк! Хамирза эмикдош биродарим! У ва оиласи мен билан бирга кетади. Оналик сути уларга ҳам, менга ҳам шуни буюради.

Шунда мен чидаб туrolмадим. Ҳозир иккаласини ҳам кўргани кўзим йўқ эди.

– Ҳатто арқон билан етаклаб борилаётган молга ҳам унинг истаган томонига қарашига халақит берилмайди,– дея бақирдим мен. – Бизлар мол эмасмиз, одаммиз, ахир! Бошимизни қайси томонга буришимизни ўзимизга қўйиб беринглар.

– Овозингни ўчир! Шундай одамлар билан бунақа кўпол гаплашишга қандай ҳақдинг сиғди? – дея уришиб берди мени отам.

– Агар сенинг оиланг боришни истамаса, мажбур қилолмайман. Мен билан сен ўзинг борасан, – деди Ҳожи Керантух.

Мен жавоб қайтариш учун ҳали оғиз очишга улгурмай туриб, Шардин менинг ўрнимга жавоб қилди:

– Ҳожи Керантух, сен оналарни ўғилларидан энди ажратаётганинг йўқ. Жавоб бер, убиҳларнинг қанча йигитини Туркияга қанча пулга сотдинг?

– Буни виждони тоза одам гапираяптими ўзи?– деди масхараомуз Ҳожи Керантух. – Сен-чи, сен қаңча болани сотдинг Туркияга? Бизнинг эмас, адиглар ва абазинлар болаларини? Харид қилиб, сотиб юбординг. Қанчасини, жавоб бер!

Иккаласи ҳам бирданига гўё бир-бири ҳақида янада ёмонроқ нима дейишни билмай жим бўлиб қолишди.

– Такрор айтаман: менинг йўлимга тўғаноқ бўлаверма,– деди Ҳожи Керантух.

– Сенинг қаерда дуч келишингни ҳам билиб бўлмайди,– деди Шардин Алоу ўғли,– қаер иссиқ кўринса, кунгабоқар мисоли каллангни ўша ёққа бураверасан.

– Ўчир овозингни! Сен мени қон тўкишга ундаяпсан.

– Шунақами? Негадир мен бу ерда қон тўкишга қодир эркакни кўролмаяпман,– деди кўполлик билан Шардин Алоу ўғли Ҳожи Керантух кўзларига тик қараб.

– Ҳой, сен зоти паст, душман билан жангларда ўз ҳаётингни нега асраб юрганингни энди билдим! Ажалинг улар кўлидан эмас, менинг кўлимдан етишини истаган экансан-да!– Ҳожи Керантух кутурганча оти устидан сакраб тушди-да, ханжарини чиқариб, Шардиннинг устига ташланди.

У ҳам ўрнидан жилмасдан ханжарини чиқарди. Отам билан мен уларга халақит беришга улгурмасдан онам қичқирди:

– Ҳой, иккалангни ҳам аёл туққанини унутманглар,– деганича онам бошидан рўмолини сидириб олиб, иккаласининг ўртасига ташлади.

Ҳозиргина бир-бирини тилка-пора қилишга тайёр икки эркак ба-равар тўхтади. Бир-бирига қараганча анчагача жим туришди.

– Сен ҳали бунинг учун афсусланасан, Зауркан!– бақирди Ҳожи Керантух, узангисини ушлаб туриш учун унга яқинлашганимда.

У отига сакраб минди-да, узангиси билан уни ниқтади ва ҳовлимиздан учиб чиқиб кетди. Шардин Алоу ўғли бўлса яна бир неча дақиқа ҳовлимизда наридан-бери юриб турди.

– Хўш, кўчишга тайёрмисан?– сўради у отамдан.

– Нимани тайёрлаймиз? – отам боши билан уйга ишора қилди. – Уни ўзимиз билан олиб кетолмасак? Сен айтишинг билан йўлга тушаверамиз.

¹ Адиглар ва абазинлар –Адигей ва Қорачой-Черкасия худудларида яшовчи миллатлар.

– Биз катта турк кемаси “Нусред-Баҳри”да сузиб кетамиз. Айтишларича, у шундай каттаки, бирданига тўрт минг кишини олиб кета оларкан. Кема дарғаси бизни арзонга олиб кетишга рози бўлаяпти. Фақат пулини олдиндан, кемага ўтиришимиз билан тўлашимиз керак экан. Пулинг борми ўзи? – сўради Шардин отамдан.

– Бунга қурбим етармикан, билмадим, топишга ҳаракат қилман, – деди отам.

– Бошқа пайт бўлганда сизлар учун ўзим тўлаган бўлардим. Ҳозир ҳеч вақом йўқ, ўзим пулсиз қолдим, – деди Шардин ва хачири томон юрди.

Онам уни бирга овқатланишга чорлади, лекин у кўнмади, бошқа ташвишлари борлигини айтди.

– Ҳожи Керантух ҳозир қутурган итга ўхшайди, – деди у хачирга минар экан. – У сенинг қўшнилариңни ўз томонига оғдириб олади, деб кўрқаман. Кечқурун уларни бировнинг уйига тўпла. Уларнинг олдига ўзим келаман... – У дарвозадан чиқар экан, отамга сўнгги ўгитларни бериш учун орқасига ўтирилди: – Имкони борлар кечгача пул тўплаб қўйишсин.

У шундай деб жўнаб қолди, биз унинг орқасидан бўшашганча қараб қолдик. Кўрган ва эшитганларимиздан сўнг ўзимизга келолмасдик.

Онамнинг оқ рўмоли ҳамон ерда ётарди. Отам уни ердан олди-да, қоқиб, деди:

– Қўй, бу рўмол ҳамиша оппоқ бошингда бўлсин. Унинг ўрнини қора рўмол эгалламасин. Шу рўмол ҳозиргина икки меҳмонимизни қон тўкишдан асраб қолди. Гарчи қон тўкилмаган бўлса-да, мен жуда кўрқаяпман. Биз ўз еримизни қолдириб, йўлга чиқаяпмиз, бу йўлнинг охири эса кўринмайди. Бизнинг ҳомийларимиз бўлса биз учун тортишишяпти, худди ўзаро молларни бўлишаётгандай. Бир-бирини ўлдириб қўйишларига сал қолди. Ё Тангрим, наҳотки бизлардан шунчалик нафратланасан!

Отам онамнинг олдига бориб, унга рўмолини берди. Мен эса Ҳожи Керантухнинг: “Сен ҳали афсусланасан, Зауркан” деган сўзларини эсладим. Кўрққанимдан юрагим орқамга тортиб кетди. Кечқурун ва бутун тун бўйи шу кўрқувдан фориг бўлолмадим ва эрталабдан булоқ томон шошилдим. Эрталаблари Фелдиш сув олгани шу булоққа келарди. Бу чашма бизнинг уйдан узоқ бўлса-да, унинг уйига яқин эди. Уни қачон ва қаерда қутишни яхши билардим. Биз икки йилдан бери шу жойда учрашиб турардик. Энди булоқ бўйидаги улкан каштан остида учрашдик.

– Энди нима қиламиз, Фелдиш? – сўрадим мен. – Бизнинг валинеъматимиз Ҳожи Керантух тўғрисида айтилаётган гаплар ростмикин?

– Отам кеча менга рост деб айтди. Кеча кечқурун отамнинг қўшниларга айтган гапларига қараганда, Ҳожи Керантух унга қарашли бўлган деҳқонларни давлат ҳисобидан кўчириб кетиш учун чор генералларининг розилигини олган эмиш.

– Яна нималарни эшитдинг?

– Яна шуни эшитдимки, Ҳожи Керантух барча деҳқонларни ким қайси кемада кетишини белгилаб берибди. Кемалар сузиб кетганга қадар деҳқонларнинг ўз қишлоғидан бошқасига боришни, бошқа қишлоқ йигитларига эрга тегишини, йигитларнинг эса уйланишини ман этибди.

– Ҳаётни тўхтатиб қўймоқчимикан, нима бало? – бақирдим аламдан.

Шунда у менинг умидсизлигимни кўриб, қўлимни аста қисиб қўйди.

– Бугун отам Ҳожи Керантух олдига боришга ваъда берди. Тиз чўкиб, бизнинг оила сизлар билан кетишига изн беришини сўрайман, – деди. Отам мени сендан айиришни истамайди.

У мени юпатишни қанчалик истарди! Унинг отаси тиз чўкиб илтижо қилажагини эшитиш нақадар аччиқ эди?!

– Отанга айт, беҳудага ўзини хўрламасин. Ҳожи Керантух бунга ҳеч қачон кўнмайди. Эмикдош биродаримиз Шардинга қасдма-қасд рози бўлмайди.

Фелдиш бу гапни эшитиб бутунлай бўшашиб турганида узоқдан онасининг товуши эшитилди, У қизини чақираётган эди. Фелдиш бир сесканиб тушди-ю, кўзани олиб, булоққа шошилди.

– Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама, – дедим мен унга етиб олиб. – Эртадан кейин, кун чиқиши билан шу ерга, каштан тагига кел. Мен ота-онамни огоҳлантириб, сенга уйланаман. Эртадан кейин сен бу ердан мен билан кетасан.

– Менинг ота-онам, уруғларим-чи? Улар нима қилади? – деди Фелдиш ва йиғлаб юборди.

Мен уни илк дафъа кўксимга босдим, юзидан кўз ёшларини артдим. У кўзани олишга шошилди, лекин мен илдамлик қилдим. Кўзани булоқ сувига тўлдирдим. Бизнинг ақидага кўра, тўла кўза – бахт аломати ҳисобланади. Ушанда бу бизнинг энг сўнгги бахтли кунимиз эканини қаёқдан билай!

Кўзани ўзим кўтариб, елкасига қўйиб бердим. Орқасидан бормай, изидан қараб қолдим. Илон изи сўқмоқдан тепага кўтариларкан, икки ўрим кўнғир сочи белида чулғаниб борарди.

– Қаердасан, Фелдиш? – эшитилди юқоридан онасининг овози.

– Бораяпман, ойи. Кўрқманг, шу ердан, – жавоб берди қиз.

Унинг овозини сўнгги бор эшитаётганимни қаёқдан билай?!

Йўқ, ундаймас, мен унинг овозини ҳаётимда яна бир марта эшитганман. Лекин бу ҳақда кейин айтаман, азизим Шарах. Бунгача ҳали анча бор. Сенга бутун узоқ умримни гапириб беришим учун бир четдан айтишим керак. Бўлмаса адашиб кетаман.

Кейинги кун кўчишга тайёргарлик билан ўтди. Кўчиш арафаси бўлгани учун кечаси билан ҳеч ким ухламади. Йўлга олинадиган ҳамма нарсани йиғиштириб бўлиб, сўнгги бор ёнаётган ўчоқ олдида ўтирардик. Отам онамга йиғлашни тақиқлаб қўйди. Узоқ йўлга чиқиш олдидан, шунингдек, урушга жўнаш олдидан кўзёши қилиш бахтсизлик келтирармиш. Лекин онам ўзини тутиб туrolмасди. Кўз ёшларини кўрсатмаслик учун онам юзини рўмоли билан ўраб олганди. Лекин оққан кўз ёшидан қўйлаги ҳўл бўлаётгани шундоққина кўришиб турарди. Ё Оллоҳ, қанча кўзёши тўкди ўшанда онам! Бунчалар кўзёшини қаердан олди экан? У биз учун, Цебелдадаги биродарлари учун йиғларди. Улар ҳақида ҳеч нарса билмасди. Ҳозир денгизда сузиб кетаётган, турмушга чиққан тўнғич қизи ҳақида қайғуриб кўзёши қиларди.

Ўша тун шундай ўтди, тонг отди. Биз ҳовлига чиқдик. Укам ҳам қўлтиқтаёқда ташқарига чиқди. Отам бизга нонушта қилишни тайинлади. Аёлларга йўлга кўпроқ егулик олишни буюрди. Сигирларни соғмадик, далага ҳайдаб юбормадик ҳам – уларни ҳовлида қолдирдик.

Уйдагилар жўнаш олдидан қилиниши керакли ишлар билан банд эканлар, мен, келишганимиздек, булоқ бошига югурдим. Мендан ҳеч ким ҳеч нарса суриштириб ўтирмади, бундай нарсалар тўғрисида ош-

кора гапириб бўлмаса-да, мен ота-онамга қайлиғимни олиб келишимни билдириб қўйгандим ва улар бунга тайёр эканини билардим.

Мен ўрмон оралаб шундай тез чошиб борардимки, орқамдан отлик қувса ҳам етолмасди. Ёшлик ҳамиша умидларга тўла бўлади ва мен юзимга чирс-чирс урилаётган шохчаларга парво қилмай, олға интилардим. Чопардим ва тасаввур қилардим: қайлиғим Фелдишни уйимизга олиб бораман-да, сингилларимни чақириб: “Мана, келнойингиз”, дейман.

Мен Ҳожи Керантухнинг ташвиши кўплигини билардим, унга қарашли бўлган деҳқонлардан тўрт юз оилани йўлга тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Ана шундай талотумда ўз Фелдишимни қутқариб қоларман, деб ўйлардим.

Ўзимизнинг каштангача югуриб бордим, лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди. Қаттиқ жароҳат олган одамдай, ҳаракат қилишга ҳолим йўқ, каштан атрофимда гир айлана бошладим. Қаерга боришни билмасдим. Атрофида баҳор майсалари уна бошлаган булоқ ёнида синган кўза ётарди.

Нега у бу ерда синиб ётибди? Балки уни елкасига кўтараётганда тасодифан синдириб қўйгандир? Балки уни “энди кўриша олмаймиз” деган ишора сифатида ўзи синдиргандир? Бирдан тузатиб бўлмас ҳол юз берганини ҳис этдим ва энди отаси ёки онаси кўриб қолишидан уялмай, тепага, уларнинг уйларига қараб чопдим. Дақиқа ўтмай дарвозаларига етиб бордим.

Бўм-бўш ҳовли: на мол бор, на ит. Уйнинг эшиклари беркитиб, қоқиб ташланган. Атроф жимжит. Фақат том устида қора мушук, мени кўриб миёвлади. Худди: “Қаерда эдинг, ҳаммаси тамом бўлгач, бу ерда қиладиган нима ишинг бор?” деб сўрагандай бўлди.

Улар йўлга мен ўйлагандан анча олдин чиқиб кетишибди. Буни тушунгач, мен йиртқичлардек тишларим билан Ҳожи Керантухни бурдалаб ташлагим келиб кетди. Ҳолбуки, яқиндагина унинг учун жонимни беришга тайёр дедим. Лекин энди нима ҳам қила олардим. Фелдишни олиб кетаётган кема ҳозир узоқ денгизда бўлса керак!

Уйга қайтиб, ўз отим Бзоуни олиб чиқдим. Бизда ягона шу от қолганди: отам ҳамда укамнинг отлари сўнгги жангларда ҳалок бўлганди. От билан дарёга тушдим, уни чўмилтирдим, уйга қайтиб келиб уни сўнгги бор маккажўхориға тўйдирдим ва яна ташқарига олиб чиқдим. Буни кўрган онам ва сингилларим қўллари билан кўзларини беркитиб хўнграб юбордилар. Менинг Бзоум эса ҳеч нарсани билмай оргимдан қувноқ одимлаб келарди. Баъзан боши билан елкамга туртиб, “минсанг-чи!” дегандай бўларди.

Биз кенг ўлангга чиқдик. Бу ерда мен баъзан кечқурунлари от ўйнатиб, чавандозлик қилардим. От севишиб, атрофимда айлана бошлади.

– Менинг содиқ Бзоум, мени неча бор ҳалокатдан қутқариб қолгандинг. Энди бўлса менинг кўлимда ҳалок бўласан, – дедим ва саринига бағримни босиб йиғладим.

Кейин юганини оғзидан олиб, уни майсазорга ҳайдадим. Биз отимиз ҳам, ўзимиз ҳам ёв қўлига тириклай тушмасликка қарор қилгандик. Отни ким ўстирган бўлса, ўша отиб ташлаши лозим эди. Мен ёнимдан тўппончани олиб, бармоғимни тепкига қўйдим. Бзоу олис бормаи, ёнимда ўтлар, узун, чиройли думини силкиб-силкиб қўярди.

“Уни бўрилар бурда-бурда қилиб ташлаганида менга анча осон бўларди”, ўйладим мен, отишга ҳеч кўзим қиймай, ниҳоят, отнинг қулогини нишонга олиб, тепкини босдим, лекин тўппонча отилмади.

Иккинчи марта тепкини босиш жуда оғир бўлди. Қаттиқ жароҳатланган от бир неча бор сакради, гўё ўлимдан сакраб ўтмоқчи бўлаёт-

ганди, сўнг майсазорга қулади. Узоқда яна бир неча ўқ овозлари эшитилди — у ерда ҳам ўз отларини ўлдиришаётганди. Эҳтимол, шу дақиқада ўзимни жуда ҳам шафқатсиз ҳис этдим.

Кейин Бзоуни ўз қўлларим билан кўмиб, устига тош қўйдим-да, ўзимизнинг қабристонга йўл олдим. Оиламиз ўша ерда бўлса керак, деб ўйладим. Шундай бўлиб чиқди. Олисданоқ қариндошлари қабри бошига тўпланган кишиларнинг йиғилари эшитилди. Яқинроқ боргач, отамни кўрдим. У бобом ва бувим қабрлари олдида тиз чўкканича, кўкрагига уриб йиғларди. Унинг ёнида укам қўлтиқтаёқда турарди. Яраси тиз чўкишга халақит берарди. Онам билан сингилларим улардан четроқда кичкина мазор ёнида йиғлашарди. У ерга болалигида ўлиб кетган акам кўмилганди.

Ўғли қабри узра йиғлаб бўлган онам отамнинг ёнига ўтди ва кўзёши аралаш қайната, қайнанаси қабрлари тепасида дуо ўқиди:

— Бувалар ва бувилар, қабрингизда тинч ором олинглар. Набирангиз ёнгинангизда. У сизларни зериктириб қўймайди. Биз бечоралар эса кетаяпмиз, қаёққалигини ўзимиз ҳам билмаймиз.

Ўша куни бутун убихлар юрти шундай йиғлади, гўё ҳар бир оиладан биттадан марҳум олиб чиқиляётгандай эди.

Азизим Шарах, чоллар ва болалар биргаликда йиғлашганини ҳеч кўрганмисан? Агар эшитмаган бўлсанг, Оллоҳ бунга ҳеч қачон йўл қўймасин. Дунёда бундан даҳшатлироқ йиғи йўқ. Бу йиғини эшитиб, бизнинг тоғларимиз қандай чидади, бу йиғига қуламай, қандай бардош берди! Дарё ва сойларимиз ўша куни тўкилган кўзёшларидан қандай қилиб шўр қўлга айланмадилар! Йиғлаб бўлгач, мазорлар бошида кўзаларда шароб ва егуликлар қолдирдик. Биз марҳумлар учун егуликлардан имкон қадар олиб келгандик, бу билан қалбларимизни хотиржам қилиб, ҳар ким ўз уйига йўл олди.

Уй совуқ, ўчоқдаги олов сўниб бўлганди. Отам ўчоқдан совуган мамалиг тўла қозонни кўтариб, ташқарига олиб чиқди, кучукларни чақирди, том орқасига ўтиб, овқатни итларга бўлиб берди, токи улар озуқа билан овуниб, орқамиздан эргашмасин. Бизлар қимир этмай турардик, гўё ҳозир кетадиган жойимиздан сира қайтиб келмаслигимизни билаётгандек эдик. Олдинда уни нима кутаётганини билмаса, инсон нақадар ожиз бўлиб қоларкан!

— Кетдик! — деди отам. — Қўшнилари уйларида чиқа бошлашди.

Отам бошидан қалпоғини олди, уйнинг ўртасида туриб шифтни кузата бошлади, гўё у ердан осмон кўринаётгандай.

— Ё Оллоҳ, ўзинг ёрлақа, биз шўрлик бандаларни!

Кейин отам ўчоқ ёнига борди.

— Сен ўз иссиғинг билан менинг аждодларимни, отамни ва онамни иситдинг, мени ва болаларимни иситдинг. Сени ўчирганим учун мени кечир.

Отам шундай деб, қурумдан қоп-қора бўлиб кетган ўчоқ занжирини ўзига тортиб, лабларига босди. Сўнг ханжарини чиқарди, ўчоқ ёнидаги ерни кавлаб, ундан бир сиқим тупроқ олди-да, латтага тугиб, боғлади.

— Мен ўлганимда бу тупроқни менинг кўксимга сепинглари, — деди отам мен билан укамга. — Энди эса кетдик, вақт бўлди!

Отам уйдан энг охирда чиқиб эшикни ёпар экан, гўё: “Қаёққа кетаяпсизлар?” деб нола қилгандай эшик қаттиқ гийқиллади.

— Кетишимиз олдида эшикнинг гийқиллаши яхшилиқ аломати эмас, — деди отам ғамгин ва яна дуо ўқиди: — Ё Оллоҳ, борган жойда кирадиган уйимизнинг эшиги берк бўлмасин-да. Бизни уй-жойсиз қолдирма, танграм!

Биз уйимиздан йироқлашиб борганимиз сари сафимизга кўпроқ кишилар келиб қўшила бошлади. Бизнинг қўшнимиз аравада бемор онасини ҳам олиб кетаётганди, шўрлик, мана беш йилдирки, тўшакдан туролмасди.

– Мени нега олиб кетаяпсизлар?– дерди бечора инграб.– Мени шу ерда қўмиб кетинглар...

Йўлга ҳар тарафдан халқ оқиб чиқа бошлаётганди. Агар орқага қайрилиб қарасанг, жўнаб кетаётганларнинг охири кўринмасди. Ҳамма ғамгин ва жим кетиб борарди.

Бир неча соат юрганимиздан кейин, йўлимиз бошқа йўл билан туташган жойда қаттиқ товушларни эшитиб қолдим: бир гала одам йўлни тўсиб қўйганди. Мен ва бир неча йигит чоллар ва аёлларни қувиб ўтиб, югуриб олдинга чиқдик. Қарасак, шундоқ йўлнинг ўртасида, тўхтаб қолган оломон олдида қиличини яланғочлаб Аҳмад Баракай ўгли турибди. Унинг оқ оти йўл бўйидаги дарахтга боғлаб қўйилибди.

– Майли, мени ўлдиринглар, лекин мен тирик эканман, ёнимдан биронтангни ҳам ўтказмайман! – бақирарди у, қўлида қиличини ўйнатиб.

– Ҳалиям кеч эмас, етим бўлиб қолган уйлариингга қайтинглар, ҳали совуб улгурмаган ўчоқларингни қайтадан ёқинглар!

– Йўлдан қоч, Аҳмад! Бизларни кемалар кутаяпти.

– Сизларни кемалар кутаяпти. Лекин сизни алдашганини тушуниб етганингизда, сизни қайтариб олиб келишмайди. Мен Туркияда кўп марталаб бўлганман ва яхши биламан, у ерда бизни очлик, қуллик ёки ўлим кутмоқда. Султон ўғилларингизни тортиб олади, қўлларига қурол бериб, жанг қилгани жўнатади ва улар ҳеч қачон ёнингизга қайтиб келмайдилар. У сизларни шунинг учун ўзига чақирмоқда, фақат шунинг учун!

Аҳмад Баракай ўгли бақириб гапирарди. Гарчи у оломонни бир неча дақиқа тўхтатиб турган бўлса-да, лекин унга ҳеч ким қулоқ солгиси келмасди.

– Сен нима истайсан ўзи? – сўрашарди ундан. – Кофирлар болаларимизни зўрлаб чўқинтиришларини истайсанми? Биз мусулмонимиз ва мусулмонлар юртига кетаяпмиз!

– Йўқ, сизлар учурумга кетаяпсизлар! Таг-туби йўқ жарликка кетаяпсизлар! – ақлдан озгандай қичқирарди Аҳмад Баракай ўгли.

– Халойиқ! Наҳотки мана бу тентакнинг бирор одами йўқ, уни тинчитгани.

– Унинг акаси Наврўз аллақачон кемада сузиб кетаяпти.

– Яқинлашманглар менга! –қиличини сермаб ҳамон бақирарди Аҳмад. – То тирик эканман, биронтангизни ўтказмайман! Кетганлар кетиб бўлди. Лекин сизлар қайтинглар, ўз уруғларингизни асраб қолинглар!

– Ҳой, Аҳмад! Агар бизларга яхшилиқни раво кўрганингда, ўз халқингдан ажралиб қолармидинг? У билан бирга кетмасмидинг?

– Орангизда бирорта ҳақиқий эркак йўқми, мени чопиб ташласа-ю, халқимнинг ўлиб кетаётганини кўрмасам! – бақирарди Аҳмад жойидан бир қадам орқага жилмай.

Бироқ оломон аёллар ва болаларни унга яқин қисиб келди ва Аҳмад уларга теголмай, орқага чекинди. Ниҳоят, оломон уни бир чеккага суриб юбориб, денгизга қараб йўлида давом этди. Ҳеч ким унга қарамади ҳам.

Денгизга яқинлашиб борганимиз сари сафимиз кенгайиб ва кўпайиб борарди. Сал олдинда, икки ёнидан икки набираси суяб олган

сўқир Сакут кетаётганди. У ўз апхиарца¹ сини чалган тўй, байрамларни жуда кўп кўрганман. Келаётганимизда унга кўзим тушмаган эди. Ҳозир денгизга яқинлашганимизда у апхиарчасини белидан ечиб олди-да, созлади, торлар устидан камонни юргизиб кўрди, аввал чалди, кейин қуйлай бошлади. У қадамларини зўрга судраб босарди, лекин овози ҳамишагидек тоза ва шундай баланд эдики, у чолнинг овози эканига ишониб бўлмасди.

О, нақадар аччиқ бу қисмат,
Аччиқ нақадар!—

куйлар эди у.—

Юртимиздан бош олиб,
Кетсак дарбадар!
Мунча катта бўлмаса,
Бу денгиз, бироқ,—
Мунча кичик бўлмаса,
Бир сиқим тупроқ,
Ватан тупроғи!

Шўрлик диёр бўшаб қолар,
Шоҳда музлар какку ҳам.
Энди кимга умр йилин
Санаб беради қушчам?
Хайр-хўш қилдингизми,
Марҳумлар-ла бирма-бир.
Айтдингизми уларга
Қайтмаслигингиз, ахир?!

Буни уларга айтмай,
Кетиш катта гуноҳдир.
Ўликларни ҳеч қачон
Алдаш мумкинмас, ахир!

Сакутнинг олдида ва орқасида кетиб бораётган кўплаб кишиларга унинг овози ва апхиарчасининг товуши баралла эшитиларди.

Бир қайрилиб қарайлик
Сўнг бор тоғларимизга,—

дея куйлар эди у.—

Қаранг, бари мунғайиб
Кўз тикар бизга.
Ахир улар билишмас,
Биз қайга кетаяпмиз.
Бугун улар бағрини,
Нечун тарк этаяпмиз?!
Ўгирилиб қарайлик,
Эслаб қолишсин бизни.
Уларга қолдирайлик,
Мунгли кўшиғимизни!
Токи кўшиқ-куйимиз
Ўчмас акс-садо берсин,
Тоғдан тоққа урилиб
Доим жаранглаб турсин!
Гар онаси бағридан
Кетиб қолса боласи,
Унинг кетгани учун
Айбдордир онаси.

Яхши ўйлаб боқинлар —
Айбдорми, онаси?
Ахир фарзанд доғида
Кўкка ўрлар ноласи.
Нега она айбдор
Фарзандлар кетганига.
Она чидарми, бағрин
Фарзанд тарк этганига!
“Нега кетмоқдасан сен
Айбим нимада, болам”, —
Дея йиғлайди она,
Йиғлар тоғ, ўрмон, дала!
Жавоб кутар она ер,
Жавоб кутар дарё, тоғ.
Қаштанзор, қарғайзор,
Ўланг, майса — ҳар гиёҳ.
Кечир биз шўрликларни,
Кечир, она ер!
Биз ожизмиз қолишга,
Бизга оқ фотиҳа бер?
Сенга қолдирамиз биз
Қалбларимизни фақат.
Бизлар мангу кетамиз,
Қалблар қолгай тоабад.

Оҳ, Тангрим! Ўшандан буён қанча йиллар ўтди, қулоқларимда эса ҳамон дарду алам кўшиғи жаранглаб турибди. Ерга тушган дондан майса униб чиққанини неча бор кўрганман. Ҳаёт туғилишини неча бор кўрдим, лекин кўшиқнинг туғилишини ҳаётимда бир мартагина кўрганман. Бу кўшиқ ўша даҳшатли кунда денгизга олиб борувчи йўлда пайдо бўлди ва бизлар билан абадий қолди. Бизнинг елкаларимиз гам юкидан букчайиб қолганда дав-

¹ А п х и а р ц а — мусиқа асбоби.

ра қурардик-да, ичимизда шу қўшиқни энг яхши биладиган одамни ўртага чиқарардик. Кейин шу қўшиқни то ҳолдан тойгунча айтардик ва ишонасанми, азизим Шарах, бу чарчоқдан анча енгил тортардик.

Соҳилга чиққанимизда, у ерда оёқ қўядиган ер йўқ эди. Бутун соҳилни одамлар ва моллар босиб кетганди. Йўлга нима олишимиз мумкин-у, нима мумкин эмаслигини Шардин Алоу ўғли огоҳлантирган эди. Лекин бошқа кўпгина оилалар ўзлари билан молларни ҳам олиб кетишга имкон бўлар, деган умидда чорвани соҳилга ҳайдаб келишганди.

Денгизда, соҳил яқинидаги қоялардан нарида пароходлар ва елканли кемалар турар, қайиқлар юк ва одамларни таширди. Эмикдош биродаримиз Шардин Алоу ўғли оиласи ва ўзи билан олиб келган нарсаларни елканли кемаларнинг бирига ортганди. У бизга катта кемада сузиб кетамиз, деб ваъда берганди. Лекин бизни алдаган экан. Унинг ўзи кемадан соҳилга қайтиб келиб, бу ерда унга қарашли одамларни битта-яримтаси алдаб ёки ўғирлаб кетмасин, деб хабар олибди, энди тасбеҳини ўғирганча бизни кутиб турарди. Бошига телпак эмас, турк фас'и кийиб олганди. Гарчи унга очиқ айтолмасам ҳам у ҳақда ичимда ўйладим: “Сени бу ерда таниш қийин-ку, у ерда қандай таниймиз?”

– Ҳамма келдими, Хамирза?– сўради у отамдан.

– Ҳамма шу ерда,– деди отам.

– Унда нега кутиб ўтирибсизлар, одамларни қайиқларга ўтқазавринглар. Фақат тирик молни олманглар. Қайиққа одамлар чиқсин,– дея такрорлади у.

Бизлар қайиқларга жойлашдик. Қайиқлар бирин-кетин соҳилдан узоқлашар, тўлиқ бориб, бўш қайтарди. Турклар бақирар, бизларни шоширишарди. Аммо, азизим Шарах, сиз – абхазларда айтишганидай, “кимнинг қайиғига ўтирсанг, ўшанинг қўшиғига жўр бўласан” ва биз уларнинг сўкишларигагина эмас, ҳатто тегишларига ҳам чидаб борар эдик.

Кун ботганда соҳилда очликдан “мў-ў”лаётган сигирдан бошқа бирорта ҳам жон қолмаганди. Мен ва бир неча йигит қўшнилариимизнинг ҳаммасини жўнатиб бўлгач, соҳил тошларини ўпиб, қайиққа сакраб чиқиб олдик.

Мен нега ўлиб кетмадим? Бир оёғим соҳилда, иккинчи оёғимни қайиққа қўяр эканман, юрагим нечун тарс ёрилиб кетмади? Ўшанда ўлиб кетсам қандай бахт эди! Қанча бахтсизликни кўрдим бу узун умримда!

Сўнги қайиғимиз соҳилдан тобора узоқлашиб борарди. Бирдан ҳамма бурилиб орқага қаради, мен ҳам ўғирилдим. Оқ тулпорда соҳилга учиб келаётган чавандозни кўрдик. Аҳмад Баракай ўғлини ҳамма таниди. У отидан сакраб тушди, жиловини жониворнинг елкасига ташлади-да, уни бўш қўйиб ҳайдаб юборди, ўзи бўлса, сув қирғоғидаги қоя устига чиқиб олди. У бизларга қўл силтаб, нимадир деб бақирди, лекин денгиздан эсаётган шамол унинг сўзларини учуриб кетди.

– Келинлар, орқага қайтиб, уни ўзимиз билан олиб кетамиз,– дедим мен қайиқдаги қўшнилариимга.– Унинг бир ўзини қолдириб бўлмайди, ахир!

Шерикларим индашмади, улар нима қилишни билмай иккиланишарди. Лекин бу муаммони Аҳмаднинг ўзи ҳал қилди. Биз тўппон-

¹ Ф а с – туркларнинг цилиндрсимон попукли қалпоғи.

чадан отилган ўқ овозини эшитдик, менга озгина тутун чиққани ҳам кўрингандай бўлди. Ўқ овози эшитилди, аммо Аҳмад ҳамон қоя четида турарди. Кейин у бир чайқалди-да, денгизга қулади, оти бўлса ўқ овозидан ҳуркиб, бўм-бўш соҳил бўйлаб чошиб кетди.

Биз ҳаммамиз доврираб қолгандик. Боя йўлда у бизларни тўхта-тиб қолмоқчи бўлганда, унга қулоқ солмагандик. Энди бўлса унинг ўлими қалбларимизга қайғу солди.

“У биз билмайдиган бирор ҳақиқатни билса керакки, шундай йўл тутди!” – қайиқда ўтирганча бизлар шундай ўйлардик. Ҳолбуки, бу ҳақда ўйлашга кечиккан эдик. Убихлар юрти бўм-бўш эди. Аҳмаднинг бахтсиз танасини эса сув соҳил тошлари орасида наридан-бери сураб, гўё уни гоҳ денгиз, гоҳ эса соҳил ўзига тортаётганга ўхшарди.

Кишилар билан тўлдириб ташланган бизнинг елканли кемамиз қийшайиб бурилди-да, очик денгизга йўл олди. Бизлар соҳилдан узоқлашган сари тоғларимиз қораси хиралашиб борарди. Мен уларга ўрганиб қолгандим. Мен уларнинг бағрида ўсдим. Мен тоғларимизни ўшанда қандай кўрган бўлсам, ҳамон шундай эслайман. Яна бироздан сўнг тоғлар қораси кўздан бутунлай гойиб бўлди.

Сўқир Сакут апхиарцасини яна қўлга олди, у энди қўшиқ айтмас, фақат соз чаларди. Мусиқа товуши гоҳ кўтарилар, гоҳ пасаярди. Унинг овозини гоҳ тўлқинлар шовқини, гоҳ мачталарнинг гичирлаши босиб кетарди. Баъзан апхиарца бутунлай жимиб қоларди. У жимиб қолганда, юрагим тўхтаб қолгандай бўларди. Мусиқа бутунлай тинди. Мен секин қариянинг ёнига бордим. У палубада, ўзининг эски черкасча чакмонида нимчасини тагига қўйиб ўтирарди. Уни етаклаб келган икки набираси, чолнинг икки ёнида, бошларини унинг тиззасига қўйганча ухларди. “Унинг ўзи ҳам ухлаб қолган, шекилли”, ўйладим мен ва яқинроқ бордим. Қария ухламаётганди. Кўздан оққан ёш томчилари чаккасидан ўрмалаб соқолига тушар, ундан худди ердан олинган бир сиқим тупроқ сингари кўксига маҳкам босиб турган апхиарцага томарди.

“Ё Оллоҳ! – ўйладим мен, – Наҳотки у кўр кўзлари билан ҳозир денгиз туманида бизлар энди ҳеч қачон қайтмайдиганимиз Она ернинг гира-шира қорасини кўраётган бўлса?”

ИККИНЧИ КИТОБ

ҚАНИ ЎША ЖАННАТМАКОН ЕР?

Кечаси яхши ухлай олмадим, эрталаб барвақт турдим-да, ёндафтар ва қаламларни тайёрлаб қўйдим, ҳовлида қарияни кута бошладим. Бугун нима ҳақида гапириб бераркан?

Эрталабдан осмонни булут қоплади, бутун атроф тақир дала, сукунатга чўмган, гўё у ҳам мен билан бирга бугун сўнгги убихнинг сўзини тингламоқчи, бегона юртда уларнинг аҳволи қандай кечганини билмоқчига ўхшайди.

Бу ёқларга келаётганимда Туркиянинг бир чеккасида ўз она тилида гапира оладиган яккаю ягона одамни учратишимни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Шунисига шукрки, унинг онаси абхаз қизи экан ва менинг ватанимнинг тили уни ва мени боғловчи ришта бўлиб хизмат қилаётир. Ахир у абхаз тилини билмаслиги ёки уни унутган бўлиши ҳам мумкин эди-ку. Унда нима бўларди?

Менинг убиҳ тилини яхши билмаслигим туфайли иккимизнинг туркча гаплашишга ўтишдан бошқа чорамиз қолмасди. Бунда яна тақдирнинг аччиқ ҳазили ўзини намоён қиларди.

О муҳожирлик, муҳожирлик, убиҳларнинг фожиаси сендан бошланмадим?! Бу сўз менга болалигимдан таниш. Лекин ўшанда мен унинг маъносини тўлиқ тушунмасдим.

Бу лаънати сўз уч марта Абхазияни хонавайрон қилган эди.

Қарияларимиз бир орага келиб, давра қурганча ўтмиш воқеаларидан сўз очсалар, биттаси бу биринчи муҳожирлик пайтида юз берганди деб гап бошларди. Бошқаси, йўқ, иккинчи муҳожирлик пайтида, дерди. Агар менинг отам Лумандан қачон туғилгансиз, деб сўрасалар, учинчи муҳожирликнинг иккинчи йили, деб жавоб берарди. Ҳа, бу сўз халқимиз хотирасида қаттиқ ўрнашиб қолган! Халқ муҳожирликка тушиб қолди, дейилганда менинг болаларча тасаввурим қандайдир улкан лойқа сув оқими кутилмаганда босиб келиб, кишиларни чирпирак қилиб қаёқларгадир оқизиб кетгани гавдаланади.

Лекин, гарчи шу улкан сув оқими чиндан ҳам ўн минглаб абхазни оқизиб кетган бўлса-да, барибир абхазларнинг тақдири охиروқибатда убиҳларга нисбатан бошқача тус олди. Ўз юртида қолган абхазларнинг ўчоғи бутунлай сўнгани йўқ, борган сари гуриллаб ёнаётир. Ахир бошқача бўлиши ҳам мумкин эди. Кимдир ихтиёрий, кимдир тазийқ остида ўз юртини тарк этса, убиҳларнинг куни уларнинг бошига ҳам тушмасмиди!

Ахир ким ўша қонли воқеалар изидан бу ерга келиб убиҳлар ёки абхазлар тилини ўрганарди? — деган савол туғилади. Ўша одам ким бўлиши мумкин эди? Ҳар ҳолда мен эмас. Бу ёққа келиш у ёқда турсин, дунёга келишим ҳам гумон эди! Ҳозир менда бор бўлган ҳамма нарса — билимим, ихтисосим, ватаним, менинг ўқитувчиларим ва ўқувчиларим бўлмасди, умуман, бўлиши мумкин эмасди.

Мен бу ёлғиз қариядан, ўликлар орасида яшаётган шу сўнгги тирик одамдан эшитганларимнинг барчаси убиҳларнинг ҳалокатли йўли олдиндан белгиланган эди, улар ўзлари учун бошқа қисматни танлашлари мумкин эмаслигидан далолат бермоқда. Лекин мен ҳам кўп жафо чеккан халқ фарзандиман. Тарихи убиҳларга ўхшаш, лекин тақдири бошқа халқнинг фарзандиман. Мен бу ерга келган мамлакатнинг тарихи: “Ҳа, аслида улар билан бўлган воқеа бизларда ҳам содир бўлиши мумкин эди!” демоқда. Бўлиши мумкин эди, лекин юз бермади! Агар шундай бўлса, убиҳлар йўқ бўлиб кетиши керак эди, деган мантиқ бемаънилик эмасми?!

Мен ўз хотирамдан бизнинг тарихимиздаги убиҳлар тарихига ўхшаш барча ҳолатларни титкилаб чиққанман, лекин — йўқ! — уларда бошқача тақдир бўлиши мумкин эмасди деган фикрга қўшилолмаيمان, истамайман ҳам! Ва менинг абхаз бўлганлигим ҳамда бугун бу ерда ўтирганлигим ҳам ушбу умидсиз мантиққа зиддир!

— Нимани ўйлаб қолдинг?

Орқага ўгирилиб, Заурканни кўрдим.

Мен сакраб ўрнимдан туриб унинг: яхши ухладингми, тўшагинг юмшоқми, қорнинг очмадимми? — деган саволларига жавоб қайтардим.

Кейин у ўзининг қўлбола курсисига оҳиста чўкди-да, дарахтга суянди. Нигоҳини олис-олисларга тикканча, на менга, на атрофимизни ўраб турган муҳитга бирор сўз сарфламай, юз йил олдинги кунларга, ҳозир фикрини банд қилиб турган дамларга қайтди.

Тўлқинлар бизлар юртимизни тарк этиб, чиқиб олганимиз турк кемаларини зўр бериб олға ҳайдарди. Сендан яширмайман, Шарах, ўша дамларда қалбларимизда ташвиш билан бир қаторда умид ҳам бор эди. Мана, денгиз ҳам ортда қолди ва бизлар кўчманчилар тақдирини танлаган барчамиз – кексалар ва ёшлар, аёллар ва эркаклар, бизга номаълум бўлган юрт соҳилига қадам қўйдик. Афсуски, бизни ҳеч ким кутиб олмади, султоннинг марҳаматли таклифи ҳам бўлмади. Бутун соҳил бўйлаб у ер-бу ерда ўтириб олишганди. Улар бўронга дуч келиб, йўлидан адашган қушлар галаларига ўхшардилар. Шардин Алоу ўғлининг қарол-мулозимлари орасида бизнинг оиламиз ҳам бор эди. Бизлар бу ерга “Нусред-Баҳри” кемасида етиб келдик. Ўша пайтларда у катта кема ҳисобланарди. Кемадан тушгач, бандаргоҳдан унча узоқ бўлмаган ерга, Самсун шаҳрининг яқинига жойлашдик. Қандайдир хавфни сезган йилқилар уюри сингари бир жойга тўдаланиб олгандик. Бизлар йўлга олганимиз майда-чўйда лаш-лушлар зарур эҳтиёт буюмлари эди. Уларга қараб бизни уй-жойи куйиб, кулга айланган, қўлига илинган нарсасини олиб ёнғиндан қочиб қолган одамлар деб ўйлаш мумкин эди.

Ё Тангрим, пешанасига ғарибликда яшаш ва ўлиш қисмати ёзилган одам ўзини нақадар бахтсиз ҳис қиларкан!

Илк баҳор ойи энди бошланаётганди. Қадам қўйган ва юришим керак бўлган тупроқ кимсасиз чўли биёбон бўлиб кўринди менга. Нафас олиш қийин, худди ҳаво етишмаётганга ўхшарди. Балки қалбимизга тош бўлиб чўккан ҳасрат туфайли бизга шундай туюлгандир. Қуёш осмонда қаердандир пайдо бўлган булут ортига яшириниши билан этларимиз совуқдан жунжикиб кетди, лекин у яна чиққан заҳоти жазирамага айланди-қолди.

О, азизим Шарах, бизнинг ҳалокатимиз кемаларга бошлаб келган нотўғри қадамдан бошланди. Яшил яримой билан тамғаланган ўша кемаларга лаънатлар бўлсин!

Мен бизлар “Нусред-Баҳри” кемасида сузиб келганимизни сенга айтган эдим. Бунақанги уч мўрили кемалардан бир нечтаси келган эди. Қанча вақт ўтиб кетди, лекин уларнинг номини ҳамон эслайман: “Маҳмедия”, “Ассари-Шафқат”, “Усмония”. Уларга ёрдам учун елканли кемалар ҳам етиб келганди. Одамларни ташигани учун кема капитанларига худди мол сингари – ҳар бошга ҳақ тўланарди. Хасислар тошни ҳам сиқиб сувини олади деб бежиз айтишмаган. Кемалар жонли мол билан оғзигача тўлдириларди. Биз чиққан кема капитани афсусланди: “Яна ортардим-у, чўкиб кетади, деб кўрқаман”. Узоқ суздик. Сув ва озиқ-овқат захиралари тамом бўлди. Пўртана бошланди. Одамлар денгиз касалидан азоб чекардилар. Ҳатто жасоратлилар ҳам даҳшатга тушдилар. Илтижолар лаънатларга айланди, тавқи лаънатлар илтижоларга ўтди, аммо кема ходимларидан ҳеч қандай ёрдам бўлмади. Агар азобларга чидай олмасанг – ўлавер. Дафн этишнинг қийин жойи йўқ, мозор қозишга ҳам ҳожат қолмайди. Шамол кемалар кутганидек эсмайди. Бўрон пайтида елканли кемалардан бирини узоқ ғарб томонга – Варнага олиб кетди. Кемада ичимлик сув етишмаслиги, ифлосликлар ва кўпкунлик чайқалишлар туфайли жирканч безгак, ич терлама касалликлари тарқалди. Одамлар қирила бошлади. Кема Самсун бандаргоҳига етиб келганда тирик кишилар жуда кам қолганди. Соҳилда уларга тушишга руҳсат беришмади. Ўлат бутун шаҳарга тарқалади деб кўрқашарди. Кема сувга лангар ташлади. Бахтиқаро муҳожирлар соҳилда черкасча кийинган кишиларни ёрдамга чақира бошладилар. Биз нима ҳам қила олардик? Қўлимиздан келгани – елканли кемагача

сузиб борардик, ичимлик сув тўлдирилган кўзаларни улар туширган ишларга боғлардик. Соҳил кўриқчилари сўкиниб, “агар ёрдам беришни тўхтатмасанглар, ўт очамиз”, деб дўқ урардилар.

Одамлар ҳамма жойда одамлигича қоладилар, Шарах. Садзларнинг кичик бир қишлоғи аҳолиси бизнинг орқамиздан оқ елканли кемада сузиб боришарди. Кутурган пўртана уларнинг кемачасини ёнғоқ пўчоғидай у ёқдан-бу ёққа ирғитиб ўйнарди. Жўшқин тўлқинлар кемачанинг қуруқликка яқинлашувига имкон бермасди. Ташналикдан эсини йўқотган одамлар денгиз сувини ича бошлашди. Биринчи бўлиб гўдаклар ўла бошлади. Улар серёғин кунда қирила бошлаган парвоналардай ҳалок бўлишарди. Денгизчи аскарлар уларнинг мурдаларини денгизга итқитардилар. Аёллар орасида битта бева бор эди. Мурғакки-на ўғлидан бошқа бу ёруғ оламда унинг ҳеч кими йўқ эди. Шу бахтсиз аёлнинг гўдаги ҳам касалга чалиниб, кўп ўтмай ўлди, шўрлик она боласини бағрига босганича аллаларди. Денгизчилар унга яқинлашиб келдилар, аёл “алла”сини бошлади:

Алла болам, чироғим,
Ором ол, болам,
Алла, кўзи қароғим,
Ухлаб қол болам.

Денгизчилар аста орқага қайтиб кетдилар. Аёлнинг “алла”си марсияга айланди.

Ухла, ухла қароғим,
Кўзинг очиб нетдинг-ов.
Ёлғизгинам, кимларга,
Мени ташлаб кетдинг-ов.

Одамлар ҳаммасини кўриб, билиб турардилар, лекин индамасдилар. Учинчи кун маййит ҳидини сезган аскарлар онанинг қўлидан ўлик болакайни тортиб олиб, денгизга улоқтирдилар. Эс-ҳушини йўқотган она ўғилчасининг кетидан ўзини денгизга отди. Уни ушлаб қолишга ҳеч ким улгуролмади.

Инсон – тирик жон, у хотирасини йўқотган какку эмас. Денгизда ўлим аяганларнинг ҳаммаси қуп-қуруқ соҳилга чиққач, бу жойларни худо унутган жой экан-да, деган қарорга келдилар. Бирорта ўсимлик битмаган, бичилган қул юзини эслатувчи ажиндор бу ерлар биз ташлаб келган мангу яшил соҳилга асло ўхшамасди. Ҳақиқатан ҳам, Шарах, мол-мулкнинг қиммати уни йўқотгандан сўнг билинаркан. Одам қадами етмаган ўрмон билан қопланган шовуллаб турган даралар, улкан чинорлар тагидан шилдираб оқаётган муздек булоқ сувлари, улар ёнига тиз чўкиб оби-ҳаётдан ҳовучлаб ичиш завқини унутиш мумкинми? Бизнинг ерларимиз очил дастурхонга ўхшарди. Унинг бағрига кирган, ҳавосидан нафас олган инсон, ҳеч қачон оч қолмас, совуқ эмас эди. Табиатнинг ўзи унга ғамхўрлик қиларди. Ўрмон чеккалари ва майсазор ўланларда ертут¹, хўжағат, маймунжон – тўйганингча е! Шумуртларнинг ҳидидан киши маст бўларди. Ёввойи узум, анжир, ёнғоқзорларни айтмайсанми?! Дарахтлар коваклариди ёввойи асалари тўплаган болнинг ҳиди димоқларни қитиқларди. Тоғ эчкилари, кийиклар, тагин қопқонга тушадиган жониворларнинг қай бирини санай, жилғаларда хонбалиқ, холдор сулув, эҳ-ҳе, ғуж-ғуж, қармоқ ёки тўрнинг кераги йўқ, шундоқ қўл билан ушлаб, сув бўйида

¹ Е р т у т – ёввойи қулупнай.

ўт ёқиб, оловга тоблаб кабоб қилиб еганга не етсин! Ер юзида бунақанги иккинчи жаннат йўқ, лекин инсоннинг ўзи жаннатдан қочар экан, барча йўллар уни дўзахга бошлаб боради. Буни бизлар бу ерга келганимиздан сўнг тушундик, азизим Шарах! Тушундик, аммо кеч бўлган эди.

Худо одамларни тенг қилиб яратди, лекин уларга турлича ҳамён берди. Бизнинг ҳукмдоримиз Шардин Алоу ўғли бу ерга келгач, ҳеч қийналмай таниши — малаосиёлик савдогарни излаб топди. Самсун яқинида ўзига қулай ва тўқ бошпанага эга бўлди. Биз оддий бандалар қаёққа ҳам борардик? Совуқдан сақланишга бошпанани ким ҳам берарди? Бошингга кулфат тушдимми — фақат ўзингга ишон! Қарасак, нарироқда чағиртошдан тикланган омборхоналар турибди. Ўнтача бор. Улар дон сақланадиган жой экан. Турк тужжорлари Кавказ соҳилларидан олиб келган маккажўхори донини шу омборларда сақлар эканлар. Бу тош қурилмаларнинг биттасидан ташқари, барчаси бўш экан. Ургимчак ини билан қопланган ана шу сағаналарда яшашга мажбур бўлдик. Жанобимиз ва валинеъматимиз Шардин қандай аҳволга тушганимизни кўриб гангиб қолди.

— Афтидан, қандайдир англашилмовчилик юз берганга ўхшайди, — дея кўнглимизни кўтармоқчи бўлди. — Мен аниқлаштираман, ишни ўнглашга ҳаракат қиламан. Сизлар эса руҳингизни туширмай, сабр қилинглар.

Бизга умид тизгинини тутқазиб қўйиб, ўзи Истанбулга жўнашга тайёрланди. Маълумки, бойликни қаровсиз қолдириб кетилмайди. Йўлга чиқиш олдидан хотинини олдига ўтқазди-да, қаттиқ тайинлади:

— Ягона синглимга кўз-қулоқ бўлиб тур. Бу мамлакатда аёллар — ноёб мол ҳисобланади. Кимдир ўзига оғдириб олса ёки ўғирласа, анчамунча пул ишлаб олади. Шунинг учун агар, Шандага бирор нарса бўлса, сен жавоб берасан...

Шардиннинг ташвишланганича бор эди, унинг шундай гўзал синглиси — йигирма ёшли Шанда сингари қиз учун ҳар қандай ака қайғуриши турган гап эди. Ҳали убиҳлар юртидаёқ унинг гўзаллиги ҳақидаги хабар бутун тоғ ўлкаларига ёйилганди. Абхазия, Адигей, Кабарданинг муносиб йигитлари унга совчи қўйгандилар. Айрим мард йигитлар қизга ёқса-да, у акасига сўз қайтаролмасди, шу боис совчилар қуруқ қайтардилар. Шардин жуда мағрур ва шуҳратпараст эди. Синглиси тақдирини ҳал қилар экан, у ўз манфаатларидан воз кечолмасди. У қудратли куёви бўлишни орзу қиларди. Унинг таъсиридан кучқувват олишни, ўзи ҳам юксалишни истарди.

Инсоф билан шуни ҳам айтиш керакки, гўзал Шанда ўз қийматини яхши биларди. Болалигидан эркатой қилиб ўстирилган қиз убиҳ дворянлари орасида ўзини кўз-кўз қилишни яхши кўрарди. Башанг кийинишни ёқтирадиган Шанда олифта либосларга ўч эди. Эркаклар мулозаматини кўрганда эриб кетар, лақмалиги билан ажралиб турарди. Синглиси учун бутун масъулиятни хотинига юклагач, келин ойининг ташвиши баттар ортди.

Шанданинг исмини яхши эслаб қол, дад Шарах. Ҳазилкаш тақдир ундан қандай юз ўгирганини айтиб бермоқчиман. Бахт ва бахтсизлик эгизак бўлади, иккови бир сўқмоқдан юради. Шанда, о, мафтункор Шанда! Унинг ёлғиз акаси ҳалокатига сабаб бўлиши ва бизнинг ночор аҳволимизни баттар ёмонлаштиришни ким билибди, дейсиз.

Ҳаёт бор жойда яхшиликка ишонч ҳам бўлади. Шардин Истанбулга кетди, уни умид билан кутардик. Бир ҳафта кутдик, икки ҳафта ўтди. Ундан эса дарак йўқ.

Очлик жондан ўтиб борапти. Уйдан олган егуликларимиз тамом бўлди. Ёнимиздаги бор пулимизга атрофдаги новвойхоналардан нон сотиб олардик. Пулимиз тугагач эса, уйдан оилавий буюмларни сота бошладик. Жуда арзонгаровга сотардик. Чунки очлик савдолашиб ўтирмасди. Баққоллар ва дўкондорлар шунча одам оч қолаётганини кўргач, ўз дўконларини беркитиб қўйишди, очлик оч бўрини ҳам ўрмондан ҳайдаб чиқишини улар яхши билардилар. Бу аҳволни кўрган султон ҳукумати бошини қашиб қолди.

Тоғлик муҳожирлар қуролланган эканини кўргач, турклар хоҳлаган жойларингни танлаб яшайверинглар, деган ваъдаларидан тондилар. Маъмурлар кўрққанларидан бизларни бўлиб ташлаб, мамлакатнинг турли қисмларига жойлаштиришга қарор қилдилар. Бу жойлар олис, аҳоли кам яшайдиган, ҳосил бермайдиган, сувсиз ерлар эди. Бизга ваъда қилинган жаннат боғлари, сут дарёлари осмонга учдикетди. Ваъдалар ваъдалигича қолиб кетаверди. Келишилган ёрдамни ҳам, чорва молларини ҳам беришмади.

Норозилик билдириб, талаб қила бошладик:

– Шартларни бажаринглар! Убихлар кўчиб келган кунидан бошлаб беш йил мобайнида солиқдан озод қилинадилар деб келишилган эди, сизлар бўлсангиз солиқ тўлашни талаб қилаяпсиз! Қуръонни қўлга олиб ўғилларингизни ҳарбий хизматга олмаймиз деб қасам ичгандингиз, лекин уларни аскарликка олаяпсиз! Бу қанақаси?

Кимдан талаб қиласан? Муғомбирона иршайиб, кафтларини бири-бирига ишқалайдилар:

– Қани бу ҳақда султон муҳрлаган қоғоз? Сўз бергансиз, дейсизларми? Сўзга солиқ солиб бўлмайди. Сўз – фармон эмас.

Бир нарсани яхши ҳис қилардик: улар биздан кўрқардилар. Кўрқмай бўладими, ноилож қолган одамдан ҳар нарсани кутса бўлади.

Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, дастлабки пайтларда, бизларни худди эътиборсиз қолдиргандек бўлишди: гўё, бақириб-чақирришади-ю, барибир, тинчиб қолишади, дегандек. Попуклари пасайиб, ҳовурларидан тушиб қоладилар, деб ўйлашди.

Тош омборлардан бири, боя айтганимдай, макка дони билан тўла эди. Очлик амр этди. Шунда бизнинг йўлимизни тўсадиган одамга сира ҳасад қилмасдим. Эшиклардан қулфларни бузиб ташлаб, омборни шип-шийдон қилиб бўшатдик. Яқин атрофда тегирмон йўқ эди. Бировлар маккаж-ўхорини тош билан майдаладилар, бошқалари оддийроқ йўл тутдилар. Донни сувда қайнатишди. Очлик – энг яхши ошпаз. Улжамиз узоққа етмади. Шунда биз атроф қишлоқларга изғий бошладик. Виждонан айтишим керак, турк деҳқонлари ўзларида борини биз билан баҳам кўришди. Ёлғиз кўйлақда, совуқда қалтираб турган одамга кийилавериб уриниб қолган кийимини бердилар. Нон ҳам берардилар, садақа сифатида эмас, балки баҳам кўргандай улашарди. Лекин шунча очни тўйдириб бўлармиди? Оч қолган кишилар тўдаси тошган сувга ўхшайди, ўзига йўл излайди, имкон қидиради. Иродамизга зид ўлароқ, бизлар талончига айландик-қолдик. Ўзимиз йиртиқ-ямоқ кийинсак ҳам қуролларимизни кўз қорачигидек асрардик. Ёшлар абрек¹лар тўдасига қўшилар, уларни очлик бошқарарди. Улар чорва молларини ҳайдаб кетар ва гўштларни қавмларига бўлиб берардилар. Шаҳарларга ҳужум қилиб, кийим-кечак ва пойабзал дўконларини талардилар. Ҳақиқатни яшириб бўлмайди, Шарах, ҳар икки томоннинг ҳам қони тўкиларди. Бизлар тўғримизда қароқчилар деган шов-шув тарқалди. Бизлар билан болаларни кўрқитишарди. Самсун

¹ А б р е к – қароқчи.

кўчаларида тоғликлар жулдурвоқиси чиқиб изғиб юрардилар. Уларнинг кўзлари очликдан телбаларча олов бўлиб порларди. Илма-тешик черкасча чакмонларида қоқ суяк қовурғалари ва кураклари, йиртиқ чорикларидан кир бармоқлари кўзга ташланарди. Улар савдойилардек, олма-кесак терадиган кўзлари билан емакхона, қаҳвахоналарга бостириб кирар, хўжайинлар ва мижозларни даҳшатга солардилар. Ҳолдан тойган касаллар ва кексалар эса бемажол дарахтлар соясида чўзилиб ётар, юзларида гужгон ўйнаётган хира пашшаларни зўрға ҳайдардилар.

Бири иккинчисини йўқотган, кўчиб юрувчи қуш сингари мен ҳам Фелдишни йўқотган эдим. Эҳтимол, у денгизда, кемада сузаётган пайтда ҳалок бўлгандир. Ёки... Миямда ҳар хил ғамгин фикрлар чарх урарди. Мен унинг ота-онаси қариб қолганини билардим, зарур бўлиб қолганда унга ёрдам беролмасликлари мумкин эди. Кўнғир соч, қадди-қомати келишган, икки ўрим сочи товонини ўпадиган, бодомқовоқ Фелдиш Онадўли соҳилларида ҳеч кимнинг назарига тушмасдан қолиши қийин эди.

Турк пошолари ва бой савдогарларининг ҳарамлари ажнабий қизлар ҳисобига тўлдириларди. Фелдиш эса убиҳ қизи эди. Бу кўп нарсани билдирадди: Убиҳ қизлари ва аёлларининг жозибадорлиги ва фазилатлари Туркия соҳилларига биз бу ерларга қадам босмасдан анча олдин етиб келганди. Балки Фелдиш, жулдур кийимда, очликдан силласи куриб, қаердадир яқин атрофда тентираб юргандир. Ёвуз иблис эса бизнинг учрашишимизга атайлаб халақит бераётгандир.

“Фелдиш, севгилим, қаердасан, жавоб бер”, — деб бақирардим мен хаёлан. “Кимдан сўрасам, кимдан билсам, унинг тақдири ҳақида ким хабар бераркан?” — ўйлардим мен тентираб. Ўша кундан, йўқ, кундан эмас, биз бу ерга келган ўша соатдан бошлаб, фақат бир нарсани билишни истардим: убиҳлар сардори ҳожи Берзек Керантух қаёққа кетди экан? Ўзига келганда-ку, менга қолса йўқ бўлиб кетмайдими ўша Керантух, унинг ҳозирги аҳволи мени асло қизиқтирмасди. Мен Фелдишнинг қисматидан ташвишда эдим. Фелдиш ота-онаси билан бирга унинг одамлари орасида бўлиши керак. Эшитганларимга қараганда, Керантух бу ёққа сузиб келган кемада унга қарашли барча деҳқонлар билан бир оз вақт Самсун бандаргоҳида бўлган, кейин кема лангарини кўтариб, Истанбулга йўл олган.

Мен тез-тез денгиз соҳилига келардим. Фелдишдан бирор дарак топиш илинжида эдим. Бир сафар кичик бир кемача соҳилга яқин келди. Ундан қандайдир қичқириқ эшитилди. Кемачадан тўртта турк матроси бандаргоҳга қўллари боғланган бир одамни итқитиб ташлаб кетишди. Ҳалиги одам черкасча чакмонда эди.

— Адлиа¹, — деди у гижиниб, сўнг кўпол сўкинди.

Кемача сузиб кетди. Мен ҳалиги одам ёнига бориб, ўрнидан туришига ёрдамлашдим. Мен унинг Ҳожи Керантух эмиклошларидан бири — Саид Дашан эканини билиб, роса ҳайрон қолдим.

— Нима бўлди! Нега қўлларинг боғлиқ ҳолда соҳилга ташлаб кетишди? — сўрадим мен.

— Нима бўлди, деяпсанми? — Акс садодай жавоб берди у, сўнг бир оз ҳовридан тушиб, қўшиб қўйди: — Бундан ёмони бўлмайди, Зауркан. Ҳаманинг бошига тушган кўргулик менинг бошимга ҳам тушди.

Бир вақтлар у чинакам баҳодир эди. Ҳар қандай арқонни бир тортишда узар ёки буқани шохидан ушлаб, ерга ағдара оларди. Ҳозир у аввалги Саид Дашаннинг соясига ўхшар, оёқда зўрға турарди.

¹ А д л и а — кўпшаклар (убихча).

– Оғзим қуриб қолди, – у тили билан лабларини ялади. – Агар эркак бўлсанг, менга бир қултум сув топиб бер.

– Ҳозир, Саид, ҳозир, – далда бердим унга, қўллари боғланган ипни ханжар билан кесарканман.

Биз соҳил бўйлаб борардик, у менга суяниб олганди. Қуёш ботаётганди. Унинг сўнги нурлари сувда эриб борарди. Қоронғи тушди. Шаҳар бир томонда қолди. Саид ҳамон елкамга осилиб олганди. Унинг ҳолдан тойганлигини, оёгини зўрға судраётганини тушундим. Мен уни нимжон бир бута ёнида қолдирдим-да, тезда қайтаман деб ваъда бериб, сув излаб кетдим.

Зўрға бир бурда нон ва бир финжон сув топдим. Саид сувни ютоқиб ичди. Сувни ҳар ютганда кекирдаги бориб-келар, қуриб қолган томоғида сувнинг “қулт-қулт” қилгани эшитилиб турарди. Ҳожи Берзекнинг эмикдош укаси ташналигини қондирди-да, нафасини ростлаб, алам тўла кўзларини менга қадади. Кўзларининг тубидан ёш қалқиб келарди.

– Биз тамом бўлдик, Зауркан! Бутун убихларнинг ҳолига вой. Ўз оёғимизга ўзимиз болта урдиг-а! – шивирлади у худди машъум хато учун ўзини ва бошқаларни айблаётгандек.

Унинг сўзларидан юрагим орқамга тортиб кетди, йўқ Саиднинг башоратини ёвуз ҳақиқат тасдиқлаб тургани учун эмас, балки бу гапни бир вақтлар руҳан кучли, ҳар қандай шароитда ҳам умидини йўқотмайдиган одам айтаётганди.

Ҳув олисда, денгиз билан осмон туташган жойда сўнги нурлар қизариб турарди. Худди туш каби кўзимга Фелдиш кўриниб кетди. Мана, ўша сиймо эриб, бўшлиққа сингиди. Мен ўзимга келдим. Умидворликнинг ингичкагина ипи кўлимда эди. Ўша ипни аста тортдим:

– Саид, тутинган оғанг ҳожи Берзек Керантух ҳозир қаерда, айтолмайсанми?

– Ушбу дўстсевар мамлакатнинг меҳмондўст маъмурлари унга Родос оролидан ер ажратишди. Бизнинг оиламиздан ташқари, унинг барча қариндош-уруғлари Ҳожи билан бирга, – деди аччиқ киноя билан Саид.

Мени ток ургандай бўлди, юрагим ҳаприқиб кетди. Эҳтиёт бўлиб, худди ўлжани ҳуркитиб юбормаслик учун умид риштасидан яна тортдим:

– Айт-чи, Саид, Керантух одамлари орасида деҳқон Абиж Вардан бормиди?

– У сенинг қўноғингмиди?

– Ҳа, – суюниб кетдим мен.

Саид менга диққат билан қараб, ярани боғлаётгандай шошилмасдан деди:

– Мен кетаётганимда Абиж оила аъзолари билан соғ-омон эди. Унинг чиройли қизи бор экан, жуда чиройли... – Кейин бошини хам қилиб, қўшиб қўйди: – Чиройли аёлларнинг шарманда бўлиши уларнинг ўлимга олиб келади.

Лекин мен, афтидан, унинг сўнги сўзларини эшитмадим, шекилли. Гўё елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Одамзот кулфатда фақат бугунги кун билан яшайди. Умидвор бир учқун ҳам унга қувонч бахш этади. Эртага юз берадиган ёвуз ва даҳшатли нарсани эса ҳали тушуниб улгурмайди ёки тушунишни истамайди инсон боласи. Чунки кеча содир бўлган воқеа билан эртага юз бериши мумкин бўлган воқеа ўртасида у нафасини ростлаб олади.

“Бугун бахтли оёғим мени қайғули тош омборидан олиб чиқди, — ўйладим мен. — Фелдиш, менинг гўзал Фелдишим тирик! Мен уни излаб топаман! Албатта, топаман, агар ўша оролга сузиб борсам ҳам”.

У бошини қуйи солганича рўпарамда ўтирарди. Менинг қувончимни сезмади, шекилли. Қотиб қолган нон бурдасидан бир чимдим узиб, бепарвогина олиб оғзига солди. Унга қараб туриб бирдан ўзимнинг нодонлигимдан уялиб кетдим. Чунки уни нега бу ерга бу тахлитда ташлаб кетишганини сўрамаган эдим. Ахир, Ҳожи Берзек Керантухнинг барча одамлари бошқа ерда-ю, нега уни бу ёққа улоқтиришди?

Буни сўраганимда, Саид нон чимдимини оғзига солишдан тўхтаб, урушқоқ шунқор мисоли сочлари ҳурпайиб, олисдан бошлади:

— Зауркан, бир сафар иккаламиз қилич яланғочлаб бир-биримизни ўлдиришга шай эдик. Худди хундор рақиблардай, жанжалга эса менинг ранж-аламим сабаб бўлган эди...

Саид қулайроқ ўтириб олди-да, денгиздан кўз узмай давом этди:

— Сенга эҳтиром кўрсатишди, убиҳлар етакчиси, менинг эмикдош оғам Ҳожи Керантух жондорларидан бири бўлишни таклиф этишди. Сен буни рад этдинг. Рад этишинг — ҳақорат қилиш билан баробар эди. Кўзларим қонга тўлди. Агар ўшанда бизларни куч билан ажратишмаса, ким билади, олишув қандай тугарди.

У нафасини ростлаб олди. Бутун гапи давомида денгиздан кўз узмасди. Ҳолбуки, у ерда ҳеч нарса кўринмасди. Бир оз кутиб турдим-да, эслатдим:

— Биласанми, Саид, мен ёшлигимдан Ҳожи Керантухни ҳурмат қилардим. У мен учун худо қаторида эди. Унинг учун ўйлаб ўтирмай жонимни беришга тайёр эдим. Лекин, Саид, осмонга қараб дуо ўқиш билан бир вақтнинг ўзида ердаги бор муқаддас нарсани топташ мумкин эмас. Керантух қуролни ташлаб, Туркияга кўчиб ўтишга рози бўлгач, етакчимизнинг ҳаёти учун мен ўз қийматини йўқотди. Шу боисдан мен уни кўриқлашдан воз кечдим. Тожни бошга кийдирадилар, оёққа эмас. Мени кечирасан-у, сенинг эмикдош оғанг қочоқлик етакчиси бўлди.

Шунда мен бирдан ноҳақлигимни англаб қолдим: Саид ўз оила-сида тарбияланган дворян учун жавобгар эмас. Бундай сўзлар билан айбсиз бировнинг қалбини жароҳатлаш, ҳатто ўлдириш мумкин. Лекин Саид Ҳожи Керантух ҳақидаги беписанд сўзларимни совуққонлик билан эшитди. Фақат бир сонияга юзи азобли бужмайди:

— Мен учун Ҳожи Керантух ўлди, — деди у.

Менинг овозим ярашиш оҳангида эшитилди: — Қўй ўша Керантухни, ўтмишни қовлаштиришнинг нима кераги бор, дегандай бўлдим.

— У барча убиҳлар учун ўлиб бўлган! Кўрларнинг кўзи қабрга етиб борганда очилди!

Мен ҳайратдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Чунки бу сўзни Ҳожи Керантухга қариндошдан ҳам устун кишидан эшитаётгандим.

— Менга қара, Зауркан, — деди Саид паст овозда. — Мен бу ҳақда бошқа кимга ҳам айта олардим... — Ва қамчи билан уриб вужудни ёндириб юборгудек деди: — У бизларнинг ҳаммамизни қўй сингари бир хил нархда пуллаб юборди. Кўчиб ўтиш... Лаққа тушишди. Сардорларимиз қаёққа борса, биз ҳам ўша ёққа борамиз! Вой, бахтсиз эшаклар-эй! Ўша, яхшигина пул ишлаб қолганлар орасида менинг эмикдош оғагинам Ҳожи Керантух ҳам бор эди, вабога йўлиққур!

— Қўйсанг-чи, Саид, сочи қирилган бош кал дегани эмас-ку. Ги-нахонликни газаб билан босиб бўлмайди. — Сўзларининг даҳшатли

маъносига қаршилиқ кўрсатиб ҳамда унга ишонишидан кўрқиб, Саидни тўхтатишга уриндим. Лекин у бўш келмади:

– Муқаддас Битхамиз билан онт ичаман, гапим рост. У сенга сирли тугунни ечиб беради. Менга танамдаги азоблардан оғир деб ўйлаяпсанми? Йўқ, Зауркан, йўқ! Мардона туриб, иккала қулоғинг билан ҳам эшит. Агар сен жасур тоғлик, рус подшосининг генераллари убихлар сардорини сотиб олганлигини билганингда, ўзингни қандай ҳис қилардинг? Хўш?

Мен ҳайратланиб, эътироз билдирмоқчи бўлгандим, Саид оғзимни очишга ҳам қўймади: – Жим, гапирма! Улар Керантухга фойдали битим таклиф қилишди: “Агар қон тўкилишини тўхтатиб, ўз халқингни Туркияга кўчишга кўндирсанг, бизнинг ҳукмдоримиздан шунча тилла оласанки, эвара-чевараларни уч марта боқишга ҳам етади. Уруш-ни тўхтатиш – ҳар икки томон учун ҳам фойдали. Ҳаммаси кўнгилдагидан ҳам аъло даражада бўлади”.

– Бу тахмин. Исбот-далили қани? – чидаб туrolмадим мен.

– Тўғридан-тўғри далиллар менда йўқ, билвосита далиллар кам эмас. Мен машҳур оғамнинг тан соқчиси – жондори эдим ва ундан бир қадам ҳам жилмасдим. Ўша куни, биз кемага юкларни ортаётганимизда, унинг ҳузурига штабдан иккита рус зобити келди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатдан кейин унга қимматбаҳо деҳча беришганини ўз кўзим билан кўрдим. Мен қутининг ичида тилла бор эди деб тасдиқлай олмайман, лекин унинг ичида қўй жуни бор эди деб сен ҳам айта олмайсан. Бунинг устига, бизнинг сардоримиз подшонинг Кавказдаги ноибни бўлган амакисига миннатдорлигини етказишни сўраганини ўз қулоғим билан эшитдим. Бу нарса сенга галати туюлмайдими?

Мени шундай бир ноҳуш туйғу қамраб олдики, Шарах, гўё тоғда кўчки мени гафлатда қолдиргандай бўлди. Мана, бошим устидан бир тош учиб ўтди, сўнг иккинчиси гумбурлаб ёнимга тушди. Саиднинг сўзлари тоғ бошидан кўчган ўша шафқатсиз тошларга ўхшарди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз тош бўлиб кўксимга санчиларди.

Керантух ҳаракатларининг жинойлиги Саиднинг ҳар бир сўзи билан инкор этиб бўлмас қилмишга айланар ва уни тасодифий вазият билан тушунтириб бўлмасди.

– Бизнинг кемамиз ҳам бошқа барча кемалар сингари дастлаб Самсунга қараб йўл олди. Соҳилга бир неча чақирим қолганда кемамизга кичик бир кемача сузиб келди. Унда порт амалдорларига ўхшаш бир турк келганди. У султоннинг шахсий вакили экан. У ҳожи Керантухга барча одамлари билан Истанбулга боришни таклиф қилди.

– У ерда сени вазир кутаяпти, – деди султоннинг вакили.

Агар ишинг юришмаса, қуруқликда ҳам чўкишинг ҳеч гапмас. Босфор орқали ўтиб, шаҳарга кириб бордик. Унинг устида яшил мачитнинг гумбази савлат тўкиб турарди. Соҳилга тушишга битта унга – убих халқининг бошлиғига рухсат этилди. Лекин биз уни тан соқчилари кузатиб боришини талаб қилдик. Биз – уч оға-ини, онамизнинг сутини эмган тутинган оғамизни кузатиб бордик.

Бош вазирнинг қабулхонаси – “Арз ўдаси¹” жуда ҳашаматли экан. Эшик олдида қўриқчилар. Бизни гиламлар тўшалган хонага олиб киришди. Қизил юмшоқ диванда чордона қуриб, баланд қизил фас кийган қора соқолли чол ўтирарди. Бош вазир шу одам экан. У ўрнидан турмади ҳам, мудраб ўтирган бу одам Ҳожи Керантухга қўлини ҳам

¹ Ў д а –хона.

чўзмади. Қўлларини кўксига қовуштириб, бошини сал қимирлатган бўлди. Қаердандир сояга ўхшаб пайдо бўлган хизматкор финжонда хушбўй ҳидли қаҳва олиб келиб, вазир олдидаги хонтахтага қўйди. Буюк вазир қаҳвадан бир хўшлади-да, тик турган Ҳожи Керантухга қараб гапирди:

– Буюк Оллоҳнинг ердаги ноиби, барча мўмин-мусулмонларнинг авлиё отаси, меҳрибон ва раҳмдил султон ва халифамиз ўзларининг олий қониқишлари билан шуни таъкидлайдиларки, сен ўз халқингнинг дўзах оловидан ва кофирлар нафратидан ўлиб кетишларига йўл қўймай, уларни тенгсиз ҳукмдоримизнинг жаннатмакон ерларининг халоскор масканига бошлаб келдинг ва унинг фуқаролиги ҳамда ҳимоясига киритдинг...

Бош вазир сўзини тўхтатиб, кўзларини юмди.

Ҳожи Керантух кўлини пешанасига қўйиб бош вазирга таъзим бажо келтирди. Вазир сўзида давом этди.

– Рус элчиси бизга мурожаат қилиб, олижаноб Ҳожи Берзек Керантухга биз томонимиздан алоҳида меҳрибонлик кўрсатилишини илтимос қилди. Қудратли султон ва ярим дунёнинг ҳукмдори олий-ҳимматлик билан бу илтимосни бажаришга рози бўлди. Бунинг устига, Ҳожи Берзек Керантух, сенинг хизматларингни ҳисобга олиб, Оллоҳ ҳамда унинг пайғамбари Муҳаммад шарафига, сахийлик кўрсатиб ва ўз ишончини ифодалаб, яримдунё ҳукмдори сенга турк пошоси унвонини беради ҳамда газнадан унвонга тегишли маош билан тақдирлайди ва Родос оролида сенга махсус ер-мулк ажратади. Сен тўрт юз жон ўз деҳқонингни олиб ўша ерга борасан ва буюк султонимиз саховати ва меҳрибонлигидан миннатдорлик туйғуларини дуоларга қўшиб изҳор қилгайсан.

Ҳожи Керантух буюк султонга ва унинг бош вазирга миннатдорлик билдирди. Менинг акам музокаралар пайтида маслаҳатчи сифатида шивирлаб Ҳожи Керантухни огоҳлантирди:

– Қариндошинг сифатида ялинаман, ўйлаб кўр. Сен халқимиз учун озмунча иш қилмадинг. Сен ҳамиша шойи байроқ каби баланд ҳилпираб турдинг, бизга етакчилик қилдинг. Бунақа пайтда ўзингни четга олиб, хотиржам яшашинг мумкин эмас. Убихлар сенга умид билан кўз тиқиб туришибди. Уларни алдаш, умидларини пучга чиқариш гуноҳ. Ўз фаровон ҳаётингни деб ватандошларингни ҳалокатга ташлашга, уларга жабр қилишга ҳаққинг йўқ.

Керантухнинг жаҳли чиқди. Акам билан ўзи ўртасида низо чиққангани билдирмасликка уриниб, жилмайиб туриб гўлдиради:

– Панд-насиҳатингни йиғиштир! Бу ер унақа гапларнинг ўрни эмас! Менинг сардорлигимни қайтаришдан кўра, ўликни тирилтириш осон. У ўша ёқда, денгиз ортида каштанли уй билан бирга куйиб кетди. Бегона худо нима-ю, ўз иблисинг нима, бари бир гўр.

Ва гўё акамга барс билан ўйнашган унинг чанг солишига ҳам чидаши керак дегандай қараб қўйди-да, Ҳожи Керантух эҳтиром билан бош вазирга яқинлашди, бир кўлини пешанасига, иккинчини юрагига қўйиб эгилиб таъзим қилди:

– Султоннинг марҳамати чексиз! Ана шундай олижаноб паноҳ остида, муҳтарам вазир, сизни ишонтириб айтмоқчиманки, шарқ осмонида порлоқ юлдуз – улуғ султонга ва сизга диним ва имоним билан хизмат қилишга тайёрман.

Бош вазир жонланди, қора кўзлари порлади. Бизларга ташлаган нигоҳида ўзидан мамнунликнинг ҳукмрон учқуни ярқираб кетди.

– Улуғ султонимизнинг генерали бўлиш – буюк шараф, – деди вазир. – Ярим дунё ҳукмдорининг ишончи ва меҳмондўстлигини

оқлашинг учун сен иккита шартни бажаришинг керак... — У диван ёнида турган юмшоқ ўриндиққа ўтиб ўтирди-да, қўшиб қўйди: — Улар бизнинг эътиқодимизга мосдир.

Керантух эътибор белгиси сифатида бошини эгди, лекин қанақа шартлар деб сўрамади.

Пихини ёрган вазир убихлар сардорининг эҳтиёткорлигини қадрлаб, худди намоз ўқиётгандек, деди:

— Оллоҳдан бўлак Худо йўқ ва Муҳаммад унинг расулидир! Пошо — яъни генерал унвони муносиб қўрилган кимса Қуръонга хос исм соҳиби бўлиши керак. Бизларда, насронийлардан фарқли ўлароқ фамилия бўлмайди. Шу бугундан эътиборан сен Ҳожи Берзек Керантух ўрнига Ҳожи Сулаймон пошо деб аталасан. Давлат пошолари китобига номинг олтин ҳарфлар билан ёзилади. Бу — бир! Ҳар бир пошо унвонига мос кийим кийиши лозим. Сен энди кавказча кийимингдан воз кечасан. Бу — икки, — деди вазир эътирозга ўрин йўқ деган оҳангда. Энди унинг юзида мудрашдан асар ҳам йўқ эди.

Ҳожи Керантухнинг ранги оқариб кетди. Убихлар сардорининг қалбида огир кураш кетаётгани сезилиб турарди. Унинг олдида бошвазир ўтирарди, орқасида эса биз — унинг миллати билан бир уруғдан бўлган халқнинг уч фарзанди турардик. Бизнинг тўнғичимиз чидаб туrolмади:

— Тилло Берзеклар, ҳукмдор бўлишга туғилганлар, Кавказ шоншухратининг гултожлари. Қадимийлиги ва донгдорликда бирорта дворян фамилияси сеники билан тенглаша олмайди. Сенга шу донгдор фамилияни лақаб билан ўзгартириш таклиф қилинапти. Эсингни йиғ! Унга айт, сен қул ҳам, асир ҳам эмассан...

— Жим бўл, — тўнғиллади Керантух.

Лекин акам, сўзида давом этди:

— Эслаб кўр, оқ сардор сенинг дўстлигингга эришиш учун полковник унвонини берган эди, лекин сен бундай шарафдан воз кечиш учун ўзингда куч топиб, олтин погонларни гулханга итқитган эдинг. Энди бўлса жангари шунқорни ғозга айлантирмоқчи бўлаяптилар. Шармандалик! Сен ҳарамдан чиққан жория эмассан. Агар бўш келсанг, сенга чодра кийдиришади. Мана бу қора соқолга, эркак учун черкасчадан яхшироқ кийим йўқ деб айт.

Бош вазир убихча тушунмасди. Лекин акамнинг юзидан унинг сўзлари порох тўла бочка устига олиб борилган оловга ўхшашлигини ҳис этди, шекилли. Бироқ султоннинг биринчи вазири ўта пихини ёрган тулак бўлганидан буни сездирмади ва қаҳрабо тасбеҳини ўгиришда давом этди.

— Мен сенинг қарорингни кутаяпман, — деди вазир.

Лекин Керантух унинг саволига жавоб бермади.

Бош вазирнинг кўзлари қисилди.

— Бизнинг муқаддас Қуръонимизда шундай дейилади: “Сени бахтли қилган одамга хизмат қила бил”. — Бирдан унинг овози кескинлашди: — Сен ўз одамларинг билан маслаҳатлашиб, марҳаматли султоннинг таклифини қабул қиласанми, — вазир бизларга нафратона назар ташлади, — ёки қандай йўл тутишингни сен эмас, сен учун улар ҳал қиладиларми?

Ҳожи Керантухнинг ёноқлари ғазабдан бўртиб кетди. У тишларини қисиб, кескин деворга ўтирилди, сўнг ўзини қўлга олиб, Бош вазирга яқинлашди:

— Мен султоннинг ўзини кўришни истайман. Ахир мен бутун халқим билан унинг фуқаролигига ўтдим.

– Ҳозир мусулмон тақвимининг тўққизинчи ойи. Рамазон. Муқаддас Рўза. Оллоҳнинг ноибиди – султон жаноби олийлари бу пайтда дунё ишларидан фориғ бўлиб, ҳеч кимни қабул қилмайдилар. Дуойи-ибодат билан бандлар. Покланиш ибодатини бажо келтирмақдалар: “Ла илаҳа иллоллоҳ, Муҳаммаду расулуллоҳ”.

Ҳозир рамазон эканини Ҳожи Керантух биларди. Бу пайтда мўмин-мусулмонлар рўза тутишларидан ҳам хабари бор эди. Лекин у султоннинг тақводорлигига ишонмасди, вазирнинг найрангига чап бериб эслатди:

– Буюк султоннинг онаси Адигейдан. У убихларга қондош. Хоним бизнинг одатларимизни яхши билади ва азобларимизни яхши тушунади. Бу олижаноб аёлнинг мени бир дақиқага бўлса ҳам қабул қилишини таъминлаш бош вазирнинг қўлидан келади, ахир.

Бош вазир қўлларини кўксига қўйиб, худди намоз ўқиётгандек оҳангда жавоб берди:

– Ибодат қилинлар, покланинлар... Барча мусулмонлар бошлиғи Оллоҳ билан мулоқотда бўлган пайтда, унинг яқинлари бу дунё ташвишларидан воз кечиб, Тангри таолога ибодат қилиш билан банд бўладилар.

Бош вазир яна кўзларини юмди, гўё мудрай бошлади.

Ҳожи Керантух вазирнинг ён босмаслигини тушунди. Ўжарлик қилиш, тагин бизнинг иштирокимизда яхшиликка олиб келмасди. Шунинг учун у бизларга бандаргоҳга бориб, унинг қайтишини кутиб туришимизни буюрди.

– Юзма-юз туриб гаплашсам, бу тулкини кўндиришим осонроқ бўлади, – деди у. – Боринлар!

Уни огоҳлантирдик:

– Жаҳлингга эрк берма. Эҳтиёт бўл! Ғазаб яхши маслаҳатчи бўлмайди!

– Ташвиш қилманлар. Эсим жойида, фақат маъқул шартларгагина кўнаман! – далда берди бизга у.

Биз жўнаб кетдик ва ой чиққунига қадар уни сабр билан кутдик. Ишон, Зауркан, бу менинг ҳаётимда энг қора кун бўлди.

Нима деб ўйлайсан, генерал Евдокимовнинг бутун армияси қаршисида бош эгмаган қаҳрамонларга бошчилик қилган, номи шунча йил убих халқи оғзидан тушмаган, оналар бешик тебратиб: “Улғайгин болам, худди Ҳожи Керантухдек жасур бўлиб ўс” дея алла айтиб, исмини алқаган бу одам қандай йўл тутди? Умидларга алданма, Зауркан! У бизни сотди, исмини ўзгартирди, турк пошоси бўлди ва чалвор кийиб олди. Агар бундай хоинликни онамиз билганида, ўзини кемадан денгизга отган бўларди.

Кейинги куни кема кўчманчиларнинг беш юз оиласи билан Истанбулдан чиқиб Родос оролига йўл олди. Бош вазирга тегишли оқ елканли кемача кузатиб бораётган улкан кемада биз ака-укалар, шўрлик онамиз ҳам йўқ эди. Биз уни вақтلىроқ соҳилга олиб тушгандик. Родосга сузиб бораётган убихлар улар ортидан келаётган оқ елканли кемачада шойи байроқ – Ҳожи Берзек Керантух келаяпти деб ўйлашарди. Унда Керантух эмас, балки янги чиққан пошо Ҳожи Сулаймон келаётганини улар билмасдилар. Онам нима бўлганини билмасди, биз унга айтишга ботинолмасдик. У бетиним такрорларди:

– Болаларим, уни ёлғиз қолдирманлар! Ўлганимда мени иззатикром билан дафн этади!

Юз берган ана шу воқеалардан сўнг мени бир фикр қийнади: ватанга қайтиш. Бирор нарса қилолмасам, ўзимни отаман. Мен оға-

иниларимни бир четга чақирдим-да, ўз ҳолимга қўйишларини талаб қилдим. Улар рози бўлишмади.

– Ўлсак ҳам бирга ўлаемиз! – дейишди улар.

Шунда мен яширинча уларни тарк этдим. Самсунга кетаётган кемага чиқиб олишга муваффақ бўлдим. Денгизчилардан биридан эртага Самсундан Адлерга қараб бир кема йўлга чиқишини билиб олдим. У ўша соҳилдан бир сиқимгина ахчисларни бу ёққа олиб келиши керак экан. Мен уйимга қайтиб боришим учун ўзимни шу кеманинг устунига боғлашга ҳам тайёр эдим. Лекин турк соқчилари менинг Олтин шохдан келаётган кемага чиқиб олганимни билиб қолишди, ушлаб қўлларимни боғлашди-да, соҳилга ташлаб кетишди.

Дум-думалоқ ой, кесилган калла сингари қонталаш бўлиб, тобора баланд кўтариларди. Саиднинг ҳикоясига жўр бўлиб тўлқинлар шовулларди.

– Кемага чиқаман деб ўзингни бекорга нобуд қиласан. Бизларга қўшила қол! Худо хоҳласа яхши кунлар келади! – кўндиришга уриндим Саидни.

Лекин у гапларимга кулоқ солмасди. У бош ёпинғичининг учини боғлаб ўрнидан турди.

– Аҳмад Баракай ўғли ҳақиқий эркакнинг ишини қилди! У башоратчи эди. Хайр, Зауркан, насиб қилса яна кўришармиз, – ва қўшиб қўйди: – Убихлар юртида...

Ҳожи Керантухнинг эмикдош иниси бандаргоҳ томон юрди, бора-бора у ўз сояси билан қўшилиб кетди.

“Эҳ, Саид, Саид! Бизлар хундор душман бўлиб қолганимизда қайтага яхши бўларди”, – ўйладим мен унинг орқасидан қараб қоларканман.

Кўп йиллардан кейин у менинг қўлимдан ҳалок бўлди. Бунга ўзи сабаб бўлди. Истамасдан қилган ўша гуноҳимни ҳамон кўтариб юрибман. Бу қандай юз берганини кейин билиб оласан...

ЁНАЁТГАН ТОҒЛАР

Қора денгизнинг Кичик Осиё соҳилида Трабзондан Истанбулгача бўлган ҳар қандай шаҳарда, ҳар бир қишлоқда очликдан кўзлари киртайган жулдирвоқи муҳожирлар изғиб юрарди. Уларнинг жаннатмакон ерлар ҳақидаги орзулари шафқатсиз пушаймонга айланди. Лекин йўқотилганни энди топиб бўлмайди. Дайди-дарбадарга ўхшаб кетадиган бу одамлар орасида фақат убихлар эмас, улардан олдин денгизнинг бу томонига кўчиб келган натухайлар, бжедухлар, адиглар қавми шапсуглар, ҳатто кабардинлар, гарчи улар оқ подшо билан қариндош бўлишган эса-да, бу ёққа анчаси кўчиб келган эди. Абхазларга қариндош садзлар ва ахчисларнинг ҳаммаси кўчиб келганди.

Шимолдан кўчиб келувчиларнинг ҳисобидан адашган Туркия маъмуриларини гангиб қолишди. Улар ҳатто бошқа миллатларнинг Туркияга юришини тўхтатиб қолишга ҳам уриниб кўрдилар, лекин кеч бўлган эди. Бизнинг ҳолимизга тушиб кўрмаганлар бу ҳалокатни билмайдилар. Ажал шамоли келар пайтини тайинламайди. Оч одам касалликлар олдида қуролсиз кишининг душманга дуч келганини эслатади. Ич терлама ва ўлат ўзларига бас келадиган куч йўқлигини билгач, чинакамига базми жамшид кўрдилар. Баъзи кунлар бу касалликлар шунчалик кўп одамлар ёстигини қуритардики, ўлганларга йиғловчилар, мурдалар қўмадиган одам топилмасди. Албатта, агар инсон ўлмаса ва тинмай туғилаверса, уларга

ер етишмасди. Лекин ўлимда ҳам ўлим бор. Жангда ҳақ иш учун ўлиш бошқа, бундай ўлим фахрли, ҳатто азиз ҳисобланади. Жанг майдонида ҳалок бўлган ботир изсиз йўқолмайди, ўздан сўнг унинг номи қолади. Оғир яраланган убих ўлим олдида мағрур қўшиқ куйлаши бежиз эмас. Ахир бу ерда, гурбатда дайди ит каби ўлиб кетганлар уйида ўлганларга ҳасад қилиши ажабланарлими? Ўлим ҳақ, ундан ҳеч ким қочиб қутулмайди. Лекин ўз уйинг, ўчоғинг ёнида жимгина жон бериш нақадар бахт, Шарах! Ўзинг ўйлаб кўр: мана сен ўлим тўшагида ётибсан, оилангдигилар бошинг узра ўтиришибди. Уларнинг юзини меҳр ва қайғу ёритиб турибди. Кўзларида ёрқин ва самимий ёшлар. Сен яқинларинг билан хайр-хўшлашасан, уларга узоқ ва иноқ яшашни тилайсан. Сенинг сўзинг эса қонун. Дафн маросими, меросни тақсимлаш ҳақида сўнги сўзни айтасан, кимнингдир гуноҳидан ўтасан, кимдир сенинг гуноҳингдан ўтади. Сўнги нафасинг чиқиб, худо жонингни олганда, яқину йироқдан, ёру биродарларимиз жанозангга келади, аза тутайди. Чўбин отда мозорга элтиб, қабрга қўядилар, яна анча вақт қора кийиб мотам тутайдилар.

Шўрлик муҳожирлар бунақа ажойиб ўлим ҳақида ҳатто орзу ҳам қилолмасдилар. Улар фақат бир нарса ҳақида қайғурардилар: уларнинг мурдаси қўмилса-ю, қўчада қолиб итлар ва қузғунлар ўртасида талаш бўлмаса бўлгани. Биз тош саройга тиқилиб олганлар даҳшатли касални бошқалардан олдин аниқладик. Қариялар вабонинг одамлар сичқон қумалоғи аралашган исли маккажўхорини ейишидан тарқалган деб ҳисоблашарди. Бу хавfli касалликдан оиламизнинг омон қолгани мўъжиза эди. Онам, отам, укам Мата ва икки синглим ҳозирча касалга чалинмаган эдилар. Лекин онамнинг кўз ёшлари тинмас, опам Ойшанинг ташвишида у мум сингари эриб борарди. Онам ёмон тушлар кўраётганини айтиб йиғларди. “Оҳ, шўрим қурсин, — дерди онам даҳшатга тушиб, — юрагим сезаяпти, шўрлик Ойша бу азобларга чидай олмайди. У ёқда, уйда мен ўлсам яхши эмасмиди, бу ерда қизимдан кейин қолиб яшаганимдан кўра... Ахир, унинг қорнида боласи...” Дарҳақиқат, Ойша фарзанд кутаётганди. Ўйлаб кўр, Шарах, атрофимизда ўлим, қайғу, ғам-алам, аёлнинг эса ой-куни яқинлашган. Бундан оғир қисматни шайтон ҳам ўйлаб тополмасди. Ойша эри билан биз сингари Самсун яқинида кемадан тушишган. Кейин улар соҳил бўйлаб ғарбга қараб юришган. Улар қаерда эканини билмасдик.

Ҳаёт бор экан, умид ҳам бўлади. Онам кўзларидаги ёшни кўриб, оиламиз ғамини аритиш учун мен Ойшани излаб келишга қарор қилдим. Отам ва укам билан шундай келишдик: агар Ойшани излаб топсам, у эри билан бизга келиб қўшилади. Мен денгиз қирғоғи бўйлаб йўлга чиқдим. Уйғонган қуёш менинг ортимдан бош кўтараётганди. Йўлда кўрганларим таърифга сиғмайди, муҳтарам Шарах. Қўлимга нон олиб қасам ичаманки, бу ҳақда ишончли одамлардан эшитсам ҳам, ишонмасдим. Унча узоқ қолиб кетмадим. Лекин қайтиб келганимда сочларим оқариб бўлганди. Бечора муҳожирлар, гўл муҳожирлар. Уларнинг чекига тушган қисмат ҳар қандай ғам-ғуссадан оғир эдики, буни тасаввурга сиғдириш қийин. Ҳалокатли вабо инсон ичига овқат ва сув билан кириб, кўчманчиларга қирон келтирарди. Одамлар чиқиндилар билан озиқлансалар, вабо қутурмай нима қилсин. Тоғда туғилган убихлар дарё сувини ичишдан ирганардилар. Ҳолбуки, дарё ирмоқлари қорли чўққилардан бошланарди. Улар чанқоқларини фақат булоқлардан қондирардилар. Агар уни икки марта эланмаган

бўлса, мамалиг¹ни ейишмасди. Энди бўлса эгасиз ит мисоли сассиқ ахлатхоналарни титкилардилар. Жулдир кийимдаги қизлар ва аёллар мени кўриб, ўзларининг уст-бошлари, яланғочлиги ва ночорлигидан уялиб яширинар, тескари бурилар, юзларини беркитардилар. Кирчир, ялангоёқ болалар – тирик суяклар қўлларини чўзиб менга қараб югурардилар:

– Нон! Нон беринг! – деб ялинардилар.

Ҳатто бағритош эркак ҳам бу болаларни кўрганда юраги ларзага тушарди. Бир сафар опам ва поччамни излаб юриб бозорга кириб қолдим. Сен ишонмайсан, Шарах, у ерда одамларни сотишаётганди. Эски танишимнинг беваси Казирхон шишган оёқларини зўрға судраб, иккита ўсмир ўғлининг қўлидан етаклаганча жар соларди:

– Болаларни сотаман! Болаларимни ким сотиб олади!

Ўзимни йўқотиб, ханжаримга ёпишдим ва аёлга хезландим:

– Ҳой, лаънати! Худонинг қаҳрига учрагур! Ўғилларингни сотишга қандай ҳаддинг сизди, махлуқ?!

У бошини кўтариб, атрофида кўкиш-қора доиралар ҳосил бўлган мунгли кўзларини менга тикиб, алам билан деди:

– Нима деяпсан, Зауркан? Сотмай нима қилай, ахир? – сўнг болаларига ишора қилиб, қўшиб қўйди: – Шундай кўз ўнгимда очликдан ўлгандан кўра, кимдир сотиб олиб, қорнини тўйгаздиргани яхши эмасми?

Қўлларим бўшашиб, ханжар дастасини қўйиб юборди.

– Убихлар қавмини ҳалок қилган Ҳожи Керантухни яшин уриб, ер ютсин, вабога учраб, ўлиб кетсин! – деди бева хайрлашиш ўрнига ва йўлида давом этди: – Кимга ўғил болалар керак? Ўғилларимни сотаман!

Аёл болаларига жони ачимасди, уларни сотиб, яна бир кун яшармиди, йўқми, номаълум. Шу пайт шовқин-сурон тўла бозорга семириб кетган ўрдақдай лапанглаб кўк фас кийган бақалоқ бей кириб келди. Унинг кетида қорайиб кетган малайи ҳам бор эди.

Бей Казирхонга яқинлашди. Имо билан уни тўхтатиб, болаларнинг у ёқ-бу ёғини ушлаб кўрди. Кейин болаларга қанча бериши мумкин бўлган нархни бармоқлари билан кўрсатди. Аёл савдолашиб ўтирмади. Харидор чолвори чўнтагидан пул чиқариб, Казирхоннинг оёқлари остига ташлади. Аёлнинг лаблари титраб кетди. Қалтираётган қўллари билан ердан пулни олди ва фақат бир бор болаларига нигоҳ солди. Мангу айрилиқ олдидан уларга сўнгги бор қараб қўйди. Лекин бу қандай нигоҳ эди, Шарах! Казирхон меҳрибон она эди ва фақат онагина ўз фарзандларининг ҳаётини қутқариб қолиш учун ҳар нарсага қодир. Узининг азоб-уқубати ва ўлими эса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Бейнинг малайи болалар қўлига бир бурдадан нон тутқазди-да, етаклаб кетди. Кўзларимни қўлларим билан беркитдим-у, юрагимда шундай оғриқ ва ҳасрат ҳис этдимки, худди кўксимга турклар ятағони² санчилгандай бўлди.

Эркин убихлар! Мағрур убихлар! Оилада ўғил туғилгач, юртдошимиз тоғларга, қуёшга, бутун қўшниларга жар солар, вориси туғилганидан хабардор қиларди. Унга жавоб акс садодай жарангларди: “Убихлар уруғи қўпаяверсин!”

Бозордан худди яралангандай, гандираклаб чиқиб кетдим. Минг лаънат бозорига! Усмонли Портаси одам савдоси билан шуғулланар-

¹ М а м а л и г – маккажўхори шавласи.

² Я т а ф о н – туркларнинг эгри қиличи.

ди, ўша пайтларда энг чиройли тоғ қизларининг нархи қўйдан қиммат эмасди. Сотилган қизларни Истанбул, Анқара, Трабзон ва бошқа шаҳарлар харамларидаги жориялар қисмати қутарди. Ўғил болалар янада арзонроқ сотиларди. Эҳ, туғилмаса яхши бўларди шўрлик убих болалари! Уларнинг бошларига не кунларни солардилар, айтгани тилим бормайди. Ёвуз жаллоблар, ўғил болаларни ахталаб, уларни бу улкан мамлакатнинг катта ва кичик ҳукмдорлари учун ҳарам оғаси қилиб тайёрлардилар.

Йўлда мен учратган юртдошларим тирик мурдага ўхшардилар. Улардан айримларининг саломимга алик олишга ҳоллари келмасди. Бошпанасиз кишилар шамол ва ёмғирдан жон асраш учун шоша-пиша чайла қуриб олгандилар. Тирикларнинг йиғи-сиғиси, ўлаётганларнинг жон талвасаси бу ерни дўзахга айлантирганди. Айрим таниш тоғликлар менга қайтиб кетишни маслаҳат берардилар:

– Агар ўлиб кетсанг, онанга осон кечмайди. Оёғингда куч, белингда қувват бор экан, қайтиб кет.

Лекин мен уларнинг огоҳлантиришларига кулоқ солмадим. Мени опам ва поччам ташвишлантирарди. Менинг элатдошларим орасида ўлат авжига минганди. Маҳаллий турклар ўлгудай қўрқиб, улардан узоқроқ бўлиш учун тўсиқ-ғовлар ўрнатдилар. Лекин очқўзларнинг ови юришди. Уларнинг қорни тўқ бўлса-да, кўзи оч эди. Қаҳвахона, чебурекхона, дўкон, карвон сарой эгалари дарҳол ўзгалар ташвиши ҳисобига бойиш йўлини тутдилар. Энг ифлос ва оғир ишларга бир вақтлар мағрур ва бўйсунмас кавказликларни ёлладилар. Иш ҳақига қуруқ оби ёвғон берардилар. Очликдан силласи қуриган кишилар тонгдан шомгача ишлашга мажбур эдилар. Яна миннатдор ҳам бўладилар. Бойлик инжиқлик туғдиради. Ҳовлиқма туман бошлиқлари бозорларда изғиб юрар, ёш убих қизларини олиб-сотиш билан ҳамёнини қаппайтирардилар. Муаззин бўлса ҳар кун беш марта мачит минорасига кўтарилиб, мўмин-мусулмонларни намоз ўқишга чақирарди:

– Марҳаматли ва раҳмдил Оллоҳ номи билан!..

Муаззиннинг маҳзун овози алданган ва хўрланган убихлар боши узра таралди, лекин уларнинг инграшлари ва оҳу зорларини босиб кетолмади. Биласанми, Шарах, аёлларнинг оҳу нолалари булутга айланиб, денгиз оша етим қолган ватанларига учиб борар, у ерда сўнган ҳар бир учоқ учун мотам марсияси бўлиб таралгандай туюларди менга.

Самсун шаҳридан узоқлашиб борганим сари халқимнинг ҳалокат манзараси даҳшатли тус оларди. Кўп ўтмай ватандошларимнинг ириётган мурдалари учрай бошлади. Ҳаводан қўланса ҳид анқирди. Бу – ушбу ерга қўнган мухожирларнинг ҳаммаси ҳалок бўлганидан дарак берарди. Ўлганларни кўмадиган одам қолмаганди. Ёвузона ҳиссиёт қалбимга тобора чуқурроқ кириб борарди. Шағал тош тўкилган баландликдан ошиб ўтиб пастга тушгач лойқа ирмоққа дуч келдим. Чарчаганимдан оёқларимни зўрға кўтариб босардим, ҳолбуки, кун бўйи унча узоқ юрмагандим. Бошқа пайтлар бунча йўлни босиб ўтиш ҳеч гап эмасди. Ирмоққа энгашиб, қўлимни ювдим, юзимни чайдим. Унча чанқамаганим учун ирмоқнинг илиқ сувини лабимга теккиздим. Сувдан сувнинг фарқи бор, Шарах. У ерда, бизлар яшаган асрий чинорлар остида қайнаб турган булоқнинг муздек сувидан ичган ҳар қандай бемор соғайиб кетарди. Ёнимдаги қотган ноннинг бир бурдасини олиб ирмоқнинг лойқа сувида ивитиб, очлигимни сал қондирдим. Узоқ ўтирмадим. Ўрнимдан туриб йўлга тушдим. Кўп ўтмай бир кулба кўринди. Бу балиқчининг бошпанаси бўлса керак, кулба ёнида қурисин деб тўрлар илиб қўйилганди. Ўша кул-

бага қараб бораётиб, сўқмоқ четида юз тубан ётган аёлни кўрдим. У чақалоғини бағрига босиб ётарди. Ёнида кўза, ундан тўкилган сувдан ҳосил бўлган кўлмак қурий бошлаганди. Афтидан аёл ирмоқдан кўзга сув тўлдирган-у, қайтаётганда йиқилиб тушган. Уни тургазиш учун энгашдим-у, ҳайратдан қичқириб юбордим. Олдимда опам Ойша турарди.

– Ё, Оллоҳ! Нима бўлди? Кўзингни оч! Нега индамайсан?

Опамни турғизаётиб мени совуқ тер босди, тушундим: у ўлик эди. Афтидан яқинда ўлганга ўхшайди, танаси ҳали совуб улгурмаганди. Чақалоқ ҳали тирик эди, у жон-жаҳди билан марҳуманинг сийнасини эмарди. Ўзимни йўқотиб қўйдим, нима қилишни билмасдим. Пешонамни совуқ тер босди. Қўлларим шолга ўхшаб шалвираб қолди. Ниҳоят, ўзимга келдим. Эҳтиётлик билан, аммо дадил болани она кўкрагидан айирдим. Унинг лабида оқ сут томчиси бор эди. О, Шарах, ўшандан бери минг йил ўтганга ўхшайди, лабида она сутининг сўнгги томчиси билан чақалоқ йиғисини ҳалигача унутганим йўқ. Биласанми, азизим, бугун менинг жумбоқли узоқ яшашимда бир маъно бўлса керак деб ўйлаб қолдим. Убихларнинг ҳалокати ҳақидаги қисса ер юзида яшаб қолиши учун кимдир сени кутиб туриши керак эди... Кема соҳилга, ҳақиқат эса кишиларга етиб боради...

Афтидан, ўлат чақалоқни ҳам адои тамом қилганди. Аъзойи бадани олов бўлиб ёнарди. Ёнғоқдай келадиган муштчаларини қисганича шундай йиғлардики, нафаси тикилиб қолиши ҳеч гап эмасди. Уни кўксимга босганча, пахса деворли кулбага қараб югурдим. Унга етмай туриб, ёрдамга чақирдим:

– Ҳой, ким бор, ташқарига чиқ!

Ҳеч ким жавоб бермади, эшикда ҳам ҳеч ким кўринмади.

Остонага қадам босиб, тўкилай деб турган кулба ичига қарадим, кимнингдир инграгани эшитилди. Яна бир қадам кўйиб, очиқ эшикдан тушиб турган ғира-шира ёруғда букчайганча деворга суяниб, ўлим талвасасида ўтирган поччам Хорунни кўрдим. У иккала қўли билан қорнини чангаллаб олганди. Кўзлари қизарган, ёноқлари бурчак шаклига кирган. Қирғий бурни янада ўткирлашибди. Юзида ажал сояси бор эди. Бир вақтлар бутун Убихияда машҳур чавандоз, чаққон ва кучли асов отларни минишга ўргатишда тенги йўқ, омадли Хорун ҳозир ичи бўш қопни эслатарди.

Мени зўрга таниб, Хорун ўрнидан туришга уринди.

– Оҳ, Зауркан, мени кечир, саломлашиш учун ҳам туришга мажолим йўқ. Ойша сувга кетганди, ҳозир келиб қолади. – Унинг овози бўғиқ, бўлиниб-бўлиниб турарди, ўзиям сўнгги нафасини олаётганга ўхшарди. Хаёли хиралашганидан қўлимда ўғлини ушлаб турганимни ҳам сезмади, шекилли. Ва бирдан у ҳаммасини тушунди. Овози хириллаб чиқди: – Зауркан, агар эркак бўлсанг, мени ўлдир. Бир яхшилик қил, ўлдир мени! Ойша ўлди, мен ҳам зўриққан отдек ўлиб кетаман. Агар ўлмай қолсам ҳам... Йўқ истамайман... Мен сендан каттаман. Буюраман сенга: ўлдир! Отиб ташла!

Юзининг томирлари тортишди, оёқлари чўзилди, боши ёнига оғди, лабларида қонли кўприк пайдо бўлди. Кечирасан, Шарах, қайгули ҳикоям билан сени чарчатдим шекилли...

Шундай қилиб, поччам Хорун ўлди. Мен эса қўлимда касал ва оч чақалоқ билан қолдим.

Жиянимни сўрига қўйиб, марҳум поччам кўзларини ёпдим-да, Ойшанинг жасадини олиб келишга жўнадим. Уни эҳтиёт қилиб кўтардим. Опамнинг қоп-қора сочлари оёқларимга тушди. Бунга эслаш-

нинг ўзи даҳшат. Кўп ўтмай, ўлган эр-хотин ёнма-ён ётарди. Ҳозиргина қаттиқ йиғлаётган ва мен ҳали номини билмайдиган миттигинана жияним бирдан жим бўлиб қолди. Унинг юзи тер билан қопланганди. Нигоҳим чақалоқнинг кўзлари билан тўқнашганда сесканиб кетдим. У ёрдам сўраётгандай қараб турарди. Ойша тушириб юборган кўзада ирмоқдан сув олиб келдим, гўдакка ичирдим, сўнг латта топиб, ҳўлладим-да, юзини артдим. У қўлчасини чаккасига қўйиб ухлаб қолди. “Энди нима қиламан? — ўйладим ўликлар тепасида. — Эҳтимол, ёвуз тақдир гўдакни аяр, мен бирорта эмдирадиган аёлни топарман. Лекин уни қаердан топаман?” Аввалига марҳумларни кўмиш керак. Лекин одатга кўра, жасадлар яқин қариндошлари марсия ўқишгандан кейин дафн этилиши лозим. Ҳозир Ойша ва Хоруннинг ўлими ҳақида ким хабар беради? Наҳотки менга ёрдам берадиган бирорта одам топилмаса?” Кулба эшигини ёпиб, бирор ит кирмасин деб унга таёқ тираб қўйдим-да, соҳил бўйлаб юрдим. Бироздан сўнг овоз бериб, тўппончадан осмонга қарата уч марта ўқ уздим.

— Хоу-у, — деган товуш эшитилди бироздан кейин. Чанг босган буталар орасидан уч эркак ва бир аёл чиқиб келди. Эркакларнинг елкаларида белкурак бор эди. Қора кийинган аёлнинг сочлари ёйилган эди. Мен булар кўмадиган одамлари бўлмаган маййитларни дафн этишга кўнгилли равишда қарор қилган диндор художўй кишилар эканини фаҳмладим.

Уларга опам ва унинг эри ўлиб, гўдаклари қолганини айтдим.

— Эҳ, иним, — ҳамдардлик билдирди аёл, — қариндошларинг бошига тушган бу кулфат жуда кўпларнинг ёстиғини қуритди. Оллоҳ биз — убихлардан юзини ўгирди. Бизлар юртимизни тарк этиб, катта гуноҳ қилдик. Гуноҳимизга яраша жазомизни олаяпмиз.

— Биз ҳам қайгунгга ҳамдардмиз, биродар! Ўлганларни кўмишга ёрдамлашамиз, бундан бошқасига кучимиз етмайди, — дейишди эркаклар белкуракларини ерга санчиб.

Мен уларни кулбага бошлаб келдим. Гўдак лабларини чўлпиллатиб йиғлар, зўрга нафас оларди. Аёл уни қўлига олди, кўксига босди, ҳамдардлик билан бош чайқади:

— Бу ҳам одам бўлмайди!

У гўдакни тебратиб, тинчлантиришга уринганча ташқари чиқди. Эркаклар мурдаларни ўнгайроқ ётқизишди. Мен кўкрагимга урганча ўлганларга аза очдим. Уларга онам, отам, укам ва сингилларим номидан, убихлар ватани номидан дуои-фотиҳа ўқидим. Биз маййитларни тепалик ёнига олиб ўтганимизда қуёш дарахтлар бўйи пасайганди. Уларни кўмгунимизча гўдакнинг ҳам жони узилди. Шайтон маскан қилган бу ерда у ота-онасиз қолишни истамади гўё. Исмсиз гўдакни онаси билан отаси ёнига дафн этдик.

— Хайр, Зауркан, — дейишди менга кўмаклашган яхши одамлар. — Худо сенга бошқа бундай қайғуни кўрсатмасин. Сенга бошқа ҳеч нарса билан ёрдам бериш қўлимиздан келмайди. Чунки ўзимизнинг ҳар биримиз ўлимга маҳкуммиз. Бу инсон ўлати орасидан омон чиқиб кетишимизга кўзимиз етмайди. — Ва янги қабрларга ишора этиб, ҳаваслари келди: — Бахтли инсонлар! Бизнинг қисматимиз аччиқроқ бўлади. Бизни кўмгани одам топилмайди. Қузгунлар кўзларимизни чўқиб, суяқларимизни судраб кетадилар. Бизнинг руҳимизга дуо қил!

Улар кетишди ва мен мозорлар сукунатида ёлғиз қолдим. Офтоб уфқни қизартириб, зулматга чўкди. Мен шу ерда қолиб, қабрларни биринчи кеча қўриқлашга қарор қилдим. Бирорта махлуқ келиб мозорларни кавламасин деб, аждодларим шундай қилишарди.

Атрофни қоронғи қоплагач, мозорлари бошида гулхан ёқдим. Оловга қараб ўтириб, қабрда ётганларнинг сиймоларини кўз олдимга келтирдим. Кўп ўтмай кичрайган ой кўринди. Ердан кўра ёруғроқ бўлган осмонда кафанга ўхшаш булутлар сузиб борарди. Баданимдаги ҳар бир мушак чарчоқдан зирқирар, фикрим чувалашиб кетарди. Бошимни ёпинчигим устига қўйдим-у, ухлаб қолдим. Тушимга бобом кирди. Мен бувамни кўрмагандим. У мен туғилмасдан бурун ўлиб кетгандилар. Отам улар ҳақида кўп гапирардилар. Шунинг учун бувамни танидим. Улар оппоқ черкасча чакмон кийиб олган эканлар, шунақа оппоқки, ҳали топталмаган қордан тикилганга ўхшайди. Бошлари ҳам оппоқ эмиш. Қўлларида каттакон қора қозонни ушлаб турган эмишлар, унинг четларидан сув тошиб тўкилаётганмиш.

— Зауркан, — деди танбеҳ бериб бувам, — бутун халқ офатни енгил учин оёққа турганда, чўзилиб ётишинг нимаси?

— Нима бўлди? — сўрадим мен.

— Нима, кўрмаяпсанми? Ёки кўздан қолдингми? Атрофинга қара, тоғлар ёнапти, — у қўлини чўзиб, чўққиларни кўрсатди.

Мен бувам кўрсатган томонга қараб, ловуллаб ёнаётган тоғларни кўрдим. Бароқ олов худди териси шилинган қўтослар тўдасидай тепаликка ўрлаб борарди. Оловнинг ёруғи мангу қорларни ёрита бошлаганди. Булутлар қизариб кетган, осмон қуруқ хас-чўп сингари улкан оловда чирсиллар эди. Ёнаётган каттакон гулхандан учқунлар сачрарди.

— Бу нима? — дея шивирладим даҳшатга тушиб.

— Тангри жазоси! Худо убихларнинг бутун уруғини ўзидан четлатди ва ер юзидан қуритишга қарор қилди. Туни билан наमत қор ёғди. Шунчалик кўп кигиз ёғдики, улар остида тоғлар кўринмай қолди. Кейин қаердандир чақмоқ чақди-ю, яшин урди, оламга ўт тушди. Югур Зауркан, югур неварагинам, тоғларни қутқар!

Бувамнинг қўлидан улкан қозонни юлиб олиб, оловга сув сепа бошладим ва уйғониб кетдим. Туш кўраётганда уйғонганим учун қаердалигимни билолмай қолдим. Кейин оқариб келаётган тонг ёруғида янги қабрларни кўриб, эсладим. Орқамда нимадир ангиллади, ўгирилиб қарасам кучук, қовурғалари саналғудай. Ҳаммаёғига чақамуғ ёпишган ит думини қисиб ангиллади.

— Тур кет! — дедим унга қўл силтаб, тош отмоқчи бўлгандай.

Кучук қўриб, нарироқ қочиб борди-да, ўтириб олиб, улий бошлади. Уни ҳайдаб юборишга бир неча бор уриниб кўрдим, лекин беҳуда. У бир неча қадам нарироқ боради-да, ўтириб олиб яна улий бошларди. “Балки ит анави балиқчи кулбаси соҳиблариникидир, — ўйладим мен, — демак уй эгаси у, мен эса меҳмонман”.

Дафн, даҳшатли туш, итнинг увлаши миямда аралаш-қуралаш бўлиб кетди. “Мен тош омборда қолдириб келганлар тирикмикин? Ёки?..”

Кўзимни юмиб куёшга қарагандек бўлдим: ҳамма нарса қонталаш кўриниб кетди. Ўрнимдан турдим, орқага шошилдим.

“ОЛЛОҲДАН БЎЛАК ХУДО ЙЎҚ”

Чиқиб кетган жойимга яқинлашиб, тўпланиб турган муҳожирлар тўдасига кўзим тушди. Одамларнинг ғала-ғовури эшитилди. Ўша йиғинга шошаётган чолга етиб олдим-да, сўрадим:

— Нимага тўпланишяпти?

— Самсун ҳокими Умар пошо келмоқчи экан. Бизлар билан гаплашмоқчи эмиш, — деди қария таёғининг учини ерга қадаркан. Бо-

риб тўдага кўшилдик. Бу ерда Шардин Алоу ўғлининг одамларидан ташқари менга нотаниш тоғликларни ҳам учратдим. Тўпланганлар қизишиб гаплашишар, баҳслашишар, кўл силташар, биров гаму кул-фатдан гапирса, бошқаси умидвор бўлиб сафсата сотарди. Ҳамманинг кўзидан учқунлар сачрарди. Қора кийимли эркаклар ёнида аёллар туришарди. Кампирлар қора рўмолларининг учи билан оғизларини беркитиб, тез-тез нафас олардилар. Оломонга кўз югуртириб, отамни кўриб қолдим. У шашмот асосига суяниб турарди. Кўзларимиз тўқнашди. “Кўринишимга қараб, ҳаммасини фаҳмлайди”, – ўйладим мен.

– Ҳамирза! – кимдир чақириб қолди отамни, у бошқа томонга қаради.

Нафаси тикилганча ёнимга укам Мата югуриб келди.

– Оллоҳга шукр, соғ-омон қайтиб келдинг-а! – хитоб қилди саломлашиш ўрнига. Елкамдан кучоқлаб, кўзларимга тикилди:

– Ойшани топдингми?

Унинг саволида кўрқув акс этиб турарди. Умидини пучга чиқарсам-чи?

– Топдим! Топдим! – алдадим мен. – Уларда ҳаммаси яхши! – Бошқа нарса сўрамасин деб ўзим шошиб савол бердим: – Ўзинглар қандайсизлар?

– Ёмонмас, Зауркан! Сени йўқолиб қолди деб онам роса ташвишландилар. Уч кун тўшакдан турмай ётдилар. Фақат бугун, сенинг келишингни билгандай, ўринларидан турдилар.

Оломон орасидан елкадор, сочи оқарган бўлишига қарамай, кўриниши ёш тоғлиқ чиқиб келиб, заҳархандалик билан сўради.

– Бизнинг диний етакчимиз, диёнатли мулла Сахаткери қаердалигини билмоқчиман – у бир одамга эмас, ҳаммага баравар мурожаат қилди. – Ҳали кўчмасимиздан олдин бу мулла қишлоқма-қишлоқ юриб, биз аҳмоқларга эртақлар айтиб, бу ёқларга келишга авради. – У овозини Сахаткери товушига ўхшатиб, шод ва ширин қилиб ўқиди: “Ҳой, яхшилар, билиб қўйинглар, Туркия – гуллаб турган бир гулистон. Мўминлар учун жаннат боғидир. Бу атир ифорли боғда иссиқ ҳам бўлмайди, совуқ ҳам. У ерда ҳеч ким лаънатлар билан оғзини ҳаром қилмайди, ҳамманинг лутфи миннатдорлик дуолари билан банд бўлади”. Қани ўша, ярамас ёлғончи? Агар қўлимга тушса жонини суғуриб оламан! – шундай деб бу девдай одам муштларини ҳавода силкиди, гўё кўринмас Сахаткерининг томоғига чанг солгандай қилиб.

– Дайди шамолни даладан тутиб бўпсан!

– Кемадан тушиши билан ғойиб бўлди!

– Маккага зиёратга кетди, дейишяпти.

– Илойим уни ўша ерда қора тош босиб қолсин, – эркаклар гапига жўр бўлди Ҳамида кампир, рўмолининг учи билан кўз ёшини артиб.

– Туркия – жуда катта мамлакат. Балки биз Самсуннинг бир чеккасида кемадан тушиб, курк товук сингари босиб ётган тухумлардан бошқа нарсани кўрмаётгандирмиз. Борди-ю, Сахаткери чиндан ҳам бизлар учун жаннатмакон жойларни қидиргани кетган бўлса-чи? Ахир етакчимиз Шардин Алоу ўғли ҳам кўринмаяпти-ку, – умид билдирди садзлар қабиласидаги Шрин деган киши.

– Кимнинг пули бўлса, дўзахда ҳам пичоғи ёғ устида! Бизнинг силламиз қурияпти, азизим Шрин, сен бўлсанг, валинеъматимиз келади-ю, бизларни жаннат боғларига бошлаб боради, деб ишониб ўтирибсан-а. Одам ҳам шунчалик лақма бўладими! – дея Шриннинг

умидини чил-парчин қилди ҳалиги фирибгар Сахаткери ҳақида гап бошлаган тоғлик.

Кимнидир қидираётгандек атрофга кўз югуртириб, оломон ўртасига Дзиапш Наврўз Баракай ўгли чиқди. У жуда қизиққан одам эди. Дзиапш Наврўз ҳамиша отишга тайёр тўппончага ўхшарди. У ўрнидан сакраб туриб, ҳар қандай одамнинг гапини бўла оларди.

– Тўшакдан турибди, – дея имо қилди укам Мата. Дарҳақиқат, Баракай ўғлининг ранги сўлғин, шундай букчайган эдики, унга қараб раҳминг келиб кетарди.

– Бизнинг шундай оғир аҳволга тушиб қолишимизга ким айбдор, дея баҳслашишдан наф йўқ, – деди у хириллаган овозда. – Бир нарса аниқ: бизни алдаб, қўй сингари сотдилар. Ҳожи Керантух қаёққа йўқолди? Нима? Билмайсизларми? Қасам ичиб айта оламанки, биздан аксинча, у кайфу сафо қилаяпти. Унақаларга гурбат ҳам ватандай гап. Бу ер гап сўқиб баҳслашадиган мажлис эмас. Буқаларга ўхшаб пешананга уриб шохлашишнинг фойдаси йўқ. Гапни қисқа қиламан; мен қариндошларга, эмиқдош оға-иниларимга ва дўстларимга ватанга қайтишни истаганларга бошчилик қилишга тайёрман деб айтдим. Агар буни тинч йўл билан қилишнинг иложи бўлмаса, қўлга қурол оламиз. Мен бу бегона мамлакатда очликда ўлиб кетишдан кўра, жанг қилиб ватан тупроғига бош билан йиқилиб ўлишни афзал биламан. Ҳаракат қилиш вақти етди! – деди ва қўли билан денгиз томонни кўрсатиб ҳайқирди: – Эртага йўлга чиқамиз!

Тўпланганларнинг кўпчилиги учун Дзиапш Наврўз Баракай ўғлининг сўзлари кутилмаган гап бўлди. Гарчи одамлар унинг таваккалча қилиқларига кўниккан бўлсалар-да, “Эртага йўлга чиқамиз” дегани уларни жиддий ўйлантириб қўйди. Ҳамманинг ортида аёллар, кексалар ва болалар бор эди. Уларни бирга олиб кетиш айтишга осон, бу ерда қолдириб кетишга эса кимнинг юраги бетларди? Оломон орасида қатъиятсизлик шивир-шивири бошланди.

Лекин Наврўз яхши биларди, агар шапалоқ урмасанг юз қизмайди.

– Ахир, бизнинг орамизда ҳам виждонли ва жасур кишилар бор эди. Улар қопқонга тушиб қоламиз деб огоҳлантирган эдилар! Қаёқда дейсиз! Худди қўйлар сингари дайди серкага эргашиб, болалари ва аёллари билан манави вабо масканига тушиб қолдинлар!

– Рост гапни айтаяпсан, биродар Наврўз, – ўзини тутиб туролмади қария Сит, бошлиғи учини елкасига ташлаб. – Уканг Аҳмад ўшанда халқни бу ҳалокатли қадамдан қайтаришга ҳаракат қилганди. Лекин сен ўзинг ўшанда...

– Пошо келаяпти! Пошо!

Бу қичқариқ кекса Ситга айтадиган гапини охирига етказишга йўл кўймади.

Самсун йўлидан ўнта отлиқ аскар кузатувида бир чавандоз яқинлашиб келарди. Кўп ўтмай у тўпланиб турганлар ёнига келди. Оломон чекиниб йўл берди, пошо тўданинг ўртасига кириб борди. Баланд бўйли, буғдойранг, телпагига қора аспид тош қопланган пошо тўпланганларга кўз югуртириб чиқди. Қалин лаблари устида сарғиш мўйлови ёпиштирилганга ўхшарди. Тагида жуссадор, баланд бўз холдор тулпор. Узангининг узунлигидан пошонинг товонлари ерга тегай деб турарди. Кўпгина убихлар, дад Шарах, туркчани билардилар. Лекин одатда бу тилда дворянлар оиласидагилар, контрабандачи тужжорлар гаплашардилар, оддий халқ гапирмасди. Умар пошо кўпчилигини оддий одамлар ташкил қилувчи оломон билан тилмочсиз гаплаша ол-

масди. Шунинг учун унинг чап узангиси ёнида таржимон сифатида фаросатли, саводхон йигит Мзауч Абухба пайдо бўлди. Бу садз-абхаз йигит Гаградан эди.

Саломлашгач, пошо сўради:

– Бу ерда ҳамма мусулмонми?

– Ҳамма, жаноб ҳоким! – деди қария Сит.

– Агар ҳамма мусулмон бўлса, нега мачитга бориб, беш вақт намозни адо этмайсизлар? – гапни таъна билан бошлаш, ҳарҳолда, одобдан эмасди.

– Муҳтарам пошо, айбга буюрмайсиз-у, Оллоҳ яланғоч кишини уст-бошини ювишдан халос этган. Биз мачитга борардик, лекин у ерда қоринни тўйғазиш учун нон йўқ, одамлар ёстиғини қуритаётган ўлатнинг оловини ўчириш учун дори-дармон йўқ.

Ўз овозимдан ўзим ҳайратландим. Унда пўлат жаранги бор эди. Ўнг кўлим шамширим дастасини пайпасларди. Худди туш кўриб, алаҳсираётганимдай пошонинг юзи кўз ўнгимдан ўтди, унинг ўрнини ўлик Ойшанинг кўкрагини эмаётган тирик гўдак эгаллади. Опамнинг икки ўрим қора сочи ёйилиб пошо минган отнинг оёқларига ўралашди. Мата мени тўсиш учун олдимга ўтди. Лекин тилмоч кўзи қонга тўлган буқани ювош қўйга айлантирди-қўйди.

– Бизлар очмиз, муҳтарам пошо, – у менинг гапларимни шундай таржима қилди.

– Эртадан бошлаб ҳар бир оила биттадан нон олади, – деди тантанавор Умар пошо. У бу гапни шундай улуғвор саховатпешалик билан айтдики, гўё эртадан бизларга жаннат эшикларини очиб берадигандек.

Пошо шодиёна қийқириқларни эшитмади. Аксинча, унинг олдига касал қарғани эслатувчи Ҳамида кампир отилиб чиқди:

– Битта қотган нон қандай ёрдам бериш мумкин? Сутсиз барча болалар ҳалок бўлади-ку!

“Вой кўрнамаклар-ей”. Пошонинг кўзларида норозилик акс этди.

– Бу мусулмончиликка тўғри келмайди – деди газабланиб. – Эркаклар тўпланадиган ерга аёллар, бунинг устига чодрасиз келолмайдилар. Энди кофирларнинг тартибларини унутинглар. Бу ер Россия эмас! Аёллар дарҳол бу ерни тарк этишсин!

– Лутф айла, жаноб. Гапимга қулоқ сол! – оппоқ соқолли Соулах қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилди. – Биз убихларда ўз муқаддас маъвомиз – қудратли Битхамиз бор. Мен унинг олий қоҳиниман. Биз муқаддас Битхага сизиниб ибодат қилганда аёллар ҳам эркаклар билан бирга бўладилар. Урфимиз шунақа! Бу удум бизга ажодларимиздан мерос қолган.

Тилмоч Мзуч Абухба қоҳиннинг айтганларини сўзма-сўз таржима қилиб бергач, пошо қамчисини эгар қошига илиб, қўлларини осмонга кўтариб дуо ўқиди:

– Ла илаҳа иллоллоҳ... – ва дуони бўлиб одамларга дўқ уриб қичқирди: – Мачитга боринглар, муртадлар. Ҳамманглар мачитга боринглар! Ибодат қилиб, дуолар билан гуноҳларингни ювинглар. Акс ҳолда жаннатни кўролмайсизлар!

Ҳазабдан бўғилиб кетдим:

– Бизга шу дунёда яшашга имкон беринглар, жаннат ўзларингга буюрсин!

Мата мени тўсаркан, олишувга шай бўлиб турарди. Мен отамнинг норози нигоҳига дуч келдим: “Сабр-тоқатинг қаерда қолди, болам?”

Сўзи бўлинган Умар пошо ўтирилди. Отлиқ навкар қамчинини дастаси билан мен томонни кўрсатди.

– Шайтон! – сўкинди Самсун ҳокими ва саховатпеша башарасини бир четга йиғиштириб эълон қилди: – Оллоҳнинг ердаги ноиби буюк султон номи билан буюраман, ҳарбий хизматга яроқли йигитлар рўйхатга олинсин. Рўйхатга киритилганлар армияга чақириладилар. Армияга кўнгилли бўлиб борса, тақдирланади, унинг оиласи давлат ҳимоясида бўлади.

Орага жимлик чўкди. Сукунатни отам бузди:

– Ўғилларимизни биздан тортиб олмоқчилар! Бизни ҳар қандай умид ва таянчдан маҳрум этмоқчилар!

– Эҳ, Хамирза, – деди чўчиб кимдир, – бугун яхшиликча бермансанг, эртага зўрлаб тортиб оладилар. Ҳокимиятнинг қиличи узун...

Одамлар гангиб қолишди. Шунда Умар пошо олдида Наврўз қад ростлади. Ҳассасини ерга санчди-да, унга қиличини илиб, соф турк тилида сайрай кетди:

– Кулоқ сол, бошлиқ, сизнинг жаннатмонанд ерингиз бизга маъқул келмади. Ё у бизга муносиб эмас, ёки биз унга тўғри келмаймиз. Бу ерга сузиб келганларнинг ярми мозорда. Қолганларга ҳам шундай қисмат тайёрлаб қўйилган. Эшитяпсанми, каттакон: биз юртимизга қайтишга қарор қилдик! Бизга кема беринг! Кема бермансангиз, чегараларни очиб қўйинг, пиёда кетамиз. Шундай имкон берсангиз умр бўйи султонингизга соғлиқ тилаб, дуо қиламиз.

Оломон жим бўлиб қолди. Лекин Наврўз Баракай ўғлининг сўзлари Умар пошони гангитолмади. У муҳожирларнинг бундай талабларига тайёр бўлса керакки, пинагини бузмади.

– Бу мумкинмас! Менинг қўлимда бўлса, бошқа гап эди. Лекин икки буюк давлат Туркия билан Россия ўртасидаги шартнома шартларини бузишга ҳаққим йўқ. Бизнинг яримойимиз остида сизларга ҳеч нарса қилмайди. Пайғамбар ҳам олдин тан олинмаганди. Сизлар берган қурбонлар асло унутилмайди. Сабр таги – олтин. Ла илаҳа иллоллоҳ! Ҳар жума куни мачитга боришни унутманглар. Намоз ўқиб, ибодат қилиб Оллоҳдан мадад сўранглар... – шундай деб Умар пошо отини ниқтаб йўргалатганча жўнаб қолди.

Унинг соқчилари ҳам орқасидан эргашиди. Одамлар ғамгин тарқала бошлашди. Ниҳоят отам, укам, мен юзма-юз туриб қолдик. Отам диққат билан юзимга тикилди. Мен унинг нигоҳига бардош беролмай бошимни эгдим.

– Кўзларидан билиб турибман, Ойшага нимадир бўлган. Нима гап, ростини айт, – деди отам қўлини Матанинг елкасига қўйиб. – Ҳозир бу ерда фақат эркаклар ёлғизмиз!

Мен ҳеч нарсани яширмай, бўлган воқеани гапириб бердим. Отамнинг даҳани титраб кетди. Лекин бу машъум хабардан аъзойи бадани ларзага тушганини сездирмасликка уринди, ҳатто қўлини укамнинг елкасидан олиб, ҳассасига таянди. Лекин шўрлик укам ўзини тутолмади, ёшлигига борди-да, хўнграб юборди. Унинг йиғлашига қўйиб берган отам энг даҳшатли изтиробини бошидан кечирган одам овози билан деди:

– Бу қайғуни сирлар сири каби тишларингиз қавагида асранглар, на онангиз, на сингилларингиз билмаслиги керак. Агар билиб қолишса – бу ғам уларни ўлдиради. Сен, Зауркан, уйга чоп, уларнинг умид чироғига мой қуй. Боринглар, болаларим!

Отам укам билан мени қолдирди-да, яккам-дуккам нимжон дарахтлар ўсган тошлоқ сойликнинг чеккасига борди. У катта қизини жон дилидан яхши кўрарди. Ойша оиланинг тўнғичи эди. Шунинг учун отам ёлғиз қолишни, майда дарахтларнинг чанг шохлари со-

ясида тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди.

Мата орқамдан судралиб келарди. Чуқур “уҳ” торгарди. Ҳали Ойшани излаб кетишимдан аввал ҳам унинг озиб кетганини, тинчини йўқотганини, баъзан уйқусида бақриб юбораётганини сезардим. Уни тана оғриғи эмас, руҳий хасталик эзаётганини ҳис этардим. У изтироб чекар, азобини бостириш учун куч тополмасди. Оғзини очди дегунча: “Бизнинг тоғларимиз”, “Бизнинг ҳовли”, “Бизнинг еримиз” дея гап бошларди.

– Сўнги пайтларда, – деб тан оларди у, – ёмон тушлар кўраяпман. Ўтган кеча тушимда бир қоп маккажўхорини орқалаб каллаи сахарда ўзимизнинг эски тегирмонга борган эмишман. Қарасам, эшик ланг очиқ, бўсага олдида эса нотаниш кулранг кўппак, кўксимга сакраб томоғимдан олмоқчи. Ҳураётганмиш лаънати, лекин овози эшитилмасмиш. Гунг ит. Ердан тош олиб итга отдим, у қочиб кетди. Тегирмонга кириб, ҳайрон бўлдим: пастки тош айланаётганмиш, усткиси эса қимирламасмиш. Уларни уч энлик чанг қоплаганмиш. Янчилган ун тушадиган жойда ёғоч тоғора эмас, қора тобут турганмиш. Этим жунжикиб кетди, ўзимни ташқарига отдим. Ташқари эса зимистон. Ҳолбуки, ҳалигина қуёш чарақлаб турувди. Қоп-қора осмонда қуёшнинг ўрнида қуритилган думалоқ пишлоққа ўхшаган хира доира турганмиш. Тушимда қичқириб юбордим шекилли, отам туртиб мени уйғотиб юборди...

– Сабр қил, Мата. Балки ҳаммаси яхши бўлиб кетар.

– Зауркан, – деди у бироз жимликдан сўнг, – билиб қўй, агар юртимга қайтиб боролмасам, мен ўлиб қоламан.

Баданим жимирлаб кетди. Мен тушундим – бу қуруқ гап эмасди.

– Жинни бўлиб, ўзингга кафан бичма, – дедим укамни уришган бўлиб. Уни бемаъни фикрлардан қайтармоқчи эдим. Лекин у гапимга кулоқ солгиси ҳам келмади.

– Наврўз ва унинг дўстлари юртга қайтишга тайёрланыптилар. Агар менинг уларга қўшилмоқчи эканимни ота-онам билишса, асло рози бўлишмайди. Зауркан, илтимос, уларни кўндиргин. Бу жуда хавфли иш, бошдан жудо бўлиш мумкин дейишяпти. Лекин фалокат қонун-понунни тан олмайди-ку. Ҳамма гап омадда, ака. Агар мен ўлиб кетсам, сен ота-онам, сингилларим билан қоласан-ку. Борди-ю, ташлаб келган уйимизгача етиб олсам, унинг сўнган ўчоғида яна олов ёнади. Ҳовли-жойимизга эғалик қиламан, ер ҳайдаيمان, экаман, ўраман. Қўлимдан келадиган иш, мол боқаман, овга чиқаман. Кейин қанча турмасин, битта кемача ёллайман ва сизларни олиб кетгани келаман.

Менинг ёнимда тоғлик йигит турарди. Худди шунқор дейсиз, унинг озодлигини тортиб олишди, лекин осмонда учиш эркидан маҳрум этишолмади. Мен эҳтиёткор эдим: унинг қанотларини қайиришни ҳам, йўлидан қайтаришни ҳам истамасдим.

– Ҳозиргина Умар пошо умидларингни рад этди. Унинг тилидан Туркия ҳокимияти гапирди. Собиқ Убихияга қайтиб борган тақдирда ҳам, у ерда яшаш ҳуқуқини олишига ким ишона олади? Бу борада етти ўлчаб бир кесмаса бўлмайди. Агар Наврўз ва унинг шериклари шу оғир йўлни танлашган-у, сен ҳам уларга қўшилмоқчи бўлсанг, йўлингга гов бўлмайман. Эркиннинг ихтиёри ўзида...

Айни пайтда ўзим ҳам Наврўз шоввозлари орасида бўлиш истагида эканимни ҳис этдим, хаёлимда рангин бир манзара пайдо бўлди: уйимизнинг эшиги ланг очиқ эмиш, ўчоғимиздаги олов қизил хўроздай қанот қоқаётган эмиш. Лекин мен ҳис тўйгуларимни ошкор қилмадим. Юзимдаги бирорта мушак қилт этмади. Самсун ҳокимининг

икки буюк давлат битими ҳақидаги гапида жон борга ўхшайди. Бу нарса иродасини Наврўз ифодалаган қайтиб кетадиганларни ҳам, бу ерда қоладиганларни ҳам ўлимга маҳкум этарди. Боши берк ушбу кўчадан қандай чиқиб кетиш мумкин? Икки азалий душман – рус подшоси ва турк султонини муҳожирлар ҳақидаги қарорини қайта кўриб чиқишга ким ҳам мажбур қила оларди? Менинг бошим ари уясига ўхшар, унда фикрларим асалари сингари ғужғон ўйнарди. Ҳақиқат алами жуда кучли эди. Биз сағанага ўхшаш бошпанамизга етиб келганимизда Мата елкамга қўлини қўйди:

– Тўхта, Зауркан, шошилма...

– Нима бўлди, чарчадингми?

У бошини сарак-сарак қилди:

– Яхшиси бориб, кекса Сакутни эшитайлик. Бир пасга...

– Онам, сингилларимни ўйласанг-чи...

– Сен уларга яхши эртақ айтишга ҳали улгурасан. Мен ҳали ўзимга келолганим йўқ... Сезиб қолишади...

– Вақти эмас, Мата. Мусиқа эшитиш пайтимас!

– Йўқ, Зауркан, айти пайти. Фақат апхиарца бизнинг қайғумизни сал бўлса-да аритиши мумкин... Борайлик, илтимос...

Биз денгиз соҳилида якка ўсган дарахтга қараб юрдик... Оппоқ соқолли Сакут, елкасини дарахтга суяб, сўқир нигоҳи билан сўнгсиз денгизда оқ ёлли арғумоқлар сингари елиб бораётган тўлқинларни кузатарди. Унинг атрофида йиғиндан қайтган ўн бештача одам тўпланганди. Кўр муғанний ёнида ўртаси оқарган апхиарца ва камонча ётарди. Ҳар куни кечга томон Астан деган бола бувасини шу ёлғиз дарахт тагига етаклаб келишидан хабарим бор эди. Кўп ўтмай кекса бахши қўшиғини эшитиб, қайғусини аритиш илинжида келганлар сони янада ортди. Чол ўз қўшиғини икки бор айтмасди. Ҳар сафар янги қўшиқ айтарди. Бир совғани ким ҳам икки бор олиб келарди. Кекса Сакут кўзи кўрмай қолгандан бери одамларни овозидан танийдиган бўлганди. У ҳар кимнинг саломига алик оларкан, номини айтиб сўрашарди.

– Хайрли кун, Сакут, – дедим яқинлашиб.

– Ҳа-а, Зауркан. Қадам товушингдан танидим сени. Хамирзанинг катта ўғли, Тангри ёрлақасин. Биласанми, азизим, сенинг овозингнинг эшитдим дегунча, хотирамда аждоларим давридаги қаҳрамонлар жонланади. Улар жуда узоқ яшашарди. Сенга ҳам шундай узоқ умр тилайман, дад! Келганинг жуда яхши бўлди-да. Сенга бир топширим бор. Набирам Астан жуда ёш ва тажрибасиз, қариндошларимиз эса бари ўлиб кетди. Бир яхшилик қил, Зауркан. Мен ўлганимдан сўнг уни ёлғизлатиб қўйма, маслаҳатни дариф тутма. Унга акалик қил. Мен гуноҳкор бандани эса, васият қилганимдай, шу дарахт остига, бошимни қадрдон тоғларимизга қаратиб кўминглар. Мана бунда эса, – у белига қистирилган халтачани кўрсатди, – она юртимизнинг бир сиқим тупроғи бор. Мени қабрга қўяётганда шуни кўксимга сепинглар. Апхиарцамни эса мана шу дарахтга илинглар. Шамол қўллари унинг торларига текканда, овози қулоғимга етиб боради. – Чол титраётган қўллари билан дарахтнинг ғадир-будур танасини силади. – Уканг қаерда, Зауркан?

– Ассалому алайкум, мен шу ерданман, бобо, – секингина жавоб берди Мата.

– Қани, бу ёққа яқинроқ кел-чи. Энгаш! Энгаш!

Мата қариянинг олдига энгашди, у бўлса, ингичка сезгир бармоқлари билан укамнинг юзини силади.

– Йиғладингми, болам?

– Ҳа!

– Ҳечқиси йўқ. Уялма. Кўзёши – иснод эмас. Кўзёшларинг мардлик бўлиб балқисин, болам!

Қария қўли билан ён-верини пайпаслаб, апхиарца ва камончани олди. Одати бўйича, мусиқа асбобини қилтириқ кўкрагига тирадида, созининг от қилидан қилинган торларини силади. Сакут шошмасди. У осмоннинг рангин сузаётган булутларини, учаётган қушларини кўрмоқчидай кўзларини кўкка тикди ва:

– Бугунги куннинг ўз қўшиғи бор, – дея эълон қилди.

Одамлар жим бўлиб қолишди. Камонча унинг қўлига бўйсуниб, сузиб пастга тушди-да, тепага отилди...

Уа-райда, янгра соз,
Янграгин апхиарцам.
Умидга бўл жўровоз,
Узанги мисол маҳкам.
Мен сўқир, чертаман тор.
Зулматда нур – тантана.
Минглаб қалб учун такрор,
Умид жонланар яна.

Ўғилни қийнар чанқоқ:
– Ойи, сув беринг пича.

– Чида болам, булоққа
Кетган эди опачанг.
– Туз тотмадим неча кун,
Ўлиб қолгум, беринг нон!
Арпа янчмоқда отанг,
Келади ҳали замон.
Қабрда эри, қизи,
Ўелин овутар она...
Уй-райда, тунигини
Ёритсин умид яна.

ОРТГА, УБИХЛАР ЮРТИГА

Рус консули Трабзонда, унинг фамилияси Мошнин эди. Бу одам бизларни Туркияга кўчириш учун кўп саъй-ҳаракатда бўлганини яхши биламиз. Унга ўхшаганларнинг ҳисоб-китоби оддий эди: агар қуролли тоғликларни ўз ерларидан кўчиришса, ортиқча қон тўкишларсиз Кавказни бутунлай бўйсундириш мумкин. Кўпдан бери исёнкор бўлган бу ўлкада мустаҳкам ўрнашиб олиш – оқ подшонинг азалий орзуси эди. Муҳожирларни Туркияга кўчириб ўтказиш учун кемалар етмай қолиб, оқ подшонинг Кавказдаги ноиб ва унинг амалдорлари гангиб қолганда Мошнин Порта маъмурлари билан қўшимча равишда елканли кемалар етказиб беришни келишиб олди. У ҳамма маълумотларга ишонавермасди, имкони борича ўзи бориб текшириб кўришга ҳаракат қиларди. Кўчиб келганларнинг оғир аҳволи ҳақидаги хабарни эшитгач, тасарруфидаги одамлардан бир нечтасини олиб денгиз бўйлаб пиёда юрди. Кўрган аҳволдан қаттиқ изтиробга тушди. Виждони жунбушга келди. Бунинг устига, муҳожирлар, нима бўлганда ҳам Россия империясидан кўчиб келган одамлар эди, ахир. Ва Мошнин, илоҳо, номи абадий яшасин, ҳоким Умар пошодан уни қабул қилишни талаб этди. Назокатли қатъият билан Туркия маъмурларининг султон ҳимоясига ўтган минглаб кавказликларга инсонларча муносабатда бўлинмаётганидан норозилик билдирди.

– Улар очлик ва касалликдан қирилиб кетаяптилар, сизнинг бойбадавлат ватандошларингиз эса бу ҳолатдан фойдаланиб, уларнинг болаларини, айниқса чиройли қизларини арзимаган чақага сотиб олаяптилар. Сиз убиҳларнинг сардорларига меҳмондўст мезбон бўламиз деб ваъда бергандингиз... Султоннинг сўзи сизнинг мамлакатда қонун ҳисобланади. Пайғамбар эса раҳмдил бўлишга даъват этганди...

– Маъзур тутасиз, консул жаноблари, таассуфлар бўлсинки, муҳожирлар тўғрисида бафуржа гаплашиш учун бугун етарлича вақтим

йўқ, — деди зардаси қайнаб Умар пошо. Чиндан ҳам вақти йўқлигини кўрсатиш учун ўрнидан тураркан, кўшиб қўйди: — Мен, муҳтарам зот, кўчиб келганлар билан учрашдим. Улар кўрнамак ва яхшиликни тушунмайдиган одамлар. Улар ўзларига бошпана берган мамлакат қонунларини ҳурмат қилмайдилар... Ўзбошимчалик қиладилар, ўғиллари армияга боришдан бош тортаяптилар, қароқчилик билан шуғулланмоқдалар... Энди бўлса, уларнинг кўпчилигида юртларига қайтиб кетиш истаги туғилибди. Фақат билмайман, бунга ҳукуматимиз қандай қараркин? — Умар пошо ғолибона жилмайди...

Ҳокимнинг олдидан чиқиб кетаркан, Мошнин шуни яхши тушундики, у билан учрашув муҳожирлар тақдирида ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Бунинг устига унга ҳокимнинг ўзи ҳам ёқмасди. Консул аниқ билардики, кўчманчиларни қароқчи деб атаган Умар пошо ўз уйида элликта тоғлиқ қизни сақларди. Уларни арзимаган пулга сотиб олган ҳоким айримларидан уйда оқсоч, бошқалардан ҳарамида жория сифатида фойдаланмоқда. Умар пошо бизнинг бошимизга тушган кулфатнинг сабабчиларидан бири эди, гарчи асосий сабабчиси бўлмаса ҳам, лекин барибир осиб ўлдириш жазосига лойиқ эди. Бироқ қасоснинг қўллари калталиқ қиларди. Ҳарҳолда, Шарах, биргина рус консулининг бизга ҳамдард бўлишининг ўзи ҳам катта гап эди. Шунинг ўзиёқ қайтишимиз учун умид бахш этарди. Уйларига қайтишни истовчиларнинг топшириғига биноан Мзауч Абухта уч марта Трабзонга бориб, Мошнин билан учрашди. Эсимда, у Трабзондан учинчи бор қайтиб келишида одамлар йиғинга тўпландилар. Йиғинда фақат убихлар эмас, бошқа тоғлиқ қабилаларнинг ҳам вакиллари иштирок этдилар. Биласанми, Шарах, қариганда одам узоқни яхшироқ кўраркан. Вой тавба, орадан қанча вақт ўтди. Лекин кечагина бўлган воқеадек эсимда. Кенг елкали, қора мўйловли Мзауч Абухта ҳам шундоқ кўз ўнгимда турибди. Унинг уйи ва даласи Гагра қалъаси яқинида қолиб кетган. Бизнинг кўпчилигимиз сингари у ҳам машъум кўчишдан пушаймон еб, фақат ватанига қайтиш истаги билан яшарди. Лекин шу мақсад йўлида қўлига қурол олишга ҳам тайёр бўлган Наврўздан фарқли ўлароқ, Мзауч ҳар икки мамлакат маъмурлари билан тинч музокаралар олиб бориш тарафдори эди. Йиғиндан чиққандан сўнг у Истанбулдаги рус элчиси Игнатъев орқали ҳаракат қилиш кераклигини уқтира бошлади. Игнатъев — нуфузи ва олижаноблиги билан ажралиб турарди.

— Унинг гапига подшо ҳам қулоқ солади. Буни турклар ҳам билади. Келинлар, император жаноби олийлари номига илтимоснома ёзамиз. Россия давлатининг собиқ фуқаролари сифатида дардимизни баён қилайлик. Бошимизга тушган кулфатдан огоҳ қилайлик. Сизлар сайлаган учта одам ана шу хатни Истанбулга — рус элчисига элтиб беради.

Бир зумга жимлик чўкди. Бирдан чийилдоқ овоз эшитилди:

— Ижозатларингиз билан шуни эслатмоқчиманки, кечагина чор аскарларига тоғ йўлларини тўсиб: “Кофирларга ўлим!” деб бақираётган эдингиз... — деди садз князи, собиқ убихлар кенгашининг аъзоси Уахсит Ридба. Унинг кумушдек оппоқ соқоли тепаликдан пастга отилаётган товага ўхшарди. Бундан озгин соҳиби баланд бўйли бўлиб кўринарди. Келиб чиқиши киборлардан экани кийинишидан кўриниб турарди. Кейинги пайтларда княз кўпчиликнинг ватанга қайтишига қарши чиқиши билан танилган эди. Айрим кишиларнинг таъкидлашича, у ватанга қайтишга қарши бўлганларга раҳбарлик қилаётган эмиш.

— Кавказбўйи водийларига нисбатан Туркияни ўзимиз маъқул топдик. Ҳали рус подшосига орқа ўтираемиз, ҳали султонга. Шундан кейин

бизни ким ҳам хурмат қиларди. Қайтиб борганимизда она юртимизда нима топардик. Менинг ер-мулкимга казаклар кўчиб келганмиш, деб эшитдим... Нима, кўлимга чўп олиб казакларнинг ғозини боқайми? — княз ингичка кўли билан соқолини силаб, одамларга қараб кўйди.

Князнинг орқасидан заҳарханда кулги эшитилди:

— Султон марҳаматидан умидвор мана бу князни бир кўриб қўйинглар. Хўш, муҳтарам Уахсит, ушбу саховатли мамлакатда сен нимага эришинг? Жаннатий ҳаётгами? Ёки тинчликками!

— Ҳа, тинчликка. Агар қайтиб борсак, яна қурол олишимизга тўғри келади. Уруш эса фақат узоқдагилар учун яхши. Ҳарҳолда, бу ерда ўқлар визиллаб тургани йўқ, — деди Ридба.

— Шошма, княз, шошма! Ким айтди сенга бу ерда ўқ отилмаяпти деб. Ўқ товушлари эшитилмаяпти, лекин улар ҳар куни икки юз кишининг ёстиғини қуритмоқда. Тирикларнинг эса уларни кўмишга кучи йўқ. Бу урушдан бағтар. Бу қотиллик... — Наврўзнинг юзи докадай оқарганди. У йўталди.

Бундан фойдаланган Мзауч консул Мошнининг подшо номига илтимоснома ёзишимизни маслаҳат берганини эслатди ва шундай қилинса, оқилона иш бўларди, деди.

— Эҳ, Наврўз, дворянлик шаънинг қаёқда қолди? Кеча қўй боққан одамлар бугун музокаралар олиб боряпти, эртага нима бўлади? — масҳара қилиб деди княз.

Мзауч қамчи егандек сесканиб кетди, лекин ўзини босди.

Қутилмаганда аёллар тўдасидан Ҳамида кампир чиқди. У бошдан оёқ қора кийинганди, чунки мотам тутарди. Фамгин кўзлари атрофини қора доиралар қоплаганди. Баланд кўтарилган бошидан қора рўмолни ечиб ташлади, оппоқ сочлари елкасига тушди.

— Сизларга нима бўлди? — қичқирди у. — Балки ҳамманглар ҳозир у дунёдасизлар, бекорчиликдан нима қилишни билмай, аслзодаликларинг, йўқотилган бойликларинг ҳақида гап сотаяпсизлар. Соҳилдаги мазорларни санаб кўринглар! Дворян зодагонларимиз бизларни кечирсин-у, ўша мазорлар уларнинг виждонига ҳавола. Бизнинг сардорларимизнинг мияси қаерда эди? Қаерда, деб сўраяпман? Сиз, олижаноб дворянлар, бу ерда юз берган аҳволга сизлар жавобгарсизлар! Сизлар бугун ҳам йўқотилган мулкларингизга қайғураяпсизлар. Ғоз боқишни хоҳламайсиз! Бизларга ғоз боқишнинг қийин жойи йўқ. Қани эди набираларимиз ўз юртимизда ғоз боқса! Тўрттасидан биттаси қолди. Учтаси ўлиб кетди... Ҳамиданинг овози тутилиб қолди, лекин у томоғига тиқилиб қолган нафасини ютди-да, давом этди. — Омон қолган ёлғизгина набирам Тоҳирни деб тирик юрибман. Унинг ватанга қайтиши учун сув келса симириб, тош келса кемиришга тайёрман... — Ҳамиданинг овози яна кескинлашди: — Мен тоғлик эр-какларни таниёлмаяпман! Азалдан сизнинг фазилатингиз мезони мардлик бўлиб келган. Энди бўлса, рўмол ўраб олганга ўхшайсиз! Ёки мен очик бошим билан сизларга етакчи бўлиб, нариги соҳилга бошлайми? Гап сотишни бас қилинглар! Нимадир қилинглар, ахир: илтимоснома ёзиш керак бўлса — ёзинглар! Мен биринчи бўлиб қўл қўяман! Подшодан сўраш керак бўлса, сўранглар. Мен биринчи бўлиб унинг олдида тиз чўкишим мумкин. Такаббурликнинг нима кераги бор. Мақсадимиз битта — убихлар юртига қайтиш.

Ҳамидадан кейин гапиришни ҳеч ким истамади. Жимлик чўкди. Уни Сит бузди:

— Азизим Мзауч, мирза ичтерламадан ўлган-ку, илтимосномани бизга ким ёзиб беради? Марҳум русчани биларди. Бизнинг орамизда

унга ўхшаш иккинчи одамни топиш қийин. Бу борада ҳам тақдир бизга бағритошлик қилди.

– Шунақа одам бор! – деди Мзауч оломон орасидан кимгадир қўли билан имо қилиб.

Тўда орасидан шаҳарча кийинган кўримсизгина бир чол чиқди. У бурнига кўзойнак кўндириб олганди. Орқага қараб таралган оппоқ сочлари елкасига тушиб турарди. Унинг кўкрак чўнтагидан соатининг тилла занжири кўринарди.

– Бу муҳтарам зот асли юнонлардан. У бир вақтлар тилмоч сифатида савдогарлар билан бутун Россияни айланиб чиққан, ҳозир рус консуллигида таржимонлик қилапти. Нимани баён қилиш керак бўлса, биз туркча айтамыз, у русча ёзади, – таништирди чолни Мзауч.

Қария сийқаланиб кетган чарм сумкасидан қоғоз, патқалам ва сиёҳдон чиқариб, қаердандир пайдо бўлган столчага қўйди. Дастрў-мол чеккаси билан кўзойнагини артиб, столча ёнига тиззалаб ўтирди-да, “Мен тайёрман!” дегандек Мзаучга қаради.

Княз Уахсит Ридба ишшайди:

– Бизнинг муслмонлик дардимиздан нимани ҳам ёзарди бу насронийнинг қўли? Илтифотсиз пайгамбардан нажот кутиш хомхаёл!

– Қағиллама, княз, – унинг гапини бўлди Ҳамида.

Чоллар ва кекса аёллар мирзани ярим доира бўлиб ўраб олишди, биз ёшлар сал орқароқда турдик. Хатга ёзиладиган дастлабки сўзни Сит айтадиган бўлди. Одамлар бу сўзларни ўйлаб кўришди, баъзи жойларини қисқартиришди, баъзи жойларига қўшишди. Чоллар айтилган гапларни силлиқлагач, Мзауч уларни туркчага таржима қилди, патқаламни қўлида тутиб турган юнон киши уни ўрисчалаб қоғозга ёзди. У ёзаётганида шундай сукунат чўкдики, қаламнинг қитирлаши эшитилиб турарди. Кейин бошқа бир тоғлик оқсоқоллар ҳукми ва кенгашига ўз фикрини ҳавола қилди. Бу фикр-мулоҳазалар муҳокама қилиниб, аввал туркчага, кейин русчага таржима қилинди ва қоғозга туширилди. Бу нарса бир неча бор такрорланди. Ирмоқлар бир оқимга қўшилганидек, фикрлар бир мактубга жамланиб, ягона умидга айланди. Юнон мирза қаламини қоғоздан кўтаргач, ҳамма бўйинини чўзиб шу қоғозга тикилди. Уларнинг тақдири шу қоғозга боғлиқ эди.

“Агар Қора денгиз дунё сиёҳдонига, унинг ҳар икки соҳилидаги дарахтлар қаламга, бутун ер юзи қоғозга айланса ҳам муҳожирларнинг дард-аламларини ёзиш учун сиёҳ, қалам ва қоғоз етмасди”, – ўйладим мен ўша бир варақ қоғозга қараб.

“Нега энди мўъжиза рўй бермас экан, – дедим ўзимга тасалли бериб. – Ахир дунёда мўъжизалар бўлиб туради-ку. Мана шу бир варақ оқ қоғоз оқ қанот кабутардек Истанбулдаги элчи кафтидан осмони фалакка кўтарилиб, Россия кенгликлари ва ўрмонлари устидан учиб ўтиб, Петербургдаги подшо саройига борса, император столига қўнса... Нега мўъжиза юз бермайди? Нимага? Борди-ю, ўша тонг ярим дунё ҳокими қувноқ ва марҳаматли бўлиб уйғонса-чи?! Столдан кабутар элтган хатни қўлига олиб, кутволдан: “Бу нима?” – деб сўрайди, албатта. – Бу убихларнинг илтимосномаси, ҳазрати олийлари”, – дейди кутвол жилмайиб. “– Э-э, убихларми? Ҳа, ҳа! Жасур қабила, жасур”, эслайди пешонасини тириштириб император. Ва эҳтиром билан дейди: “– Ахир улар Қора денгиз соҳилида яшардилар-ку. Ноиб юборган хуфияда “бўйсунмаслар” деб аталган элат-да!” “Худди шундай, ҳазрати олийлари”, – дейди кутсал. “Бизлар билан мардона олишдилар, бизнинг Туркияга кўчиб ўтиш ҳақидаги шартимизга кўнмадилар. Муносиб рақиб, муносиб! Сиз нима деб ўйлайсиз, генерал, шун-

дай рақиблар ҳурматга лойиқми?” “Албатта, ҳазрати олийлари”, — деб жавоб беради қутсал. Унинг кўксини “Кавказни бўйсундиргани учун” медали безаб турибди. “— Эҳ, бахтиқаролар, — изтиробини яширмай хитоб қилади подшо. — Мен улар бунақа фалокатга учрайдилар деб сира ўйламагандим... Ахир муҳожирлар орасида анчагина чоллар, аёллар ва болалар бор... Албатта, убихлар айбдор, лекин мен марҳаматимдан маҳрум этадиган даражада эмас”. У шундай дейдию, оқ қўли билан қаламни олиб, илтимосномамиз устига иккита сўз ёзади: “Илтимослари қондирилсин!” Ва адолат тантана қилади. Бизларни олиб кетгани кемалар келади ва биз ватанимизга, убихлар юртига қайтамыз. Ташлаб кетилган уйларимиз эшиклари очилади. Деҳқонлар яна ер ҳайдаш ва экиш учун далаларга чиқадилар. Қувонч ва шод-хуррамлик яна одамлар қалбини тўлдиради, тўйлар бошланади, болалар дунёга келади.

Борди-ю, ҳаммаси аксинча бўлса-чи: подшо ёмон кайфиятда, кечаги гўзал аёл уни рад этгани учун газабланган бир ҳолатда ўрнидан туради, убихлар ҳақида гап кетаркан, кутвол подшога шафқатсиз маслаҳат беради: “Бу қароқчиларни кечириш, зоти олийлари, ўта номаъқул иш бўларди. Бунинг устига биз Туркия билан келишиб олганмиз”. Ва ҳукмдор оқ қўли билан қаламни олиб, илтимосноманинг устига: “Иш ҳал қилинган, қайта кўришга ҳожат йўқ!” деб ёзади. Ва биз, убихлар, қирилиб кетамиз, битта қолмай қирилиб битамиз. Буни қарангки, бизнинг тақдиримиз подшо қаламининг учига битилган экан. Бутун бир халқнинг ҳаёт-мамоти қандайдир воқеа инжиқлигига, подшонинг кайфиятига боғлиқ экан”.

Убихлар илтимосномаси ва подшонинг унга имзо чекиши билан боғлиқ фикрлар миямда чарх ураркан, мирза ва тилмоч — юнон чол — ўз иштини тугатди.

Ўшандан бери, Шарах, жуда кўп вақт ўтиб кетди, мен бўлсам, убих халқининг подшога мактубини ҳамон яхши эслайман. Гўё менинг хотирам — қабртошдаги ёзув, илтимоснома сўзлари эса унга битилган дуойи-фотиҳа мактуби эди. Унда нима битилган эди деб сўраяпсанми? Унда бизнинг изтиробларимиз акс этган эди. Бунёд бўлганидан буён ҳеч бир халқ бунақа изтиробларни кўргани йўқ, — дейиларди хатда. — Бизни бу ёққа таклиф қилган Туркия ҳукумати ваъда қилинган меҳмондўстликнинг бирорта ҳам шартини бажармади. “Муқаррар ҳалокат ёқасида турарканмиз, қилган барча хатоларимиз учун чин дилдан афсусланган ва бутун оғирлигини тан олган ҳолда, биз, убихлар, тирик қолган ҳаммамиз, эркаклар ва аёллар, кексалар ва ёшлар Сизнинг императорлик олий ҳазратлигингиз олдида бош эгиб, ёш тўкиб Сиздан ватанимизга қайтишга рухсат беришингизни сўраймиз. Сизга қасам ичиб ваъда берамизки, агар юртимизга қайтишга ижозат этилса, фақат ўзимиз эмас, авлодларимиз ҳам Сизнинг подшоҳлик марҳаматингизни ҳеч қачон унутмаймиз, Россия давлатига эътиқод ва ҳақиқат билан хизмат қиламиз. Сизнинг улугвор ҳузурингизда тиз чўкиб, сиздан ёлвориб сўраймиз: убих халқининг ер юзидан йўқолиб кетишига йўл қўйманг!” Мана шунанга сўзлар бор эди, дад , ўша илтимосномада.

Илтимоснома матни ўқиб эшиттирилгач, Мзауч Абухба уни имзолашга таклиф этди. Биринчи бўлиб ўзи имзо чекди. Ҳамида буви бирорта ҳам ҳарф билмасди. Шунинг учун бош бармоғини сиёҳ билан ҳўллаб, қоғозга босди. Ҳурматли қоҳин Соулах ҳам саводсиз эди.

¹ Д а д — азизим.

У ҳам бармоғини босиб қўя қолди. Сенга шуни айтишим керакки, дад, қўлига қалам олиб, имзо чекканлар жуда озчилик эди. Навбат отамга келди. Лекин у иккиланди.

– Сенга нима бўлди, Хамирза? – ҳайрон бўлди Сит.

– Халқ келишиб шунга қарор қилган экан, бу мен учун қонун. Лекин бу ерда менинг устозим ва жанобим Шардин Алоу ўғли йўқ, унингсиз мен қўл қўёлмайман.

Биз Мата бир-биримизга қараб олдик-да, бараварига столга яқинлашдик:

– Отамиз ўрнига биз қўл қўямиз!

Аввалига мен, тўнғич сифатида, кейин укам Мата қоғозга бармоқ босдик.

– Сен-чи, Наврўз, нега чўзаяпсан ёки Ридба билан бир фикрдамисан? – сўради Мзауч.

Наврўз қуйи солинган бошини кўтарди-да, одати бўйича калта ҳассаси билан ерни тақ-туқ ураркан, деди:

– Бундан бир иш чиқишига озгина бўлса ҳам ишончим комил бўлганда эди, ишон, унга ўн марта имзо чекардим. Бу қоғоздан зарар ҳам, фойда ҳам бўлмайди. Қаламни бер, имзо қўяман. Самовий қасрлар қуришни бас қилиш керак! Мана эртага Соулах муқаддас Битха олдида бизга оқ фотиҳа беради, шунда ишонинглар, мен нима қилишимни яхши биламан. Бугун эса, агар сизларга шу керак бўлса... – Ва Наврўз Баракай ўғли бармоқларимиз изи ёнига ўз исмини ёзиб қўйди.

Тан олиш керакки, княз Ридба Уахсит тарафдорлари анча-мунча экан. Улар йиғинни ташлаб кетишга ботинолмай, бир чеккада туришарди. Зеро, бундай ҳаракат тўпланган кўпчиликка қарши норозилик бўларди. Арзномани рус элчиси Игнатъевга топшириш учун Абухба Мзауч бошлиқ уч кишини вакил қилишди. Улар дарҳол Истанбулга жўнашлари лозим эди.

Бизнинг муқаддас Битхамиз учун Туркияда ибодатхона топилмади. У коҳиннинг хароб кулбасида оддий бир қўза мисоли ётди. Вабо бошланганидан сўнг баъзилар Битха хафа бўлганидан бизни ҳимоя қилмай қўйди деб тахмин қилишди. Одамларнинг кўнгли чўкмасин дея коҳин Солаух Битхани қўлига олиб касалга чалинганларнинг уйига бирма-бир бориб, беморнинг тузалиб кетиши учун дуолар ўқиди. Одамлар Битханинг мўъжизакор кучига ишонардилар ва беморнинг тузалиб кетиш ҳоллари кўп бўлди. Инсон нимагадир ишониши керак, Шарах.

Касаллардан ташқари барча муҳожирлар денгиз соҳилидаги ёлғиз дарахт тагига тўпландилар. Бахши Сакут дарду ғам тўла қўшиқларини шу ерда куйларди. Бугунги ибодат бошқача эканини ҳамма яхши тушунарди. Битханинг ўзи Наврўз бошчилик қилаётган одамларга убиҳлар юртига йўл кўрсатиб, фотиҳа бериши керак. Солаух оппоқ кийимда ибодат қилгач, чарм қопдан Битхани чиқарди-да, дарахтга суяб қўйди. Ҳаммамиз тиз чўкдик.

– О буюк ва қудратли мадакдорларимиз Битха! Биздан марҳаматингни аяма, оқ фотиҳа бер!

Коҳиннинг дуойи фотиҳаси қалбларимизга ҳарорат бахш этарди. Биз ўчоқларда қолдириб келган ҳузурбахш тутун димоғимизга урилгандай бўлди. Азиз манзаралар қўз олдимизга келди. Ватанимизни эсладик, ўлиб кетганларни хотирладик, ҳатто эркакларнинг ҳам ёноқларида ёш ўрмалади. Соулах қўлларини кўкка кўтариб, давом этди:

– Эй, олийҳиммат Битха! Энди кўпчилик ватанимизга жўнаяпмиз. Бунинг йўлимиздаги ғовларни олиб ташла! Йўлимизда учрайди-

ган жарликлар устига кўприклар қур! Денгизда сузаётганда йўлдош шамол бер! Уларни ҳимоя қил, мадаккор бўл, руҳини кўтар!

– Омин! Омин! – жўр бўлишди тиз чўкиб турганлар.

Ибодат тугагач, кишиларнинг руҳлари тетикланди. Эркаклар хан-жарларини тақдилар, тўппонча ва милтиқларини қўлга олдилар. Ибодат пайтида улар қурол-яроғларини бир чеккага қўйгандилар.

– Оқ фотиҳа олганлар, йўл тадоригини кўринглар! Тангри мадаккор бўлсин! – хитоб қилди Наврўз.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган бўғча-тугунларини, зарур буюмларини ва кўзаларини олиб, эркак ва аёллар тўдаси унинг орқасидан йўлга тушдилар. Кичик набираси Тоҳирнинг қўлидан етаклаб олган Ҳамида кампир орқасига ўгирилиб қарамади ҳам. Улар Трабзонга қараб юришди. Бирорта кемани ёллаб, Сухум-қалъа томон сузиш ниятида эдилар. Агар кема топиш имкони бўлмаса, пиёда чегарагача боришга қарор қилгандилар. Худодан, қурол-яроғдан вазиятнинг ўнғай келишидан умид қилиб, қандай бўлмасин, убиҳлар мамлакатигача боришни мўлжаллагандилар. Бутун оиламиз соҳилда эди. Биз Мата билан кучоқлашиб хайрлашдик. Унинг юкини кўтариб, анчагача ёнида бордим. Кейин яна кучоқлашиб хайрлашдик. Кейин кетаётганлар кетидан узоқ қараб қолдим. Ўз укангга ҳасад қилиш яхшимас, лекин менинг унга ҳасадим келди. У нақадар бахтли: уйига қайтиб кетаяпти! Мен-чи! Худо гувоҳ, агар бу ерда онам, отам, сингилларим бўлмаганида, кетаётганлар ортидан югуриб борардим. Лекин бу ерда қолаётганлар фақат оиламдагилармиди? Кўз ўнгимда номаълум Родос ороли пайдо бўлди. Ўша оролда севгилим, жондан азиз Фелдишим қолаётганди. Юрагим тилка-пора бўлиб кетди.

Ишлашга ўрганган инсон учун мажбурий бекорчилик касалликдай гап. Бизнинг оила нима қилиши мумкин эди? Кичкинагина томорқа қилайлик десак, еримиз йўқ эди. Боқайлик десак, сигир тугул эчимиз ҳам йўқ эди. Нима қилишимиз керак? Яхшиямки, отам уйдан тўрни олган экан. Энди у куни билан денгизда қолиб кетарди. Оиламизнинг ёлғиз емаги балиқ бўлиб қолди. Бекорчилик аввалига менинг ҳам жонимга тегди. Кейин қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дайдиб юришим одатга айланди. Уйга бирорта нон топиб келиш учун бандаргоҳда юк ортувчи бўлардим, гоҳ бой турк учун ўтин ёриб берардим ёки молхонасини тозалардим. Ҳеч нарсадан ирганмасдим, ишчи қўли тўлиб ётганда қанча ҳам пул топардинг? Сен, Шарах, ярим оч яшаш нималигини билмасанг ҳам керак. Фақат ўзинг қоринни тўйғиза олмасанг бу бир ташвиш, агар бутун оиланг оч қолса бу — даҳшат! Ҳеч нарсадан тап тортмайсан. Қотиллик қиласанми ёки афв этасанми, лекин билиб қўй, мен беихтиёр гуноҳ қилиб қўйдим. Яхшигина қуролланган эликдан ошиқ йигит “ов”га чиққанида улар орасида мен ҳам бор эдим. Ўзинг билганингдек, бутун Туркия бўйлаб биз — муҳожирлар ҳақида шум хабар тарқалганди. Черкасча кийинган одамлар олдида эшиклар тақа-тақ бекиларди. Қуролли тоғликлар билан полициячилар ўртасида неча бор отишмалар бўлиб ўтди. Агар бу бошибузукларни полиция эплай олмаса, ҳарбий қўшин шай қилиб қўйилганди. Биз чекка жойларда ҳаракат қилишга уринардик. Деҳқонларга тегинмасдик. Ўзимизга ўхшаш бу юпун кимсалардан нима ни ҳам олардик? Лекин келгинди тужжорлар ва баққолларни боплаб тунардик. Пул, кийим-кечак, пойабзалларини тортиб олардик. Отларини олиб қочардик. Ўзинг биласан, бизларга отсиз яшаш жуда қийин эди. Полиция билан тўқнашганда, улар томондан ҳам, бизлар томондан ҳам қурбонлар бўларди. Биз тарафдан полиция қўлига тирик-

лай тушганларни қийноқ жазоси кутарди.

Бу абжир йигитларга Матани кузатаётган пайтимда қўшилган эдим. Ҳамма босқинимиз ҳам муваффақиятли чиқавермасди. Бир сафар полициячилар бизни ўраб олишди. Улар кўпчилик эди. Биз иккитадан-учтадан бўлиб, қуршовни ёриб ўтиб, ўрмонлар, тоғлар орқали кечаси соҳилга тушиб олдик. Бизнинг йўқлигимизда Самсун атрофидаги муҳожирлар орасида анчагина муҳим воқеалар бўлиб ўтибди: Шардин Алоу ўғли қайтиб келибди. Уни кўплар, шу жумладан, отам ҳам кутаётганди. Кўзлари кулиб турарди. Чехрасида ғамдан асар ҳам йўқ эди. Черкасча ўрнига туркча кийиниб олганди. Бошида қора жиғали қизил фас. Қўлида қаҳрабо тасбиҳ. Юриш-туришида, овозида анча ўзгариш бор. У бу ерда одамлар унингсиз қандай яшагани, нима ўзгаришлар юз бергани ҳақида суриштирди.

— Урислар билан урушда бу бегона юртда қирилиб кетганчалик одам ўлмаганди.

Бу хабар эмиқдош оғамизни унчалик ташвишга солмади. Уни хафа қилган нарса бизнинг подшога арзнома ёзганимиз бўлди. Айниқса, кўплар Наврўз билан кетгани уни газаблангирди.

— Сабр-бардошингиз қаерда қолди? — тўнғиллади у. — Нима, ер юзини сув босдимиз? Зилзила юз бердимиз? Эҳ, каллаварамлар! Ёш болага ўхшаб сизларни бир кунга ҳам қаровсиз қолдириб бўлмайди! Подшога илтимоснома ёзишни қайси аблаҳ ўйлаб топди? Ёки руслар бизларни ўқ билан илма тешиқ қилгани эсингиздан чиқдимиз? Кофирларга қул бўлишни хоҳлаб қолдингларми? Шармандалиқ, қандай шармандалиқ! Эсингизда бўлсин: энг аввало, бизлар мусулмонмиз ва мўмин-мусулмонлар еридамиз! Оллоҳнинг ноиб, энг олижаноб султон шу мамлакатнинг биринчи фуқаросидир. Шундай шараф ҳақида ўйлаганингизда қувончдан юрагингиз ҳаприқиб кетади! Яширолмаيمان, мени буюк султон Абдулазизнинг онасига таништиришди. Унинг адигей қизи эканини яхши биласизлар. Унинг ва менинг аждодларим қариндош бўлишган. Томирларимизда бир хил қон оқаяпти! Султоннинг онаси менинг тақдиримни, демак, сизнинг тақдирингизни ҳам, мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли ҳисобланган одамга топширди. Бизларга ўрмон билан қопланган ҳосилдор ерли, сувли жойлар тақдим этилди. У ерларда бошдан кечирган барча азоб-уқубатларингизни эсдан чиқарасиз. Кўчишга тайёрланинглар, совуқ тушгунча биз ўша ерда бўлишимиз керак.

Шардин Алоу ўғлининг қайтиб келгани ҳақида бировдан эшитганимни гапираяпман. Чунки айна ўша пайтда, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, муваффақиятсиз босқиндан сўнг отлиқ йигитлар билан соҳилга қайтаётган эдик. Йўлнинг ярмидан кўпини босиб ўтган ҳам эдикки, чала ўлик ҳолда судралиб келаётган тўдага кўзимиз тушди. Уларни милтиқли аскарлар ҳайдаб келарди. Уларга яқинлашдик. Булар ватанга қайтиб кетишни истаб йўлга чиқиб калтакланган, ҳолдан тойган, ялангоёқ кишилар — убиҳларнинг қолган-кутганлари эканини кўргач, қандай аҳволга тушганимизни ҳеч тасаввур қила оласанми, Шараҳ?

— Мата! — бақирдим телбаларча ва тўдага отилдим.

У мункайганча, таёққа суяниб, бағрига бир болани босганича зўрга одимларди. Мен болани дарҳол танидим — Ҳамиданинг набираси Тоҳир эди. Аскарларнинг бақир-чақирига қарамай, халталаримиздан егулик нарсаларни олиб, очлик ва ташналиқдан силласи қуриган, руҳан эзилган, соқчилар ҳайдаб келаётган кишиларга улашдик. Бироз дам олгач, тўсатдан пайдо бўлган қуролли чавандозларни кўриб, кўрқиб кетган соқчи аскарлар руҳсат беришганида, биз ярадор ва ҳолдан тойган муҳожирларни кўтариб, тўдага қўшилдик.

Мен Мата билан Тоҳирни ўз отимга миндирдим. Мата менга Трабзонга қандай етиб олишгани ҳақида гапириб берди. Мўмайгина пул эвазига уларни Кавказ соҳилига олиб бормоқчи бўлган кема соҳиби кўрқиб қолиб, бирорта ҳам йўловчи олмай очиқ денгизга чиқиб кетибди. Шунда Наврўз бошлиқ кишилар, аввалдан келишилганидек, пиёда чегарага қараб йўл олибдилар. Чурук Су дарёси бўйида турк чегарачилари уларни найзалар билан қарши олишибди. Икки ҳафта мобайнида тоғликлар нариги соҳилга ўтадиган жой қидиришибди. Лекин чегара қаттиқ қўриқланаётган экан. Ноилож қолгач, жанг билан ёриб ўтишга қарор қилишибди. Отишма бошланибди. Биринчи бўлиб Наврўз юрагидан ўқ еб, йиқилибди.

— Унга ҳавасим келади, — деди шивирлаб Мата. — Эҳ, нега энди ўша она юртимиздан ярим чақирим берида ҳалок бўлган йигитлар орасида бўлолмади! — Мата чуқур “ух” тортди. Сўнг кўшиб кўйди: Шўрлик Ҳамида бўлса, мурғак набирасига ҳам раҳм қилмай ўзини дарёга отди. Ҳали йўлдалигимиздаёқ мени ўғил қилиб олганди, ўз набирасининг тақдирини менга топширди. Тоҳир энди менинг укам, сенинг ҳам укамг бўлиб қолди, Зауркан. Агар менга бирор нарса бўлса, унга гамхўрлик қилгин...

Мата бағрига босиб турган мурғак Тоҳир уйқусида инграб кўйди.

Яхши хабарлар жойида туради, ёмон хабарларни эса шамол учириб кетади. Самсун яқинида қолган убихлар Наврўз билан кетганлар чегарадан ўтолмаганини ва кўпи ҳалок бўлганини қаердандир эшитибди. Тирик қолганлар эса арвоҳларга ўхшаган ҳолда соҳилда пайдо бўлганда қалбларни титратувчи “оҳу фарёд”лар атрофни тутиб кетди. Қайтиб келганлар орасида кимдир онасини, кимдир ўғлини, яна кимдир яқин қариндошини кўрмади. Шунинг учун бўлса керак, Мзауч Абухба Трабзондан олиб келган хабар гамгин сукут билан қарши олинди. Бу хабар эса ўта шафқатсиз эди: бизнинг арзнома-мизга подшо ўз кўли билан: “Убихлар масаласи ҳал бўлган, қайта кўриб чиқишга ҳожат йўқ!” деб ёзибди.

— Мен сизларга шундай бўлишини айтган эдим! — деди хурсандчилигини яширмай Шардин Алоу ўғли подшонинг қарорини эшитиб.

Денгиз бўйидаги қаҳвахонада пашшахона панасида у Умар пошо билан нард ўйнади. Мзауч олиб келган қора хабар унинг асл башарасини кўрсатди-кўйди. Халқ хоҳлайдими, йўқми, унга, яъни Шардиннинг иродасига бўйсунини у яхши тушунарди. Бугун ўйинда ҳам унинг омади чопаётганди. У нард ошиғини ҳар отганда олти бўлиб тушиб берарди. Пошонинг сахтиён чармдан қилинган ҳамёни озиб борарди. Бизнинг сардоримизнинг кайфиятини бузган нарса пошонинг Ҳожи Керантух ҳақида гапиргани бўлди.

— Э-э, ер ютсин уни! — ўзини тутолмади Шардин. Бу “Убихларнинг ягона ҳукмдори менман!” деган маънони билдирарди.

Тез орада кемалар сузиб кела бошлади. Улар бизларни Шардин айтган фаровон ўлкага олиб кетмоқчи эди. Биз кемаларга жойландик. Икки кундан кейин Самсун атрофида убихлардан ҳеч ким қолмади. Фақат мунғайиб турган қабрларда ётганлар қолди, холос.

Менинг қалбимда икки туйғу тўқнашди. Бири — қайғули туйғу, зеро, биз убихлар мамлакатидан янада узоқлашаётгандик. Иккинчиси ёрқин туйғу — кемаларимиз Родос оролига яқинлашиб борарди. Фалакнинг раҳми келса, балки Фелдишни кўрарман. Мен палубада туриб, ёлғиз дарахт ўсган соҳилни кузатардим. Ўша дарахт остида Сакут қабридаги тош оқариб кўринарди. Унинг боши узра, дарахт-

нинг баланд шохига осиб қўйилган апхиарца тебраниб турарди. Бирдан менга гўё апхиарцанинг тори чертилиб кетгандай бўлди ва қулоқларим остида кўр бахшининг овози жаранглади:

Чавандоз сўрайди: — Айтинлар, — дея,
 Жанговар эгарли отим қаёқда?
 Гарчи аргумоқда ўтирар ўзи,
 Узангига маҳкам босиб оёқда.
 Биз сўраймиз кўзимизда ёш,
 Қаердасан, жаннатмакон ер?—
 Гарчи ўша она ватанни
 Биз қолдириб келганмиз, ахир?!

Кемалар Истанбулга қараб борарди. Учинчи куни кемалар Истанбул яқинида лангар ташлади. Лекин соҳилга ҳеч кимни қўйишмади. Чунки бандаргоҳ маъмурлари бизнинг шаҳарга ич терлама ёки вабони юқтиришимиздан қўрқишарди. Денгизда сув қозондай қайнар, тўлқинлар қутуриб бандаргоҳга уриларди. Денгизчи турк кўпикланаётган сувга қараб тишлари орасидан туфлади:

— Шайтон ақинтиси!¹

Хурофотчи одамлар буни “фалокатнинг белгиси” деб қайғура бошлади.

Кемалар Истанбулдан Емзидга қараб йўл олишди. Лекин у ерда ҳам қирғоққа тушишга руҳсат беришмади. Бу тақиқ дахл қилмаган ягона одам Шардин эди. Шаҳарда анча вақт бўлиб қайтгач, мақтаниб деди:

— Бу ерда, муҳтарам юртдошлар, менинг дўстим яшайди. Сизларнинг жонингизга ора кирадиган ўша Салим пошо бўлади. Унинг ҳимояси остида эканмиз, ҳеч нарсадан қўрқмасак ҳам бўлади.

Кемалар Бандирма томон бурилишди. Кемадан тушгач, Шардиннинг оиласи ўтирган араваларга эргашиб, Усмон кўй деган жойга йўл олди. Кейинчалик маҳаллий аҳоли гапириб берди: бизлар бу ерга келгунга қадар қишлоқда қандайдир бир убих пайдо бўлган экан. Усмон номли ўша убих ҳамма жойни айланиб кўриб чиқибди, нималарнидир мўлжаллабди. Кейин бирдан ғойиб бўлибди. Балки бу бир уйдирмадир: эҳтимол ўша Усмон деганлари Шардиннинг ўзидир!

УСМОН КҶЙ

Мен елкамда бир қоп маккажўхори билан ҳовлига кирганимда кеч тушганди. Уйимиз тепасида кўкимтир тутун кўкка ўрларди. Оқ кучугимиз югуриб келиб оёқларимга суйкала бошлади. Товуқлар қўноққа қўниш олдидан қақоқлай бошлади. Онам Наси митти Тоҳирни бузоқнинг думидан тортгани учун койиб бердилар. Унинг эркаловчи овози юрагимда акс садо берди. Отам кичик курсичага ўтириб олиб, шохсиз сигиримизни соға бошлади. Томорқадан бир боғ барра пиёз узган синглим Куна уйга шошарди, мамалиг пишириш учун қозонда қайнаётган сув тошиб кетмасин дерди-да. Кенжа синглим Жуна қўлида таёқ, осилган қўрпаларни қоқиш билан овора. “Эй, худойим, — ўйладим мен, — балки сенинг мададинг билан яна аввалгидек яшаб кетармиз”. Ҳар ким ўз иши билан банд. Кечки овқатга ўтирганимизда Мата кириб келди. Нимадандир кайфияти бузилганди.

¹ Иблис оқаваси (туркча).

– Бирор нарса бўлдими, ўғлим? – сўради отам.

– Хўжайиннинг кўргонига бошқа бормайман, – деди Мата дастурхондан тураркан. – Бугун у ердан кетаётиб, “Бас! Бу ёққа бошқа келмайман!” – ўзимга сўз бердим.

– Сал қизишиб кетибсан-да, داد! – тинчлантирди уни отам ҳамдардлик билан.

– Даламиз сувдан қолиб кетди. Маккажўхорини ўт босди. Тамаки-миз чириб кетаяпти, сингилларимиз баргини узиб улгуришмаяпти.

– Ўзим ҳам биламан, лекин на чора? Ҳар бир оилада битта одам ҳафтада бир кун заминдор ерида ишлаб бериши керак. Бу қоидани биз эмас, ота-боболаримиз ўрнатган. Бунинг устига Шардин бизнинг энг яқин ва азиз қариндошимиз бўлади.

Отам шамга ўт олдириди-да чориқ тикишга киришди.

– Битта мен эмас, – тўнғиллади Мата, – у ерда ишлаган барча йигитлар эртага бормасликка онт ичишди.

– Ҳамма бараварига аҳдлашган бўлса, адолатли, – дедим мен.

Отам тикаётган ишидан тўхтаб менга ўқрайди:

– Оловга мой сепишга уста экансан-ку! Унинг мияси айниган, у Матага ишора қилди – сен бўлсанг баттар гиж-гижляяпсан. Шардин эмикдош оғам эканини унутдингми? Виждонларинг борми? Фақат бизнинг оиламиз эмас, Усмон кўйдаги жойлашган барча убиҳлар унинг бизга қилган яхшилигини унутмаслиги керак. Ёки Самсун яқинида қандай яшаганимиз эсинглардан чиқдимми? Бунақа нонкўрлик қилиш – гуноҳ.

– Нима, сизнинг эмикдош оғангиз бизларни бу ёққа олиб келаётганда ўз фойдасини кўзламадимми? Агар у шундай қилмаганида, унинг учун ким ишлаб берарди? Бунинг устига ўзига қарам деҳқонлари бўлмаган заминдор бой бўлиб қаёққа борарди. Энди у фаровон ҳаёт кечирмоқда. Кечадан бошлаб унинг уйида Салим пошо меҳмон бўлиб турибди... Кеча тўйиб ичишган, бугун жуда кеч туришди. Туришди-ю, бу ёқдан нард ўйнашга тушишди. Шардин мўмайгина пул ютқазди. У лираларини санаганда кўзларимга ишнололмадим. Мен умр бўйи ишлаб, шунча пулни тополмайман. Бизлар туз сотиб олиш учун икки танга тополмаймиз, бу бекорчи бўлса, бизнинг пешона теримиз билан топилган пулни оддий қоғоздек совураяпти. Сингилларим олдида айтиб бўлмайдиган гап, лекин мен ўз қулоғим билан эшитдим, совға-саломлар билан хоним ҳузурига келган қизлар ҳақида ўртоғига нималар деганини...

– Сен ҳам ёшсан, ўғлим! Кимга нима мумкинлиги ҳақида гапиршни сенга ким қўйибди. Кимдир буюриш, кимдир бўйсунуш учун туғилган. Бу кимнингдир инжиқлиги эмас, Оллоҳнинг иродаси! Ҳар иккаланг ҳам унутманглар, – отам бармоғи билан бизларга таҳдид қилиб, – биз бегона юртдамиз. Худо кўрсатмасин, агар бирор нарса бўлса, суянадиган ҳеч кимимиз йўқ. Фақат Шардин ҳимоя қила олади бизни. У бизнинг валинеъматимиз! – отам қўлидаги ишни бир чеккага қўйди-да, пуфлаб шамни ўчираркан, деди: – Эртадан кейин жума, мачитга бориш эсларингдан чиқмасин!

– Бизларсиз ҳам ўқийверишади, – дедим ўзимни тутиб туролмай.

– Сени худо кечирсин, болам, – деди онам кайфи учган ҳолда пичирлаб.

Куни билан чарчаганимиз учун эртароқ ётдик, лекин уйқим келмади. Кўзларим очиқ ётганимча укамнинг, отамнинг гапларини ўйлаб ётдим.

Бироз ер олганимизга ва уй солганимизга қарамай, унча яхши яшамасдик. Ҳаётимиз оғир кечар, тўйиб овқат емасдик. Агар убихлар мамлакатида биз битта хўжайинни билган, унга ишлаган ёки маҳсулот билан тўлаган бўлсак, бу ерда ашар, сиз—абхазларда уни ашъара дейишади — яъни, солиқни икки хўжайинга тўлардик. Уларнинг бири Шардин, иккинчиси эса ернинг эгаси Салим пошо эди. Етиштирган ва топган нарсамизнинг учдан бир қисмигина ўзимизга қоларди. Томорқамизнинг катталиги Убихиядагидай эди дейсанми? Бу ердаги томорқамизни хўкизнинг териси билан беркитса бўларди. Унда етиштирилган ҳосилнинг учдан бири билан оилани боқиб кўр-чи... Бизлар давлат солиғидан озод қилинмагандик. Ўша тун жуда кеч ухладим ва ўта бемаъни тушлар кўрдим.

Эртасига туш пайти онам овқатланиш учун дастурхон ёзганда, ҳовлимизга арабий арғумоқ миниб Шардин отилиб кирди. От терлаб кетган, эгаси уни роса чоптириб ҳайдаганга ўхшайди.

У бизлар билан сўрашмай-нетмай, бақира кетди:

— Ҳой, Хамирза, мени кўргани кўзинг йўқми, дейман?

— Нима бўлди, азиз оғам, нима бўлди? — сўради отам ҳадиксираб.

— Ёки мана бу сенинг димоғдор ўғилчанг, — Шардин қамчи ушлаб турган қўли билан Матани кўрсатди, — исён кўтарганидан хабаринг йўқми? Ундан ўрناق олиб, бошқалар ҳам ишга бормади. Бу сенинг тарбиянг, Хамирза! — деди-да, қамчисини кўтариб, отини ранги қув оқариб кетган Матанинг устига ҳайдади.

— Ўпкангни бос, — дедим-да, отининг йўлини тўсиб, тизгинидан ушлаб олдим.

Ҳазабланган Шардин қамчи билан бошимга туширмоқчи бўлди, лекин авзоимни кўриб, қўлини кўтарганча қолди. Иккаламиз ҳам ҳарсиллаб нафас олардик.

— Менга қара, Шардин, — дедим мен нафасимни ростлаб. — Бизга бир эмас, уч бўгин қариндош бўлсанг ҳам, қамчи кўтаришга ҳаққинг йўқ! Эҳтиёт бўл! — отининг жilовини кўйиб юбормай, дарвозага етакладим: — Омон бўл, Шардин...

— Буни асло унутмайман, — деди у хириллаб ва отига қамчи босди.

— Нима қилиб кўйдинг? — лаблари титраб минғиллади отам. — Бувинг оқ сут бериб боққан одамни уйдан ҳайдаб чиқаришга қандай ҳаддинг сиғди?

Бир куни кечқурун чархлашга берилган чопқи¹ни олиш ҳамда темирчининг ўғли, дўстим Дурсун билан отамлашиш учун темирчилик устахонасига йўл олдим. Устахона уйимиздан унча олис эмас, бир чақиримча келарди. Ёмғир ёғарди. Шунинг учун кўплар ишларини вақтлроқ тўхтатишга мажбур бўлишганди. Устахона олдида бос-тирмани ёмғирдан пана қилиб бир неча деҳқон гаплашиб ўтиришган экан. Билмадим, менинг Шардин билан тортишиб қолганимни қаёқдан эшитишди экан, кўпчилик менинг эътирозимни маъқуллашибди.

— Салом, Зауркан! — ўрнидан туриб, менга пешвоз чиқди хушчақчақ Умар. — Қариндошингни жуда бошлабсан-да!

— Қилмишига яраша-да! — тўнғиллади қария Рашид, чопқини дастага кийгизишга уринаркан.

Шардин билан бўлган жанжалим ҳақидаги суҳбат оловини баттар аланга олдирмаслик учун уларнинг гапига парво қилмай, сўрадим:

¹ Ч о п қ и — кетмонча.

– Дурсун кўринмадими?

Темирчи Давид асли гуржи эди. Бир вақтлар унинг аждодларини мусулмонликни қабул қилишга мажбур этишган. Кейин Гуржистоннинг жанубий вилоятларини турклар босиб олгач, уларни бу ёққа кўчиришган. Давид Туркияда туғилган. Унинг оламдан барвақт ўтган хотинидан Дурсун деган ўғил қолган. Бола ёшлигидан темирчиликка кўникиб ўси ва отасига ёрдамчи бўлиб қолди. Улар меҳнатсевар, жонкуяр кишилар эдилар. Муҳожирлар Усмон кўйга келганида, улар кўпларга ёрдам беришди. Одамларнинг кетмон, болталарини бепул сошлаб, нонларини бирга баҳам кўришди, касал болаларга сут келтириб беришди. Ўз-ўзидан темирчилар билан бизнинг оиламиз орасида дўстлик ришталари боғланди. Солиқни тўлаш учун пулимиз бўлмай қолганда Давид қарз бериб турар, бизга ҳар томонлама қарашарди. Ўғли Дурсун билан биз жонажон дўст бўлиб қолдик. Биз деярли ҳар куни учрашиб турардик. Иккаламининг иноқлигимиз Дурсуннинг отасига ҳам маъқул эди.

– Сизлар иккалангиз, – деди у бир куни, – черкасча кийинадиган халқларнинг фарзандларисиз, шунинг учун бир ханжарнинг икки тиғи сингари бирга бўлишларинг керак.

Дурсун жуда довурак йигит эди. Бунақалар ўтда куймайди, сувда чўкмайди. Давиднинг ўғли ёш бўлишига қарамай, бутун Туркияни айланиб чиққанди. “Фақат шайтоннинг шоҳида бўлганим йўқ”, – дерди унинг ўзи. Бир марта юрагимни очиб, унга Фелдиш ҳақида гапириб бергандим. У менинг ташвишимга ҳамдардона муносабатда бўлди ва умидим қайиғига елкан кўтариб берди.

– Родос оролига олиб кетишди дейсанми? – у қўлини денгиз томонга чўзди, – орол бу ердан унча олис эмас. Ҳадеб тушкунликка тушаверма, бирор йўлини топармиз... Агар унинг гапларини қардошлик тилига ўгирсак, бу сўзлар: “Билиб қўй, шу кундан эътиборан, мен сенинг содиқ шеригингман”, деган маънони билдирарди.

Қош қорайди. Ёмғир тинди. Устахона олдида тўйгунча гаплашиб олган деҳқонлар уй-уйига тарқалмоқчи бўлиб турганда уст-боши ичига ивиб кетган Жонтемир келиб қолди. У шаҳардан қайтаётган экан.

– Нима янгиликлар? – сўради Умар.

– Шум хабар! Султон Болқондаги урушда тепки ебди. Бугунми, эртами қишлоқ оқсоқоллари уйма-уй изғиб қолишади. Қурол кўтаришга қодир бўлганларни аскарликка олишга шошилишади.

Бу сўзлар тўпланганларни ташвишли сукутга чўмдирди. Бостирмадан ерга томаётган ёмғир томчисининг товуши ҳам эшитиларди.

– Агар ўғилларимизни олиб қўйишса, ҳаммаси расво бўлади, – ғамгин ўйга толиб деди Саит.

– Бошимизга шу ташвиш етмай турувди!

– Ҳукмдорлар ер талашяпти, бунинг эвазига бошқаларнинг болалари жон беришлари керак.

Кўшниларнинг сўзларида саросималик бор эди.

Бу хабардан ҳангу манг бўлиб қолдим, гўё елкамга болтанинг муҳраси билан тушириб қолгандек бўлди. Биринчи бўлиб миямга Фелдиш келди. “Агар армияга олиб кетишса, ҳаммаси тугайди, Фелдишни бошқа кўролмаيمان. Садоқатли дўст тўй ёки базмдан кўра, оғир дамларда керакроқ. Юз берган вазиятни у билан муҳокама қилсанг, бирор йўли топилар, лекин Дурсун бу оқшом уйига қайтмади.

Тўлин ой кечаси. Осмоннинг туб-тубида яшилтоб юлдузлар жимирларди. Енгилгина эсган эпкиндан барглар шитирларди. Рухий саросималик ва сўнмаган севги мени шундай бир аҳволга солдики,

ҳатто тан олишга уяламан, шамол билан гаплашадиган бўлиб қолдим. “Марҳаматли бўл, шамол, денгиз томон елиб бор, Родос оролига ет, ўша оролда менинг севгилимни излаб топ, лекин дераза тавақасини тарақлатиб, уни уйғотиб юборма. Агар иссиқ бўлса, уни салқининг билан елпиб қўй. Агар Фелдиш ёноғида ёш томчиси бўлса, уни қуритгин. Илтифот қил, шамол, Родос оролига учиб бор! Менинг гўзалим тонг саҳарда уйғониб, сочларини ўра бошласа, “Умидингни узма. Зауркан йўлга чиқди. Унинг олдида тоғлар бош эгади, унинг йўлида денгизлар чекинади. Уни кутгил...” — деб қулоғига шивирла”.

Туни билан дайдиб юрдим. Бир неча бор уйимиз олдига келиб қайтдим. Агар уйқум келса, балки кириб ётардим. Лекин бу кеча уйқу мени тарк этганди.

Тез орада, отам мендан яширин ҳолда Шардинникига борибди. Бош эгиб, гуноҳкор сифатида эмиқдош оғасининг оёғига йиқилибди:

– Ялинаман, داد, эси йўқ ўғилларимни кечир. Улар сени хафа қилишди. Бунинг учун уларнинг эсини киритиб қўйдим. Илтифот эт, жаҳлинг чиқмасин. Мияси йўқ уларнинг.

– Улар кечиришга арзимаиди, Хамирза. Лекин сенга бўлган ҳурматим туфайли, уларнинг гуноҳини унутишга ҳаракат қиламан, — деди Шардин.

– Ўғилларим ҳақиқий убихлар. Жанг майдони улар учун қўшчига шудгордай гап. Зауркан буни амалда исботлади, Мата ҳам бўш келадиган йигитлардан эмас. Тез орада убих йигитлари армияга олинармиш деган гап юрибди...

– Бунақанги ботирларнинг жойи асли ўша ерда...

– Шундай-ку-я, мен кучдан қолдим, аёлим ҳам тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Бу бегона юртда ўғилларсиз қолсак, еми тугаган қари отдек хароб бўламиз. Иккаламизни оқ сут бериб боққан онам хотираси ҳурмати ёлвориб сўрайман, шундай қилки, ўғилларимдан бирини менда қолдиришсин...

– Нима, мен кўз бойлоқчиманми... Ҳарбий хизматга чақирилган аскарни сафарбарликдан олиб қолиш осон деб ўйлайсанми, Хамирза?

– Қийинлигини яхши тушунаман. Лекин сен...

– Бунинг устига менинг эмиқдош жиянларим бундай эркатойликка арзимайдилар.

– Оловни мой билан ўчириб бўлмайди, ранж-аламни жаҳл билан тинчителиш мумкинмас, داد.

– Бўлди, ўргатма менга! Қариндошликни мен ҳам яхши биламан. Агар сенинг каллакесарларингни урушга ҳайдашса, ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Отамнинг ҳар қанча ёмонлик кутганига қарамай, Шардин хушмуомала ва меҳмондўст эди. У отамни меҳмон қилди, у билан нард ўйнади, ҳатто унга телпак ҳадя этди. Улар хайрлашаётганда мезбон гўё беҳосдан деди:

– Ўғилларингни уйимда ва дала-еримда ишлашдан озод қиламан. Улар ўз хўжалигида ишлайверишсин. Сен бўлсанг, иним, уйимга тез-тез келиб тур. Хизматкорлардан кўз-қулоқ бўлиб туриш учун. Қадрдон кўз — содиқ кўз. Ҳа, сал бўлмаса эсимдан чиқай дебди. Хоним, қизларинг ҳафтасига икки марта келиб туришини илтимос қилди. Рафиқам хоналарни тозалаш ва кир ювиш билан яқин кишилар шуғулланишини истаяпти.

Отам бундай шон-шарафни қандай рад этиши мумкин эди! Уйга жуда хурсанд, анча ёшариб қайтди. Бутун оиламни бахтга чулғадим, деб ҳисоб-

ларди отам. Бу оддий камбағал, Шардиннинг бунақанги хўжакўрсинга қилинган мулозамати остида ёвуз макр яширинганини қаёқдан билсин.

Шу кундан эътиборан сингилларим Куна ва Жуна ҳафтасига икки марта навбатма-навбат князнинг уйига қатнай бошладилар. У ерда эртадан-кечгача уй бекасига хизматда бўлдилар. Отам ҳам вақтининг кўп қисмини хўжайин ҳовлисида, дворяннинг ҳар бир сўзини бажо келтириб ўтказадиган бўлди.

Куна билан Жуна ажойиб, жонкуяр ва соддадил қизлар эдилар. Куна оқ чехрали, қизил гулобий рангли сочлари узун эди. Унинг йирик қўй кўзлари ўйчан, ғамгин боқарди. Камдан-кам куларди, сокин ва раҳмдил, ҳамма нарсани кўнглига яқин олар, салгина ранждан йиғлаб юборарди. Майда қадам ташлаб юрарди. Жуна бўлса, аксинча, бугдойранг, сочи тимқора, қалин эди. Хушчақчақ, тиниб-тинчимас, кулонғич, раққоса, сир сақлай олмасди. Иккала сингил ҳам баланд бўйли, хушқомат эдилар. Уларни билмаганлар опа-сингил деб ўйламасди. Оиланинг бутун қувончи шулар эди.

Бир сафар Жуна дворян кўрғонидан белгиланган пайтда қайтмади. Авваллари анчагача ушланиб қоларди, лекин ухлагани, албатта, уйга келарди. Биз кечаси мишжа қоқмай чиқдик. Тўкин-сочин яшовчи бойлар уйида, ўзингга маълумки, қатъий хулқ-атворга унчалик эътибор қилмайдилар. Қиз бола эса, сиз, абхазлар айтгандай, бордоққа ўхшайди, қўлдан сирганиб чиқиб кетдими, тамом, чил-чил синади. Мен энди туриб синглимни излаб бормоқчи эдим ҳамки, дарвозамиз олдида кўнғироқларини жаранглатиб, учта саман от кўшилган қизил фйтон келиб тўхтади.

— Эшигимизга қанақадир одамлар келди, балки йўлни сўрашмоқчидир? — ҳайрон бўлди онам.

Эвоҳ, даҳшат, фйтондан Жуна тушиб келди...

— Вой, қизгинам, нима бўлди? — онам бақирганча унинг олдида югурди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шардиннинг уйига олий мартабали меҳмонлар келишди. Тун бўйи базм бўлди... Меҳмонларга хизмат қилиш керак эди, бека хоним мени кўйиб юбормади. Мен жудаям чарчадим. Хоним мени фйтонда жўнатиб юборди.

Кечкурун бутун оила кечки овқатга тўпланганда Жунанинг ғамгин ва камгап бўлиб қолганини пайқаб қолдик. “Балки жудаям чарчаганидан бемажол бўлиб қолгандир”, — деб ўйладик ҳар биримиз.

Эртаси куни кўёш тиккага келиб, тушликка йиғилганимизда, ҳовлимизга арабий арғумоқда Шардин кириб келди. Шошилмай отдан тушди. Бу кибор чавандозни ҳовлимиздан қувиб солганим ўша кундан бери уйимизга келмаганди. Афғ-ангоридан ўзини ҳеч қандай хафачилик ўтмагандек кўрсатишга уринарди. Шардин қувноқ табассум билан ҳаммамизни бир-бир ўпиб чиқди ва елкамга дўстона қоқиб, маъқуллагандай деди:

— Аферим! Аферим!¹

“Қизик, — ўйладим мен, — бунчалик эътиборнинг боиси нимада?” Менинг нигоҳим яна шуни пайқадикки, бу номдор пайдо бўлиши билан Жуна уйга яшириниб олди. “Йўқ, бу ерда нимадир ғалати, бир гап борга ўхшайди”, сергак тортдим мен.

— Оллоҳга шукр қил, Хамирза, Оллоҳга шукур де! — ясама қувонч билан бидирлай кетди Шардин, онам узатган чарм ёстиққа ёнбошларкан.

— Шукр қилиш қийинмас, нимағалигини билсак бўлди.

¹ А ф е р и м — офарин.

– Қизинг Жунага шундай бахт кулиб боқдики, бу бахтнинг олтин нурлари билан фақат қизингнинг ўзи эмас, балки сиз – унинг ота-онаси, акалари ва биз – қариндошлари, эҳтимол, барча убихлар бутун умрга нурафшон бўлгайлар.

– Яхши меҳмон яхши хабар айтади...

– Шундай қилиб, эшитинглар. Бу жойларни бизга тақдим этган муҳтарам волий Салим пошо уч кун меникида меҳмон бўлди. Агар у бўлмаса, ҳолимиз не кечарди? Мен уни султон сифатида қабул қилдим. Волий Салим пошо Жунани кўрди-ю, эс-ҳушидан айрилди. У ошиқи беқарор бўлиб, уни истаб қолди...

Онамнинг ранги оқариб кетганини сездим. Шардин бўлса, жуда олижаноб иш қилгандек сўзида давом этди:

– Бир ўйлаб кўринглар-а, султоннинг азиз қўноғи, чексиз бойликлар соҳиби қизингиз Жунани севиб қолиб, эсини йўқотди. У сал бўлмаса тиз чўкиб, мендан сенга, Хамирза, шуни етказишимни илтимос қилди: гўзал Жунани хотинликка сўради. Майли, деди у, саройдаги барча аёллар Жунанинг хизматкорига айлансин. Майли, деди у, менинг хазинамдаги сандиқлар калити унинг қўлига ўтсин. Фақат ўзи ҳаётим сўнггида унинг безагига айланса, бас. Сизларни ҳам унутгани йўқ! Қандай бахтлисизлар! Майли, деди у, Измитга кўчиб ўтсинлар, бош устига. Хоҳламасалар, шу ерда яшайверсинлар. Ҳар қандай шароитда ҳам уларга ғамхўрлик қилиш – менинг бурчим!

Шардиннинг ўзидан бўлак ҳеч ким қувонмади бу гапларга.

– Нега жимсан, Хамирза, ёки бундай омадни кутмаганингдан тилинг айланмай қолдими?

Мен отамга қарадим. Юзи ғамгин, лаблари оқариб кетганди. У овозини баланд кўтармай, қайғули, лекин қатъий оҳангда:

– Йўқ, менинг яғонам, – деди. – Мен сенинг маслаҳатингни қабул қилолмайман. Ҳайронман, сира ақлим бовар қилмайди, сен қандай қилиб ўз жиянингни қари туркнинг ҳарамига сотишни ўзингга эп кўрдинг? Биз қизимизни ҳарам учун ўстирганимиз йўқ. Сенинг Салим пошонг чиндан олижаноб экан. Яна ийманиб ўтирибди. Агар унинг ўрнида бошқа одам бўлганда эди, ёнида сендек даллоли билан қизим учун менга пул таклиф қиларди – тамом-вассалом.

– Пул чўнтакка оғирлик қилмайди. Пулинг бўлмаса, тўйда куёв бўлиб ўтирсанг ҳам сенга ҳеч ким қарамайди.

– Тўйдан тўйнинг фарқи бор. Муҳтарам Салим пошога ташаккуримизни етказ. Унинг саройи ҳам, хазиналари ҳам ўзига буюрсин. Худо уни ўз хотинларидан айирмасин, менинг қизим эса, мана шу қашшоқ уйда қолади.

Шардин асабий тарзда мўйловини бураб-бураб қўярди. Бошқа вазиятларда у қизишиб кетган бўларди, ҳозир эса ўз қашшанглигини босиб туриб, деди:

– Ихтиёр ўзингда, Хамирза! Мен сени суюнтирай дегандим. Хафа қилган бўлсам, кечирасан: элчига ўлим йўқ. Бироқ эсингдан чиқарма: агар қиз ўзи севиб куёв танласа ва уни эр қиламан деса, уни зиндонга ташласанг ҳам ушлаб қололмайсан. Агар шундай бўлса – мен аралашолмайман.

Шундай деб Шардин отига минди-да, жўнаб қолди.

Кейинги куни, уйда ёлғиз онам қолган пайтда дарвозамиз олдига яна ҳалиги, илоё куйиб кул бўлгур, қизил файтон келибди. Иккита эркак файтондан каттагина сандиқни ва қимматбаҳо декчани туширишибди. Буюмларни онамнинг олдига қўйиб, таъзим қилишибди:

– Бу сизга! Салим пошо юборди!

Онам совғаларни қабул қилмабди, буларни қайтариб олиб кетишни талаб этибди. Лекин улар файтонга ўтириб, кўздан ғойиб бўлишибди. Митти Тоҳир югуриб томорқага келди:

– Бувим сизларни тез уйга етиб келишсин, деб айтди, – деди энтикиб.

Биз бир кўнгилсизлик юз берганини сездик. Югуриб уйга бордик. Онам сандиқ ва декча ёнида кўз ёшини артиб турарди. Сандиқни очдик. Ичи тўла мато, қиммат моллар дўконими, дейсиз. Ранг-баранг газлама: мовут, кимхоб, гулдор шойилар товусдек товланиб, кўзни олади. Энг тагида Жуна учун оқ сурдан тикилган пўстин. Декчага қарадик, ё худо, ичи тўла қимматбаҳо буюмлар. Соф олтиндан узук ва билагузуклар, марварид сирғалар, машҳад ферузасидан маржон. Буни кўрган Жуна қотиб қолди, кейин қичқириб: “Беринглар! Бу меники!” деб декчани олди-да, ўз хонасига кириб кетди. Унинг бу қилиғи бизни ҳайрон қолдирди. Бироздан кейин бизникага кўшнимиз Узамаат кирди. У ташрифининг боисини тушунтирганда қулоқларимизга ишонмадик:

– Барча убиҳ қизлари сингари Жуна ҳам жуда тортинчоқ. У Салим пошога турмушга чиқишга қарор қилганини ота-онасига айтишга юраги бетламаган. Шунинг учун ҳам мени вакил қилиб айтдики, ота-онамга маълум қилинг: мени унга тегишга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ. Ўзим шунини хоҳладим. Эртага – никоҳ.

Оёқларим латтадай бўшашди.

– Ўша қариб қуюлмаган чолнинг нимасини ёқтириб қолди? Ахир унинг хотинлари қўлидаги бармоғидан ҳам кўп-қу? – дедим алам билан.

– Ишқ дардини тушуниш қийин, – мени овутомқчидай деди Узамаат. – Мен ҳозирги кампиримга уйланаётганимда жўраларим роса кулишганди: кўзинг қаерда, тентак? – дейишганди. Қарайдиган ҳеч нарсаи йўқ-ку унинг. Агар ўшанда кўзимни бир зумга уларга бериб турганимда борми, ҳаммаси рақибимга айланиши ҳеч гап эмасди. Сен ўз қаричинг билан ўлчама. Тўғри, Салим пошо ёши ўтиб қолган одам, лекин ҳали бақувват эркак, бунинг устига пул ҳеч кимга зиён қилмайди. Йўгон чўзилгунча, ингичка узилади. Сизлар Жунани жазоламанглар, эҳтимол, унга розилик берганда фақат ўзинигина ўйламагандир...

Кўшнимиз ўз қадрини биларди. Бизларга эзгуликлар тилаб кетди.

Биз жойимизга қоқиб қўйилгандай жим ўтирардик, бир-биримизга қарашга ботина олмасдик. Онам бошини сарак-сарак қилиб, “ҳиқ-ҳиқ” йиғлар, рўмолининг учи билан кўз ёшларини артарди.

– Кўз ёши билан ҳеч нарса қилолмайсан. Ўзи хоҳладими, энди кеч, – отам ўрнидан турди. Қўлига чалғисини олиб, полизга жўнади.

“Балки хўжайиннинг уйида бойликларини кўз-кўз қилиб, ширин сўзлар билан бошини айлантиришгандир, – ўйладим мен. – Эҳтимол, уни очиқ гапиришга ундаб, юзма-юз, дилдан гаплашиш керакдир”. Шу ниятда синглимнинг ёнига йўл олдим. Эшикни очиб қарасам, Жуна ҳадя қилинган кўйлақларни кийиб олиб, кўзгу олдида ўтирганча ялтироқ сирғаларни қулоғига тақиб кўраяпти. Бармоқларида тилла узуклар порлаб турибди. У ўз машғулотига шу қадар берилиб кетган эдики, эшикнинг гичирлаб очилганига қайрилиб ҳам қарамади. Ҳайрону лол бўлиб, синглимга бир оғиз сўз айтмай, орқага бурилдим-да, аста чиқиб кетдим.

Шардин Алоу ўғли ҳақ бўлиб чиқди.

Кейинги кун кечқурун ҳовлимизга отлиқлар кузатувида файтонлар, извошлар кириб келди. Кўшнимиз Узамаат ичкари кирди. Жуна

уни кутиб турарди. У Уазамат етакловида безанган ҳолда жилмайиб чиқиб келди-да, қизил фойтонга ўтирди ва кўчани чангитиб бир зумда кўздан гойиб бўлишди.

Чуқур қайғу ичида, бошимиз ҳам бўлганича қолавердик. Худди марҳума Ойшанинг сояси уйимизга кириб келгандай ва ҳар биримизни ғамга ғарқ қилгандай бўлди.

Кўп ўтмай қариндошлар, қўноқлар, қўшнилари муборакбод қилгани кириб кела бошлашди. Уларнинг қувноқ хитоблари худди қабристондаги қулгига ўхшаб жуда ҳунук кўриниб кетди:

– Сизлар учун жуда хурсандмиз! Жуда хурсандмиз!

– Офарин, Жуна! Боплаб эрга тегди! Қойил қилди!

– Жаннатдагидек яшайди: кимсан, Салим пошо бой ва машҳур одам.

– Пешонаси олти қарич экан.

“Тавба, – ҳайрон бўлдим мен, – тиллари қандай бораптийкан бундай дейишга? Синглим шўрлик қари кўтирнинг жорияларидан бирига айланди-ю, улар бўлса табриклашяпти! Тагин кўплар бизга ҳасад қилишяпти-я”. Негадир миямда эски абхаз қўшиғининг сатрлари чарх ура бошлади:

Қари қузғун тумшугида гул,
Фақат ўлим топгуси тайин.

Худди шу пайтда тўсатдан Усмон кўйда Сахаткери пайдо бўлди. Уни аллақачонлар бедарак кетган, ғурбатда ўлиб кетган, бу дунёда йўқ деб ҳисоблашарди. У бўлса ҳе йўқ, бе йўқ, қайтадан тирилиб барча оила аъзолари билан мана биз деб турибди. Тагин дарвиш қиёфасида эмас, бадавлат ҳожи кийимида, оппоқ саллада.

– Маккага ҳаж сафарига бордим, муҳтарам юртдошлар, Каъба – қора тош олдида тиз чўкиб, сизларни дуо қилдим, соғ-омон бўлишларингни тиладим. Оллоҳ таоло тоат-ибодатимни эшитганга ўхшайди, сизларга бу жаннатмақонда тинч ҳаёт бахш этибди. Унинг номига ҳамду санолар бўлсин! Оллоҳдан бўлак худо йўқ, Муҳаммад унинг пайғамбаридир!

Кўп ўтмай Усмон кўйда янги мачит очилди. Сахаткери унинг бош муллеси бўлди. Унга ғазнадан маош тўлаб турилганига қарамай, мулла ўзбошимчалик билан “мачит учун” деб ҳар бир оилага солиқ солди. Аввалги Сахатвери қиёфасида бош муллани сира таниб бўлмасди. Ўзини катта тутадиган, мақтанчоқ, манман бўлиб қолди. Одамлар у билан ошқора гаплашишдан ҳам чўчидиган бўлиб қолдилар. У диний унвонига қарамай, одамларга ёмон кўз билан боқарди.

Сахаткерининг қайтиб келиши ўзаро ички можароларга ўхшаш воқеаларга сабаб бўлди. Янги пайдо бўлган имом билан қоҳин Соулах ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланиб кетди. Уларнинг ҳар бири рақибни устидан ўз устунлигини ўрнатишга интиларди. Иш шунга бориб етдики, азиз Шарах, уларнинг иккаласи ҳам яширинча тўппонча сотиб олдилар. У ҳам, бу ҳам фақат рақибини пешанасидан отиб ташлашни орзу қиларди. Қурол олиб юриш, ўзинг биласан руҳоний кишига ярашмайди. Лекин иккаласи бирдек тақводор бўлиш у дунёда ҳам кеч эмас, деган қарорга келишди. Низо шафқатсизлашиб ошқора тус олди ва бу можарога истар-истамас Усмон кўйдаги барча убихларни тортиди.

Ҳамма нарса таққослаганда билинади. Самсун остонасидан Усмон кўйга кўчиб ўтганимизда бизга Оллоҳнинг раҳми келгандай бўлиб

кўринди. Ўзимиз ҳақимизда қайғуриб, муқаддас Битхамизни эсдан чиқариб юбордик. Унинг учун жой қилиб устидан шохдор граб да-рахти ўсган яшил тепалик танланди. Қурбонликқа эчки сўйилиб, даб-дабали ибодат қилинди. Муқаддас Битха бизларни ташлаб кетилган ватан ҳақидаги хотира билан бирлаштирди, қабила ришталари билан боғлади, кундалик ташвишлардан халос этди. Битхага сиғиниб, ибодат қиларканмиз кўз ўнгимизга Убихия келарди.

Қайтиб келган Сахаткери Оллоҳ мамлакатада Оллоҳдан бошқа нарсага сиғиниш катта гуноҳ деб ҳисобларди. У мачитга коҳин Сола-ухни чақириб олди-да, пачакилашиб ўтирмади:

– Сен нима қилаяпсан, эчки соқол? Нега одамларни бутпараст-ликка даъват қилаяпсан?

– Гапинг рост, лекин...

– Ҳеч қанақа “лекин-пекин” кетмайди, – унинг сўзини бўлди имом, – қузғунсифат тошинг – Битхани ерга кўмиб қўй ва тепалик устидаги дарахтни кесиб ташла.

Коҳиннинг жаҳли чиқди:

– Нималар деяпсан, Сахаткери! Муқаддас нарсани қандай қилиб ерга кўмаман. Ахир ажодларимиз уни кўз қорачигидай асрашни ва-сият қилишган-ку! Қараб тур ҳали, газабига дучор бўлмагин!

– Қўрқитма!

– Гапини қара, “кўмиб ташла” эмиш-а! – бўш келмади Соулах. Битхани ерга кўмгунча, убихнинг юрагини суғуриб олиш осонроқ.

– Ҳой, эси йўқ чол, – ўзиникини маъқуллади имом. – Ажодлар-нинг суяклари денгиз ортида, бошқа ерда қолиб кетди. Бу ерда эса барча учун битта – мусулмон қонуни бор, унга бўйсунуш керак!

– Агар қабиладошларинг бу талабингни эшитса, адабингни ейсан!

– Агар убихлар қузғунсифат тошни мачитдан устун қўяётганини буюк султон, Оллоҳнинг ердаги ноибни эшитиб қолса борми, ишинг пачава бўлади, Соулах!

Шу кундан эътиборан улар ўртасида уруш бошланиб кетди.

Имом Сахаткери убихларнинг ягона диний раҳбари лавозимини эгаллаши учун ҳеч нарсадан тап тортмасди. У бир неча бор Измитга Салим пошо ҳузурига борди ва у ерда қабиладошларини қоралади. Кўпгина ҳурматли тоғликларнинг номлари хавфли шахсларнинг қора рўйхатига тушди. Унда биринчи бўлиб, албатта, коҳиннинг номи турарди. “Бутун сурувни қутқариб қолиш учун унинг ичидан юқум-ли касалга чалинган қўйларни олиб ташлаш керак”, – деди у Салим пошого рўйхатни тутқазар экан.

Сахаткери одамларга мачит солиғи солаяпти деб Шардин Алоу ўғлига шикоят қилишганда, у арзномага эътибор бермади. Иккинчи бор шундай шикоят тушганда ҳам у индамади: дин арбоби виждони буюрганини қилишга ҳақли, мен имомга ҳакам эмасман, деб қўя қолди.

Лекин коҳин Соулах ҳам жим ётгани йўқ. У имомнинг муқаддас Битхани ерга кўмишини ва ибодатхона тепасидаги дарахтни кесиб ташлашни талаб қилаётганини одамлардан яширмади. Коҳин порох омбори яқинидаги қуруқ хашакка учқун ташлагандек бўлди. Убихлар қалбида бўйсунмаслик олови ёнди.

– Уларнинг марҳамати билан ватанимизни йўқотдик, минглаб кишилар ўлатдан вафот этди, энди бўлса паноҳимиз ва ҳимоячимиз муқаддас Битхани ҳам марҳум сингари ерга кўммоқчи бўлишяпти-ми! Йўл қўймаймиз!

– Агар муқаддас Битхамизга қўл теккизишса, мачитга ўт қўямиз!

Шундай дейишди убих йигитлари, уларнинг табиий гурури ва жанговарлиги эҳтиёткорликни тан олмасди. Бош ёриб ҳаракат қилувчилар оқибатини ўйламайдилар. “Мачитга ўт қўйиш қийин эмас, кейин нима бўлади?” – огоҳлантиришди уларни бундай машъум ниятдан оқилона иш кўрувчилар.

Сахаткерининг бутун ичак-чавоғи билан туркларга сотилгани менга кундек равшан эди. Мени бошқа нарса даҳшатга соларди: ўзи убих бўлатуриб нега убихларнинг иззат-нафсини ерга уради? Нега уларни ноилож қадам қўйишга мажбурлаяпти? Ахир бу мусулмонлар юртида кўплаб қавмдошларнинг ҳалок бўлишига олиб келмайдими? Шунда менда имом билан юзма-юз гаплашиш истаги туғилди.

Мен мачитга борганимда намоз тугай деб қолганди. Охирги намозхон чиқиб кетишини кутиб, ичкарида Сахаткеридан бошқа ҳеч ким қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, аста мачитга кирдим. У иккита ёниб турган шам оралигида туриб, пул санарди. Сахаткери кимдир гилам устидан аста юриб келаётганини сезди. Имом пулни чўнтагига тикиб, Қуръон узра энгашди. Мен унга яқин бордим, нигоҳларимиз тўқнашди.

– Кеч қолдинг, намоз ўқиб бўлинди, – деди у таъна қилиб, кўзлари пирпираётган шам ёруғида ташвишли олазарақ боқарди. – Нега ханжарни тақиб олдинг, нима, Оллоҳ уйига қурол билан кириш мумкин эмаслигини билмайсанми? – сўради Сахаткери.

– Мен жаннатга қурол билан кирмоқчиман. Ҳар эҳтимолга қарши! – дедим-да, устига бостириб бордим.

Лаблари титради:

– Нима керак сенга?

– Менга мана бу керак! – деб ханжарни филофдан суғуриб кўксига тирадим.

– Эсингни едингми, қароқчи! Ҳой, ким бор! Ёрдам беринглар! – хириллади у ранги ўчиб.

– Бақирма, бу ерда ҳеч ким йўқ. Парвардигори олам эса олисда, эшитмайди. – Ханжарни қаттиқроқ ниқтадим.

Сахаткари тисланаркан, галати фигон чекди.

– Бўкиришни бас қил! Сен на Оллоҳга, на шайтонга ишонасан, кўппак! Қавмларингни сотаяпсанми, муртад!

Кўксига ханжар тиғи тиралган имом ортга чекинаркан, минғирлади:

– Эсингни йиғ! Сенга нима керак ўзи? Ҳой, одамлар, қутқаринглар!

– Нима учун сени қутқаришлари керак? Уларни авраб, кўчишга кўндирганинг учунми? Қани ўша мусулмон гулистони? Унда на низо бор, на муҳтожлик, на совуқ бор, на иссиқ! На ташвиш бор, на очлик, демаганмидинг? Сендан сўраяпман, қани улар?! Самсун соҳилида биз қирилаганда қаерда яшириниб ётувдинг? – ханжарнинг тиғи кўксига янада қаттиқроқ тиралди.

– Отангнинг дўстини н-н-нега ўлдираяпсан? – тишлари тиқиллаб, тутила-тутила деди мулла.

У бир қадам орқага босди, мен бир қадам олға. Ҳадемай елкаси деворга тиралди, ханжарим кийимини тешиб, учи билан чап кўкрагининг остига қадалди. Сахаткерининг оёқлари чалиша бошлади.

– Бўйнингга ол, – буюрдим мен. – Вақти-соати етди, қари мулла. Тан ол, қани сенинг ўша қора рўйхатинг! – ханжарни кўксига янада қаттиқроқ қададим.

Кўркув ва оғриқдан ранги оқариб, тўнғиллади:

– Рўйхат Салим пошода! Менга буюришди, ўзим эмас, ўзим эмас! Хукмронлик қилиш учун қўл остидагиларни ажратиб ташлаш лозим! Бу султон давлатининг қонуни! Билиб қўй, мени ўлдирсанг, бошқани кўйишади.

Унинг самимийлигига тан бердим, ханжарни қинига солдим. Сахаткерининг оёғи чалишиб ўтириб қолди. Мен унга Қуръонни тутдим:

– Менга қара, имом. Гапимга қулоқ сол. Ҳозир муқаддас Битха олдида йиғин бўлади. Шу йиғинга борасан деб умид қиламан.

– Бормай иложим қанча, – деди у, енгил қалтираб.

– Борасан ва тазарру қиласан. Қондош биродарлар, орамизда англашилмовчилик юз берди, дейсан. Лекин мен убихман, сизлар ҳам убихсизлар. Сизлардан ҳеч нарса талаб қилмайман. Бургутсифат Битхага истаган пайтингизда ибодат қилаверинглар. У сизларга мадаккор бўлсин! – дейсан.

– Шундай қиламан, Зауркан, – рози бўлди у.

– Афсус, қора рўйхат Салим пошонинг кўлига тушди-да, уни энди қайтариб бўлмайди.

– Афсус, – қўшилди имом, – қайтариб бўлмайди.

– Қуръонга қасам ич, ваъдаларим устидан чиқаман деб.

– Илтимос қиламан, Зауркан, Қуръонга онт ичишдан мени халос эт, – чол ўрнидан турди, кўзларида ёш ялтирарди.

– Хайр, Сахаткери! Кўрамиз, сўзинг устидан қандай чиқаркансан! Ҳалиям томирларингда убих қони оқаётганига ишонгим келади. Эсингда бўлсин: мен мачитга келганим йўқ, бу ерда юз берган воқеа ҳам содир бўлгани йўқ. – Қўлимни ханжарим дастасига қўйдим-да, чиқиб кетдим.

Кўп ўтмай, Сахаткери соғлигим ёмонлашди деб имомлик вазифасидан воз кечди ва Измит шаҳрига кетворди. Шундан кейин мен уни учратмадим ҳам, у ҳақда ҳеч нарса эшитмадим ҳам.

Измит шаҳридан келган зобит уч кундирки, қишлоқма-қишлоқ юриб, султон фармонини ўқир эди. У фармоннинг ҳар бир сўзини ёддан билар, фақат уни муҳимроқ қилиб кўрсатиш учун қоғоз ўрамини очар ва овозини баланд қўйиб, жар солгандек ўқир эди:

– Оллоҳнинг ердаги ноиби, буюк султон бутун ер юзидаги мусулмонларнинг муқаддас ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзининг мақсади деб билади. Кофирларнинг хоинлиги туфайли у мусулмонларни жиҳодга чақиради. Султоннинг қурол кўтаришга қодир бўлган барча фуқаролари Оллоҳ олдида ўз муқаддас бурчларини бажариб, Исломни ҳимоя қилишга ва унинг душманларига қақшатқич зарба беришга мажбурдирлар!..” – Зобитнинг томоғи хириллаб, овози бўғиқ чиқди.

Фармон рўйхатда номлари келтирилган барча шахслар тегишли кийимда, егулик захираси билан эртага эрталаб майдонга тўпланишини амр этарди. Янги чақирилувчилар оилаларига фармон ёрдам кўрсатишни, шунингдек, давлат солиқлари тўлашдан озод қилишни ваъда берарди. Аҳолига шу нарса маълум қилинардики, ҳарбий хизматдан бош тортганлар осиб ўлдириш билан жазоланадилар.

Оламнинг ҳукмдори Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Кейинги куннинг тонги отди. Ерни шудринг эмас, оналарнинг кўз ёши ювди. Ўша куни кўплар ўз яқинлари билан видолашдилар. Лекин на менинг, на укам Матанинг исми фармонда қайд этилмаганди.

Инсон — мол эмас: армияга кетганлар олдида, айниқса, Дурсун олдида виждоним қийналди, лекин айна пайтда қалбимни шундай бир қувонч қопладики, кўпдан бери бундай туйғуни ҳис этмагандим. Мен хаёлан Дурсунга мурожаат қилдим. “Кечир дўстим! Кутилмаган бахтим учун мени айбга буюрма. Агар аксинча бўлганда мен сенга таъна қилмасдим”. Шунда кўз олдимга Родос ороли келди. Денгиз тўлқинларининг шовуллаши билан қуршалган орол. Азиз, садоқатли Дурсун, у мени ўша оролга кузатиб бормоқчи эди. Афсуски, бизларни айиришди. Мен елканли қайиқ соҳибининг олдига йўл олдим. Давиднинг ўғли мени у билан таништирган эди. Балиқчи орзумдаги оролга борадиган йўлни беш кўлдай биларкан. Бундан бошим кўкка етди. Бизлар қўл ташлашдик.

Ўша йили худо бериб, тамакимиз яхши етилди. Агар ҳосилни чиқитсиз йиғиштириб олсак, солиқни тўлаганимиздан сўнг бироз пул қолади ва қайиқчига келишилган пулни беришим мумкин. Шундай қилиб мен узоқ кутилган сафар тадоригини кўра бошладим. Бир ўйлаб кўр-а, бизларни тақдир турли томонларга улоқтириб ташлаганига тўрт йил бўлибди. Ана шу давр мобайнида мен фақат битта истак, Фелдиш билан учрашишдек ягона орзу билан яшадим. Усиз менга дунё қоронғу эди.

Давоми бор

*Русчадан
Файзи ШОҲИСМОИЛ
таржимаси*



Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

Бир дилбари жоним менинг

ҲАЗАЛЛАР

* * *

Менинг бир мушкулим бор ўз дилимдан,
Вале бир сўз деълмам мушкулимдан.

Менинг маҳзун бу жоним айтса бўлгай,
На қонлар истадим мен ўз дилимдан.

Қолибман ортда карвонингдан, эй ёр,
Кетар, ёр, маҳмилинг¹ — дил маҳмилимдан.

Кезиб Мажнундайин чўлу биёбон,
Нишон бир топмадим ўз манзилимдан.

Менга бир йўл буюрмишлар азалдан,
Йироқман кемадай ўз соҳилимдан.

Бу йўлда неча дамларни йўқотдим,
Шу бахтим дастидан — ўз гофилимдан.

Бу манзилларда тупроқ бўлди Ҳофиз,
Бу тупроқлар — менинг обу гилимдан².

* * *

Бу замон савдосига бир ҳадду поён кўрмадим,
Аргувоний бода келтир, ўзга дармон кўрмадим.

Мардларга ишқу ошиқлик нишондир, ўзни топ,
Бу шаҳарнинг шайхларида лек бу унвон кўрмадим.

Бир қадаҳ бахш этмади ҳеч ким, хумор ўлдим агар,
Олам ичра дилни аҳлидан бир инсон кўрмадим.

¹ М а ҳ м и л (*араб.*) — карвонда туя устига ўрнатиладиган, асосан аёллар ўтирадиган усти ёпиқ кажава.

² О б у г и л (*форс.*) — сув ва лой. Инсон вужудига ишора.

Бу қадаҳ офтобининг айшин баланд тутгил мудом,
Чунки вақт толеини мен шоду хандон кўрмадим.

Сочи бирлан белининг шарҳини мендан сўрмаким,
Мен ўзимни ушбу анжуманда бир он кўрмадим.

Бул менинг икки кўзимга юз минг афсусларки, мен
Бул ики кўзгу билан чехранг намоён кўрмадим.

Навниҳол қоматларинг қўзёшларимдан яшнади,
Сарвқадларни вале соҳилда меҳмон кўрмадим.

Ушбу дарё ичра, Ҳофиз, сен сафинанг¹ бирла қол,
Бундан ўзга сўз бисотини дурафшон² кўрмадим.

* * *

Йилларки риндлар мазҳабин жисмим аро жон қилмишам,
Ақлимни фатвоси била нафсимни зиндон қилмишам.

Анқони истаб манзилин мен бир ўзим йўл юрмадим,
Йўлларда йўлдошимни мен мурғи Сулаймон³ қилмишам.

Абгор дилимга соя сол бир лаҳза, эй ганжи мурод,
Кўркама бу уйни мен сенинг кўйингда вайрон қилмишам.

Ўпмам дебон соқий лабин кўп тавбалар қилган эдим,
Нодонни доно деб атаб, энди пушаймон қилмишам.

Мастлик билан ростлик азал устодининг изминдадир,
Неки буюрмиш тангри: қил, мен ҳам ўшал он қилмишам.

Олам яралгандан буён фирдавсни⁴ қилгайман тамаъ,
Мен гарчи майни кўп ичиб, ишрат фаровон қилмишам.

Қартайганимда гул Юсуф суҳбатлари бўлмиш насиб,
Ғам кулбаси – қалбимни сабрим бирла шодон қилмишам.

Мен бир газал девонига йилларки қулман, не ажаб,
Невчун ўзимни соҳиби девон деб эълон қилмишам?..

* * *

Гум бўлиб кетган Юсуф Канъонга⁵ келгай, ғам ема,
Ғам уйи бир кун мунаввар онга келгай, ғам ема.

Шод бўлгай бу кўнгил бир кун, кўнгилни бузмагил,
Юксалиб бошинг яна осмонга келгай, ғам ема.

¹ С а ф и н а (*араб.*) – икки маънода: кема, шеърлар тўплами.

² Д у р а ф ш о н (*форс.*) – дур сочувчи.

³ М у р ғ и С у л а й м о н (*форс.*) – Сулаймон пайгамбарнинг куши, худ-худ.

⁴ Ф и р д а в с (*араб.*) – жаннат боғи.

⁵ Ю с у ф и К а н ь о н – Канъонлик Юсуф. Юсуф алайҳиссалом. Маълумки, Юсуфни ўз туғишган акалари мисрлик савдогарларга сотиб юборган эдилар. Бу ўринда шунга ишора қилинмоқда.

Гар бу гардун икки-уч кун биз учун эврулмади,
Бир куни бу дарду ғам яксонга келгай, ғам ема.

Келгай ул умринг баҳори, гул ёпингайсан яна,
Булбуло, боғу чаман тугёнга келгай, ғам ема.

Парда ичра бир ниҳон найранглар асрар ғайбким,
Сенгаму ё менгаму — қай жонга келгай, ғам ема.

Қасри бунёдингни, эй дил, гар фано сели¹ йиқар,
Нуҳ² паноҳинг бўлса гар — тўфонга келгай, ғам ема.

Қаъба шавқи бирла гар кечсанг биёбонларни зор,
Қанчалар хору тикан исёнга келгай, ғам ема.

Қисмат ўлмиш бизга ёр жабрию агёр миннати,
Бу хабарлар барибир Яздон³га келгай, ғам ема.

Кимки сарсон бўлдию оламда бир дўст топмади,
Ул етишгай дўстгаю жавлонга келгай, ғам ема.

Гарчи мақсад ноаёну йўл — хатар, манзил йироқ,
Барча йўллар охири поёнга келгай, ғам ема.

Ҳофизо, бу фақру хилват кечаларнинг қўйнида
То тилинг айтар, дилинг Қуръонга келгай, ғам ема.

* * *

Қайда васлинг муждаси, тан ичра жондин қўзғолай,
Жон қушиман, яъниким икки жаҳондин қўзғолай.

Ул ҳидоят ёмғирингдан менга ҳам еткиз, Худо,
Гард бўлиб кетгум, бу жисми нотавондин қўзғолай.

Гар мени бандам десанг, ишқинг билан жавлон уриб,
Ҳар гулу, ҳар бир хасу, кавну макон⁴дин қўзғолай.

Қабрим узра мутрибу май бирла ўлтиргилки, мен
Исларингдан маст бўлиб ҳар устухон⁵дин қўзғолай.

Кексаман гар, ол мени тун ичра тор қўйнинггаким,
Ёш йигитдай тонг саҳар сен меҳрибондин қўзғолай.

Кўйинга кўрсатма менга ул қабоҳат куни, ёр,
То фалак жабру жафосию замондин қўзғолай.

Сарв қаддинг бирла қилғил менга ширин ишвалар,
Ҳофизингдай ўйнабон жону жаҳондин қўзғолай.

¹ Фано сели — ҳалок қилувчи сел, тошқин. Тасаввуфда ўзликдан кечиш, йўқ бўлиш.
² Нуҳ, Нуҳ тўфони — Нуҳ алайҳиссалом кўрсатган ҳақ йўлга кирмаганлари учун унинг қавми Оллоҳ томонидан даҳшатли тўфонга дучор қилинган. Бу тўфонда фақат Нуҳга эргашганларгина омон қолган.

³ Яздон (форс.) — Худо.

⁴ Кавну макон (араб.) — борлиқ, дунё.

⁵ Устухон (форс.) — сўнғак, суяк.

* * *

Ёрга ошиқман, менга куфр ила иймонингни қўй,
Мен шаробни ташнасиман, васлу ҳижронингни қўй.

Дилбаримнинг лабларидан бир тириклик топмадим,
Шул сабаб, жоним, менга жон бирла жононингни қўй.

Ишқ ароким ўлмишам — даврон амирин найлайин?
Бенаво, бечорадурман, беғу султонингни қўй.

Менга дилдор қошларидан битта меҳроб бўлса бас,
Дилга шул давлат етар, кўп баҳсу достонингни қўй.

Икки олам ичра менга ёр асқотгай фақат,
Жаннату дўзахни қўйгил, ҳуру филмонингни қўй.

Мардларнинг суратин қўй, сийратин сен сайлагил,
Марди ошиқ бўлсанг ул суратли айвонингни қўй.

Масту ошиқсан агар такрор айтгил, Ҳофизо:
Ёрга ошиқман, менга куфр ила иймонингни қўй.

* * *

Бода бергил соқийё, гулнинг замони келди-ку,
Гул ичинда тавба синдурмак авони¹ келди-ку.

Айла туғён ҳар тиконга қасдма-қасд, бўстондаким
Бизга ҳам гул ичра булбул ошённи келди-ку.

Бу чаман саҳнида ичгил боданиким, дил аро
Тоза оятларни айтиб гул забони келди-ку.

Гул чаманга етди, лек бўлма фироқдин беҳабар,
Ёр иста, иста май деб гул фиғони келди-ку.

Ҳофизо, булбул каби гул васлини истар эсанг,
Йўлига бўлгил фидо — гул боғбони келди-ку.

* * *

Бир дилбари жоним менинг олди дилу жоним менинг,
Олди дилу жоним менинг бир дилбари жоним менинг.

Лаб берса жононим менинг жонлангуси жоним менинг,
Жонлангуси жоним менинг лаб берса жононим менинг.

Фирдавси ризвон²им менинг дўст қўйининг тупроғидир,
Дўст қўйининг тупроғидир фирдавси ризвоним менинг.

¹ А в о н (*араб.*) — пайт, вақт.

² Ф и р д а в с и р и з в о н (*араб.*) — Жаннат боғи.

³ Ю с у ф и К а н ъ о н — Канъонлик Юсуф. Диний адабиётларда айтилишича Оллоҳ таоло юз ҳисса ҳусндан тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, қолган бир ҳиссани яна ўнга бўлган. Бу ўн қисмдан тўққизини Юсуф алайҳиссаломга ва қолган бир қисмини жами бани башарга берган. Шу сабабли Юсуф алайҳиссалом ҳуснда тенгсиз бўлган. Бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

Кўнглим бу — ҳайроним менинг шайдою сайронинг сенинг,
Шайдою сайронинг сенинг кўнглим бу — ҳайроним менинг.

Юсуфи Канъоним³ менинг ҳусн элининг подшоси сен,
Ҳусн элининг подшоси сен Юсуфи Канъоним менинг.
Сарви гулистоним менинг хуш қадду бўйингдир сенинг,
Хуш қадду бўйингдир сенинг сарви гулистоним менинг.

Ҳофиз газалхоним менинг сўз ичра султоним менинг,
Сўз ичра султоним менинг Ҳофиз газалхоним менинг.

РУБОИЙЛАР

* * *

Мен шавқи бор бир кишининг бандасиман,
Ишқ тавқи¹ бор бир кишининг бандасиман.
Бу бодани ишқ завқи борлар ичадир,
Мен завқи бор бир кишининг бандасиман.

* * *

Сел олди, қара, умрни вайронасини,
Тўлдирадир у умрни паймонасини.
Эй хожа, уйонғилки², замон ҳаммоли
Йиғмоқда, супурмоқда умр хонасини.

* * *

Биздек агар афтодаи бу дом бўласан,
Май бирла харобу бандаи жом бўласан.
Оламини ёқар риндлиғу ошиқлигимиз,
Биз бирла ўтурмагилки бадном бўласан.

* * *

Бу гул келгай — менга уммидлари келгай,
Дилимга шодлиги ҳам ийдлари келгай.
Анга ҳамдам бўлойин деб яқинлашсам,
Бу гулдан ҳам бировнинг ҳидлари келгай.

* * *

Жонон ечинса бунча жонон бўлгай,
Бир ён ўзию жаҳон бир ён бўлгай.
Соф сийнаси остидин дили кўринадир,
Соф сувда дегилки тош намоён бўлгай.

* * *

Аъзойи баданларим исинсаю шай бўлса,
Бир ҳавою бир кабобу чанг бўлсаю най бўлса.
Бир арпаси ҳам керак эмас Ҳотаи Тайнинг,
Бир хилвату бир дилбару мен бўлсаму май бўлса.

¹ Т а в қ (араб.) — айбдорларнинг бўйнига солинадиган ҳалқа. Бу ерда мажозий маънода.

² У й о н ғ и л — уйғонгил.

ҚИТЪАЛАР

* * *

Фалак ҳар неки бермиш — қайтариб олмиш, зарар бўлмиш,
Ётибдир ёшлик айёми — бу не янглиғ сафар бўлмиш?
Умрдин қолган онларни хуш ўтказгил, аё Ҳофиз,
Кўзингда ушбу дамда икки дунё мухтасар бўлмиш.

* * *

Эйки, даврондин тиларсан, айтмарам: зар истагил,
Молу дунёси надир — гар истама, гар истагил?
Шод бўлгил, шод юргил, айш қилу хуррам яша,
Барчасин тарк айла осон, битта соғар истагил.

* * *

Айтди ул гулфом шароб ўз васфида бундоқ калом:
Тўртта ҳар хил жойда мен тўрт турли гавҳарман мудом.
Ток учун зумрад эрурман, шиша ичра мен — ақиқ,
Хум аро юлдузману жом ичра офтобман, тамом.

*Форсийдан
Сирожиддин САЙИИД
таржималари*



ПРЕМЧАНД

Севги инъоми*Роман***17. ВИРЖАННИНГ КАМЛАЧАРАНГА МАКТУБЛАРИ****1***Мажхгов*

Севгилим, ишқ мактубларингизни олдим.

Бошимдан ўгириб, кўзларимга суртдим. Бошқа бундай мактуб ёза кўрманг! Уқиб, юракларим пора-пора бўлиб кетди. Мен ёзсам, бекорга ёзмайман. Кўнглим нотинч, гаш. Қулоғим билан нималарни эшитган эдим-у, кўзларим билан нималарни кўриб турибман. Ҳил-вираб турган похол кулбалар, кўҳна деворлар, уйлар қаршисида уюму ахлатлар, лойга қорилган сомонлар, озгин сигирлар... булар барини кўриб туриб бир кўнглим — бош олиб чиқиб кетгим келади. Одамларини айтмайсизми, уларнинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Баданлари қоқ суяк. Қашшоқлик ва мусибатларнинг бундан ортиқ тимсоли бормикан? Биронтасининг эғнида тузук кийимни кўрмайсиз. Кечаю кундуз қора тер тўкиб ишласа ҳам қоринлари тўйиб овқат ейишмайди! Бизнинг уйимизнинг орқасида бир хандақ бор. Модҳавий шу ерда ўйнаётган экан. Оёғи сирпаниб, сувга йиқилиб тушибди. Бу ерда бир афсона бор экан, шу чуқурда чўмилгани бир ялмоғиз келиб турармиш ва у ўтган-кетганларга тегажоқлик қилармиш. Шунга ўхшаб, ҳовлида бир пийпал дарахти бор. Унга жинлар ўрнашиб олган эмиш. Хандақдан-ку, кўрқмаса ҳам бўлади, аммо ҳалиги пийпалдаги жинлар узоқ-яқиндаги қишлоқ аҳолиларининг ҳам юрагига шунақанги ваҳм солиб кўйганки, кун ботиши биланоқ ҳеч ким у ердан ўтмайди. Болалар билан аёллар у ерга яқин йўламайдилар ҳам. Ҳа, яккам-дуккам эркак зоти ўтиб қолади, лекин шулар ҳам юракларини ҳовучлаб ўтишади. Мана шу икки жой бамисоли ўша бехосият махлуқларга маскан. Булардан ташқари жодугар уя қурган юзлаб бошқа жойлар ҳам бор. Баъзи одамларга жодугарларнинг ўзи кўринади. Бундайлар уларнинг феъл-атворини ҳам билишади. Бир шунақа жодугар бўлар эканки, у одамнинг бошига бир чиқиб олса, ойлаб тушмас экан. Қачон бир-икки бор дам солиб ўқитса, кейин тушар экан. Қишлоқликлар орасида бу тўғрида ўзи ростданам бу бор нарса деган гап юради. Яна шундай гап борки, жодугар нон-сув сўрагани ҳам келиб тураркан. Уларнинг сорийлари кўпинча турна қанотларидай ярқироқ бўлармиш ва улар гапларининг бир қисмини бурунларида

Охири. Боши ўтган сонда.

гапирармиш. Тақинчоққа уларнинг зотидагилар унча қизиқишмасмиш. Ясан-тусан қилган, ялтироқ кийимлар кийган аёллар ёлғиз учраб қолганда улар кўпроқ шуларга ташланармиш. Энг яхши кўрган нарсалари гулларнинг ҳиди эмиш. Биронта аёл ёки ёш бола бошига гул қўйиб ухласа, бунинг хосияти бўлмас эмиш.

Арвоҳлар тўғрисида бунинг акси — яхши маънодаги ривоятлар ҳам юради. Масалан, Жўгий бобо деган арвоҳ ярим тунда адёлга ўраниб, оёғига ёғоч кавуш кийиб, қишлоқнинг чор атрофида айланиб юрармиш ва йўлдан адашган йўловчиларга йўлни айтиб берармиш. Йилда бир марта Жўгий бобога сиғиниш маросими ўтказилади. Энди у арвоҳлар эмас, маъбудлар қавмига дохил бўлиб қолганмиш. У иложи борица бирон-бир бало-офатнинг қишлоққа кириб келишига йўл қўймасмиш. Бунга қарама-қарши ўлароқ Кирчи бободан қишлоқ аҳли дағ-дағ титрайди. У жойлашиб олган дарахт томондан агар кимдир чироқ ёнгандан кейин (яъни шомда) ўйдан чиққудек бўлса, унинг жони омон қолиши даргумон эмиш. Кирчи бобони ҳайдаб юбориш учун икки шиша шароб кифоя эмиш. Унга сажда қилувчилар сешанба куни ўша дарахт тагига кўкнор ва бўза қўйиб келадилар. Лола соҳиб (қишлоқ оқсоқоли) ҳам арвоҳга айланиб қолган. Бу жаноб патворий, яъни танобчилик қилар эди. Уни бир қанча ассомлик пандит тил бириктириб, ўлдириб юборганди. У шунақанги қаттиққўл ва шафқатсиз эдики, кишининг жонини сугуриб олмагунча қўймасди. Бу ерда бир танобчи патворий бир йилдан ортиқ яшаган эмас. Қишлоқдан сал нарида бир дарахт бор. Унда мавлавий соҳиб (қишлоқ муллеси) истиқомат қилади. У бечора ҳеч кимга тегмайди. Ҳа, пайшанба куни бориб зиёрат қилинмаса, болаларни тутар экан.

Қандай бемаънигарчилик! Шу ҳам сиғиниш бўлди-ю! Бундай гапларни эшитганингдан кейин юрагинг безиллаб қолмайдими, ахир! Бола оғриб ётса-ю, арвоҳларга садақа қилсанг. Далаю хирмонда ҳам арвоҳ, қаёққа қарама, арвоҳ... Бу ерда маъбуд, худо деган гап йўқ. Ҳаммаёқда арвоҳлар ҳукмрон. Одамнинг жонини олгани азроил келмайди, унинг ишини ҳам арвоҳ дўндиради. Бу хурофотлар қачон йўқоларкин? Ўзингга тавба қилдим, худо.

Сизнинг Виржанингиз.

2

Мажҳгов

Севгилим, неча кундан кейин Сизнинг ишқ мактубларингизни олдим. Ростданам хат ёзгани кўлингиз тегмайдими? Ёзган хатингизни кўринг — қинғир-қийшиқ, узуқ-юлуқ. Ҳеч бунақа одатингиз йўқ эди-ку? Ёки у ёққа бориб, бошқача бўлиб қолдингизми? Бу ердан кетганингизга ҳам икки ойдан ошиб қолди. Бу орада бир қанча катта-кичик таътиллар бўлди, аммо Сиз келмадингиз. Ялиниб-ёлвораман — Ҳўлий байрамида, албатта, келинг. Агар бу сафар қийнайдиган бўлсангиз, мендан умрбод қутулмас балога қоласиз.

Бу ерга келиб, бошқа бир дунёга тушиб қолгандайман. Тунда энди ётган эдим, бирдан «ҳа-ҳа, ҳу-ҳу» деган овозлар эшитилиб қолди. Чўчиб ўрнимдан туриб кетдим. Суриштириб билсам, ўғил болалар уйма-уй юриб, таппи-тезак ва ўтин йиғишаётган экан. Ҳўлий Момога шулар садақа қилинар экан. Бу ярамас болалар тўдаси борган жойда ўтин-чўпга қирон келаркан. Уларни қайтаришга ҳеч кимнинг ҳадди

сигмас экан. Бир намбардор, яъни қишлоқ оқсоқолининг оғилини йиқитиб кетишибди. Унга ўн-ўн бешта ҳўкиз бемалол сигаркан. Ҳўлийчилар неча кундан бери пайт пойлаб юришиб, охири келиб таппа босишибди. Қанча таппи-тезаклар гумдон бўлмади. Одамлар ўтин-чўпларини уйларига олиб кириб олишган. лолаж ўтинликка деб бир дарахтни сотиб олган эди. Бугун тунда шу дарахт ҳам Ҳўлий Момо жигилдонига кириб кетди. Уч-тўртта уйнинг эшигини кўчириб кетишди. Патворий соҳиб ҳовлида ухлаб ётган экан. Уни ерга ағдариб, йигитлар чорпоясини олиб қочишибди. Ҳаммаёқда ўтин ўғирлаш авжига чиққан.— Бир қарра Ҳўлий Момо оғзига теккан буюмни қайтариб олиб келиш гуноҳи азим саналади. Патворий соҳиб, тўлаган солиқларингни бекор қиламан, янгидан солиқ соламан, деб шунча дўқ қилса ҳам парволарига келмабди.

Бу ерда шунақа одат бор экан, ҳўлийчилар кўзларига тушган нарсани бемалол олиб кетаверишлари мумкин экан. Зорингни худога айтиб қолаверар эканан. Ёш ўғил отасининг кўзини шамғалат қилиб, унинг буюмини олиб чиқиб кетар экан. Агар шундай қилмаса, у ўзининг жамоасида одам ўрнида кўрилмас экан.

Далада ҳосиллар пишган, бироқ йиғим-теримга яна икки ҳафта бор. Мен турган ҳовлидан узоқ-узоқлар кўриниб туради. Буғдойпоя ва арпапоя чеккаларида чўғдай қизил қизғалдоғу анвойи чечаклар кўзни олади, томоша қилиб тўймайсан, киши. Чор-атрофда тўтилар гала-гала бўлиб, у ёқдан-бу ёққа чарх уриб учади.

Модҳавий бу ерда бир нечта дугона орттирган. Кўшни уйда бир аҳйир, подачи туради. Радҳа деган. Бултур ота-онаси вабодан ўлиб кетганди. Рўзғор тебратиш унинг бошига тушган. Унинг хотини Тулса кўпинча бу ёққа чиқиб туради. Ўзиям ҳусндан жуда худо берган аёл — парига ўхшайди. Сўзлари шунақанги мулоимки, соатлаб тингласанг ҳам тўймайсан, одам. Модҳавий шу билан опа-сингил бўлиб олган. Эртага уларнинг кўғирчоқларининг тўйи бўладиган. Келин кўғирчоқ Тулса томондан, куёв кўғирчоқ Модҳавий томондан. Эшитишимча, Тулса жудаям камбағал эмиш. Лекин мен унинг чеҳрасида сира гамгинлик аломатини кўрмаганман. Таппи-тезак сотиб, икки рупия пул топгандик, бир рупиясини сепга берсам, бир рупиясига куёв-навқарлар учун егуликлар оламан, дейди. Кўғирчоқларининг безагу кийим-бошлари Радҳанинг зиммасида экан. Қандай содда-баёвларча турмуш, ё тавба!

Бўпти, энди хайрлашамиз. Беҳуда гаплар билан қанча вақтингизни исроф қилдим. Кечиринг мени. Сизга бир хат ёзгани ўтирсам, ўзимни ҳеч тўхтатолмайман. Яна айтадиган талай гапларим бор. Пратапчандрга менинг миннатдорлигимни айтиб қўйинг.

Сизнинг Виржанингиз.

3

Мажҳов

Азизим, Сизнинг ишқ мактубингизни олдим. Олиб, кўксимга босдим. Оҳ! Бу қанақаси — яхшиликка ёмонликми? Келолмаганлигингиз айбини менга тўнкамоқчи бўлаяпсизми? Сизнинг дийдорингизни бир кўришга муштоқлигимни биров кўнглимдан сўрабдими? Энди бу муштоқлик кундан-кун кўзга кўринмас дардга айланиб бораяпти. Гоҳо нима қилишимни билмай, қарахт бўлиб қоламан. Ай-

ниқса, кейинги кунларда тез-тез шунақа аҳволга тушиб қолаяпман. Бу ердан кетган вақтингизда у ёққа бориб сиз мени айбдор қилишингиз хаёлимга ҳам келмаганди. Майли, сиз ҳақ, мен эса ноҳақ бўла қолай. Ҳар иккала хатнинг ҳам сизга ёққанидан беҳад хурсандман. Лекин Пратапчандрга кўрсатганингиз чакки бўлибди. У хатларни жуда палапартиш ёзган эдим. Анча-мунча хатолар ўтиб кетган бўлиши тайин. Пратапга улар маъқул бўлганлигига сира ишаноламан. Агар хатларим унинг қишлоқдаги ҳаётимиз тўғрисида бирон қизиқроқ мақола ёзишга ёрдам бергулик даражада қимматли туюлса, мен ўзимни дунёдаги энг бахтли одам деб билардим.

Кеча бу ерда Маъбуда шарафига байрам бўлиб ўтди. Омоч, ёргучоқ, қозон-ўчоқ — ҳаммаси йиғиштириб қўйилган. Маъбуданинг амри шундай. Унинг амрига ким қарши тура олади? На ичиш, на чекиш мумкин — бутун йил ҳисобидан фақат шу бир кунни қишлоқ аҳли ҳам таътил деб билади. Бўлмаса-ку, Хўлий-Дивалий байрамларида ҳам зарурий ишларни қилишдан ҳеч ким тўхтатиб қоломайди. Эчки сўйилди. Олов ёқилди. Сатгу тортилди. Энди қишлоқ болалари бу ерга вабо юзини босмаслигига қаттиқ ишонади. Шуларни томоша қилиб, ётиб ухлаган эдим. Тахминан соат ўн иккилар бўлса керак, юзлаб одамлар қўлларида машъала тутганча шовқин солиб келдилар-да, бутун қишлоқни айланиб чиқдилар. Бунинг маъноси шу эдики, мана шу чегаранинг ичига касаллик изини босмайди. Қишлоқни айланиш маросими тугагач, бир неча эркак нариги қишлоқ ичига кириб борди ва озгинадан гул, гуруч, ловияга ўхшаган нарсаларни шундоқ ерга қўйиб қайтиб келди. Бунинг маъноси: бизнинг қишлоққа келган бало шу қишлоққа урсин дегани экан. Бу одамлар ўз ишларини бажариб бўлиб, у ердан кета бошлаганида ҳалиги қишлоқликларга бу гап бориб етибди. Юзтача одам таёқ кўтариб, бостириб келибди. Ҳар икки томон одамлари ўртасида роса калтакбозлик бўлибди. Бу пайтда қишлоғимиздаги бир қанча одам ҳалдий ичаётган экан.

Бугун тонг-саҳарда қолган-қутган расмлар адо этилди, буни бу ерда «қозон бериш» деб аталар экан. Мен турган уй ҳовлисида бир ўчоқ қазилди ва унга қозон осилиб, тўлдириб сут солинди. Коший исмли бир браҳман роҳиб бор, баданига кул-пул суртиб ўша келди. Қишлоқ одамлари бўйрага чўкди. Чиганоқ овози янграй бошлади. Қозоннинг ҳамма томонига гуллар сочилди. Қозон қайнаб, сут тошгач, Коший даст ўрнидан турди ва «Коший жийга шарафлар бўлсин!», - деб қичқириб қозонга сакради. Мен, у энди тирик чиқмайди, деб ўйлагандим. Лекин беш дақиқалардан кейин Коший яна сакради ва яна тирик чиқди. Унга жин ҳам урмади. Одамлар унга гулчамбар тақди. Улар қўл қовуштириб сўрай бошлашди:

— Тақсир! Бу йил деҳқончилигимиз қанақа бўлади? Ёмғир яхши бўладими? Улат арийдими ё йўқми? Қишлоқ одамлари тинч бўлишадими? Қиёмнинг нархи қандай бўлади? ва ҳоказо ва ҳоказо. Коший бу барча саволларга лўнда-лўнда, аммо бироз сирли қилиб жавоб қайтарди. Шундан кейин йигин ниҳоясига етди. Айтишларича, ҳар йили бўлар экан, бу амал. Кошийнинг барча башоратлари тўппа-тўғри чиқаркан. Борди-ю, битта-яримтаси бошқача чиққудай бўлса, Коший уларни ҳам усталик билан шиббалаб ташларкан. Коший дасти жуда узун одам. Қишлоқда бирон ўғрилиқ бўлса, Коший уни топиб беради. Полиция гумашталари уддасидан чиқолмаган муаммони у хамирдан қил суғургандек жуда осон бир ёқлик қилади. Гарчи ўзи бҳар зотидан бўлса ҳам, қишлоқда обрўйи баланд. Барча содиқларидан назр-ниёз ўрнида у мусалласдан бошқа ҳеч нарса олмайди. Ким

бўлсангиз бўлинг-у, аммо битта шиша унга назр қилинг. Ўзи қоралаб, ўзи оқлайди. Нима қилиб бўлса ҳам Коший сизнинг ҳожатингизни чиқармай қўймайди. Ундан бир шиша анови «қизил сув»ни аямасангиз бўлгани.

Ҳадемай Ҳўлий ҳам келади. Бир ҳафтача қолди. Оҳ, юрагим ўйнаб кетаяпти, нимасини айтасиз. Севинчдан тарс ёрилай дейди. Кўзларим сизни кўришга шунчалар муштоқки!.. Бир ҳафта қандай ўтаркин? Қачон севгилимнинг дийдорига тўяркинман?

Сизнинг Виржанингиз

4

Мажҳов

Севгилим, Сиз тошюраксиз, бераҳмсиз, бемеҳрсиз, шафқатсизсиз, алдоқчисиз. Мен сизни яна қандай сўзлар билан уришмай ва нималар деб ёзгурмай? Агар ҳозир олдимда бўлганингизда борми, бу тошюракликка бошлаб жавоб берардим. Мен сизни алдоқчисиз деяпман. Мени нима қилмоқчисиз? Келмасангиз, келманг. Жонимга қасд қилмоқчи экансиз, қасд қилаверинг. Йиғлатмоқчи бўлсангиз, йиғлатаверинг. Аммо мен нега йиғлай? Душманларим йиғласин. Бор-йўғи икки соатлик йўл, бирров бориб, ҳолидан хабар олиб келай, деган ўй хаёлингизга келмаганидан кейин йиғлаб, ўзимни қийнаш менга зарур келибдими?

Шунақанги жаҳдим чиқиб кетаяптики, хатни йиртиб отсам, сўнг сиз билан умрбод гаплашмасам деб турибман. Ҳа! Сиз менинг барча умидларимни пучга чиқардингиз! Ҳўлий! Ҳўлий! Кимнинг оғзидан шу сўзни эшитсам, юрагим бир ҳапқириб кетади, аммо эвоҳ! Ҳўлий ўтиб ҳам кетди, мен эса мўлтайиб қолавердим. Илгари бу сўзни эшитсам, маза қилардим. Энди хафа бўламан. Ўз дардим ўзим билан. Қишлоқнинг оч-яланғоч одамлари турли ўйинлар ўйнайди, ҳузур қиладди, куннинг қандай ўтганини билмайди, мен шўрлик эса чорпоямда сариқ сорий кийиб чўзилиб ётаман. Унга тирноқча қизил доғ теккан бўлса, худо урсин мени! Абир ва гулолга қўлимнинг учини теккизган бўлсам, қўлларим синсин! Менинг атирдан қилинган атирим, гулобим ва дид билан ўралган понларим бари сизнинг беғамлигингиз қурбони бўлди. Модҳавий сира қўймагандан кейин мен ҳам қизил хол суриб олдим. Лекин бугундан бу таъна-маломатларимга чек қўяман. Борди-ю, яна битта-яримта таъна сўзи оғзимдан чиқса, тилим кесилсин.

Индинига кечкурунданоқ қишлоқ жиз-биз бўлиб кетди. Бир гуруҳ ёш-яланғлар қўлларига чирманда олиб, беадаб сўзларни валдираб, ҳовлима-ҳовли кезина бошлашди. Бугун бу ерда сўкиш эшитишимга тўғри келишини билмаган эканман. Уятсиз сўзларни шунақанги беҳаёлик билан қалаштириб ташлашяптики, гўё сўкиш эмас, оғизларидан гул тўкиляпти. Ота ўғилнинг олдида, ўғил отанинг олдида оғизларидан боди кириб, шоди чиқаяпти. Ота важоҳат билан ўғли ва келинига қараб дейди:

– Бугун Ҳўлий! Келин уйда бошини эгиб жимгина қулоқ солиб ўтиради ва жилмаяди. Бизнинг патворий соҳиб унақа-мунақа одамлардан эмас, турган-битгани авлиё экан. Улар шаробдан маст бўлиб, бир яғири чиққан дўппини бошига қўндириб, мана шу галага бошчилик қилардилар. Келин-қизлари уларнинг беадабликларидан жон

сақлаб қолишолмади. Ўн сўкиб, бир куладилар. Борди-ю, баданларига озгина ифлос тегса ҳам одамлар бу муҳаррам ойида туғилган экан деб тушунишади. Фалати одатлар бор-да.

Тахминан тунги соат учларда оломон Хўлий Момо олдига келди. Ўғил болалар олов ўйинига шай туришарди. Мен ҳам бир қанча аёллар олдига бордим, у ёқда хотин-қизлар яна бир бошқа Хўлий қўшиғини айтмоқда эдилар. Охири Хўлийга олов қўйиш вақти етиб келди. Олов тегиши билан Хўлий момони лов этиб аланга чулғади ва осмони фалак заррин тусга кирди. Олис-олислардаги дарахтлар ҳам ёришиб кетди. Бир вақт ҳамма мана шу олов атрофида «Хўлий Момога шарафлар бўлсин!», деб қичқиришиб, ирғишлай бошлади. Ҳамма қўлида ушлаб олган буғдой ва арпа бошоқларини оловга итқитмоқда эди.

Олов авж палласига етганда, одамлар бир четда сафланиб, Кабир шеърларини куйлай бошлашди. Соат олтигача шу ҳол давом этди. Ёнаётган кундалардан чарс-чурс этган овозлар чиқарди. Қозиклардаги сигир-бузоқлар кўрққанидан тинмай мўлашарди. Тулса менга деди:

– Бу галги Хўлий олови қийшиқ ёнапти. Бу яхшилик аломати эмас. Олов тикка кўтарилса, қишлоқда йил бўйи қувноқ куй ва ашулалар тинмайди, аммо оловнинг қийшиқ ёниши касофатдан дарак.

Ниҳоят, оловнинг забти қайта бошлади.

Шунда бир неча одам Хўлий Момога яқин борди, худди бир нарсани қидираётгандай унга разм солиб қарай бошлашди. Тулсанинг айтишича, баҳор кунларида Хўлийга пойдевор қўйилса, биринчи куни бир канакунжут кўмиб қўядилар. Шунинг устидан ўтин ва таппитезаклар уйиб қўйилади. Ҳозир одамлар айнан шу бутани қидирмоқда эдилар. Энг аввал бутага шундай бир зарба берилсинки, у узилиб, узоққа бориб тушсин. Биринчи патворий чайқала-чайқала юриб келди, бироқ ўн метр нариданоқ мўралаб, қайтиб кетди. Шунда Радҳа қўлига бир ихчамгина сўйил ушлаганича бор журъати ва қатъиятини бир жойга тўплаб, олдинга отилди ва оловга ёриб кириб шунақанги куч билан зарба бердики, бута жойидан кўчиб кетди. Одамлар майда-майда бўлган бута бўлақларини талай бошлашди. Шундан манглайларига тийка, яъни хол суртишар ва буни хосиятли нарса деб билишаркан.

Бу ердаги ишларини тугатиб, эркаклар Дурга маъбудаси супачаси томон ошиқди. Бу ерда Дурга маъбудаси шарафланса керак деб ўйламанг. Бугун у ҳам ҳақоратли сўзлар эшитишга муштоқ. Каттаю кичик ҳамма уни бўралаб, пештахам сўзлар билан сўқар эди. Уч-тўрт кунгина аввал худди шу маъбудага ҳамма сифиниб-юкиниб ётган эди. Дарҳақиқат, қишлоқларда ҳозир маъбудларни ҳақорат қилиш узрли бўлиб қолган. Онаю опа-сингилларни гапирмаса ҳам бўлади.

Тонг отиши билан Лола муллага қараб деди:

– Бугун икки серча банг (наша) туйдириб қўй. Икки хил қилиб. Алоҳида-алоҳида идишда бўлсин – бири шўр, бири ширин.

Мулла кетди ва бир неча эркакни олиб келди. Улар банг туя кетишди. Бир талай хумча топиб келтиришди ва уларни қатор қилиб териб қўйишди. Иккита хумчага икки хил банг солиб қўйилганди. Кейин десангиз, уч-тўрт соатгача бангиларнинг кети узилмади-ку. Одамлар оғизларидан бол томиб мақтар ва кекирдақларини ўйнатиб-ўйнатиб мулланинг маҳоратига таҳсинлар ўқир эдилар. Шунда кимдир мулла яна бир хумчани тўлдириб қўйганини айтиб қолди.

– Буниси шўр. Бундан ҳам тотиб кўрсанг-чи. Ҳой, ичсанг-чи! Хўлий кунда келиб турибдимики, қўлимиздан ҳар куни банг ичсанг.

Бунга жавобан деҳқонлар унга худди биров жаннат суви бергандай анграйиб қарар ва битта ўрнига учтадан хурмачани ютоқиб си-мирар эдилар. Патворийнинг жамоасига мунший Жагдамба Прасад қадам ранжида қилиб қолди. Бу одам маҳкамада аризанавислик қиларди. Унга мулла азбаройи бурнидан чиққунча ичирганидан кайфи ошиб қолиб, сакраб ўрнидан турди-да, рақс туша кетди. Бутун қишлоқ уни калака қилишга тушди. Деҳқонлардан биттаси келарди-да, унга кулиб туриб шундай дерди:

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? Уйингга бориб овқат қилсанг-чи, бизлар меҳмонинг бўлайлик.

Ҳамма қотиб-қотиб кулади, бир пайт таёғини елкасига қўйиб Коший бҳар ширакайф ҳолда пайдо бўлиб қолади ва йигилганларга ясама дўқ билан ўқрайиб қараб қичқиради:

– Ҳой мулла, яхши эмас, бизнинг янги тушган келинимиз билан айш қилишинг, ҳа!

Шундай дея у муншийжийни кучоқлаб олади.

Шўрлик муншийжий жуссаси муштдеккина одам эмасми, ўзини ҳар ёққа уриб типирчилайди, бироқ туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр, бу талотўпда муштдеккина одамнинг қўлидан нима ҳам келарди. Ҳаммага қулги бўлгани қолаёпти. Тушгача мана шу шовқин-сурон тинмади. Лекин Тулса ҳамон жойида қимирламай ўтирарди. Мен унга дедим:

– Бугун бизнинг меҳмонимизсан. Иккаламиз бирга овқатланамиз. Буни эшитиши билан оқсоч икки лаганга овқат сузиб келди. Тулса бу пайтда деразадан ташқарига қараб турарди. Мен унинг қўлидан ушлаб ўзим томонга тортган эдим, қарасам унинг маъсум кўзларидан бирин-кетин ёш доналари думалаб тушяпти. Мен уни кучоқлаб дедим:

– Дугонажон, тўғриси айт, нега йиғлаёпсан? Мендан ҳеч қанақа сирни яширма.

Бу гапдан у қаттиқроқ пиқиллаб йиғлай бошлади. Мен сира кўявермагач, у бошини буриб деди:

– Опажон! Бугун эрталаб анови кишини қамаб қўйишган. Билмадим, ҳозир уларнинг ҳоли нима кечаётганикин. – Шундай деб у ҳўнграб йиғлашга тушди. Маълум бўлишича, Радҳанинг отаси бироз қарз олган, қарзини ҳалигача узолмаган экан. Қарз берган уни маҳкамага судраб олиб борсам, пулимни ундириб оларман деб ўйлабди. Радҳа ўзини минг ўтга-чўққа урса ҳам бўлмабди. Ҳозир товламачи-сурбетларнинг замони эмасми, қарз берган уни қаматтириб қўйибди. Ҳайҳот! Одамзотнинг қадри шунчалик ҳам оёқости бўладими? Аввалроқ билганимда, шўрлик эримни улуғ айём кунда бунақа мусибатга солдириб қўймасмидим. Мен аста қаролни чақирдим-да, унга йигирма рупия бериб, Радҳани чиқариб олгани жўнатдим. Ўша вақтда менинг ҳовлимга бир бордон тўшаб қўйилганди. Лолажий ўртада гиламда ўтирарди. Тиззасигача дхўтий¹ боғлаган, бирлари кўйлак кийган, бирлари ярим-яланғоч, бирлари бошига салла ўраган ва яна бирлари бошяланг, лабларига абир суркаб олган (қоп-қора юзларида бу айниқса яққол кўзга ташланади, яна ҳам галати кўринарди) деҳқонлар битта-битта кела бошлашди. Келган ҳар бир одам лолажийнинг оёғи тагига абир қўйиб кетарди. Лолажий ҳам ўз манглайига абир суртиб қўяр ва жилмайиб, бирон қизик гап айтар, кўнглини кўтарар эди. Деҳқон суюниб кетар, таъзим қилар ва хазинага дуч келган қашшоқдай, ўзини қўйгани жой тополмай қоларди. Лолажий-

¹ Д х ў т и й – эркақлар иштон ўрнида фойдаланадиган узун мато.

нинг бу жоҳил қишлоқликлар билан бирга ўтириб, бундай ҳазил-мутойибалар қила олишини тасаввуримга ҳам келтиролмасдим. Шу орада Коший бҳар келиб қолди. Унинг қўлида кичкина идиш бор эди. Идишга у абир солиб олганди. У бошқа одамлардай абирни лолажийнинг пойига қўймади, балки жуда ҳафсала билан абирдан бир сиқим олди-да, Лолажийнинг юзига обдон суртиб қўйди. Мен ҳозир лолажийнинг роса жаҳли чиқса керак деб қўрққандим, қайтанга у янаям хурсанд бўлиб кетди ва унинг ўзи ҳам битта тийка эвазига иккала қўли билан унинг ҳам юзига абир суртди. Унинг шериклари у томонга шундай нигоҳ билан қараб туришардики, гўё, тамом, сен ғолибсан ва бизга сардор бўлишга муносибсан, деяётгандай. Шу тариқа битта-битта келиб, икки юз-икки юз элик одам бўлганди. Бир вақт лолажий деди:

– Бугун Радҳа кўринмаяптими, нима гап? Битталаринг уйига бориб, қараб келинглар.

Мунший Жағдамба Прасад ўз қобилиятини намоёиш қилиш учун қулай пайт келганини кўриб, гап қотди:

– Тақсир, у 13-моддага мувофиқ ҳибсга олинган. Рамдин Пандит ҳибсга олишга рухсат берган. Рамдин Пандитнинг ўзини ҳам ўша ерда кўрувдим.

Лолажий Рамдин Пандитга нафрат билан қараб туриб деди:

– Хўш, Пандитжий, бу бечорани бандихонага тиқиб қўйиб, яйраб қолдингми? Инсоф билан адолат деганлари шунчаликка бориб етдими? Бугун Хўлий байрамида уни хотини ва бола-чақаларидан айириб қўйишга қандай кўнглинг борди? Қасам ичиб айтаман, агар мен Радҳанинг ўрнида бўлганимда бандихонадан чиқиб келган заҳоти мени бу кунга солган одамни ўша ерга обориб тиққан бўлардим. Уят эмасми, шундай баобрў одам бўла туриб, арзимаган йигирма рупия учун бир камбағалга бу тариқа зулм қилсанг. Бунақа очкўз бўлганингдан ўлиб кетганинг яхши эди!

Лолажийнинг чапараста жаҳли чиққанди. Рамдин шунақанги изза бўдики, ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. Тили калимага келмасди. Индамай маҳкама томонга кетди. Барча қишлоқ аҳли унинг орқасидан газаб билан қараб турарди. Агар лолажийдан ҳайиқмаганда, улар Пандитнинг қовургаларини суғуриб оларди.

Шундан кейин одамлар қўшиқ айтишни бошлаб юборишди. Кайф-да қўшиқ айтмаган одамнинг ўзи йўқ эди, бироқ устига-устак лолажийнинг дўстона муомаласидан меҳрлари жўш уриб, янада илҳом билан куйлашарди. Қўшиқ айтавериб, роса битлари тўкилди. Чирмандани шунақанги зарб билан уриб чалар эдиларки, ҳар дақиқада ёрилиб кетиши ҳеч гап эмасди. Жағдамба Прасад ҳаммадан кўпроқ ширакайф эди. Бир чети унинг ўзи қулфи дили очилиб кетган бўлса, яна бир чети бошқаларнинг «бале-бале»си кўтариб юбормоқда эди. У давранинг ўртасига чиқиб рақс туша кетди; хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, росманасига рақс тушарди. Мен умримда нимча, дўппи, дхўтий кийган ва мўйлов қўйган эркакинг ўйнаганини кўрмагандим. Ярим соатга яқин у маймундай ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа отиб, сакраб-сакраб ирғишлади. Охири кайф зўрлик қилиб, ерга қулади. Шу заҳоти яна бир аҳир ўридан турди. Бир аҳир аёли ҳам тўдадан чиқди-да, иккаласи саҳнага бориб рақс туша бошлади. Иккала йигит ўзларига етганча чаққон экан. Худди суяги йўқ одамлардай гавдаларини осонлик билан эгиб-букар эдилар, айниқса, уларнинг ишваларини, белларини қийпанглаштиришларини, бўғинларини қирсиллатишларини, гоҳ сувдай эшилишларини, гоҳ тўсатдан шох

ташлашларини кўриб, одамнинг оғзи очилиб қоларди. Кўп машқ ва машаққатлар эвазига шунчаликка етишгани яққол кўриниб турарди.

Рақс ва ўйинлар шу тариқа давом этиб турганида қаршидан узун-узун таёқ ва сўйилларни елкаларига қўйиб, шу томонга келаётган бир гала одам кўринди. Уларнинг ҳам чирмандаси бор эди. Яна бир неча тунука лапшақлар ҳам кўтариб олишганди. Улар қўшиқ айтиб, рақс тушиб келишди-да, бизнинг уйимиз рўпарасида тўхташди. Ногоҳ уч-тўртга эркак бир бўлиб, овозларининг борича «Ар-р-р-р Кабир-р-р» деб шунақанги қаттиқ қичқирдики, уйлар зириллаб кетди. Лолажий чиқди. Булар жўнаш куни калтакбозлик қилган қишлоқ одамлари эди. Лолажий кўриниши биланоқ бир неча киши югуриб келиб унинг юзига абир суртди. Лолажий ҳам уларга шундай қилди. Кейин одамлар ерга ўтиришди. Уларга илойчи ва пон улашиб меҳмон қилинди. Яна кўшиқ бошланди. Бу қишлоқликлар ҳам абир суртишди ва ўзларига ҳам сурттиришди. Кўшни қишлоқликлар хайрлашиб қайтиб кетишар экан, Ҳўлийга аталган бир қўшиқни жўровоз бўлиб куйлашди:

Уйингиздан аримасин саодат,
Сира-сира доримасин фалокат!

Қандай ёқимли кўшиқ! Менга бу кўшиқ бошдан-оёқ шира ва хиссиётга лиммо-лим тўлиқдай туюлади. Ҳўлийдаги туйғулар қанчалик оддий ва лўнда сўзларда ифода этилган! Мен ўзимча бу кўшиқни хиргойи қилганимда ҳар сафар бир бошқача лаззат оламан. Ҳўлий байрами ўзаро меҳр ва иноқликни оширишга яратилган. Бир неча кунгина аввал калтакбозлик қилган одамларнинг бу қишлоққа ҳеч ҳайиқмасдан кириб келиши ақлга сигармиди? Лекин бугун Ҳўлий куниди! Бугун ҳеч ким ҳеч кимга кек сақламайди. Бугун муҳаббат ва севинч ҳукм суражак! Бугун агар ғам чекиши керак бўлса, мусофир юртга кетган йигитнинг ожизаси чексин. Йиғласа, ёш бева йиғласин. Шулардан бошқа ҳамма учун қувончли кун муборак бўлғай!

Шом чоғи қишлоқнинг барча хотин-халажлари бизникига Ҳўлийни байрам қилгани келишди. Ойим уларни иззат-икром билан кўрпачаларга ўтқазди. Ранглар суртишди, пон улашилди. Менинг ташқарига чиққани сира юрагим дов бермади. Модҳавнинг кўринмай қолганини шунда пайқадим. Ҳўлий нишонлагани қишлоққа чиқиб кетгандир деб ўйладим, бироқ бу хотинлар орасида у йўқ эди. Тулса ҳамон индамай юзини дераза томонга қилиб ўтирарди. Шамлар ёқила бошлаши билан бирдан ўрнидан турди, оёқларимга йиқилди ва хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Мен деразадан ташқарига назар солдим, қарасам энг олдинда қаролимиз, унинг ортидан Радҳа ва энг охирида Рамдин Пандит юриб келишарди. Қишлоқнинг талай одамлари уни қуршаб олган. Радҳанинг чеҳраси сўлгин эди. Лолажий ташқарига югуриб чиқди ва меҳр билан унинг бўйнидан кучоқлади, кўрган одам уларни ота-бола деб ўйлаши аниқ эди. Радҳа овозининг борича ўкраб йиғлай бошлади. Тулса ҳам ўзини тутиб туролмади. У зинадан тушди-да, лолажийнинг оёқларига йиқилди. Лолажий уни ҳам меҳрибонлик билан ердан кўтарди. Мен ҳам кўз ёшларимни тутиб туролмадим. Қишлоқнинг кўп одамлари йиғламоқда эди. Фоят юракни эзадиган бир ҳолат эди бу. Лолажийнинг кўзларида мен сира ёш кўрмагандим. Уни ҳозир кўриб турардим. Рамдин Пандит худди сигирни бўғизлаб қўйган қотилдай бошини эгиб турибди. У деди:

– Пулимни олдим. Лекин бу пулга Тулса учун бир сигир сотиб олиб берсамми, деб турибман.

Радҳа билан Тулса иккаласи ўз уйларига кетишди. Бироқ сал туриб, Тулса Модҳавнинг қўлидан тутганича кулиб уйимга кириб келди ва деди:

– Бундан сўранг-чи, шу пайтгача қаерда қолиб кетган экан?

Мен: – Қаерда эдинг? Тушдан бери қорангни кўрсатмайсан?

Модҳавий: – Шу ерда эдим-ку.

Мен: – Қаерда шу ерда? Мен сени тушдан бери кўрмадим. Агар тўғриси айтсанг, жаҳлим чиқмайди.

Модҳавий: – Тулсанинг уйига кетган эдим.

Мен: – Тулса бу ерда эди-ку, у ёқда бир ўзинг ухлаб ётганмидинг?

Тулса (кулиб): – Ухламоқ қаёқда, уйғоқ экан. Овқат пишираётган экан. Идиш-товоқ юваётган экан.

Модҳавий: – Ҳа, идиш-товоқ юваётган эдим. Жуда сизнинг чўрингиз бор эканда-а?

Маълум бўлишича, мен қаролни Радҳани чақириб олиб келишга жўнатганимда ўшандан буён Модҳавий Тулсаникида овқат пишириш билан банд экан. Уйининг эшикларини очиб кирибди. Бу ердан ун, шакар, ёғ –ҳаммасини олиб кетибди. Олов ёқибди ва бўғирсоқлар, пурийлар, қачоврийлар, гулгулалар ва ширин-ширин сомсачалар пиширибди. Ўзича, тайёрлаб қўяман-да, билдирмай чиқиб кетаман, деб ўйлабди. Радҳа билан Тулса келишганида буларни ким пиширди экан, деб роса ҳайрон қолдирмоқчи бўлибди.

Лекин улгуролмай қолган бўлса керак, «жиноятчи» қўлга тушиб қолган. Кўрдингизми, қанақа бало қиз Модҳавий.

Энди шу ерда сиз билан хайрлашаман. Гуноҳимдан ўтишингизни ўтинаман. Бир умр хокисор чўрингизман, ўл десангиз ўламан, қол десангиз қоламан. Мана шу абир билан гулолни жўнатаяпман. Буни чўрингиздан тўхфа деб билингиз. Худо ҳақи, бўлмағур хаёлларга бориб, эскилик сарқити деб ташлаб юборманг, акс ҳолда кўнглимга оғир ботади.

Сизнинг Виржанингиз

5

Мажҳгов

Севгилим, хатингизни ўқиб роса йиғладим. Энди чидолмайман. Мени чақириб олинг. Сизни кўраману қайтаман. Тўғриси айтинг, борди-ю, олдингизга ўзим борсам, устимдан кулмайсизми? Ким билсин, ўзингизча бир нималар деб тушунмайсиз. Лекин қандай борай? Сиз яхшиси лолажийга хат ёзинг. Топдим-а? Айтар, бу яна бир қилиқ ўйлаб топибди, деб.

Кеча чорпойда ётган эдим, тонг отиб қолибди, муздай шабада эсаётганди, бир вақт аёлларнинг қўшиқ айтаётган овози қулоғимга чалинди. Аёллар галла ўримига кетишаётган экан. Қарасам, аёллар ўнта-ўнта, ўн иккита-ўн иккитадан тўп-тўп бўлиб олган. Барчаларининг қўлида ўроқ, елкаларига боғ боғлайдиган арқон ташлаб олган, бошларида эса қовурилган нўхатми солинган идишлар. Шу кетгандан улар тахминан ўн иккиларда қайтишади. Бирлари қўшиқ хиргойи қилса, бошқалари латифагўйлик қилиб кетаяпти.

Тушгача ҳаво жуда яхши эди, бироқ тўсатдан осмонни қоп-қора булут босди. Жала қуйиб, жала дўлга айланди. Мен сира бунақа йирик дўлни кўрмагандим. Ҳар бири картошкадай келарди, худди милтиқдан отилгандай шиддат билан ёғарди. Зумда ер бир қаричча қалинликда дўл тўшами билан қопланди. Чор атрофда деҳқонлар қичқириб чопар эдилар. Сигирлар, эчкилар, қўйлар — бари жон ҳолатда маъраб, дарахтлар тагидан пана жой қидирар эди. Тулсага нима бўлди экан, деб қўрқиб кетдим. Яхшилаб қарасам, очиқ далада Тулса, Радҳа ва «Мўҳиний» деган сигир кўринди. Учаласи шатирлаб ёғаётган дўл остида қолиб кетганди. Тулсанинг бошида бир кичкина саватча бор эди. Радҳа эса катта бир тугунни бошига қўйиб олганди. Бу шўрликларнинг энди ҳоли нима кечаркин деб қўзларимга ёш олдим. Бир кучли шамол туриб Радҳанинг бошидан тугунни учириб юборди. Тугун учиб тушиши билан Тулса бошидаги саватчани унинг бошига тўнкарди. Гулдай нозик бошчага қанчалар дўл келиб тушмадийкин! У қўли билан гоҳ елкасини, гоҳ бошини силарди. Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди: Радҳа яшин тезлигида отилиб тугунни ердан олди-да, саватчани Тулсага берди. Меҳрибонлик ҳам шунчалик бўлади-да!

Офатлар маъбуди ҳамма ишнинг пачавасини чиқарди. Тонг сахарда аёллар қўшиқ айтиб кетишаётган эди, кечга яқин эса ҳар бир хонадон мотамсаро бир аҳволга тушиб ўтирибди. Қанчалаб одамларнинг боши қонга бўялмади, дори-дармон ичиб ётганлар қанча. Ҳосил нобуд бўлди. Донлар дўл тагида қолиб кетди. Безгак тарқалди. Бутун қишлоқ касалхонага айланди. Коший бҳарнинг каромати жойидан чиқди. Ҳўлий оловининг қийшиқ ёниши бежиз эмас экан. Ҳосилнинг аҳволи мана бу-ю, солиқчилар солиқ ундириш билан овора. Бу мусибатлар ҳам қараб турган экан-да. Калтакбозлик, сўкиниш, уятсиз гаплар — булар бари камлик қилгандай, камбағаллар бошига худойим яна бу кунни солгани-чи!

Сизнинг Виржанингиз

6

Мажҳгов

Жонимдан ортиқ севгилим,

Роса ўн беш кун ўтгандан кейин, ниҳоят, Виржан эсингизга тушиб қолибди. Хатингизни қайта-қайта ўқидим. Ўқиб, йиғидан ўзимни тўхтатолмаяпман. Бусиз ҳам ўзи йиғламаган куним йўқ. Сизга қайси гам дафтаримни очай? Юрагим шунчалик тўкилиб бўлганки, гоҳо мана шу гапларни хаёлимга келтирсам, галати аҳволга тушаман. Ичимни бир нима куйдириб ўтгандай бўламан. Беҳол қилувчи, жудаям тотли, ҳеч тушуниб бўлмайдиган азоб ичида тўлғонаман, ҳўнграб, тўйиб-тўйиб йиғласам дейман. Ана, севгилим, келди, дея эшикка талпинаман.

Кеча кечқурун бу ерда бир ажойиб кулги томошаси бўлди. Бу кирчилар рақси эди. Ўн беш -йигирма нафардан иборат эркаклар жамоаси экан. Эгнига аёллар оқ қўйлаги кийган, белига сонсиз қўнғироқчалар осган, оёғига қўнғироқчали позеб таққан, бошига қизил дўппини дол қўндирган бир йигитча чарх уриб ўйнапти. Мриданг деган чолғуда машшоқ унга жўрликда мусиқа чалиб турибди. Маълум бўлишича, бу одамлар Ҳўлий мукофотини сўраб келишибди экан. Бу тои-

фа одамлар жуда совғага ўч бўладилар. Уларга зиғирдай ишингиз тушдимми, тоғдай ҳақ беришингиз керак; борди-ю, уларнинг сизга иши тушгудай бўлса ҳам совғага балогардон ўзингиз. Бу одамлар рақс тушаётганида қўшиқ айтишмайди. Рақсларининг ўзи қўшиққа ўтаверади. Оқ аёллар қўйлаги кийган йигитча қўлини қўйиб, бир терма айтади. Иккинчи эркак унинг рўпарасига келиб унга жавоб қайтаради ва иккаласи ўша заҳоти бадиҳагўйликка тушиб кетади. Бу зотдагиларда шоирлик истеъдоди кучли. Тўқилган лапарларига диққат билан қулоқ солсангиз, уларда чинакам шеърий санъат борлигини сезасиз. Оқ қўйлакли йигитча айтган биринчи терманинг маъноси мана бундай: «Эй кирчининг болалари! Сен кимнинг эшиги тагига келиб турибсан?» Иккинчиси жавоб қайтаради: «Энди на Акбаршоҳ қолган, на рожа Бхўж, энди тепамизда ким турган бўлса, ўшанга ялинамиз». Учинчи терманинг маъноси шуки, «Сўрагувчининг қўли пастда бўлади, шунинг учун ҳеч нарса сўрама, созингни чалиб, рақсга тушиб, кетавер, берадиган сўратмай бераверади». Бир соатча ҳалигилар термахонлик қилишди. Пайқадингизми, уларнинг оғзидан шунақанги ўткир термалар чиқаяптики, ҳайратдан ёқа ушлайман. Эҳтимол, улар ўз гапларини ҳам бунчалик тағдор қилиб гапирмасалар керак. Бу зотдагилар ўлгудай ичкиликбоз бўлишади. Майни сувдай симиришади. Тўйда ҳам майхўрлик, жамоа йигинида ҳам, тоат-ибодатда ҳам майхўрлик. Уйин ҳақи сўраб келишади — фақат майхўрлик учун. Ювган кирлари учун ҳақ сўраганда ҳам сабаби битта: май олишга харжимиз йўқроқ эди. Кетиш олдидан Бечу кирчи айтган терма ҳам бошдан-оёқ шеърий санъат намунаси эди: «Хонадонингиз Ганга дарёсидай доим тўлиб-тошишини худодан тилайман. Худди сермева анбаҳ дарахтидай ўғилларингиз униб-ўссин, мева берсин. Худди хазон билмас эман дарахтидай бекамиз доим гул-гул яшнаб-очилич юрсинлар». Қандай ажойиб шеър!

Сизнинг Виржанингиз

7

Мажҳгов

Азизим, бир ҳафтача жим бўлиб кетганим учун узр сўрайман. Бу ҳафтада сира қўлим бўшамади-бўшамади. Модҳавийнинг тоби қочиб қолганди. Аввалига бир неча дона безгак дори ичирдик. Бироқ бу наф бермади, Дихлурой табибни чақирришга тўғри келди. Ёши элликларда бўлса керак. Оёқяланг, бошида кажавадай салла, елкасига ангўчча, яъни қалин шол ташлаб олган, қўлида йўғон таёқ тутганча келиб, эшик тагида ўтириб олди. Ўзи асли заминдорлар наслидан, лекин ҳеч ким унинг лоқал мирзойи кийганини кўрган эмас. Ҳеч бўлмаса оврасини беркитиб, одамдай бўлиб юришга ҳам ҳафсала қилмасди — ўзига бепарволиги шунчалик. Бу қавм ичида саккиз-ўн кўсгача масофадаги одамлар унга эътиқод қиларди. Улар на ҳаким-табибни билишади ва на докторни. Уларнинг билган табиблари ҳам, докторлари ҳам шу Дихлурой.

Мана, хабар етиши билан келиб эшик тагида ўтириб олган. Докторларга ўхшаб аввал йўл кира пулини чўзиб қўй демайди, тезроқ бўл, вақим кетаяпти деб қисталанг қилмайди. Мен уйингизга дим ўйнагани келганим йўқ, касал кўргани келганман деб миннат қилмайди. Тагин нима эмиш: касални эшитиб, уйимдан илон чиққандай бу ёққа югурдим, деб мақтанганига қуясизми? Келганидан кейин-

чи? Касални апил-тапил кўради-да, бир энлик қоғозга дори ёзиб беради, вассалом. Дихлурой доктор эмасди — лекин ундан наф кўрган одамларнинг сони бор, саноғи йўқ. У меҳрибонлик тимсоли. Унинг доридармонлари шу қадар оддий ва мўл бўладики, арзимаган чақа-пулга ботмонлаб олаверинг. Уч кун ичидаёқ Модҳавий оёққа турди, айланиб юра бошлади. Ҳақиқатан ҳам ҳалиги табибнинг дориси мўъжиза экан. Бу ерда шу кунларда муғалиялар¹ тўполон қилишяпти. Булар қишда қарзга кийим-кечак беришади-да, қиш чиққанда қарзларни ундириб олишади. Ўшанда ҳеч қандай важ-корсонларга қулоқ солишмайди. Керак бўлса, бўралаб сўкишдан ҳам, уриб-қалтаклашдан ҳам тоймайдилар. Уч-тўртта одамни шунақа калтаклаб, чалажон қилиб ташлашган. Радҳа ҳам ул-бул нарсалар олганди. Уларнинг ҳовлисига келиб, оғзига келган сўзлар билан сўка бошлади. Тулса ичкаридан эшикни зулфинлаб олди. Сўкиб сўзлашлар қор қилмаганидан кейин бир говмишни қозиқдан ечиб, етаклаб кетди. Шу топ узоқдан Радҳа кўриниб қолди. У ўйлаб-нетиб ўтирмай муғалиянинг қўлига таёқ билан бир солган эди, муғалиянинг қўли осилиб қолди. Шундагина муғалия ҳовуридан тушди ва гапни айлантира бошлади. Радҳаники ҳам тутиб кетди ва яна учта муғалиянинг таъзирини бериб қўйди. Шу топ Коший бҳар келиб қолди ва у ҳам битта муғалияни ер тишлатди. Дихлурой муғалияларни ўлгудай ёмон кўрарди. Уларнинг пулларини мен сувга оқизиб юборганман, қанчаларини калтаклатганим ҳатто эсимда йўқ, деб мақтаниб юрарди. Тўполонни эшитиши билан у ҳам етиб борди. Орқадан юзлаб одамлар таёқ кўтариб югурди. Улар муғалияларнинг кўзини мошдек очиб қўйишди. Энди улар бу ёқларга қадам изи қилмасалар керак.

Мана, май ойи ҳам ўтди ҳисоб. Хўш, ҳали ҳам таътил бўлмадими? Кечаю кундуз сизнинг келишингизни кутаман. Шаҳарда касаллик сал қайтган. Бизлар тез кунда бу ердан кетамиз. Афсус! Сиз бу қишлоқни томоша қилолмайсиз!

Сизнинг Виржанингиз

18. ПРАТАП ВА КАМЛАЧАРАН

Пратапчандрнинг Праёғ коллежида таҳсил олаётганига ҳам уч йил бўлди. Бу вақт ичида у ҳамсабоқлари ва устозлари назарига тушиб, яхшигина обрў қозонди. Коллеж ҳаётининг бирор жабҳаси йўқ эдики, у ерда унинг истеъдоди намоён бўлмасин. Профессор ва ўқитувчилар у билан фахрланар ва талабалар уни ўзларига раҳнамо деб билар эдилар. Крикет ўйинида копток йўлини тўсиб, уни қайтаришда қанчалик мақтовга сазовор бўлса, жамоат олдида туриб сўзлаган нутқларида ҳам унинг қобилияти ва ўтқир зеҳни шунчалик яққол кўриниб турарди. Коллеж билан боғлиқ бир дўстлик йиғини ташкил этилган эди. Шаҳарнинг оддий ўқимишли одамлари, коллеж ўқитувчилари ва талабалар барчаси унинг шу жамияти аъзолари эди. Пратап шу жамият осмонида порлаб турган ой эди. Бу ерда мамлакат ва жамият мавзуларида фикрлар ўртага ташланарди. Пратапнинг маърузалари шу қадар ёрқин ва мазмундор бўлар эдики, ҳатто профессорлар ҳам унинг фикрни ёритишдаги лаёқатидан ҳайрон қолар эдилар. Ўйинда ҳам, ўқишда ҳам баб-баравар юксак истеъдод соҳиби эди у. Оддий кийимда саҳнага чиққан вақтида йиғилишда иштирок этаётганларнинг барчаси ундан кўзларини узмас, нутқини эшитган сайин улар

¹ М у г а л и я — кичик бир қабила номи.

дил-дилдан офаринлар айтар эдилар. Унинг сўзамоллиги, қочиримлари ва ширин талаффузи, бир маромда босиқлик билан нутқ қилиши тингловчиларни шунчалик маҳлиё қилар эдики, гўё унга нутқ маъбудаси Шарда ўзи илҳом бераётгандек. У минбарда бўлган вақтда йиғилиш иштирокчилари гўё сеҳрлангандай қотиб қолар эдилар. Унинг ҳар бир гапи тўғри юракка бориб тегар ва ҳамма бараварига «воҳ-воҳ» деб олқишлар эди. Шу сабабдан кўпинча йиғилиш охирида нутқ сўзларди, чунки кўплаб тингловчилар айнан унинг нутқидан лаззат ва завқ олгани келар эдилар. Унинг сўзлари ва талаффузида аллақандай табиий таъсир кучи бўларди. Адабиёт ва тарих унинг тадқиқот ва илмий ишларида махсус мавзунини ташкил этарди. Миллатларнинг тараққиёти ва таназзули, шунингдек бунинг сабаблари ва саноатни юксалтирувчилару чўктирувчилар асосан тингловчиларнинг нечоғли содиқликларига боғлиқ бўларди, айнан шуларни у ўзининг машаққатли меҳнатига мукофот деб биларди. Ҳа, унинг бу жўшқинлигию шижоатини кўриб, шундай тахмин қилиш мумкин эдики, бу истеъдод соҳиби сал нарига бориб гуркираб кетади ва янги-янги мўъжизалар яратади. Шу пайтгача у менинг эртанги ҳаётим қандай бўлади деган масала устида бирон марта ҳам ўйлаб кўрмаганди. Аҳён-аҳёнда профессор бўламан ва кўп китоблар ёзаман деган фикрни кўнгилдан ўтказар эди. Баъзан оқловчи бўлишни орзуларди. Баъзида эса агар стипендия олсам, фуқаролар хизматида фаолият кўрсатаман дерди. Фикри ҳали бир аниқ нуқтага келиб тўхтаганича йўқ эди.

Бироқ Пратапчандр бутун умрини маъруза ўқишу китоб ёзиш билан ўтказишга сарфлайдиган талабалардан эмасди. Ундаги тириш-қоқлик ва лаёқатлилиқнинг кичик бир улушини эл-юрт манфаатига ҳам сарфлашни мақсад қилиб қўйганди. Ўзи онадан сахий ва раҳмдил бўлиб туғилганди, барча билан баравар муомалада бўлиш ва меҳнатдан қочмаслик одати унга отасидан юққанди. Мана шу нарсаларда унинг чинакам инсоний фазилатлари тўла равишда намоён бўлар эди. Кўпинча оқшом чоғлари у Китганж ва Катранинг бадбўй кўчаларида айланиб юргани кўриниб қоларди, у ерларда паст табақали одамлар истиқомат қиларди. Ҳинду мазҳабидагилар соясидан саккиз чақирим нари қочадиган одамлар билан Пратап шалоқ қаравотда ўтириб, соатлаб суҳбатлашарди, бунга ягона сабаб: шу маҳалладагилар унинг учун жонини беришга тайёр. Жисмоний манфаату дунёвий ҳою ҳавас — мана шу икки ярамас ҳиссиётдан Пратапда ном-нишон йўқ эди. Кимсасиз ночор инсонларни кўрса, ёрдам беришга жонжаҳди билан киришиб кетарди. Қанчалаб тунларни у қаравотда войвойлаб ётган оғир беморлар қошидан бир қадам жилмай ўтказмади. Шу жиҳатдан келиб чиқиб у «Халқ манфаати» деган бир жамият ҳам ташкил қилганди ва икки ярим йиллик қисқа вақт ичидаёқ шу жамият элга хизмат қилишда шунчалик муваффақиятга эришдики, у праёгликларнинг жону дилига айланиб қолганди.

Камлачаран Праёгга келганда Пратапчандр унга не тариқа тахт қуришни билмай қолди. Вақт унинг юрагидаги адоват алангасини сўндириб бўлганди. Виржаннинг касаллигини эшитиб, у Банорасга борганда ва у билан суҳбатлашгандан кейин тезда Виржаннинг аҳволи яхшиланганда, ҳа, ўшанда Пратапчандр йигитнинг Виржан юрагидан жой ололмаганига, бу жой ҳамон унинг ўзи учун асраб қўйилганига амин бўлди. Юрагидаги кек алангасини ўчириш учун шугина нарса етарли эди. Бундан ташқари, Сушиланинг жонига мен зомин бўлдим деган ўйдан унинг юраги бир тутам бўлиб кетарди. Шўрлик қизгина гўё жон бераётиб гуноҳларимдан ўтинг деб кўз ёши қилди,

аммо мен нобакор унга қаттиқ гапириб, ўлганнинг устига тепкилагандай иш қилдим. Иложини топсам, унга гуноҳим учун тавба-тазарру қиламан, дея Пратап кўнглига тугиб қўйганди. Камлачаранга иззат-икром кўрсатиб ва ўқишда ёрдам бериб, бу тавбасини амалга ошириш учун жуда қулай имкониятга эга ҳам бўлди. Ука акасига қилгани каби у Камлачаранга ана шундай муносабатда бўлмоқда эди. Вақтининг бир қисмини унга қарашишга сарфлай бошлади. Натижада Камлачаран дарсларни анча енгил ўзлаштира олди, ўқишга ҳаваси ҳам орта борди.

Бироқ Пратапчандрнинг бу саъй-ҳаракатларига қарамай, Камлачаран ўзини бу ерда яхши ҳис қилмаётганди. Бутун ётоқхонада кўнглидаги дардини сирлашадиган битта ҳам унга маъқул одам йўқ эди. У Пратап билан аҳил-иноқ турса-да, дилидаги ҳар қандай гапни унга айтавермасди. Танҳолик жуда жонига тегиб кетган пайтларда ҳаммасига ўша айбдор, оғримаган бошимга бу ташвишларни солди деб Виржанни сўка бошларди. У мени севмайди. Севаман деб гапирган ва ёзган билан одам севиб қолаверар эканми? Мен агар унга жонимни фидо қилганимда ҳам унинг севгиси тилдан ва хатдан бошқасига ярамайди. Юрагида зиғирча шафқат бўлмаган севги санами оёғига бош уришдан нима фойда? Бу ўйлар унинг миясига шунчалик маҳкам ўрнашиб қолдики, у Виржанга хат ёзишни ҳам бас қилди. Қиз шўрлик хаёлларида юрагини шартта чиқариб унинг олдига қўярди, бироқ Камла жавоб қайтармасди. Қайтарганда ҳам нуқул аччиқ сўзлар айтиб, дилини оғритарди. Шу топда Виржаннинг ҳар бир гапи, унинг ҳар бир қадами унинг севгиси мўртлигидан дарак бераётгандай туюлмоқда эди. Ҳа, борди-ю, унутган бўлса, Виржаннинг муҳаббат ила айтган гапларини, хайрлашув чоғида ёш қалққан мастона кўзларини ва тинмай хат ёзиб туринг деб унга томон ёлвориб чўзилган нозик қўлларини унутганди. Борди-ю, шулар эсига тушганида у албатта бироз тасалли топган бўлармиди. Бироқ бундай пайтларда одамнинг эслаш қобилияти ҳар гал фириб беради.

Ниҳоят, Камлачаран кўнглини ёзишнинг бир йўлини ўйлаб топди. У таълим ола бошлаган кундан эътиборан дилида анвойи гуллар чаппор урган чаманзорда айланиш хоҳиши пайдо бўлган, табиатнинг қадрига етишни ўзига шиор қилиб олганди. Жисм овқатга қанчалик муҳтожлик сезса, табиатга шайдолик ҳам унинг учун зарурий нарсага айланди. Ётоқхонанинг ёнгинасида бир савдогарнинг гулзори бор эди, унга бир боғбон хизматкор қарар эди. Ўша боғбоннинг Сарюдевий исмли бир эрга чиқмаган қизи бор эди. Гарчанд у жуда кетворган бўлмаса-да, Камлачараннинг ҳам ҳуснга ишқибозлиги қизиқчилик буюмига бўлган ишқибозликдан нарига бормасди. Вужудида ёшлик таровати сўнмаган ҳар қандай аёл унинг кўнглини яйратиш учун кифоя қиларди. Камлачаран мана шу қизнинг бошини айлантира бошлади. Оқшом чоғи мутгасил гулзор жўяклари орасида пайдо бўларди. Бошқа йигитлар майдонда бадантарбия билан шугулланса, Камлачаран гулзорга келиб, аланг-жалаң қиларди. Аста-секин Сарюдевий билан танишиб олди. У қиздан гулчамбар сотиб олар ва нархини тўрт баробар қилиб тўларди. Боғбонга байрам кунлари энг кўп байрам пулини Камлачаран берарди. Охири Сарюдевий унинг ишқ қурбонига айланди ва бир-икки марта қоронғулик қўйнида бир-бирлари билан қовушиб ҳам олдилар.

Бир куни оқшом чоғи эди, барча талабалар сайрга чиқиб кетишганди, Камлачаран гулзорда ёлғиз кезиниб юрар ва дам-бадам боғбоннинг кулбаси томон кўз солиб қўярди. Бир вақт кулба ичидан

уни имлаб Сарюдевий чақирди. Камлачаран ўқдай отилиб, ўзини ич-карига урди. Бугун Сарюдевий Камлачаран совға қилган шойи сорийда эди. Сочига хушбўй мой сурган бўлиб, Камлачаран буни ҳам Банорасдан олиб келиб берган эди. Сорий устидан тақсирим атайлаб унга деб тиктириб берган салука, яъни енгли нимча кийиб олганди. Бугун у ўзини тенгсиз соҳибжамол деб ҳис қилмоқда эди, йўқса Камлачарандай бадавлат одам унга жонини фидо қилармиди? Йигит каравотда ўтирганча Сарюдевийнинг қадди-қоматини кўзларини сузиб томоша қилмоқда эди. Шунда Сарюдевий Виржандан асло қолишмайдигандек кўриниб кетди. Тоифасида бир оз фарқ бор эди, холос, буни фарқ демаса ҳам бўлади. Қолаверса, Сарюдевийнинг муҳаббати пок ва серзавқроқ эди, чунки у ҳар гал Банорасга кетаман деб гап очганида, мени ҳам олиб кетасиз деб хўнграб йиғлай бошларди. Бу ўтли муҳаббат ва кучли эҳтирос қаёқдаю, Виржаннынг маъюс вафодорлигию, шафқатсизларча таваллоси қаёқда!

Камлачаран ҳали яхшилаб томоша қилиб, кўзи тўйиб улгурмаган эди ҳамки, тўсатдан боғбон келиб, эшикни тақиллатди. Камлачараннинг ранги кув оқариб кетди. Турган жойида тош қотиб қолди. Сарюдевий инграниб деди:

– Вой, энди нима қилдим?

Қиз бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, тили танглайига ёпишиб қолди. Боғбон яна эшикни тақиллатди. Шўрлик Сарюдевийнинг бошқа иложи йўқ эди. У қўрқа-писа эшикни очди. Камлачаран бир бурчакка бориб, нафасини ютганча туриб қолди.

Қурбонлиқ эчкиси пичоқни кўриб типирчилагани каби, бир бурчакда турган Камлачараннинг ҳам юраги гуп-гуп урарди. У қилган ишидан минг-минг пушаймон эди, дилдан Худонинг номини такрорлар экан, ўзига-ўзи бу гал балодан эсон-омон қутулсам, бошқа ҳеч қачон бундай номаъқулчилик қилмайман, деб онт ичарди.

Бир пайт боғбоннинг кўзи унга тушди, аввалига сесканиб кетди, бироқ яқинроқ келиб деди:

– Бу турган ким? Бу ким деяпман?!

Боғбон шундай дейиши билан Камлачаран отилиб ташқарига чиқди ва жонининг борича дарвоза томонга қараб қочди. Боғбон бир таёқни қўлига олди-да: «Ушла, ушла!» деб қичқирганича ортидан чопди. Бу ўша, боғбонга байрам пуллари ва совға-саломлар қилиб юрган, боғбон уни «тақсир, жаноб» деб ҳурмат қилган Камлачаран эди. Ушандай жаноб энди боғбоннинг кўз олдида жонини ҳовучлаганча қочиб кетмоқда. Гуноҳ шундай кучли оловки, иззату ҳурмат, жасорату мардликни кўз очиб-юмгунча куйдириб кул қилади.

Камлачаран дарахтлар ва чирмовуқлар орасидан чопганча дарвозадан ташқарига чиқди. Кўчада извош кетаётган эди, ирғиб шунга ўтириб олди ва ҳансираганча ҳолсизланиб, извошнинг суянчиғига ўзини ташлади. Гарчи боғбон уни қувлаб дарвозагача келмаган бўлса-да, барибир, чўчиб-чўчиб гўё бутун дунё унинг ганимига айлангандек, Камлачаран ҳар бир ўткинчига хавфсираб қарарди. Бахтга қарши, олдинда яна бир мусибат унга мунтазир турарди. Станцияга етиб келиши билан азбаройи қўрққанидан вагонга чиқиб ўтириб олди, лекин чипта олиш хаёлига ҳам келмади, ҳатто мен қаёққа кетаяпман деб ўйламади ҳам. Қаёққа бўлмасин, у ҳозир шаҳардан қорасини ўчирса бўлгани. Сал нарига боргач, бир инглиз зобитининг фонус кўтариб, шу ёққа келаётганига кўзи тушди. Унинг ёнида бир сипоҳий ҳам бор эди. У йўловчиларнинг чипталарини текшириб келарди. Камлачаран уни бир полиция зобити деб ўйлади. Қўрққанидан оёқ-қўллари муз-

лай, юраги эса қаттиқ-қаттиқ ура бошлади. Инглиз бошқа вагонларни текшириб келганча-ку, у юрагини босиб, бир амаллаб чидаб ўтирди, бироқ унинг вагони эшиги очилганида Камлачараннинг оёқ-қўли шалвираб, кўз олди қоронгилашди. Таваккал деб бу томондаги эшикни очди-да, юриб кетаётган поезддан пастга сакради. Сипоҳий билан поезд хўжайини унинг бу тахлит сакраганини кўрди, уни биронта тажрибали йўлтўсар деб ўйлаб, севинчлари ичига сиғмай кетди: ҳам мукофот пули тегадиган, ҳам ойлик маошлари ошадиган бўлди. Дарҳол қизил чироқни кўрсатди. Кўп ўтмай, поезд тўхтади. Кўриқчилар, сипоҳий ва чиптачи бир қанча одамлар билан поезддан тушишди-да, фонус олиб, у ёқ-бу ёқни қарай бошлашди. Кимдир деди:

— Энди унинг изини ҳам топиб бўлмайди. Пихини ёрган қароқчи экан.

Яна кимдир деди:

— Бунақа одамларга худонинг ўзи бас келмаса, бандаси эплотмайди, ундайларга бу ҳам кам.

Бироқ кўриқчи олдинга юриб кетди. Маоши ошишига бўлган илинж унга тинчлик бермаётганди. Шу кетишида у Камлачаран поезддан сакраган жойгача борди. Бир пайт сипоҳий чуқурлик томонга ишора қилиб деди:

— Қаранглар, анови оқ рангли нарса нима? Менга у одамга ўхшаб кўринаяпти.

Бошқалар ҳам қаради ва лаънати қароқчи шу ерга яшириниб олганига амин бўлишди.

— Бориб, уни ўраб олинглар, тагин қочиб кетмасин. Эҳтиёт бўлинглар, қароқчилар қонга ташна бўлишади.

Кўриқчи тўппончасини қўлига олди, сипоҳий калтагини шайлади. Қочишга қулай бўлсин деб бир қанча йўловчи туфлисини қўлига олиб олди. Узоқдан мўлжаллаб отамиз деб икки киши гувалак кўтариб келди. Қароқчининг олдига ким боради? Ким юракли? Бироқ одамлар яқин бориб қарашсаки, на қароқчи бор, на қароқчининг иниси. Унинг ўрнида кўриниши ўқимишли, чехра-андомли, хушқад бир йигит ерда юзтубан тушиб ётарди. Унинг бурни ва қулоғидан аста-аста қон оқмоқда эди.

Бу ёқда Камлачаран жон берди ва Виржан кўрқинчли туш кўриб, уйғониб кетди. Сарюдевий эса Виржаннинг кўз очиб кўрган эри жонига зомин бўлди.

19. ҚАЙҒУЛИ КУНЛАР

Бахтли аёл учун унинг эри дунёдаги энг азиз кишиси бўлади. У шуни деб яшайди ва шуни деб ўлади. Унинг кулиб гапириши ҳам, ясан-тусан қилиши ҳам эрининг кўнглини овлаш учун бўлади. Аёлнинг никоҳда бўлиши тириклик бўлса, никоҳнинг бузилиши унинг ҳаёти тугаганини билдиради.

Камлачараннинг бевақт ўлими Виржан учун ўлимдан кам эмасди. Унинг ҳаётдаги барча орзулари ва завқлари тупроқ билан битта бўлди. Нималарни орзу-ҳавас қилмаганди-ю, нима бўлди? Ҳар лаҳза жонсиз Камлачараннинг қиёфаси унинг кўз олдидан ўтгани-ўтган. Озгина кўзи илингудек бўлса ҳам эрининг чехраси кўз олдида пайдо бўлаверади.

Гоҳи пайтларда Худо ўзининг суйган бандаси ёки хонадони бошига турли синовлар солишни ёқтириб қолади. Камлачараннинг мотами ҳали эсдан чиқмай туриб, бобу Шиёмачаранга навбат келди.

Бир шохини синдириб, дарахтнинг қуримаганини кўриб, бу гал азро-йил дарахтнинг ўзини кесиб ташлади. Рамдин Пандит ўзига етганча маккор, сурбет, шайтонга дарс берган одам эди. Шиёмачаран ҳали Мажҳговдалиқ вақтида у ўзини тийиб юрган эди, бироқ Шиёмачаран шаҳарга қайтиб кетган кундан бошлаб Рамдин Пандит қилиқ кўрсатишни бошлаб юборганди. Бутун қишлоқни ўзига ёв қилиб қўйганди. Мажҳговликларнинг Хўлий куни қилган муомалалари унинг юрагига тикондай санчилиб, азоб бериб келмоқда эди. Мажҳгов қишлоғи жойлашган вилоят маҳкама бошлиғи бир баднафс ва порахўр одам эди. Минглаб одамларнинг пулини жигилдонига урса ҳам далиллар топишда шунақанги устаси фаранг эдики, йўлда кетаётган одамга бир ёпишса, ўлса ҳам қўйиб юбормас эди. Юқоридагилар унинг қирриқлигини билишарди-ю, бироқ унинг айёрлиги ва уддабуронлиги олдида биронтасининг кўлидан бир иш келмасди. Рамдин Пандит шу одам билан учрашди-да, юрагидаги дардига малҳам сўради. Бир ҳафта кейин Мажҳговда қотиллик содир бўлди. Бир кичкина амалдор шаҳардан қайтаётган эди. Тунда солиқчиникида кўнибди. Қароқчилар унинг сафарини шу ерда тугатиб қўя қолишибди. Эрталаб маҳкама бошлиғи тергов қилгани келди ва бир арқонга бутун қишлоқни боғлаб олиб кетди.

Айблов ҳужжатлари бобу Шиёмачараннинг идорасига тақдим этилди. У айбловларнинг сохталлигини ва мана бу маҳкама бошлиғи унинг кўзига кул сочаётганини олдиндан биларди. Шиёмачаран қилни қирқ ёриб шунақанги усталлик билан иш тутдики, натижада маҳкама бошлиғининг сири фош бўлди. Олти ойгача тергов қизғин давом этди. Ҳукумат оқловчилари зўр-зўр чоралар кўришди, бироқ уйдаги сирни уй эгасидан бошқа ким билади? Натижа шу бўлдики, оқловчи Шиёмачаран барча айбдорларни айбсиз деб топди ва озод қилиб юборди. Ўша куни кечқурун маҳкама бошлиғи вақтинча ишидан четлатилди.

Оқловчи қарорни эълон қилиб қайтиб келгач, бир неча жони куюдиган ходим деди:

– Жаноб, маҳкама бошлиғидан эҳтиёт бўласиз энди. Бугун жуда авзойи бузуқ кўринаётганди. Илгари ҳам уч-тўртта зобитга панд берган. Сизга ҳам шикаст етказмаса деб кўрқаман.

Шиёмачаран жим эшитиб турди-да, кулиб, ўша одамга ташаккур билдирди. Лекин ўзининг ҳимояси учун ҳеч қандай эҳтиёт чорасини кўрмади. Бундай қилишни у ўзича кўрқоқликка йўйди. Радҳа ахир мен сиз билан қолай деб роса ялинди, Коший бҳар ҳам орқасидан анча юрди. Бироқ Шиёмачаран улардан биронтасини ҳам ёнига олмади. Ҳеч нарса бўлмагандай ишини қилаверди.

Золимхон оғзидан чиққанини қилмай қўймасди, у жонидан воз кечиб, бобу Шиёмачараннинг пайидан тушди. Бир куни Шиёмачаран томоша қилиб, Шивпурдан сал бемаҳалроқ қайтаётган эди, жиннихона яқинида бир нимани пайқаб, фойтун отининг жиловини тортиди. Фойтун тўхтади ва ўша заҳоти дарахт панасида турган Золимхон ўқ узди. Қарсиллаган овоз эшитилди-ю, бобу Шиёмачараннинг кўксини ўқ тешиб ўтди. Жиннихона сипоҳийлари югуриб келишди. Золимхон қўлга олинди, фойтунчи уни тутиб қолган экан.

Мана шу воқеа хонадоннинг бошига етди. Премватий минг ширинсўз ва қувноқ аёл бўлмасин, барибир юз берган воқеалар унинг табиати ва муомаласида фавқулодда катта ўзгариш ясади. Дам-бадам Виржанга зардасини сочар ва заҳарли сўзлар билан чақиб оларди. У битта гапни ушлаб олганди: мана шу касофат ишларнинг барини шу сариқ оёқ келин олиб келди. Шу яшшамагур уйимизга келиб, рўзформиздан файз кетди. Келиннинг қадами шум чиқди.

Бир неча марта у тўғри Виржаннинг юзига ҳам шундай деди:

– Сенинг силлиқ башарангга учиб, чакки қилган эканман. Қадамнинг бунақа хосиятсиз эканини мен қаёқдан билай?

Виржан бу гапларни эшитиб, юрагини чангаллаб қоларди. Бошинг қора кунлардан чиқмагандан кейин яхши гапни кимдан ҳам эшитасан? Кечасию кундузи шунча заҳар-заққум сўзларни эшитса ҳам кўзидан бир қатра ёш чиқмас эди. Биров ёнингга кирса, дардингга қулоқ солса ёш чиқаркан. Таъна ва киноя олови кўз ёшларини қури-таркан.

Бир куни ўтириб-ўтириб, Виржаннинг юраги жуда сиқилиб кетди ва бирпасга гулзор томонга борди. Оҳ! Бу гулзорда қанчалик завқли кунлар кечмади. Ундаги ҳар бир гул марҳум эрининг чексиз муҳаббатидан хотира эди. Баъзан шундай кунлар бўлардики, бу гул ва япроқларни кўриб, кўнгиллари ҳам гул-гул очилиб кетарди ва ёқимли ҳаводан қалблари ҳаяжонга тўларди. Қанчалаб оқшомларни улар худди шу ерда ишқ лаззатларидан маст бўлиб ўтказишмади. Ўшанда гулгунчалар ўзларини нафис дудоқлари билан уларга салом берар эдилар. Аммо минг афсус! Бугун гулгунчаларнинг бошлари эгик, дудоқлари юмук эди. Ахир худди шу ерда «мастона боғбон қиз» гуллардан гулчамбар тўқимаганмиди? Аммо содда боғбон қиз худди шу жойда кўз ёшлари бўлиб чиқаётган дурларни шода-шода қилиб тизишни туш кўрибдими? Шуларни хаёлидан ўтказиб турганида Виржаннинг нигоҳи бир сафар Камлачаран жилмайганча чиқиб келган бурчакка тушди, гўё шохлар қимирлаб, эрининг кийимлари кўришиб кетгандек бўлди! Ганга уфқида ботаётган қуёшнинг заррин нурлари мавжлар узра акс этгандай, ўшанда эрининг лабларида майин табассум жилваланиб турарди. Тўсатдан Премватий пайдо бўлди ва заҳархандалик билан деди:

– Ҳа, хонимчанинг кўнгиллари сайрни тусаб қолибди-да!

Виржан ўрнидан турди ва йиғлаб деди:

– Ойижон! Мени ўзи Худо уриб қўйибди. Устига сиз ҳам қўшимча қилманг.

Охири Премватийнинг бу ердан шунчалик кўнгли қолдики, бир ойнинг ичида ҳамма нарсаларни арзон-гаровга сотди-ю, Мажҳовга жўнаворди. Виржанни ўзи билан бирга олиб кетмади. Унинг башарасини кўришга тоқати йўқ эди. Виржан кенг уйда сўппайиб бир ўзи қолди. Модҳавийдан бошқа унинг энди ҳеч бир ҳамдарди қолмаганди. Сувома асранди қизининг бошига тушган мусибатлардан шунчалик қайғуга ботдики, гўё асранди эмас, ўз қизидай. Неча кунгача кўз ёши қилди ва анча вақтгача уни юпатгани келиб турди. Виржан ёлғиз қолгач, Сувома уни ўзиникига олиб кетиб, бирга тинчгина яшамоқчи бўлди. Бир неча марта ўзи келиб ундади ҳам, бироқ Виржан зинҳор боришга рози бўлмади. Қайнотамнинг дунёдан ўтганига уч ой ҳам бўлгани йўқ, ҳе йўқ-бе йўқ, уйни ҳувиллатиб кетсак, одамлар айтмайдими, қайнота ўлиши билан қайона-келин чиқишолмай қолибди деб. Ҳатто унинг бу қайсарлиги Сувомага жиндай оғир ботди.

Мажҳовга бориб, Премватий бир янгича қилиқ чиқарди. Хизматкор-чўриларга кун бермай қўйди. Коранданинг бошига бошмоқ билан солди. Патворийни қарғади. Радҳа аҳирнинг сигирини зўрлик билан тортиб олди. Охири қишлоқдагилар ундан юрак олдириб қўйишди. Улар бориб, бобу Радҳачаранга арз қилишди. Радҳачаран бу гапларни эшитиб, мусибатлар онани ақлдан оздирганига амин бўлди. Ҳозир нима қилиб бўлса ҳам унинг кўнглини олмоқ керак. Севтийга хат ёзиб, ойингнинг олдига бор, унинг ёнида уч-тўрт кун бўлиб

кел, деб илтимос қилди. Ўша пайтларда Севтийнинг эмизикли ойдек боласи бор эди ва эри икки ой таътил олиб, Дарбҳангадан келган эди. Рожа соҳибнинг шахсий котиби бўлиб ишларди. Бунақада Севтий қандай кела олсин? Ана бораман-мана бораман деб орадан неча ойлар ўтиб кетди. Гоҳ боласининг тоби қочиб қолса, гоҳ қайнонаси унамасди, гоҳ фурсат тўғри келмай қоларди. Охири олти ой деганда, ниҳоят имкон топилди. Шунда ҳам уйдагилар зўрға кўнишди.

Бироқ унинг келиши Премватийга заррача таъсир қилмади. У билан қучоқлашиб кўришмади ҳам, йиғламади ҳам, неварасига лоақал қиё боқмади. Унинг кўнглида оналик меҳрию оқибат деган гаплардан ном-нишон қолмаганди. Шакарқамиш поясидаги шира сиқиб олинганидан кейин қуруқ поянинг ўзи қолганидек, агар одам юрагини меҳр тарк этса, у бир уюм суягу терига айланади, холос. Маъбуд-маъбудаларнинг номи тилга олинаши билан у афтини буриштирарди. Мажҳовда жанмаштабий¹ байрами бўлди. Одамлар байрам шарафига рўза тутишди ва чанда² чалиб, рақс тушишга тайёргарлик кўрила бошлади. Бироқ Премватий айна маъбуд Шива туғилган кун шарафига уйдаги бутни далага отдириб юборди. Экадаший³ рўзаси ҳам расво бўлди. Маъбудалар зиёрати ҳам расво бўлди. Аввалги Премватий энди йўқ, бу бошқа Премватий эди.

Севтий бир бало қилиб, бу ерда икки ойни ўтказди. Унинг юраги жуда гаш эди. Бирга ўтириб, кун ўтказай деса, биронта дўст-дугона ҳам йўқ эди. Виржан-ку, Тулсани ўзига дугона қилиб олганди. Бироқ Севтийни Виржанга тенг қилиб бўлмасди. Бундай хотинлар билан ўртоқ тутинишни у ўзига эп билмасди. Тулса боёқиш неча марта келди, бироқ ҳар гал қарасаки, бу очилиб гапирмаяпти, кейин кирди-чиққини йиғиштириб қўя қолди.

Орадан уч ой ўтди. Бир кун Севтий чошгоҳгача ухлаб қолибди. Боласи кечаси ухламай роса тинкасини қуриганди. Уйғониб, не кўз билан кўрсинки, Премватий неварасини бағрига босиб эркалатаётди. Гоҳ болани кўзларига сурар, гоҳ болани бағрига босиб, маҳкам кучарди. Ўчоқда эса ҳолвайтар қайнапти. Бола бувисига бармоғи билан қозонни кўрсатиб, қайноқ ҳолвайтардан олиб беринг, деб хархаша қиляпти. Бугун онасининг чаҳраси гул-гул очилган. Ҳа, Премватийнинг хувиллаган юрагида қайтадан меҳр жўш урганди. Севтий кўзларига ишонмасди. У чорпояда ётганча худди туш кўраётгандай кўзларини пир-пир юмиб-очиқ қараб қолди. Бир пайт Премватий меҳрибонлик билан деди:

– Тур, қизим, турсанг-чи. Кун кўтарилиб кетди.

Севтийнинг бадани жимирлаб, кўзларига ёш тўлди. Бугун неча кунлардан бери энди ойсининг оғзидан меҳр тўла сўзларни эшитди. Ирғиб туриб ўтирди-да, онасини бўйнидан қучоқлаб, йиғлай бошлади. Премватийнинг ҳам кўзларидан дув ёш тўкилди, қуриган дарахт яна гуркираб кетди. Иккаласи йиғидан тўхтагач, Премватий деди:

– Ситтў қизим! Сенга бугун бу гаплар галати туюлаётган бўлса керак. Ҳа, болам, ростданам галати. Кўзларимда ёш бўлмагач, қандоқ ҳам йиғлай?

Юрагим қуриб, тошдай қотиб қолгач, қандай яхши кўрай? Булар бари кўргуликлар важдан. Кўз ёшларимни эрим билан Камлачаран болам олиб кетди. Билмадим, бугун бу томчилар қаёқдан пайдо бўлди. Қизим, мендан ўтган барча гуноҳларимни кечир.

¹ Жанмаштабий — оининг қоронғи 8-кунида Кришна туғилган кун.

² Чанда — ой шаклидаги бир чолғу асбоби.

³ Экадаший — оининг ёруғ ва қоронғу 1-куни тутиладиган рўза

Шу гапларни айтар экан, унинг кўзлари юмила бошлади. Севтий кўрқиб кетди. Ойисини тўшакка ётқизди-да, елпий бошлади. Ўша кундан Премватийга қачон қарамасин, йиғлаётган бўларди. Болани бир нафас ҳам ўзидан нарилатмасди. Хизматкорларга гапирганида оғзидан сўз эмас, бол томарди. Яна ўша аввалги ширинзабон Премватийга айланганди. Гўё юрагини қоплаб турган парда олиб ташлангандай. Қаттиқ совуқ тушганда, дарё суви бетини муз қоплайди. Унда яшайдиган жондорлар муз остига яширинади. Сувда ўсадиган турфа хил ўсимликлар, гиёҳлар, гуллар кўзга ташланмайди, қиш уйқусига кириб, дарё файзини йўқотади. Иссиқ кунлар келиши билан муз пардаси кетиб, яна балиқ ва бошқа сув жониворлари пайдо бўлади. Қайиқларнинг елканлари ҳилпирай бошлайди ва соҳилларда одамлар қайнаб, ҳавода қушлар чарх уради.

Лекин Премватийнинг бу ҳолати узоққа бормади. Бу тетиклик гўё ўлим даракчиси эди. Юрагидаги дард билан олиша-олиша у шу ергача етиб келди. Акс ҳолда Премватийдай софдил аёл мусибатларнинг бундай зарбасига асло бардош беролмас эди. Севтий келиб ойимни кўриб кетинглар, деб ҳамма томонга телеграмма юборди. Бироқ ҳеч ёқдан ҳеч ким келмади. Куёви ишидан рухсат ололмади, Виржан касал экан. Бир Радҳачаран қолди. У Найнитолга ҳаво алмаштиргани кетган эди. Премватий ўғлини бир кўришга интиқ эди, лекин ундан ҳам, мен ҳозир боролмайман, деган жавоб хати келди, шунда Премватий чуқур нафас олиб, кўзларини юмди-да, уйқуга кетди, бошқа туриш унга насиб этмади.

20. ИРОДА КУЧИ

Одамнинг қалби ҳам ғалати нарса бўлади-да! Гоҳида у юз минглаб рупияни назар-писанд қилмайди, гоҳида эса сариқ чақанинг устида ўлиб-тирилади. Гоҳо юзлаб бегуноҳ одамлар қирилганда бир оҳ деб қўймайди-ю, гоҳо бир ёш болани кўрганда фарёд солади. Пратапчандр ва Камлачаран бир-бирини туғишган ака-укадай яхши кўрарди-ю, Камлачараннинг тўсатдан ўлимига Пратапчандр жигарлардай мотам тутмади. Эшитиб, кайфи учишга учди, бир мунча муддат қайғуга чўкди ҳам, бироқ ҳақиқий дўстлардай оғир ғамга ботмади. У тўйдан олдинроқ Виржанни ўзиники деб биларди – бунга шубҳа йўқ, лекин кишининг ўйлагани ҳар доим ҳам рўёбга чиқавермас экан. Ҳар замон-ҳар замонда у хаёлан бу табаррук қариндошлик чегарасидан ташқарига чиқиб кетарди. Аслида у Камлачаранни хуш кўрмас эди, аммо ҳурмат қилмасди, севмасди, писанд этмасди деб бўлмасди. Бир томондан Виржан эшитиб, хурсанд бўлади, деб шундай қилса, иккинчи томондан, Сушиланинг ўлимига ана шу тахлит каффорат қилиши мумкин, деб ўйларди. Виржан қайнота уйига келганида бир неча кунгача Пратап унга эътибор бермади, албатта, бироқ у қизнинг касаллиги хабарини эшитиб, Банорасга кетганида ва унинг Виржан билан кўришуви мўъжизавий малҳам ишини қилганида, ўша кундан Пратап шу нарсага амин бўлдики, Камлачаран Виржаннинг қалбидаги асли ўзи учун буюрган жойни эгаллай олмаган.

Пратап Виржанга чуқур ҳамдардлик билдириб хат ёзди. Бироқ хат ёзар экан, бу унга қандай таъсир қиларкан, деган ўй хаёлидан кетмади. Бундай ҳамдардлик муҳаббатга куч беради. Ажаб эмас, ушбу мактуб бирон иш бериб қолса? Бундан ташқари, унинг диний қарашини дунёвий тус олиб, кўнглида худо менинг муҳаббатимни ижобатга олди ва Камлачаранни йўлимдан олиб ташлади, энди мен Вир-

жандан ўз муҳаббатим учун инъом талаб қилишимга осмондан ҳукм пайдо бўлди, деган бўлмағур фикр пайдо бўлди. Виржаннинг одоб ва ахлоқ доирасидан қилча ташқарига чиқадиган бир иш қилишига умид боғлаш ғирт аҳмоқлик эканини Пратап биларди. Бироқ у шу нарсага амин эдики, одоб ва ахлоқ доирасида агар менинг орзуларим рўёбга чиқса, Виржан узоқ вақтгача менга шафқатсизлик қила олмайди.

Бир ойгача у мана шундай ўйларга берилиб, ўзи билан ўзи олишиб юрди. Ҳатто кўнглида Виржан билан бир қур яширинча учрашсаммикан деган қаттиқ хоҳиш пайдо бўлди. Виржаннинг дилидаги яра ҳали янгилигини, агар бирон-бир гап ё ҳаракати билан кўнглидаги хоҳиш-ниятини сездириб қўйса, Виржан ундан умрбод юз ўғирлигини Пратап яхши биларди. Бироқ ўғри даста-даста пулларни кўриб тоқат қилолмагани каби, Пратап ҳам ўзини тутиб туролмади. Одамнинг хоҳиш-иродаси жуда кўплаб имкониятга қарам бўлади. Имконият уни яхшига ҳам чиқариши мумкин, ёмонга ҳам. Камлачаран ҳаётлик вақтида Пратапнинг кўнглида ҳеч қачон бунақа шаккоклик қилишга журъати етмаганди. Унинг ўлими бамисоли бунга шундай имкон яратиб берганди. Бу худбинлик кайфи шу даражага етдики, бир куни унга гўё Виржан уни эслаб, қўмсаётгандек туюлди. Ўзидаги ҳирсни у Виржаннинг ҳирси деб тахмин қила бошлади. Чунончи, Банорасга жўнашга қатъий аҳд қилди.

Тунги соат икки эди. Ваҳимали жимлик ҳукм сурарди. Уйқу бутун шаҳарни қора булутдек қоплаб олган. Ора-сира дарахтларнинг шитирлаши қулоққа чалинади. Губор уй ва дарахтларни қора чодрадай чирмаб олган, кўчадаги фонуслар губор орасидан булутлар орасидаги юлдузлардай кўзга ташланарди. Пратапчандр поезддан тушди. Унинг юраги ҳаприқар, оёқ-қўллари қалт-қалт қиларди. Умида биринчи марта гуноҳ туйғусини ҳис этмоқда эди. Афсус, юракдаги бу ҳолат узоқ давом этмайди. У бу машаққатли йўлни жуда тез босиб ўтади. Умида шароб ичмаган одам унинг бадбўй ҳидидан қаттиқ жирканади. Биринчи марта ичганида эса соатлаб унинг оғзини ачиштириб туради. Одамлар нега у заҳар-заққум нарсага ўч бўлар экан-а, деб ажабланади. Бироқ сал ўтмай, ундаги жирканишдан асар ҳам қолмайди ва у ҳам қизил шарбатнинг қулига айланади. Гуноҳлаззати шаробникидан анча кўпроқ хатарли бўлади.

Пратапчандр қоронғида аста-аста юриб борарди. У оёқларини базўр кўтариб босмоқда эди, чунки уларга гуноҳ кишани солиб қўйилганди. Бундай пайтларда суръатни ошириб юборадиган иштиёқ унинг чеҳрасида кўзга ташланмаётганди. У бироз юриб, тўхтар ва бир нималарни ўйлаб, яна олға одимларди. Муҳаббат уни не тахлит гуноҳ чоҳи томон етаклашини кўринг!

Пратапнинг боши лўқ-лўқ қилмоқда эди, кўрқувдан оёқлари титрарди. Уй сура-сура роса бир соатда мунший Шиёмачараннинг дангиллама ҳовлиси рўпарасига етиб келди. Бугун қоронғида бу иморат жудаям даҳшатли кўринарди, гўё қаршида гуноҳ тоғи тургандай. Худди биров унинг оёғидан боғлаб қўйгандай, Пратап ўзини девор панасига олди. Қайтиб кетсаммикан ё ичкарига кирсаммикан деб ярим соатча ўйлаиб турди. Агар биров кўриб қолса, жуда ёмон бўлади-да. Виржан мени кўриб, кўнглида нима деб ўйларкин? Ишқилиб, юз кўрмас қилиб қўймаса яхшийди. Бироқ бу барча шубҳаларга қарамай, шайтон васвасаси устун келди. Ҳирслар домига тушиб, одам яхши билан ёмоннинг фарқига бормай қўяди. У ўзини қўлга олди. Кўрқоқлик қилаётгани учун ўзини койиди-да, орқа томонга ўтди ва гулзор деворидан ошиб ҳовлига тушди. Гулзордан уйга ўтиладиган бир чоққина эшик бор эди. Тасодифан эшик бу пайтда очиқ экан. Пратап

буни ўзича яхшиликка йўйди. Бироқ аслида бу осийлик эшиги эди. Ичкарига кириши билан Пратапнинг қўллари қалтирай бошлади, юраги нақ кўксини ёриб чиққудай урмоқда эди. Унинг нафаси бўғила бошлади. Бир томондан ақл кучи қайт деб тўхтатмоқчи бўлса, иккинчи томондан қўнгил васвасаси тобора олга ундарди. Васваса устун келди-ю, у эшик ичкарисига қадам қўйди. Ҳовлидаги муқаддас тулсий бутаси ўсиб турган супа ёнида ўғрилардай тик туриб, Виржанни қандай кўрсам экан, деб ўйлай бошлади. Уйнинг барча эшиклари ёпиқ эди. Нима бало, Виржан ҳам бу ердан кетиб қолганми? Бирдан у ёпиқ эшиклардан бирининг тирқишидан ёруғлик тушиб турганини кўрди. Оёқ учида юриб бориб, ўша тирқишдан ичкарига мўралай бошлади.

Виржан оқ сорий кийган, сочи ёйиқ, қўлида қалам тутганча ерда ўтирарди ва девор томонга қараб-қараб, қоғозга алланималарни ёзарди, бамисоли шоир фикр уммонидан дур териб олаётгандай. Қаламини тишлари орасига қисиб, бироз ўйга чўмар ва ёзар, сўнг бирмунча муддат ўтиб, девор томонга тикилиб қоларди. Пратап анчагача нафасини ичига ютиб, бу галати манзарани томоша қилиб турди. Қўнгил ҳамон васваса қиларди, аммо энди ақл билан иш тутмаса бўлмасди. Бу гал ақлнинг айтганига юрмаслик юракка шайтонни умрбод жойлаб олмоқ дегани бўларди. Ақл ҳозир уни ўша чоҳга қулаб тушишдан сақлаб қолди, бу чоҳга бир қулаб тушдимиз, ундан ўла-ўлгунча қайтиб чиқиш nasib этмайди. Яна шуниси ҳам борки, айна дамда гуноҳ чоҳига қулаб тушишдан сақлаб қолган ақл эмасди, балки шармандалик ва машъум оқибатдан кўрқибгина у шайтонга ҳай берганди. Баъзи вақтларда яхши ниятларимиз рўёбга чиқмаганида машъум оқибатдан кўрқувгина бизни масъулиятсизликдан сақлаб қолади. Виржаннинг заҳил чеҳрасида шундай бир нур жилва қилиб турардики, у жувоннинг қалби нақадар мусаффолигидан ва улуғлигидан дарак берарди. Унинг мунаввар юз-андоми ва ўйчан кўзларида шундай бир олов пинҳон эдики, у Пратапнинг қўнглидаги қабих ниятни зумдаёқ куйдириб кул қилди. Унинг кўзи мошдай очилди ва ўзининг ахлоқсизлигидан азбаройи ерга кириб кетгудек бўлиб, турган жойида йиғлай бошлади.

Ҳирс туфайли унинг дилида пайдо бўлган қабих ният, ёруғлик зулматни ҳайдаб юборганидай, мана шу манзара қаърида ном-нишонсиз ғойиб бўлди. Шу аснодаёқ Виржаннинг оёқларига йиқилиб, гуноҳлари учун кечирим сўрасамми ҳам деди. Биронта авлиё дарвешнинг қаршисида тиз чўкиб, ўз гуноҳлари учун тавба қилаётганида юрагимиз тўлиқиб кетгани каби, Пратапнинг дилида ногоҳ тавба-тазарру қилиш фикри пайдо бўлди. Шайтон шу жойгача олиб келди, бироқ ундан нарига ўтолмади. У шартга ортига бурилди-да, худди орқасидан биров қувлаб келаётгандай, ўқдай отилиб гулзорга ўтди ва деворга сакради.

Тонг отиб келмоқда эди. Осмонда юлдузлар жимжима қилар ва тегиримоннинг гурр-гурр қилган овози қулоққа чалинарди. Пратап битта-битта босиб, одамлар кўзидан яширинганча Ганга томон йўл олди. Бир вақт у бошини ушлаб кўрса, дўпписи йўқ, чўнтагига қўл солиб кўрганди, соати ҳам йўқ. Юраги тўхтаб қолгандай бўлди, беихтиёр қаттиқ уҳ тортиб юборди.

Гоҳо ҳаётда инсонни лаҳзада ўзгартириб юборадиган воқеалар ҳам бўлади. Ота-онанинг биргина ўқрайиб қараши фарзандни шараф чўққисига чиқариб қўйса, гоҳида хотинининг биргина таънаси эрнинг кўзини мошдай очади. Ғурурли эркак ўз маҳбубаси нигоҳида шарманда бўлса, одамлар кўзига ёмон кўриниб юришни истамайди. Бундай пайтларда эркак зоти ўзини бир умр тангри ихтиёрига топ-

ширади. Пратапчандрнинг ҳаётида ҳам худди шундай кароматли дамлар юз кўрсатди — у тор кўчалардан юриб ўтиб, Ганга соҳилига келиб чўнқайди, алам ва шармандаликка чидолмай, тўлиқиб-тўлиқиб йиглай бошлади. Эҳтиросларининг жунбушга келиши унинг маҳзун кўнглига заррача ора киролмаганди. Бироқ бу унинг учун қаттиққўл устознинг аччиқ танбеҳи бўлди. Ахир заҳар ҳам бемор учун дори сифатида фойда бериши кўпчиликка маълум-ку.

Эсиб турган шамол ўчаётган оловни аланга олдиргандек, кўпинча юракда туриб қолган иштиёқни қўзғатиш учун бирон ташқи туртки керак бўлади. У ғам-қайғуларини бошидан ўтказиб, ўзгалар бошига тушган мусибатни кўриб, кўпинча одам шундай зўр тажрибага эга бўладики, яхши одамлар билан дўстлашиб, уларнинг сабоғини олиб ва астойдил интилиб ҳам бундай тажрибага эришиши амри маҳол. Гарчанд Пратапчандрнинг кўнглида тўкис ва беғидир ҳаёт кечириб фикри азалдан мавжуд бўлса-да, қалбда пайдо бўлган қабиҳ ният йиллар мобайнида қилиб бўлмайдиган ишни бир дафъадаёқ бажарди-қўйди. Оддий ҳолатларда элга хизмат қилиш унинг ҳаётидаги бир савобли иш бўлиши мумкин эди, бироқ мана бу воқеа инсонийлик бурчини унинг ҳаётидаги бош мақсадга айлантирди. Сувоманинг эзгу орзуси рўёбга чиқишига замин яратди. Бу воқеалар содир бўлишида қандайдир номаълум куч сабаб бўлмаётибдимикин? Ким билибди, дейсиз.

21. ШОИРА ВРИЖРАНИЙ

Мунший Санживанлаъл зиёратга йўл олиб, Пратапчандр Праётга кетганида Сувоманинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетди. У судхўрлик ишини авж олдириб юборди. Ҳатто мунший Санживанлаъл вақтида ҳам савдо бу қадар бароридан келмаганди. Сувома тунлари бедор ўтириб, гишту тошларга пешонасини уриб чиқар ва оҳаку қоришмалар ташвишидан бир зум жони ором нималигини билмасди. Ҳар бир чақанинг ҳисобини олар ва гоҳо ўзи ҳаммолларнинг ишига бош-қош бўлар эди. Бу ишларга у шунчалик жон-жаҳди билан киришиб кетдики, садақаю рўза каби ирим-сиримларга унинг аввалгидек ихлоси қолмаганди. Даромад кундан-кун кўпайиб бораётганига қарамай, Сувома чиқимни ошириш тўғрисида сира ўйламасди. Ҳар бир чақани тишининг қавагида асрар ва Пратапчандр давлатманд бўлсин, қисиниб-қимтинмай давру-даврон сурсин деб шундай қиларди.

Сувома ўғлининг удабуронлигидан ич-ичидан ғурурланарди. Унинг ҳаётдаги шитобини кўриб, кўнглимда қай ният билан ўғил тилаган бўлсам, у албатта мустажоб бўлади, деб қаттиқ ишонарди. У коллеж директори ва ўқитувчилари орқали ўғли ҳақида орқаваротдан суриштириб турар ва улар берган маълумотларни бир-бирига уриштириб, маъно чиқариш унга олам-олам ҳузур бағишларди.

Шундай бир ҳолатда Праётдан ўғлининг гойиб бўлгани ҳақида телеграмма келди-ю, унинг юрагига яшин келиб ургандай бўлди. Сувома оҳ тортган ва пешонасига урган кўйи ўтириб қолди. Учинчи куни Пратапчандрнинг китоблари, кийим-кечақлари ва бошқа лаш-лушлари ҳам етиб келди, бу ўлганнинг устига тепган билан барабар эди.

Премватийнинг ўлими хабарини эшитиши биланоқ Праннатх Патнадан ва Радҳачаран Найнитолдан етиб келишди. Марҳумани тириклигида келиб кўрганларида у билан кўришиб, суҳбатлашган бўлар эдилар, ўлимига келиб эса унинг жасадини кўриш ҳам насиб қилмади. Жасадни кўйдириш маросими жуда тантанали ўтди. Икки ҳафтагача қишлоқда маросим ҳовури тинмади. Шундан кейин Радҳачаран

Муродободга кетди ва Праннатҳ Патнага жўнашга ҳозирлик кўра бошлади. У хотинини Праёгга қўйиб, сўнг Патнага кетмоқчи эди. Бироқ Севтий модомики бу ерга келибсизми, Виржанни ҳам бирров кўриб келмасак бўлмайди, акс ҳолда қаттиқ хафа бўлади, деб туриб олди. Аздорлигимни билиб, бу одамлар мени писанд қилмади, деб ўйламайдими?

Севтийнинг бу ҳувиллаган ҳовлига келиши гулларга ҳид киритгандай бўлди. Бутун ҳафта давомида, ниҳоят, ёруғ кун ҳам келди. Виржан азбаройи суюнганидан роса йиғлади. Модҳавий чақалоқни бағрига қўтариб узоқ эркалади. Ташқи мехмонхона неча ойдан бери қулфлог эди, бутун у ерга ҳам жон кирди. Ташландиқ уй обод бўлди.

Премватий оламдан ўтганидан бери Виржан ўша уйда ёлғиз қолиб кетганди. Унинг ёнида бир Модҳавий бор эди. Ғам-қайғу ва ҳасрат доғлари унда шу пайтгача пинҳон ётган фазилатни юзага чиқарганди. Виржан шеър ва ҳикоя ёзишни машқ қила бошлади. Шеър соф туйғулар инъикоси ва соф туйғулар, хоҳ ғамгин, хоҳ қувноқ бўлсин, биз ғам ё бахтни ҳис қилганимизда пайдо бўлади. Виржан шу кунларда тун бўйи ўтириб, ўз ҳикояларини маржондай тизиб, сўзларда ифода этади. Унинг ҳар бир сўзида чуқур ғам ва армон акс этиб турарди. Бошқа шоирларнинг кўнглида дўстларининг олқиши ва шеърят мухлисларининг ихлосларидан ҳаяжон пайдо бўлса, Виржан ўзининг ғам дostonини ўз кўнглига ҳикоя қилар эди.

Севтийнинг келганига ҳам икки-уч кун бўлиб қолганди. Бир куни у Виржанга деди:

– Кўпинча хаёлга чўмиб турганингни, бир нималар ёзаётганингни кўраман. Айт, нима у?

Виржан қизарди. Ҳеч нима, шунчаки юрагим сиқилади, шунга бўлса керак, деб баҳона қилди. Севтий деди:

– Ёлғон гапирма.

Кейин у Виржаннинг жомадонини олди, унда шода-шода шеър дурларидан тизилган маржонлар ётарди. Ночор Виржан ўзининг янги тўқиган шеърини ўқий бошлади. Оғзидан илк мисралар чиқиши ҳамон Севтийнинг бадани жимирлаб кетди ва шеърни охиригача қилт этмай тинглади. Праннатҳнинг ёнида бўлиш уни шеърят шайдоси қилиб қўйганди. Неча марта кўзига ёш тўлди. Виржан жим бўлгач, гўё бир сеҳрли куй энди тўхтагандек, маҳлиё бўлиб қараб қолди. Севтий Виржаннинг бўйнидан қучоқлаб олди, сўнг уни ташлаб югурганича эрининг олдига кетди. Бу янги қўғирчоқ топиб олиб, суюнганидан ўртоқларига кўз-кўз қилгани чопган болага ўхшарди. Праннатҳ онамининг аҳволи оғир, шу боис ишимга кечроқ боришга мажбурман, иложи бўлса яна бир ҳафта таътилимни чўзишингизни сўрайман, деган мазмунда идорасига ариза ёзмоқда эди. Севтийни кўриб шартта аризани яширди ва жилмайди. Одамзот дегани шунақа сурбет бўладики, ҳатто ўзини ўзи алдашдан ҳам тоймайди.

Севтий: – Бундоқ ичкарига юринг, сизга Виржан тўқиган шеърларни ўқиб бераман. Ўзингизни ташлаб юборасиз.

Праннатҳ: – Қизиқ, қачондан бери шеърят шайдоси бўлиб қолдинг? Қарқуноқдан булбул чиқибди деганлари шу бўлса керак-да?

Севтий: – Аввал бориб эшитинг, кейин кулинг. Мен унинг шеърларини эшитиб, донг қотиб қолдим.

Праннатҳ: – Бўпти, мана бу хатимни тугатай, ҳозир бораман.

Севтий: – Шу ўжарлигингиз ҳам бор бўлсин-да! Йиртиб, майдамайда қиламан ўша хатингизни.

Севтий эрини сургаб олиб кетди. Эри Виржанни эрмак учун у-бу нарсаларни ёзган бўлса керак деб ўйлаганди. Хотини шуларни ўқиб

бермоқчи бўлгандир. Бироқ ичкарига кириб ўтиргач ва Виржан иймана-иймана ўзининг «Ишқ мубталоси» лирик шеърини ўқий бошлагач, Праннатҳнинг оғзи очилиб қолди. Шеър қаёқда, юракдаги дарду-гамлар дарёси ва сирли муҳаббат достони эди у! У тинглар экан, ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Ундаги ҳар бир пурмаъно сўз, оташин ҳислар уни тобора ўз қаърига тортиб кетмоқда эди.

У қўлаб шоирларнинг шеърларини тинглаган, бироқ уларнинг ҳеч бирида бундай юксак фикрни, бундай тароватни, бундай туйғулар жозибасини кўрмаганди. Унинг кўз ўнгида баҳор шабадаси эсиб турган тонг-саҳар, табассум қилиб турган гунчалар, хушбўй гуллар ва шафақ яллиғидан товланган уфқ гавдаланарди. Ҳар бир сўзда эндигина очилган гулларнинг мастона ифорию, этни ёқимли жунжиктирувчи замҳарир зарралари жимжима қиларди. Боз устига Виржаннинг соҳир ва оҳангдор овози шеърни икки баравар таъсирчан қилиб юбормоқда эди. Бу мисралар мисоли чақмоқтош бўлиб, Виржан улардан қалб машғаласини ўт олдирмоқда эди. Праннатҳ ўрнидан турар экан, юраги кўксидан отилиб чиққаетгандек туюлиб кетди ўзига.

Бир куни у Виржанга деди:

– Агар шеърларингизни китоб қилиб чиқарсангиз, жуда савобга қолар эдингиз.

Виржан бошини эгиб, жавоб қайтарди:

– Одамларга ёқадими, йўқми, кўзим етмайди.

Праннатҳ: – Асло ундай деманг! Юрагида озгина тамиз бўлган одам шеърларингизнинг албатта қадрига етади. Гулларнинг хушбўйидан маст бўлишни, қушларнинг сайрашию, тўлинойнинг пирпираган кумуш нурларидан завқланишни билган ҳар қандай одам сизнинг шеърларингизга, албатта, юрагидан жой беради.

Шеъри учун мақтов эшитган ва шеърларини нашр эттирмоқчи бўлган ҳар қандай шоир каби Виржаннинг ҳам юраги ҳаприқиб кетди. Гарчанд «йўқ, йўқ» деб турса-да, бу «йўқ» «ҳа» билан баравар эди. Праёғда ўша вақтда «Камла» («Нилуфар»)деган бир журнал чиқарди. Праннатҳ «Ишқ мубталосиман» шеърини ўша ёққа юборди. Бош муҳаррир шеъриятни чуқур ҳис қиладиган шоиртабиат одам эди, шеър учун самимий миннатдорчилик билдирди. Шеър босилиб чиқиши билан аҳли тамиз ичида оғизга тушди. Ҳеч бир шоирнинг илк шеъри ҳеч қачон шунчалик шуҳрат топмаган бўлса керак. Одамлар шеърни ўқир экан, ҳайрат ва таажжуб билан тил чақиллатиб, бир-бирига қараб қоларди. Шеърият мухлислари орасида неча ҳафтагача «Ишқ мубталосиман» устида баҳслар тинмади. Ҳеч ким бу эндигина темирқанот чиқарган шоира шеъри эканига ишонгиси келмасди.

Энди ҳар ой «Камла» саҳифаларига Виржаннинг шеърлари зеб бериб турадиган бўлди. Журналхонлар эътибори ва эътирофи шоирани мўътабар ҳинд шоирлари рутбасига чиқариб қўйди. «Янги ҳинд шоираси» деган сўзни ҳатто болалар ҳам тилдан туширишмасди. «Янги ҳинд шоираси»га ҳаридор бўлмаган биронта рўзнома ё журнал қолмади. Ҳа, Виржандаги мўъжизавий қувват энди ҳеч кимни таажжубга солмай қўйганди. Шеърият уни эмас, у шеъриятни юксак погоналарга кўтарган эди.

Уч йилгача «Янги ҳинд шоираси»нинг ким эканлигини ҳеч ким билолмади. Охири Праннатҳнинг сабри тугади. У Виржанга қаттиқ ихлос қўйиб қолганди. Неча ойдан бери шоиранинг ҳаётий фаолияти ҳақида мақола ёзишни дилига туғиб юрарди. Севтий ёрдамида у аста-секин унинг барча ҳаётий фаолиятдан бохабар бўлди ва «Янги ҳинд шоираси» сарлавҳаси остида бир таъсирчан ва мазмундор мақола эълон

қилди. Праннатҳ шунгача ҳеч мақола ёзмаганди, бироқ азбаройи шоирани ҳурмат қилиши унинг бу борадаги камчилигини тўлдиргандай бўлди. Мақола ғоятда мароқли, танқидий руҳда ва ҳассослик билан ёзилганди.

Мақола босилиб чиқиши билан Виржанга чор-атрофдан ҳурмат билдириб юборилган совғалар ёғила кетди. Радҳачаран у билан кўришгани Муродободдан етиб келди. Уни аллақачон унутиб юборган Камла, Умадевий, Чандра Кунвар ва бошқа қанчалаб дугоналари ҳар куни Виржанни кўргани кела бошлашди. Димоғлари доим осмонда, ҳеч ким олдида бош эгмайдиган казо-казолар, давлатманд боёнлар ҳам Виржанни кўргани унинг уйига қадам ранжида этардилар. Чандранинг ўзи келолмади, лекин «бошимни оёғингга қўйиб соатлаб йигласам дейман» деб хат ёзиб юборди.

22. МОДҲАВИЙ

Гоҳо анво гулли чаманзорда кўриш ҳеч қачон насиб этмайдиган хушбўй ва рангдор гулларни ўрмонда учратиш мумкин бўлади. Модҳавий ўзи бир аҳмоқ ва камбағал одамнинг қизи бўлса-да, аммо худо унга аёлларга хос барча фазилатларни ато этиб қўйганди. Унда, айниқса, билим олишга ўзгача иштиёқ бор эди. Модҳавий билан Виржаннинг дўстлиги Виржан қайнотасиникидан келган кундан бошланганди. Бу ювош ва маъсумгина қизалоқ ўшандан бери Виржанга меҳр қўйиб, жонфидо дугонасига айланиб қолганди. Модҳавий Виржанни маъбудадан ҳам ортиқ кўрарди, деса ишонаверинг. Унинг бирон марта бўлсинки, Виржанга қарши сўз айтганини на биров эшитган, на биров кўрган. Виржан ҳам уни ёнида олиб ётар ва яхши-яхши шойи кийимлар кийгазиб кўяр эди. У синглисига ҳам бунчалик меҳрибонлик кўрсата олмаса керак. Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейдилар. Пратап Виржанга қанчалик дил боғлаб қолган бўлса, Виржанни ҳам Пратап билан ўшандай севги риштаси боғлаб турарди. Унинг Камлачаранга турмушга чиқиши аниқ бўлганда, у ҳам Пратапчандрдан кам қайгурмаганди. Фақат ҳаёт унинг дилидаги муҳаббатни очиб солишга йўл қўймаганди. Келин бўлиб кетгандан кейин Пратапчандрнинг вайрон кўнглига қандай тасалли берсам экан деб ўйлагани-ўйлаган эди. Менинг ҳаётим шу тариқа бекаму-кўст ўтаверди. Бечора Пратапнинг ҳоли не кечаётганикин? Модҳавий ўшанда ўн бир ёшда эди. Унинг ҳусну-жамоли, феъл-хўйи ва фазилатларини кўрганнинг оғзи очилиб қоларди. Бирдан Виржаннинг кўнглига қайинсинглим Модҳавий Пратапни бахтли қилишга муносиб эмасми, деган ўй келди. Шу кундан бошлаб у Модҳавийга кўпроқ суянадиган бўлиб қолди. Модҳавий ўн олти-ўн етти ёшларга етганда мен Пратапнинг олдига бораман-да, Модҳавий менинг синглим, бундан кейин уни ўзингизга чўри қилиб олинг, деб қўл қовуштириб ёлбораман деб ўйлар, ўйлагани сайин ҳаяжондан юраги тўлиқиб кетарди. Пратап гапимни қайтармаса керак? Йўқ, мен бундай қилолмайман. Холам ўзи Модҳавийни келин қилгим бор деб менга айтса, бу бошқа гап. Шундай хаёллар билан Виржан мутгасил Пратапчандрнинг таъриф-тавсифини келтириб, Модҳавийнинг кўнглини унга мойил қилишга бел боғлади. Токи қайинсинглиси Пратапнинг севгисига мубталло бўлиб қолсин. Виржан Пратапни мақташга тушганида булбулигўё бўлиб кетар, сўзларидан бол томарди. Аста-секин Модҳавийнинг гўзал қалби ишқ шарбатининг лаззатидан хумор қила бошлади. Фишт қолипдан кўчган эди.

Содда Модҳавий, қандай бахтиёрман, мен оёғининг гардига арзи-майдиған бир одамга турмушга чиқаман, аммо у мени ўзига чўрили-ка олармикан, деб ўйлар эди. Нима бўлганда ҳам мен унинг чўриси бўламан ва озгина бўлса-да, муҳаббатини қозониб, уни ўзимга оғди-риб оламан. Аммо шўрлик қиз орзулари мотамга айланиб, кўз ёши уммонига гарқ бўлиб кетажagini қаёқдан ҳам билсин? У ўн беш ёшга тўлиб улгурмаган ҳам эдики, Виржаннинг бошига оилавий бало-офат-лар ёғилди. Ана шу офат бўронларининг шиддатлари Модҳавийнинг хаёлий чаманзорини кунпаякун қилиб ташлади. Шу орада Пратапчан-дрнинг гойиб бўлгани ҳақидаги хабар келди. Бўрондан омон қолган унча-мунча нарсалар ҳам мана шу оловда куйиб, кулга айланди.

Гишт қолипдан кўчгани аниқ эди – Модҳавий руҳан Пратапчан-дрнинг хотини бўлиб улгурганди. У жонини ҳам, танини ҳам унга бағишлаганди. Бундан Пратап беҳабар, албатта. Бироқ унга шундай бебаҳо буюм насиб этган эдики, уни дунёдаги ҳеч қандай нарса билан қиёслаб бўлмасди. Модҳавий Пратапни бор-йўғи бир мартагина кўрганди ва фақат бир мартагина унинг жонфидо сўзларини эшит-ганди. Бироқ унинг қалбида олдинроқ Виржан чизиб улгурган му-ҳаббат шамойилини Модҳавий янада жилвакор қилиб юборганди. Пратапнинг хабари йўқ, аммо Модҳавий севги оташидан кундан-кун жизганак бўлиб борарди. Ўша кундан бери биронта рўза йўқки, у канда қилган бўлсин, биронта маъбуда йўқки, унга сиғинмаган бўлсин, барини у шунинг учун адо этар эдики, ким билан ва қаерда бўлмасин, ишқилиб, худо Пратапнинг жонини омон сақласин.

Ишқ орзулари муштдеккина қизни тоблаб, яна ҳам қатъийроқ ва бундан-да нозикроқ қилиб қўйганди. Агар ўз дилида у мен Пратап-чандр билан никоҳдан ўтиб келганман, деб азму-қарор этган бўлса ҳам, не ажаб?

Қайинсинглисининг аҳволига қараб туриб, бу оловни мен ёққан-ман, деб Виржан энди юм-юм йиғлар эди. Ўн гулидан бир гули очил-маган бу бокира қиз энди кимнинг бўйнига гулчамбар бўлиб тақи-ларкин? У кимнинг тан маҳрамига айланаркин? Эвоҳ! Кўчатини не машаққатлар билан экиб-ундирган, бол ва сут билан суғориб парва-ришлаган шундай гул, наҳотки очилмай сўлиб кетаверса? Виржан-ку, шеър-пеър ёзиб ўзини чалғитар, бироқ Модҳавийда шугина овун-чоқ ҳам йўқ эди. Унинг севгилиси ва умр йўлдоши унинг ўзи учун ҳали нотаниш бўлган ошиғига эътиборигина эди, холос. Пратап кет-гандан кейин бир неча ой ўтгач, бир куни Модҳавий туш кўрди. Тушида Пратап дарвеш бўлиб кетган эмиш. Бугун Модҳавийнинг чексиз муҳаббати зоҳир бўлди. Пратап ростдан ҳам дарвешлик йўлига кириб кетганини юракдан ҳис этди. Бугундан у ҳам зоҳидага айлан-ди. У бахт ва лаззатга бўлган ҳавасни дилидан чиқариб ташлади.

Гоҳо ўтириб-ўтириб қаттиқ зерикиб кетган пайтларида Модҳавий Пратапчандрнинг уйига қараб равона бўларди. Ўша ерда унинг кўнгли бироз таскин топарди. Бу хонадон Модҳавий учун муқаддас ибодат-хонага айланганди. Виржан билан Сувоманинг дилида муқаддас би-тикларга ихлос пайдо бўлганида у бу ерга онда-сонда келарди. Бироқ охир-оқибатда Виржаннинг зиёрату риёзатга тўла ҳаёти бу тугунни ечиб юбориб, Ганга-Ямуна янглиғ бир-бири билан ҳамоғуш бўлгач, Модҳавий ҳам бу ерга танда қўйиб қолди. У Сувоманинг ёнида уззу-кун ўтириб қоларди. Бу хонадоннинг ҳар бир қарич ери Пратапдан хотира эди. Мана шу ҳовлида Пратап ёғоч от миниб чопарди ва мана шу ҳовузчада қоғоз қайиқ ҳайдарди. Қайиқлар-ку, вақт гирдобига гарқ бўлиб кетди, бироқ от ҳамон бор эди. Модҳавий отнинг қоқ

суяк баданига жон ато қилди ва уни гулзор чеккасида шохлаб турган патал дарахти соясига боғлаб қўйди. Мана бу хона Пратапчандрнинг бамисоли бешиги эди. Модҳавий уни энди ўз маъбудининг эҳроми деб биларди. Мана шу бешикда Пратап узоқ кунларгача алла эшитиб ухлаган. Модҳавий бу бешикни гуллар билан безатади. Қизгина бу хонани шундай безатиб қўйдики, гўё у ҳеч қачон бўлмагандек. Сувратлар юзини қоплаган чанглари артиб ташлади. Чироқ яна илгаригидай порлаб ёна бошлади. Модҳавийнинг чексиз ихлосу муҳаббатидан Сувомагининг гамлари аригандай бўлди. Қанча вақтлардан буён унинг оғзидан Пратап исми чиқмай қўйган эди. Виржан билан апоқ-чапоқ бўлиб кетгандан сўнг ҳам иккала аёл ҳеч қачон Пратап тўғрисида чурқ этиб оғиз очмасди. Виржаннинг оғзи хижолатдан боғлиқ бўлса, Сувомага газабдан мум тишлаб олганди. Лекин Модҳавийнинг дилкашлиги тошни ҳам эритиб юборди. Энди у муҳаббати жўш уриб, Пратапнинг болалиги ҳақида ўсмоқчилаб суриштиришга тушганди. Шунда Сувома ўзини тутиб туролмасди, кўзларига ёш қалқирди. Кейин иккаласи ҳам йиғлар ва кун бўйи Пратап ҳақида гаплашиб, гаплари тугамасди. Энди Модҳавий дилидаги асрорни Сувомадан яшириб ҳам нима қилсин? У кўпинча зоҳида шу тариқа ва яна ҳеч нарсага умид боғламасдан ишқ оташида қоврилиб юраверадими, деб ўйларди.

Бир куни Виржан Камланинг альбомини очган эди. Биринчи саҳифасидаёқ гоаят маҳорат билан ишланган, турли рангларда бўялган киши суврати чиқди. Бу қайсидир таниқли арбобнинг суврати эди. Унга бу одамни аллақерда кўргандек туюлди. Ўйлай-ўйлай тўсатдан хаёли Пратапчандрга бориб тақалди. Суюнганидан сапчиб турди-да, чақирди:

– Модҳавий, бу ёққа кел!

Модҳавий жўякдаги гулларга сув қўймоқда эди. Ҳозир у ўзини кўпроқ шундай ишлар билан овуларди. Сорийси сувдан шалаббо, сочлари тўзғиган, пешонасида реза-реза тер ва кўзлари муҳаббат дардидан галтон бир ҳолатда опасининг қошига келди. Виржан деди:

– Кел, сенга бир суврат кўрсатайми?

Модҳавий деди: – Кимнинг суврат экан, кўрсатинг.

Модҳавий сувратга синчиклаб қаради. Унинг кўзлари ёшланди.

Виржан: – Танидингми?

Модҳавий: – Қайдам. Бунақа одамни мен тушимда кўрибманми? Афғ-ангоридан улуғ одамлиги кўриниб турибди.

Виржан: – Қара, ёзуви ҳам бор.

Модҳавий иккинчи бетни очган эди, «Авлиё Боло жий»¹ деган ёзувга кўзи тушди.

Бирпас иккала опа-сингил ёзувдан кўз узмай қараб турди-да, кейин гапга туриб кетишди.

Виржан: – Мен у кишининг дарвешликка кириб кетишларини аввалдан билган эдим.

Модҳавий ерга қараб турарди, оғзидан чурқ этган садо чиқмади.

Виржан: – У пайт билан ҳозирнинг ўртасида қанча фарқ бор. Юз-андомларидан нур ёғилляпти. Илгари бунчалик хушрўй эмасдилар.

Модҳавий: – Ҳм...

Виржан: – Худо ўзи уларни қўлласин! Жуда тақводор эдилар. (Кўзига ёш олиб). Тақдир иши қизиқ-да. Бизлар бирга-бирга ўйнаб, бирга яшар эдик. Энди бўлса улар дарвеш, мен эса тулман. Ким билсин, улар бизнинг бу аҳволимизни билдиларми ё йўқми. Дарвешликка

¹ Дарвешлик йўлини ихтиёр қилганларга янги диний ном берилади (*Тарж.*)

кирган одамнинг ким билан қанчалик иши бўларди. Ўз онасига хат ёзмаган одам бизларни эслармиди. Болалигимизда гоҳ «демона-демона» ўйнаганимизда, мен ширинликлар садақа қилардим.

Модҳавий йиғлаганча, «ким билсин, кўришиш қачон насиб қиларкин», деб хижолатдан бошини эгиб олди.

Виржан: — Ҳадемай келиб қоладилар. Праннатҳ анови мақолани жуда чиройли ёзган.

Модҳавий: — Ҳар бир сўздан меҳр товланади.

Виржан: — Шеърийатга берган баҳосини айтмайсанми? Унинг сўзлари ўзи илгаридан сеҳрли эди, энди нимасини айтасан? Праннатҳнинг юрагига кириб борган ҳар қандай ижодкор бутун ер юзини ўзига маҳлиё қила олади.

Модҳавий: — Юринг, холамнинг олдиларига борайлик.

Виржан: — Ҳа-я, сал бўлмаса эсимиздан чиқараёзимиз, қарайлик-чи, нима деркинлар. Хурсанд бўлармикинлар?

Модҳавий: — Ўзи шуни орзулаб юрган эдилар, нега хурсанд бўлмасинлар?

Виржан: — Кетдик. Она бу хабарни эшитиб ҳеч қачон хурсанд бўла олмайди.

Иккала опа-сингил уйдан ташқарига чиқди. Виржаннинг юзлари сўлгин эди, бироқ Модҳавийнинг бутун вужуди севинчдан яйрар эди. Агар биров ундан, нега оёқларинг ерга тегмай, парвоз қиласан, заъфарон чехранг нега шодликдан ял-ял ёняпти, қандай хазинага дуч келиб қолдинг, нега ҳозир бор ғам-қайғу эсингдан чиқди, ошигинг билан кўришишга ҳеч қандай умидинг бўлмаса ҳам, ҳали сени биров севиб, севги изҳор қилмаган бўлса ҳам нега бу қадар ўзингда йўқ суюнасан, деб сўрагудек бўлса, бу саволларга Модҳавий бир нарса деб жавоб берармиди? Йўқ, албатта. У бошини қуйи солган, гуллари кўплигидан эгилган новдалардек кўзларини ерга тикиб оларди. Уч-тўрт томчи ёш думалаб ҳам тушар, аммо тили калимага келмаслиги аниқ.

Модҳавий севги нашъасидан маст эди. Унинг қалби муҳаббатдан бедор ва беҳуд. Унинг севгиси бозордаги мол эмас. Унинг муҳаббати бировнинг бойлигига ҳам зор эмас. У севгиси эвазига севги тиламайди. Шундай бир улуғ одамнинг сиймоси юрагимдан жой олган, деган хаёлнинг ўзи унга чексиз гурур ва ҳузур бағишларди. Мана шу гурур ҳисси унинг беҳудлигига сабабкор, унинг севгисига яраша тангрининг инъомидир.

Иккинчи ойда Виржан Боло жийга атаб бир қасида ёзди. Бу жуда ғалати шеър эди. У босилиб чиққанда афкор омма Виржаннинг шеърийатдаги истеъдоди билан таниш бўлишига қарамай, ёқа ушлаб қолди. Шеърийат осмонида арши аълодан ҳам юқорига парвоз қилган хаёлот қуши бу сафар юлдуз бўлиб чарақлади. Ҳар бир сўзда илоҳий каромат жилва қилиб турарди. Бу шеърни ўқиган ҳар бир шеърийат шайдоси Боло жий содигига айланди. Шеър шундай морбозки, найнинг сеҳрли овози билан илонлар ўрнига одамларнинг қалбини асир айлайди.

23. КОШИЙГА ТАШРИФ

Виржаннинг шоирлик салоҳияти барқ урган пайтдан бошлаб унинг ҳузурида худонинг берган куни аёллар тўпланадиган бўлиб қолганди. Шаҳарда хотин-қизларнинг бир қанча жамоалари бор эди. Уларни ташкил этишдаги барча оғирлик Виржаннинг зиммасига тушарди. Булардан ташқари бошқа шаҳарлардан ҳам кўплаб аёллар у билан учрашгани келиб турар эди. Зиёрат қилгани Кошийга келган ҳар ким

Виржан билан, албатта, кўришмай кетмасди. Рожа Дҳармсинх унинг шеърларини чиройли тўплам қилиб нашр эттирди. Ўша тўплам унинг шеъриятдаги мўъжизасини оламга ёйди. Ҳиндистон сарзаминини кўяверинг, бу ёғи Европа ва Американинг машҳур шоирлари уни шеърят бобидаги маҳорати билан қутладилар. Ҳиндистонда Виржаннинг китоблари токчаларидан жой олмаган биронта кутубхона қолмаган бўлса, ажаб эмас. Виржаннинг шеърларини машҳур қилувчилар ичида Боло жийнинг ўрни ҳаммадан баланд эди. У ўзининг сермазмун тили ва мақолаларида кўпинча Виржаннинг шеърларидан иқтибослар келтирарди. У «Сарасватий» нашриётида чиқарди.

Бир куни эрта тонгда Сита, Чандра Кунвар, Рукминий ва Раний Виржаннинг уйига келишди. Чандра бу аёлларни ерга ўтқазди ва ҳурматларини жойига қўйиб, хуш келибсизлар қилди. Виржан бу пайтда йўқ эди, чунки у саҳар вақти шеър ёзишни одат қилган. Бундай пайтда у бирон зарурий иш бўлмаса дугоналари билан учрашмасди. Гулзорнинг бир чеккасида сўлим жой бўлгучи эди. Ўша ернинг ҳавосидан атиргул ҳиди димоққа урарди. Шу жойдаги тош супачада ўтириб, Виржан шеърлар ижод қиларди. Шеърят уммонидан у териб чиққан дурларни Модҳавий қалам сарриштасига шода-шода қилиб тизиб чиқарди. Бугун қанча кунлардан кейин шаҳар аҳлининг қайта-қайта илтимоси билан Виржан Боло жийнинг Кошийга ташриф буюришини сўраб мактуб битиш учун қўлига қалам олди. Боло жий тез-тез қўмсаб, соғиниб турадиган шаҳарлардан бири шу Коший эди. Бироқ кошийликлар шунча илтимос қилсалар ҳам, ул зотнинг бу ерга келишга сира вақти бўлмас эди. У Синҳал ва Рангунгача борган бўлса-да, аммо Коший томонга ҳеч йўли тушмаганди. Бу шаҳарни у ўзига имтиҳонгоҳ деб биларди. Шунинг учун Виржан унга Кошийга қадам ранжида этишга таклиф қилар экан, одамлар унинг бу таклифига йўқ демаслигига астойдил ишонарди. Янги фикр пайдо бўлганда Виржаннинг юзлари чарақлаб, Модҳавийнинг вужуди шодликдан яйраб кетарди. Гулзорда патал деган бир гул қийғос очилган, тонги шудрингга чўмилиб, айни пайтда ўзгача бир чирой касб этганди, бироқ жонли гуллар опа-сингил Виржан билан Модҳавийдаги тароват ва равнақни кўриб, бошқа гуллар хижолатда бош эгиб қолганди.

Соат тўққизга яқин Виржан уйга кириб келди. Севтий деди:

– Бугун жуда қолиб кетдингизми?

Виржан: – Кунтий қуёш маъбудини чақиринг учун озмунча риёзат чекканмиди?

Сита: – Боло жий ўзига етгунча такаббур экан. Мен бунақа одам билан сира гаплашмаган бўлардим.

Рукминий: – Дарвешлик қўйига кирган одамнинг уй-рўзғор билан қанчалик иши бор?

Чандр Кунвар: – Шу ерга келсин ҳали, тўғри башарасига айтаман, хўв тақсир, бунақа қилиқни қаёқдан ўргандингиз, деб.

Рукминий: – Ойимпошшо, азиз-авлиёлардан эҳтиёт бўлиб гапиринг. Тилингизни бунча заҳар қилманг, нақ тилингиздан тутади-я.

Чандр Кунвар: – Гапиради-да, қачонгача индамаймиз? Ҳамма ерга етган қадамлари бизга етмай қолибди.

Виржан: – (кулиб) Энди оёқларини қўлларига олиб чопадилар бу ёққа. Шу ойдаёқ келадилар. Мана, мени айтди дерсизлар.

Сита: – Қанийди улар келсалару биз кўрсак. Шу кунларда улар ҳақидаги китобни ўқияпман. Оёқларига йиқилиб, пойларини ўпиб, соатлаб йиғласам дейман.

Рукминий: – Худо у кишининг мартабаларини баланд қилиб яратган. Доронагарнинг маликаи олияси қазо қилганди, жон талашиб

ётганида Боложий бундан хабар топиб қолибдилар. Зумда етиб келибдилар-да, кўз очиб-юмгунча туриб ўтирадиган қилиб қўйибдилар. Менинг хўжайиним ўша кунлари у ерда эдилар. Малика хазинанинг калитини Боложийнинг оёғи остига қўйиб: «Энди бунинг эгаси сиз-сиз», – дебди. Боложий: «Менга бойликнинг кераги йўқ, салтанатингизда уч юзта оғил қурдиринг», – дебдилар. Худди айтганларидек қилишибди. Ҳозир Доронагарда сут дарё бўлиб оқиб ётганмиш. Авлиё бундан ортиқ бўладими?

Чандр Кунвар: – Рожа Навлакҳ ҳам силдан шу кишининг гиёҳлари билан қутулганди-да. Битта ҳам табиб-докторнинг қўлидан келмади-ку. Боложий кетаётганида малика тўққиз юз минг рупиялик дур шодасини уларнинг оёқларига қўйибди. Боложий қиё боқиб қарамабдилар ҳам.

Раний: – Жудаям феъли каж одам экан-ку.

Рукминий: – Ҳа, бўлмасам-чи, дурларни олсалар ё бўйинларига тақсалар, биров бир нарса дермиди?

Виржан: – Олиб, Ранийга тақиб қўйсалар ҳам бўларди. Нима дединг, дугонажон?

Раний: – Ҳа, ўша дурлар учун бир умр чўрилик қилишга розийдим.

Чандр Кунвар: – Менинг хўжайиним «Ҳиндистон жамияти»нинг аъзоси эмасми. Улай-ўлай деб топиб, икки юз эллик рупияни тугиб қўйган эдилар. От оламиз деб шунча пулни кўтариб жўнадилар. «Ҳиндистон жамияти»дагилар отда юрмаса, бўлмай қолибдими?

Раний: – Кеча шу одамлар сафга тизилиб менинг уйим олдидан ўтиб кетишаётувди. Афт-ангорлари ажабтовурга ўхшайди.

Шу топ Севтий янги рўзнома олиб келди. Виржан деди: – Бирон янги хабар борми?

Севтий: – Ҳа, Боложий Маникпурга келибдилар. Бир аҳир қиз тўйига таклифнома юборган экан. Шунга Праёгдан «Ҳиндистон жамияти» аъзолари билан бирга тунда юриб, Маникпурга келибдилар. Аҳирлар у кишини зўр тантанаю олқишлар билан кутиб олишибди. Ҳаммалари ўртада йиғиб, беш юз сигир инъом қилишибди. Боложий келинга дуолар айтибдилар, куёвни бағирларига босибдилар. Беш аҳир «Ҳиндистон жамияти»га аъзо қилиб олинибди.

Виржан: – Жуда зўр янгилик. Модҳавий, буни қирқиб олиб қўй. Тагин нима бор?

Севтий: – Патнанинг қушбозлари бир ибодатхона қуришибди. Ўша ердаги «Ҳиндистон жамияти» аъзолари жуда тантана билан байрам қилишибди.

Виржан: – Патналиклар жуда ғайрат билан ишлашяпти.

Чандр Кунвар: – Подачилар ҳам энди синдур сурадиган, қушбозлар ибодатхона қурадиган бўлиб қолишибди-да.

Рукминий: – Нима, улар одам эмасми? Уларни Худо шунақа қилиб қўйибдими? Сиз ўзингизнинг авлиёнгизга сифинишни биласиз, холос.

Чандр Кунвар: – Бор, йўқол, мени қушбозларга тенг қилади. Уларни жинимдан ёмон кўраман.

Рукминий: – Ҳа, юзларинг оппоққинада-а? Зар-зеварларга кўмилиб олгансан? Хўш, бор-йўқ шуми ораларингдаги фарқ ё бошқа нарса ҳам борми?

Чандра Кунвар: – Нега шугина фарқ бўларкан? Ер билан осмонни тенг қилмоқчимисан? Улар ҳам одаму ҳаққа ҳам қуш бўлдими? Мен қачвоҳалар зотиданман, шуни биласанми ўзинг?

Рукминий: – Ҳа, биламан, олдин билмасам, мана энди билдим. Сизнинг муллакангиз биронта қушбоз билан ҳеч олишиб кўрганми-

кан? Ё фақат саллани чаккага қўндириб олиб, ялла қилиб юришни биладиларми? Мендан сўрасангиз, муштдеккина қушбоз ҳам эрингизни бир пуфлаб учириб юборади.

Виржан: — Бўпти, бас қилинлар энди, бундай гапларни. Сиз икковингиз бу ерга фақат гап талашгани келасизлар.

Севтий: — Ота билан бола қандай чиқишиб қолганди? Афтидан, мунший Шалиграм Пратапчандр учунгина риёзатга берилиб кетувди. Бу ҳаммаси уларнинг ўз қилмишлари меваси.

Рукминий: — Ҳа, бўлмасам-чи. Мунший Шалиграмни ҳозир авлиё Браҳмонанд дейишяпти. Пратапни кўриб, таниб қолган бўлсалар керак?

Севтий: — Хурсандликдан ўзларини қўйгани жой тополмай қолгандирлар.

Рукминий: — Бу ҳам худонинг иродаси, бўлмаса Пратапчандрга Мансароварда нима бор эди?

Севтий: — Худонинг хоҳлаганидан бошқа ҳеч нарса бўлмайди.

Виржан: — Сизлар менинг лолажийимни эсингиздан чиқарибсизлар. Ришикешда Пратапчандр энг аввал лолажий билан учрашган эди. Пратапчандр у киши билан роса бир йил бирга турган. Кейин икковлари Мансароварга қараб йўл олган.

Рукминий: — Ҳа, Праннатҳ мақоласида шуларни ёзганди. Боложий ҳам агар мунший Санживанлаъл билан кўришиш менга насиб қилганида, мен ҳам тиланчи қаландарлар қаторида бўлар эдим, деганлар.

Чандр Кунвар: — Бундай даражага етиш учун худо олдиндан ҳамма нарсани бекаму қўст қилиб қўйганди-да.

Севтий: — Бўлмаса шугина ёшда Ҳиндистоннинг қуёши бўлармиди? Энди йигирма ёшга киргандир?

Виржан: — Йўқ, ўттиздлар. Мендан бир ёш катталар.

Севтий: — Сувома уларнинг қироатларини эшитиб, роса суюнаётгандир?

Рукминий: — Мен унинг ҳеч кулиб турганини кўрган эмасман.

Чандр Кунвар: — Унинг ҳамма орзу-ҳаваслари тупроқ билан битта бўлди, қаёқдан ҳам кулсин.

Рукминий: Ўзи асли эрининг худодан тилагани шу эди.

Чандр Кунвар: — Уй -рўзгорли одам эл-юртига хизмат қилолмас эканми?

Рукминий: — Эл-юртни дейсан, рўзгорли одамнинг қўл-оёғи бўш бўлса қиладими эл хизматини? Кошки у бола-чақасидан ортиб бир нарса қилолса?

Чандр Кунвар: — Қиламан деган одам ҳаммасини қилади, қилмайдиганлар учун баҳона тўлиб ётибди.

Яна бир ой ўтди. Виржаннинг янги шеъри таклиф хабарини олиб Боложийга етиб борди, бироқ ул зотнинг таклифни қабул қилгани ё қилмагани маълум эмас. Кошийликлар кутавериб тоқатлари тоқ бўлиб кетди. Боложий Худонинг берган куни жанубга қараб йўл олар эди. Охири одамлар умидини узди, ҳаммадан ҳам Виржаннинг жуда ҳафсаласи пир бўлди.

Бир куни Боложий ҳамманинг эсидан чиқиб кетганида Праннатҳ келиб деди:

— Синглим! Суюнчи беринг, бугун Боложий келаяптилар?

Виржан нимадир ёзиб турган эди. Қалам қўлидан тушиб кетди. Модҳавий туриб, эшик томон отилди. Праннатҳ кулиб деди:

— Бунча шошилмасанг, ҳали етиб келсинлар.

Модҳавий: — Қачон келадилар? Аввал бу ерга қўнадилар-ку, шундайми?

Праннатҳ: — Қаерга қўнишлари ҳали маълуммас. Улар ҳашам ва тантанани жуда ёмон кўрадилар. Шунинг учун қачон келишларини аввалдан айтмайдилар. Рожа соҳибнинг олдиларига бир одам келиб, Боложий келаяптилар, менинг келишим учун ҳеч қандай ҳашам-пашамнинг кераги йўқ, дедилар деб хабар қилибди. Лекин бу ернинг одамларига гап уқдириб бўларканми? Маросим бўлади, бўлганда ҳам шаҳар тарихида сира эсдан чиқмайдигани бўлади. Ҳаммаёқда одамлар елдай югуриб юришибди. Боложий кўринишлари билан одамлар ҳар бир маҳаллага телефонда хабар қилишади. Бир хил либос кийган коллеж ва мактаб ўқувчилари байроқчалар тутиб, кутиб туришибди. Ҳамма ўз уйида гул сочқилари тайёрлашга тушиб кетган. Бозорда дўконларга оро бериляпти. Шаҳарда тантана аллақачон авжига чиқиб бўлган.

Модҳавий: — Шу ёқдан ўтсалар, тўхтатиб қоламиз.

Праннатҳ: — Ҳали ҳеч қандай тайёргарлик кўрганамиз йўқ-ку. Кейин, қайси томондан ўтишлари ҳам ҳали маълум эмас.

Виржан (ўйланиб): — Тахтиравон туширишга ҳозирлик кўриб қўйсақ яхши бўларди, ҳарҳолда.

Праннатҳ: — Ҳа, ҳеч бўлмаса шуни қилиб қўяйлик. Мен ташқарига гилам ёздириб қўяй бўлмаса.

Праннатҳ ташқаридаги тайёргарликларга бош-қош бўлди. Модҳавий гул тера бошлади. Виржан кумуш лаганни чарақлатиб ювди. Севтий билан Чандра ичкаридаги нарсаларни тартибга сола бошлади.

Модҳавий азбаройи суюнганидан терисига сиғмаганди. Келиб қолмадимикан деб, дам-бадам чопачопа бориб эшикдан қараб келарди. Ноғора ё сурнай овози келмаётibdими деб қулоқ тутди. Ҳаяжондан юраги дук-дук қилади. Гул тераётганида ҳам қўли ишдаю хаёли у ёқда. Неча марта тикон кириб, қўлини қонатиб олди. Гулни узаман деб, қанча шохни қайириб қўйди. Неча марта бутуққа чалиниб, йиқилиб тушди. Неча бор сорийсини тиканга илдириб олди. Шу пайтда уни ёш боладан сира фарқлаб бўлмасди.

Лекин Виржан ўзини гоятда вазмин тутмоқда эди. Сув тўла идиш озгина қимирлаши билан чайқалиб кетганидай, эски воқеалар ёдига тушган сайин кўзларига ёш қалқиб чиқмоқда эди. Оҳ! Бир вақтлар улар билан мен ака-сингил эдик. Бирга ўйнардик, бирга яшардик. Орадан ўн тўрт йил ўтибди, шундан бери дийдорларини кўриш на-сиб этгани йўқ. Сал йиғласам ҳам кўз ёшларимни артиб қўяр ва кўнглимни кўтарар эдилар. Бу кўзларимдан қанча ёшлар оққанини, бу юрагимга қанақанги дарду ғамлар тўлганини улар қаёқдан билсинлар. Тақдиримиз бунақа бўлиб кетишини биров келиб бизларга айтганмиди? Биринг тул қоласан, биринг дарвеш бўлиб кетасан деганмиди?

Бирдан Модҳавийнинг миясига, ҳойнаҳой, Боложийнинг келишидан Сувода хола беҳабар бўлса керак деган ўй келди. У Виржаннинг олдига келиб деди:

— Шундоқ холамнинг олдиларига ўтиб келай. Уларга биров бориб хабар қилдим, йўқми, ким билсин.

Праннатҳ ташқаридан келаётган эди. Буни эшитиб деди:

— У ёққа энг аввал хабар борганди. Яхшигина ҳозирлик кўрилаяпти. Боложий ҳам тўғри уйга ташриф буюрар эканлар. Бу ёқдан ўтмайдиган бўлибдилар.

Виржан: — Унда бизлар йўлга тушмасак бўлмайди. Тагин кеч қолмайлик.

Модҳавий: — Сочқили лаганни олиб олайми?

Виржан: — Ким олиб боради? Оқсочни чақир, (чўчиб) ие, нега кўлинг қонаб ётибди?

Модҳавий: — Уҳ. Гул терувдим, тикон-пикон кирган бўлса керак-да.

Чандра: — Яп-янги сорий эди, аллақачон йиртибсан.

Модҳавий: — Ҳаммаси сени деб бўлди!

Модҳавий шу гапни айтишга айтди-ю, лекин кўзи ёшга тўлди. Чандра ўзи жуда оқкўнгил, ювош аёл эди. Бироқ бобу Радҳачаран эл хизмати деб ишидан бўшагандан буён Боложий номи унга балодай кўриниб қолган эди. Виржанга-ку, бир нима деёлмасди, лекин Модҳавийни узиб-узиб оларди. Виржан Чандрага ўкрайиб қараганича Модҳавийга деди:

— Бор. Сандиқдан бошқа сорийни ол. Буни жойига қўйиб қўй. Эй худу. Шундоқ галвир қилиб ташлабсан-ку.

Модҳавий: — Кеч қоламиз, мен шундай боравераман.

Виржан: — Йўқ, ҳали роса бир соат вақт бор.

Шундай деб Виржан меҳр билан Модҳавийнинг кўллари ювди, сочини турмаклади, бир чиройли сорий кийдирди, ёпинчиқ ёпинтирди ва кўксига босиб ёшли кўзларини унга тик тутганча деди:

— Синглим! Менга қара, бардам бўл. Бўшашма!

Модҳавий кулимсираб деди:

— Ўзингиз ёнимда бўлинг, менга далда бўласиз. Мен юрагимга ишонмайман.

Виржан синглиси қалбидаги ишқ пишиб етилганини, энг юқори чўққига етганини англади. Ҳа, бу тентак қиз ҳали чучварани хом санаб юрибди.

Бирпасдан кейин Модҳавий, Виржан, Севтий, Чандра ва яна бир неча аёл билан биргаликда Сувоманинг уйига йўл олди. Улар у ердаги тарадудни кўриб, оғизлари очилиб қолди. Рангдор шиша ва турли-туман нарсалар қадаб безатилган жудаям катта чодир тикилганди. Кувноқ куй янграрди. Катта-катта саватларда ширинликлар ва мевалар бисёр. Шаҳарнинг бообрў зодагонлари зарбофу кимхоб либосларга бурканиб, меҳмонни қарши олишга шай туришарди. Биронта фойтун ё извош кўринмасди, чунки Боложий қаерга борса ҳам яёв юрарди. Жуда кўплаб одамлар Боложийга сочқи қилиш учун қоғозу танга пулларга тўла халталарни бўйинларига осиб олишганди. Рожа Дҳармсинҳнинг бешала ўғли рангдор кийимлар кийган, қирмизи ғалла ўраган, шойи байроқчаларни белига қистириб олганча бигул чаларди. Одамларнинг кўзи Виржанга тушиши билан минглаб бошлар ҳурмат ила эгилди. Бу аёллар ичкарига кириб кўрдиларки, у ер ҳам ҳовлию болохонаю айвонларгача келинчакнинг уйидай қилиб ясатиб қўйилибди. Юзлаб аёллар ўлан айтгани ўтириб олишганди. Сочқилик гулларга тўла саватлар териб қўйилган. Сувома оппоқ сорийда ва хотиржамлик тимсоли бўлиб эшик тагида тик турибди. Виржан билан Модҳавийни кўриб, кўзлари ёшланди. Виржан деди:

— Холажон, бугун бу хонадонга қайта файз кирди.

Сувома йиғлаб деди:

— Сен туфайли бугун шундай кунни кўришга муяссар бўлиб турибман. Илоё сени Тангрининг ўзи ёрлақасин.

Ғамзада она кўнглидан ана шундай дуо чиқди. Бир она қарғиши рожа Дашартҳни фарзанд доғида ажал заҳрини тоттишга мажбур этганди. Сувоманинг бу дуоси ҳам бераво қолмас, ахир?

Иккаласи шу тариқа гаплашиб турганида, соатнинг бонг ургани ва сур тортилгани қулоққа чалинди. Боложий келди деган шов-шув

¹ Б и г у л — бурғу

ёйилди. Аёллар ўлан айтишни бошлаб юборишди. Модҳавий сочқили лаганни кўлига олди ва йўл томондан кўзини узмай қарай бошлади. Кўп ўтмай сидирга рангли либос кийган бир тўда йигит-яланлар кўринди. «Ҳиндистон жамияти»нинг юз нафар аъзоси отга миниб келар эдилар. Улар ортидан сон-саноқсиз одамларнинг бутун бир оломони эргашган. Бутун шаҳар чиққанди ўзиям. Игна ташласа, ерга тушмайди. Оломон худди денгиздай чайқаларди. Бу оломонда Боложийнинг чехраси булутлар орасидаги ойдай балқиб турарди. Манглайида чўғдай қизил ойсимон тилак — холи ялтирар, елкасига эса оч жигарранг тусли чодра ташлаб олганди.

Сувома эшик тагида турарди; Боложийнинг қораси кўриниши билан қўллари ҳолсизлана бошлади. Эшикдан ташқарига чиқди-да, бошини эгган, кўзларидан инжу шодаларини тизганча Боложий томон юриб кетди. Бугун у ўзининг йўқотган жигарбандини топди. У болажонини бир карра бағрига босишга зор-муштоқ эди!

Сувома бу тахлит келаётганини кўриб, одамлар таққа тўхтади. Чор-атрофга сув куйгандай сукунат чўкди. Боложий бир неча қадам олға юриб, онасига салом берди ва ўзини унинг оёғига ташлади. Сувома кифтидан кўтариб, унинг бошини бағрига босди. Ниҳоят, у бугун ўзининг йўқолган жигарбандини топди! Кўзларидан дув-дув ёш тўкиб, ўғлининг вужудини юва бошлади.

Бу ҳаяжонли манзарани кўриб, одамларнинг қалби инсоний нафосат ва назокат ҳиссига тўлди. Эллик минг овоз бараварига: «Боложийга шарафлар бўлсин!» деб наъра солди ва ҳар томондан гуллар ёғила бошлади. Кейин жўровоз наъра иккинчи бор янгради: «Мунший Шалиграмга шарафлар бўлсин!» Шундан сўнг одамлар қалбида фахру ғурур туйғуси денгиздай тошиб, чопа-чопа келди-да, Сувома-нинг пойига пешоналарини сурта бошлади. Бу ҳайқириқлардан Сувома гўё сеҳрли куй таъсиридан маст бўлгандай, ҳаяжон ичида тек туриб қолди. Бугун у йўқолган шунқорини қайта топди! Бебаҳо гавҳарини топиб, у маликаи улёга айланди! Мана шу бир дона гавҳари шамчироғи туфайлидан бугун унинг оёқлари гарди одамлар кўзига тўтиё ва манглайига толе нишони бўлиб кўнмоқда эди.

Манзара чиндан-да бемисл эди. Устига-устак шараф олқишлари янграр ва арши аълодаги малоикаю фаришталарга Ҳиндистон элининг саломини етказар эди. Она ўз дилбандини бағрига маҳкам босиб олган. Неча кун ва ойлар сўнгида у йўқотган давлатини топди! Бу давлат унинг ёруғ дунёдаги бор-йўқ бисоти эди. Чор атрофдан ҳамон гуллар ёғиларди. Гул эмас, осмондан олтин ва кумуш ёғилмоқда. Она билан бола нақ белигача гулга ботди. Бундай ажойиб манзарани кўриш кимларга насиб этган-у, кимларга йўқ.

Сувома Боложийнинг кўлидан тутиб, уй томон етаклаб кетди.

Эшикка етишлари билан аёллар кўшиқ айтишни бошлаб юборишди ва Модҳавий олтин баркашдаги анво гулларни сочқи қилиб маъбудлар ҳақига нисор қила бошлади. Модҳавий кўлининг қони билан бўялган гулчамбарни Виржан Боложийнинг бўйнига тақиб кўйди. Боложий кўзига ёш олиб, Виржанга қўл қовуштириб таъзим қилди.

Модҳавий Боложийни кўришга қанчалар интиқ эди. Ушбу дамда кўзларини ердан ололмаётганди. Боложий томонга қарашга юраги бетламас, қарасам, кўнглимдаги сирни ошкор қилиб қўяман, деб қўрқаётганди. Унинг кўзларида муҳаббат лиммо-лим эди. Ҳозиргача унинг бирдан-бир эзгу орзуси — бу Боложийни кўриш эди, бинобарин биринчи марта унинг юрагида янги орзулар ниш урганди. Ҳа, бугун ғунча унди, аммо очилиш учун эмас, балки сўлиш учун ва

сўлиб тупроққа қорилиш учун унди. Модҳавийга ҳеч ким юрагингда бундай орзуларнинг униб чиқишига йўл қўйма деб айтмаганди. Бу орзулар сенга фақат гусса, қайғу, кўз ёшлари тақдим этади, холос, демаганди. Сенинг севгинг хаёлий, сен унинг лаззатидан муҳаббат лаззатини нечук истаб қолдинг, деб уқтирмаганди.

24. СЕВГИ ВА РЎЁ

Инсон қалби орзулар ўйингоҳи ва хоҳишлар масканидир. Бир вақтлар Модҳавий она сийнасини эмиб вояган етаётган гўдак эди. У пайтларда қалбида орзу ва интилиш йўқ эди. Бироқ лойдан қўғирчоқлар ясай бошлаган вақтларда кўнглида мен ҳам қўғирчоқларимни узатаман деган истак пайдо бўлгани рост. Барча қизлар қўғирчоқларини узатяпти, нима, менинг қўғирчоқларим қариқиз бўлиб қолаверадими? Мен қўғирчоқларим учун тақинчоқлар ясаттираман, ки-йинтираман, уларни турмушга бераман. Мана шу истак уни неча ойгача овора қилди. Бироқ қўғирчоқларининг тақдирига эрга тегиш ёзилмаган экан. Бир куни қора булут бостириб келди-да, шаррос ёмғир қуйди. Қўғирчоқлар ивиб, оқиб кетди. Уларни турмушга бериш орзуси ушалмай қолди.

Орадан яна бирмунча вақт ўтди. У онаси билан бирга Виржанникига бориб-кела бошлади. Опасининг ширин-ширин сўзларини эшитар ва хурсанд бўларди, опасининг косасида овқат ер ва опасининг бағрида ухларди. Ўша вақтда ҳам ўзининг юрагида менинг ҳамма ҳавас қиладиган, остонаси тиллодан, ичкарисию ташқариси ёғ тушса ялагудек тоза ҳовли-жойим бўлади деган хоҳиш бор эди. Опамнинг уйига олиб бораман, яхши-яхши таомлар пишириб бераман, едириб-ичираман, башанг каравотга жой қилиб, ётқизаман, дерди. Бу хоҳиш неча йиллар юрагида армон бўлиб ётди. Бироқ ҳалиги лой қўғирчоққа ўхшаб, бу ҳовли-жой ҳам вайрон бўлди ва орзулар саробга айланди.

Вақт ўтиб борар, болаликдан кейин балоғатлик бошланди. Виржан унинг юрагида Пратапчандрнинг сувратини чиза бошлади. Ўша кунларда шундан бошқа ҳеч бир гап гапирилмас, гапирилса ҳам қулоққа ёқмас эди. Охири унинг кўнглида Пратапчандрга чўри бўлиш истаги пайдо бўлди. Узала тушиб ётганча юраги билан қайта-қайта гаплашарди. Тунда уйғониб кетиб, гўзал хаёлларга бериларди. Бу хаёллардан вужудини ширин бир лаззат чулғар эди. Бироқ айни шу кунларда Пратапчандр ғойиб бўлиб қолди ва ҳалиги лой қўғирчоқлар сингари бу ширин хаёллар ҳам хаёллигича қолиб кетди. Умид ўрнида юрагида афсус-надомат қолди, холос.

Энг ёмони умидсизлик унинг юрагида умид учун жой қолдирмаганди. У маъбудаларга сиғина, рўза тута бошлади: ишқилиб Пратапчандрни Худо бало-қазодан ўзи асрасин. Шу тариқа хаёлий муҳаббат лаззатидан маст бўлиб, умрининг бир неча йилини зоҳидликда кечирди. Аммо бугун зоҳиданинг рўзаси синди. Кўнглида янги орзулар бош кўтарди. Ўн йиллик риёзат бир лаҳзада куйиб кетди. Наҳотки бу хоҳиши ҳам ҳалиги лой қўғирчоққа ўхшаб саробга айланса?

Бугун Модҳавий Боложийнинг бошидан гул ўгирар экан, кўз ёшлари жилгадай оқди. Кун ҳам аста-секин кеч бўлди. Битта-битта юлдузлар жимжима қила бошлади. Қуёш ҳорғин ботиб кетди ва қушлар инларига кириб, ором ола бошлади, бироқ Модҳавийнинг кўзлари толиқмади. У ўй сургани-сурган эди: эвоҳ, мен шу тариқа йиғлаш учун дунёга келдимми? Ҳеч очилиб-сочилиб кулган эдиммики, бунинг эвазига яна шунча кўз ёши тўксам? Эвоҳ, ярим умрим йиғида ўтди, хўш, қолган ҳаётимда яхши кунлар кўрган эдим

деб эслаб, тасалли топадиган бирон кун пешонамга ёзилганмикан? Бугунгача Модҳавий ҳеч шунақа тушкун, маҳзун ва дилпора бўлмаган эди. У ўзининг хаёлий муҳаббатидан масту мустағриқ эди. Бугун унинг қалбида янгидан-янги орзулар ниш урган. Бугунги кўз ёшлар шу орзулардан отилиб чиқмоқда эди. Ўн олти йилгача орзу-умидлар сарчашмаси бўлиб келган қалб аини дамда Модҳавийнинг ҳисларини намоён эта оларди.

Сувоманинг юрагида ҳам янги-янги хоҳишлар ниш урган. Ҳали Боложийни кўрмаган вақтда унинг энг катта орзуси ўғлининг дийдорига бир тўйиш ва кўнглига таскин бериш эди. Бугун дилбандининг дийдорига тўйгандан кейин эса яна баъзи нарсаларни кўриш хоҳиши пайдо бўлди. Афсус! Бу хоҳиш ҳам Модҳавийнинг лой кўғирчоқларига ўхшаб, тупроқ билан битта бўлиш учунгина пайдо бўлган экан.

Бугун Сувома, Виржан ва Боложий кечгача мириқиб суҳбатлашиши. Боложий ўз тажрибаларини баён қилди. Сувома бошидан ўтганларини дoston қилди. Виржан эса камроқ гапириб, кўпроқ тинглади. Мунший Санживанлаълнинг дарвешлик кўйини ихтиёр қилганини эшитиб, иккаласи роса йиғлади. Шам ёқиш пайти келгач, Боложий гусл қилгани Ганга соҳилига йўл олди. Сувома кечлик овқатга уннай бошлади. Бугун талай вақтлардан кейин Сувома меҳр билан овқат пиширмоқда. Иккала аёл ўртасида суҳбат бошланди.

Сувома: — Қизим, ўғлимнинг эл орасида машҳур одам бўлишини астойдил орзу қилардим, Худойим менинг шу орзуимни инобатга олди. Пратап отаси ва авлод-аждоди номини кўкларга кўтарди. Бугун эрталаб хўжайиним исмини айтиб олқишлар янграётганда юрагим қинидан чиқиб кетгудай бўлди. Мен фақат бир нарсани истайман: эрим шу ниятларидан қайтсалар. Эл-юртга қайишишларига мен йўқ демайман. Ўзи асли Худодан шуни тилаган эдим, лекин уларни дарвешлик кийимида кўрсам, юрагим пора-пора бўлиб кетади.

Виржан Сувоманинг мақсадини тушунди:

— Холажон, — деди у, — бу гап менинг кўнглимда анчадан бери бор эди. Имкон топилди дегунча албатта тушунтираман.

Сувома: — Имкон топилса деб ўтирасанми? Қачон имкон топиладию, қачон йўқ. Ит ётиш, мирза туриш — уларнинг ҳоли шу ҳозир. Эшитишимча, қўлида таёқ ушлаб, бир ўзлари ўрмонда изгиб юрганмишлар. Шўрлик Модҳавийнинг аҳволини кўриб, чидолмайман. Уни кўрсам, юрагим бир тутам бўлиб кетади. Мен кўп аёлларни кўрдим, кўплари ҳақида китоблардан ўқидим. Лекин бунақа севган аёлни ҳеч қаерда кўрмаганман. Шўрликнинг ярим умри йиғида ўтди, ҳеч унинг йиғлаганини кўрмаганман, лекин йиғлайдиган кўз ва куладиган оғиз шундоқ ўзи айтиб туради. Мен ўғлимга худди шунақа қиз олиб беришни ҳавас қилардим, буни ҳам Худонинг ўзи етказди. Сенга ростини айтсам, мен уни келиним деб биламан. Бугундан эмас, неча йиллардан бери.

Виржан: — Бугун сира йиғидан тўхтамади. Жуда кўнгли вайрон эди боёқишнинг.

Сувома: — Бўлмаса бугуноқ унга айт шу гапни. Тагин эртага бир ёққа кетиб қолса, яна қанча кутишга тўғри келади.

Виржан (ўйлаб): — Айтишга-ку, айтаман, лекин Модҳавийнинг ўзи бу ишни жуда ўрнига қўяди, орага одам тушишига ҳожат йўқ.

Сувома: — У бечора ўзи қандай айтади?

Виржан: — Ўзи эмас, кўзи айтади.

Сувома: — Ўғлим кўнглида нима деб ўйларкин?

Виржан: — Нима деб ўйлардилар? Модҳавийни турмуш қурмаган бўй қиз деб, сиз хато қилаяпсиз. У Пратапчандрга аллақачон хотин бўлиб бўлган. Худонинг хузурида иккови никоҳдан ўтган, агар шундай бўлмаганда, нима, дунёда эркакнинг уруғи қуриб кетибдими? Модҳавийдай аёлга ким кўзларидан жой бермайди? Унинг ярим умри йиғлаб-йиғлаб увол кетди. Шу пайтгача у ҳатто хаёлан бўлса-да, кўнглига бошқа эркакни келтирган эмас. Ун икки йилдан бери зоҳидларча ҳаёт кечириб келаяпти. У каравотда ётиб ухламаган. Ярқироқ кийим киймаган. Сочини ўрмаган ҳам. Модҳавий турмушга чиққанини исботлаш учун бундан ортиқ яна нима керак? Ҳақиқий никоҳ — юракнинг қовушуви. Фарққа синдур суриш, дуолар ўқиш ва олов атрофида айланиш — булар бари одамлар ўйлаб чиқарган даҳмазалар.

Сувома: — Майли, нима қилсанг, ўзинг биласан. Мен фақат элга кулги бўлмайдик дейман-да.

Кечқурун. Соат тўққиз. Осмонда юлдузлар милтирайди. Модҳавий гулзорда танҳо ўтириб, юлдузларни томоша қилар ва ўзича «йилтираб кўриниб туради-ю, аммо жуда узоқ. Ҳеч ким ўша ёққача боролармикан? Менинг орзуларим ҳам ўша юлдузлардаймикан?» — деб кўнглидан ўтказарди. Шу топ Виржан унинг кўлидан ушлаб силкиди. Модҳавий чўчиб тушди.

Виржан: — Қоронғида ўтириб олиб нима қилаяпсан?

Модҳавий: — Ҳеч нима. Юлдузларни томоша қилаётувдим. Улар жудаям сўлим кўринади-ю, аммо етиб бўлмайди.

Виржаннинг юрагига бир нима келиб санчилгандай бўлди. Ўзини қўлга олиб деди:

— Ҳозир юлдуз санаб ўтирадиган вақт эмас. Бугун саҳарда терингга сизмай кутиб олган меҳмонга ўшандай ихлос билан хизмат қиласанми?

Модҳавий: — Бундай меҳмонга хизмат қилишга лойиқ бўлсам қанийди?

Виржан: — Бўпти. Қани, бу ёққа юр, мен сенга меҳмонга қандай хизмат қилишни ўргатиб қўяман.

Иккаласи ичкари кирди. Сувома овқатни пишириб қўйганди. Боложий қанча вақтлардан буён энди онасининг кўлидан овқат ейишга муяссар бўлиб турибди. У иштаҳа билан овқатланди. Сувома унинг кўли билан овқатланди. Сувома кўли билан овқатлантираяптию кўзларидан милдир-милдир ёш тўкаяпти. Боложий еб-ичиб бўлгач, ётди. Шунда Виржан Модҳавийга деди:

— Энди бу ерда амманнинг бузоғидай нега анграйиб қараб ўтирибсан?

Модҳавий: — Бир нарса беринг, ейман-да, ётиб ухлайман. Бошқа нарса керакмас.

Виржан: — Модҳавий! Сал дадилроқ бўлсанг-чи! Шунча тутган рўзангни бир кунда бузасанми?

Модҳавий турди. Бироқ унинг ичига чироқ ёқса ёримасди. Қоп-қора булутлар бостириб келиб, ҳозир жала қуйиб, дунёни сел оладигандай бўлиб кўринади, бироқ мағриб шамоли туриб, булутлар чок-чокидан сўкилиб кетади — ҳозир Модҳавий ўзини ана шундай ҳис этмоқда эди.

Мана, қанча замонлардан бери бахтим эрта очилади, индин очилади, деб умид билан яшаб келаяпти. Севгилисидийдорини кўради-ган, унинг жонбахш овозини эшитиб, кўнгли яйрайдиган кун келармикан? Шу кун учун у озмунча риёзатлар чекаятими?

Ҳар гал шу кунни кўз олдида келтирганида, юраги нақ ҳиқилдоғига келиб кетарди.

Бугун тонг-саҳардан Модҳавийнинг севинчи чексиз. У қунт билан гулчамбар тўқияпти. Кўлига юз мартача тикон кирди-ёв. Маст одамдай гандираклайди. Бу ҳаяжон ва ҳовлиқиш бежиз эмасди — бугун ўша муборак кун келди! Ҳа, қанча замонлар кўзлари тўрт бўлиб кутган кун, ниҳоят, келди. Бу орзуси дилидан бир нафасгина йироқлашган бирон дамни у эслай олмайди. Лекин ҳозир Модҳавийнинг юраги бутунлай бошқа бир кайфиятда. Севинчининг ҳам ҳад-чегараси бўлади. У гулзорда хиромон айлаб, этак-этак гул терганида, эҳтимол, ўша Модҳавий севинчининг энг юқори чўққиси бўлгандир. Умрида бахт таъмини тотиб кўрмаган одам учун шугина лаззат ҳам кифоядир? У бечора шундан ортиқ лаззатни кўтаролмасди ҳам. Кулги нималигини билмаган лаблар учун жилмайиш ҳам кулги. Бундан ортиқ кулгуни орзу қилиб ҳам нима қилади? Модҳавий Боложийнинг қоши сари равона бўлди. Бироқ не-не орзу-ҳаваслар билан ясантусан қилиб, эри кўнглини олгани шошган янги келиндай бўлиб эмас. Ахир уй ўша-ўша бўлса. Бу уйни у талпинган маъбуди жой олган ибодатхона деб биларди. Бу ибодатхона эгасиз бўлган пайтларда у тез-тез келиб, кўз ёши гулларидан гулчамбарлар нисор этар эди. Бугун энди ибодатхонага маъбуд келиб маскан қурган бўлса-ю, нега Модҳавий бунақа беғам-бепарво тайсаллаб келаяпти?

Кечалар ажабтовур салқин тортиб қолганди. Кўчалардан қўнғироқ овозлари қулоққа чалинарди. Модҳавий оёқ учиди юриб, Боложий хонаси эшиги олдиғача келди. Унинг юраги гуп-гуп қиларди. Худди оёғига кишан солингандай, ичкарига киришга юраги бетламайди. Фирра изига қайтди-да, қоқ ерга ўтириб олиб йиғлай бошлади. Унинг шуури шундай дерди: «Модҳавий! Бу қандай шармандалик? Майли, сен Боложийнинг чўрисисан, майли, сен уни севасан ҳам дейлик, аммо сен унинг хотини эмассан-ку. Шу паллада унинг уйига киришинг яхши эмас. Сенинг муҳаббатинг сени унинг хотини қилолмайди. Севги бошқа нарса ва никоҳ бошқа нарса. Севги юрак жунбуши бўлса, никоҳ муқаддас иймон». Шунда Модҳавийнинг эсига бир тўй келди. Куёв катта бир издиҳомда келиннинг қўлидан тутиб олган ва бу келинни мен уйимнинг бекаси ҳамда қалбимнинг соҳибаси деб биламан, бунга тўйга келганлар, осмон, олов ва маъбуд шоҳиддир, деган эди.

Ҳа, бу нақадар кароматли сўзлар эди. Менга ҳеч қачон бундай сўзларни эшитиш насиб этмаган. Мен на оловни ўзимга гувоҳ қила оламан. На маъбудларни ва на осмонни. Лекин, ҳой, олов! Ҳой, осмондаги юлдузлар! Ҳой, арши аълодаги фаришталару малоикалар! Сизлар шу нарсага шоҳид бўлингизларки, мен, Модҳавий, Боложийнинг илоҳий қиёфасини юрагимга жо этганман, аммо ҳеч қандай бежо ўйни хаёлимга келтирмаганман. Борди-ю, ичкарига қадам қўйгудек бўлсам, ҳой олов, сен мени куйдириб кул қил! Ҳой осмон, борди-ю, мингминглаб кўзларинг билан менинг ичкарига кирганимни кўргудек бўлсанг, ҳозироқ Индрнинг чақмоғини бошимга ур!

Модҳавий шундай хаёлларга берилиб узоқ ўтириб қолди. Бир вақт қулоғига қарс этган овоз чалинди. Чўчиб қараган эди, Боложийнинг хонаси ёп-ёруғ бўлиб кетганини, ёғду деразалардан ташқарига чиқиб, ҳовлига таралаётганини кўрди. Модҳавийга оёғи тагидаги ер кўчгандай туюлиб кетди. Стол устидаги чироқ қулаб тушди, шекилли, деб ўйлади-да, Боложийнинг хонасига отилди. Қараса, ростдан ҳам чироқ ерда қулаб ётарди. Мой ерга солинган кўрпага тўкилганидан кўрпа тутаб ёнмоқда эди. Кўрпанинг бир томонида Боложий маст уйқуда ётибди. У гиламни йиғиб, бир бурчакка қўйиб қўйганди. Қарсиллаган овоздан Боложий чўчиб уйғониб, кўзини очди. Уй ичи

тутунга тўлган ва ҳамма ёқни мойнинг аччиқ ҳиди қоплаб олганди. Гап нимадалигини тушуниб, у деди:

– Худо бир сақлади-да, йўқса уй ўт олган бўларди.

Модҳавий: – Ҳа, чироқ тушиб кетибди.

Боложий: – Яхшиям, сен вақтида етиб келибсан.

Модҳавий: – Мен шу ерда ташқарида ўтирувдим.

Боложий: – Анча овора бўлибсан. Энди бориб ухла. Тун алламаҳал бўлиб қолган.

Модҳавий: – Ҳозир кетаман. Уйқу доим ўзим билан. Бунақа қулай пайт яна қачон келади.

Модҳавийнинг овозида чуқур мунг бор эди. Боложий унга диққат билан қаради. Дастлаб Модҳавийни кўрганда у янги очилган гунча эди, ҳозир қаршисида сўлган гулни кўриб турибди. На чехрасида ёшлик таровати бор, на кўзларида севинч нурлари, на фарқида синдуру на манглайида келинлик нишонаси. Тақинчоқ дегандан эса ном-нишон кўринмасди. Боложий ўзича Худо уни айни гул бўлиб очилганида бахтидан жудо қилибди, деб ўйлади. Қаттиқ ачинган ҳолда деди:

– Менга қара, Модҳавий! Сен тумушга чиққанмидинг?

Модҳавийнинг юрагига биров ханжар санчгандай бўлди. Кўзлари ёшланиб жавоб берди:

– Ҳа... чиққан эдим.

Боложий: – Эринг ким эди?

Модҳавий: – У кишининг мен билан асло ишлари йўқ. У киши билан менинг тўйим бўлган эмас.

Боложий ажабланиб деди: – Эринг нима иш қиларди ўзи?

Модҳавий: – Эл-юрт хизматини.

Боложийнинг кўз олдини тутиб турган парда хиёл очилгандай бўлди. У Модҳавийнинг дарди оддий дардлардан эмаслигини англади ва деди:

– Модҳавий, никоҳларингга қанча бўлган эди?

Боложийнинг кўзларига ёш қалқди ва юзи ачиниш ҳиссидан қизариб, галати бўлиб кетди. Она Ҳиндистон! Ахлоку одоб деган нарсаларга ўт кетган шундай бир замонда ҳам бағрингда биргина инсонийлик туйғулари учун гулдай ёшлигини, ҳаётдаги барча орзуларини қурбон қилишдан қайтмайдиган мана бундай маъбуда сийрат қизларинг бор!

– Бунақа эрнинг боридан йўғи яхши эмасми? Модҳавий, воз кеч ундан!

Модҳавий Боложийга гурур билан қараб қўйди-да, деди:

– Пирим! Сиз учун буни гапириш осон, албатта. Мен орялар зурёдиман. Мен Гандҳарий ва Саъвитрий наслиданман. Кўнглида бир марта бировни эр деб билдимми, ундан икки дунёда воз кечолмайман. Умрим мана шундай қон-қон йиғлаб хазон бўлса бўладики, эримдан зиғирча домангир бўлмайман. Токи танамда қилча жон бор экан, эримга худодан фақат рўшнолик тилайман. Шундан бери худо берган одамнинг муҳаббати юрагимдан жой олганининг ўзи мен учун етиб-ортади. Шунини мен ўзим учун улўғ бахт деб биламан. Мен ўз бегимни бир марта узоқдан кўрганман. Ўша қиёфа бир лаҳза ҳам кўз ўнгимдан кетмасди. Касал бўлиб ётиб қолган вақтларимда ўша қиёфа менга ғамхўрлик қилар эди. Айрилиқ дамларида йиғлаганимда, ўша қиёфа кўз ёшларимни артиб, овулар эди. Ўша қиёфали эримдан мен қандай воз кечай? Мен уникаман ва умрбод уники бўлиб қоламан. Қалбу жоним – ҳаммасини мен унга тўхфа қилганман. Агар бир оғиз айтсалар, киши ўзини гуллар билан безатилган ўринга от-

гандай, мен ўзимни жон-жон деб уларнинг бағрига ташлар эдим. Борди-ю, жонингни бер десалар, художўй одам тангри сиймоси узра гул ўгириб сочгандай, жонимни қўшқўллаб нисор этган бўлардим.

Азбаройи муҳаббату ихлосдан Модҳавийнинг чехраси гул-гул ёна бошлади. Боложий ҳаммасини эшитди ва сукутга чўмди. Кўнглидан: «Мени деб ўз ҳаётини қурбон берибди бу аёл», деган ўй кечди-ю, кўзлари ёшланди. Бир аёл умрини куйдириб қул қилган муҳаббат учун бир эркакнинг сабру бардошини куйдириш нима деган гап? Муҳаббат олдида сабр-бардош ҳечдир. Йигит деди:

– Модҳавий, сендай аёллар билан бутун Ҳиндистон фахрланади. Сенинг муҳаббатингдек бебаҳо ёмби бу тариқа ўзи қўлимга кириб турганидан беҳад бахтиёрман. Агар сен мен учун зоҳида бўлишга рози бўлган бўлсанг, мен ҳам сен учун дарвешлик ва таркидунёликдан воз кеча оламан. Сен ўзингни фидо қилган ўша одам сен учун ҳар қандай катта қурбонликлар қилишдан тоймагай.

Модҳавий шундай бўлишини олдиндан билганидан, дарҳол деди:

– Бегим! Мен бир ожиза ва нотавон аёлман, аммо ишонтириб айтаманки, шу пайтгача кўнглимда бир зум ҳам ҳою ҳавасга майл пайдо бўлмади. Борди-ю, муҳаббатимдан кўзлаган мақсадим ўша деб ўйлаган бўлсангиз, билинги, мен муддаомга етибман. Бугун ҳаётимдаги энг улуг кун бўлди. Бугун мен ўз тан маҳрамим билан юзма-юз турибман ва қулоқларимга унинг жонфизо овози кириб келяпти. Бегим! Ҳаётимда бу қутлуғ кунни қўриш бахтига муяссар бўламан, деб ишонмагандим. Агар бутун ер юзи менинг салтанатим бўлганида эди, мен жон-жон деб уни оёғингиз тагига келтириб ташлаган бўлардим. Қўл қовуштириб ёлбораман: энди мени табаррук пойларингиздан жудо этманг! Мен ёруғ дунё лаззатларидан воз кечаман ва сиз билан бирга яшайман. Ўл десангиз ўлай, қол десангиз қолай, аммо сиздан айрилмайман. Бегим, бошимдан кўп гаплар ўтди, аммо энди бардошим қолмади.

Шу гапларни айтар экан, Модҳавийнинг томоғи бўғилди ва кўзларидан севги инжулари тизилди. Ортиқ у ерда ўтиролмади, туриб, таъзим қилди-да, Виржаннинг олдига бориб ўтирди. Виржан уни бағрига босаркан, сўради:

– Хўш, гаплашдингми?

Модҳавий: – Худди сиз айтгандек бўлди.

Виржан: – Ростданми?

Модҳавий: – Бу ёғини айтмайман.

Виржан гўё бойлик топиб олгандай суюнди ва деди:

– Худога шукр, қанча замондан бери ўйлаб юрганларим рўёбга чиқди. Тўйларингни ўзим қилиб бераман.

Модҳавий маъюсгина жилмайди. Виржан титроқ овозда деди:

– Мени унутиб юборма.

Унинг кўзлари ёшга тўлди. Сўнг ўзини ўнглаб, давом этди:

– Мени ташлаб кетадиган бўлибсан-да?

Модҳавий: – Мен сизни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман.

Виржан: – Шу ҳам гап бўлди-ю...

Модҳавий: – Мана мени айтди дерсиз.

Виржан: – Айтсанг-айтмасанг. Қайси кўйлакни киясан?

Модҳавий: – Кўзни оладиганини. Худди оққуш патидайини.

Виржан: – Никоҳ куни қирмизи ранг кўйлак кийилади, қоқвош.

Модҳавий: – Менга оппоғи ярашади.

Виржан: – Сен олтин билагузукни ёқтирар эдинг. Ўзимникини бера қоламан.

Модҳавий: – Тақинчоқ ўрнига бевалик мунчоғини беринг.

Виржан: – Нималар деяпсан?

Модҳавий: – Керагини айтаяпман-да!

Виржан: – Гапингни ҳеч тушуниб бўлмаяпти. Очилиб-сочилиш ўрнига қовоғингдан қор ёғади. Шуни деб-ку қанақанги риёзатлар чекмадинг, қанақанги илтижолар қилмадинг, тутмаган рўзанг қолмади. Орзуинг ушалиб, бахтинг очилганида суюниш ўрнига ўйга ботасан, нега?

Модҳавий: – Сиз тўйдан гап очдингиз, шундан хафа бўлиб кетаяпман.

Виржан: – Бу суюнадиган гап-ку.

Модҳавий: – Опажон! Тақдиримга суюниш ўзи насиб қилмаган. Қуш булутга ин қуришни орзу қилмасин, у барибир шохли дарахтда яшайди. Менинг аҳдим ҳам, қарорим ҳам шу: умримнинг қолган қисмини мана шу тариқа севги орзусида ўтказаман.

25. ХАЙРЛАШУВ

Эртасига Боложий ювиниб-тараниб, қушдай енгил бўлиб олгач, рожа Дҳарамсинҳни кута бошлади. Бугун Ражғхатда бир катта оғилхонанинг очилиш маросими бўладиган эди. Шаҳарнинг бозор майдонларию кўча-кўйлари байрамона шодиёна кучоғида. Йўлнинг икки юзида байроғу байроқчалар ҳилпирарди. Гурудворлар гулчамбарларга кўмилган ҳолда маросим учун шай турарди, чунки бугун ўзини бутун борлиғи билан ватан манфаатига фидо қилган ватанпарвар ташриф буюради.

Барча аёлу қизлар вужудини ширин ҳаяжон чулғаган. Фир-фир шабада эсиб турибди. Ҳеч бир жойда ғам ё ташвишдан асар кўринмайди. Дапқур-дапқур табрик ва олқиш сўзлари янграйди. Хушранг кийимлар кийган эркаклар гердайиб у ёқдан-бу ёққа юришар, ўн олти хил бўёқни юзига чаплаган аёллар кўшиқ айтишарди. Қирмизи салла ўраган ёш ўспирин йигитчалар ҳазил-мутойибалар қилиб хандон ташлаб кулишарди. Ҳар бир эркагу аёл юзида кулги-табассум жилва қиларди, чунки бугун жон-танини миллат манфаатига фидо этган бир чинакам эл жонкуяри ташриф буюряпти.

Боложий энди ўз муридлари билан биргаликда Ражғхатга томон йўл олганида қуёш машириқдан чиқиб келиб, уни олқишлай бошлади. Одамлар унинг нур ёғилиб турган чеҳрасини кўриши биланоқ минглаб оғиздан «Она Ҳиндистонга шарафлар бўлсин!» наъраси янгради ва ҳавони ёриб ўтиб, осмоннинг энг баланд нуқтасигача бориб етди. Кўнғироқлар ва сурларнинг овози бир-бирига жўр бўлиб янгради ва маросимга атаб чалинган ёқимли куй садоси фазони тўлдирди. Шам ёниши билан уни парвоналар ўраб олгандайин, Боложийни кўриши ҳамон одамлар тезда ҳар томондан қуршаб олишди. «Ҳиндистон жамияти»дан бошқа яна юз жамият муборакбод қилди. Уларнинг эгнидаги чиройли либослари ва тағларидаги бедов отларни кўриб, кўзлари ҳавасдан ёнарди. Бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси миллатнинг чинакам жонкуярлари эди ва уларнинг жўшқин нутқлари кишилар қалбини ҳаяжонга соларди. Кўчанинг ҳар икки тарафидан томошабинлар саф тортган. Тантанавор куйлар янграр, гул ва мевалар ёмғирдай ёғарди. Шаҳар қизлари ясан-тусан қилиб, тилла баркашларда кофур, гул ва тутатқилар кўтариб, маъбудларга нисор қилар эдилар. Дўконлар ҳам янги тушган келинчакдай ясашиб қўйилган эди. Бутун шаҳар безанишда чаманзорни ҳам хижолатга соларди. Шраван (Срабон) ойида қора булутлар бостириб келиб, ўқтин-ўқтин гумбурлаган товуш билан юракни ларзага солгани каби, оломоннинг

ҳаяжон тўла ҳайқириқ овозлари (Она Ҳиндистонга шарафлар бўлсин!) вужудни титроққа солиб, ақлни шоширади. Боложий майдонга етиб келгач, бир гаройиб манзарага дуч келди. Ранги оч пушти камзул кийган, бошига қирмизи салла ўраган, қўлида ихчамгина ҳасса тутган бир гала болалар йўл устида турарди. Боложийни кўриши билан улар ўнта-ўнтадан бўлиб, сафга тизилишди ва ҳассаларини ерга уриб-уриб, бор овозда куйлай бошлашди:

Хуш келибсан, Боложий, Боложий,
Бу шаҳар аҳли сени кўриб бахтга муяссар бўлди.
Сенинг пойқадаминг қутлуғ келсин, юртимизга,
Хуш келибсан, Боложий, Боложий.

Қандай жозибадор, мафтункор манзара эди бу! Гарчи қўшиқ оддийгина бўлса-да, хилма-хил овозлар жўрлигида ўзгача оҳанг ва ўзгача сеҳр касб этмоқда эди. Одамлар таққа тўхтаб қолди. Гала-говур бирдан тинди. Сукунатда куй шунақанги жозибадор янграмоқда эдики, бамисоли тун қўйнида булбул чаҳчаҳлаётгандек. Ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолганди. Эй юдун ватандошларим, бундай манзарани қаерда кўрган эдингиз? Ўзингиз яхшилаб разм солиб қаранг-а. Фоҳишаларнинг гижбангларида қулоқларингиз қар бўлиб улгурган, яллачи-сатангларнинг рақсларини кўравериб кўзларингиз тўйган, сайру-саёҳатлардан оёқларингиз толган, аммо мана бу ҳақиқий лаззат ва мана бу бемисл шодиёнани сиз бундан илгари бирон жойда кўриб, дилингиз яйраган ва кўнглингиз тўлганми ҳеч? Сержилва фоҳишаларнинг хонишлари ва гўзалларнинг ғамзали боқишлари сизнинг шаҳвоний туйғуларингизни қондирган бўлиши мумкиндир, аммо улар сизнинг жўшқин ғайратингни баттар сўндирадидлар, мана бу манзаралар эса жўшдирадидлар, холос. Борди-ю, сиз умрингизда бундай манзарани лоақал бир марта кўрганингизда ҳам у қалбингизда абдий ўчмас из қолдирган бўлар эди!

Боложийнинг тақволи чеҳраси руҳий лаззат зиёсидан мунаввар эди ва кўзлари миллий гурур ва ифтихордан чарақларди. Деҳқон ўзининг барқ урган даласига қараб туриб қанчалик завқланмайди. Боложий ҳам ҳозир ўша деҳқон ҳолатига тушганди. Куй тўхтагач, у бир неча қадам олдинга юрди ва кичкина-кичкина иккита болани кўтариб елкасига ўтқазди-да, қичқириб деди:

– Она Ҳиндистонга шарафлар бўлсин!

Шу тариқа аста-аста одамлар Ражгхатга тўпланди. Бу ерда осмонўпар оғилхона биноси зиёратчиларга мунтазир қад кўтариб турарди. Ҳовлига бахмал чойшаб ёзиб қўйилганди. Катта эшик ва устунлар гул ва япроқлар билан безатилган. Оғилхона ичкарасида мингта сигир боғлаб қўйилган. Боложий ўз қўллари билан уларнинг охурларига пичан ва кунжара ташлаб чиқди. Уларни эркалаб, шапатилаб қўйди. Бир кенг хонада мрамардан саккиз бурчакли ҳовузча ясалган эди. Ҳовузча сутга лиммо-лим. Боложий бир ҳовуч сут олиб кўзларига сурти-да, кейин уни симириб ичди.

Одамлар ҳовлида бемалол ўтиришга улгурмай, бир неча одам чопачопа келди-да, шундай деди:

– Пандит Баблу Шастрий, судхўр Уттамчанд ва лола Макҳанлаъл ташқарида туриб тўполон қилишяпти, Боложий билан икки оғиз гаплашмоқчимиз, дейишяпти.

Баблу Шастрий дегани Кошийнинг таниқли пандити эди. Манглайига чиройли ойсимон хол қўяр, эгнига чит нимча кияр, бошига басантий салласи ўрар эди. Уттамчанд билан Макҳанлаъл

шаҳарнинг бадавлат ва бообрў одамлари эди. Амал учун минглаб рупия сарфлар ва катта амалдорлар ҳурмати ва иззат-икромини қандай жойига қўйишни ўзининг асосий бурчи деб биларди. Бу одамларнинг шаҳарликларга таъсири катта эди. Баблу Шастрий агар масала тортишиб қоладиган бўлса, шубҳасиз рақибларнинг курагини ерга теккизмай қўймасди. Хусусан, Кошийнинг пандитлари ва алломалари, шунингдек, шу тоифадаги бошқа руҳонийлар уларни тер ўрнига қон тўктириш пайида бўлар эдилар. Шастрий жий Кошийда ҳинду дини ҳомийси ва пойдор устунни сифатида машҳур эди. Уттамчанд ва Макҳанлаъл ҳам диний пешволар эди. Бу учовлон анча кундан бери Боложий билан масала тортишиш учун пайт қидирар эди. Бугун уларнинг муроди ҳосил бўлди. Бир тўда пандит ва алломаларни бошлаб, бу ерга келганди.

Боложий бу арбоблар келганидан воқиф бўлиб, ташқарига чиқиб келди. Бироқ бу ерда ажиб бир манзарага дуч келди. Ҳар икки томон одамлари калтакбозликка шай турар эдилар. Шастрий жий алломаларни муштлашувга чорламоқда ва судхўр эса баланд овозда бу шудралар, яъни паст табақа одамларининг абжағини чиқариш керак деб томоғини йиртгудек бақирмоқда эди: «Жиноий иш қўзғатилган, у ёғини кейин кўрасанлар. Кўз очиргани қўймаймиз. Макҳанлаъл, мард бўлсанг майдонга чиқ, ҳаммангнинг онангни учқўрғондан кўрсатамиз». Боложий буни кўриб, рожа Дҳармсинҳга деди:

– Бориб сиз Баблу Шастрийга тушунтиринг, бу беъманилигини бас қилсин, йўқса иккала томонга ҳам яхши бўлмайди, элга кулги бўлишгани қолади, холос.

Рожа соҳибнинг кўзлари газабдан ёнарди.

– Бу одам билан гаплашишни мен ўзимга раво кўрмайман,— деди у,— у алломалари билан гурурланияпти, бугун мен унинг попугини пасайтириб қўяман. Уларнинг бундан кўзлаган мақсадлари бутунлай бошқа — улар сизга ҳамла қилишмоқчи. Лекин токи мен ва менинг беш ўғлим тирик эканмиз, ҳеч ким сизга қўлининг учини ҳам теккиза олмайди. Сиз бир ишора қилсангиз, бас. Кўз очиб-юмгунча мен уларнинг бу қилиқлари учун таъзирини бериб қўяман.

Боложий билдики, бу баҳодирники тутиб кетаяпти. Рожпутники тутса борми, у ё ўлдиради, ё ўлади, аро йўлда қолиш йўқ.

– Рожа соҳиб — деди Боложий,— сиздай ақлли одамдан шундай гап чиқаяптими? Ҳозир бунақа онт ичадиган пайт эмас. Боринг-да, ўз одамларингизни тўхтатинг, бўлмаса оқибати ёмон бўлади.

Боложий шу сўзларни айтар экан, бирдан гапини тўхтатди. Одамлар бамисоли уммон долғалари янглиғ ҳар томондан шу ёққа оқиб келарди. Кўлларида таёқ, кўзлари қонталаш, юзлари газабнок, қошлари чимирилган. Ҳаял ўтмай оломон алломалар бошига етиб борди. Таёқлар бараварига ҳавога кўтарилди, иккинчи дафъада улар алломалар бошига тушиши аниқ эди, буни кўриб Боложий яшин сингари отилиб бир отга минди-да, овозининг борича ҳайқирди:

– Оғайнилар! Бу қандай жаҳолат? Агар мени дўстингиз деб билсангиз, дарҳол қўлингизни туширинг, бир қадам ҳам олдинга босманг! Биламан, юрагингизда ботирларга хос газаб ва қаҳр аланга олаяпти. Газаб ҳам, жасорат ҳам муқаддас эҳтирослардир. Аммо виждон туйғуси ундан-да муқаддас, ундан-да покроқдир. Ҳозир газабингизни тийинг. Бу тариқа бекорга жонингизни увол қилиш миллату дин олдидаги инсонийлик бурчингизни адо этишга зинҳор кирмайди. Қўлингизда машғал билан қудуққа йиқиласиз. Бу одамлар сизнинг ўзингизнинг юртдошингиз, ўзингизнинг қондошингиз-ку. Уларни

ўзингизга душман деб билманг. Борди-ю, улар аҳмоқ бўлишса, уларнинг аҳмоқлигини кечириш сизнинг бурчингиз. Борди-ю, улар сизларга ножўя гап қилгудек бўлишса, сиз улардан асло хафа бўлмаслигингиз керак. Борди-ю, улар сиз билан жанг қилмоқчи бўлишса, сиз одоб билан «хўп» денг-да, моҳир табиб сингари қайсар бемор дардига даво топиш йўлини қидиринг. Ичингизда мана шу фикримга қарши чиқувчи одам бўлса, у менга дўст эмас, душмандир!

Бу оқилона сўзлардан чор атрофга сукунат чўкди. Ҳамма турган жойида сувратдай қотиб қолди. Бу одамнинг сўзларида қандай сеҳр бор эдики, моҳир жиловдор яшиндай учиб бораётган отларни бирдан тўхтатгандай, денгиз сингари тошиб келаётган оломонни у бир ўзи тўхтатиб қолса? Бундай кучни у қаердан олди? Унинг бошида на шоҳлик тожи бор, на бир катта лашкар саркардаси бўлса? Бу унинг элга хизмат йўлида кўрсатган беминнат ва беғараз фидойилиги шарофати эди, холос. Ўз миллати учун кўрсатган фидойилик миллат жонкуярининг обрў-эътиборини осмон баравар кўтаради. Пандитлар ва алломалар Боложийнинг илоҳий чеҳрасини кўриб ва сўзларини эшитиб, жаҳлдан тушдилар. Куёш чиқиб, туман тарқалгани каби, Боложий келиши билан безорилар тўдаси тум-тарақай бўлди. Фалаён қилиб, тўполон чиқариш учун келган кўплаб одамлар эҳтиром билан Боложийнинг пойига чўкишди-да, унинг издошлари сафидан жой олишди. Бабу Шастрий пандитларнинг тарафкашлиги ва беъманиликларини авж олдирмоқчи бўлган эди-ю, аммо бунга муваффақ бўла олишмади.

Шунда Боложий ғоят таъсирчан бир нутқ ирод қилди. Ундаги ҳар бир сўз ҳали-ҳануз тингловчилар қалбида муҳрланиб қолган, бу сўзлар ҳинд эли учун ҳамиша машъал вазифасини адо этгусидир. Боложийнинг нутқлари акарият маънодор ва мағзи тўқ бўлади, аммо мазкур нутққа зеб бериб турган у зукколик, у ёрқинлик унинг бошқа ваъзларида сира кўзга ташланмаганди. Бу ваъздаги сўзлар сеҳри шунчалик ҳайратомуз эдики, кўп ўтмаёқ пандитлар аҳир ва посийлар билан чапоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Мана ўша ваъзнинг сўнгги жумлалари:

– Агар сизлар бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилсангиз, ўйлаган ҳар орзунгизга эришасиз. Бунинг учун сабр-тоқат ва таҳаммул ила иш тутмоқ лозим бўлади. Сабр ғоят катта куч. Сабр эркаклардаги барча фазилатлар шоҳи. Сабр ботирликнинг негизидир. Қилча ҳам сабрни қўлдан бой берманг. Сизнинг кимлигингиз шунда билинади. Бундай пайтда бошқа ҳеч қанақа ишончли йўлбошчи бўлиши мумкин эмас. Борди-ю, сабр ила мақсадга эришмаган тақдирингизда ҳам эл орасида номингиз қолгай!

Боложий уйга келиб, рўзномани очиб қаради-ю ранги қув оқариб кетди. Кўксидан беихтиёр чуқур оҳ отилиб чиқди. Дҳарамсинҳ хавотир билан сўради:

– Тинчликми?

Боложий: – Садияда дарё тўғони бузилибди, ўн минг одам уй-жойсиз қолибди.

Дҳарамсинҳ: – Оббо, чатоқ бўлибди-ку.

Боложий: – Минглаб одам оқиб кетибди. Бутун шаҳар вайрон бўлибди. Уйларнинг томларида қайиқлар сузиб юрибди экан. Ҳиндистон ҳукумати аъзолари етиб боришибди ва имкон борича одамларга ёрдам кўрсатишяпти экан, аммо бу асло етарли эмас дейишибди.

Дҳарамсинҳ (кўзи ёшланиб): – Эй Худо! Бу шўрлик бандаларга ўзинг раҳм қил!

Боложий: — Гопал оғилхонаси ҳам оқиб кетибди, Мингта сигир ўлибди. Уч соатгача тўхтовсиз жала ёғибди. Ўн олти инч¹ ёмғир тушибди. Шаҳарнинг шимолий қисмига бутун шаҳар жам бўлибди. На турар-жой ва на озик-овқат. Мурдаларнинг сон-саногии йўқ экан. Қанчадан-қанча одамлар очликдан ўлмоқда. Одамларнинг аҳволларию нола-фарёдларига одамзод чидаб туролмасмиш. Барча жабрдийдалар тинмай Боложийни чорлашяпти экан. Улар бу одам келса, дардимиз енгиллашади, деб ўйлашяпти экан.

Бир мунча муддат Боложий ўйга толиб қолди, охири деди:

— Мен бормасам бўлмайди. Ҳозироқ жўнайман у ёққа. Сиз Садиянинг «Ҳиндистон жамияти»га телеграмма юборинг, у бу ишда менга ёрдам кўрсатсин.

Рожа соҳиб одоб билан деди:

— Йўқ демасангиз, мен бора қолай?

Боложий: — Мен етиб боргач, сизга хабар қиламан. Менимча, сизнинг боришингизга ҳеч қандай ҳожат қолмайди.

Дҳарамсинҳ: — Уттамчанд бўлганида сиз тонг саҳарлаб жўнар эдингиз.

Боложий:— Йўқ. Бу ерда бир лаҳза ҳам туролмайман энди. У ерга етиб боргунимча бир неча кун керак бўлади.

Садияда тошқин бўлибди ва Боложий ҳозир ўша ёққа йўл оляпти деган хабар шаҳарга яшин тезлигида тарқалди. Буни эшитиши ҳамон минглаб одамлар Боложийни кузатиб қўйиш учун уйдан чиқиб келди. Соат тўққизга яқин ҳовлида йигирма беш минг одам оломон бўлиб бир жойга тўпланди.

Ҳар бир одамнинг оғзида Садия фожиаси. Одамлар жабр кўрганларнинг аҳволига ҳамдардлик ва ачиниш изҳор қилиб, рўзнамаларда чоп этмоқда эдилар. Юзлаб одамлар Боложий билан бирга боришга аҳд қилди. Садияликларга ёрдам кўрсатиш учун бир жамғарма очиш тўғрисида маслаҳатлашиб олинди.

У ёқда Дҳарамсинҳ ичкари ҳовлида шаҳарнинг бообрў хотинларини Сувомага ташаккур айтиш учун бир йигин ташкил этган эди. Кенг уй хотинлар билан лиммо-лим эди. Энг аввал Виржан бир неча хотин билан биргаликда бир диний қўшиқни бошлади. Унинг кетидан барча аёллар тўп бўлиб куй ва қўшиқлар билан садақалик баркашларини кўтарганча Сувоманинг уйига келишди. Севгий билан Чандра меҳмонларни кутиб олгани олдиндан ҳозир турар эдилар. Сувома хотинлар билан битта-битта кучоқлашиб кўришди ва сизларнинг ҳам бағрингизда мана шундай солиҳ фарзандлар ўйнаб-кулсин деб дуо қилди. Сўнг Раний уни гул сочиб тавоф қилди ва куй-қўшиқ давом этди. Модҳавийнинг чехраси гул-гул ёнарди. Кун-кечаги ғам-андух ва паришонликдан асар ҳам йўқ эди: орзулар турган-битгани оғу бўлади. Ўша орзулар уни кеча кўз ёши тўқдирганди. Бугун эса юраги ўша орзулардан мосуво. Шунинг учун унинг чехрасидан нур ёғар ва кўзлари шодликдан чақнар эди. Орзуларга тўла ҳаётининг бир кунлик гамига чидаёлмаган ўшандай фариштасифат аёл энди орзуларсиз ҳаёт кечиришга азму қарор этганди. Куй-қўшиқлар бутун танобий уйни тўлдириб яйраб турганида бирдан Садия фожиаси хабари бу ерга ҳам етиб келди ва рожа Дҳарамсинҳ эълон қилиб деди:

— Сизлар Боложийни кузатишга тайёр бўлиб туринглар, ул зот ҳам Садияга кетяптилар.

Буни эшитиб, ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетди. Сувома ҳалпиниб ўрнидан турди ва худди Боложийни тўхтатиб қолмоқчи

¹ И н ч — узунлик ўлчови, тахминан 1,5–2 см.га тенг.

бўлгандай эшик томон отилди. Унга кўшилиб барча хотинлар ўрнидан турди ва унга эргашиди. Виржан деди:

– Холажон, улар билан ҳозир хайрлашмоқчимисиз? Ҳали улар ўз хоналарида-ку.

Сувома: – Мен уни ҳеч қасққа қўйиб юбормайман. Хайрлашишни тушида кўрсин.

Виржан: – Улар Садияга бормасалар бўлмайди.

Сувома: – Садиянгизни бошимга ураманми? Ер ютсин Садияни. Мен ҳеч ким бўлмай қолибманми? Онанинг фарзандида ҳеч қандай ҳақи йўқми?

Виржан: – Худо ҳақи, ҳозир бундай гапларнинг мавриди эмас. Минглаб одамлар фақат ул зотга ишониб яшаяпти. У киши бормасалар, қиёмат бўлди деяверинг.

Оналик меҳри инсонийлик ва инсоний бурчдан устун келмоқда эди. Бироқ Виржан тушунтира-тушунтира бир амаллаб уни тўхтатиб қолди. Сувома гап нимадалигини англаб, ўзига келгач, энди пушаймон бўла бошлади. Нега бундай қилдим, ўзим ҳам билмайман дея хижолат тортди.

Раний сўради:

– Виржан! Боложийга ким гулчамбар тақади?

Виржан: – Ўзингиз-да.

Раний: – Сиз турганда менга ким қўйибди...

Виржан: – Мен уларнинг манглайларига хол сураман.

Раний: – Модҳавий қаерда?

Виржан: – (оҳиста) Унга тегма. Шўрлик ўзи билан ўзи бўлиб ётибди.

Шу орада Боложий ташқарига чиқиб келди. Хотинлар ҳам унга томон ошиқишиди. Боложий онасига қаради ва унинг яқинига келиб, хоки пойини олди. Сувома уни кўтариб турғазди ва бағрига босди. Бир нима демоқчи бўларди-ю, бироқ ҳаяжондан тили калимага келмаётганди. Бўйнига тақиб қўяй деб Раний гулчамбарни олиб келди. Бироқ оёқлари қалтираб, тўхтаб қолди. Виржан тутатқили баркашни олиб келди, бироқ кўзларидан баҳор ёмғиридай дув-дув ёш тўкилди. Шунда Модҳавий борди. Унинг кўзлари муҳаббатдан ёнар, икки юзи чўғдай қизил эди. Лабларида майин табассум ўйнар, юраги қафасдаги қушдай типирчиларди. У Боложий томонга чексиз муҳаббат тўла нигоҳини қадади, сўнг бошини эгганча гулчамбарни оҳиста унинг бўйнига тақди, манглайига хол суртди. У ҳамманинг шоҳидлигида севгилиси бўйнига гулчамбар тақишни орзу қиларди, бугун шу орзуси ушалди. Боложий чуқур хўрсинди. Хаёлида тубсиз муҳаббат уммонида сузиб кетаётгандай бўлди. Қўлидан лангар чўпи тушиб кетиб, тўсатдан сувга қулаган одамдай, у Модҳавийнинг қўлидан ушлаб олди. Ҳайҳот! У ёпишган чўпнинг ўзи ҳам ишқ тўфони ичра шиддат билан оқиб кетаётган эди. Боложийнинг қўли тегиши билан Модҳавийнинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Шамол эпкинидан гул япроғига қўнган шабнам ерга тушгани каби, Модҳавийнинг кўзларидан ёш томчилари Боложийга тақдим этган севги инъоми эди. Бугундан бу кўзлар бошқа йиғламайди.

Осмонда юлдузлар битта-битта милтиллай бошлади. Бугунги тонг Боложийни қарши олиб, хотинлар: “Хуш келибсиз, Боложий, Боложий” деб шўх-шан овозда қўшиқ айтган бўлсалар, энди эса:

“Яхши боринг, Боложий, Боложий”, дея уни хаста ва маҳзун овозда кузатиб қўймоқда эдилар.

Келиш қанчалик муборак бўлса, кетиш ҳам худди шундай хайрли бўлди. Боложийнинг келиши муносабати билан одамларнинг кўзидан

қанча ёш тўкилган бўлса, унинг кетиш чоғида ҳам кўзлар озмунча намланмади. Кеча бу кўз ёшлар меҳмонни кутиб олиш учун тўкилган бўлса, бугун меҳмон билан хайрлашгани тўкилаётганди. Бу кўз ёшларнинг рангу шакллари бир хил бўлса-да, аммо улар ўртасидаги фарқ гоят катта эди.

26. МАСТОНА ҲУР ҚИЗ

Модҳавий ўзи азалданоқ сўлгин гунча эди. Фамлар уни тупроққа қориб ташлади. Йигирма яшар зоҳида қиз ҳур қизга айланди. Ҳур қизнинг кўрган куни қурсин, на кўнглидаги биронта орзуси ушалди, на шум қисмат унинг ўн гулидан бир гулини очирди. Унинг севгиси поёнсиз уммонга ўхшарди. Унда шундай бир даҳшатли тўлқин кўтарилдики, ҳаётидаги барча орзу-умидларини чил-парчин қилиб ташлади. Модҳавий ҳур қизлар қийимини кийиб олди. У дунёвий занжирлардан халос топди. Дунё эса мана шу орзу-умидларнинг иккинчи номи. Орзу-умидлари тушкунлик гирдобига маҳв бўлган одамни ёруғ дунёда яшайпти деб айтиш жуда-жуда қийин.

Мана шу севги кайфидан сармаст ҳур қиз сира бир жойда қўним топмасди. Гулнинг бўйи сингари кўчиб юрар ва севги ҳақида тинмай шеър уфаллар ўқирди. Оч қизил либос унинг қовжироқ баданига жуда ярашиб турибди. Муҳаббатнинг бу тимсолини кўриб, одамларнинг кўзидан ёш томчилай бошларди. У ўзининг вийна — қўшқорин торида чертиб биронта қўшиқни куйлай бошлаганида эса тингловчиларнинг қалбида гўзал туйғулар жунбушга келар эди. Ундаги ҳар бир сўздан ишқ шарбатининг тотти келиб турарди.

Мастона ҳур қиз Боложийнинг исмини такрорлашни яхши кўрарди. Ўзининг шеърларида кўпинча шуни тараннум этарди. Ҳур қизлик либосига кириб олган ва уят-пуятни йиғиштириб, элга ўз муҳаббатини ошкор қилган кундан бошлаб у бамисоли булбулигўё бўлиб кетганди. Унинг ширадор шеърларини тинглаш учун одамлар юзлаб чақирим жойлардан пойи-пиёда келар эдилар. Найчи (Кришна)нинг овозини эшитиб, подачи қизлар уйларида безовталаниб чиқиб келганлари каби, бу ҳур қизнинг таронасини эшитганлари ҳамон тингловчилар оҳ тортиб юборар эдилар. Унинг битта шеърини тинглаб, бир паймона тўла май нўш этганчалик лаззат топар эдилар.

Бу ҳур қизнинг ҳеч ким қулиб ё йиғлаб турганини кўрган эмас. У на бир нарсдан хурсанд бўларди, на бир нарсдан хафа. Кўнглида битта ҳам орзуси бўлмаган одам нимадан қулиб, нимадан йиғласин? Унинг шаклу шамойили, юз-андоми фараҳ тимсоли эди. Унга кўзи тушган заҳоти қаровчиларнинг кўзлари ҳам илоҳий бир севинчга тўлиб кетар эди.

*Ҳиндий тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛА
таржимаси*

Эльфреда ЕЛИНЕК

Сўзларим – болаларим

Биз реал воқеликни унга мослаб мулойимлик билан ёза оламизми? Бу усул жуда яхши-я, лекин бу ҳолда менга нима бўлади? Воқеликни битмай-диганларга-чи? Ахир, воқеликнинг сочлари тўзгиган, ҳурпайган. Биронта тароқ йўқки, чиройли қилиб тараб қўйсанг! Шоирлар ва ёзувчилар унинг кокилларида тортқилаб, умидсизлик билан турмаклаб қўймоқчи бўладилар, лекин силлиқланган воқелик уларнинг тушларида даҳшат бўлиб кўринади. Шу кунларда воқеликнинг қиёфасига нимадир бўлган ўзи. Тепага тараб, минорага ўхшатиб боғланган сочлар мафтункор орзулар қасрига ёпишмайроқ турибди ва воқеликнинг шокиллари ўзининг ўжарлигини билдириб қўяпти. Улар турмакдан чиқиб кетиб, юзни беркитиб ташлаяпти, тартибга келтирмоқчи бўлган кучларга бўйсунгиси келмаяпти. Гоҳо бу ўжар сочлар даҳшатдан тикка бўлиб кетаяпти – атрофида шундай ишлар бўлаяптики! Уларни ҳеч жилволаб бўлмаяпти. Ҳеч қанақасига бўйин эгмайди! Кемтик тароқ билан қанча сийпаламагин, натижа ўша-ўша! Ҳатто олдингиларидан беш баттар!

Биз нималар бўлаётгани ҳақида ёзамиз, ёзган нарсаларимиз қўлимизда туриб, эриб кетади, худди ҳаётимиздан олиб, бўлаётган воқеаларни тасвирлашга сарфлаган вақтимиз бармоқларимиз орасидан оқиб тушаётгандек. Ва ҳеч ким бу йўқотишлар ҳақида, ўлаётган вақтимиз ҳақида қайгурмайди. На тириклар қайгуради, на ўлган вақтлар; марҳумлар ҳақида гапирмасқ қўййлик. Ёзиш учун кетган вақт бошқа ёзгувчиларнинг китобларига суқилиб кириб олган. У ҳамма нарсага, бир йўла қодир, ахир у – вақт-да! У сенинг ишинга ҳам, бошқаларникига ҳам суқилиб кира олади, бошқалар қўққайтириб қўйган паҳмоқ турмаклар устига ағдарилади, гўё реал воқелик томондан қутилмаганда эсанг ёқимли, лекин ғазабнок шамол. Шамол ўзи ортидан ҳамма нарсани эргаштириб, жон-жаҳди билан эсади. Ҳамма нарсани жойидан юлқиб олиб, қаёқларгадир олиб қочади, фақат акс эттирилиши лозим бўлган воқелик томонга эмас. Қаёққа

Эльфреда Елинек австриялик ёзувчи, замонавий немис адабиётининг кўзга кўринган намояндаси. Вена ва Мюнхен шаҳарларида яшайди ва ижод қилади.

Отаси чех-яхудийлари авлодидан, кимёгар, иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий корхонада ишлаган. Онаси веналик таниқли оила фарзанди.

Бўлажак адиба болалигидан мусиқий тарбия олган. Вена консерваториясида ўқиган. Вена университетини «Театр ва санъат тарихи» ихтисоси бўйича тамомлаб, мусиқа билан шугулланишда давом этган. Ёшлигидан адабиётга қизиққан. Аввалига шеърлар битган, кейин университетдаги ижтимоий ҳаракатларда фаол қатнашиб, асарларида ҳаёт муаммоларини маҳорат билан ифодалаган.

«Севишганлар» (1975 й.), «Инкор этилган» (1980 й.), «Пианиночи аёл» (1983 й.), «Шаҳват» (1989 й.), «Ўликларнинг болалари» (1995 й.), «Очкўзлик» (1999 й.) каби романлар, «Клара Ш» (1982 й.), «Ҳирс ёки очиқ йўл» (1986 й.), «Булутлар. Уй» (1988 й.), «У ўзига ўхшамайди» (2000 й.), «Альида» (2002 й.), «Ўлим ва қиз» (2003 й.) каби драмалар муаллифи.

1946 йилнинг 20 октябрида Австриянинг Мюрцшлаг шаҳарчасида туғилган. 2004 йили Нобел мукофотида сазовор бўлган.

Адибанинг асарлари жаҳоннинг кўп тилларида таржима қилинган, улар асосида кинофильмлар ишланган, йигирмага яқин миллий ва ҳалқаро адабий мукофотларга сазовор бўлган.

Эътиборингизга бир оз қисқартириб ҳавола қилинаётган маъруза русчадан ўгирилди. Ушбу маъруза бошқа Нобел маърузаларидан ифода услуби жиҳатидан фарқ қилади. Маърузани адибнинг сўзга, дунёга, одамларга муносабати рамзий талқин қилинган бадиий асар дейиш мумкин.

бўлса бўладики, фақат воқеликка эмас... Шоир реалликни қаёқданам билсин; воқелик унинг ичига сўраб ўтирмай ёпирилиб кириб олади, қаёқларгадир тортқилаб кетади, нукул четга тортади. Тўғри, ўша томонлардан шоир ҳамма нарсани аниқ-тиниқ кўра бошлайди, лекин аини пайтда, реалликнинг йўлларидан четларда қолиб кетади. Бу йўлларда унга ўрин йўқ. Унинг ўрни доим ташқарида. Ўша ёқларда туриб айтганларига бошқалар қулоқ тутишади. Шунинг учун ҳам қулоқ тутишадикки, унинг мулоҳазалари икки маъноли. Шундай қилиб, олдимизда икки хил фикр пайдо бўлади, иккови ҳам маъқул, тўғри ва атрофимизда умуман ҳеч қанақа воқеа содир бўлмагандек таассурот қолдиради, иккови воқеани турли маъноларда талқин қилади, икковиям шундай чуқурликка қазиб кириб кетадики, тароқнинг синган тиши каби етишмаётган, аллақачон йўқотилган далилни қидириб топмоқчи бўлади. Ёки – ёки. Ҳақиқат ёки ёлғон. Эртами, кечми шундай бўлиши керак, чунки унга асосланиб ҳеч нима куриб бўлмайди. Тубсиз жарлик устига нимаям куриб бўларди! Уларнинг нигоҳи тушадиган ҳамма нарса кам-кўстли, тутқич бермайди, шоирлар шунақа нарсаларга ёпишиб олишга беҳуда уринадилар, ва унинг устига бир нарсалар қурмоқчи бўладилар, гарчи ўшасиз ҳам яшаса бўлади. Улар, ҳамма нарса қандай бўлса, шундайлигича қолдиришлари мумкин эди, шундай қиладилар ҳам! Улар ҳеч нимани йўқ қилмайдилар; гира-шира нигоҳ билан кўрадилар, гарчи бу нигоҳ ҳуда-беҳуда нарсаларга тушмаса ҳам. Уларнинг нигоҳи нақд нишонга тегади. Ва бу нигоҳ қадалган нарса, ҳодиса бизга нималарнидир айтиб беради, сўнгги нафасини чиқариб сўзлайди, гарчи унга шундоқ бир қараб кўйдилар ва ҳали жамоатчиликнинг ўтқир нигоҳлари унга қадалганича йўқ; шоирнинг нигоҳи тушган нарса, ҳодиса, «биттагина тасвирнинг қурбони бўлмаганимда бошқача кечган бўлардим» деб айтмайди. У сукут сақлаш аълороқ бўлган нарсаларга (ахир, бу ҳақда устомонлик билан гапириш мумкин эди-да!), ҳамма вақт мавҳум қоладиган ва асоссиз нарсаларга гувоҳлик беради. Кўпчилик бундай мубҳамликларга кўкрагигача ботиб кетган. Ҳудди оқар қумда сузиб юргандек; гўёки у сузишга ёрдам беради! Бундай ҳодиса тагида қаттиқ замин йўқ, бироқ буни «заминсиз» деб бўлмайди. Унда сабабий боғланиш йўқ; у ҳар нарса, ҳеч ким унга етишишни орзу қилмайди...

Ёзувчи ташқарида туради, унинг нуқтаи назари, гарчи у ҳаётгий чегаралардан ташқарида бўлса ҳам, ҳаётга хизмат қилади, акс ҳолда биз тўлиб-тошган инсоний ҳаётнинг ўртасида, юрагида турмаган бўлардик; ва ёзувчи четдан туриб, бошқа жойларда, ўзидан узоқ ерларда юз бераётган ҳаётни кузатади. Ҳаёт сен йўқ ерларда юз берапти. Кимдир юриб бораётган йўлини – ҳаёт йўлини, ҳаётгий йўлини йўқотиб қўйган бўлса, қойиш керакми? Ахир уни туртиб юбордилар, йўлидан супуриб ташладилар, бунинг сабаби – бардоши етмаганлигида эмас, атрофдагиларнинг зуғумини кўтаролмаганида, бу оғир юкни, ҳаёт юкни кўтаролмаганида эмас, шунчаки, тасодифан супурилиб кетди; худди пояфага инган чангни, уй бекаси бешафқат курашадиган чангни артиб ташлаганидек; гапнинг сирасини айтганда, бу шафқатсизлик ерликларнинг келгиндиларга муносабатичалик бўлмас. Бу қанақа чанг экан ўзи? У радиоактивми ёки шунчаки актив? Шунинг учун ҳам сўраяпманки, у ўзидан кейин ғалати нурланадиган из қолдиради. У ёзувчидан четларда югуриб кетаётганини билдириш учун белги қолдирадими (ёзувчига ҳеч қачон яқинлашмайдиган йўлни белгилайди) ёки ёзувчининг ўзи чегаралардан чиқиб, йўлнинг ёнидан ўтиб кетадими? Нариги дунёга кетганича йўқ, бироқ нукул четлашаверади. Ўша томонларда туриб бошқаларга қарайди, айтганча, бошқалар ҳам бир-бирларига нисбатан ўзгача, турли-туманлиги билан ўзгача; ва у, уларнинг ўзига яраша бир хиллигидаги ҳархилликни кўрсатиш ва шакллантириш учун қарайди; ахир, шакл – муҳим нарса, демак, у ўша ёқларда туриб буларни кузатгани қулайроқдир-да? Бироқ, улар бунинг (ёзувчининг) ботирлигини кечирмасдан, эшигига бўр билан ёзиб кетадилар, демак, унинг йўли нурланадиган кукун билан эмас, эшикдаги бўр чизиқ билан белгиланар экан-да? Нима бўлганда ҳам бу белги бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсани очиб ташлайди ҳам, ўзи қолдирган изни пухталаб чаплаб ёлиб ташлайди ҳам. Гўё бу дунёда умуман бўлмагандек. Шунда ҳам у нима бўлганини билади. Бу ҳақда у телеэкрандан эшитган, қонга бўялиб, оғриқдан буришган юзлардан кўрган, қуюқ грим чапланган ва кулаётган юзлардан кўрган, телешоу олиб борувчининг саволларига ҳамма вақт тўғри жавоб берадиган силикон лаблардан

ўқиган, бунга алоқадор, ҳеч қанақа айби йўқ, лекин табиатига кўра ҳеч қачон оғзини ёпмайдиған аёлларнинг қўққисдан ўрнидан туриб кетиб, кўйлагини ечиб таранглапти келган кўкракларини телекамера олдида намойиш қиладиган аёлларнинг (илгари эркаклар таранг мускулларини намойиш қилишарди) лабларидан ўқиган. Яна юзлаб бўғизлардан, сўзлари оғизларидан чиқаётган сассиқ, фақат янада кучлироқ гупиллаб ураётган хидга ўхшаб отилиб чиқаётган бўғизлардан эшитган. Мана у, бу йўлда агар кимдир бор бўлса, кўриш мумкин бўлган нарса! Лекин сен бу йўлдан, йўлга йўл бериш учун тушасан. Унга сен узоқдан, бир ўзинг ёлғиз турган жойлардан қарайсан ва буни мамнуният билан қиласан, чунки йўлга қараш мароқли, лекин ундан юргинг йўқ. Бу йўлдан қандайдир шитирлаган товушлар эшитилади. Афтидан, у нафақат кескин ёруғлик ва одамларнинг қаттиқ овозлари, балки шитирлаш билан ҳам ўзига қаратиб хабар бераётгандек. Наҳотки, юриш мумкин бўлмаган йўл, ҳеч ким унда сайр қилмаётганидан кўрқадди, ахир, атрофда содир бўлаётган ва узлуксиз давом этаётган бемаъни ишлар: қийнашлар, жиноятлар, ўғирликлар, зўравонлик, дунёнинг тақдирини бичаётгандаги мажбурий шафқатсизликлар шунчалар кўпки! Йўл буларнинг барига бефарқ қарайди. У ҳамма нарсани ўз елкасида, гарчи таги пуч бўлса ҳам бутун қатъияти билан кўтариб юради. Ассосиз, омонат тарзда. Мен илгари ҳам айтганман, сочларим тикка бўлиб кетади, ҳеч қанақа лок уни ётқизолмайди. Менда ҳам қатъият йўқ. На ичимда, на ташимда! Чеккада турган пайтингда бир қадам, бир қадам чекинишга, шундоқ оёқларинг тагидан бошланадиган тубсиз жарга сакраш учун доим тайёр бўлишинг керак. У ёқда, янаям чеккаларда қопқон бор, у ўз қурбонини пойлаб ётибди, сени ўпқонига тортиб кетишни кутиб, оғзини қатта очади. У сени жалб қилиб, ичига тортиб кетади. Йўқ, мен у йўлни, ўзим қадам ташламаган йўлни кўздан қочиришни истамайман. Мен уни тасвирлашни, аниқ ва ҳаққоний тасвирлашни хоҳлайман. Модомики, мен унга қараб турган бўлсам, демак бундан бир нима чиқиши керак. Бироқ, бу йўл мени аяб ўтирмайди. У менга танлаш имкониятини қолдирмайди.

Нима қилишим керак? Йўлдан юришнинг ўзи менга эришиб бўлмайдиган иш, айни пайтда ундан нари кетолмайман. Мен илгариги жойимда турган кўйи, кетаман. Лекин у ерларда ҳам, ишонарли бўлиши учун, ўзимнинг чорасизлигимдан, оёқларим остидаги омонат заминдан ҳимоя зарур. Ёнимда, мени нафақат ҳимоя қилиб, балки умид бағишлаб сўзларим кетяпти; тўғри иш қиляпманми, йўқми, воқеликни қанчалик ҳақиқий бузиб тасвирлайман — текширади. Ахир, менинг сўзларим воқеликни ҳар доим нотўғри тасвирлайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас, бироқ улар шундай тасвирлайдики, ўқиган ё эшитган одам, нотўғри эканлигини дарров сезади. Улар алдайди-да! Менинг сўзим, шоирона тилим — кўриқчи ит. Мени кўриқлаши керак, шунинг учун уни боқаман, лекин у қутилмаганда ўзимга ташланиб қолади. Кўриқчи итим ўзимни тишлаб олмоқчи бўлади. Менинг яккаю ягона, бошқалар менга лой чаплашига йўл қўймайдиган ҳимоячим, ўзимдан бошқа ҳамма нарсани тасвирлаш учун мавжуд бўлган тилим, сўзларим — ягона ҳимоячиларим, энди ўзимга қарши чиқяпти. Бировлар мени ёзиб ташламаслиги учун ўзим варақ-варақ қоғоз қоралайман. Наҳотки сўзлар менга ҳимоячидек кўриниб, ўзимга ҳужум қилиш учун берилган бўлса?! Мен сўзларда, ёзувларимда ҳимоячини қидирган эдим, энди бўлса, ҳаракати ва оҳанглари билан ишончли таянч бўлиб туюлган ҳамроҳларим — сўзларим ўзимга қарши чиқиб турибди. Бунда ҳайрон бўладиган ҳеч нарса йўқ. Ахир, ўзим уларга ҳеч қачон ишонмаганман. Ва бу қанақа ниқоб бўлдики, сени кўринмас одамга айлантириш ўрнига, аксинча, борган сари аниқроқ ошкор қилиб ташлайверса?!

Менинг сўзларим гоҳида бу йўлга тасодифан тушиб қолади, лекин ҳеч қачон ортага қайтмайди. Сўзлар билан ифодаласам, бу жараён, умуман, ихтиёрий эмас, хоҳлайсанми, йўқми, беихтиёр ихтиёрий. Сўзлар нима истаётганини ўзи билади. Уларга яхши. Мана, мен, масалан, исмларни билмайман, улар менга қоронғи. Гапириш, умуман ҳар қанақа нутқ, у ерда ҳаёт йўлида тўхтовсиз изҳор қилинади, на боши бор, на — охири, бироқ буни, мен айтиладиган сўз деёлмайман. У йўлда турганларнинг нутқлари чексиз, чунки ҳеч ким тўхташни истамайди, улар шунчалик банд халойиқ. Улар ўша ёқда — йўлда. У ерларда мен йўқман, сўзларим бор; гоҳо мени ташлаб кетадиган ва одамларга етиб борадиган; бироқ ҳаммага, ҳақиқий, реал одамларга баб-баравар эмас; мандан қочиб йўлда,

кўзга аниқ ташланадиган кўрсаткичлари бор (бунда ҳеч ким адашиб қолиши мумкин эмас!) йўлда кетаётган сўзларим; худди видеокамера сингари одамларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатадиган, ҳеч бўлмаганда, ҳаёт деганлари нимаю, қанақа эканлигини билишга интиладиган сўзларим, айни уларни кузатаётган пайтларида сўзларим ўзлигини йўқотиб қўяди. Кейин улар кўрганларини, энди «ҳаёт» деб бўлмайдиган нарсаларни тасвирлашлари керак. Кимдир, масалан, профилактик кўрикдан ўтиб келишим керак, дейиши мумкин. Ва тўсатдан гапининг оҳанги жиддийлашиб қолади, худди биронта сўз айтишдан бош тортсаммикан, деяётгандек... У тарафларда нима бўлишидан қатъи назар, сўзларим мендан қочади, ёлғиз қоламан. Сўзлар тарқаб кетади. Мен йўлдан четда қоламан. Ташқарида. Ва сўзларим бегона йўлларда тентираб юришади.

Йўғ-а, тўхтанг-чи, улар ҳалиям шу ерда экан! Наҳотки, ҳеч қаёққа кетишмаган, ким билан куч синашсам экан, дея мўлжал қилиб туришган бўлса? Ана, менга қарашди ва ўша заҳоти жиловлаб олишди. Мен билан чавандоздек муносабатда бўлишяпти, ҳукмини ўтказмоқчи, мени ёмон кўришади. Улар йўлларида учрайдиган илтифотли одамларга хушомад қилишади, эгасиз қолган итдек орқасидан эргашиб, итоатгүй бўлишади. Аслида улар кўрс, нафақат менга, бошқа ҳаммага ҳам қулоқсизлик қиладилар. Ўзига хон, ўзига бек. Тунлари овозлари борича қичқирашади, ахир, кимдир фақат қуёшдан (электр симидан эмас) қувват олиб ёнадиган фонусларни йўл ёқаларига териб қўйишни, улар дайдиб юрадиган сўқмоққа дурустроқ ном беришни унутиб қўйган. Тўғри, бу йўлакнинг номи шунақанги кўпки, ўзингча бир ном беришга ҳам қийналасан. Қичқираман, югураман, ўз бурчагимда туриб бақираман, у дунёга кетганларнинг қабри тепасида туриб оёқларим билан ер тепинаман, ахир мен йўл четидан елиб кетаётган бўлсам, қаерга қадам босаётганимни, оғир товонларим билан нималарни топтаётганимни билмасам; сўзларимни қабул қилиб, мен томонга ҳақоратомуз кулиб қараб қўётганлар томонга интиламан. Улар билишадикки, мен бу ҳаётимдан бир марта бўлсин, мамнун бўлсам, ўша заҳоти бошимдан бир челақ сув ағдаришади. Муздек сув билан олдин ўзимга келтиришади, кейин яхшилаб тузлашади. Майли. Ўзим, одамлар юрадиган йўлақларга туз сепиб юраман, сиқимлаб-сиқимлаб сепаман, йўлларнинг музи эрисин дейман, сўзларимнинг оёқлари остида ишончли замин қолмасин, дея атрофга сочаман. Шундоғам улар аллақачон заминсиз, асоссиз. Уларнинг сурбетлиги шунчалик асоссиз! Модомики, ўзим ишончли заминда эмасман, сўзларим учун заминга йўл бўлсин! Баттар бўлсин! Нега улар мен билан у ёқда – чеккада бирга қолишмади, нега мени ташлаб кетишди? Мендан кўра кўпроқ нарсаларни кўргилари келдимиз? У томондаги асосий йўлдан, ёқимли одамлар кўп, бир-бирлари билан у ёқ-бу ёқдан мулойимгина валақлашиб юрадиган одамлар билан лик тўла йўлдан юргилари келган. Мендан кўра кўпроқ нарсаларни билгилари келдимиз? Шундоғам улар мендан кўра кўп нарсани биладилар, йўқ, яна ва яна кўп билишни истайдилар. Менинг сўзларим, атрофдаги ҳамма нарсани ўзига сингдирадиган сўзларим, қарабсанки, ҳалок бўлишади. Улар ўзига воқеликни сингдиравериб-сингдиравериб бўкиб қолади. Ажаб бўпти!.. Лекин улар қусишни билишмайди, ҳамма нарсани ҳазм қилаверишади. Сўзларим мени чақирашади, мен томонга – йўлдан четга қараб қичқирашади, ўзимни кўрмай туриб, таваккалига қичқирашади ва нишонга тегишлари ҳам мумкин, ахир, улар оғзига келганини айтиб эмас, Хайдеггер айтганидек (Тракл ҳақида) «берувчининг жиддийлиги» билан гапиришади. Улар чорлашади, мени узоқдан чақирашади, энди бу ҳаммага маълум, ҳар кимнинг қўлида тайёр сўзлар жойланган жажжи қутича бор, нималарни гапиришни билишади, ахир улар бекорга ўқишибдимиз? Сўзларим мени чақирашади, мен эса қопқонга тиқилиб қолганман, мен ҳам қичқираман, оёқларимни ожиз қимирлатаман, қолаверса, йўқ ҳаммаси бошқача – сўзларим мени чақирашмаяпти, улар мени ташлаб қочиб кетишган-ку, шунинг учун телефон орқали қўнғироқ қилишга мажбур, энди нақ қулоғимга қичқирашади; мени пейзаж орқалими, уяли телефон орқалими топишади-да, тўппа-тўғри қулоқларим ичига шундай бақирашадикки, жавоб беришга ҳожат қолмайди, ўзлари мен учун жавоб бериб қўя қоладилар; ва мен улар айтган гапларни такрорлашим керак; ахир шундай илтифотли, ишонса бўладиган одам билан бир кун келиб охиригача гаплашиш

ва шунчаки валақлашиб олиш, янада беъманилик бўларди, чунки у қоқилиб тушди, тезда оёққа туриб, кимнингдир ортидан чопқиллаб кетолмайди. Ҳеч қанақа маъно йўқ. Сўзларим у ёқда – тепада, қулай йўлакда туриб гаплашишяпти (биламан, уларнинг йўлаги меникидан кўра қулайроқ, мен умуман, йўлга қараб ўтирмай дайдийвераман, қолаверса, мен уни аниқ кўрмайман, биламанки, мен ҳам шу йўлакда юргим бор), демак, мендан узоқлашиб кетаётган сўзларимнинг гаплари, уларнинг охиригача гаплашиб олишга уринишлари бўлиб чиқади-да...

Сизлар мендан нари кетиб, олға юришимга имкон яратиш учун сўзга айлангансизлар, шундай эмасми, ахир? Бироқ бунда ҳеч қанақа кафолат йўқ. Сизлар эса, билишимча, умуман ҳеч нарсага кафолат беролмайсизлар. Менга қаранглар, сизларни таниёлмаяпман. Сизлар ўз ихтиёринглар билан менга қайтмоқчимисизлар? Мен эса сизларни қабул қилмайман, вассалом! Бунга нима дейсизлар? Қўлдан чиқди – йўқолди. Кетгани қайтариб бўлмайди. Ва агар менинг хаёлпаршонлигим, доимий ҳозир бўлмаслигим, муттасил четда туришим, ҳаммаси биргалашиб, сўзларимни қайтариб олишимга ундасалар, улар менга қайтиб ишончли паноҳ топиб оладилар, уйига қайтгандан хурсанд бўлишиб, ўзларини ажойиб товушлар билан ифода эта бошлайдилар-да, пировардида, шу товушлари, кулоқларни тешиб ўтадиган, қаттиқ ўкирадиган сиреналари билан мени янада четга суриб қўйган, борган сари узоқ-узоқларга элтиб ташлаган бўлардилар. Ўзим дунёга келтирган ва қачонлардир мендан қочиб кетган сўзларим (балки, мен уларни, тезда қочиб кетишлари учун дунёга келтиргандирман, чунки ўзим, вақтида ўзимдан қочиб кетолмаганман) энди, орқага бир тисарилиб олиб, мени чекка маконларга сиқиб чиқармоқчи бўладилар. Сўзларим роҳатланиб кўлмакда, йўлдаги кичкинагина, вақтинчалик мозорда типирчилайдилар, нигоҳларини «ҳаво кенгликларидagi мозор»га қадайдилар, эгасига ёқмоқчи бўлган ҳайвон боласидек эркаланиб, оёқларини осмонга қилиб ётиб оладилар, ҳар қандай одобли сўзлар каби ёқишни истайдилар, қорнимни силаб қўйишармикин дегандек интиқ бўладилар; бошқа нимаям керак уларга? Эркалатишларини жуда яхши кўрадилар. Шунинг учун ҳам улар марҳумларга қарашмайди; бу – менинг ишим, менга юклатилган вазифа. Лекин сўзларим – атрофимда гирдикапалак бўлиб, уялмай-нетмай, силаб-сийпалаб қўйишимни кутиб юрган сўзларим менга боғланиб туришларини кузатиш учун вақтим йўқ. Гап шундаки, мен қараб туришим керак бўлган марҳумлар жуда кўп: бизда – австрияликларда «кимгадир қараб туриш» дейилганда, гамхўрлик қилиш тушунилади. Мен улар билан яхши муомала қилишим керак, ахир бизни машҳур қилиб турган нарса ҳамма билан яхши муомалада бўлиш-да! Ташвиш қилманг, бутун дунё аллақачондан бери бизни кузатиб турибди. Бу ҳақда ўзимиз ташвиш қилишимизга ҳожат йўқ. Бироқ ичимда, марҳумларга қараб туришга даъват қанчалик баланд жарангласа, ўз сўзларимни камроқ кузатаман. Мен марҳумларга қараб юраман, қандайдир бекорчи маишатпарастлар менинг меҳрибон, ёқимли сўзларимни силаб-сийпаб қўяди, бироқ бундан марҳумлар тирилиб қолмайдилар. Ҳеч ким айбдор эмас. Ва мен ҳам, ичим бошимдаги тўзгиган сочларим каби вайрон, мен ҳам марҳумлар тирилмаётгани учун айбдор эмасман. Сўзларим у ёқларда – йўлларда хушомадгўйлик қилиб, бегона қўллар олдида бош эгишдан тўхташини, гарчи бу қўл теккизишлар улар учун ёқимли бўлса-да, бас қилишларини шундай истардимки! Улар бировларга зорланиб ва талаб қилиш ўрнига, ўзлари мужассамлашган талабга айланишларини, пировардида, бегона эркалашларга бўйсунмасдан ўзимга қайтинглар, деган талабларимга бўйсунишларини жуда-жуда истардим. Сўзлар шунақа, эгасига бўйсунishi керак, лекин улар бун билмайдилар, менга кулоқ солмаслиги шундан. Бўйсунишлари керак, чунки уларни ўз боласидек кўтарган кишилар (сўзларга меҳрибончилик қилсанг, улар ҳам шунақанги мулоим бўлиб қолишадики!) бўйсунишмайди, аксинча – буйруқ беришади. Сўзларни ўз ихтиёри билан мулоқот доирасига киришга чақирадиган шиорларни ёққан, парча-парча қилиб йиртган, йўқ қилиб, байроқларини ўзлари билан олиб кетган кишилар кўп. Мана, шунақа. Қанча кўп одам менинг сўзимга кириб, уларнинг қорнини силаса, тукларини пахмайтирса, ишонувчанлигига қараса, мен улардан қоқилиб-сурилиб шунча нари қочаман; мен сўзларимни бир умрга йўқотдим, уларга мендан кўра яхшироқ

муомала қиладиганларга бердим; деярли учиб бораяпман; мен уларнинг ортидан қувишим лозим бўлган йўл қани, ўзи! Қандай, қаёққа ва нима учун югуришим керак? Мен иш қуролларимни жомадондан чиқаришим мумкин бўлган жойга қандай қилиб бораман; қолаверса, асбобларимни ўша заҳотиёқ жойига қайтиб солишим керак. У ёқ – нариги томонда, шоҳ-шаббалар орасидан кучсизгина нур кўринади: менинг сўзларим бировларга аввал суйкалиб, кейин ўзи уларни аллалайдиган ва ниҳоят, ўзлари ҳам аллаланадиган жой ўша ермиди? Ёки улар яна чақиб олишга шайми? Уларга чақиш бўлса! Буни ҳали ҳеч ким билмайди, мен-ку яхши биламан, улар менда узоқ яшаб юришди-ку. Одамлар кўринишидан беозор, исталган уйда бўладиган жониворларга ўхшаш бу махлуқлар билан тилларини чучук қилиб, дилкашлик қилишади. Нега улар бегона бу жониворларни ўз уйларига киритишади? Нега бу сўзлар ҳаммага маълум сўзларга ўхшамаган бўлиши керак? Бошқача бўлишганда эди, эҳтимол, уларни уйингга киритиш хавфли бўларди. У ерларга улардан олдинроқ ўрнашиб олган сўзлар билан чиқишолмай қолишлари мумкин-да. Ҳаёт нималигини тушунадиган ва хайрихоҳ одамлар қанча кўп бўлса, менинг нигоҳим, сўзларимга элтадиган йўлларни шунчалик тополмай қийналади...

Сўзларим мени назарда тутишмайди, гарчи мен уларнинг онасиман. Мен – юртим тилининг онасиман. Она тили бу ерда азалдан бор, у доим менинг ичимда, фақат унинг отаси йўқ. Она тилим кўпинча беадаблик қиларди, менга бу ҳақда айтишган, бироқ мен тушунишни истамасдим. Ўзим айбдорман. Отамиз кичкинагина оиламизни ташлаб кетди; она тилини етим қилиб кетди. У ҳақ эди. Мен ҳам унинг ўрнида шундай қилган бўлардим. Энди, она тилим мендан қочиб отасининг изидан кетди. Айтганимдек, у нариги томонларда. Бир вақтлар отаси кетган йўлдан ўтаётган одамларга кулоқ тутди... Бироқ у қанча кўп билса, бунинг аҳамияти шунча кам. Табиийки, у доимо нималарнидир гапиради, лекин бу ҳеч кимга ҳеч нима бермайди. Ва ҳатто менинг паришонлигим ҳам мендан воз кечади, чунки у ҳеч қаерда керакмас-да. Ҳеч ким менга аҳамият бермайди. Менга эътибор билан муносабатда бўлишади-ю, лекин ўзимга аҳамият беришмайди...

Биз кўп сўзлар алмашдик, уларнинг алмашинув нархи жуда паст, пировардида битта нарса қолади, у ҳам бўлса – даҳшат!

Мен нимадир дедим, у ўша заҳоти унутилди. Фикрларим шунга интилди, улар тезроқ мендан қочиб кетгиси келди. Ҳар кунни нималарнидир гапиришади-ю, лекин мен айтаётганларим ҳақида гапириш мумкин эмасмиш. Айтилган сўз нуқтаи назаридан, бу – разиллик. Бу мисли кўрилмаган разиллик. Ўша «айтилган» меники бўлишни хоҳламайди. «Айтилган» «бажарилган» бўлишни истайди, одамлар «айтилки-қилинди» деб мақташларини хоҳлайди-да. Сўзларим аввалгидек меники бўлсалар эди, нима десалар ҳам рози бўлардим, ҳатто «сеники эмасмиз!» дейишса ҳам. Қандай қилиб, улар менга боғланиб қолишларига эришсамикин? Ахир, бошқаларга ҳеч нима ёпишмайди, тиргалмайди, шунинг учун сўзларимга ўзимни таклиф қиламан. Қайтинглар! Эй, менинг азиз сўзларим, ўзимга қайтинглар! Қаёқда! У томонлардаги йўллар устида улар мен билишим мумкин бўлмаган сирларни билиб олишади ва бу ҳақда эшитишни истамайдиганларга гапириб юришади. Мен эса жон қулогим билан эшитмасмидим. Шу менга лозим эди, бироқ кечирасиз-у, сўзларим рўпарамга келиб тўхташни-да ҳаёлларига келтирмайдилар, мен билан гаплашишлари ҳақида эса, гап бўлиши мумкин эмас. Менинг сўзларим бўшлиқда мавжуд. Бу шундай бўшлиқки, унда кўпчилик бор. Бўшлиқ, бу – йўл демек. Мен ана шунақа бўшлиқдан ҳам ташқаридаман. Мен бунақа йўлни тарк этдим...

Бу ерда нима қилаётганимни айттайми? Мен шу ердалигимданми, менинг азиз сўзларим ҳам нарироқларда узала тушиб ётиб олишди. Мабодо мен беркиниб турган жойимдан чиқиб, уларни ўзимга қайтариш учун йўлнинг нариги томонига ўтадиган бўлсам, тирақайлаб қочиб қолишса керак. Нимага уларни ўзимга қайтаришим керак, ўзим билмайман. Балки, улар мени ўзлаштириб олмасликлари учундир? Буни, балки улар, мендан қочиб кетганлар, ортимдан изма-из юрмайдиганлар билишар? Улар бошқаларнинг гапига, нигоҳларига эргашади, мени эса бошқалар билан адаштиришмайди. Улар бунақа эмас, бошқача. Сабаби шуки, улар бошқача-да! Сўзларимга шунинг ўзи қифоя. Энг кераклиги – мен мулоҳаза билдирмайман. Эй, менинг ширингина сўзларим, менга қайтмаслик учунгина бошқаларга эргашасизлар-а! Уларни ушлаб ололганимда эди, мен

ҳам бошқалардан қолишмай силаб-сийпалаган, эркалатган бўлардим. Бироқ мен тутиб ололмаслигим учун сўзларим нариги томондаги йўлдан юришади.

Қандай қилиб улар билингирмасдан қочиб қолишади? Модомики, нимадир йўқолар экан, сукунат бўлиши учун нима йўқолиши керак? Сўзларим у томонга қанча кўп ўтишса, шунча қаттиқ жаранглайди. Улар ҳамманинг оғзида, фақат менинг лабларим уларни шивирламайди. Мени зулмат босиб келаяпти. Ҳисларим йўқолиб, ўтириб қолганим йўқ, лекин мени зулмат босаяпти. Сўзларим ордидан тун ва зулмат аро қараб қолганча, ҳолдан тояман, ёруғлик ёрдамида кимнидир жалб қиламан ва ўзимни ўзим ёритаман, гир айланиб, қоронғида гоҳ уни, гоҳ буни илғайман, ёритдим нима-ю, ёритмадим нима, улар бундан қатъи назар, мавжуд. Бу маёқ ҳеч кимга ёрдам бермайди, гарчи кимдир сувга чўкиб ўлмаслиги учун унинг ёрдамига муҳтож. Мен сўзларимни зўр бериб ўчиришга интилсам, улар шунча ўжарлик билан алангаланари.

Ўзинг айтган сўзларга ҳам жуда яқинлашиш мумкин эмас, бу — даъват, улар ўзини-ўзи ҳимоя қила оладилар, қулоқларни қар қилгудек бақирадиларки, ишқилиб, улар айтаётганларни кимдир шипшиб турганини ҳеч ким сезмасин. Сўзларим менга ваъдалар бериб йўлдан урмоқчи бўладилар-у, мақсадлари бошқа ёқда — нима қилсам ҳам уларга яқинлашмасам бўлгани. Улардан нарида қоладиган бўлсам, менга ҳамма нарсани ваъда қилишади. Миллионлаб одам яқинлашса майли-ю, фақат, мен эмас! Меники бўла туриб шундай дейишади-я! Бунга нима дейсиз! Нима қилишни ўзим ҳам билмайман. Сўзларим келиб чиқишини унутиб қўйишган бўлса керак, бошқа нимаям дердим. Улар қачондир менинг бағримда мурғаккина эди, энди шундай катта бўлиб кетишганки, таърифлаш қийин! Ўзим ҳам уларни базўр танийман. Уларни, мана бу-у-ундай зигиртаклигидан биламан. Улар менинг болаларим эди, ҳаммаси тинч-осойиш эди. Энди бўлса, мана бунақа барзанги бўлиб кетишибди. Энди улар менинг болаларим эмас. Бола улғаймади, шунчаки ўсиб кетди, ҳали менинг раҳнамолигимдан қутулмаганини, мендан ажраб кетмаганини тушунмайди, шунга қарамай, уни аллалаган билан қутулиб бўлмайди. Ўзини ўз овози билан гаранг қилганча уйғоқ, ўзидан қаттиқроқ бақирганларнинг овозини босиб кетар даражада бақиради. Сўзларимнинг овози ақл бовар қилмайдиган чўққиларга кўтарилади. Бунақа овозни эшитишга ҳеч ким тоқат қилолмайди, десам ишонаверинг! Бундай болаларим билан фахрланмайман, илтимос, сўзларимга ишонинг! Улар жуда кичкина пайтларда бир умр шундай ювошлигича қолиб кетишларини истардим. Ҳали ҳам, улар бировларнинг устига қуондай ёпирилишларини, бировларнинг уларга жазавага тушиб ҳайқиришларини, қўлларини силтаб ўқталишлари-ю оғир нарсалар билан ҳамла қилишга уринишларини истамайман. Менинг сўзларим бундай буюмларни қўлда тутолмайдилар, улар жисмонан бақувват эмаслар, бунда менинг айбим бор. Улар ҳеч нарсани тутиб ололмайдилар. Сўз билан ҳамла қила оладилар-у, лекин қўл билан ушлолмайдилар. Мен эса уларнинг қопқониди қолавераман, гарчи мени ташлаб кетган бўлсалар ҳам. Мен, ўз сўзларимнинг асирасиман, улар мен қамалган жойни кўриқлашади. Ғалати-ю, улар менга умуман қарашмаяпти! Менга шунчалар ишонишганмиди? Мен қочиб кетмаслигимга ишонадилар, шунинг учун мендан қочиб кетиш осон деб ўйлайдилар, шекилли. Майли, мендан қочиб кетаверишсин, бари бир, мени ҳеч қачон йўқотишмайди. Мен доим уларнинг қўли етадиган жойдаман, улар эса — аксинча. Мен қолавераман.

*Русчадан
Қудрат ДЎСТМУҲАММАД
таржимаси*

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг
80 йиллигига

Нардасен, оҳ, нардасен?

Нардасен, вер бир хабар,
Маҳзуним, ў мушфиқ падар?
Зоти покинг нардадир?
Дарёдами, саҳродами?
Нардасен, оҳ, нардасен,
Дунёдами, ухродами?

Абдулла Тўқай

Устоз Озод Шарафиддиновнинг таржималарини илк маротаба олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярми — етмишинчи йилларда ўқиганман. Бу Проспер Мерименинг «Карл IX салтанатининг йилномаси» эди. Ёки тўғрироғи, Э.Казакевич деган таниқли ёзувчининг ўша олтмишинчи йилларда янги сўздай қабул қилинган ва тушунилган «Кўк дафтар» деган мўъжаз қиссаси эди. Кейин Проспер Мериме. Ўзбекча таржимагача рус тилидаги таржимасини ва аллақанча менда жуда кучли таассурот қолдирган новеллаларини ўқигандим. Негадир Мериме ҳикояларига нисбатан новелла деб аталса керак, деб тушунардим. Мериме ҳикоялари, ҳақиқатан ҳам, фавқуллодда тугаши билан ҳайратга соларди. Озод аканинг таржимасини ўқиганда, дастлаб туғилган фикр: «Нега «солнома» эмас?» Тарихий воқеаларга нисбатан «йилнома» дегандан кўра «солнома» дейиш назаримда чиройлироқдек, мувофиқроқдек туюларди. Лекин у пайтлар ҳали-ҳамон эски сўзлардан ҳадиксираш одати тугамаган эди, шекилли. Лекин гап бунда эмас. Таржимани ўшанда қизиқиб ўқиб, француз мумтоз адибини ҳам шундай келиштириб ўгирса бўлар экан-ку, деган қониқиш ва умид туғилган. Озод Шарафиддинов француз тарихининг бадиий инъикоси ичига ҳозирги замон ўзбек тили воситалари билан анча чуқур ёриб киролган ва Меримега хос пафосни — тарихий муҳитнинг поэзиясини чиқара олган эди. Шу билан бирга, булар ўша пайтлар ном қозониб келаётган адабий танқидчининг таржималари эканлиги сезиларди.

Мана энди ҳозир Озод Шарафиддинов таржималари дунёси ҳақида сўз юритиш — турли халқларга мансуб ранг-баранг адиблар, публицистлар, мутафаккирлар, файласуфларнинг ажойиб-ғаройиб гоёлари ва уларнинг ажиб бир тарзда кесишган, туташган — олтин туташтирмалар олами тўғрисида гапириш билан баробар.

Бу таржималар қаҳқашони (бу кўтаринки сўз учун узр сўрайман — лекин у Озод Шарафиддиновнинг кўп йиллар мобайнида қилган таржималарининг ниҳоятда ранг-баранглигини бошқа сўзлардан кўра аниқроқ акс эттирадиганга ўхшайди) — Озод Шарафиддинов ўз замонасининг белгили бир маърифатпарвари сифатида катта маданий-маърифий оламлар ичида, улар қуршови ва қучоғида яшаганлигини ва тинмай ижод қилганлигини кўрсатади.

Баъзи бир психологик-руҳий ҳолатларни кузатганман: чунончи, киши таржима ишига аввало ўзига ҳамроҳ излаб, уринади. Таржима оғирчиликда бўлса-да, доимо ижодий нафас билан яшаш, ижоднинг тирик томирини ушлаб туришга бўлган улкан эҳтиёжнинг меваси. Чунончи, Санжар Сиддиқ, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия таржималарига улар яратилган муҳитдан келиб чиқиб шундай қаралса, ўринли деб ўйлайман.

Ҳа, ижодкор таржимага аввало ўзига ижодий ҳамроҳ излаб юз тутати. Ҳамфикр топилгач, кейин фикрлар мусобақасига ўтади.

Бизнинг қадим ва ҳозир ўзбек таржимонларимизга эски кўз илгамас замонлардан — Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Қутб Хоразмий, Қафғол Шоший, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий ва ниҳоят, Алишер Навоийдан мерос бўлиб келаётган, наслдан наслга ўтаётган катта эътиборга лойиқ бир ижодий фикрни эсга олиб ўтайлик. Билишимча, исмининг тархига кўра ҳам Муҳаммад Мусо Хоразмийда икки-уч пайгамбарнинг кучи бор эди. У Ал-Мансур топшириғига кўра буюк «Сиддханта»ни табдил этиб, уни замонаси ва бутун ислом Шарқи маданиятлари учун қайта яратаркан, фалакиёт илмига, унинг тараққиётига мислииз ҳисса бўлиб қўшилган «Зижи Хоразмий»ни дунёга келтираркан, «Мен бу асаримни одамларга фойда келтирсин, деб ёздим», деб қайд қилиб ўтди. Таржималар орқали ўз халқи онгини очиш, ҳазиналарини бойитиш, руҳоний тарзда сарафроз этиш ғоясини Беруний ҳам «Ҳиндистон»да, Қутб «Хусрав ва Ширин»да, Саройи «Гулистон»да, Навоий эса «Насойим», «Наср ул-лаолий», «Лисон ут-тайр», «Назм ул-жавоҳир»да аниқ одампарварона, ватанпарварона сўзлар билан баён этиб ўтганлар. Таржимадан ўз халқини аксарият яратган буюк маданият обидаларидан баҳраманд этишликни мақсад қилиб қўйганлар.

XX асрнинг энг маҳсулдор ва энг синчков таржимонларидан бири Озод Шарафиддинов ўз таржимачилик амалиётида шу олийжаноб меросий ғояни муваффақият билан давом эттирди.

Ундан жуда катта илмий, публицистик, маърифий, бадиий таржима асарлари янги авлодга мерос қолди.

Узоқ вақт мобайнида бунёд бўлган ушбу таржима меросини диққат билан кузатган кишига шу нарса равшан бўладики, Озод Шарафиддинов доимо ва изчил тарзда таржимага жиддий прагматик нуқтаи назар ҳамда ижодий, социал бир мақсад билан ёндашган.

У таржима қилинадиган асарлардан фикр излаган.

Ўз олдига ўқувчиларда муайян таржима асари орқали муайян фикр уйғотиш, фикр ҳосил этишни мақсад қилиб қўйган. Бу унинг эллигинчи йилларда Белинский, Добролюбов, Горькийдан қилган илк таржималаридаёқ кўзга ташланганди.

Озод Шарафиддинов фикр уйғотиш, фикр ҳосил қилиш деганда, аввало китобхон фикрини янгилаш, бойитишни назарда тутарди. Фикрни янгилаш эса ўқувчини янги фикр довларига олиб чиқиш, бир поғона юқорига кўтариш, тўрт қадам илгарироқ қадам ташлаш дегани билан тенг эди. Яна бир қизиқ ижодий хусусиятини ҳам қайд этиб ўтайликки, Озод Шарафиддинов ўзининг тошқин, суронли адабий-танқидчилик фаолиятида, жўшқин мақолаларида янги фикр айтиш, фикр янгиланишини биринчи ўринга қўярди. Беговта фикр қайнашлари билан замондошларини ўзига жалб этар, баҳсларга тортарди. Доим фикрлашга, мулоқотга, баҳсга интилиш унинг инсоний ижодкорлик табиатида етакчи майлга эга эди. Фикрсиз яшолмаслик унда туғма одат, туғма феъл бўлса эҳтимол.

Мутғасил ўқиш-ўрганиш, билим ҳазиналарига интилиш, гаюр китобхонликда бу майл унинг ижоди, хусусан, таржимачилигининг характерли, ўзига хослигига айланганлиги аён кўзга ташланади. Интеллектнинг чанқоқлиги, фикр уйғотиш ва уни янгилашга бўлган туганмас иштиёқни унинг юзлаб шогирдлари, тингловчилари дарсларида ўтириб ҳам кузатганмиз. Дарслар қизгин фикрлашларда ўтарди. Домламит фикрни жиловлаш, қолипга солишга эмас, парвозга ундарди, қанотлантирарди, фикрчанлик муҳитида нафас олишга ундарди.

Нима учун Озод Шарафиддинов таржимачиликда Мериме, Оскар Уайлддан, Анатолий Рибакон, форс адиблари ва Тонкабонигача қамраб олишга уринади?

Нима учун Максим Горькийнинг бошқа асарларини эмас, айни кам танилган «Шахснинг емирилиши» асарини таржима учун танлайди?

Нима учун ўқишлари ва таржималари доирасига Стефан Цвейгу Васил Биков, Эфраим Севилаю Владимир Войнович, Пауло Коэло, Ханс Иоахим Шадлих ва ўнлаб бошқа биз яхши билмаган, қарийб ўқимаган, тасаввуримизда йўқ бўлган неча ўнлаб адиблар ва уларнинг ғалати-ғалати асарларини олиб киради?

Нима учун Ортега-и-Гассет, Олвин Тоффлер, Збигнев Бжезинский, Александр Генис, Жан Жак Руссо ва Юхан Боргенлар устида машаққатга берилиб қора тер тўкади? Бу тўккан қора терлари билан юрагимизнинг қоронгу пучмоқларини электр нурлари билан ёритмоқчи бўлиб уриндимикин?

Лев Толстойнинг кенг маълум бўлмаган ва кенг тарқалмаган «Иқрорнома»сини қидириб топади ва кўзлари яхши кўрмай қолган бўлишига қарамасдан, лабига бир томчи сув теккизиб узоқ уйқусиз тунлар лупада ўқиб дард билан ўзбекчалаштиради? Нима учун?

Унинг бу фидокорлигини қайси сўз, қайси таъриф билан изоҳласа бўлади? У шундай узоқ тунлар нималарни ўйлади, бошидан кечирди, қандай тугёнларга гарқ бўлди экан? У бекорга «Иқрорнома»ни қўлга олмагандир? Толстой даҳоси етагида бу фикрлар унинг худди ўз фикрлари каби ўртанган юрагидан тошиб чиқмадимикин? Эллигинчи йилларнинг бошида, йигит чоғлари Миртемирнинг ўзи қаттиқ ҳаяжонланиб ўқиган шеъри бот-бот ёдига тушмадимикин, юрагига далда бермадимикин, сўнаётган ҳаёт пиликларини яна бир карра кўтариб, равшанроқ қилиб қўймадимикин?

Қоғозда қолсин, майли,
Некрасовга кўшилиб,
Матрёнушка ҳолига
Кўз ёши тўкканларим...
Силалмай ёшгинамни,
Букилмас бошгинамни,
Дёмушка тобутига
Жимгина букканларим...
Савелий бобо билан
Не фарёд чекканларим
Қоғозда қолсин, майли...
... Манзиллар ўтган сари
Ҳақиқат уругини доналаб экканларим
Қоғозда қолсин, майли...
Ўзбек шеърин чархладим
Рус шеърининг чархига...

Озод Шарафиддиновнинг ижод чархи узоқ уқубатли тунларда бир зум тинмади.

У XX аср ўзбек сўзини, XX аср ўзбек бадиий тафаккури, илмий-адабий услубларини дунё адабиётининг ранг-баранг, дам қувнок, дам дарднок, дам фожиали, дам ҳикмат ёғилган қуюнларига чархлади. Юракдан чиққан сўз ижтимоий бўронлардан, чексиз заҳматлардан, оғриқли аламлардан, тузалмас касалликлардан, кети узилмай келадиган айриликлардан кучли эканлигини исботламоқчи бўлди. Унинг сўзи бу талашларда голиб чиқди. Қачон ўқувчи толиб бўлса, унга бағрини очиб, пешвоз юради ва: «Ол, ўқи! Булар сенинг хазиналаринг. Қалбинг тўрида сақла ва сероб қил!» — деб туради.

Аммо Лев Толстой! Аммо «Иқрорнома»!

Таржимон ўзи учун сўз бойликларини яратади. У сўзлар, жумлалар, образлар оламлари ичида яшайди. Таржимон сўзни юрагига экади. Сўз унинг юрагининг ҳарорати ва покиза муҳитида унади, куртак ёзади. Ерга ташланган уруғ худди шундай эмасми?

Лев Толстой «Иқрорнома»да яшашнинг маъносини қидирган. Унинг худди шу «Иқрорнома» билан бир пайтда ёзган «Менинг ҳаётим» («Моя жизнь») ва «Телбанинг битиклари» асарида ҳам оғриқ-азоблар ичида ҳаётнинг, яшашнинг маъносини қидиради. Бу уч асар бир-бирига қаратиб қўйилган уч ойнадир. Уларда Толстой бутун даҳоси, инсонийлигининг қудрати билан рўй-рост кўриниб туради. Толстой ҳаёт бошдан-охир бемаъни бир нарса, давоси йўқ ва ҳеч қачон бўлмайдиган фикрга келган. Инсон нима қилмасин, қанча уринмасин, бари беҳуда деган фикр уни тарк этмаган. Бу саволлар ва бу каби фикрлардан телба бўлиб қолган. Арзамас ва Москвага борган кезлари ўзини ўлдириб қўйишдан базўр қутулган.

Озод Шарафиддинов Толстойни бутун умр чўлғаб, уни ҳеч қачон ўз фожиали исканжасидан бўшатмаган фикрларни теран илғайди. Толстойча

оҳангини топиб ўзбекчага ўгиради. Ўша пайтлар буюк Нитше ўзининг серогриқ «Инсоний, ҳаддан зиёд инсоний» деган бутун Европани талвасага солган асарини янги нашрдан чиқарган эди. Толстой рус заминида туриб уларга жўр бўлган эди.

Озод Шарафиддинов асарни таржима қиларкан, унинг номини лугатларимизда учрамаган сўз билан атади. Оддий қилиб «Иқрор» дейиши ҳам мумкин эди. Аммо «Иқрорнома» дейиш мумтоз адабиётимиз, ўзбек ўқувчисининг маданий анъанасига яқинроқмикин, деб мулоҳаза қилди ва лугатимизга янги бир тушунча киритди. «Исповедальная литература» деган тушунчани нима деб таржима қилишга ўйланиб ўтирардик. Мана энди бунга дуч келганда, уни аниқ қилиб «иқрорномалар» деб атайверамиз. Озод Шарафиддинов Войновичнинг романи номини «Монументал тарғибот» деб атайди. Бу билан шахсга сизгиниш даврининг монументал санъати ва адабиётига, унинг туб моҳиятига ишора этгандай бўлади. «Монументал» тушунчасини ўзбекчалаштирмай (ҳолбуки, азим тарғибот, азамат тарғибот деб аташи ҳам мумкин эди) унга мос эквивалент қидирмай тарихий ҳақиқатни сақлайди. Озод Шарафиддинов тилимизга кириб келган табдили бўлмаган хорижий сўзларни сунъий тарзда ўзбекчалаштиришга уринмайди. Уларни ўз ҳолича, ўз маъносича қўллайди.

Унинг барча таржималарида илм кишисининг тили, олимона тил ва яна ҳам аниқроқ айтганда, танқидчининг тили, танқидчининг сўзи бўртиб сезилиб туради. Унинг таржималарига хос услуб қирраси бир чеккаси худди мана шундай ҳосил бўлади. Унинг таржимонлик услубида аниқлик, тўғрилиқ, пухталиқ, ортиқча безаклар ва ҳашамлардан қочиш устун туради. У аслият услубини қандай бўлса шундай ифодалашга, аслиятнинг жумла қурилишларига эргашишга насрнинг ритмикасини чиқаришга интилади.

Озод Шарафиддинов таржимачилиги билан танқидчилиги бир-бирини тўлдиради, бир-бирини фикр билан бойитади. Таржимачилиқ ҳам худди танқидчилик каби жуда кўп ўқиш, китобпарварлик билан боғлиқ. Озод Шарафиддинов ижодий меросида буларни бир-биридан сира ажратиб бўлмайди. У Ўзбекистонда энг кўп китоб ўқиган ва энг кўп китоб тўплаган, ажойиб кутубхона яратган ноёб зотлардан эди. Бу жиҳатдан йигирманчи-ўттизинчи йилларда фидоқорлик қилган танқидчи таржимонлар Маннон Ройиқ, Санжар Сиддиқ, Абдурахмон Алимўхамедов, Наби Алимўхамедов, Ваҳоб Рўзиматов, Жуманиёз Шарипов (кейинроқ Ғайбулла Саломов) сингари ҳам таржима амалиёти, ҳам танқидчилиги билан шуғулланган сиймолар қаторига киради. У таржимонлигида, худди танқидчилигида бўлганидек, теран маърифатпарвар адиб, чинакам зиёли эди.

Нардасан, оҳ, нардасан,
дунёдами, ухродами?

Иброҳим ҒАФУРОВ



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан гурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».

Бадий тафаккурдаги эврилишлар

Истиқлол даври адабий танқиди: ўзгариш ва янгиланишлар

Адабий жараёндаги ҳар қандай янгиланиш, бадий кашфиётлар, янгича бадий-эстетик воқеа-ҳодисалар илмий тафаккурда у ёки бу тарзда акс-садо беради, ўз ифодасини топади. Бадий тафаккурдаги эврилишу янгиланишлар адабиёт илми олдига янги-янги илмий ғояларнинг қўйилишига, янги-янги атамалар ва тушунчаларнинг истъмолга киритилишига олиб келди ва бу табиий жараён.

Шу боис, истиқлол даври танқидчилигида «онг оқими», «модернизм», «постмодернизм», «абсурдизм», «фрейдизм», «экзистенциализм» сингари атамаларнинг фаол қўлланила бошлаши танқид илмидаги методологик тамойилларнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Мазкур атамаларнинг тушунча сифатида адабий танқиддан муқим ўрин эгаллаши, фаол қўлланиши, таҳлил ва талқин жараёнида самарали ишлатилиши, танқиднинг фалсафий методологиясини яратишга замин тайёрлаётганлигидан далолат беради. Бу жиҳатдан адабий танқиддаги «модернизм» тушунчаси талқини диққатга сазовордир.

«Модернизм» тушунчаси замонавий ўзбек адабий танқидчилигида қўллана бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Аслида, бу атама бир асрдан ортиқ вақт мобайнида жаҳон адабиётшунослигида қўлланилиб келинмоқда. Унинг турли-туман талқинлари, шарҳ ва изоҳлари мавжуд. Бироқ мустақилликкача бўлган ўзбек танқидчилигида «модернизм» тушунчасига муносабат билдириб ёзилган мақолани ёки бу оқимнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган илмий ишларни учратмаймиз. Албатта, бу ҳолатнинг туб сабаблари бор. Шўро даври ўзбек танқидчилигида «руҳсат этилмаган мавзулар»га ёндашиш ҳолати кам кўринади. Рус адабиётшунослигида эса, дастлаб кескин танқидий руҳда тилга олинган «модернизм» атамасини кейинчалик бир қадар холис эътироф этишга, шарҳлашга мойиллик пайдо бўлди. «Модернизм» дастлаб «чириб бораётган «империализм»нинг тушқун, инқирозга юз тутган» ҳаёт тарзини оқлаш мақсадида олдинга сурилган, буржуа адабиёти ва санъатида туб янгиланиш юз бераётганини даъво қилиб чиқаётганларнинг иддаоси сифатида талқин этилди. Кейинчалик, 70-80-йилларда «модернизм»га муносабат, гарчи танқидий руҳ, «партиявий мезонлар» сақланган бўлса-да, бир мунча ижобий томонга ўзгарганини кузатиш мумкин.

Шўро даврида «модернизм»га бўлган муносабатнинг, гарчи умумий тарзда бўлса-да, аниқ таърифини «Улисс» романини рус тилига таржима қилган мутаржималардан бири С.С.Хоружийнинг қуйидаги эътирофида кўрамыз: «Жойснинг шўро давридаги тарихи (ижодий тарихи – Қ.Қ.) ўта хилма-хил уч даврга бўлинади: йигирманчи йиллар – тортишув даври; бу даврда китобхонларга айрим бир дастлабки хабарлар берилади; ўттизинчи йиллар – мафкуравий давр; бу даврда Жойс пролетар судига тортилади ва унга жиноий ҳукм эълон қилинади; олтишинчи йиллардан токи тоталитаризм қулагунча бўлган давр – бюрократик давр; бу даврда Жойс «совет маданияти» департаментида лозим кўрилган даражада ҳисобда турди ва ёзиш кераклиги кимга лозим кўрилган бўлса, у ҳақида албатта ўша ёзди».

Машҳур таржимон ва жойсшуноснинг ушбу эътирофи нафақат Ж.Жойсга, балки умуман модернизм адабиётига собиқ шўро тузуми мафкурасининг ўта расмий ва кескин тақиққа асосланган салбий муносабатини ифодалайди. Ушбу нуқтаи назар ҳам шўро даврида «модернизм» масаласи қай даражада танқидчилар учун қалтис мавзуга айлантирилганини тасдиқлайди.

Филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоевнинг адабиётшунос олим Умарали Норматов билан суҳбатида ушбу фикрларни алоҳида таъкидлайди: “Модерн” истилоҳи, мана, 110 йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмагани ҳаммага кундай аён. Бу ҳолатни кўриб туриб билмаслик нафақат адабиёт назариясини, балки янги ва гўзал асарлар яратилишидек адабий жараён амалиётининг ҳам торайишига олиб келиши мумкин. Ўзининг ажойиб асарлари билан соцреализм инверциясини рад этган устоз адибларнинг модерн адабиётни хушламаслиги ҳақидаги ёзувларини ижоддаги самимият белгиси деб ҳисоблаб бўлмайди¹”

Шубҳасиз, истиқлол берган имоният ўзбек танқидчилигининг йўлини очиб қўйди. Эндиликда жаҳон адабий жараёнига уйғунлашув эмин-эркин амалга оша бошлади. Модернизм адабиётини, кенг маънода, XIX аср охири ва XX аср давомида жаҳон адабиёти санасида кечган бадий жараёнларни тушуниш ва тушунтиришга уриниш ўзбек адабий танқидчилигининг долзарб мавзуларидан бирига айланди. Чунончи, Умарали Норматов истиқлолнинг илк йилларида эълон қилган “Умидбахш тамойиллар²” мақоласида ўзбек адабиётида инсонни табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи асарлар яратилаётганини, “инсон – ижтимоий муносабатлар мажмуи”, деган марксча сохта гоёнинг, адабиётни умумпролетар машинасининг бир винтчаси сифатида талқин этган ленинча мафкуранинг асосий тамойиллари ўз таъсирини буткул йўқотганини таъкидлаб, ўзбек танқидчилиги янги ўзгаришлар, янгиланишлар палласига кириб келаётгани, хусусан, “экзистенциализм”, “абсурд” сингари модернизм адабиёти оқимларига холис муносабат ўзбек танқидчилигидаги изланишлар умумжаҳон адабий жараёни билан уйғунлашаётганидан далолат беришини айтади.

Истиқлол даври танқидчилигининг такомил тадрижини кузатганда, дастлаб умумий талқинларга асосланган мулоҳазалардан ташқари, модернизм адабиётининг оқимлари, адабий-бадий усуллари, восита ва услублари билан боғлиқ айрим тушунчаларига изоҳ, шарҳ беришга интилишлар ҳам кузатилади. Тилаволди Жўраевнинг “Онг оқими ва тасвирийлик” мавзусидаги тадқиқотида модернизмнинг туб адабий усули – “онг оқими”нинг мазмун-моҳияти таҳлилига эътибор қаратилган. Тадқиқотчи ўзбек ёзувчиларнинг асарларини “онг оқими” услубига мансуб намуналар сифатида олиб қарайди ва уларни ирланд адиби Ж.Жойснинг романлари билан қиёсан тадқиқ этади. Айтиш жоизки, мазкур иш ўзбек танқидчилигида қиёсий адабиётшуносликнинг яхши намуналаридандир.

Тадқиқотда Т.Жўраев муайян илмий хулосаларга келганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, у ички монологнинг тарихийлик, мантиқий изчиллик адекватлик, сўзда жонли ҳаёт эффектини яратиш каби тамойилларини таъкидлайди. Бироқ қиёсий таҳлилга асосланган мазкур тадқиқотда, “онг оқими” услубига кенг тўхталганига қарамай, тадқиқотчининг модернизм адабиётига хос бўлган асосий тасвир мезонлари, хусусан, жонли ҳаёт эффектини яратиш принципига доир кузатишлари кўпроқ ўзбек ёзувчилари асарлари таҳлили билан чекланиб қолган. “Онг оқими” усулидан кўзда тутилган асосий мақсад – жонли ҳаёт эффектини яратиш модернизм адабиётида қай тариқа юзага келиши, бу усулнинг имкониятлари, бадий самараси, янгиллиги нимадан иборатлиги етарлича очиб берилмаган.

Бугунга келиб модернизм адабиёти намуналари, хусусан, Ж. Жойс асарлари она тилимизга таржима қилиниб, ўзбек китобхонига етказилаётган бир пайтда “онг оқими” сингари атамаларни имкон қадар теранроқ шарҳлаб бериш лозим. Чунки “Улисс” каби ўта мураккаб, санъатқорлик билан яратилган асарлар ўқувчилардан XX аср гарб адабиётида пайдо бўлган ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгича изланишлар, адабий тажрибалар моҳиятидан пухта хабардор бўлишни тақозо этадики, бу ўзбек танқидчилиги олдида турган долзарб вазифалар сирасидандир.

¹ У. Н о р м а т о в, Ҳ. Б о л т а б о е в. «Янги назарий тамойиллар». «Жаҳон адабиёти» 2008. 3-сон, 154-бет.

² У. Н о р м а т о в. «Умидбахш тамойиллар». «Шарқ юлдузи» журнали, 1993. 10–11- сонлар.

Албатта, Т. Жўраев талқин этганидек, «онг оқими» «ички монолог» билан айнан бир нарса эмас. Мумтоз реализмдаги «ички монолог»дан фарқли ўлароқ, «онг оқими» модернизм адабиёти намояндalари, хусусан, Ж. Жойснинг бадий кашфиёти, дейиш мумкин. Бу усулнинг «Онг оқими ва тасвирийлик» номли тадқиқотда ўзбек ёзувчилари асарларида қай даражада, қандай савияда қўлланилгани бевосита Ж.Жойс асарларидаги самараларга изчил қиёсланмагани, хусусан, «Улисс» асари таҳлилидан келиб чиқиб солиштирилмагани боис, «онг оқими»нинг ўзбек насридаги натижалари бир қадар ойдинлашмай қолган.

Танқидчи Аҳмад Отабойнинг «Онг оқими» сарлавҳали мақоласида айни мумтоз реализмдаги «ички монолог» «онг оқими» эмаслигини, кейинги тушунча ҳам шаклан, ҳам мазмунан модернизм адабиётида кашф этилган янги услуб эканини, хусусан, «ички монолог» имкониятларидан (яъни реалистик прозада муваффақиятли қўлланилган воситалардан — Қ.Қ.) қониқмаслик оқибатида ва фалсафа ҳамда психоаналитикадаги кашфиётлар таъсирида юзага келганини таъкидлайди.

А.Отабой модернизм адабиётида «онг оқими»нинг ўзига хос хусусиятларидан бири қаҳрамон ҳолатини «...фикр қилишнинг муайян мақсадга, гоёга, дунёқарашга йўналтирилмаганлигида», деб ҳисоблайди. Бу фикр эътироз туғдиради: хўш, модомики, «онг оқими» воситасида тасвирланган ҳолат, ички нутқ бирор-бир мақсадга, гоёга, дунёқарашга йўналтирилмаган бўлса, унда бу услубни кашф этишга нима ҳожат бор эди? Эҳтимол, «онг оқими»нинг бирор мақсад ва гоёга йўналтирилмаганининг ўзида муайян мақсад, гоё яширингандир?

Маълумки, жаҳон адабиётшунослигида бу каби модернча услуб, воситаларга қониқарли даражада шарҳ ва изоҳлар берилган. «Онг оқими»га оид тадқиқотларда модернизмга хос бу адабий усулнинг аҳамияти одам зотига хос иллатларни унинг онг остида кечадиган жараёнларни ишонарли тарзда ифодалаш, муаллифнинг «иштирокисиз», ташқи таъсирлардан холи тарзда тасвирлашда экани айтилиб, моҳиятан эса, инсоний ҳис-туйғуларни инстинктларнинг натижаси, оқибати сифатида кўрсатишдан иборатлиги таъкидланади.

Демак, бундай қарашлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, «онг оқими» тушунчаси, шубҳасиз, гоёсизлик, мақсадсизликка дохил бўла туриб, муайян гоёни, мақсадни, муаллифнинг оламга, одамга, унинг моҳиятига тушқун муносабатини ифодалайди. Ўзбек танқидчилигида ушбу ва умуман, модернизм адабиётига доир атамалар, тушунчалар ҳали теран тадқиқ этилмагани боис, тўла-тўқис шарҳланмаган талқинлар ҳам учрайди.

Ўзбек адабий танқидчилигида «модернизм» тушунчасини англаш ва имкон қадар шарҳлашга уриниш ҳаракатларини «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида кузатиш мумкин. Чунончи, мазкур ҳафталиқнинг «Муҳокама учун мавзу» рукнида эълон қилинган «Модернизмни қандай тушунамиз» сарлавҳали адабий баҳс жамоатчиликлда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу баҳс муносабати билан ёзилган «акс-садо»ларда модернизмнинг гоёвий-эстетик тамойилларини талқин қилишга, бу йўналишда ўзбек адабиётидаги илк изланишларни тилга олишга ҳаракатлар бўлди. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги йиллар танқидчилигида «ўзбек модернизми» илдизларига эътибор қаратила бошлади ва мунаққидлар бу адабий ҳодиса адабиётимиз учун тасодифий ҳодиса эмаслигини далиллашга уринишмоқда. «Шўро адабий сиёсати модернизмни хушламай қарши олишига қарамай, рус ва бошқа миллий адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиётида 20-йиллардаёқ бу тамойил бўй кўрсата бошлади... Чуқур миллий илдизга-тасаввуф фалсафасига бориб тақаладиган «рамзчилик» замонавий символизм тажрибалари билан туташган ҳолда эрк-озодлик туйғу-гоёларини ифодаловчи жиддий адабий тамойилга айланди, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту, Ойбек шеърляти бунинг ёрқин далили. Илм-фанда, масалан, Фитрат, Абдурахмон Саъдий асарларида модернистик истилоҳлар ва уларнинг шарҳ-талқинлари майдонга келди».

Ушбу иқтибосдан аён бўлиб турибдики, «модернизмни қандай тушуниш» масаласи ўтган асрнинг 90-йилларидагина эмас, аслида ўша асрнинг бошларидаёқ ўзбек адабиётининг долзарб масалаларидан бўлган. Бироқ комфирқа ўз ҳукмронлигини тўла ўрнатиб, ўттизинчи йиллардаги оммавий қатагонларни

амалга оширгач, аср бошидаги илк изланишлар тамоман тўхтаб қолди, жадид адабиёти ҳам қатагонга учради ва жаҳон адабиётидаги етакчи тамойиллардан бири модернизм билан нафақат шугулланиш, балки бу оқимга оид асарларни топиб ўқиш имконияти ҳам чекланди. Умуман, «модернизм» атамасига оид бу каби талқинлар ўз вақтида модернизм адабиёти ва санъатини тушунишга, унинг «замонавий», «янги» адабиётдан, санъатдан фарқли жиҳатларини англаб етишга имконият яратган эди. 90-йиллар охири — янги асрнинг илк йилларида ўзбек адабий танқидчилигида ушбу атама борасида гарчи алоҳида тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлса-да, умуман, модернизм адабиёти, унинг гоёвий-эстетик хусусиятлари, ўзбек адабиётидаги айрим намуналари атрофида бир қадар фаол фикр алмашувлар, баъзан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Шу муносабат билан айтиш лозимки, «модернизм» тушунчасининг бу тарзда танқидчилик кун тартибига қўйилишига, биринчидан, жаҳон адабий жараёнига қизиқиш бўлса, иккинчидан ва асосий сабаб адабиётимизда турли жанрларда янги йўналиш ва услубларда яратилаётган асарлар таҳлили ва талқини зарурати эди. Замонавий ўзбек насри, хусусан, ёшлар прозаси муаммоларига бағишланган дастлабки мунозарага атоқли адиб Шукур Холмирзаевнинг «Кечирасиз, жаноб Карпендер, вақтим зикроқ»¹ сарлавҳали мақоласи туртки берди ва адабий танқид олдига бир талай саволларни қўйди: ёшлар насридаги «ғалати» тажрибаларнинг илдизлари қаерда; насрдаги янгиликларда адабий таъсир, тақлиднинг қанчалик «хизмати» бор; янги наср намуналарига қандай мезонлардан келиб чиқиш ёндашмоқ лозим; модерн услубидаги асарларда усул, тил масалаларига янгича ёндашишнинг йўллари қандай; ушбу йўналишдаги асарлар миллий воқеликка қанчалик мос ёки бу асарлар модернизмга хос универсаллик билан уйғунми ва ҳоказо.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек адабий танқидчилиги учун модернизм адабиёти поэтикаси мутлақо янги, тадқиқотчиларини кутиб турган долзарб мавзудир. Ушбу мавзу тадқиқ қилинмагани, бу борада модерн адабиёти намуналари борасида етарли маълумотларга эга бўлинмагани боис, ўзаро баҳсларида мунозарага оид муаммолар моҳияти етарлича очилмай қолмоқда. Зеро, модерн адабиётининг ўзига хослиги, асосан, бу йўналишдаги асарлар матни, тили, услуби билан жуда ҳам боғлиқдир. Дарҳақиқат, машҳур таржимон ва жойсшунос, модернизм адабиёти билимдонларидан бири С.С.Хоружий ёзганидек «Модернизм... бу услубга беҳад ишонч, услубга сифиниш, услубнинг мистикаси ва мифологияси»дир.

Модернизмга оид баҳсларда реализм билан модернизмни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ёки уларнинг биридан иккинчисининг афзаллигини исботлашга уринишлар ҳам кузатилади. Айни шу ҳаракатларда адабий танқидда янгича методологик тамойилларнинг шаклланиш жараёни мураккаб кечаётганини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат танқидчилигимизда бадий-эстетик тамойилларнинг янги илмий-назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш гоё долзарб вазифа бўлиб турганини кўрсатади. Айни пайтда бундай баҳс-мунозаралар адабий танқид олдига талай илмий муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўяди. Чунончи, «модернизм» истилоҳининг мазмунини ёритиш, модернизм ва реализм ўртасида фарқ, чегарани аниқ кўрсатиш, модернизмнинг фалсафий, психологик ва илмий методологик асосларини талқин этиш ана шу вазифалар сирасига киради.

Юқорида келтирилган таъриф ва талқинлардан, умуман, «модернизм» тушунчасига ва модернизм адабиёти таҳлиliga бағишланган тадқиқотлардан шундай тўғри хулосага келиш мумкин: «Модернизм жўн ҳодиса эмас» (О.Шарафиддинов). Ишонч билан айтиш мумкинки, модернизм ҳодисасига ўзбек танқидчилигида тушуниб ёндашиш, тушунишга интилиш аниқ сезилиб туради. Бунини биз «ЎЗАС» газетаси бошлаб берган баҳсда иштирок этишган адабиётшунос ва ижодкорлардан Сувон Мелининг «Асл адабиёт — эзгуликка хизмат», Ҳусан Карвонлининг «Икки йўл синтези», Улугбек Ҳамдамнинг «Турфа ранглар уйғунлиги», Узоқ Жўрақулнинг «Асл адабиётнинг нашъу намоси» сарлавҳали мақолаларида ҳам кузатишимиз мумкин.

¹ Ш. Х о л м и р з а е в. «Кечирасиз, жаноб Карпендер, вақтим зикроқ!». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 2000, 27 июл.

Жумладан, адабиётшунос олим Сувон Мели ўз мақоласида бу ҳодиса XIX аср охири XX аср бошларида гарб дунёсида рўй берган маънавий инқирознинг адабиёт ва санъатдаги акс-садоси, дейди. «Модернизм «ўз имкониятларини тамом сарф этиб, энди шалвираб қолгани»ни эътироф этаркан, бу фақат адабий усул эмас, балки гарб кишиси дунёқараши, онги ва руҳиятидаги маънавий инқироз вируслари шаклида пайдо бўлган ва адабиёт заминида яшай бошлаган «ўзига хос мафкура ҳам»дир, дейди С.Мели. Шу боис, унинг таъкидлашича, «модернизм гарб ҳодисаси сифатида ўзбек маънавий муҳитида нашъу намо топа олмайди. Модернистик қора ва тушкун кайфият бизда илдив ота олмайди. Шарқона ислом маънавияти, ўзбек маънавияти бунга йўл қўймайди».

Албатта, С.Мелининг ушбу хулосаларида баҳсли нуқталар ҳам йўқ эмас. Бироқ масалага илмий ёндашув С.Мели мақоласининг асосий хусусияти эканлигини таъкидлаш лозим. Биз бу ўринда бир мулоҳазани билдириб ўтмоқчимиз: модернизм услубига хос бўлган изланишлар, модерн адабиётидан таъсирланишларнинг самаралари бутунги кунда нафақат ўзбек адабиётида, балки Шарқ халқлари адабиётларида ҳам бўй кўрсатаётгани сир эмас. «Ҳозирги адабий давраларда урф бўлган «модерн» сўзининг адабий моҳияти ҳақида сўз юритганда, бизнинг шеърятга гарбдан юкқан «эпидемия» дебгина қараш нафақат мантикий хатога йўл қўйиш, балки ўзбек шеърининг бутунги мушоҳада табиати ва янги шакллар принципидаги изланишларни инкор этиш ҳамдир», деб ёзади Ҳ.Болтабоев.

Дарвоқе, С.Мелининг мақоласидаги айрим фикрлар эътироз уйғотганидан қатъи назар, унда адабий танқид методологиясининг муҳим тамойилларидан бири, яъни ҳар қандай баҳс-мунозара, бадий-эстетик қарашлар, идеаллар ва илмий муаммоларнинг ечими аниқ ва теран илмий концепцияга асосланиши керак, деган ҳақиқат илгари сурилгани диққатга сазовор.

Умуман, мазкур баҳсда кўтарилган масалаларнинг илмий аҳамияти шундаки, улар янгиланаётган истиқлол даври адабиётшунослиги ва танқидчилиги методологиясининг муҳим назарий муаммолари ечимига йўл излаш, йўналишларини белгилаш имкониятини туғдирди. Буни У.Ҳамдамовнинг мавзу кенг қамраб олинган, илмий теран ва муҳими, қимматли фикрлар илгари сурилган «Турфа ранглар уйғунлиги» мақоласида кузатамиз. Мақолада Сувон Мели фикрларига аниқлик киритиб, модернизм инсон ботинини кашф қилар экан, ҳеч қачон эскирмайди, деган хулоса айтилади: «Демак, «модернизм эскирди», деганда адабиётшунос С.Мели XX аср мобайнида гарбда жамиятнинг турлича кайфиятларини ифода қилган модернизмнинг қисмларини — экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм, кубизм, абстракционизм ва ҳоказоларнинг ортиқ етакчи оқимлар эмаслигини назарда тутган десак, ҳар ҳолда ҳақиқатга тўғри келади». Бадий ижодда реализмнинг етакчилиги имкониятларини рад этмаган ҳолда, У.Ҳамдам моҳиятида ҳаётийлик ётмаган, ҳаётий мантиққа риоя этилмаган ҳар қандай асар чинакам бадий асар намунаси бўлмайди, деган тўғри хулосага келади.

Мунозара иштирокчилари гарб модернизмга хос хусусиятларни бус-бутинича бутунги ўзбек насрига қўллаш жоизми, деган масалани ҳам ўртага ташлашган. Узоқ Жўрақулов бутунги ўзбек насрида, умуман олганда эса, ўзбек ёзувчиларининг модернистик йўналишдаги асарларда гарб модернизмга хос тушкунлик, умидсизлик кайфиятлари йўқ, деб ҳисоблайди ва бу фикрини Шодикул Ҳамронинг «Қора кун», Исажон Султоннинг «Манзил» асарлари таҳлили билан асослайди. Шунингдек, у ёшлар насрида «тил чатоқ»лиги масаласида айтилган айрим танқидий мулоҳазаларга эътироз билдиради: «Ҳурматли ёзувчиларимизнинг тиниш белгилари борасидаги фикри ҳам баҳсталаб. Фақат руҳий ҳолатларни ифода этувчи адабиётнинг мавжудлиги рост бўлса, бу фикр ҳатто ўзини оқламайди. Чунки руҳий ҳолат моддий дунёда, яъни зоҳирда эмас, ботинда кечеди ва ҳеч ким, ўта аниқ фикрлаётганда ҳам бу жараёнда тиниш белгиларга эҳтиёж сезмайди».

Бу мулоҳазалар, шубҳасиз, айрим саволларни туғдиради. Назаримизда, баҳс иштирокчилари мунозара марказида бадий асар турганлигини ва ҳар қандай асар бадийлик тамойилларига асосланган ҳолда яратилишини назардан соқит қилгандек. Бадий ижодда қахрамон руҳияти ижодкор томонидан поэтик тарзда қайта идрок

қилинишини ва бу фақат бадиий сўз орқали намоён бўлишини назардан қочириб бўлмайди. Инсон қалбида кечаётган тизгинсиз, узуқ-юлуқ, паузасиз, тиниш белгиларисиз кечинмаларни қандай бўлса шундайлигича қоғозга тушириш натурализмга олиб келмайдими? Қайта кашф қилинаётган қаҳрамон руҳий олами ижодкорнинг эстетик концепциясини акс эттирмаслиги мумкинми? Ахир, айна шу жиҳатлар ижодкор маҳоратини, бадиий кашфиётини белгилайди-ку!

Атоқли олим Озод Шарафиддиновнинг «Модернизм жўн ҳодиса эмас» сарлавҳали суҳбати, айтиш мумкинки модернизм адабиётига бағишланган мазкур баҳснинг биринчи босқичига ўзига хос яқун ясади. Мунаққид мухбирнинг модернизмга оид саволига жавоб қайтараркан, шўро мафқураси адабиётда кўпранглиликни тан олмай, фақат социалистик реализм қолипида асар яратиш талабини қўйиб келгани боис, адабиётимиз турли хил поэтик изланишлардан жараёнига бағрикенглик билан қараш керак. Аммо мунаққид фикрича, «...изланишлар бобида эҳтиёт бўлмоқ керак, негаки, янги нарса ҳамма вақт ҳам янгилиги учунгина яхши бўлавермайди, шунингдек, эски нарсани фақат эскилиги учун «пуф сассиқ»қа чиқариш мумкин эмас». Олимнинг таъкидлашича, баъзан киноя, баъзан кесатиқ билан тилга олинаётган реализм ҳали унча эскириб қолгани йўқ. Ҳали ўзбек адабиётида унинг очилмаган имкониятлари кўп.

Суҳбатда олим модернизмга шахсий муносабатини билдирган эди. «Шахсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модернизмга муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман. Баъзи бир модернистик асарларни, айниқса, юморга йўғрилган асарларни... енгил ўқийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини ўқишда эса қийналаман. Ҳатто баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қўйган ҳолларим ҳам бўлган».

Устоз мақомидаги олимнинг мазкур эътирофи ҳам модернизм ҳақиқатдан жўн ҳодиса эмаслигидан далолатдир.

*Қурдош ҚАҲРАМОНОВ,
филология фанлари номзоди*



Бир кун, албатта, қайтаман!

(Нобель мукофоти лауреати, шоир И.Бродский ҳаёти ва унинг ижодий портретига чизгилар)

Аввал бўхтон-ла тўлиб-тошган мақола, сўнгра мунофиқона уюштирилган суд, кейин эса сургун ёки қамоқ.... Совет тузумининг “бебош” зиёлилардан “қутулиш” усули ана шундай содда эди. Баъзан бундан-да қулай ва осон йўли танланар, улар ими-жимиди жиннихонага элтиб, жойлаб қўя қолинарди. Албатта, бу “тегирмон тоши” остидан соғ-саломат чиқиш жуда қийин, боз устига эътиқодини ҳам омон сақлаб қолиш баттар мушкул эди. Кўпинча бундай зиёлилар муҳожирлик қисматини бўйнига олибгина таъқиб ва таъйиқлардан халос бўларди.

1963 йил 29 ноябрь куни “Вечерний Ленинград” газетасида А.Ионин, Я.Лернер ва М.Медведев имзоси остида “Адабиёт теварагида ўралашиб юрган текинхўр” номли мақола босилиб чиқади. Бу фелъетон яқинлари ва дўстлари даврасида оддийгина Ося деб тилга олинадиган, адабий гурунгларида эса расман Иосиф Бродский деб навбат бериладиган йигирма уч ёшдаги ўрта бўйли, кенг елкали, малладан келган йигит — Нева бўйидаги шаҳарда анча-мунча танилиб қолган ёш шоир ва таржимон ҳаётини ҳам ана шу “тегирмон тоши” остига улоқтириб юборди.

1. ЭРКИНЛИК

1940 йил 24 майда икки зиёли — Александр Иванович Бродский (фотомуҳбир) ва Мария Моисеевна Вольперт (ҳисобчи) оиласида дунёга келган яккаю ягона фарзанд “мазлумлар доҳийси” Сталинга эҳтиром юзасидан Иосиф деб аталганида, унинг ҳали рус шоирлари орасида советларга энг “терс”и бўлиб етишиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

Буни қарангки, Осянинг шахс ўлароқ шаклланишида ҳам яна ўша “халқлар отаси”, бу гал унинг қонхўр диктатураси қулаши фавқулодда роль ўйнайди. У балоғат палласига энди қадам қўйган вақтда совет халқи ҳам янги сиёсий раҳбар — Н.Хрушчёв бошлаб берган “илиқлик” даврига кириб боради. КПСС XX съезидидаги ёпиқ нутқида шахсга сизини иллатини нафрат-ла қоралаб, сталинча эрксизлик қафасини синдириб ташлаган бу йўлбошчи, афсуски, фелъ-атвори бироз тўпори янги “Халоскор”ига умид билан боққан кўпмиллионли халқни росмана эркинликка олиб чиқолмади. Тўғрироғи, ислохотлар бобида дадил илгарилаб кетишга қодир бўлмаган Н.Хрушчёв алал-оқибат аввалгисидан бир озгина фарқ қилувчи янги қафас таклиф эта олди, холос. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, айтарли барча бир қафасдан бошқасига, қўйингки, андак надомат-ла кўчиб ўтишдан ўзга илож топмаган бир вақтда И.Бродский ҳеч тап тортмай икки қафас ораси — хавф-хатарга тўла... эркинликни танлади.

И.Бродский шахсидаги эркинликнинг ўқтомири унинг табиатидаги ҳаддан зиёд мустақиллик ва ўзига етгунча қайсарликка бориб туташирди. У фелъ-атворидаги ана шу хусусиятлар туфайли ҳам ўн беш ёшида Маховойдаги 196-мактабни ҳали 8-синфини ҳам тугатмай қўққисдан тарк этади ва илгари “Арсенал” номи билан донг чиқарган, энди эса 671-рақами билан юритила бошлаган ҳарбий заводга фрезерчи бўлиб ишга кириб кетади.

Ося мактабдан кейинги етти йил мобайнида иш жойини оз эмас-кўп эмас... 13 марта ўзгартиради. Шуниси қизиқки, у танлаган касблар ҳам бир-биридан ҳайратомуз даражада йироқ эди: техник-геофизик, ўт ёқувчи, сантехник, фотограф... Ося, ҳатто, бир муддат жарроҳ бўлишни истаб, турмага қарашли госпитал ўликхонасида прозектор, яъни мурда ёрувчига ёрдамчи бўлиб ишлайди. И.Бродский тез-тез ўзгартириб турган иш жойларининг бир-биридан олисдалиги эса бундан-да ошиб тушар эди: Оқ денгиз соҳиллари, Ёқутистон, Тянь-Шань тоғлари, Қозоғистон... (Дарвоқе, Ося бу жойларга одатда қисқа муддатли геологик экспедиция сафида келарди.) Кейинчалик бу ҳол уни ёқтирган ва ёқтирмаган кишилар орасида бир-биридан фарқли ва ҳатто бир-бирига зид кўплаб талқинларни юзага келтиради. И.Бродскийнинг ўзи эса бу ҳолни фақат бир сабаб —ўша кезларда унга ҳамма нарса қизиқ туюлгани билан изоҳлайди.

И. Бродский илк шеърини ўн олти ёшида XX асрнинг машҳур рус шоири Б.Слущкийнинг “Литературная газета”да чоп этилган бир туркум шеърлари таъсирида яратган эди. Унинг қалбида бор ҳаётини шеърятга бағишлаш нияти пишиб етилиши учун эса яна уч йил керак бўлди. 1959 йил геологик экспедиция сафида Ёқутистонга борган бу йигит ҳордиқ куни Якутск кўчаларини айланиб юриб, китоб дўконига кириб қолади ва бу ердан XIX аср рус фалсафий шеърятни вакили Е.Баратинскийнинг “Библиотека поэта” сериясида чоп этилган салмоқдор бир жилдлигини сотиб олиб, ўша кунидеяк бош кўтармай ўқиб чиқади. “Бу китобни... ўқиб чиқдимۇ қисматим нима эканини дарҳол англадим”, деб эслаган эди ана шу дамларни И.Бродский 70-йиллар бошида.

И.Бродский феъл-атворидаги эркинликка талпиниши хусусияти уни гаддор тузум таянчи — КГБ маҳкамаларига жуда барвақт юзма-юз қилади. Унинг устидан мазкур жосуслик идорасига тушган илк чақув ҳақида Я.Гордин шуларни ҳикоя қилиб берган эди. Бу шоир 1958 йилда ўзи таҳсил кўраётган Ленинград университети талабалари илмий анжуманида 20-йиллар рус шеърятни вакиллари — И.Сельвинский ва М.Луговской ижоди юзасидан маъруза қилади ва унга мазкур ўқув масканига эркин тингловчи сифатида қатнаб юрган И.Бродскийни ҳам таклиф этади. Ушанда ҳеч тап тортмай музокарага қўшилиб кетган Ося кутилмаганда собиқ инқилобчи большевик, эндиликда эса сиёсий муҳожир Л.Троцкийнинг “Адабиёт ва инқилоб” номли китобидан олинган иқтибос билан сўз бошлаб қолса бўлади! Албатта, у бу ишни жўрттага, яъни бировнинг қитиқ-патига тегиш ёки ўзини бир кўрсатиб қўйиш учун қилмаган, балки ўша вақтда бу асарни энди ўқиб тутатган ва ундаги бир фикрни баҳс мавзусига дахлдор деб ҳисоблаган — шугина холос. “Бироқ талабалар илмий кенгаши раҳбари профессор Е.Наумовнинг ўша пайтдаги важоҳатини сиз ҳам бир кўрсангиз эди, — деб эслайди Я.Гордин. — ...Унинг Иосифга қарши “оташин” нутқини ҳечам тушуниб бўлмас, чунки у қўрқув ва ғазаб ичида ҳадеб Бродский ва Троцкий фамилияларини чалкаштириб юборарди. Афтидан, у бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳеч пайсалга солмай тегишли жойларни хабардор этган”. Тегишли жойлар дегани эса, биринчи галда, Ленинград КГБси эди.

И.Бродский феъл-атворидаги эркинлик унинг шеърий изланишларига кўчиб ўтмаслиги мумкин эдими, ахир?! И.Бродский билан тенгқур барча навқирон шоирлар “кумуш аср” номи билан адабиёт тарихига кирган XIX аср охири — XX аср боши шеърятига ворислик риштаси-ла боғланишни истаса, И.Бродский бўлса бу борада ҳам анча ўзи “умумтўда”дан четда қолиб кетган эди. Бу даврда у XIX аср бошида яшаб, медитатив руҳда шеърлар ёзган Е.Баратинский, К.Батюшков, П.Вяземскийлардан руҳий имод сўрайди. Ося бошқаларга ўхшамаслик важдан ҳатто барча даврларда ҳам рус шеърятининг энг улуг вакили бўлиб қоладиган А.Пушкин таъсиридан-да ўзини онгли равишда четга олади.

И.Бродский ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган олимлардан бири — В.Полонскийнинг таъкидлашича, 60-йилларда И.Бродскийнинг Ленинград Технология институтида таҳсил олувчи ёш шоирлар — Е.Рейн, А.Найман, Д.Бобишев билан яқинлашиши унинг ижодий ўсишига таъсир кўрсатади. Қолаверса, Осяни 1961 йил 7 августда XX аср улуг рус шоираси А.Ахматова билан илк бор учраштирган ҳам шулардан бири — Е.Рейн эди. Бир жиҳатни алоҳида қайд этиш жоизки, бу вақтга келиб анча кексайиб қолган шоира барча шогирдлари орасида айниқса И.Бродскийга бошқача меҳр ва илтифот кўрсатади. А.Ахматова бу йигитда “катта Ося” — XX аср улуг рус шоири О. Мандельштам билан ўхшаш баъзи хислатларни кўргани ҳам бунга сабаб бўлгандир, эҳтимол. Лекин, нима бўлганда ҳам, у И.Бродскийни ҳали олдинда шон-шуҳратга бурканган шоирлик тақдири ва... изтиробга тўлиб-тошган инсонлик қисмати кутиб турганини башорат қилади.

Н.Хрущёв даврида ёш шоирлар эстрадага бемисл шиддат билан талпингани ҳақида кўп ёзилган, албатта. Бундай интилишдан четда қолмаган И.Бродский ҳам гоҳ Ленинград давлат университети, гоҳ В.Маяковский номидаги кутубхона, гоҳ Ленсовет номидаги маданият саройида шеър ва таржималари билан чиқишлар қилади. Бироқ Ося ҳар гал саҳнага кўтарилиди, дегунча албатта бир бесаранжомлик пайдо бўлар, Я.Гординнинг эйтирофича, бунинг асосий сабаби унинг шеърни ўзига хос тарзда ўқиши эди. У шеър ўқиш жараёнида оҳанг эйтибори ила шундай баланс шиддатга эришардики, баъзи тингловчилар ўзини ҳатто тоби қочгандек ҳис эта бошларди. Ахир, шоирдан “таралаётган” руҳий қувват шунчалик кучли бўлар ва бунга унча-мунча асаб дош бериши мушкул эди-да! И.Бродский мухлислар қаршисида ёниб-жўшиб шеър ўқир экан, унда ижод онларидаги руҳий ҳолат гўё тескари тарзда қайтадан рўй берарди. Яъни, ижод лаҳзаларида шеър унинг қалбини қай тарзда кучли тўлғониш билан тарк этган бўлса, ўқиш онларида, аксинча, ўшандай кучли тўлғониш билан қалбга қайтиб кирарди. Мана шундай “омил”лар туфайли ҳам унинг шеърлари баъзи кимсаларга галати ва ҳатто хавфли кўринар, оқибатда, юқорида айтилганидек, бесаранжомлик бошланиб қоларди.

Аслида-ку И.Бродский шеърларига советларга қарши деган тамга босиш инсофдан бўлмас. Чунки, уларда мавжуд тузумни ағдариб ташлашга очик даъватлар у ёқда турсин, ҳатто ўткир сиёсий муаммони кўтариш ҳам кўзга ташланмасди. И.Бродский шеърларининг советларга ёт деб қаралишига асос бўлган сабаб нима эди, унда? У ўз шеърларида руҳиятнинг шу қадар юксак маъволарига кўтарила олардики, одатда, бундай “меърож” жуда камдан-кам инсонгагина насиб этади. Шу туфайли бу шеърлар уларни ўқиган ёки тинглаган кишиларда инсон деган мўътабар номга муносиб ҳаёт кечириш билан боғлиқ надоматли соғинч ҳиссини пайдо қиларди. Бир сўз билан айтилса, И.Бродский шеърлари ўзининг ана шундай моҳияти билан советларнинг мағзи пуч, ёлгон мафқурасини беихтиёр чишпақка чиқарарди. Бутун жамият ёппасига эркисизлик сиртмоғида бўғилиб ётган бир вақтда унинг шеърларида руҳий эркинликнинг баралла уфуриб туриши исён сифатида қабул қилинган бўлса, бундан ажабланишга ҳожат йўқ...

2. “ҚОРА ОДАМ”

Ҳар қандай манфур идора усули ўз тажассуми бўлган қабих кучлар дасти билан иш кўради. XX аср улуг рус шоири С.Есенин видо каломи бўлмиш сўнгги достонида уни маҳв этиш учун бетиним таъқиб қилиб юрган бундай ёвуз кучни “қора одам” деб таърифлаган эди. И.Бродский тақдирида ана шундай “қора одам” ролини совет тузумининг арзимас “мурвати” бўлган Я.Лернер отлиғ кимса ижро этади. Уни бундай хатти-ҳаракатга даъват этган ички сабаб нима эди, деган савол тугилиши табиий. Ростки, бу саволга жавоб унча қийин ҳам, боз устига, ҳатто янги ҳам эмас: бу — мансаб илинжи, мартаба ҳаваси эди. Яҳудий бўлгани сабаб Сталиннинг қаҳри қаттиқ замонида амал курсисига яқин йўлол-

маган бу кимса Хрушчëвнинг ола-говур даврида, кунни туққанини сезиб қолади. Ана шундан кейин у қандай қилиб бўлса ҳам, Ленинград шаҳри ҳамда вилояти раҳбарлари назарига тушиш йўллари қидира бошлайди...

РСФСР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 4 май кунги “Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, жамиятга ёт тарзда текинхўрлик билан ҳаёт кечираётган шахсларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”ги фармон Я.Лернерга ўхшаш нобакор кимсалар қўлида хавфли қуролга айланади. Ушбу фармон тез орадаёқ ўша даврнинг бош ялови бўлиб қўлларда “ҳилирай” бошлайдики, бу ҳол қуйидаги сабаб билан изоҳланар эди: Н.Хрушчëв яна йигирма йилдан кейин СССРда коммунизм барпо бўлади, деб ваъда берган ва энг баланд минбардан туриб қилинган бу “башорат”га бутун совет халқи, албатта, чиппа-чин ишонган эди. Шу сабабдан ҳам хомхаёлга берилган оддий одамлар мазкур фармонни орзу қилинган мақсад — коммунизм сари этувчи силсиланинг бир ҳалқаси деб қабул қилади. Жамият шу ҳужжатни дастак қилиб олиб, ҳар хил пияниста, чайқовчи, фоҳиша, тиланчи унсурлардан халос бўлишни кўзлаган ва аслида бундай ниятнинг ҳеч бир ёмон томони ҳам йўқ эди. Бироқ, таассуфки, қонун устувор бўлмаган жамиятда ҳокимиятни эгаллаб олган кимсалар уни ўзи хоҳлаган йўлга солиб юбориши ҳеч гап эмас экан...

Я.Лернер И.Бродский устидан тўхмат ва нафрат тўла чақув қоралайди ва уни шошилишч “Вечерний Ленинград” газетасига элтиб беради. У анча йиллардан бери бу газетанинг штатсиз муҳбири ҳисобланар ва таҳририят ходими И.Берман билан, айниқса, ош-қатиқ бўлиб кетган эди. М.Медведьев имзоси билан “ижод” қилувчи И.Берман бошқа бир ҳамкасби — А.Ионинни ҳам ҳаммуаллифликка чақиради ва Я.Лернернинг “зувала”си асосида қўлбола бир фельетон ясайди.

3. ФЕЛЬЕТОН

Лернер “қалам”ига мансуб бу фельетон бошдан-оёқ сиёсий сафсата билан тўлиб-тошган, бу ҳам етмагандек далиллар ҳам қўпол тарзда сохта-лаштирилган эди. И.Бродский бу ҳақда гапириш имкони туғилганида “Исми шарифимдан бўлак мақоладаги ҳамма гаплар ғирт ёлгон!” деган эди дарга-заб бўлиб. Муаллифлар ҳатто ўз қаҳрамонининг аниқ ёшидан ҳам беҳабар бўлган чоғи, унга “сахий”лик билан яна уч йилни қўшиб юборган эди. “Йигирма олти ёшли (?) соппа-соғ йигит тўрт йилдан бери ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмайди, — деб ёзганди фельетончилар. — У қўлига онда-сонда тушиб қоладиган тасодифий иш ҳақи ҳисобига кун кечиради, аҳволи жуда ночорлашиб қолган пайтларда эса Ленинград газеталарининг штатсиз фотомуҳбири бўлган отаси пулдан қарашиб юборади. Гарчи ота ўғлининг феъл-атворидан норози бўлса ҳам, уни ҳалигача қорнини тўқлаб, устини бутлаб юрибди”. Хуллас, улар зўрма-зўраки тарзда И.Бродскийга ишëқмас, ялқов, текинхўр деган тамғани босиш ва ўша фармон сиртмоғи остига олиб келишни ният этгани очиқ-ойдин кўриниб турарди.

И.Бродскийни текинхўр деб исботлаш учун унинг шеърят бобидаги заҳматларини ҳам йўққа чиқариш зарур эди, албатта. Акс ҳолда, қаранг-а, ҳеч қаерда ишламаса ҳам, барибир, ажойиб шеърлар ёзибдику, деган гап бўлиши тайин эди. Шу сабабли фельетончилар унинг шеърларини мана бундай “баҳо” билан сийлайди: “И.Бродскийнинг ночор тақлидий “битик”лари кишида аянчли таассурот қолдиради. У ўзича бирор янги асар ярата олмаган, сабаби бунга кучи етмаган: унда билим, маданият камлик қилган. Ахир, ўрта мактабни ҳам тугатмаган чаласавод одамда бу фазилатлар қаердан бўлсин?”

Мақолада И.Бродскийнинг такасалтанг ҳамтовоқлари дея бир неча кишининг номи тилга олинадики, аслида буларнинг баъзилари унга бутунлай нотаниш бўлса, баъзилари узоқ таниш эди, холос. Табиийки,

фельетончилар аслида И.Бродскийга ҳаммадан ҳам яқин бўлган А.Ахматова, К.Чуковский, С.Маршак, Д.Шостакович каби таниқли зотлар номини жўрттага тилга олмайди. Мақолада номи зикр этилган бошқа икки шахс — А.Уманский ва О.Шахматовлар ҳақида эса бир жуфтгина сўз айтиб ўтиш лозим. 1962 йилда И.Бродскийнинг дўсти (аниқроғи, оғайниси) бўлган собиқ ҳарбий учувчи О.Шахматов рухсатсиз қурол сақлашда айбланиб Красноярскда КГБ ходимлари томонидан ҳибсга олинади. Тергов чоғида унинг оғзидан беихтиёр Ленинградда А.Уманский бошлиқ советларга қарши махфий гуруҳ фаолият юритяпти, деган гап чиқиб кетади ва калава янада чуваланиб у мазкур гуруҳ билан алоқада бўлган ўнлаб кишини ҳам номма-ном айтиб беришга мажбур бўлади. Бу ҳам етмагандек, О.Шахматов гап орасида 1961 йили И.Бродский билан Самарқандда учрашиб, бу ердан Термизга учадиган кичик бир самолётни Афғонистонга олиб қочиш бўйича режа тузганлари, лекин кўз остига олиб қўйилган самолёт бакида бензин оз қолгани боис бу фикрдан воз кечганлари ҳақида ҳам “гуллаб” қўяди. Оқибатда О.Шахматов ҳамда А.Уманскийлар устидан дарҳол жиноий иш қўзғотилади, И.Бродский эса аввал гувоҳ, сўнгра гумондор сифатида терговга тортилади. Хайриятки, Бродский иши юзасидан сўроқ қилинган ўн икки нафар гувоҳнинг бирортаси ҳам О.Шахматов даъвосини тасдиқламайди ва шу боис, гарчи хоҳламайроқ бўлса ҳам, унинг устидан тергов ҳаракатини тўхтатишади. Бироқ, табиийки, шундан кейин хавфсизлик органлари бу “бебош” йигитнинг ҳар бир қадамини ҳушёр кузата бошлайди.

Дарвоқе, И.Бродский кейинроқ АҚШлик журналист С.Волков билан қилган суҳбатида қадимий шаҳар осмони остида шундай режа ҳақиқатдан ҳам тузилган эди, дея холис тан олади. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, бу 20 ёшли шеърпараест йигит ҳаёлида дафъатан етилган “жозибатор”, аммо болаларча пуч режадан ўзга нарса эмасди. Ҳаёт бағрида росмана яшашдан кўра у ҳақда шоирона ҳаёллар суришга кўпроқ лаёқатли бўлган одамлар бунақа телба-тескари режалардан қанча-қанчасини ўйлаб юборгани ҳолда улардан бирортасини ҳам рўёбга чиқаролмаслиги кўп бор кузатилган ҳол, албатта. Гарчи қилни қирқ ёрадиган КГБчилар И.Бродскийни бу борада тумшугидан илантира олмаган бўлсада, Лернер ҳеч гап тортмай уни “Ватанга хиёнат қилмоқчи бўлган”, дея бадном этмоқчи бўлади. Шу ўринда бир азалий чалкашликка муносабат билдириб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Нимагадир барча замонларда ҳам одамлар “тузум” ҳамда “ватан” тушунчаларини бир-бирига аралаштириб келган. Бунинг остида шунчаки калтафаҳмлиқ ётади, деб ўйлаш баттар калтафаҳмлиқ бўлади, холос...

Фельетон ана шунча гап-сўздан кейин дўқ-пўписа билан тугаши ҳеч кимда таажжуб уйғотмайди, албатта. Лернернинг фикрича, социалистик турмуш тарзига ёт ҳолда текинхўрлик билан ҳаёт кечириб, бошқа ёшларга бузғунчи таъсир кўрсатаётган, бу ҳам етмагандек, қалбида совет тузумига нафрати жўш уриб, буржуача Ғарбга астойдил сажда қилаётган чаласавод модернчи ва шаклбоз И.Бродскийга Ленин номидаги шаҳарда, коммунизм қурувчилари орасида мутлақо ўрин йўқ!

4. ТАЪҚИБ

И.Бродский мақола босилган куннинг ўзидаёқ “Вечерний Ленинград” газетаси бош муҳаррири Б.Марков номига раддия мактуби ёзади ва уни пайсалга солмай газета таҳририятига йўллайди. Ўз-ўзидан аниқки, ёш шоир ва таржимон изтиробу эҳтирос билан ёзган бу хат газета юзини кўрмайди, бош муҳаррир уни бамайлихотир бир четга суриб қўя қолади, холос. Бугунги кунда мазкур раддия И.Бродский ўша вазиятда нақадар анойиларча иш тутганига бир далил сифатида қимматга эга, холос. Лекин ўша кунларда ёлгон-яшиқдан иборат бу мақолага унга ўхшаб

соддадиллик билан эътироз билдириб, таҳририятга раддия юборган бошқа кишилар ҳам бўлган.

Ана шундай инсонлардан бири — Н.Грудинининг мазкур воқеага доир хотиралари гоят диққатга сазовор. “Мен И.Бродский ишига қандай аралашиб қолганимни биласизми? — дея ҳикоя қилган эди у 80-йиллар адоғида. — Тўғриси, фельетонга қадар бу йигитнинг шеърларидан ҳам, таржималаридан ҳам дурустроқ хабардор эмасдим. Фельетонда Пионерлар саройидаги мен раҳбар бўлган шеърят тўғарагига илгари қатнаб юрган бир қизнинг номи ҳам тилга олинган бўлиб, унинг онаси бир маҳал кўзи жиққа ёшга тўлган ҳолда ҳузуримга кириб келди-да, мана кўрасиз, шу мақолани дастак қилиб олиб, Марианнани энди университетда нари обориб-бери обкелишади, дея қуйиниб сўзлай кетди. Мен бу воқеадан газабим кўзиб, “Вечерний Ленинград” газетасига кўнғироқ қилдим. Мақола муаллифларидан бири — таҳририят ходими Берман менинг саволимга жавобан бир нималар дея гўлдираган бўлди. Эртасига эса Прокофьев (Ленинград Ёзувчилар ташкилоти раҳбари — М.Р.) мени қабулига чақириб, ҳе йўқ-бе йўқ “Шаҳар партия комитети газетасини айблашга қандай журъат этдинг”, дея бақириб қолса бўладими?! Мен ҳам бўш келмай “Қалбим буюрган гапни айтдим. Хўш, бунга ҳаққим йўқми”, деб жавоб қайтардим. Ана шундан сўнг мени котибиятга чиқариб, муҳокама қилишди”...

“Вечёрка”даги ўша мақола сабаб Прокофьев билан тузуккина айтишиб олғач, менга ҳар тарафдан сим қоқишлар бошланди, — дея хотирлашда давом этади шоира. — Долинина кўнғироқ қилди, Эткинд кўнғироқ қилди, яна кимлардир кўнғироқ қилди... “Нега бир ўзинг олишиб ётибсан, кел, биргалашиб курашамиз!” деб чорларди улар. Долинина ўша кунларда Бродскийнинг Гальчинскийдан қилган таржималарини олиб келиб берди. Тўғриси, бу таржималар кутилмаганда мени ҳайратда қолдирди, чунки улар Лозинский, Чуковскийларнинг энг яхши таржималари қатори эди. Мен шу нарсани англадимки, бу йигит Гальчинскийдек шоирни шунақа таржима қилибдими, демак унинг ўзи ҳам ҳазилакам шоир эмас...”

Лернернинг шов-шувга сабаб бўлган ушбу фельетони гўё сел қуйиши олдидан чақмоқ чақишдек бир гап эди. Шундан сўнг И.Бродскийга нисбатан ҳамланинг навбатдаги, иккинчи босқичига ўтилади ва унинг ҳар бир қадамини изма-из пойлаб юришлар бошланади. Бундан шубҳа қилмаса ҳам бўладики, “ўта масъулиятли” бу ишга жалб этилган кишилар ҳам Я.Лернер сафдошлари, яъни кўнгилли дружиначилар эди. И.Бродский ўша кезларда Я.Гординга бу ҳақда “Икки эркак ва бир аёл ортимларда изма-из пойлаб юрибди. Улар бу “топшириқ”ни худди расво фильмлардаги каби нўноқлик билан бажаряпти — мен ортимга ўгирилиб қарадим дегунча улар деворга қапишиб олади”, дея ҳам кулиб, ҳам куйиб гапириб берган эди...

Бу ҳолни иш ҳибсга олиш сари кетаётганига бир ишора деб тушуниш тўғри бўларди. Бироқ, ҳамонки гап шоир ҳақида кетар экан, Ленинград Ёзувчилар уюшмаси розилигисиз унга нисбатан бирор чора қўриб бўлмасди, албатта

Ҳар ерда ҳозир нозир Я.Лернер 1963 йил 17 декабрда Ленинград Ёзувчилар ташкилотининг котибият мажлисида сўзга чиқиб, Держинский туман прокурори А.Костаковнинг И.Бродский ишини жамоатчилик судига топшириш ҳақидаги мактубини ўқиб эшиттиради. Жамоатчилик суди аслида иши кўрилайётган шахснинг яшаш ёки ишлаш жойидаги фуқаролар йиғилиши ҳисобланар, И.Бродский ёш шоир экани сабаб, бу уюшманинг расман аъзоси бўлмаса ҳам, Ёзувчилар ташкилотида суд қилиниши мантиққа мувофиқ эди. Одатда, жамоатчилик суди тартиббузарга ёлғондакам дўқ-пўписа қилиб, уни бир оз бўлса-да инсофга келтириш билан кифояланар, лекин баъзида ишни ҳатто ҳақиқий судга ошириб юборишга ҳам “журъат” этарди. Ленинград Ёзувчилар уюшмаси И.Бродский масаласида худди ана шу кейинги, қаттиққўл чорани қўллайдики, бунга нима сабаб бўлган эди,

деган саволни асло очик қолдириб бўлмайди. Л.Лосев мазкур жумбоққа ечим излар экан, “Бунинг сабаби битта, у ҳам бўлса кўрқув эди, — деган хулосага келади. — Чунки, ўша йилларда котиблик қилган шахслар ёзувчи сифатида Сталин даврида шаклланган ва ҳалигача ҳам ўтмиш бағрида яшаб келар эди”.

Ленинград Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтадиган бу жамоатчилик суди 1963 йил 25 декабрга белгиланган бўлиб, унга “жавобгар” И.Бродскийнинг келмагани ҳам уларни қаттиқ дарғазаб қилган бўлса, эҳтимол. Ваҳоланки, бу вақтда ёш шоир Москвадаги Кашченко номли психиатрия шифохонасига ётқизилган ва уни эртами-кечми албатта ҳибсга олишади, деб хавотирланган яқинлари ва дўстлари айрим таниш шифокорлар маслаҳатига кўра ана шундай шошилиш чора кўрган эди. И.Бродский балки шу йўл билан мудҳиш кўргуликдан сақланиб қолар, деган умид уларга куч бағишлаган бўлса ҳам, эҳтимол. Бироқ адоғи йўқ руҳий зўриқишлардан тинка-мадори қуриган И.Бродский ростдан ҳам ақлдан озиб қолмасам эди, деб ҳадиксираб, бир неча кун ўтар-ўтмаёқ яқинлари ва дўстларига уни бу ердан тезроқ олиб чиқишларини сўраб ўтина бошлади. И.Бродский 1963 йилнинг сўнгги кунларида, ниҳоят, шифохонадан чиқишга муваффақ бўлади ва унга хайрихоҳ кишилар кутган шизоид психопатия ҳақида ташхисни “қўл”га киритади.

Янги, 1964 йилнинг кириб келишини Москвада нишонлаган И.Бродский 2 январь куни дўсти Л.Штерндан севган қизи М.Басманова бу айёмни Ленинград яқинидаги Зелиногорск деган жойда, хилват дала ҳовлида Д.Бобишев билан бирга ўткагани ҳақида билиб қолади. Иосифнинг қалбини забт этган Марина кўҳликкина мусаввир қиз бўлиб, бу икки ёш илк дафъа 1962 йил 2 январда танишган эди. (Тасодифни қаранг: икки йил олдин улар шу куни дастлаб танишган бўлса, икки йил кейин эса шу куни... ораларига илк ноҳуш гумон оралайди.) XX аср улуг рус абстракционисти К.Малевичга бири дўст, бошқаси шоғирд бўлмиш икки мусаввир никоҳидан дунёга келган бу қиз ҳар қандай одамда ҳам кучли таассурот қолдиришга қодир эди. А.Ахматова у ҳақда мана бундай фикр билдирган эди: “Шунчалар нозик, шунчалар ақллики... Юзига қандай оро беришини айтмайсизми?! Тагин ҳеч қандай упу-эликсиз... Фақат совуқ сувнинг ўзи билан-а...” И.Бродский унга боқиб, Уйғониш даври немис мусаввири Л.Кранах чизган самовий фаришталарни кўрарди гўё. (У, айниқса, Эрмитажга кўйилган “Олма ушлаб турган Венера” суратини кўз олдидан кетказмас эди.) Хуллас, бу совуқ хабарни эшитган И.Бродский дарҳол Ленинградга етиб келади ва севгилиси дўсти билан ўзига... хиёнат қилганидан воқиф бўлади.

Бир вақтнинг ўзида икки ёқлама аёвсиз зарба олган И.Бродский ҳар қанча уринса ҳам бу кўргуликка дош бера олмайди — у орадан бир неча кун ўтар-ўтмас вена қон томирини кесиш йўли билан умрига нуқта қўймоқчи бўлади. Тасодифан омон қолган бу ёш шоир бошига ёпирилган бало-қазога унинг яқинлари ва дўстлари гаддор тузум зугуми, деб қараган бўлса, унинг ўзига эса Маринадан ажралишгина фожа бўлиб кўринади, холос...

1964 йил 8 январь куни “Вечерний Ленинград” газетаси “Шаҳримизда текинхўрларга ўрин йўқ!” деган сарлавҳа остида яна бир мақолани босиб чиқаради. Мазкур мақола қуйидаги “оташин” бир хитоб билан якунланган эди: “И.Бродский ва уни қаноти остига олаётган кишилар жамоатчилик ҳукмидан сақланиб қоламиз, дея хомтама бўлишмасин. Бизнинг ақли-ҳуши жойида бўлган ёшларимиз уларга қарата мана бундай демоқда: “Бродский шунча ишёқмаслик қилгани, жамият ҳисобига яшагани етар! У меҳнатга дарҳол бел боғламаса, яна ишлашдан бўйин товласа, энди ўзидан кўрсин!” “Бир сўз билан айтганда, аввалги мақола И.Бродскийни “текинхўр” сифатида мурасасиз фош этган бўлса, кейинги мақола эса энди уни ҳеч бир аямай жазолашни талаб қиларди.

Шу тариқа 1964 йил 13 февраль куни И.Бродский ҳибсга олинади. Бу хусусда шоирнинг отаси Александр Иванович шаҳар прокурори С.Соловьёв номига ёзган хатида ушбуни маълум қилади: “13 февраль куни

соат 21 дан 30 минут ўтганда И.Бродский кўчага чиқатуриб, фуқаро кийимидаги уч киши томонидан тўхтатилади, улар ўзларининг ким эканини айтмай ва ҳеч қандай ҳужжат кўрсатмай ўғлимни машинага ўтказди ҳамда Держинский туман ички ишлар бўлимига олиб боради. Бу ерда ҳам қўлга олиш ёки қамаб қўйиш ҳақида ҳеч қандай ҳужжат тузилмай, И.Бродский зудлик билан бир кишилик камерага ўтқазиб қўйилади. Кейинчалик унга бу чора халқ судининг ажримига биноан амалга оширилгани ҳақида маълум қилинади.

14 февраль куни йўқолиб қолган ўғлимизни қидириб вақтимизни бесамар ўтказдик, уни сўраб икки бор Держинский туман милиция идорасига мурожаат этдик ва тун ярмига борибгина фарзандимиз шу ерга қамаб қўйилгани ҳақида тасодифан билиб қолдик...

Милицияда бўлган пайтимизда шу куни ўғлимизга “Тез ёрдам” чақиртирилгани тўғрисида хабар топдик, аммо воқеа сабаби ҳақида бизга ҳеч қандай маълумот беришмади, бу милициянинг “ички иши” дея гапни қисқа қилишди, холос. Кейин билсак, ўғлимиз юрак хуружини бошдан кечирган, шифокор унга камфора аралаштириб укол қилган, аммо фарзандимиз шундан кейин ҳам бир кишилик камерада қолаверган экан...”

Шу ерда воқеалар ривожига бевосита алоқаси бўлмаса ҳам, бир гапни айтиб ўтсак, бизнингча, зарар қилмас. И.Бродский 1964 йилнинг ўша 14 февраль кунинда ўз ҳаётидаги илк юрак хуружини бошдан кечиради. Кейин эса бундай хуружлар уни йиллар мобайнида бот-бот таъқиб этади ва у муттасил янаги туғилган кунимга соғ-омон ета олармиканман, деган гумон ва ҳадик ичида яшайди. И.Бродскийни тириклар орасидан олиб кетган сўнгги хуруж эса 1996 йил 28 майда, расмий таъзияномада қуруқ қилиб айтилишича, уйқудалик пайтида рўй беради.

5. СУД

Ниҳоят, совет тузумининг энг шармандали суд жараёнларидан бири бўлиб тарихга кирган ўша адлиявий, яна ҳам тўғрироғи, сиёсий “томоша” фурсати етиб келади. Совет тузумининг адолат “посбон”ларидан бири — судья И.Савельева раислигида бўлиб ўтган икки мажлисдан иборат бу суд жараёнига тўхталишдан олдин бир мулоҳазани айтиб ўтсак, балки ортиқча бўлмас. Аксарият тадқиқотчилар И.Бродский иши юзасидан бўлиб ўтган судни XX аср улугъ немис модернисти Ф.Кафканинг “Жараён” романига қиёслаб таҳлил қилишни маъқул кўради. Дарҳақиқат, Ф.Кафканинг ҳатто исми шарифи ҳам тўлиқ қайд этилмаган қаҳрамони Йозеф К. сингари И.Бродский ҳам мутлақо бемаъни важкарсон билан қора курсига ўтқазилган, яъни шоир одам... буғдой етиштирмай, пўлат қуймай ёки бино тикламай, фақат... шеър ёзиб юравергани учун суд залига келтирилган эди. Бу жараён яна шунинг учун ҳам кафкаёна суд деб баҳоланишга лойиқ эдики, қора курсидаги одам ўзини асоссиздан-асоссиз суд қилишаётганини била туриб ҳам, пировардида бемаъни ҳукмга гайришуурий бўйсунади, итоат этади...

Эҳтимол нопок кимсалар бир-бирлари билан вақтичоғлик дамларида топишар, бироқ софдил одамлар аксарият қийин лаҳзаларда яқинлашишади. И.Бродский шу вақтгача бирор марта юзма-юз келиб, бирор оғиз гаплашмаган одами — москвалик ёзувчи ва журналист Ф.Вигдорова унинг тақдирига ўша кунларда нажот фариштаси мисол кириб келган. Дарҳақиқат, у И.Бродский иши бўйича ҳар икки суд мажлисини ҳам стенограмма шаклида қоғозга тушириб олмаганида, бу йигитнинг кейинги ҳаёти бошқача кечиши наинки мумкин, ҳатто тайин эди. Хайриятки, суд арафасида И.Бродскийнинг яқинлари ва дўстлари худди эртани олдиндан кўргандек, Ф.Вигдоровага мурожаат этган ва агар ёш шоир иши судда кўриладиган бўлса, дарҳол Ленинградга етиб келиши юзасидан ваъдасини олган эди. Бениҳоя ҳалол ва мард инсон бўлган Ф.Вигдорова судья И.Савельеванинг бир неча марта қатъий тақиқла-

шига қарамай, қоғозга туширган ёзувлар ошкоралик бўғилган ўша даврда И.Бродский ишига оид бирдан-бир ҳужжат вазифасини адо этади.

Хуллас, 1964 йил 18 февраль кuni Қўзғолон кўчаси 36-уйда жойлашган Дзержинский туман халқ суди биносида И.Бродский иши юзасидан биринчи суд мажлиси бўлиб ўтади. Ф.Вигдорова ёзувларига ҳаттоки юзаки кўз югуртириб ҳам И.Бродский иши деб аталган бу “томоша”да бош ролни ижро этган судья И.Савельева ўзини нақадар соҳиби қудрат дея ҳис этганини фаҳмлаб олиш мушкул эмас. Шоир шахси ҳамда бадиий ижод масаласида ҳеч вақога ақли етмаса ҳам, бу аҳволи ўзини нақд Фемида деб ҳисоблашига монелик қилмаган судьянинг И.Бродскийга ташлаган ҳар бир луқмасида беписандлик аралаш нафрат уфуриб турарди:

“Судья: Умуман, мутахассислигингиз нима?

Бродский: Шоир. Шоир-таржимон...

Судья: Сиз бунга ўқиганмисиз?

Бродский: Тушунмадим, бунга деганингиз нима?

Судья: Шоирликка-да. Шоирлар тайёрлайдиган... уларни ўқитадиган... институтни тамомлашга ҳаракат қилмаганмисиз?

Бродский: Йўқ, шоирлик маълумот орқасидан келади, деб ҳеч ўйламаган эканман.

Судья: Хўш, унда ниманинг орқасидан келади?

Бродский: Менинг ўйлашимча, бу (бир оз тарадудланиб)... Худонинг инояти...”

Одам шоир, ёзувчи ёки драматург бўлиши учун чўнтагида албатта дипломи бўлиши шарт, дея шак-шубҳасиз ишонадиган киши билан баҳс қилиб ўтириш Дон Кихот каби шамол тегирмони билан жанг қилишдек қулғули иш, албатта. Лекин, начора, манфур идора усули бундай калтабин киши эгнига судьялик либосини кийдириб қўйган, унинг маслаҳатчилари бўлса ушбу масалада ундан бешбаттар ўтиб тушарди.

Мажлисида суд билан боғлиқ зарур расмийликлар адо этиб бўлиниши ҳамонда адвокат З.Топорова қуйидаги мазмунда баёнот беради: “Мен фуқаро И.Бродскийни суд-тиббийет экспертизасига юбориб, унинг соғлигига доир ҳақиқий аҳволни аниқлаш лозим, деб ҳисоблайман. Негаки суд, авваламбор, унинг саломатлиги доимий иш билан банд бўлишига тўсқинлик қилган ёки қилмагани ҳақида бир хулосага келиб олиши зарур”. Сўнгра адвокат суд ҳайъати олдида яна бир адолатли талабни кўяди: “Фуқаро И.Бродский дарҳол соқчилар қузатуvidан озод қилиниши шарт. Чунки, у ҳеч қандай жиноят содир этмаган ва уни ҳибсада ушлаб туриш қонунга хилоф. У доимий яшаш жойига эга ва ҳар қандай пайтда суд чақириги билан талаб этилган жойга бориши мумкин”.

Суд ҳайъати адвокат З.Топорованинг И.Бродскийни суд-психиатрия экспертизасига юбориш ҳақидаги биринчи талабини қондиради. Бироқ жавобгарни соқчилар қузатуvidан озод этиш ҳақидаги иккинчи талаб рад этилиб, уни суд-психиатрия экспертизасига олиб бориш 18-милиция бўлими зиммасига юклатилади. Шу тариқа И.Бродский иши юзасидан қисқа вақт давом этган дастлабки суд мажлиси ниҳоясига этади.

Ана шундан сўнг И.Бродский Пряжа дарёси бўйидаги 2-психиатрия шифохонасида зарурати бўлмаса ҳам... уч ҳафта мажбуран ушлаб турилади. Оддий одамлар тилида “жиннихона” деб аталадиган бу даволаш муассасаси XIX асрда қурилган бўлиб, бу бино айниқса деразаларнинг галати ҳажми билан нозиктаб шоирни қаттиқ изтиробга солади. И.Бродский анча йиллар ўтиб таъкидлашича, агар бу деразалар яна саккиз марта қаттайтирилсагина хонага мутаносиб бўлар эди. Фақат шугина эмас, Пряжадаги “муолажа” усуллари ҳам ўзига етгунча ажабтовур эди. “Бемор” тун ярмида ширин уйқудан турғизилар, аввал совуқ сув тўла ваннага обдон бўктирилиб, сўнгра ўзи каби шалаббо кир чойшабга ўраб-чирмаб ташланар, ана шундан ҳам кейин иссиқлик батареяси ёнига гўладек “юмалатиб” қўйиларди. Чойшаб қуриб боргани сари баданни сиқиб, қаттиқ оғриқ ҳосил қиларди. Бу, албатта, чинакам даҳ-

шат эди, аммо бундан ҳам баттари... И.Бродский ҳамхонаси бўлган бемор ўзини ўзи қандай ўлдирганига қўққис гувоҳ бўлиб қолади...

Ана шундай азоб-уқубатлар орасидан ўтган И.Бродский 1964 йил 13 март куни яна “одил” суд ҳайъатига рўбарў қилинади. Бунинг арафасидан эса суд-психиатрия экспертизаси И.Бродский феъл-атворидан ростдан ҳам психопатик белгилар мавжуд, аммо у, бундан қатъи назар, меҳнат қилишга яроқли, демак, маъмурий тартибда чора қўллаш мумкин, деган мазмунда хулоса берган эди. Иши бароридан келган таъқиб “ташаббускор”лари бу сафарги суд мажлисини очик ҳолда ўтказиш лозим, деган қарорга келади. Ахир, кенг оммага тарбиявий таъсир ўтказишнинг бундай қулай имкониятини қўлдан бой бериш инсофдан эмасда! Бунинг учун эса аввалги тору танг хона бошқа кенгу мўл зал билан алмаштирилиши лозим эди, албатта. Адвокат З.Топорова шу мақсадда танланган 15-қурилиш-монтаж бошқармасининг Фонтанка кўчасидаги бинокорлар клубига келганида, ўзи гувоҳ бўлган манзарани қуйидагича тасвирлаб беради: “Бинога кираверишда тумонат одам уймалашар, милиция ҳам одатдагидек ҳозир у нозир эди. Залдагилар икки гуруҳга бўлиниб олган — бир томонда халқ дружиначилари ва “ҳайдаб” келинган мавсумий ишчилар ўтирар, улар расмонасига тажовузкор кайфиятда эди. Бошқа томонда бўлса ёш шоирлар, санъат намояндалари, зиёлилар вакиллари ўтирар эди. (Я.Гординнинг гувоҳлик беришича, улар ўртасидаги нисбат учга бир эди — М.Р.) Бу галги суд мажлиси, дарҳақиқат, ҳуқуқий жараён эмас, расмона сиёсий тadbир эдики, клуб пештоқига осиб қўйилган “Текинхўр Иосиф Бродский устидан суд!” деган алвон ҳам шунга писанда қиларди.

Иккинчи мажлис ҳам биринчиси каби маънисиз тарзда ўтиши ўз-ўзидан аён эди, албатта. Чунончи, жамоатчи айбловчи Ф.Сорокин И.Бродскийга ота-онаси қарашиб турганидан хабардор бўлгани ҳолда қуйидагича саволлар ёғдириши буни яққол тасдиқлайди. И.Бродскийга келсақ, у ҳар бир саволни хотиржам қарши олади ва ўткир жавоб билан “ҳамла”га чап беради.

“Жамоатчи айбловчи **Сорокин**: Сиз ишлаб топган пулга кун кечириб бўлади деб ўйлайсизми?”

Бродский: Ҳа, бўлмасам-чи! Турмада ётганимда ҳар куни овқатимга 40 тийиндан пул сарфлангани ҳақида ҳужжатга қўл қўйиб берардим. Ваҳоланки, оздликда ишлаб топган пулим кунига 40 тийиндан кўпроқ бўларди.

Сорокин: Одамга бундан ташқари яна кийим-кечак ҳам керак-ку?”

Бродский: Бисотимда фақат битта костюм бор — тўғри, уям эскириб қолган, аммо янгисига эҳтиёжим йўқ...”

Тўғри, суд мажлисида шоирликнинг қора меҳнатидан хабардор кишилар ҳам қанташиб, бу соҳанинг паст-баландини аввало суд ҳайъатига, қолаверса, унда иштирок этаётган бошқа кишиларга тушунтириш ва шу йўл билан И.Бродскийни текинхўр деган ноҳақ ва ҳатто масхаромуз тамгадан қутқариб қолишга жон борица ҳаракат қилади. Бироқ уларнинг бу дамдаги аҳволини денгиз бўйида туриб қичқираётган киши овозини тўлқинлар шовқини ютиб юборишига қиёс этиш мумкин эди. Бир сўз билан айтганда, гайриинсоний тузум тажассуми бўлган бу кучлар ҳеч нарсани тушунмас, яна ҳам тўғрироғи, тушуннишни истамас эди. Ахир, суд маслаҳатчиси М.Тяглий ошкора гайрилик билан гувоҳ Н.Грудинианага берган мана бу саволни наҳотки бошқача изоҳлаб бўлса?!

Маслаҳатчи **Тяглий**: Сиз бирор марта бўлса ҳам уни (яъни И.Бродскийни — М.Р.) шеър устида ишлаб ўтирган ҳолда кўрганмисиз ёки у бошқаларнинг меҳнатидан фойдаланганми?”

Грудиниана: Тўғри, Бродскийни шеър ёзиб ўтирган ҳолда ҳеч қачон кўрмаганман. Бироқ Шолоховни ҳам столга кўкрак бериб ишлаб ўтирган ҳолда ҳам ҳеч қачон учратмаганман. Демак, бундан хулоса чиқариб бўлмайдики...

Судья: Шолохов ва Бродскийни ўзаро таққослаш тўғри эмас. Наҳотки сиз давлатимиз йигит-қизлар олдига ўқишни, таълим-тарбия олишни қатъий талаб қилиб қўяётганини ёшларга тушунтирмаган бўлсангиз. Ахир, Бродский мактабда атиги саккиз йил ўқиган экан, холос.

Грудинина: Лекин, шунга қарамай, унинг билим доираси жуда кенг. Мен у қилган таржималарни ўқиб, бунга амин бўлганман”.

Дарвоқе, орадан бир неча йил ўтиб, Шолохов ва Бродский номини ёнма-ён тилга олиш имкони ҳам пайдо бўлади – чунончи, ҳар иккови-га ҳам муносиб кўрилган бообрў халқаро мукофот муносабати билан... Лекин бу хусусда сўз юритишга ҳали бир оз эрта. Ҳозирча фақат бир гапни таъкидлаган маъқул: Н.Грудинина нақадар тўғри башорат қилган экан ўшанда!..

Шуниингдек, бу гувоҳ аёлнинг ёш ижодкор ва қалам ҳақи масаласида билдирган ростгўй мулоҳазасию бундан қўққис талвасига тушган судьянинг жавоб “зарба”си ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

“Н.Грудинина: Ёш шоир меҳнатини у шу тобда олган қалам ҳақиға қараб баҳолаш нотўғри. Бундай муаллифнинг йўлида омадсизлик беркиниб турган бўлиши, оқибатда у яна узоқ вақт тер тўкиб ишлашига тўғри келиши мумкин. Мана шундай ҳазил бир гап бор: текинхўр билан ёш шоир ўртасидаги фарқ шундан иборатки, текинхўр ишламайди-ю, аммо доим тўқ юради, ёш шоир бўлса ишлайди-ю, лекин кўпинча оч қолади”.

Сўз шу ерга етганда, судьянинг “гойвий етуклиги” тутиб кетади-да “Сиз берган бу баёнот бизга сира маъқул бўлмади”, дея баланддан келиб гап бошлайди. Сўнгра янада ҳукмфармо оҳангда: “Бизнинг юртимизда ҳар бир киши меҳнатига яраша ҳақ олади, шу сабаб кўп ишлаган одам оз маош олиши мутлақо мумкин эмас. Гапингизга қулоқ солиб турсак, ёш шоирларга катта ғамхўрликлар кўрсатилаётган бизнинг мамлакатимизда гўё улар оч қолаяпти экан, буниси энди қанақа гап бўлди?” дея дағдаға бошлайди...

А.Герцен номидаги педагогика институти доценти Е.Эткинд таржимонлик ишининг ўзига хос бир жиҳати хусусида гапириб, бу соҳа кишилари меҳнати дарров мева бера қолмаслигини таъкидлайди. “Пул дегани фақат таржима босилгандан кейингина келади. Бунгача эса ҳатто ўнлаб йиллар ўтиб кетиши мумкин, дейди тилшунос олим куюнчаклик билан. – Демак, ҳозирча оз пул ишлаб топяпти, дегани албатта ишқмас, дангаса, текинхўр дегани эмас!”

Шу олий ўқув юрти профессори А.Адмони ҳам И.Бродский фойдасига гувоҳлик берганлар мулоҳазасини давом эттириб, мана бундай дейди: “Бугун Бродскийга нисбатан татбиқ этилмоқчи бўлаётган фармон кам ҳақ олаётганларга эмас, кам меҳнат қилаётганларга қарши қаратилгандир... Шу сабабли Бродский елкасига текинхўр деб айб қўйиш бориб турган бемаънилик бўлади, холос. Унга ўхшаб эртаю кеч жонини аямай тер тўкаётган, мўмай пулу унинг ортидан келадиган ҳузур-ҳаловатга учмай, энг зарур деб саналган ул-бул нарса билан қаноат ҳосил қилаётган, фақат ўз соҳасининг чинакам устаси бўлиш ва тўлақонли бадийий асарлар яратиш ҳақида ўйлаётган одамларга текинхўр деган айб қўйиш мутлақо инсофдан эмас”. Дарҳақиқат, олим қайд этганидек, И.Бродский олдида ҳам шу соҳанинг баъзи корчалонлари каби таржимани қўл учида, енгил-елпи бажариш “имконияти” йўқ эмасди, аммо у ҳар сафар онгли равишда энг сермеҳнат, энг серзаҳмат йўлдан боради...

Ушбу суд жараёнидаги кишини ҳайрон қолдирадиган яна бир жиҳат шуки, И.Бродскийга қарши гувоҳлик берганларнинг бирортаси ҳам аслида уни танимайди. Шу сабабли барча ёлланма гувоҳлар ўз “нутқ”ини бир хил тартибда: “Мен Бродскийни шахсан танимайман, аммо...” деган кириш сўзи билан бошлайди. Бу ҳол эса бошқа бир ХХ аср улуг рус шоири Б.Пастернак тақдиридаги қора кунларни беихтиёр эсга солиб юборади. 1958 йилда “Доктор Живаго” романи “ур, калтак!” қилинганда унга лой чаплаган ёлланмачилар ҳам ўз сўзини худди шу таҳлит-

да бошлаган эди: “Мен “Доктор Живаго” романини ўқимаган бўлсам-да, бироқ ишонч билан айтаманки...”

И.Бродский иши кўрилган суд жараёни тафсилотлари билан танишар экансиз, бошдан-оёқ бир қизил чизиқ бўйлаб ҳаракат қилинганга такрор-такрор ишонч ҳосил қиласиз. Бир томонда адабиёт соҳани вакиллари (озчилик) шеър ёзиш ҳам аслида расмона меҳнат ҳисобланади ва бу ишга ўзини тўла-тўқис бағишлаш текинхўрлик деб баҳоланмаслиги лозим, деб уқтирса, бошқа томонда эса адабиётга алоқаси бўлмаган кишилар (кўпчилик) шоир албатта бирор ерда ишлаши шарт, шеър ёзиш эса бўш вақт ҳисобидан бўлиши зарур, дея оёқ тираб туриб олади. Кейинги гуруҳга мансуб кишиларнинг ўз наздида жуда “асосли” бўлган яна бир даъвоси ҳам бор: умуман, И.Бродский деганингиз шоирми ўзи, буни ким рўй-рост тасдиқлай олади? Рост, бундай саволни ўртага ташлашнинг ўзиёқ айна бемаънилик эди. Негаки, тирик пайтида тузукроқ эътибор топмай, ўлганидан кейин шон-шарафга бурканган шоирлар озмунчами, ахир?!

Афсуски, ўша давр судлов тизими бундай қалтис ҳуқуқни Ленинград Ёзувчилар ташкилотига “ҳадя” қиладики, мазкур идора эса бу “вазифа”ни ёш муаллифлар билан ишлаш комиссияси котиби Е.Воеводин тимсолида адо этади. Аслида комиссиянинг ҳеч бир ваколатисиз, фақат А.Прокофьевнинг оғзаки буйруғи билан судда ҳозир бўлган бу мансабдор адабнинг хато кўрсатмаси И.Бродский тақдирини бир ҳамла билан ҳал этади-қўяди. Е.Воеводин судда И.Бродский ҳақида, жумладан, мана бундай дейди: “Эҳтимол, Бродский деган таржимон ростдан ҳам бордир, аммо Бродский деган шоир, имоним комилки, йўқ”. Шунингдек, у қора курсидаги кимсани истейдод деб оқламоқчи бўлаётган айрим гувоҳларга мана бундай “зарба” беради: “Истейдод фақат ва фақат халқ эътирофи билан аниқланади. И.Бродскийга келсак, бундай эътироф йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас”. Е.Воеводин ва И.Бродский ўша кезларда мавжуд бўлган икки қарама-қарши адабиёт — яккахоким мафкурага мутеларча хизматда бўлган “мўмин” расмий адабиёт ҳамда виждон амридан бошқа ҳеч нарсани тан олмайдиган “саркаш” норасмий адабиётга мансуб эдики, улар бир-бирига тоқат қилолмаслиги ўз-ўзидан аён эди. Е.Воеводин ҳам А.Николаев каби “сафдош”ларидан ортда қолмай И.Бродскийни кескин қоралаб ва ҳатто инкор этиб ўз сўзини яқунлайди: “Бродский ёшларни меҳнатдан, дунёдан ва ҳаётдан бездирмоқда. Унинг жамиятга қарши каттакон “хизмат”и ана шундан иборат”. Шармандали суд поёнига етгач, Н.Грудинина уни ташқарида тутиб олиб, бундай гувоҳлик сабабини суриштирганда: “Мен бор-йўғи буйруқни адо этдим, — дейди у хижолат чеккан алфозда. — Нима ҳам қилардим, ахир, оддий аскарман!”

Суд охирлаб бораётган вақтда И.Бродский сўнгги сўз учун рухсат олиб “Мен бу ерда айтилганидек, текинхўр унсур эмасман, балки кун келиб Ватанини шон-шарафга бурковчи шоирман”, дея баёнот беради бошини адл тутиб. Лекин худди шу тобда унга хайрихоҳ бўлган озгина кишилардан бошқа ҳамма — судья, маслаҳатчилар ва айтарли бутун зал қўққис хоҳолаб кулиб юборади.

XX аср улуғ рус композитори Д.Шостакович судга йўллаган, лекин, афсуски, ўқиб эшиттирилмаган телеграммасида бундай деб ёзган эди: “Мен шоир Бродский ишини кўриб чиқиш чоғида қўйидаги ҳолатни ҳам ҳисобга олсангиз, дея қаттиқ илтимос қиламан: Бродский шакшубҳасиз катта истейдод соҳибидир. Бинобарин, унинг ижодий тақдири ва қолаверса тарбияси билан ҳам Ёзувчилар уюшмаси шуғуланмоғи керак. Агар суд ана шундай ҳукм чиқарса, адолатли йўл тутган бўларди”. Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли Ленинград қамали кунларида улуғвор 7-симфонияси билан Нева бўйидаги шаҳар аҳли қалбига матонат ҳиссини жойлаган бу зотнинг фақри ақл-идрок саси эди, албатта. Бироқ судья И.Савельева ҳамда унинг соясига айланган маслаҳатчиларнинг гунг қалби, афсуски, бу овозни эшитмайди ва

И.Бродскийга РСФСР Олий Совети Президиуми фармонида кўзда тутилган энг оғир жазони белгилаш ҳақида қарор чиқаради. У текинхўрлик орқасида кун кечирган дея топилиб, меҳнатга мажбуран жалб қилиш шарти билан 5 йиллик муддатга Ленинград шаҳридан бадарга этилади.

Суд И.Бродский устидан ҳукм ўқиш билан бирга унинг фойдасига гувоҳлик берган кишиларга ҳам якка тартибда ажрим чиқарган, бироқ таомилга зид равишда бу ҳақда эълон қилмасдан баайни орқадан келиб куракқа ханжар урган эди. Шу муносабат билан ушбу инсонлар Ленинград Ёзувчилар ташкилоти котибият мажлисида муҳокама этилади ва уларга бир бошдан ҳайфсан эълон қилиб чиқилади. Энг қаттиқ калтак Н.Грудинина бошида синади — у “Светлана” заводи ва Пионерлар саройидаги иш жойидан маҳрум этилади.

Ўз-ўзидан аёнки, И.Бродский тарафдорлари суднинг эртасиданоқ адолат илинжида югур-югурларни бошлаб юборади. “Иосифнинг отаси Александр Иванович билан ... шаҳар суди раиси Ермаков ҳузурига кирдик, — дея хотирлайди яна З.Топорова. — У Александр Ивановичга юзланиб: “Сиз яхшиси Москвага боринг, балки ҳақиқатни ўша жойда қарор топтириб бўлар”, дея маслаҳат берди. Бу шундан далолат берар эдики, ҳатто суд раисининг ҳам оёқ-қўли чирмаб ташланган, обкомнинг кўрсатмаси шу қадар қаттиқ бўлган эди. Ҳатто у ҳам ҳеч нима қила олмасди”.

Ф.Вигдорова Ленинграддан Москвага қайтиб келибоқ иш чиқарса бўлади, деб тахмин қилинган барча маҳкамалар эшигини бир-бир қоқишга киришади. Шу кунларда И.Бродский қисматидан ташвишга тушган бошқа машҳур ва софдил адиблар, масалан, А.Ахматова КПСС Марказий Комитетига, К.Чуковский эса СССР Бош прокуратурасига мактублар йўллайди. К.Чуковский мактубида, жумладан, куйинчаклик билан айтилган қуйидаги сўзлар бор эди: “Ватанимиз зиёлиларини чуқур хавотирга солган бу иш албатта адолатли ҳал этилади, деб умид қиламан. Мен Фарб билан мулоқотда бўлиб турувчи бир инсон сифатида “Бродский иши” хориждаги дўстларимиз кўзи олдида одил совет судининг обрўсига ниҳоятда катта пугур етганидан қайгурмай туролмайман...”

Суддан сўнг И.Бродский бир вақтлар ўзи санитар бўлиб ишлаган турмада бир ҳафта ҳибсда сақланади ва 22 мартда ўзига ўхшаш бир гуруҳ маҳбуслар билан сургун муддатини ўташ учун поездда олис шимолга жўнатилади. И.Бродскийни кузатиб қўйиш учун вокзалга чиққан З.Топорова 80-йиллар адоғида бу лаҳзаларни эсга олиб, “Унинг ўша пайтдаги аҳволи чиндан-да аянчли эди, — дея ҳикоя қилган эди. — Иосиф оёғига чийбахмал шиппакни апил-тапил илиб олган ва чўнтагига онаси тутқазган бир жуфт апельсинни жойлаган қўйи сургунга йўл олган эди. У Ленинградни тарк этаётганидан жуда эзилар, кетишни сираям истамасди...”

Совет тузумининг И.Бродскийга қарши “тажовуз”и ёш шоир ва таржимоннинг Иттифоқ ҳамда чет элдаги довруғини бениҳоя ошириб юборади. Бунда Ф.Вигдорова ёзувларининг дастлаб “самиздат” орқали мамлакатга ёйилиши, сўнгра хорижий тилларга ўгирилиб, Франциянинг “Fugaro litteraire” ва Англиянинг “Encounter” нашрларида тўлиқ чоп этилиши катта роль ўйнайди. Шу асно ер юзининг барча тарафидан И.Бродскийга озодлик берилишини талаб қилувчи овозлар янграй бошлайди. Уни адолатсиз равишда жазолашга бош қўшганларни очиқ-ошкор айблаш ва ҳатто маломат қилишга қадар борилади. Бу ҳақда Н.Грудинина мана бундай гувоҳлик беради: “Прокофьев бир гал Расул Ҳамзатовдан ҳол-аҳвол сўраб борса, Александр Твардовский ҳам унинг ёнида экан. Прокофьев дабдурустдан қаёқдаги бир иш ёқмас, дангаса, текинхўрни деб боши ташвишдан чиқмай қолгани, ёзувчилар унга ҳадеб ёвқараш қилаётгани ҳақида нолиб гапира бошлабди. Шунда Твардовский: “Сен бутун шоир халқига хиёнат қилдинг!” дебди унинг юзига тик боқиб. Бу воқеани менга Яков Козловский айтиб берганди”, дея илова қилади Н.Грудинина.

6. СУРГУН

И.Бродский суд хукмига кўра, сургунни Архангельск вилояти Коноша тумани Норенск қишлоғида ўтказиши лозим эди. Бу қишлоқ темир йўлдан ўттиз километр чамаси узоқда жойлашган бўлиб, ботқоқзор шимол ўрмони билан қуршалган эди. И. Бродский ўз умрининг бу ерда кечган бир “бўлаги” ҳақида кейинчалик қуйидагиларни ҳикоя қилади: “Норенскда аввалига бир хушфёъл сут соғувчи аёлникида яшаб турдим, кейин кекса бир деҳқондан ижарага ҳужра олиб кўчиб ўтдим. Мен меҳнат қилиб топган озгина пул ҳам ижара ҳақига сарфланар, араққа деб уч сўм сўраб чиқадиган уй эгасига онда-сонда қарз ҳам бериб турардим”.

И.Бродский шон-шуҳрати бутун дунёга ёйилган 80-йиллар адоғида журналистлар норенский ўша хушфёъл сут соғувчи аёл — Таисия Ивановнани излаб топишга ва унинг қувгинди шоирга доир эсдаликларини ёзиб олишга муваффақ бўлади. Бу аёлнинг И.Бродский паноҳ топган пастаккина кулбасини XIX асрда унинг катта бобоси тиклаган эди. Уининг И.Бродский истиқомат қилган хонаси узунига беш, энига тўрт қадам келар, унга диван билан стол аранг сигар эди, холос. Хона деворига бошдан-оёқ энли тахта қопланган, арча гўлаларини қоқ иккига бўлиб пол қилинган эди. Ундаги биттаю битта деразадан қишлоқдаги бош кўчанинг шапалоқдай қисмию рўпарадаги учта-тўртта кулба кўриниб турар, хув нарида эса ўтлоқзор ва ўрмон кўзга ташланарди.

И.Бродскийнинг яқинлари ва дўстлари уни сургун йилларида ҳам ёлғизлатиб қўймайди. Я.Гордин олтмиш тўртинчи йил кузида ёзувчи И.Ефимов билан Норенскка келганида, И.Бродский галла омборига ишга қўйилган ва бугдой қизимасин деб белкурак билан ағдариб турарди. Е.Рейн ва А.Найман эса улар ортидан сургундаги шоирга А.Ахматованинг изтиробга тўла мактубини ҳам ола келади. Шуни қайд этиш лозимки, расмий доиралар унчалик хуш кўрмаган бу шоира Иосиф мен билан яқин бўлгани сабаб шу балога гирифтор бўлиб турибди, дея ўзини ўзи беаёв айблар эди. И.Бродский ҳаётидаги ўша нажот фаришгаси — Ф.Вигдорова бисотидаги биттаю битта мўъжаз ёзув машинкасини Норенскка танишлар орқали бериб юборади. Унга қалбан яқин бўлган бошқа бир аёл — Л.Чуковская эса сургундаги шоирга ҳар нарсадан ҳам қиммат бўлган китоблар жўнатиб туради. Дарвоқе, дарди бедаво касал — саратонга чалинган Ф.Вигдорова ўшанда ўз умридан фақат бир йилгина қолганини ҳали билмас эди. У ана шу сўнгги йилни ҳам ноҳақ бадарға этилган ёш шоир ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилишга сарф этади.

Ниҳоят, ярашиб олишгандан сўнг М.Басманова ҳам Норенскка келиб, И.Бродский билан бирга яшай бошлайди. Лекин бу икки ёш муносабати ҳали ҳам, афсуски, ўта чигал ва гоят зиддиятли эди. Бу жуфтлик орасида Д.Бобишевнинг гоҳ-гоҳ пайдо бўлиб қолиши ҳар гал асабий жанжални келтириб чиқарарди. Марина бўлса бу икки рақиб ўртасида бир қарорга келолмай, гоҳ униси, гоҳ буниси ёнига чопади. Ана шундай беқарорлик чангалида қолган Марина охир-оқибат Иосиф билан никоҳ риштасини узади ва улар 1967 йилда Андрей исмли ўғил кўришгандан сўнг бир-бирини абадий тарк этади. Лекин Марина ҳали узоқ вақтгача унинг тақдирдан бош олиб кетмайди — у Иосифнинг ўйларига такрор ва такрор бостириб кирар, бунинг оқибати ўлароқ “М.Б.га” деган бағишлов остида янгидан-янги шеърлар дунё юзини кўрарди. (Дарвоқе, орадан ўн йилча вақт ўтиб И.Бродский ҳаётида бошқа бир аёл ҳам пайдо бўлади. У 1991 йили Парижда отаси итальян, онаси рус бўлган зодагон аёл Мария Соззани билан танишади ва шу йилнинг ўзидаёқ у билан оила қуради. 1992 йилда бу никоҳдан Анна-Александра-Мария исмли қиз дунёга келади. И.Бродский устози Анна Андреевна, отаси Александр Иванович, онаси Мария Моисеевнalar шарафига қизини ана шу ном билан атаган эди).

“Лирик” чекинишга нуқта қўйсак-да, шоирнинг сургундаги ҳаёти лавҳаларига қайтсак. И.Бродский ўз ҳаётининг суд ва сургун билан боғлиқ воқеалари ҳақида эслаш ва сўзлашни унча хуш кўрмас, бунинг са-

баби – ўзига жабрдийда деб эмас, балки шоир деб қарашларини хоҳларди. Шу боис ҳам сургун даврида кўпдан-кўп машаққатларни бошдан кечирган бўлса-да, аммо булар ҳатто эслашга ҳам арзимаиди дегандек, уларни осонгина четлаб ўтиб, фақат ҳаловатли онлар хусусида сўз юритади. Орадан ўн йилларча вақт ўтиб, АҚШлик журналист М.Скаммел-нинг “Суд ва сургун Сизнинг ижодингизга қандай таъсир кўрсатди?” деган саволига ҳам И.Бродский ана шундай руҳда жавоб қайтаради: “Биласизми, буни ҳатто ўзим учун фойдали бўлган, деб ўйлаб қоламан. Чунки, қишлоқда кечган ана шу икки йил ҳаётимнинг энг ажойиб давридир. Мен ўшанда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ижод қилганман. Гарчи эртадан кечгача билакка зўр бериб ишлашга тўғри келган бўлса ҳам, бу заводдаги меҳнат эмас, балки даладаги юмуш бўлгани боис, баъзан ишнинг ўзи қолмаган пайтларда дам олишга ҳам анча-мунча фурсат бўларди”. Дарҳақиқат, олис шимол заминидagi сургун даврида у қалин бир китобга жо бўларли ажойиб шеърлар ёзади. Водариг! Шоир табиатининг энг жумбоқли томони ҳам аслида шу: у қанчалар оғир аҳволга солинса, шунча қизғин ижод қилади.

И.Бродский сургун даврида шоирлик бурчи ва эътиқоди ҳақида чуқур ўйлаб, бу борада ўзи учун зарур бир хулосага келади. У дўсти И.Томашевскаяга 1965 йил 19 январь кўни ёзган хатида илгари қандай бўлган бўлса, бундан буён ҳам ана шундай бўлиб қолишини маълум этади ва “Сирасини айтганда, менинг бу ёруғ оламда ҳеч бир айб-гуноҳим йўқ, – деб таъкидлайди қатъият билан. – Буни такаббурликка эмас, хокисорликка йўйинг, бироқ бу – бамисоли тоғнинг осмон олдидаги хокисорлигидир. Ўзимни шунча тупроққа қорганим етар. Қайгу ҳасратга эмас, қаҳрга айланиши лозим ва мен энди чиндан-да қаҳрлиман”.

Хилват қишлоқ бўлмиш Норенскда И.Бродский ўз ижодига бутун умр бўйи катта таъсир кўрсатган XVII аср инглиз руҳонийси ва шоири Жон Донн шеърляти билан аслиятда муфассал танишади. И.Бродский ўша кезларни эслаб, 70-йиллар бошида мана бундай деб айтган эди: “Ушбу китоб менинг қўлимга қандай қилиб тушиб қолди – мана шуниси қизиқ. Аввалига бу шоир асарларини қидириб қанчадан-қанча антологияни тит-пит қилиб чиқмадим, дейсиз! ...Сургундалик вақтимда Лидия Корнеевна Чуковская туғилган кунимга совға тариқасида – чамаси, отасининг кутубхонасидан олган бўлса керак – Жон Донннинг “Модерн лайбрери” да чоп этилган нашрини юбориб қолса бўладими?! Ушанда бу шоир шеърларини биринчи марта битта ҳам қўймай ўқиб чиққанман, ўқиганда ҳам росманасига, жиддий ўқиб чиққанман.” Барокко адабиётининг бу улуг вакили И.Бродскийнинг назм бобидаги тасаввурларини бениҳоя кенгайтириб юборгани ҳақида унинг ўз оғзи билан айтган эътирофли сўзлари адабиёт мухлисларига маълум, албатта. Айни чоғда Жон Донн ижодидан қилинган таржималар ёш қаламкаш учун чинакам адабий маҳорат мактаби бўлди – авваламбор унинг шеърлятига метафизик мазмун бахш этди, қолаверса, банднинг ифодавий имкониятларини кенгайтирди, уни янги ритм ва интонациялар излаб топишга илҳомлантирди.

7. ҚАЙТИШ

РСФСР Олий Суди Президиумининг 1965 йил 17 августдаги қарори билан И.Бродскийнинг сургун муддати шу вақтгача ўталган муҳлат – бир йилу беш ойга қисқартирилади ва унга Ленинградга қайтиб келиши учун расман ижозат этилади. Бу, бир томондан, XX аср улуг француз ёзувчиси Ж.П.Сартр бошлиқ соф виждонли Фарб зиёлиларининг собитқадам саъй-ҳаракати самараси бўлса (бу адиб СССР Олий Совети Президиуми Раиси А.Микоян номига оташин мактуб ёзган эди), бошқа томондан эса, К.Чуковский бошлиқ Иттифоқ зиёлиларининг бетиним елиб-югуриши натижаси эди (бу шоир 22 нафар бообрў ёзувчи билан бирга И.Бродскийни васийликка олиш ҳақида мактуб тайёрлаган эди).

Дарвоқе, бу вақтга келиб мамлакат тинч йўл билан амалга оширилган сиёсий тўнтаришни бошдан кечирган, Н.Хрущёв КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь пленумида ўз лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлган эди. Хуллас, СССР бўйлаб янги сиёсий раҳбар — Л.Брежневнинг бора-бора нон сероб бўлиб кетадиган, унинг ортидан эса сиёсий латифалар ҳам болалаб кетадиган даври бошланиб улгурган эди.

И.Бродский сургундан қайтиб бошдан ўтказган илк мусибатли воқеа 1966 йил 10 март куни А.Ахматовани дафн этиш маросими бўлди. Рус шеърятининг бутун тарихи мобайнида бирор-бир шоира (М.Цветаева-ни истисно қилганда, албатта) А.Ахматова қадар юксакликка кўтарилмаган эди. Танҳо А.Пушкиннигина тан олиб, ёлғиз унгагина эргашган бу шоира И.Бродскийнинг ўзиникига мутлақо ўхшамайдиган шеърый услубидан қаттиқ таажжубга тушарди. Зеро, бу икки шоир шеърятининг бирида руҳий ҳолат нозик “чизиб” берилса, бошқасида инсон ҳаёти фалсафий идрок этилар, бири сўзга ўта “зиқна” бўлса, бошқаси уни аямай, аммо сеҳргарона ишлатар, бири метафорага онда-сонда “илтифот” кўрсатса, бошқаси эса унинг жамшидона “базм”и ичра яшарди. Дарҳақиқат, И.Бродский А.Ахматова назмини жуда яхши кўриб баланд кадрласа ҳам, аммо у орзу қилган шеърят мутлақо бошқача эди. И.Бродский кексайиб қолган устозидан хабар олгани тез-тез келиб турар, ҳар гал у билан узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирар, бу гурунгларда, шоир ўзи кейинчалик таъкидлагандек, сўз очилмаган бирор мавзу қолмас, аммо шеърят ҳақида энг кам гапириларди. И.Бродский А.Ахматова портретига мана шундай қисқа, аммо аниқ чизги берган эди: “Унга боқиб туриб, Россиядек салтанатни қандай қилиб аёл император идора эта олганини тушуниб етасан киши”.

И.Бродский сургундан келасолиб ўзини тагин адабий жараён бағрига уради. У мумтоз рус шеърятини сабр-бардош билан ўрганишда давом этади. Ўзига замондош шоирлар ижодини ҳам таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларидан сабоқлар чиқаради. Шу даврда ҳар хил сабабга кўра, Москва, Паланга, Ялта, Гурзуф каби шаҳарларга сафар қилади. Бу сафарлар И.Бродскийни янгидан-янги таассуротлар билан бойитади ва, табиийки, шеърый оламига ҳам ёпирилиб киради.

И.Бродскийнинг бу давр ижодига хос етакчи жанр бирмунча чўзиқ элегия ҳисобланиб, уни ярим дoston деб аташ ҳам хато бўлмас. Унинг шеърятини учун етакчи хусусиятлар сифатида эса ҳикматга монанд фикр юритиш, гам-андухга йўғрилган кайфият, одам ва оламга ўткир киноявий нигоҳ ва ниҳоят, узоқ-юлуқ, аммо жуда соф поэтик тилни таъкидлаш лозим. Унинг “Фаввора”, “Т.Б. хотирасига”, “Натюрморт”, “Генерал Z га мактуб” каби шеърлари ҳамда “Горбунов ва Горчаков” достони ана шундай хулосага келиш учун асос беради.

Ўн йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида И.Бродский ақлни лол қиларли даражада тез камолга етади ва рус шеърини бутун фасоҳати билан эгаллаган сўз устасига айланади. Бироқ, шунга қарамай, у шеърларини чоп этиришда цензуранинг қаттиқ тазйиқига дуч келар ва ҳар гал бу хилдаги тажовузга мурасасиз қаршилик кўрсатарди. Бу ҳақда ҳозирги замон таниқли рус шоири Е.Евтушенко куйидагиларни ҳикоя қилади: “Биз Аксёнов билан бирга анча уриниб “Юность” журнали бош муҳаррири Полевойдан Бродскийнинг саккизта шеърини чоп этишга розилик олдик. Шу баҳона бўлиб унинг тақдири ҳам ўзгариб кетса ажаб эмасди. Бироқ Одам боласи ўз қисматини ўзи танлайди, деганларича бор экан. Полевой ўша сон босиладиган бўлиб турган бир пайтда “Менинг тараллабедод, маст-аласт халқим” деган ягона мисрани ўзгартириб бериши ёки шу саккиз шеърдан биттасини олиб ташлашини сўраганида, Бродский йўқ деб оёқ тираб туриб олди”.

Эътиқодида собит қолган И.Бродский сургундан кейин ҳам совет тузумининг ўзига, ўзининг эса совет тузумига бегона эканини ҳар дам ҳис этиб яшайди. Бироқ ташна руҳини обиҳаёт каби қондирган муаз-

зам рус маданияти ҳамон уни шу заминга, шу халққа маҳкам боғлаб турарди. 1972 йил 12 май куни И.Бродский Ленинград шаҳар ОВИРига чиқирилиб, унинг олдига икки йўлдан бирини танлаш шарт қўйилади: ё ватанни тарк этиш, ё умрини қамоқхона ёки жиннихонада ўтказиш ...

8. МУҲОЖИРЛИК

1972 йил 4 июнь куни тонг палласида СССРни тарк этиш учун Пулково аэропортига отланаётган И.Бродский КПСС Марказий Комитети Бош котиби Л.Брежневга очиқ хат ёзади. Бу мактубда шоир ўзининг 15 йиллик адабий фаолияти фақат ва яна фақат рус маданияти равнақи учун хизмат қилажагини таъкидлаб, мана шу хизмати ҳаққи-ҳурмати адабий жараёнда бундан кейин ҳам ҳеч бўлмаса таржимон сифатида иштирок этиб қолишига розилик беришини сўрайди.

“Россиядан бош олиб чиқиб кетиш менга жуда-жуда алам қилади. Негаки, мен шу ерда туғилдим, ўсдим, яшадим ва қалбимда неки эзгу туйғу бўлса, бари учун фақат унинг ўзидан қарздорман. Менинг чекимга тушган барча ёмон кунлар улардан ҳам кўпроқ бўлган яхши кунлар остида қолиб, кўмилиб кетган ва ўзимни ҳеч қачон Ватаним томонидан камситилган деб ҳис қилмаганман, ҳозир ҳам бундай ҳисни бошдан кечираётганим йўқ. Зотан, мен бундан буён СССР фуқароси бўлиб қоломасам-да, барибир, рус шоири бўлиб қолавераман. Бир кунмас бир кун албатта қайтиб келишимга ишонаман: шоирлар хоҳ вужудида, хоҳ қоғозда бўлсин ҳар гал албатта қайтиб келган. Мен унисига ҳам, бунисига ҳам умид қиламан. Инсоният кимнинг билаги зўр бўлса, ўшанинг гапи ҳақ, дея ҳукм чиқарадиган палладан аллақачон ўтиб бўлган. Аслида ҳам бундай йўл тутайлик дейилса, дунёда кучсизлар қанчадан-қанча. Наздимда, бирдан-бир ҳақиқат бу — эзгуликдир. Хусумат, газаб ва нафратдан — улар ҳатто адолатли бўлса ҳам — ҳеч кимга фойда йўқ. Биз ҳаммамиз бир заруратга — ўлимга маҳкуммиз. Бу сатрларни битаётган одам — менга ҳам, уларни ўқийётган одам — Сизга ҳам ўлим ҳақдир. Оптимизда фақат қилган ишларимиз қолади, холос, аммо улар ҳам емирилишга маҳкум. Шу боис ҳам ҳеч бир одам бошқа кишига ўз юмуши билан машғул бўлишида тўсқинлик қилмаслиги зарур. Ҳаёт кечириш ўзи шундоғам жуда сермашаққат, уни янаям оғирлаштиришдан нима наф?!”

И.Бродский учинчи олдидан, эски расм-русумга кўра, уннаб қолган жомадони четига бир дақиқа чўкади. Сураткаш М.Мильчик томонидан тасмага муҳрланган бу оний ҳолат кейинроқ бутун дунёни айланиб чиқади. СССР парчаланиб кетганидан сўнг — 2005 йилда Санкт-Петербург университети ҳовлисида И.Бродскийга атаб Россияда дастлаб ўрнатилган ёдгорликда ҳам айнан шу жомадон тасвирланади.

И.Бродский муҳожир сифатида заминига илк бор қадам босган бегона юрт Европанинг юраги — Австрия бўлади. Унинг пойтахти Вена бутун дунё бўйлаб муҳожирларни аввал тўплаб, сўнгра яна тарқатиб қоладиган ўзига хос “қўналға” эди.

И.Бродский Исроил визаси билан жўнаб кетган бўлса ҳам, АҚШни ватан тугиб, шу ерда яшаб қолади. Унга хайрихоҳ бўлган гарблик зиёлилардан бири — профессор К.Проффер таклифи билан аввал Энн-Арбордан бошпана топиб, Мичиган университетида рус адабиётидан дарс бера бошлайди. Кейинчалик эса Нью-Йорк шаҳрига кўчиб ўтади ва Колумбия ҳамда Нью-Йорк университетларида фаолият кўрсатади. Талабалар уларга юзма-юз турган бу ўта зукко олим атиги етти синфни тамомлагани ва фақат мустақил мутолаа туфайлигина шу даражага эришганидан беҳабар эди, албатта.

Ота-онасини ўғиллари олдига албатта юборишади деб қаттиқ ишонган ва улар келганида кенг-мўл яшаса деб орзу қилган И.Бродский Энн-Арборда каттагина бир уйни ижарага олади. Бироқ, афсуски, СССР

рахбарияти Александр Иванович ва Мария Моисеевналарнинг хоҳ бир-галикда, хоҳ якка ҳолда бўлсин, ўгиллари билан дийдорлашиш учун рухсат сўраб қилган илтимосини ўн икки бор ҳам рад этади. 1983 йилда онасидан, бир йилдан сўнг эса отасидан жудо бўлган И.Бродскийнинг ўзи ҳам ана шундай рад жавоби туфайли азиз кишиларининг дафн маросимида қатнаша олмайди. Бу тақиқлар олиб ташлангандан кейин ҳам унинг киндик қони тўкилган юртига келишни ортга суравергани балки ўша аламли хотиралар билан изоҳланар?!

И.Бродский гарчи мана шундай жабру ситамлар тортган бўлса ҳам, СССР шаънига ҳар хил нолойиқ сўзлар айтишдан ўзини тияди. У айниқса, ўзининг муҳожирлик қисматига сиёсий тус беришни хоҳламас, бу ҳақда сўз очилгудек бўлса, “Мен бор-йўғи бир макондан бошқа маконга, бир салтанатдан бошқа салтанатга кўчиб ўтдим, холос”, дейиш билан кифояланар эди, холос. Кейинги макон ва салтанатнинг аввалгисидан фарқи эса, унинг наздида, фақат бир нарсадагина эди. У 1987 йилдаги интервьюларидан бирида: “АҚШда ўтказилган ўн беш йил менинг ҳаётимдаги ажойиб бир давр бўлди, чунки ҳеч ким менинг тинчимни бузишга қасд қилгани йўқ, – деб айтган ва ортидан шундай қўшиб қўйган эди. – Мен бу ерда шундай ҳаёт кечирдимки, аслида шоир худди шундай кун кечириши лозим – ҳаёт лаззатларию одамлардан бир чеккада... Балки, қувғин шоир тақдири учун бирдан-бир табиий шарт-шароитдир. Бу борада романнавислар йўриғи бошқа – улар ўзлари қаламга олаётган жамият қурилмасининг нақд ичида юриши керак. Мен ҳаёт шароитим ва кундалик машғулотиمنىнг бундай мувофиқлиги борасида омадим келганини фаҳмлаб турардим, албатта. Ҳозир эса кейинги “яхши томонга ўзгаришлар”дан кўркувга тушиш ҳисси борки, кимдир биров менинг ҳаётимга зўрлик билан бостириб киришни мўлжаллаб тургандек туюлаверади. Бу нарса одам бозорни айланиб юрганида, лўли аёл кўққисдан унинг олдига келиб, қўлидан ушлаши ва кўзига тикилиб, “Энди сени олдинда нималар кутиб турганини айтиб бераман...” дейишига ўхшайди. Мен бир чеккада яшашга одатланганман ва бу одатни тарк этиш ниятим ҳам йўқ”.

И.Бродский “яхши томонга ўзгариш” деганда 1987 йилда адабиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлишини назарда тутган бўлса, ажабмас. Бу нуфузли халқаро мукофот туфайли И.Бродский истеъдоди бутун дунёда тан олинади ва бу даврга келиб ичдан емирила бошлаган СССРда ҳам унинг шахси ва ижодига муносабат ўзгаради. Янги Нобель совриндорини дунё адабиётига туҳфа этган заминда И.Бродский шеърлари 80-йиллар охиридан чоп этила бошлайди, 90-йиллар бошидан эса китоблари ҳам дўкон пештахталарида пайдо бўлади. Шоирнинг ўзи бир вақтлар айтгани каби, бу унинг қоғоздаги қайтишидан далолат бўлиб, энди эса ўзининг қайтишига навбат келганди. 1995 йилда илгари Ленинград номи билан аталган, энди эса Санкт-Петербург деган ном билан юритила бошлаган шаҳар мэри А.Собчак И.Бродскийга фахрий фуқаро унвонини бериш ҳақидаги фармонга имзо чекади. Шу йили Нью-Йоркдаги “Уолдорф Астории” меҳмонхонасида А.Собчак ва И.Бродскийнинг юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтади, унда шоир она шаҳрига ташриф буюриш юзасидан расмий таклиф олади. Нева бўйидаги шаҳарга ташриф И.Бродскийдан жуда катта жисмоний ва руҳий кучни талаб этардики, бу вақтга келиб бир мунча ҳолсизланиб қолган шоир бундан қаттиқ хавотирда эди. Қолаверса, она юртига у бутун шаҳар аҳолисини оёққа қалқитган ҳолда дабдаба билан қайтишни ҳам истамасди. И.Бродский А.Собчакка узрхоҳлик билан ёзган мактубида агар тақдир насиб этса, бир куни Санкт-Петербургга ҳеч бир овоза қилмай кириб боражаги ва даставвал унинг остонасида кўққис пайдо бўлажаги ҳақида ваъда берганди.

Бироқ унинг умр кemasи бу вақтда, афсуски, сўнгги бандаргоҳ сари яқинлашиб борарди. Кетма-кет хуружларни бошдан кечиравериб ҳил-вираб қолган юраги ташрифгача чидаб бериши душвор эди...

* * *

И.Бродский ёшлик чоғларида ёзилган бир шеърда: “Васильевск оро-лига ўлмоқ учун келаман”, деган эди ғайришуурий бир қатъият билан. Бироқ унинг бу истаги, афсуски, амалга ошмай қолди. Шоир жасади Италиянинг кўҳна ва мафтункор шаҳри – Венеция заминига, унинг Сан-Микеле оролидаги қабристонга дафн этилди. Ҳозир И.Бродский мангу уйқуда ётган қабр мрамартошига антик Рим шоири Проперцийнинг қуйидаги мисраси ўйиб битилган: “Letum non omnia finit”. (Таржима-маси: “Ўлим билан ҳамма нарса ҳам тугай қолмайди”. – М.Р.) И.Бродский ҳаёти ва ижодига татбиқан бу фикр нақадар тўғри, нақадар ҳаққоний!

Шоир жасадининг бу заминга қўйилишида ҳеч қандай тасодиф йўқ, чунки у 1989 йилдан буён Венециянинг фахрий фуқароси эди. Санкт-Петербург каби сув ёқасида қад ростлаган бу маскан унга она шаҳрини эслатиб турган бўлса ҳам, ажаб эмас. Шоир тўрт аср муқаддам ўзи каби қувгиндилар асос солган бу шаҳарни жуда қадрлар ва меҳр билан “Менинг Венециям” дея атарди. Ушбу шаҳар билан боғлиқ кечинмалар шоирнинг талай шеърларига кўчгани алоҳида эътирофга муҳтож эмас. Бир вақтлар мушфиқ Флоренция Данте Алигьеридек беназир фарзандини бадарға қилиб, уни қайта бағрига ололмаган. Энди эса саховатли Венеция И.Бродский тимсолида ўша жудолик ўрнини тўлдирган бўлса ҳам эҳтимол... Аммо Санкт-Петербург-чи, у И.Бродскийдан қолган машъум жудолик ўрнини кимга илтифот кўрсатиб тўлдирди?!

Мақолани Л.Лосевнинг «Иосиф Бродский. Адабий таржимаи ҳол таърибаси» (2006 й.), С.Волковнинг «Иосиф Бродский билан суҳбатлар» (2007 й.), В.Полухинанинг «Иосиф Бродский замондошлари нигоҳида» (Икки жилдик, 1997; 2006 й.й.) китоблари ҳамда интернет материаллари асосида Муҳиддин РАҲИМОВ тайёрлади.



Нодир манбалар дурдонаси

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш жойи”). – Тошкент, “O‘zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи, 2008 йил. Иккинчи жилд, 1–2–3-қисмлар. Форс тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А.Уринбоев.

Амир Темур ва темурийлар салтанати тарихи ҳақида ўша даврлардаёқ, бир қанча асарлар яратилгани маълум. Ҳозирги кунда уларнинг айримлари бизгача етиб келган, баъзилари эса хануз номаълумлигича қолиб келмоқда. Айрим форс, араб тилидаги матнлар ёки уларнинг турли тилларга таржималари хорижий тадқиқотчилар тарафидан чоп қилингани маълум. Ўзбек тилида амалга оширилган илмий таржима ёки табдил нашрлар эса саноклидир.

2008 йилда “O‘zbekiston” нашриётида XV аср муаррихи Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарининг форс тилидан ўзбек тилига илмий таржима ва изоҳлар билан нашр қилиниши ушбу давр тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига муносиб тухфа бўлди. Таржимон Асомиддин Ўринбоев таниқли шарқшунос олим, 200 га яқин илмий мақолалар ва китоблар муаллифи. Узок йиллар Шарқ кўлөзмалари, жумладан, темурийлар даври ёзма манбалари устида изланишлар олиб бориб, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари факсимиле нашрини (1972) ва бошқа кўплаб асарларни ўзбек ва рус тилларига таржима қилган. А.Ўринбоев тарафидан нашрга тайёрланган Абдурахмон Жомий хатлари Афғонистон, Тожикистон ва Эронда, Хожа Аҳрор хатлари тўплами эса, 2004 йилда америкалик олима Жоанн Гросс билан ҳаммуаллифликда Голландиянинг “Брилл” нашриётида чоп этилган.

Ушбу савобли иш Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

илмий ходимлари ҳамкорлиги, шунингдек, “Амир Темур” халқаро жамғармаси кўмагида “O‘zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйида амалга оширилди.

Бевосита Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган тадқиқотлар ўз даврида М.Катреме, Х.М.Эллиот, В.В.Бартольд, Ч.А.Стори, Э.Браун, И.Ю.Крачковский каби дунёнинг таниқли шарқшунослари томонидан амалга оширилган. Бугунги кунга қадар жаҳон тарихшунослигида “Матлаи саъдайн” асари кўплаб шарқшунослар эътиборида бўлиб, асарнинг айрим қисмлари турли тилларга таржима қилинган. Хусусан, француз олими М.Катремени асарнинг француз тилига қисқартирилган таржимасини 1843 йилда Парижда чоп эттирди.

Ўзбекистонда Абдураззоқ Самарқандий меросини ўрганиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган эди. Жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг темурийлар давлати элчиси сифатида 1442–1444 йилларда Хиротдан Жанубий Ҳиндистонга қилган сафари “Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси” номи билан 1960 йилда А.Ўринбоев тарафидан ўзбек тилига таржимаси ва илмий изоҳлар билан нашр этилди. 1965 йилда эса олимнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолиятини ёритувчи рисоласи босилди.

“Матлаи саъдайн” асари биринчи жилдининг ўзбек тилига таржимаси ҳам 1969 йилда А.Ўринбоев томонидан бажарилган эди. 1988 йилда эса, тарихчи олима Дилором Юсупова асардаги айрим маълумотларни рус тилига таржима қилди. “Матлаи саъдайн” асаридан ўрин олган темурий Мирзо Шоҳрух (1405–1447) томонидан Хитой импера-

тори саройига юборилган Гиёсиддин Наққош бошчилигидаги элчилик воқеалари А.Ўринбоев ва О.Бўриев тарафидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1991 йилда нашрдан чиқарилди.

Эндиликда эса, асарнинг ўзбек тилидаги тўлиқ таржима нашри нафақат мутахассислар учун, балки минтақа тарихига қизиқувчи кенг китобхонлар орасида учун ҳам улкан манба вазифасини ўташи шубҳасиз.

Шу ўринда бир оғиз сўз Абдураззоқ Самарқандий ва “Матлаи саъдайн” асари ҳақида. Асар муаллифи Абдураззоқ Самарқандий (1413–1482) асли самарқандлик Жалолиддин Исҳоқнинг ўғли бўлиб, тўлиқ исми Камолиддин Абдураззоқ, Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. Муаррих Мирхонднинг ёзишича, Жалолиддин Исҳоқ темурий Мирзо Шоҳрухнинг саройида имомлик ва қозилик мансабида хизмат қилган. Шу сабабли ҳам Абдураззоқ Самарқандий ёшлигида Ҳирот ва Самарқанд мадрасаларида тафсири, фикр, ҳадис илми, тарих, тилшунослик фанларини чуқур ўрганган. 1437 йилда отаси вафот этгач, у саройга олинади ва 1447 йилгача – Мирзо Шоҳрух вафотига қадар хизматда бўлади. Абдураззоқ Самарқандий ўз хизмати давомида Мирзо Шоҳрух эътиборини қозонади, 1442 йилда Жанубий Ҳиндистондаги Колкут ва Вижаянагар давлатига элчи бўлиб боради. Бундан ташқари, Абдураззоқ Самарқандийнинг 1446 йилда исён кўтарган Филон ҳокимига элчи сифатида боргани ҳам маълум. Шунингдек, у 1447 йилда Мирзо Шоҳрухнинг Мисрга юбориладиган расмий элчиларига ҳам раҳбар этиб тайинланган. Бироқ Мирзо Шоҳрухнинг вафоти туфайли ушбу элчилик амалга ошмай қолган.

Абдураззоқ Самарқандий кейинчалик темурий ҳукмдорлар – Абулқосим Бобур, Султон Абу Саид хизматида бўлган. Ҳатто, 1458 йилда Ҳиротни эгаллаган темурий Султон Абу Саид номидан Астрободга элчи қилиб юборилган. Аммо у кейинчалик ўз хоҳиши билан давлат ишларидан кетиб, 1463 йилдан умрининг охиригача, Ҳиротдаги Мирзо Шоҳрух хонақоҳида шайхлик қилиб ҳаёт кечирган. Темурийлар саройида узок йиллик хизмати давомида Абдураззоқ Самарқандий минтақада кечган сиёсий жараёнлардан хабардор, ўша давр воқеалари иштирокчи сифатида кўзга ташланади. Бу эса кейинчалик унга ўз асарини ёзишда бевосита катта амалий ёрдам беради.

“Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари темурийлар даврида яра-

тилган улкан тарихий асарлардан бири бўлиб, 1467–1470 йиллар орасида ўша давр аъналарига мувофиқ форс тилида ёзилган. Асар икки жилддан ташкил топган бўлиб, биринчи жилди Чингизхон ва унинг Эронда ҳукмронлик қилган авлодлари тарихидан бошлаб, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлигининг 1405 йилигача бўлган даврини қамраб олади.

Иккинчи жилд ҳам ўз навбатида уч қисмга бўлинган. Биринчи қисмида 1405–1428/29 йиллар воқеалари қамраб олинган ва муаллиф бу давр тарихини ёзишда темурийлар саройининг машҳур муаррихи Хафиз Абрунинг “Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий” асаридан фойдаланган. Иккинчи жилдининг иккинчи ва учинчи қисмлари эса, 1429–1470 йиллар воқеаларини ўзида акс эттирган бўлиб, бу даврда Абдураззоқ Самарқандий темурийлар саройида хизматда бўлган ва бевосита ўзи кўрган-кечирганлари, ишончли кишилардан эшитганларига таяниб ёзган. Мазкур қисмлар 1405–1447 йиллар, яъни темурий Шоҳрух мирзо ҳукмронлиги даврини ҳамда 1447–1470 йилларда, Шоҳрух мирзо вафотидан Султон Хусайн Бойқаронинг тахтга чиқишигача бўлган давр тарихини ўз ичига олган. Китоб сўнгида анчайин кексайиб қолган Абдураззоқ Самарқандий ўз асарини 1470 йил 26 июнда, тириклигида тамомига етказганига шукронан тарзида қўйидаги байтни келтиради. Мазмуни:

Шукрлар бўлсинки, бу номага унвонбитилди,
Ва умр тугашидин олдин поёнига етди.

Мазкур нашр ана шу иккинчи жилдга кирган биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларнинг ўзбек тилидаги таржима-сидир.

Таъкидлаш жоизки, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари ёзма манба сифатида Марказий Осиё ва унга қўшни минтақаларнинг темурийлар давридаги тарихи борасида қимматли маълумотларни жамлаган. Улар орасида Мирзо Улуғбекнинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлиги, Самарқанд шаҳрида олиб борган ободончилик ва бунёдкорлик ҳамда илмий фаолияти тўғрисидаги мулоҳазалар диққатга сазовордир.

Маълумки, Мирзо Улуғбек балоғатга етгач, Мовароуннаҳрни расман отасининг ноиб сифатида, амалда эса, мустақил тарзда идора қилди. Буни Мовароуннаҳрдаги ички сиёсат ҳамда

қўшни мамлакатлар билан олиб борилган муносабатларда ҳам кўриш мумкин. “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”-да Самарқандга, Мўғулистон, Хитой мамлакатларидан, Дашти Қипчоқ, Бадахшон ва ҳатто Тибет ўлкаларидан келган элчилар ва ўз навбатида Мирзо Улуғбек ўз элчиларини қўшни давлатларга юборганлиги батафсил баён этилади. Шунингдек, Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда илм-фанни ривожлантириб, расадхона фаолиятини йўлга қўйгани ҳақида ҳам асарда ноёб маълумотлар бор. Абдураззоқ Самарқандий 1420 йилда, Мовароуннаҳрдаги аҳвол хусусида тўхталар экан, қуйидагича ёзади: “... айниқса Мовароуннаҳр мамлақати, маъмурлик ва ободонликнинг чўққисига етиб, жавонбахт шаҳзода Мағисуддин Мирзо Улуғбек кўрагон хайрли жойлар-у олий иморатлар қуришга майл кўрсатди. Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва [шаҳар] майдонининг марказида Арки Олийга яқин жойлашган Сардуатик (?) деб аталадиган мавзеда [Мирзо Улуғбек] бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди... Кайвон виқор ва муштарий асар шаҳзода кўп даромадли ерлар, экинзорлар ва ариқларни у жойга вақф қилиб ажратди, уламоларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорларини мадрасада дарс бериш ва тушунтириш учун тайинлади, шунингдек, хонақоҳга ҳам билимдон машойихлар ва мубоширларни белгилади ҳамда бу икки олий мақомнинг муҳим ишларини кордон кишиларнинг саъй-ҳаракати кўлига топширди”.

Асарда келтирилган муҳим маълумотлардан яна бири Шоҳрух давридаги темурийлар давлатининг хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқаларига оиддир. Шоҳрух мирзо даврида темурийлар давлатининг Дашти Қипчоқ, Мўғулистон, Хитой, Миср, Ҳиндистон ҳукмдорлари билан элчилик алоқалари янги босқичга кўтарилди.

Асардан маълум бўлишича, Хитой элчилари 1408–1409 йилда Хитой императори томонидан Амир Темур вафоти юзасидан Шоҳрух мирзога таъзия билдириш учун юборилган. Навбатдаги элчилик эса, 1412–1413 йилда ташриф буюрган. “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида 1417 йилда Хитойдан келган элчилар – Би Бочин, Ту-Бочин, Жот-Бочин, Тайқ-Бочинларнинг

Ҳиротда Шоҳрух Мирзо саройида қабул қилингани ҳам баён қилинган. Хитой элчиларининг катта дабдаба билан кутиб олиниши Хитой мамлақати билан ўзаро алоқалар Шоҳрух Мирзо учун ҳам манфаатли бўлганини кўрсатади. Уз юртига қайтаётган элчиларга қимматбаҳо совғалар берилди ва Ардашир тавочи Хитойга элчи қилиб юборилади. Ардашир тавочи Хитойдан 1419 йил кузида Ҳиротга қайтиб келган. У билан бирга келган Пи Мочин, Хон Мочин бошчилигидаги навбатдаги Хитой элчилари дастлаб Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳузурини бўлади. Сўнг сентябр-октябр ойида Ҳиротга келиб, Шоҳрух Мирзога Хитой императори мактубини топширадilar. Шу йилда Шоҳрух Мирзо Хитойга амир Шодихўжа бошчилигида навбатдаги жавоб элчилигини юборган. Бу гал олий ҳукмдордан ташқари, шаҳзодалар – Мирзо Улуғбек, Мирзо Бойсунғур, Мирзо Суюрғатмиш, Мирзо Иброҳим ва айрим вилоят ноиблари ҳам ўз вакилларини қўшиб юборган ушбу элчилар гуруҳи 1419 йил 4 декабрда Ҳиротдан чиқиб, 1422 йилнинг 29 августида қайтиб келганлар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Мирзо Бойсунғур номидан вакил бўлган Хожа Фиёсиддин наққош шаҳзоданнинг топшириғи билан сафар кундалигини ёзган ва ушбу кундалик матни “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида келтирилган.

Элчилик кундаликларидан яна бири Абдураззоқ Самарқандийнинг Шоҳрух Мирзо топшириғи билан Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрига қилган сафари таасуротларидир. Абдураззоқ Самарқандий 1442 йил 13 январда Кўҳистон йўли билан Ҳўрмуз орқали сафарга чиққан ва йўл-йўлакай кўрган-кечирганларини кундалик тарзида ёзиб борган.

Воқеалар давомига қараганда, Шоҳрух Мирзо Калькутта волийси элчисини қабул қилган ва жавоб тариқасида Абдураззоқ Самарқандийни элчи қилиб юборган.

Абдураззоқ Самарқандий ўз асарида Шоҳрух Мирзонинг Миср султони билан олиб борган дипломатик алоқалари хусусида ҳам қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган. Муаллифнинг ёзишича, 1439 йил 15 ноябрда Миср султони ал-Малик аз-Зоҳир Чақмоқбек томонидан Шоҳрух саройига юборилган Жижик Буқо бошчилигидаги элчилар яхши қабул қилинган. Шоҳрух Мирзо мусулмонларнинг муқаддас

шаҳарлари ҳисобланган Макка ва Мадина назоратини ўз қўлида ушлаб турган Миср султони билан муносабатларга ҳам катта эътибор билан қараган. Шохрух Маккадаги Байтулмуқаддасга каъбапўш ёпиш учун 1439–1440 йилларда Хусомиддин Муборакшоҳ парвоначини, 1443–1444 йилда Саййид Шамсиддин Муҳаммад Замзамийни Мисрга элчи қилиб юборган. Асардаги маълумотларга қараганда, Султон Чақмоқ ҳам Шохрух Мирзо билан муносабатларни яхшилашдан манфаатдор бўлган ва унинг элчиларини иззат-икром билан кутиб олган. Шохрух Мирзо эса Байтулмуқаддас учун Яздда каъбапўш тайёрлатиб, Ҳиротга келтирган ва 1444–1445 йилда Шайх Нуриддин Муҳаммад ал-Муршидий ва

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Абҳарий бошчилигида махсус кишиларни Маккага юборган.

Кўриниб турибдики, “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асари қимматли манба сифатида илмий аҳамиятга эга. У ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг нодирлиги ва ишончлилиги туфайли XV–XVI асрлардан XX аср бошларга қадар Ўрта Осиё тарихига бағишланган асарлар учун муҳим манба вазифасини бажариб келган. Эндиликда эса, унинг илмий таржима нашри ҳақиқий маънода темурийлар даври ёзма манбаларининг дурдонаси сифатида кенг илмий доирада ва ўз Ватани тарихи билан қизиқувчи юртдошларимиз орасида ўзининг асл қадрини топди.

*Ўктамбек СУЛТОНОВ,
тарих фанлари номзоди*



Ушбу мақола Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамият фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини улуғлаш, уларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ибрат мактаби сифатида тарғиб этиш, ёшларимиз тафаккурини умумбашарий қадриятлар асосида камол топтириш, уларда мустақиллигимизга нисбатан ғурур ва садоқат туйғуларини шакллантириш».



Сидни ШЕЛДОН

Тақдир тегирмони

Роман

УЧИНЧИ КИТОБ

Үн саккизинчи боб

Бухарестдан чамаси саксон километр узоқликда жойлашган Отопени аэропорти, асосан, қўшни коммунистик мамлакатлар йўловчилари ва қисман гарб сайёҳларини қабул қилишга мўлжалланган эди.

Бино ичкарасида малларанг кийимда қўлида автомат ушлаган аскарлар тизилиб туришарди. Мэри азбаройи қўрққанидан эти жунжикиб кетди. Тим ва Бет қам ойисининг пинжига кирди. “Улар ҳам мен ўйлаган нарсани ҳис этган, шекилли”, — деб ўйлади Мэри.

Уларнинг олдига икки киши пешвоз чиқди. Бири баланд бўйли, келишган, афтидан, америкалик бўлса керак, иккинчиси — бесўнақай, эгнидаги костюми шалвираб турарди.

Биринчи бўлиб америкалик гап бошлади:

— Руминияга хуш келибсиз, элчи хоним. Мен Жерри Дэвис, жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакилингизман. Бу киши — Тудор Костаке, протокол бўлими бошлиғи.

— Сизни ва болаларингизни бизнинг заминимизда қўришдан гоят хурсандман, — деди Костаке. — Мамлакатимизга хуш келибсиз.

“Қайсидир маънода, — деб ўйлади Мэри, — бу энди менинг ҳам мамлакатим бўлади”.

— *Multumeks, donnule¹*, — деди Мэри шоша-пиша.

— О, сиз румин тилини биласизми? — деб сўради Костаке ажабланиб. — *Su placere²*.

— Атиги бир неча сўзни, холос, — деди Мэри бир оз ўнғайсизланиб.

— *Vuna dimineate³*, — дея Тим билагонлигини намойиш этмоқчи бўлди.

Хурсанд бўлганидан Мэрининг юзига қон югурди. У Бет ва Тимни уларга таништирди.

— Лимузинингиз сизга мунтазир, элчи хоним, — деди Дэвис. — Полковник Маккинни сизни машинада кутиб турибди.

¹ Миннатдорман, жаноб. (*Рум.*).

² Хуш келибсиз. (*Рум.*).

³ Хайрли тонг. (*Рум.*).

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Полковник Маккинни ва Майк Слейд. Мэри Майк Слейд уни кутиб олишга чиққанини билмоқчи бўлди-ю, лекин бу ҳақда сўраб ўтиришни ўзига эп билмади.

Божхона назоратидан ўтиш учун одам тирбанд бўлишига қарамай, Эшлилар бир неча дақиқадан кейин махсус йўлакчадан ўтиб, аэропорт биносидан чиқишди. Бу ерда ҳам уларни мухбирлар кутиб туришарди. Аммо улар ғарбдаги ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, босиқлиги ва батартиблиги билан ажралиб турарди. Қизиқтирган саволларига жавоб олгач, барчаси Мэрига миннатдорчилик билдириб, бирпасда кўздан ғойиб бўлишди.

Ҳарбий кийимдаги полковник Маккинни уларни йўлакда кутиб турарди. У Мэрига тавозе билан қўл узатди:

— Хайрли тонг, элчи хоним. Сафарингиз мароқли бўлди, деган умиддаман.

— Мистер Слейд сизни кутиб олишга келмоқчи эди, аммо кечиктириб бўлмайдиган ишлар туфайли элчихонада қолишга мажбур бўлди.

“Қизиқ, унинг сочи малламикан ёки қора?” — деб ўйлади Мэри.

Шу пайт америка байроғи ўрнатилган узун қоп-қора лимузин олдиларига келиб тўхтади. Махсус либос кийиб олган ҳайдовчи эшикни очди.

— Танишинг, бу Флориан.

Ҳайдовчи биртекис тишларини кўрсатиб, жилмайди:

— Хуш келибсиз, элчи хоним, мистер Тим, мисс Бет. Сизларга хизмат қилишдан бағоят бахтиёрман.

— Миннатдорман, — деди Мэри.

— Флориан кечаю кундуз хизматингизда бўлади. Нарсаларни жойлаштириш ва бир оз дам олишингиз учун тўғри қароргоҳга борганимиз маъқул, деб ўйлайман. Эҳтимол, кейинроқ шаҳарни айланиб чиқиш истаги пайдо бўлар. Эрталаб Флориан сизни америка элчихонасига олиб боради.

— Жуда яхши, — деб жавоб берди Мэри.

Унинг хаёли фаромуш, нимагадир Майк Слейд ҳақида ўйларди: “Қизиқ, у ҳозир қаерда экан?”

Аэропортдан шаҳар томон борадиган йўл равон ва текис эди. Улар юк ва енгил машиналар билан тўла икки қаторли шосседан кетиб борардилар. Баъзан йўл четидан судралиб бораётган лўлилар аравалари туфайли ҳаракат тез-тез тўхтаб қоларди. Йўлнинг икки тарафида улкан замонавий корхоналарга туташиб кетган пастқам уйчалар, экин далаларида бошига қизил қийиқча боғлаб олган аёлларнинг ишлаётгани кўриниб турарди.

Улар маҳаллий аэропорт — Баняснинг ёнидан ўтаётганларида, ундан сал нарида икки қаватли ғалати кулранг бино кўринди.

— Бу қандай бино?

— Ҳибсхона, — деди Флориан ижирганиб. — Румин ҳукуматига қарши бўлганларнинг барчасини шу ерга олиб келиб тиқишади.

Шаҳарга кириб келишганда полковник Маккинни машина эшиги ёнидаги қизил тугмачага ишора қилди.

— Бу хавф-хатар тугмачаси, — дея изоҳ берди у. — Кутилмаганда бирор кор-ҳол юз берса, дейлик, кимдир сизга ҳужум қилса, зудлик билан ана шу тугмачани босинг. У элчихонага хабар берадиган электрон қурилмани ишга солади. Машина устида эса қизил чироқ ёнади. Биз бир неча дақиқа ичида сизнинг қаердалигингизни аниқлаймиз.

— Бу тугмачадан фойдаланишга зарурат бўлмайди, деб умид қиламан. — деди Мэри.

— Мен ҳам шунга умид қиламан, элчи хоним.

Бухарест маркази гўзаллиги билан Мэрини ҳайратга солди. Ҳамма ёқда боғлар, фавворалар, қадимий обидалар. Мэри бир вақтлар бобоси айтган гапларни эслади: “Биласанми, Бухарест бу — Парижнинг кичик нусхаси. Бу ерда ҳатто Эйфел минорасининг нусхаси ҳам бор”. Ҳа, бобоси бу гўзал шаҳарни Парижга қиёслагани бежиз эмас экан. Мэри аждодлари яшаб ўтган заминга қадам қўйганидан бениҳоя мамнун эди.

Шаҳар кўчалари автобус ва троллейбусларга тўла. Улар ўтирган лимузин торгина кўчага бурилди.

— Рўпарангизда сизнинг қароргоҳингиз, — деди полковник. — Кўчанинг номи рус генералининг шарафига қўйилгани галати-а, шундай эмасми?

Элчи қароргоҳи каттагина боғ билан ўралган уч қаватли қадимий бинода жойлашганди.

Хизматкорлар янги элчининг келишини кутиб, эшик олдида тизилишди. Мэри машинадан тушгач, Жерри уларни бирма-бир Мэрига таништирди:

— Элчи хоним, хизматкорларингизни таништиришга рухсат берсангиз: Михай — хизматкорлар оғаси, Сабина — котибангиз, Росика — хўжалик бошқарувчиси, Косма — ошпаз, Делия ва Кармен — оқсочларингиз.

Мэри хизматкорлар олдидан ўтаётганда, уларнинг икки букилиб қуллуқ қилаётганини кўриб ҳайрон қолди: “Эй, худойим-эй! Фақат шу етмай турувди ўзи. Буларни нима қилсам экан? Ҳафтада уч марта келиб уйимни йиғиштириб, овқат пишириб берадиган Люсинда менга камлик қилганмиди?”

— Сизга хизмат қилиш биз учун катта шараф, — деди Сабина унинг кўнглидагини сезгандек.

Хизматкорлар у нима дер экан, дегандек Мэрига тикилиб туришди. Мэри чуқур хўрсинди.

— Buna ziua... — дея улар билан саломлашган бўлди. Аксига олиб, у ёдлаб олган руминча ибораларнинг қани эди биттаси ёдига келса. Мэри ночор хизматкорларга тикилиб қолди.

Шунда Михай бир қадам олдинга чиқиб, таъзим қилди.

— Барчамиз инглиз тилида гаплаша оламиз, хоним. Биз ҳар қандай истаklarингизни бажонидил бажаришга тайёرمىз.

— Миннатдорман, — деди Мэри енгил нафас олиб.

Ичкарида уни безатилган дастурхон кутиб турарди.

— О... зўр-ку! — деди у дастурхонга тикилиб турган хизматкорга.

Қизиқ, уларни ҳам дастурхонга таклиф этиш керакмикан? Умуман, хизматкорларни таклиф этиш таомили борми ўзи? Мэри хато қилиб қўйишдан қўрқарди.

“Янги америка элчиси нима қилганини эшитдингизми? У хизматкорларини дастурхонга таклиф этган экан, барчаси таажжубланиб, қароргоҳни тарк этибди”.

“Янги америка элчиси нима қилибди денг? У оч-наҳор хизматкорлари олдида бўккунча овқат еб, уларни дастурхонга ҳатто таклиф ҳам қилмабди”.

— Қорним тўқ, — деди Мэри мушкул масаланинг ечимини топганидан қувониб. — Бир оз кейинроқ овқатланармиз.

— Келинг, унда сизга қароргоҳни кўрсатақолай, — дея таклиф қилди Дэвис.

Эскича усулда қурилган шинамгина уй Мэрига маъқул келди. Биринчи қаватда вестибюль, кутубхона, мусиқа хонаси, меҳмонхона, каттагина ошхона жойлашган. Уларнинг барчаси дид билан жиҳозланган. Ошхонадан тўғри айвонга чиқса, ажойиб боғ манзараси шундоққина кўриниб турарди. Уйнинг бир қисмида ёпиқ бассейн ва сауна бор экан.

— Ўзимизнинг бассейн! — деди Тим қувончини ичига сиғдира олмай. — Чўмилса бўладими?

— Кейинроқ чўмиларсан. Аввал жойлашиб олайлик.

Айниқса, боққа туташ қурилган, деворларига италияча ойналар осиб қўйилган катта рақс зали Эшлиларда зўр таассурот уйғотганди.

— Бу ерда дипломатик қабул маросимлари ўтказилади, — дея изоҳ берди Дэвис. — Ўтибор қилинг-а, — деди у қандайдир тугмачани босар экан. Ишлаётган мотор товуши эшитилиб, зал шифтлари четга сурила бошлади. Бир неча дақиқадан кейин шифт тўлиқ очилиб, осмон кўринди. — Шифтни қўл кучи ёрдамида ҳам суриш мумкин.

— Қойил! — кичқирди Тим қайратини яшира олмай.

— Бу зал “Элчихона кўнгилхушлиги гўшаси” деб аталади, — деди Дэвис. — Ёз кезлари ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ, қиш палласида эса совуқ бўлади. Шунинг учун бу залдан кўпроқ апрель ва сентябрь ойларида фойдаланамиз.

— Қойилмақом экан, — деб Тим яна гапини такрорлади.

— Энди юқори қаватга кўтарилиб, ётоқ жойларни кўздан кечирайлик.

Улар зинадан иккинчи қаватга кўтарилиб, кенг холлга чиқишди. Бу ерда умумий ваннага эга иккита ётоқхона, ундан нарироқда икки хоналик асосий ётоқхона, ваннахона, тикиш-бичиш ва дазмол қилиш хоналари жойлашган. Кичкина зина уй томидаги айвонга олиб борарди.

— Учинчи қаватда, — деди Дэвис, — хизматкорлар хонаси, омборхона, кир ювиш хонаси жойлашган. Ертўлада — ичимликлар сақланадиган махсус жой ҳамда хизматкорлар учун ошхона бор.

— Уй ҳаддан... ҳаддан ташқари катта экан, — деди Мэри.

Тим ва Бет бир хонадан иккинчисига югура бошлашди.

— Ётоқхоналарнинг қайсиниси меники бўлади? — деб сўради Бет.

— Ўзларинг ҳал қилинглар, — деди Мэри.

— Мана бунисини олақол, — дея таклиф киритди Тим. — Қара, деворларига рангли гулқоғоз ёпиштирилган экан. Қизларга шунақаси ёқади.

Асосий ётоқхона ҳам ниҳоятда ҳашамдор эди. Хонада деворига нақш ўйилган кенг каравот, камин рўпарасида иккита диван, кресло, тош ойна солинган трельяж ва кийим жавони жойлаштирилган.

Далия ва Кармен аллақачон нарсаларни жой-жойига тахлаб қўйишибди. Каравот устида элчи Винер бериб юборган дипломатик почта солинган сўмка ётарди. “Уни эртага элчихонага олиб бораман”, — деди Мэри ўзича. У яқинроқ келиб, сўмкани диққат билан кўздан кечирди. Малларанг сурғучлар синдирилган эди. “Бу қачон юз берди экан? — деб ўйлади у. — Аэропортдамикан? Ё шу ердами? Бу ишни ким қилди экан?”

Шу пайт ётоқхонага Сабина кириб қолди.

— Ҳаммаси жойидами, мадам!

— Ҳа. Биласизми, менинг ҳеч қачон шахсий котибам бўлмаган, — дея тан олди Мэри. — Шу боис вазифаларингиз нималардан иборат эканини тасаввур қилишим қийин.

— Менинг асосий вазифам — сизнинг кундалик расмий фаолиятингизга кўмаклашиш. Мен сизга ҳар кунлик расмий учрашувлар, қабуллар, зиёфатлар ва ҳоказолар ҳақида ахборот бериб тураман. Бундан ташқари, қароргоҳдаги ишларни назорат этиш ҳам менинг зиммамда. Бу ерда шунча хизматкор бўлгандан кейин майда-чуйда муаммолар туғилиб туриши табиий.

— Ҳа, албатта, — деди Мэри паришонхотирлик билан.

— Сизга ёрдамим керак эмасми?

“Сен аввал дипломатик почтани ким очганини гапириб берсанг бўларди”, — деди у ичида.

— Йўқ, миннатдорман. Мен бир оз дам олсам дегандим.

У ниҳоятда чарчаган эди.

* * *

Ярим кечаси у алаҳсираб уйғониб кетди. Вужудини аллақандай ваҳима, хавотир чулғаб олганди.

“Энди мен ёлғизман, азизим. Кимга суянишни ҳам билмайман. Қани эди, сен ёнимда бўлсанг, кўрқма, ҳамма ишларинг жойида бўлади, деб далда берсанг”.

Ниҳоят, кўзи уйқуга кетди. Тушида Майк Слейд унга дашном берарди: “Мен малакасиз одамлардан нафратланаман. Уйингга жўнаб қолганинг яхши эмасмикан?”

Бухарестдаги америка элчихонаси Киселёв кўчаси 21-уйда жойлашган. Готика услубида оқ тошдан қурилган, тўрт томондан ўралган девор ва темир дарвоза олдида кулранг шинель ва гардиши қизил фуражка кийиб олган полициячи кечаю кундуз навбатчилик қиладиган бино. Иккинчи кўриқчи кириш дарвозаси олдидаги уйчада навбатчилик қилади. Пуштиранг мрамор зиналардан кўтарилиб, кенг холлга чиқилади.

Мрамор холлда ички телевидениенинг икки камераси, навбатчи денгиз аскарлари столида мониторлар ўрнатилган, тутун пуркайдиган аждаҳо сурати туширилган кичкина деворча ортида камин кўриниб турарди. Деворларда эса америка президентларининг суратлари осиб қўйилган. Кенг зина орқали конференцзал ва иш хоналари жойлашган иккинчи қаватга кўтарилиш мумкин.

Навбатчи денгиз аскарлари Мэрини кутиб турган эди.

— Хайрли тонг, элчи хоним, — деди у. — Мен сержант Хьюман. Ҳамма мени Ганни деб чақиради.

— Хайрли тонг, Ганни

— Сизни хонангизда кутишмоқда. Мен сизни кузатиб қўяман.

— Миннатдорман.

Мэри унинг ортидан иккинчи қаватга кўтарилди-да, қабулхонага кириб, ёзув столи ёнида ўрта яшар аёлга кўзи тушди.

— Хайрли тонг, элчи хоним. Мен Дороти Стоун, сизнинг котибангизман.

— Хайрли тонг.

— Хонангизда одам тўла, — деди Дороти.

Мэри котиба очган эшикдан хонага кирди. Катта стол атрофида тўққиз киши ўтирарди. Мэри кирганда уларнинг ҳаммаси ўрнидан турди. Жимгина тикилиб турган одамларда унга нисбатан қандайдир адоват бордек туюлди. Мэри биринчи бўлиб Майк Слейдни кўриб, кечаги туши эсига келди.

— Соғ-саломат этиб келганингиздан хурсандман, — деди Майк.

— Ижозатингиз билан бўлим бошлиқларини таништирсам. Лукас Женклоу — маъмурий масалалар бўйича маслаҳатчи; Эдди Мальц — сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи; Патриция Хэтфильд — иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи; Дэвид Уолсон — маъмурий бўлим бошлиғи; Тед Томпсон — қишлоқ хўжалиғи бўлими бошлиғи; Жерри Дэвис — жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакилингиз; Дэвид Виктор — савдо масалалари бўйича маслаҳатчи ва сизга таниш бўлган полковник Маккинни.

— Марҳамат, ўтиринглар, — деди Мэри. У столнинг тўрига бориб ўтирди-да, атрофдагиларга разм солди. “Буларнинг қиёфасида бунчалик адоват бўлмаса?” — деб ўйлади ичида.

— Барчамиз сизга тўлиқ бўйсунамиз, — деди Майк Слейд. — Хоҳлаган пайтда истаган одамни алмаштиришингиз мумкин.

“Фирт ёлғон, — ўйлади Мэри ғижиниб. — Биттасини алмаштиришга уриниб кўрдим”.

Учрашув ўн беш дақиқача давом этди. Суҳбат унчалик қовушмади.

Ниҳоят, Слейд ўтирганларга қарата деди:

— Дороти кун давомида ҳар бирингизнинг элчи билан учрашувингизни ташкил этади. Миннатдорман.

Унинг раҳбарлик ташаббусини қўлга олгани Мэрига ёқинқирамади. Иккови ёлғиз қолганда Мэри Майк Слейддан сўради:

— Буларнинг қай бири МРБ жосуси?

Майк унга ғалати қараб деди:

— Мен билан юрсангиз дегандим.

У хонадан чиқди. Мэри бир оз иккиланиб турди-да, унинг ортидан эргашди. Улар икки томонида элчихона ходимларининг хоналари жойлашган узун йўлакдан боришарди. Майк денгиз аскарлари навбатчилик қилиб турган қалин темир қопланган эшик олдида тўхтади. Навбатчи четга сурилгач, Майк эшикни очди. Ишора билан Мэрини киришга таклиф қилди.

Мэри атрофга хавотирланиб қараб, хонага кирди. Унинг деворлари, поли ва шифти темир ва шиша билан қопланган эди.

Майк Слейд оғир эшикни беркитди.

— Бу хона “Аквариум” деб аталади. “Темир парда” ортидаги барча мамлакатлардаги элчихоналарда шундай хоналар бор. Бу элчихонадаги хуфя микрофон ўрнатилмаган ягона хона.

Мэри унга ишонқирамай қаради.

— Элчи хоним, овоз ёзувчи мосламалар фақат элчихонага қўйилмаган. Улар ҳамма жойда бор. Чўнтагимдаги сўнгги долларга гаров боғлайман — бундай “қўнғизча”лар қароргоҳингизда ҳам тўлиб ётибди. Ресторанга борганингизда, сиз ўтирган столнинг тагига “қўнғизча” ўрнатилганига ишонаверинг. Сиз душман ҳудудидасиз.

Мэри бўшашиб креслога ўтирди.

— Сиз бунга қарши қандай қурашяпсиз? — деб сўради у. — Айтмоқчиманки, бу ерда қандай қилиб гаплашиш мумкин?

— Ҳар куни эрталаб электрон тозалаш ишларини амалга оширамиз. Биз уларнинг микрофонларини топиб, йўқ қиламиз. Хуллас, улар ўрнатаверади, биз эса йўқ қилаверамиз.

— У ҳолда нима учун биз руминларнинг элчихонада ишлашига рухсат берамиз?

— Чунки биз уларнинг ҳудудидамиз. Биз уларнинг чирмандасига ўйнаймиз ёки ҳаммаси асфаласофилинга учиб кетади. Бу хона эшиги олдида денгиз аскарлари кечаю кундуз навбатчилик қилгани боис улар микрофон қўя олмайди. Ана энди саволларингизни бераверишингиз мумкин.

- Бу ерда МРБнинг вакили ким эканини билишни истардим.
- Эдди Мальц, сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчингиз.
- Мэри унинг қиёфасини кўз олдига келтиришга уриниб кўрди. Семиз ва сочи оқ. Йўқ, бу қишлоқ хўжалик бўлими мудирини бўлса керак. Эдди Мальц... Ҳа, ориқдан келган, ўрта яшар, юзидан заҳар томиб турган одам. Балки, МРБда ишлашини билгани учун унга шундай туюлгандир?
- МРБга ишлайдиган ягона одам шуми?
- Ҳа.
- Назарида, Слейднинг овози ишончли чиқмади.
- Майк Слейд соатига қаради:
- Ўттиз дақиқадан кейин сиз ишонч ёрлиқларини топширишингиз керак. Флориан сизни машинада кутиб турибди. Аслини президент Ионескуга берасиз, нусхаси эса сейфда сақланади.
- Бунга ўзим ҳам биламан, — деди Мэри ижирганиб.
- Президент болаларингиз билан боришингизни илтимос қилган. Мен уларни олиб келиш учун машина юбордим.
- У билан ҳатто маслаҳатлашиб ўтиришни ҳам раво кўрмабди-я.
- Миннатдорман.

Румин ҳукумати йирик қумтошдан қурилган кўримсиз бинода жойлашган экан. Бухарестнинг қоқ марказида жойлашган ва кечаю кундуз кўриқланадиган бино пўлат девор билан ўралган. Эшик олдида кўриқчилар турарди. Мэри ва болаларни юқорига кузатиб қўйишди.

Президент Александру Ионеску уларни иккинчи қаватдаги тўрт бурчакли узун хонада кутиб турарди. Руминия президентининг ташқи қиёфаси ўзига хос эди: буғдойранг, юзи бургутсимон ва сочи жингалак. Катта бурни табиатан ҳокимиятпарастлигидан дарак берарди. Кўзлари чақнаб турарди.

— Жаноби олийлари, — дея президентга мурожаат этди Мэрига ҳамроҳлик қилган амалдор, — Америка Қўшма Штатларининг элчисини таништиришга ижозат берсангиз.

Президент Мэрининг қўлидан ўпди.

— Сиз суратлардагидан ҳам гўзал экансиз?

— Миннатдорман, жаноби олийлари. Бу менинг қизим Бет ва ўғлим Тим.

— Қандай ажойиб болалар, — деди Ионеску. У ниманидир кутгандек Мэрига тикилиб қолди. — Сиз менга бир нима бермоқчимидингиз?

Мэрининг хотирасидан кўтарилай дебди. У шоша-пиша сумкачасини очиб, президент Эллисон имзолаган ишонч ёрлиқларини олиб, Ионескуга топширди.

Александр Ионеску эътиборсизлик билан мактубга кўз югуртириб чиқди.

— Миннатдорман. Румин ҳукумати номидан ишонч ёрлиқларингизни қабул қиламан. Шу кундан эътиборан сиз Американинг мамлакатимиздаги расмий элчиси ҳисобланасиз. — У жилмайди. — Бугун сизнинг шарафингизга қабул ташкил этмоқчимиз. Сиз биргаликда ишлайдиган одамлар билан танишиб оласиз.

— Илтифотингиз учун раҳмат.

У яна Мэрининг қўлини олиб деди:

— Бизда шундай мақол бор: “Мамлакатга келаётган ҳар бир элчи ўзга юртларда дўстлардан йироқда кўп йиллар ишлашига тўғри келишини билганидан кўз ёш тўкади, аммо, бу ердан кетаётганида ҳам янги дўстлари ва меҳр қўйган мамлакатни ташлаб кетишга мажбур

бўлганидан яна кўнгли бузилади”. Сиз мамлакатимизни севиб қоласиз деган умиддаман, элчи хоним.

— Бунга ишончим комил, — деди Мэри. “У мени шунчаки бир ёқимтой аёл деб ўйлаяпти, шекилли. Уни бу фикридан қайтариш чорасини излаш керакка ўхшайди”, — дея хаёлидан ўтказди.

Мэри болаларини уйга жўнатиб юборганидан кейин кечгача элчихона конференцзалида бўлим бошлиқлари, маслаҳатчилар ва атташелар билан суҳбатлашди.

Улар тўрт бурчакли узун стол атрофида ўтиришарди. Девор ёнига қўйилган курсиларда лавозими пастроқ ходимлар жойлашди.

Савдо масалалари бўйича маслаҳатчи — пакана семиз одам рақамларни қалаштириб ташлади. Мэри ҳозир ҳеч бўлмаганда, уларнинг исм-шарифини эслаб қолсам ҳам ёмон бўлмасди, деб ўйлади.

Навбат қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳатчи Тед Томпсонга келди:

— Румин қишлоқ хўжалигининг аҳволи улар ўзи кўрсатмоқчи бўлганидан анча ёмон. Бу йилги ҳосил паст бўлиши кутилаётгани учун биз уларни бугдойсиз қолдира олмаймиз.

Иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи Патриция Хэтфильд эътироз билдирди:

— Улар биздан керагидан ортиқ ёрдам олган, Тед. Руминия бусиз ҳам алоҳида имтиёз бериладиган мамлакатлар қаторига киради. Улар ЭҶИМдан (Энг қулай имтиёз мақоми) фойдаланмоқда. — У Мэрига кўз қирини ташлади.

“У атайлаб мени ноқулай аҳволга солиб қўймоқчи”, — деб ўйлади Мэри.

Патриция Хэтфильднинг овози худди бировга ақл ўргатмоқчи бўлгандек жарангларди.

— ЭҶИМ дегани...

— Энг қулай имтиёзга эга бўлиш мақоми, — деб Мэри унинг гапини бўлди. — Биз Руминияни ривожланаётган мамлакат деб ҳисоблаганимиз учун унга экспорт ва импортда муайян имтиёзлар берилган.

Патрициянинг юз қиёфаси ўзгарди.

— Тўппа-тўғри, — деди у. — Шусиз ҳам биз омборларимизни уларга ланг очиб...

Савдо масалалари бўйича маслаҳатчи Дэвид Виктор унинг гапини бўлди:

— Биз омборларни шунчаки очганимиз йўқ. Ҳамма нарсани улар биздан олишини хоҳлаймиз. Бугдойимизни сотиб олиши учун эса уларга катта кредитлар керак. Билиб қўйинглар, биз сотмасак, улар Аргентинадан сотиб олади. — У Мэрига ўтирилди. — Уларга соя дуккаklarини сотиш масаласи ҳам мавҳум бўлиб турибди. Бразилияликлар биздан ўтиб кетмоқчи. Бош вазир билан суҳбатлашганингизда, бугдой билан бирга соя дуккаklarини ҳам сотиб олишга кўндира олсангиз, сиздан гоят миннатдор бўлардим. Бу ўта муҳим масала.

Мэри столнинг нариги бурчагида ўтирган Майк Слейдга кўз қирини ташлаб қўйди. У гўё суҳбатга умуман қулоқ тутмаётгандек, ён дафтарига нималарнидир чизиб ўтирарди.

— Мен бирор нима қилишга уриниб кўраман, — деб ваъда берди Мэри.

У Вашингтондаги савдо департаменти бошлиғига кўнғироқ қилиб, румин ҳукумати янги кредитлар ажратилишига рухсат сўраш керак,

деган тўхтамга келди. Зеро, Америка банклари фақат ҳукуматнинг розилиги билан тегишли кредитларни ажратиши мумкин эди.

Сийсий масалалар бўйича маслаҳатчи ва МРБ жосуси Эдди Мальц сўз беришларини сўради:

— Мен кўтармоқчи бўлган масала анча мураккаб, элчи хоним. Кеча кечкурун ўн тўққиз ёшли америкалик талаба қиз ҳибсга олинган. У гиёҳванд модда билан қўлга тушибди. Бу ерда бу ўта жиддий жиноят ҳисобланади.

— Бу қандай модда экан?

— Марихуана. Атиги бир неча унция.

— У қандай қиз экан?

— Коллеж талабаси. Эсликкина қиз. Келишган.

— Унга қандай жазо беришлари мумкин?

— Одатда, бундай ишларга беш йил қамоқ жазоси белгиланади.

“Эй худо, — деди ичида Мэри, — чиққандан кейин у кимга ўхшаб қоларкин-а”.

— Қўлимиздан нима ҳам келарди?

— Секуритате бошлиғи билан гаплашиб кўришингиз керак. Унинг номи Истрасе. Жуда қудратли одам. Қизнинг айтишича, бу иш атайлаб уюштирилган, — дея гапини давом этди Эдди Мальц. — Эҳтимол, у ҳақдир. Аммо румин полициячиси билан ишқий муносабатлар — бориб турган аҳмоқликнинг ўзи. Қиз билан кўнгилхушлик қилганидан кейин уни хавфсизлик хизматига чақибди.

— Ахир, қиз болани ҳам шундай қилиш мумкинми? — деди Мэри жаҳли чиқиб.

— Элчи хоним, — деди Майк Слейд, — бу ерда улар эмас, биз душманмиз. Руминлар биз билан мушук-сичқон ўйнапти. Бир қарашда, биз, гўё дўст-оғайнимиз, бир-биримизга тбассум қилмиз, қўл сиқамиз. Уларнинг руслардан узоқлашишини хоҳлашимиз учун ўзимизни шундай тутишга мажбурмиз. Аммо муайян масалалар ҳақида сўз кетганда, уларнинг ҳамон коммунист эканини унутмаслигимиз зарур.

Мэри ёндафтарига нимадир ёзиб қўйди.

— Яхши, бу масалани қандай ҳал этиш мумкинлигини ўйлаб кўраман. — У жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакил Жерри Дэвисдан сўради: — Сизда қандай муаммолар бор?

— Ходимларимиз истиқомат қилаётган хонадонларни таъмирлаш масаласида муаммолар пайдо бўлди. Хонадонлар чидаб бўлмас даражага келиб қолган.

— Ўзимиз уларни таъмирласак бўлмайдими?

— Афсуски, бўлмайди. Бунинг учун румин ҳукуматининг розилиги керак. Баъзи хонадонларда иссиқлик тизими ишдан чиққан, бошқаларида ҳожатхона ишламайди.

— Сиз бу ҳақда уларга хабар берганмисиз?

— Ҳа, кейинги уч ой мобайнида деярли ҳар куни.

— Нима сабабдан унда...

— Бу “асабга ўйнаш, тинкани қуритиш”, — дея изоҳ берди Майк Слейд. — Бизга қарши олиб борилаётган ўзига хос асаблар жанги.

Мэри ёндафтарига яна нимадир ёзиб қўйди.

— Элчи хоним, — деди Жек Ченселлор, — Менда ҳам муаммолар бор. Кутубхонамиздан китоблар йўқолмоқда...

Мэри бошига оғриқ кирганини ҳис этди.

Хуллас, бугунги кун фақат арз-долларни эшитиш билан ўтди. Ҳаммаси дардини айтиб нолирди. Ҳали бу ёқда қанча ўқийдиган нарсалар бор. Иш столи қоғозга тўлиб кетган: бир кун олдин румин

матбуотида эълон қилинган мақолалар таржимаси тўп бўлиб ётарди. “Скинтейя” газетасидаги мақолалар асосан президент Ионескунинг фаолиятига бағишланган. Унинг ҳар бир саҳифасида президентнинг камида тўртта сурати босилган эди.

Бошқа мақолалар “Руминия либера”, “Флакара рошие” ва “Магазинул” ҳафталикларидан олинган. Бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Мэри Қўшма Штатлардан келган хабар ва телеграммалар, америкалик таниқли сиёсатчилар нутқларининг тўлиқ матни, шунингдек, музокаралар, қурол-яроғни назорат қилиш ҳамда Америка иқтисодиётининг аҳволига доир каттагина ҳисоботни кўздан кечириши керак.

“Бунча нарсани бир йилда ҳам ўқиб улгуриш қийин, — ўйлади Мэри, — ваҳоланки, ҳар куни эрталаб уларни кўздан кечиришим зарур”.

Мэрини элчихона ходимлари билан муносабатлар ташвишлан-тираётган эди.

У протокол бўлими мудир Хэрриет Крюгерни чақиртирди.

— Элчихонада анчадан буён ишлайсизми? — деб сўради ундан.

— Руминлар биз билан алоқаларни тўхтатгунча беш йил ишлагандим ва ҳозир уч ойдан бери. — Мэри унинг овозида билинар-билинемас истехзони пайқагандек бўлди.

— Сиз билан расмиятчиликни четга суриб гаплашсак бўладими?

— Йўқ, элчи хоним.

Ҳа, дарвоқе, уни огоҳлантиришган эди-я.

— “Аквариум” да гаплашсак, нима дейсиз?

Улар эшиги маҳкам беркитилган махсус хонада суҳбатни давом эттиришди.

— Миямга бир фикр келиб қолди, — дея гап бошлади Мэри, — Бугун биз йиғилиш ўтказган конференцзалга ҳам ёзиб олувчи мосламалар яшириб қўйилганмикан?

— Бўлиши мумкин, — деди Хэрриет бепарволик билан. — Истаганча ўрнатаверишмайдами. Чунки Майк Слейд тилга олиш мумкин бўлмаган масалалар ҳақида гаплашишга имкон бермаган бўларди.

Яна ўша Майк Слейд.

— Сиз у ҳақда қандай фикрдасиз?

— Ундан зўр мутахассисни топиш амримаҳол.

Мэри Майк Слейдга нисбатан ўзининг муносабатини ошкор қилгиси келмади.

— Ходимларимизнинг тушкун кайфияти мени ташвишлан-тираётгани учун сиз билан гаплашишга қарор қилдим. Ҳаммаси нимадандир нолийди. Мен аниқ билмоқчиман: авваллари ҳам шундай бўлганми ё бунинг сабаби мен билан боғлиқми?

Хэрриет Крюгер синчковлик билан унинг кўзларига тикилди.

— Тўғриси айтишимни истайсизми?

— Илтимос қиламан.

— Биз, америкаликлар, бу ерда ўзимизни гўё биқирлаб қайнаб турган қозон устида ўтиргандек ҳис этамиз. Ўйин қоидалари бузилди дегунча жиддий можаролар бошланади. Руминлар билан дўстлаша олмаймиз, чунки вақти-соати келиб, ҳаммаси секуритате айғоқчилари экани маълум бўлади. Шу боис фақат юртдошларимиз билан мулоқот юритишга тўғри келади. Биз бу ерда озчилик бўлганимиздан кейин тезда ҳаммаси жонга тегади-да. — У елкасини қисиб қўйди. — Ойлик маошлар паст, овқатни оғизга олиб бўлмайди, об-ҳавоси ёқимсиз. — У Мэрининг юзига тикилиб, гапини давом эттирди. — Албатта, айб сизда эмас, элчи хоним. Бироқ сизга алоқадор иккита муаммо бор.

Биринчиси — бу соҳанинг нонини еб юрган малакали дипломатлар ишлайдиган элчихонага зўрма-зўраки раҳбар этиб тайинланганингиз. — У ноқулай вазиятдан чиқиш йўлини ўйлаб бирпас жим турди. — Ишқилиб, ўзимга ортиқча эрк бервормадиммикан?

— Йўқ-йўқ. Илтимос, давом этинг.

— Ҳали келмасингизданоқ ходимларимизнинг кўпчилиги сизга қарши чиққанлар. Чунки улар ҳамма иш аввалгидек қолишини истайди, сиз бўлсангиз, билишимизча, аллақандай ўзгаришлар қилмоқчи экансиз. Биласизми, улар сизга малакали дипломатларга тўғри ишлаш йўл-йўриғини ўргатмоқчи бўлган ҳаваскор деб қарайди.

Иккинчи муаммо — аёл бўлганингиз. Руминларда раҳбар аёлларга нисбатан назарга илмаслик кайфияти ниҳоятда кучли. Аёл кишининг буйруқларини бажариш ҳатто америкаликларга ҳам хуш келмас экан, руминларни-ку, айтмасаям бўлади.

— Тушунарли.

— Аммо, очиги, матбуот агентларингизга қойил қолмасдан илож йўқ, — деди Хэрриет Крюгер. — Шунча йил яшаб, бирорта одамга бунчалик катта эътибор берилганини кўрмадим. — Бунга қандай қилиб эришгансиз?

Мэри бу саволга жавоб топиб беришга ожиз эди.

Хэрриет Крюгер соатига қаради.

— Эҳ-ҳе! Кечикишингиз мумкин эмас. Флориан сизни уйга олиб бориш учун пастда кутиб турибди. Кийимингизни алмаштиришингиз зарур.

— Кийим алмаштириш? Нима учун? — деб сўради Мэри.

— Столингиздаги кун тартибини кўрмадингизми?

— Ҳали кўришга улгурмадим. Ишқилиб, қандайдир қабулга боришингиз керак демасангиз бўлгани.

— Қабул дейсизми? Сиз бугун бир эмас, учта қабул маросимида бўлишингиз шарт. Шу ҳафта ичида йигирма битта қабул маросимида иштирок этишингиз зарур.

— Бунинг сира имкони йўқ. Ахир, менинг шунча...

— Ҳаммасига бормасангиз бўлмайди. Бухарестда етмиш бешта элчихона бор ва ҳар куни кечқурун уларнинг бирида қабул маросими ўтказилади.

— Мен рад жавоби беришим мумкинми?

— Йўқ, чунки бу Қўшма Штатларининг рад жавоби сифатида қабул қилинади. Бу билан сиз уларнинг иззат-нафсига теккан бўласиз.

Мэри чуқур хўрсинди.

— Майли, ундай бўлса, бориб кийинақолай.

* * *

Ҳукумат саройидаги бугунги қабул маросими ГДРдан ташриф буюрган олий мартабали шахс шарафига ўтказилаётган эди.

Мэри залга кириши билан президент Ионеску унинг ёнига келиб қўлидан ўпди.

— Яна бир бор сиз билан учрашишга муштоқ эдим.

— Миннатдорман, жаноби олийлари. Мен ҳам бу учрашувни кутган эдим.

Президент анча ширакайф бўлиб қолган эди. Мэри у ҳақда ўқиган маълумотномани эслади: “Уйланган. Ўн тўрт яшар ўғли ва тўрт қизи бор. Аёлларга ишқивоз. Кўп ичади. Ўта сезгир. Ҳар қандай одамни бирпасда ўзига ром эта олади. Дўстларга саховатли. Душманларга бешафқат”.

“Бундай одамдан ҳар бало кутиш мумкин”, — деб ўйлади Мэри. Ионеску унинг кўлидан тутиб, залнинг бир бурчагига етаклади.

— Мана, кўрасиз, руминларга нисбатан сизда меҳр уйғонади — деди у Мэрининг кўлини сиқиб. — Биз жуда эҳтиросли миллатмиз. — Мэри бир нима дермикан деб кутиб турди-да, жавоб ололмагач, гапини давом эттирди. — Биз қадимий даклар ва уларнинг истилочилари — римликларнинг авлодларимиз. Европа асрлар мобайнида бизни эзиб келди. Хунлар, готлар, аварлар, славянлар ва мўғуллар юртимизни оёқости қилишди. Аммо ҳар гал мамлакатимиз қайтадан тикланди. Бунинг сабабини биласизми? — У Мэрига эгилган эди, спиртли ичимликнинг ёқимсиз ҳиди унинг димоғига урилди. — Чунки бизнинг ҳукмдорларимиз буюк бўлишган. Халқим менга ишонч билдиргани учун мамлакатни бошқариб келмоқдаман.

Мэри эса шу топда Руминиядаги вазият ҳақида унга нималар гапириб беришганини эслади: тунги қама-қамалар, суд пешволарининг адолатсизлиги, қийноқлар, одамларнинг номнишонсиз гоийб бўлиши.

Мэри тўхтовсиз гапираётган Ионескунинг елкаси оша меҳмонлар билан тўла залга назар ташлади. Қабулда элчихоналардан келган вакиллар икки юздан кам эмасди. Яқин орада барчаси билан танишиб олади. Хэрриет Крюгер берган рўйхатни кўрар экан, ҳар бир элчихона раҳбари билан шахсан танишиш асосий вазифаларидан бири эканини англаб етди. Ушбу рўйхатда ҳафтанинг ҳар куни ўтказиладиган коктейллар ва тушликлар ҳам қайд этилган эди.

“Элчи вазифасини бажариш учун вақт қолармикан?” — деб ўйларди Мэри, ташвишга тушиб. Охир-оқибат мана шундай қабул маросимлари, зиёфатлар, учрашувлар ҳам элчи зиммасидаги вазифаларнинг ажралмас бўлаги эканини тушунгандек бўлди. Шу пайт Ионескунинг ёнига бир одам келиб, аста шивирлади. Президентнинг афт-ангори бирданига ўзгарди. У румин тилида бир нима деб ўдагайлаганди, бояги одам бош иргатиб, шошилганча чиқиб кетди. Президент Мэрига ўгирилиб, гўё ҳеч нима бўлмагандек, жилмайди:

— Сизни ташлаб кетишга мажбурман, элчи хоним. Тез кунларда яна кўришамиз деган умиддаман.

Ионеску залдан чиқиб кетди.

Ун тўққизинчи боб

Мэри барча қоғозларни кўриб чиқишга улгуриш мақсадида Флорианга эрталаб соат олти яримда келишини тайинлади. Йўл-йўлакай кечаси қароргоҳга бошқа элчихоналардан келтирилган ҳисобот ва коммюникеларни кўздан кечирди.

Майк Слейд хонасининг ёнидан ўтаётиб, унинг эшиги олдида ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди. Слейд ёзув столи ёнида ишлаб ўтирарди. Соқоли олинмаган. Кўрган одам уни гўё кечаси билан шу ерда ишлаган бўлса керак деб ўйлаши мумкин эди.

— Бугун барвақт келибсиз-да, — деди Мэри.

— Хайрли тонг. Сиз билан гаплашиб олишимиз керак.

— Бўпти, — деди Мэри ичкарига кирмоқчи бўлиб.

— Бу ерда эмас. Сизнинг хонангизда гаплашганимиз маъқул.

Хонага киришлари билан Майк бурчакда турган қандайдир ускунага яқинлашди.

— Бу қоғозларни майдалаб кесадиган машина, — тушунтирди у.

— Хабарим бор.

— Ростданми? Кеча кетаётганингизда анча-мунча қоғозлар столингиз устида қолиб кетган эди. Уларни аллақачон суратга олиб, Москвага жўнатишган бўлса керак.

— Вой, худойим-эй! Наҳотки, ёдимдан кўтарилган бўлса? Ўзи қандай қоғозлар эди?

— Сиз буюртма бермоқчи бўлган атир-упа ва аёлларга керакли бошқа нарсалар рўйхати. Яхшиямки, унчалик муҳим қоғозлар эмас экан. Аммо, барибир, фаррошлар хавфсизлик хизматига ишлашини унутмаслигингиз зарур. Руминлар қўлига тушган бир парча қоғозга жон дейди ва ундан ҳам фойдаланишга устаси фаранг бўлиб кетган. Демак, биринчи сабоқ: кетаётиб барча қоғозларни сейфга беркитиш ёки мана бу машинада қийқимлаб ташлаш шарт.

— Хўш, иккинчи сабоқ нима экан? — деб сўради Мэри совуққонлик билан.

Майк мийиғида кулиб деди:

— Элчининг иш куни ўз ўринбосари билан қаҳва ичишдан бошланади. Сиз қанақасини маъкул кўрасиз?

Бу ярамас итвачча билан унинг қаҳва ичишга заррача хоҳиши йўқ эди.

— Менми? Қора қаҳвани.

— Тўғри қиласиз. Одам вазнига сал-пал қараб юриши керак. Бу ердаги овқатлар ҳаддан ташқари серёғ. — У ўрнидан туриб, эшик томон йўл олди. — Қаҳвани ўзим тайёрлайман. Сизга ёқади деб ўйлайман.

Мэри стол ёнида турган курсига ўтирди. “У билан эҳтиёткорроқ муомала қилмаса бўлмайди, — деган қарорга келди. — Барибир ундан қутулиш чорасини топишим керак”.

Слейд икки идишчага қуйилган хушбўй қаҳва билан қайтиб келди.

— Тим ва Бетнинг мактаби масаласини қандай ҳал қилсам экан?

— Масалани аллақачон ҳал қилиб қўйганман. Эрталаблари Флориан уларни мактабга олиб кетади ва дарс тугаши билан уйга олиб қайтади.

— Мен... Миннатдорман, — деди Мэри эсанкираб.

— Имконият бўлганда, ўша мактабни албатта бориб кўришингиз керак. У кичкина. Атиги юзга яқин бола ўқийди. Ҳар бир синфда саккиз-тўққизтадан бола бор. Улар Канада, Исроил, Нигерия ва бошқа мамлакатлардан келган болалар. Ўқитувчилари жуда зўр.

— Қандай яхши!

Майк қаҳвадан бир қултум ичди.

— Билишимча, сиз кеча бизнинг кўрқмас етакчимиз билан учрашибсиз-да?

— Президент Ионеску биланми? У жуда хушфёъл, хушмуомала одам экан.

— Ҳа, бу ишни у қотириб ташлайди. Тенги йўқ одам. Фақат кимдандир жаҳли чиқмагунча. Бундай ҳолларда у шўрликнинг боши кетди, деяверинг.

— “Аквариум”га ўтсакмикан? — деди Мэри хавотирланиб.

— Ҳожати йўқ. Бугун эрталаб хонангиз текшириб чиқилди ва бирорта “қўнғизча” топилмади. Аммо бу хонага хизматкорларнинг кириб-чиқишига хушёр бўлишингиз керак. Ионескудан ҳам эҳтиёт бўлинг, сизни ўзига ром этишига йўл қўйманг. У ўта айёр. Халқ ундан нафратланса-да, қўлидан ҳеч нима келмайди. Чунки ҳаммаси махфий полиция назоратида. Руминларнинг ҳар учтасидан биттаси полицияга ё хавфсизлик идорасига хизмат қилади. Уларга чет элликлар билан

алоқа қилиш ман этилган. Дейлик, хорижликлар давлатнинг розилиги билангина румин оиласида меҳмон бўлиши мумкин.

Мэри эти жимирлашганини ҳис этди.

— Арзномага имзо чеккани ёки ҳукуматни танқид қилгани учун ҳар бир румин фуқароси ҳибсга олиниши мумкин.

Албатта, Мэри илгарилари ҳам коммунистик мамлакатлардаги қатагонлар ҳақида ўқиган эди, бироқ, ўқиган бошқа, ана шундай муҳитнинг ичида яшаш бошқа...

— Уларда судлар ҳам бор-ку!

— Ҳа, бор. Ҳатто айрим ҳолларда хорижий муҳбирлар таклиф этиладиган намунали суд жараёнлари ҳам ўтказиб турилади. Лекин, нимагадир полициянинг қўлига тушиб қолганлар кўпинча бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлади. Руминияда ҳеч кимга кўрсатилмайдиган концентрацион лагерлар ҳам бор. Улар Дунайнинг Қора денгизга оқиб тушадиган жойида жойлаштирилган. Мен у ерда бўлганлар билан гаплашганман. У ердаги ғайриинсоний шароитни ифодалашга тил ожиз.

— Ҳатто қочишга ҳам уларда имкон йўқ, — деди Мэри. — Шарқда — Қора денгизи, жанубда — Болгария, Фарб ва Шимолда Югославия, Венгрия ва Чехословакия билан чегарадош. Хуллас, мамлакат тўрт томондан “темир парда” билан ўраб олинган.

— Ёзув машинкалари тўғрисидаги сўнги фармонни эшитдингизми?

— Йўқ.

— Бу Ионескунинг сўнги кашфиёти. У мамлакатдаги барча ёзув машинкалари ва кўпайтириш аппаратларини рўйхатга олишни буюрган. Рўйхатга олиниши билан уларни мусодара қилиш тўғрисида фармон чиқарган. Шундай қилиб, у барча маълумотларни тўлиқ назорат қилмоқда. Яна қаҳва ичасизми?

— Йўқ, миннатдорман.

— Ионеску халқнинг бўғзидан олган. Руминлар отиб ташлашларини яхши билгани учун намойишга чиқишга кўрқади. Мамлакатда Европадаги энг паст турмуш даражаси кузатилмоқда. Дўконлар бўм-бўш. Дўкон олдида тўпланган одамларни кўрганлар, нима сотилаётганини сўраб ҳам ўтирмай, навбатга туришади. Имкон борида улар борини ҳам сотиб олишга тайёр.

— Назаримда, — деди Мэри ўйлаиб. — Бундай вазиятда уларга кўмак бериш учун зўр имкониятлар бор.

— Албатта, — деди Майк. — Зўр имкониятлар.

Мэри эрталаб Вашингтондан келган телеграммаларни кўздан кечираётган бўлса-да, хаёли Майк Слейдда эди. Ғалати одам. Ўта безбет, бетгачопар ва шу билан биргаликда “Масалани аллақачон ҳал қилиб қўйганман. Эрталаблари Флориан уларни мактабга олиб кетади ва дарс тугаши билан уйга олиб қайтади”, деган гаплари бошқаларга нисбатан ҳурмати ва меҳр-оқибатида дарак берарди. Румин халқининг муаммоларига ҳам у бефарқ эмасди. “У мен ўйлагандек анойи эмас, — деб ўйлади Мэри. — Лекин, барибир унга ишонмайман”.

Мэри тасодиф туфайли элчихона ходимлари унинг иштирокисиз йиғилишлар ўтказишларини билиб қолди. Ўша куни у Руминия қишлоқ хўжалиги вазири билан тушлик қилгани элчихонадан чиқиб кетган эди. Аммо вазирликда уни зудлик билан президент ҳузурига чақиритганини айтишганда, Мэри элчихонага қайтишга қарор қилганди. У хонасига киргач, котибасини чақиртириб:

— Ҳузуримга Лукас Женклоу, Дэвид Уоллос ва Эдди Мальцни чақиртиринг, — деди.

Дороти Стоун кўрқа-писа Мэрига қаради.

— Улар йиғилишда, элчи хоним, — деди у зўрға овоз чиқариб.

— Ким билан йиғилишда?

Дороти Стоун чуқур хўрсинди:

— Бошқа ходимлар билан.

Бу янгиликни Мэри ўзича мулоҳаза қилиб кўрди.

— Улар менсиз йиғилиш ўтказаяпти демоқчимисиз?

— Ҳа, элчи хоним.

— Албатта, бу биринчиси бўлмаса керак?

— Ҳа, элчи хоним.

— Бу ерда мен билмаган яна нималар бўлади?

Дороти Стоун яна хўрсиниб қўйди:

— Улар сизга айтмасдан телеграммалар жўнатишади.

“Руминиядаги инқилобни кўятур, — деб ўйлади Мэри. — У элчихонанинг ўзида амалга ошириляётган экан-ку!”

— Дороти, барча бўлим бошлиқларига тайинланг: соат учда конференц-залда йиғилиш бўлади. Барча ходимларнинг қатнашиши шарт.

— Хўп бўлади, элчи хоним.

* * *

Мэри столнинг тўрида тўпланган ходимларга тикилиб ўтирарди. Бўлим бошлиқлари стол атрофида, қолганлар эса девор ёнидаги курсиларга жойлашди.

— Хайрли кун, — деди у кескин оҳангда. — Вақтингизни олмоқчи эмасман. Ҳаммада иш кўплигини биламан. Бўлим бошлиқлари йўқлигимдан фойдаланиб, йиғилишлар ўтказишлари менга маълум бўлиб қолди. Бундан буён кимда ким бундай йиғилишларда иштирок этадиган бўлса, ўша заҳоти лавозимидан бўшатилади. — У Доротининг ёндафтарчага нималардир ёзиб бораётганини кўз қири билан пайқади. — Бундан ташқари, менинг рухсатимсиз телеграммалар жўнатаётганингиздан ҳам хабарим бор. Давлат департаменти қонун-қоидаларига биноан, элчи истаган одамни ишга қабул қилиши ва лавозимидан бўшатишга ҳақлидир. — У қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича маслақатчи Тэд Томпсонга ўғирилди: — Кеча менинг розилигимни олмасдан давлат департаментига телеграмма жўнатибсиз. Эртага пешинда Вашингтонга учадиган самолётга сизга чипта буюртирилган. Бундан буён сиз элчихонада ишламайсиз. — У бошқаларга ҳам бир-бир кўз югуртириб чиқди. — Келгуси сафар яна кимдир менинг рухсатимсиз телеграмма жўнатадиган ёки менга ёрдам беришдан бош тортадиган бўлса, эртаси куниёқ Қўшма Штатларга жўнатилади. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ, хонимлар ва жаноблар.

Конференц-залда сув сепгандек жимжитлик ҳукм суларди. Бир оздан кейин ходимлар бирин-кетин чиқиб кета бошлади. Майк Слейднинг юз қиёфасидан ҳайратлангани шундоққина сезилиб турарди.

Мэри Дороти билан ёлғиз қолганда ундан сўради:

— Хўш, йиғилиш ҳақида нима дейсиз?

— Аниқ ва лўнда, — деди у кулимсираб. — Бу мен кўрган энг қисқа ва самарали йиғилиш бўлди.

— Яхши. Энди алоқа бўлимида тартиб ўрнатиш вақти келди.

Шарқий Европанинг барча мамлакатларидан келаётган хабарлар даставвал шифрланади. Барча маълумотлар махсус машинкада териблиб, сканерда ўқилгач, алоқа хонасида шифрланади. Ҳар куни шифр алмаштириб турилади. Махфийликнинг бешта даражаси бўлади: “махфий”, “ўта махфий” “конфиденциал”, “хизматда фойдаланиш учун” ва “номахфий”. Энг замонавий асбоб-ускуна жойлаштирилган хона қаттиқ қўриқланади.

Навбатчи зобит Сэнди Пэланс панжарали ойнача ортида алоқа хонасида ўтирарди. Мэри кириб келиши билан у дарҳол ўрнидан турди:

— Хайрли кун, элчи хоним. Сизга қандай ёрдамим тегиши мумкин?

— Аксинча, мен сизга ёрдам бермоқчиман.

— Кечирасиз, гапингизни тушунмадим, — деди Пэланс ҳайрон қолиб.

— Менинг имзоимсиз телеграммалар жўнатган экансиз. Демак, улар мен билмаган телеграммалар бўлган.

— Ахир, бўлим бошлиқларининг айтишича...

— Бундан буён бирортаси имзоим қўйилмаган телеграммани жўнатиш учун сизга берса, зудлик билан менга олиб кириш. Гапимни тушунгандирсиз?

“Ҳа, у билан ҳазиллашиб бўлмайди”, — деб ўйлади Пэланс.

— Ҳа, элчи хоним, ҳаммасини тушундим.

— Жуда яхши.

Мэри бурилиб хонадан чиқиб кетди. Бу хона “яширин канал” орқали маълумот етказиш учун МРБ томонидан фойдаланилишини яхши биларди. Аммо бунини тўхтатишга унинг кучи етмасди. Майк Слейд элчихона ходимларидан нечтаси МРБга ишлаши ҳақидаги бор ҳақиқатни унга айтганига ишончи комил эмасди.

Мэри кечкурун эртага бажариладиган ишлар рўйхатини тузиб, энг муҳимларининг тагига чизиб қўйди. Эрталаб душ қабул қилди. Кийиниб, қоғозларига кўз ташлаб қўйди. Улар Мэри қолдирган тартибда турмаган эди. “Ишончингиз комил бўлсин, элчихона ва қароргоҳдаги барча гап-сўзлар этишиб борилади”. У турган жойида ўйга чўмди.

Болалар билан нонушта қилаётганда Мэри атайлаб овозини баланд қилиб деди:

— Руминлар ниҳоятда ажойиб кишилар экан. Бироқ, менга улар айрим соҳаларда Қўшма Штатлардан ортда қолгандек туюлади. Биласизми, кўпгина ходимларимизнинг хонадонлари иситилмас, ҳожатхоналари ишламас экан. — Тим ва Бет Мэрига ажабланиб қараб қолишди. — Ўйлайманки, руминларга таъмирлаш ишларини ўргатишимиз керакка ўхшайди.

Эртаси куни эрталаб унинг ҳузурига Жерри Дэвис кирди.

— Бу ишни қандай уддалаганингизни билмадим, аммо барча хонадонлар камчиликларни тузатаётган усталарга тўлиб кетибди.

Мэри кулимсиради:

— Улар билан одамга ўхшаб гаплашишни билиш керак-да.

Навбатдаги йиғилишларнинг бирида Майк Слейд шундай деди:

— Барча элчиларга ҳурмат бажо келтиришингиз керак. Бу ишни бугундан оқ бошласангиз яхши бўларди.

Унинг гапириши ва ўзини тутиши Мэрининг иззат-нафсига теккандек бўлди. Ахир, бу унга тегишли масала бўлмаса. Чунки протокол бўйича ўтказиладиган тадбирларга Хэрриет Крюгер жавоб берарди. Аксига олиб, у бугун элчихонага келмабди.

— Энг биринчи галдагилар қоидасига риоя этиш ғоят муҳим, — дея гапини давом этди Слейд. — Энг асосийси...

— ... совет элчихонаси. Мен буни биламан

— Менинг маслаҳатимни...

— Мистер Слейд, маслаҳатингиз керак бўлиб қолса, сизга албатта мурожаат қиламан.

— Бўпти, — деди Слейд ноиложликдан. — Сиз нима десангиз, шу бўлади, элчи хоним.

Мэри совет элчихонасига ташрифидан кейин иш билан банд бўлди. У диссидентларга оид маълумотга қизиқадиган бир сенатор билан учрашди, қишлоқ хўжалиги бўлимининг янги бошлиғи билан суҳбатлашди.

Энди уйга кетаман деб турганда Дороти Стоун қўнғироқ қилиб қолди:

— Элчи хоним, Вашингтондан шошилишч қўнғироқ. Сиз билан Жеймс Стикли гаплашмоқчи.

Мэри бошқа телефон гўшагини кўтарди:

— Хайрли кун, мистер Стикли.

У ғазаб отига минган эди.

— У ерда нималар билан шуғулланаётганингизни балки тушунтириб берарсиз?

— Нимани назар тутаётганингизни тушунолмадим.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозиргина Габон элчисининг унга муносабатингизга доир расмий нотаси давлат департаментига топширилди.

— Шошманг! Бу ерда қандайдир англашилмовчилик бўлган. Мен Габон элчиси билан ҳатто гаплашганим ҳам йўқ.

— Ҳамма гап ана шунда!— дея бўқирди Стикли. — Сиз Совет Иттифоқи элчиси билан гаплашгансиз.

— Худди шундай. Унга ҳурматимни бажо келтирдим.

— Хорижий элчихоналар ишонч ёрлиғи топширилган кунга биноан муайян навбат тартибига эга эканидан хабарингиз йўқми?

— Ҳа, бироқ...

— Ахборотингиз учун, бу навбатда Габон биринчи, Эстония охирида туради. Уларнинг ўртасида яна бошқа мамлакатларнинг етмишта элчихонаси бор. Саволлар борми?

— Йўқ, сэр. Кечирасиз, агарда мен...

— Бундай машаа бошқа қайтарилмайди, деган умиддаман.

Майк қўнғироқ ҳақида эшитгач, Мэрининг хонасига кирди.

— Сизни огоҳлантирмоқчи бўлган эдим.

— Мистер Слейд...

— Бундай масалаларга элчилар жуда жиддий қарайди. Дарвоқе, 1661 йилда Лондондаги испан элчисининг ёрдамчилари унинг араваси биринчи бўлиб етиб келиши учун француз элчисининг аравасига ҳужум қилиб, извошчини ҳам, отларни ҳам ўлдиришади. Габон элчисига мактуб йўллаб, узр сўрашингизни маслаҳат берардим.

Мэри бу гал ҳам аламини ичига ютиши зарурлигини тушунди.

Матбуотда у ҳақда берилаётган шарҳлар Мэрини албатта тўлқинлантирарди. Болалари билан тушган сурати ҳатто “Правда” да ҳам чоп этилди.

Ярим тунда у Стэнтон Рожерсга қўнғироқ қилди. Бу қўнғироқ унинг иш куни бошланган пайтга тўғри келди. Стэнтон гўшакни кўтарди.

— Севимли элчи хонимнинг аҳволлари қалай?

— Ҳаммаси яхши. Ўзингиз-чи?

— Суткасига қирқ саккиз соат ишлаётганимни айтмаса, нолийдиган жойим йўқ. Бундай иш тартиби ўзимга ёқади. Сизнинг ишларингиз қалай? Муаммолар йўқми?

— Муаммо десам, тўғри бўлмас. Мен шунчаки баъзи нарсаларни ўзим учун аниқлаб олмақчи эдим. — У фикрни лўнда ифода этишга интилиб, сўз ахтарарди. — “Правда”да босилган суратимни кўрган бўлсангиз керак.

— Жуда зўр! — деди у кўтаринки оҳангда. — Ниҳоят, руслар ҳам сизни пайқашди.

— Стэн, ҳамма элчилар ҳам мен каби обрў-эътиборга муносиб кўриладими?

— Тўғрисини айтсам, йўқ. Аммо хўжайин бор имкониятларни ишга солиб, сизни тарғиб этиш керак, деб ҳисоблайди. Чунки сиз бизнинг юзимизсиз. Президент Эллисон айнан сиз америкаликларнинг кимлигини кўрсатиб қўйишингизни хоҳлайди. Бундан буён ҳам бу ишни давом эттирамиз. Биз бутун дунё сизни яхшилаб таниб олишини истаймиз. Сиз орқали уларда Қўшма Штатлар ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

— Мен... мен бундай илтифотдан бошим осмонга етди.

Улар яна бир-икки дақиқа гаплашиб хайрлашишди.

“Демак, матбуотдаги бу компания ортида президентнинг ўзи турган экан-да, — деб ўйлади Мэри. — Мен бўлсам шунча мақола чоп этилаётганига ҳайрон бўлиб юрибман”.

“Иван Стелиан” ҳибсхонаси Мэрига ташқаридан қараганда ичкарисидан янада даҳшатлироқ кўринди. Торгина йўлак кўкимтир ранга бўялган. Икки қаватдаги барча камералар маҳбуслар билан тўла эди.

Автоматлар билан қуролланган кўриқчилар тартибни назорат қилиб турибди. Бино ичкарисидаги бадбўй ҳиддан Мэрининг боши айланди.

Кўриқчи уни маҳбуслар билан учрашув ўтказиладиган махсус хонага бошлади.

— У шу ерда. Атиги ўн дақиқа вақти бор.

— Миннатдорман. — Мэри хонага кириши билан эшик ёпилди.

Ханна Мэрфи шалоғи чиққан стол ёнида ўтирарди. Эдди Мальц унинг ёши ўн тўққизда деганмиди? Бу эса камида ўн ёш катта кўринади. Юзлари сўлғин, йиғлагандан кўзлари қизариб кетган. Сочлари бир аҳволда.

— Яхшимисан, — деди Мэри, — мен Америка элчисиман.

Ханна Мэрфи унга қараб, йиғлаб юборди.

— Кўй, йиғлама. Ҳаммаси яхши бўлади.

— Я...яхши... бўлмайди, — деди у ўпкаси тўлиб. — Кейинги ҳафтада мени суд қилишади. Мен бу ерда ўлиб кетаман. Беш йил чидай олмайман.

— Ўзингни қўлга ол. Яхшиси бу ерга қандай қилиб келиб қолганингни сўзлаб бер.

У чуқур хўрсиниб, гапира бошлади.

— Ўзимни ёлғиз ҳис қилганим учун бир руминиялик билан танишгандим. У менга жуда меҳрибон эди, ўша кеча вақтимизни кўнгилхушлик билан ўтказдик. Дугонам марихуана солинган иккита сигарет берганди. Биттасини у билан чекишдик. Яна кўнгилхушлик қилдик... Эрталаб туриб қарасам, у ёнимда йўқ, хонада полициячилар

тўлиб кетган эди. Улар кийиниб бўлгунимча менга тикилиб туришди-да, кейин бу ерга олиб келишди. Беш йилга қамалишимни айтишди.

— Қамашмайди, мен сенга ёрдам қиламан.

Мэри турмага келаётганда Лукас Женклоунинг унга айтган гапларини эслади: “Сиз унга ёрдам бера олмайсиз, элчи хоним. Биз барча воситаларни ишга солиб кўрдик, натижа бўлмади. Хорижликларнинг барчасига бир хил жазо чораси белгиланади — улар беш йилга ҳукм қилинади. Айбланувчи руминиялик бўлса, умрбод қамоққа маққум этилади”.

У Ханна Мэрфига жиддий разм солиб деди:

— Сенга ёрдам бериш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилишга ваъда бераман.

Мэри полиция маҳкамасининг расмий маълумотномаси билан танишиб чиқди. Секуритате бошлиғи полковник Истрасе томонидан имзоланган ҳужжатда ишнинг мазмуни қисқа ва аниқ баён этилган эди. Қизнинг айбдор эканига заррача шубҳа йўқ эди. “Бирор бир чорасини ўйлаб топиш керак”, — деб ўйлади Мэри. У Вашингтонда Жеймс Стикли берган маълумотномада Истрасе ҳақида нималар ёзилганини эшлагга уринарди. У ҳақда нима дейилган эди-я? Нима эди? Кутилмаганда ҳаммаси ёдига келди.

Мэри эртаси куни Истрасенинг элчихонага келиши ҳақида келишиб олди.

— Вақтингизни беҳуда ўтказганингиз қолади, — дея Майк Слейд уни огоҳлантирди. — Истрасе бу — улкан қоя. Сиз уни ўрндан кўзгата олмайсиз.

Истрасе пакана, тепакал ва юзида чандиқлари бор одам экан. Бир вақтлар бурни синдирилган бўлса керак, у қийшайиб қолган. Америка элчисига нимага керак бўлиб қолгани уни жуда қизиқтирарди.

— Мен билан кўришмоқчи экансиз, элчи хоним?

— Ҳа. Келганингиз учун раҳмат. Мен сиз билан Ханна Мэрфи ҳақида гаплашмоқчиман.

— Э, анови марихуана сотувчисини айтаяпсизми? Руминия қонунлари шафқатсиз. Биз бундай одамларни қамаймиз.

— Жуда яхши, — деди Мэри. — Сиздан бу гапни эшитганимдан хурсандман. Қўшма Штатларда ҳам гиёҳванд моддаларни сотаётганларга қарши қонун кучайтирилса яхши бўларди.

Мэрининг бу гапи Истрасени ҳайрон қолдирди:

— Демак, фикримга қўшиласиз, шундайми?

— Тўлиқ қўшиламан. Гиёҳванд моддаларни сотаётганлар турмада ўтириши керак. Бироқ, Ханна Мэрфи бу иш билан шуғулланмаган. У жазманига чекиб кўришни таклиф қилган, холос.

— Бу ҳам уни сотиш билан баробар. Агарда...

— Унчалик эмас, полковник. Унинг жазмани — Руминия махфий полицияси лейтенанти. У ҳам марихуана чеккан. Хўш, у жазоландими?

— Жазолаш? Нима учун? Ахир, у жиноятни тасдиқловчи далилларни тўплаш билан шуғулланган.

— Лейтенантнинг хотини ва учта боласи бор, шундайми?

— Ҳа, — деди Истрасе хўмрайиб. — Бу америкалик қиз унинг бошини айлантириб, йўлдан урган.

— Полковник, Ханна Мэрфи бор-йўғи ўн тўққиз яшар талаба. Лейтенантингиз эса қирқ бешда, тўғрими? Хўш, ким кимнинг бошини айлантирган ва йўлдан урган?

— Бу ишда ёшнинг аҳамияти йўқ, — деди Истрасе ўжарлиги тутиб.

— Лейтенантнинг хотини унинг қилмишларидан хабари борми?

— Унга бунинг нима кераги бор?

— Назаримда, қизни алдаб, тузоққа илинтиришган. Мен бу ишни ошкор қилмоқчиман. Ҳайламанки, бутун дунё матбуоти учун зўр эрмак бўлади.

— Бу сизнинг қўлингиздан келмайди, — деди у.

Мэри асосий далилни ишга солиш пайти келганини тушунди.

— Ҳаша лейтенант сизнинг куёвингиз бўлгани учунми?

— Йўқ, бунинг учун эмас, — деди полковник жаҳл билан. — Мен шунчаки адолат қарор топишини истайман.

— Мен ҳам адолат тантана қилиш тарафдориман. — деди Мэри катъий оқангда.

Мэри танишиб чиққан маълумотномада полковникнинг куёви чет эллик сайёҳлар — эркак ва аёллар билан танишиб, қора бозорда гиёҳванд моддалар сотишни таклиф этиш, кейин уларни бирор жойга олиб бориб кўнгилхушлик қилиш ва охир-оқибат полицияга сотишга ихтисослашгани қайд этилган эди.

— Қизингиз эрининг қилмишлари ҳақида билмагани маъқул, деб ўйлайман, — деди Мэри. — Сиз Ханна Мэрфини озод қилсангиз, мен эса уни Қўшма Штатларга жўнатсам яхши иш бўларди. Таклифимга нима дейсиз, полковник?

У жаҳли чиққанидан бўзариб, Мэрига қараб турарди.

— С-сиз жуда қизиқ суҳбатдош экансиз, — деди у ноилож қолганига иқроп бўлиб.

— Ташаккур. Сиз ҳам мендан қолишмас экансиз. Шундай қилиб, эртага Ханна Мэрфини хонамда кутаман. Шу кунгиз у уйига жўнаб кетади.

Полковник елкасини қисиб қўйди:

— Мен бирор бир чорасини ўйлаб топарман.

— Бунга асло шубҳам йўқ, полковник Истрасе. Миннатдорман.

Эртаси кун Ханна Мэрфи Қўшма Штатларга учиб кетди.

— Бу ишни қандай уддаладингиз? — ишонқирамай сўради ундан Майк Слейд.

— Маслаҳатингизни олиб, уни ўзимга ром этдим.

Йигирманчи боб

Тим ва Бет мактабга борадиган биринчи кун эрталаб соат бешда Мэрини элчихонага чақиртиришди — шошилинич келган телеграммага зудлик билан жавоб бериш керак эди. Ҳаша кун иш роса тигиз бўлгани сабабли у уйга еттидан кейин келди. Болалар уни кутиб туришган экан.

— Ҳўш, — деди Мэри, — мактаб сизларга ёқдими?

— Менга ёқди, — деди Бет. — Биласизми, у ерда ўн икки мамлакатдан келган болалар ўқир экан. Италиялик бир бола мендан кўзини узгани йўқ. Ажойиб мактаб экан.

— Лабораторияси ҳам зўр экан, — дея гапга аралашди Тим. — Биз эртага румин қурбақаларини сўямиз.

— Биласизми, нимаси галати? — деди Бет, — Инглиз тилида роса кулгили талаффуз билан гапиришлари.

— Эсларингда бўлсин, — деди Мэри болаларига, — талаффуз билан гапирадиганлар одатда бир неча тилни билади. Энг муҳими, ҳеч қандай муаммо туғилмаганидан хурсандман.

— Барча муаммоларни Майк ҳал қилди, — деди Бет.

— Ким дединг?

— Мистер Слейд. У бизга мени Майк деб чақиринглар деди.
 — Ўқишингизга унинг нима дахли бор?
 — У сизга индамадими? Майк бу ерга келиб бизни ўзи билан олиб кетди, барча ўқитувчилар билан таништирди. У ҳаммасини танир экан.
 — Болаларни ҳам, — деб қўшиб қўйди Тим. — Улар билан ҳам бизни таништирди. Уни ҳамма яхши кўрар экан. Жуда ажойиб одам.
 “Ҳа, ҳаддан ташқари ажойиб”, ўйлади Мэри истехзо аралаш.

Эртаси куни эрталаб Майк Слейд хонасига кирганда Мэри ундан сўради:

— Тўғри тушунган бўлсам, Тим билан Бетни мактабга сиз олиб борибсиз-да?

У бош ирғади:

— Болаларнинг янги мактабга кўникиши қийин кечади. Қолаверса, улар менга жуда ёқди. Ажойиб болалар.

Қизиқ, ўзининг ҳам болалари бормикан? Мэри шу топда Майк Слейднинг шахсий ҳаёти ҳақида деярли ҳеч нима билмаслигини англади. “Эҳтимол шундай бўлгани ҳам тузукдир, — деб ўйлади ўзича. — У туну кун хато қилишимни пойлаб юради”.

Лекин ҳеч нимага эриша олмайди.

Шанба куни Мэри дипломатик корпус вакиллари сиёсат оламидаги сўнгги миш-мишларни муҳокама қилиш учун тўпланадиган хусусий клубга болалар билан борди.

Ўтирганларга разм солиб, қандайдир аёл билан суҳбатлашиб ўтирган Майк Слейдга кўзи тушди. Аёл улар томон ўтирилганда, Мэри турган жойида қотиб қолди. У Дороти Стоун эди. Унинг назарида, котибаси гўё душман билан ҳамкорлик қилиб, унга қарши тил бириктираётгандек эди. Уларнинг бир-бирига қай даражада яқинлиги Мэрини қизиқтириб қолди. “Демак, унга ҳам ишониб бўлмас экан-да? — деб ўйлади ўзича. — Дарвоқе, бошқа ходимларга ҳам”.

Мэри ёлғиз бир ўзи ўтирган Хэрриет Крюгернинг ёнига келди:

— Шу ерга ўтирсам, қарши эмасмисиз?

— Аксинча, жуда хурсанд бўлардим. — У бир қути америка сигаретини чиқариб унга тутди. — Марҳамат, чекинг.

— Миннатдорман. Мен чекмайман.

— Бу мамлакатда сигаретсиз яшаб бўлмайди, — деди Хэрриет.

— Тушунмадим.

— Бу ерда барча юмушлар “Кент” воситасида ҳал қилинади. Врачга кўринмоқчи бўлсангиз, бир қути сегарет олишни асло унутманг. Гўшт оласизми, машинангизни таъмирлатасизми, куйган чироқни алмаштирмоқчи бўласизми — ҳаммаси учун пора беришингиз керак. Бир италиялик танишим операция қилдириши зарур бўлиб қолди. Янги скальпель ишлатишлари учун ҳамширага бир қути сигарет беришига тўғри келди. Тоза бинт учун ҳам пора берди. Акс ҳолда, улар эски бинтларни ҳам ишлатаверади.

— Нима учун...

— Чунки мамлакатда дока ҳам, дори-дармон ҳам тақчил. Шарқий Европа мамлакатларининг барчасида шу аҳвол. Ўтган ойда ГДРда ботулизм эпидемияси тарқалди. Шарқий немислар керакли дорини Фарбдан сотиб олишга мажбур бўлди.

— Одамлар эса дардини кимга айтишни билмай овора.

— Улар бунинг ҳам ўзига хос усулини топишган. Сиз Була ҳақидаги ҳангомани эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Бу руминларнинг қалбига бир оз бўлса-да, рўшнолик олиб кирадиган ҳангомалар қаҳрамони. Одамлар гўшт олиш учун навбатда туришибди, дейлик. Навбат деярли силжисмайди. Беш соат навбат кутган ва сабр косаси тўлган Була: “Ҳозир саройга бораман-да, Ионескуни ўлдираман”, — дейди. Орадан икки соат ўтиб, қайтиб келганда навбатдагилар ундан “Хўш, ўлдирдингми?” — деб сўрайди. Була эса “Йўқ, у ерда ҳам одам тирбанд экан”, — деб жавоб беради.

Мэри хо-холаб кулиб юборди.

— Бу ердаги қора бозорда нимага талаб кўплигини биласизми? Америка теледастурлари ёзилган видеокассеталарга.

— Уларга бизнинг фильмларимиз ёқарканми?

— Йўқ, улар бу кассеталарни рекламаси учун олишади. Биз учун оддий туюлган нарсалар — кир ювиш машинаси, музлаткич, енгил машина — улар учун эришиб бўлмас орзу. Реклама берилаётган пайтда улар экрандан кўз узмайди.

Мэри бошини кўтариб, Майк Слейд Дороти Стоун билан бирга клубдан чиқиб кетаётганини кўриб қолди. Улар қаёққа йўл олганини Мэри билгиси келарди.

Мэри бугунги ўта серташвиш кундан кейин уйга қайтаётганди. У ҳозир ванна қабул қилиб, ухлашдан бошқа ҳеч нарсани хоҳламасди. Элчихонада бир фурсат ҳам ёлғиз қолишнинг имкони бўлмади. Афсуски, уйда ҳам бунинг иложи йўқ эди. Қайси хонага кирмасин, у муқаррар равишда хизматкорларга дуч келар, ўзини гўё кузатилаётгандек ҳис этарди.

Бир гал тунги соат иккида уйғониб, ошхонага тушди. Музлаткичнинг эшигини очиши билан орқадан қадам товушлари эшитилди. Ўгирилиб қараса, остонада Михай, Росика, Далия ва Кармен турарди.

— Сизга қандай ёрдам беришим мумкин, хоним? — деб сўради Михай.

— Ҳеч қандай, — деб жавоб берди Мэри. — Мен шунчаки бирор нима емоқчи бўлиб тушгандим.

Шу пайт ошхонага кириб келган Косма норози оҳангда деди:

— Хоним, қорним оч десангиз, бирор нима пишириб берардим-ку. Хизматкор унга тумшайиб қараб турарди.

— Миннатдорман. Аслида қорним тўқ, — деди-да, шоша-пиша хонасига чиқиб кетди.

Эрталаб у болаларга бўлган воқеани гапириб берди.

— Мен ўзимни “Ребекка”даги кундош хотиндек ҳис этаяпман.

— “Ребекка” деганингиз нима? — деб сўради Бет.

— Вақти-соати келиб сиз ўқийдиган ажойиб китоб.

Мэри элчихонага келганда Майк Слейд уни кутиб турарди.

— Бир йигитимиз бетоб бўлиб қолибди. Уни кўрсангиз яхши бўларди.

У Мэрини хоналарнинг бирига бошлади. Диванда ранглари оқарган денгиз аскарари ётарди.

— Унга нима қилибди?

— Кўричакка ўхшайди.

— Уни зудлик билан касалхонага ётқизиш керак.

Майк Мэрига ўгирилди.

— Фақат бу ерда эмас.

— Бу ерда эмас деганингиз нимаси?

- Уни самолётда Рим ёки Цюрихга олиб бориш керак.
- Ахир, бу кулгили-ку, — дея эътироз билдирди Мэри. — У овозини пасайтириб деди: — Унинг аҳволини кўрмаяпсизми?
- Кулгилими йўқми, билмадим, бироқ Америка элчихонасида ишлайдиган ходимларнинг бирортаси ҳам “темир парда” ортидаги мамлакатлар касалхоналарига ҳеч қачон ётмайди.
- Нима учун?
- Касалхонага ётган одам ҳаммамизни хавф остига қўйиши мумкин. Чунки у румин ҳукумати ва махфий полицияси қўлига тушади. Улар битта укол билан гиёҳванд модда, дейлик, скополоминни танасига киритади-да, истаган маълумотини олади. Бу ердаги ўйин қоидалари шундай. Шунинг учун беморни бошқа мамлакатга жўнатишимиз шарт.
- Элчихонада ўзимизнинг шифокоримиз йўқми?
- Биз учинчи даражали элчихоналар сирасига киритилганимиз учун, бюджетимизда шифокор лавозими кўзда тутилмаган. Фақат ҳар уч ойда бу ерга америкалик шифокор келиб туради. Лекин дори-дармон билан таъминлаб турадиган аптекачимиз бор. — Майк унга бир варақ қоғоз узатди. — Мана бу ерига имзо чексангиз, беморни олиб кетишади. Самолёт масаласини ўзим ҳал қиламан.
- Майли, сиз айтгандек бўлақолсин. — Мэри имзо чекди. У денгиз аскарига яқинлашиб, қўлини сиқиб қўйди. — Ҳаммаси яхши бўлади. Икки соатдан кейин бемор Цюрихга жўнатилди.
- Кейинги куни Мэри Майк Слейддан беморнинг соғлиғи ҳақида сўраганда, у шунчаки елкасини қисиб қўя қолди.
- Уни операция қилишибди, — деди у аллақандай бепарволик билан.
- “Одам ҳам шунчалик бемалолхўжа бўладими, — деди у ўзича. — Наҳотки, ҳеч нима уни ҳаяжонга сололмаса?”

Йигирма биринчи боб

Мэри элчихонага қай вақтда келишидан қатъи назар, Майк Слейд шу ерда бўларди. У камдан-кам ҳолларда қабул маросимларига борар, Мэрининг тахминича, ўйин-кулги ва ҳузур-ҳаловатни бошқа жойлардан изларди.

Унинг баъзи-бир ишлари Мэрини ҳайрон қолдирарди. Кунларнинг бирида у болаларни Флориан билан Флореаска хиёбонидаги муз майдончасига жўнатган эди. Уша куни болалари билан бирга ҳордиқ чиқариш учун ишдан барвақтроқ кетишга қарор қилди. Муз майдончасига етиб келганда, Тим ва Бет билан маза қилиб ўйнаётган Майк Слейдга дуч келди. У болаларга “чирмовуқ” усулида сирпанишни ўргатаётган экан. “Уларни Майк Слейд тўғрисида огоҳлантириб қўйсаммикан?” — деб ўйлади. Аммо нима деб огоҳлантириш кераклигини ўзи ҳам аниқ билмасди.

Эртаси куни Мэри элчихонага келганда, унинг ҳузурига Майк Слейд кирди.

- Кондел икки соатдан кейин шу ерда бўлади. Менинг фикримча...
- Кондел деганингиз нимаси?
- Биз конгресс делегациясини қисқартириб шундай деймиз. Тўрт сенатор рафиқалари ва ёрдамчилари билан келади. Улар элчининг ўзи кутиб олишини истаётир. Мен сенаторларнинг президент Ионеску билан учрашувини ташкил этишим ва Хэрриетга маданий дастур билан шуғулланишини тайинлашим керак.

- Миннатдорман.
- Қаҳвага қалайсиз?
- Бажонидил.

Мэри хонасига чиқиб кетган Майк Слейд ортидан тикилиб қолди. Фалати одам. Дағал, бетгачопар... Аммо, шу билан бирга... У Майкнинг Тим ва Бет билан ёш боладек ўйнагани кўз олдига келиб, кўнгли юмшагандек бўлди.

Майк Слейд икки идишчада қаҳва олиб кирганида Мэри ундан сўради:

- Болаларингиз борми?
- Икки ўғлим бор.
- Улар қаерда?

— Собиқ хотиним билан яшашади. — У мавзуни кескин бошқа масалага бурди: — Сенаторларнинг Ионеску билан учрашиш кунни ва вақтини ҳал қилиш зарур.

Қаҳва ниҳоятда хушбўй эди. Мэри айнан шу кунни Майк билан эрталаблари қаҳва ичиш одат тусига айланганини англаб етди.

Мэри болаларига имкон қадар кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиларди. Улар вақти-вақти билан музей ва черковларга бориб туришарди. Аммо болалар Бухарестдан олтмиш километр масофада жойлашган Ершовдаги Дракула қалъасига режалаштирилган саёҳатни ҳамон орзиқиб кутарди.

— У княз бўлган, — дея тушунтирди Флориан йўл-йўлакай. — Княз Влад Топес. У буюк қаҳрамон бўлган ва турк босқинчиларига қарши курашган.

— Мен одамларни ўлдириб, қонини ичган деб ўйлаб юрардим, — деди Тим.

— Ҳа, — дея бош ирғади Флориан. — Афсуски, урушдан кейин у ҳокимиятни суиистеъмол қила бошлаган. Яккаҳоким бўлиб олиб, душманларини қозиққа ўтқазиб қийнаган. Унинг одам қонини сўргани ҳақида миш-мишлар тарқалган. Стоукер ана шу афсонага таяниб китоб ёзган. Китоб тарихий далилларга асосланмаган бўлса-да, мамлакатимизда сайёҳлик ривожига катта ҳисса қўшган.

Муҳташам қалъа тоғнинг тепа қисмида жойлашган экан. Улар торгина зиналардан кўтарилиб боргунча, ҳансираб, ҳолсизланиб қолишди. Шифти пастгина зал деворларида қадимий курол-яроғлар осиглиқ турарди.

— Шу ерда Дракула қурбонларини ўлдириб, қонини ичган, — дея изоҳ берди экскурсовод.

Зал совуқ ва зах эди. Ногоҳон осилиб турган ўргимчак тўри Тимнинг юзига тегиб кетди.

— Кўрққаним йўқ, — деди у ойисига ўзини дадил тутишга уриниб. — Лекин бу ердан тезроқ кетсак яхши бўларди.

Ҳар олти ҳафтада Америка ғарбий ҳаво кучларининг “С-130” самолёти Бухарестдан унча узоқ бўлмаган кичкина аэродромга келиб қўнарди. Унинг юкхонаси Руминияда тақчил бўлган озиқ-овқат ва бошқа нарсалар билан тўла эди. Булар Америка элчихонаси ходимларининг буюртмаси билан Франкфуртдан келтириларди.

Кўнларнинг бирида, қаҳва ичиб ўтиришган пайтда, Майк Мэрига деди:

— Бугун юк ортилган самолёт келади. Мен билан аэропортга боришни хоҳламайсизми?

Мэри аввал бош тортмоқчи бўлди — элчихонадаги иш бошдан ошиб ётгани учун бу таклиф унга маънисиз туюлди. Аммо Майк Слейд ҳам вақтнинг қадрини биладиган одам. Хуллас, синчковлиги устун келди.

— Бўпти.

Йўл-йўлакай кундалик ишларни муҳокама қилишди. Суҳбат расмий тус олди.

Аэропортга етиб келишганда, қуролланган денгиз аскарлари дарвозани очиб, лимузинни ўтказиб юборди. Ун дақиқадан кейин “С-130” келиб қўнди.

Аэропорт девори ёнида тўпланган юзлаб руминлар қутиларни тушираётган одамлардан кўз узмасди.

— Улар бу ерда нима қиляпти? — деб сўради Мэри.

— Улар орзу қилишяпти. Ҳеч қачон уларда бўлмаган ва бўлмайдиган нарсаларга қарашяпти. Улар бизга гўшт, совун, атир-упа келтиришганини биледи. Ҳар гал самолёт келганда, бу ерда доимо одам тўпланади. Самолётнинг келиш кунини қаёқдан билишади, ҳайронман.

Мэри уларнинг юзига разм солди.

— Ҳа, ишонинг қийин.

— Биласизми, улар учун бу самолёт ўзига хос тимсол. Гап келтириляётган нарсаларда ҳам эмас. Улар учун самолёт — ўз фуқароларини ҳимоя қиладиган, уларнинг ғамини ейдиган эркин мамлакат тимсолидир.

— Нима учун мени бу ерга олиб келдингиз? — деб сўради Мэри.

— Ионеску ёқимли нутқлари билан сизни ўзига ром этишини хоҳламайман. Ҳақиқий Руминия эса — сиз кўриб турган мана шу одамлар.

Мэри ҳар кун эрталаб элчихонага келганда консуллик бўлимига кириш учун навбат кутиб турган одамларга кўзи тушарди. Улар бу ерга ўзларига тааллуқли бирор масалани ҳал қилиш учун келса керак деб ўйларди. Аммо бугун бу одамлар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида деразага яқинлашди. Уларнинг юзидаги ифодани кўриб, Майк Слейд билан улар ҳақда гаплашиш зарурлигини тушунди.

— Дарвоза олдида турганлар ким?

Майк Слейд ҳам дераза ёнига келди.

— Булар асосан румин яҳудийлари. Визага ариза топшириш учун навбат кутиб туришибди.

— Бухарестда Исроил элчихонаси бор-ку! Нима учун у ерга муружаат этишмайди.

— Бунинг икки сабаби бор, — дея изоҳ берди Майк. — Биринчидан, улар азалий ватанига кўчиб кетишига кўмаклашиш учун Исроилдан кўра Америка ҳукуматининг имконияти кўпроқ деб ҳисоблайди. Иккинчидан, шундай йўл тутишса, махфий полиция уларнинг асл мақсадини сеза олмайди деб ўйлашади. Албатта, улар янглишади. — Майк элчихона рўпасидаги уйга ишора қилди. — Махфий полиция бу уйдаги бир неча хонадондан кечаю кундуз кузатув олиб боради. Элчихонага кириб-чиқаётган ҳар бир одам суратга олинади.

— Қандай даҳшат!

— Уйин қоидалари шундай. Мамлакатни тарқ этиш учун визага ариза топширган яҳудийлар ўша заҳоти ишдан бўшатилади, хонадонларидан қувиб чиқарилади. Ҳатто қўни-қўшнилари ҳам уларга қарши қайрашади. Шўрликлар уч-тўрт йиллаб ҳукуматнинг

жавобини кутишга мажбурлар. Камдан-кам ҳолларда мамлакатдан кетишларига рухсат берилади.

— Наҳотки, уларга ёрдам беришнинг бирор бир чораси бўлмаса?

— Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаяпмиз. Бироқ Ионеску яхудийлар билан мушук-сичқон ўйнаяпти. Санокли одамларгина бу ердан кетишга муяссар бўлди.

Мэри чорасиз қолган бу одамларнинг юзларига қараб, ўйга толди.

— Бирон-бир чораси бордир, ахир?

— Кўнглингизни бузиб нима қиласиз? — деди Майк уни юпатгандек бўлиб.

Вақтдаги тафовут Мэрининг силласини қуритди. Вашингтонда кундуз бўлганда Бухарестда тун ярмидан оққан бўларди. Баъзан қандайдир телеграмма ёки телефон кўнғироғига жавоб бериш учун уни кечаси уч-тўртларда уйғотишарди.

Ҳар гал тунги телеграмма келганда ёки кўнғироқ бўлганда навбатчи денгиз аскарини зобитга кўнғироқ қилар, у эса Мэрини уйғотиш учун ёрдамчисини қароргоҳга юборарди. Жавоб бергач, Мэри кўпинча ухلامасдан тонг оттирарди.

“Бу ердаги ҳаёт мен учун қанчалар қизиқ эканини билсанг эди, азизим. Назаримда, қўлимдан қўп нарса келадигандек. Тиним билмай ишлашга тайёрман. Аммо хато қилишдан қўрқаман. Зеро, менга умид билан кўз тикиб турган одамларнинг ишончини суиистеъмол қилишга ҳаққим йўқ. Қани эди, ёнимда бўлсанг-да, “Қойилман, кампиршо”, — дея кўнглимга таскин берсанг. Сенсиз яшаш қанчалар оғир эканини билсанг эди... Мени эшитаяпсанми, Эдвард? Сенсиз ақлдан озаманми деб қўрқаман...”

— Бизда муаммо бор, — деди Майк эрталабки қаҳва маҳали.

— Қандай муаммо экан?

— Румин черковининг олий мартабали ўн икки вакили сиз билан учрашишмоқчи. Улар Ютадаги черковдан таклифнома олишган. Аммо румин ҳукумати виза беришдан бош тортмоқда.

— Нима учун?

— Санокли руминларгагина мамлакатдан чиқишга рухсат берилади. Бу ҳақда қизиқ ҳангома ҳам бор. Ионеску ҳокимият тепасига келгач, деразадан Қуёш чиқаётганини кўрибди. “Хайрли тонг, ўртоқ Қуёш”, — дебди у. “Хайрли тонг, — деб жавоб берибди Қуёш — Сизнинг янги президент бўлганингиздан барча бахтиёр”. Кечқурун Ионеску энди Фарб томонга қараган деразага қараб, Қуёшнинг оғаётганини кўрибди. “Хайрли кеч, ўртоқ Қуёш”, — деб саломлашибди. Аммо Қуёшдан садо чиқмабди. “Сизга нима бўлди ўзи? Эрталаб мен билан қуюқ саломлашганингиз. Айни пайтда жим туришингизни қандай тушунишим керак?” Шунда Қуёш: “Мен энди Фарбдаман. Бор, тошингни тер”, — деб жавоб берибди. Қиссадан қисса шуки, Ионеску чет элга кетган руҳонийлар ҳам унга шундай жавоб қилишидан ўлгудай қўрқади.

— Бу масала юзасидан ташқи ишлар вазири билан гаплашиб кўрайлик-чи.

Майк ўрнидан қўзғалди.

— Сизга халқ рақслари ёқадими?

— Нима учун бу ҳақда сўраяпсиз? — деди Мэри ҳайрон бўлиб.

— Эртага румин халқ театрида янги мавсумнинг очилиш маросими бўлади. Боришни истармидингиз?

Мэри нима дейишни билмай, ўйланиб қолди. Кутилмаган таклиф. Энг ажабланарлиси, нима учун розилик берганини ўзи ҳам тушунмай қолди.

— Майли. — Майк унга кичкина конверт узатди. — Бу ерда учта чипта. Тим ва Бетни ҳам бирга олиб боринг.

Мэри нимагадир қизариб, ўзини ноқулай ҳис этди.

— Миннатдорман, — деди зўрға овоз чиқариб.

— Соат саккизда Флориан сизларни олиб кетиш учун келади.

Тим ва Бетнинг театрға боришга хоҳиши йўқ эди. Бет ўртоғини кечки овқатга таклиф қилибди.

— Очигини айтсам, халқ рақсларига қизиқмайман, — деб қўшиб қўйди Тим.

— Бўпти, — деди Мэри кулимсираб. — Ўзларинг биласизлар.

У болаларининг кўнглида нималар кечаётгани, улар ўзини унингдек ёлғиз ҳис этаётганини билишни истарди.

Хўш, театрға кимни таклиф этсам экан, деб ўйланиб қолди. Полковник Маккиннини, Жерри Дэвисни ёки Хэрриет Крюгерними? “Яхшиси, бир ўзим борганим маъқулроқ” деган қарорга келди.

Мэри дарвозадан чиққанда, Флориан уни кутиб турган экан.

— Хайрли кеч, элчи хоним. — У Мэрига таъзим қилиб, машина эшигини очди.

— Бугун кайфиятингиз чоғ кўринади, Флориан.

У мийиғида қулиб қўйди.

— Менинг кайфиятим доимо аъло, хоним. — У Мэри ўтирган томондаги эшикни ёпиб, жойига ўтирди. — Руминларда “Тишлаб ололмайдиган қўлни ўп”, — деган мақол бор.

— Турмушингиздан розимисиз, Флориан?

— Сизга партия ўргатган жавобни айтайми ё тўғриси билмоқчимисиз?

— Илтимос, фақат тўғриси айтинг.

— Бу гапларим учун отиб ташлашлари мумкин: мамлакатимизда бирорта ҳам одам бахтли ҳаёт кечирмайди. Чет элликлар бундан мустасно. Сизлар истаган пайтда келасиз, истаган пайтда кетасиз. Биз эса худди турмада яшаётгандекмиз. Бизда ҳамма нарса тақчил. — Улар одамлар билан гавжум дўкон олдидан ўтишди. — Ана, кўрдингизми? Улар бир бўлак гўшт олиш учун соатлаб кутишга мажбур, шу ҳам навбатдагиларнинг ҳаммасига тегмайди. Ҳамма жойда шу аҳвол. Ионескунинг нечта уйи борлигини биласизми? Ўн иккита! Мен бу уйларга меҳмонларни олиб борганман, биламан. Уларнинг ҳар бири — ҳашаматли сарой. Оддий халқ эса иситилмайдиган катакдек уйларда уч-тўрт оила бўлиб яшайди. — Флориан ортиқча гапирворганини сезиб жим бўлди. — Бу гапларни ҳеч кимга айтмасиз, деб умид қиламан.

— Албатта, айтмайман.

— Миннатдорман, элчи хоним. Хотиним бева бўлиб қолишини истамайман. Тагин, у яҳудий. Бизда эса уларга нисбатан муносабатни билсангиз керак.

— Ҳа, — деди Мэри жиддий оҳангда, — буни яхши биламан.

— Бир дўконга тухум олиб келишлари ҳақида қизиқ ҳангома бор. Ҳаво жуда совуқ бўлишига қарамай, одамлар соат бешдаёқ дўкон эшига олдида навбатга туради. Соат саккиз. Навбат яна чўзилган, тухумдан эса дарак йўқ. Дўкон директори навбатдагиларга “Ҳаммага барибир етмайди. Яҳудийлар кутмаса ҳам бўлади”, — дейди. Соат икки. Навбат янада чўзилган, тухумдан ҳамон дарак йўқ. Дўкон директори одамларга яна мурожаат этади: “Фақат партия аъзолари

қолсин. Қолганлар кетавериши мумкин”. Ярим тун. Изғирин. Директор дўконни ёпиб, “Бугун тухум олиб келишмади. Яхудийларнинг яна омади чопди”, — дейди.

Мэри кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди.

Деворлари ва шифти нақшинкор халқ театри ясама гул, пластмассадан ясалган буюмлар ва бошқа майда-чуйда нарсалар сотиладиган дўконлар қатор турган кўчадаги кичкина бинода жойлашган экан. Мэрига томоша ўлгудек зерикарли, артистлар кийими ва рақслар беўхшов бўлиб кўринди. Ниҳоят, томоша тамом бўлиши билан Мэри тоза ҳавога чиқиб, чуқур-чуқур нафас олди. Флориан машина олдида анграйиб турарди.

— Бир оз ушланиб қолишимизга тўғри келадими деб кўрқаман, элчи хоним. Машинанинг битта гилдираги бўшаб қолибди, захирадагисини ўғирлаб кетишибди. Янги гилдирак олиб келишларини сўраб кўнғироқ қилдим. Бирор соатда келиб қолишар, деб ўйлайман. Сиз машинада кутиб турасизми?

Мэри осмонга қаради. Ой шуъла сочиб турибди. Тун сокин ва изғиринли эди. У Бухарестга келганидан буён ҳали бирор марта шаҳар кўчаларини яёв кезмаган эди.

— Яхшиси, қароргоҳга яёв бораман, — деди у.

Мэри шаҳар марказига йўл олди. Бухарест унга ғоят ажойиб ва ғаройиб кўринди. Йўл-йўлакай дўконлар пештоқига осиб қўйилган “Тамаки”, “Дорихона”, “Озиқ-овқат” деган ёзувлар диққатини тортди.

Мэри Мошилор кўчасидан одамлар тирбанд автобуслар юрадиган Мария Россети кўчасига бурилди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай дўконлар олдида одамлар навбат кутиб турарди. У қаҳвахонада гогоше (румиларнинг бўрсилдоқ ширин кулчаси) сотилаётганини кўрди. Йўлакларда кўлида тўр халта ушлаб олган одамлар қаёққадир шошиб борарди. Мэрига дуч келган одамлар, айниқса, аёллар унинг уст-бошига разм солаётгандек туюларди. У қадамини тезлатди.

Виктория кўчасининг муъолишига бориб, қаёққа юришни билмай, ёнидан ўтаётган йўловчидан сўради:

— Кечирасиз, қандай қилиб?..

Йўловчи кўрқа-писа югурганча кўчанинг нариги томонига ўтиб кетди. “Дарвоқе, уларга чет элликлар билан гаплашиш ман этилган-ку!”, — деб ўйлади Мэри Слейднинг гаплари ёдига тушар экан.

Хўш, унда қаёққа юриш керак? У Флориан билан келган йўлини эслашга уринди. Узича қароргоҳ шаҳарнинг Шарқий қисмида бўлса керак, деган тўхтама келди. Бир оз юриб, Мэри кичкина кўчага кириб қолди. Олинда яхши ёритилган шоҳкўча кўриниб турарди. “Уша ердан такси ушлайман”, — деб ўйлади у кўнгли бир оз ёришиб.

Мэри орқадан қадам товушлари эшитилган томонга ўтирилди. Пальто кийган баланд бўйли нотаниш бир киши унга яқинлашиб келарди. Мэри қадамини яна тезлатди.

— Кечирасиз! — деди у руминча талаффуз билан. — Мабодо, адашиб қолмадингизми?

Мэри енгил нафас олди. Ҳойнаҳой, у полициячи бўлса керак. Бирор кор-ҳол юз бермасин деб, ортимдан кузатиб келаётгандир-да.

— Ҳа, — деди Мэри юзи ёришиб. — Мен қароргоҳга бормоқчи...

Шу пайт у яқинлашиб келаётган машинанинг гувуллашини эшитдим. Машина унинг ёнига келиб тўхтади. Пальтоли одам Мэрининг кўлидан ушлади. Мэри унинг оғзидан келаётган бадбўй ҳид

келар, қўли баданини сийпалаётганини ҳис этди. У Мэрини машинанинг очиқ эшиги томон судрай бошлади. Мэри аввал доврираб қолди, сўнг бор кучи билан қаршилиқ кўрсата бошлади.

— Машинага чиқ! — дея бўқирди пальтоли одам.

— Йўқ! — деди Мэри ва бор овози билан қичқира бошлади. — Ким бор! Ёрдам беринг!

Ҳартугул, кўчанинг нариги томонида аллақандай йўловчи кўринди. Мэрини машинага тиқишга уринаётган пальтоли одам бирдан саросимага тушиб қолди.

— Уни қўйиб юбор! — деб бақирди йўловчи улар томонга бурилиб.

У югуриб келди-да, нотаниш киши пальтосининг ёқасидан ушлаб ўзига тортди. Мэри унинг чангалидан қутулганини англади. Йўлтўсарнинг ҳамтовоғи унга ёрдамлашиш учун эндигина машинадан чиқаман, деб турганда, бирдан сирена овози эшитилди. Нотаниш киши ҳайдовчига руминчалаб бир нималар деб бақирди-да, сўнг иккови ҳам шоша-пиша машинага ўтирди. Енгил машина чийиллаб овоз чиқариб, бирпасда кўздан ғойиб бўлди.

Кўк чизикли, тепасида чироқча айланиб турган оқ машина Мэрининг олдига келиб тўхтади. Унинг ён томонига “МИЛИЦИЯ” деган ёзув бор эди. Машинадан икки милиционер тушиб келди.

— Сизга ҳеч нима қилмадимиз? — деб сўради улардан бири румин тилида. Жавоб бўлмагач, инглизча бузуқ талаффузда “Нима бўлди?” — деб сўради.

Мэри кўрққанидан дир-дир титрар, тили калимага келмасди.

— Икки... Икки эркак... Улар мени машинага тиқишмоқчи бўлди. Агар мана бу жентльмен бўлмаганда... — Мэри ўтирилди.

Нотаниш йўловчи аллақачон ғойиб бўлганди.

Йигирма иккинчи боб

Мэри кечаси билан алаҳсираб чиқди. Тушида нуқул нотаниш эркаклардан қочарди, уйғонарди-да, яна ухлаб қоларди. Алаг-чалаг тушларида доимо бир хил манзара: орқадан эшитилаётган қадам товуши, яқинлашиб келаётган машинанинг чийиллаб тўхташи ва унинг ичига тиқишга уринаётган эркак намоеён бўлаверарди. Улар Мэрининг кимлигини билишармиди ёки хорижликларга ўхшаб кийинган учун шунчаки тунашмоқчимиди?

Мэри эрталаб хонасига кирганида, одатдагидек, уни Майк Слейд кутиб турган экан. У икки идишчада қаҳва олиб келди-да, столга қўйди.

— Хўш, театрга саёҳат қандай ўтди? — деди у жиддий оҳангда.

— Ажойиб. — Рўй берган воқеага унинг дахли бўлмагани учун у ҳақда индамай қўя қолди.

— Жароҳатланмадингизми?

— Нима? — деди Мэри ҳайрон бўлиб.

Майк саволини яна такрорлади:

— Сизни ўғирлашаётганда жароҳат олмадингизми, деб сўраяпман?

— Сиз... Сиз бунга қаяқдан эшитдингиз?

— Элчи хоним... Унинг овозида истехзо оҳанги сезилиб турарди. — Руминияда сир сақлашнинг иложи йўқ. Ҳатто душ қабул қилиш учун бораётганингиз ҳам барчага маълум. Уйга яёв қайтмоқчи бўлиб, чакки иш қилибсиз.

— Ўзим ҳам бунга ишонч ҳосил қилдим, — деди Мэри. — Бошқа такрорланмайди.

— Яхши. Бирор нарсангизни олишмадимми?

— Йўқ.

Майк Слейднинг қовоғи уйилди.

— Уларни сумкачангиз ёки устингиздаги пўстин қизиқтирганда, кўчадаёқ тортиб олишлари мумкин эди. Демак, сизни ўғирламоқчи бўлишган.

— Мени ўғирлаш кимга керак бўлди экан?

— Ионескунинг одамлари бўлмагани аниқ. Чунки айти пайтда у биз билан муносабатларнинг бузилишидан манфаатдор эмас. Улар қандайдир дессидентлар гуруҳидан бўлиши мумкин.

— Ёки мен учун товон пули олмоқчи бўлган жиноятчилар бўлса-чи?

— Бу мамлакатда пул олиш мақсадида одам ўғирлашмайди. Чунки бундай жиноятлар учун суд қилиб ўтиришмайди, шартта отиб ташлашади. — У қаҳвадан бир қултум ичди. — Маслаҳат берсам майлими?

— Қани, эшитайлик-чи?

— Уйга кетақолинг.

— Нима дедингиз?

Майк Слейд қўлидаги идишчани стол устига қўйди.

— Сиздан истеъфога чиқиш тўғрисида ариза ёзиш ва болаларни олиб, хавф-хатардан йироқ жойга — Канзасга кетиш талаб этилади, холос.

Мэрининг бирдан қони қайнаб кетди.

— Мистер Слейд, хатога йўл қўйганим рост. Балки, у биринчиси ҳам, охиргиси ҳам бўлмас. Лекин бу лавозимга мени Кўшма Штатлар президенти тайинлаган. Унинг ўзи лавозимимдан озод этмагунча, кетиш ҳақидаги маслаҳатларингизни эшитишни хоҳламайман. — У бақириб юбормаслик учун аранг ўзини тийиб турарди. — Қолаверса, элчихона ходимлари менга қарши эмас, мен билан ишлаши керак, деб ҳисоблайман. Агар бунинг уддасидан чиқишга кўзингиз етмаса, балки ўзингиз уйга равона бўларсиз? — У важоҳатдан зир-зир титрарди.

Майк Слейд ноилож ўрнидан кўзгалди.

— Сизга эрталабки ахборотларни келтириб беришларини тайинлайман, элчи хоним.

Ўша куни эрталаб ҳамманинг оғзида шу гап эди. “Қизиқ, улар қаёқдан билди экан?” — деб ўйлади Мэри ҳайрон бўлиб. У фақат бир нарсдан — нажоткорининг исмини билмаслиги ва унга миннатдорчилик билдира олмаслигидан афсусланарди. Мэри уни кўз қири билангина кўришга улгурди. Унинг назарида, ўша йўловчи сочига оқ аралаган, чамаси қирқ ёшлар атрофидаги келишган одам эди. Мэрининг англашича, у французча талаффузда гапиргандек бўлди. У сайёҳ бўлса, аллақачон уйига кетган бўлса керак.

Бир фикр Мэрига сира тинчлик бермасди. Ундан қутулмоқчи бўлган ягона одам бу — Майк Слейд. Ўғирлаш можаросини режалаштирган, уни кўрқитиб, уйга қайтишга мажбур қилмоқчи бўлган одам худди шу Слейд бўлса-чи? Театрга чипталарни ундан олган. Майк Слейдгина унинг қаерда бўлишини биларди. У ўйлаб, ўйига етолмасди.

Мэри бу можарони болаларга гапириб бериш керакми-йўқми, деб роса ўйлади ва охири уларга айтмагани маъқул, деган қарорга келди. У болаларининг қўнглига гулгула солишни истамасди. Дарвоқе, энди уларни ҳам ҳеч қаёққа ёлғиз юбориб бўлмайди.

Мэри шу куни кечқурун француз элчихонасида таниқли пианиночи-созанда шарафига ўтказиладиган қабул маросимига таклиф этилган эди.

Унинг асаблари қақшагани, ўзини ёмон ҳис этаётгани сабабли у ерга бормаслик учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр эди. Аммо на илож...

У истар-истамас ванна қабул қилди. Маросимга кийиладиган кўйлагини танлади. Унга мос туфлисини олиб қараса, биттасининг пошнаси синган экан. Мэри Карменни чақиртирди.

- Эшитаман, элчи хоним.
- Кармен, мана буни устахонага олиб боринг-да, тузатиб келинг.
- Хўп бўлади, элчи хоним. Яна бирор нима керак эмасми?
- Йўқ, миннатдорман.

Мэри Франция элчихонасига етиб келганида, таклиф этилганларнинг кўпчилиги шу ерда эди. Эшик олдида уни элчининг ёрдамчиси кутиб олди.

У Мэрининг кўлидан тутиб ўпди.

— Хайрли кеч, элчи хоним. Сизни кўрганимиздан бошимиз осмонга етди.

- Таклифнома юбориб, илтифот кўрсатганингиз учун ташаккур.
- Рухсат этсангиз, сизни элчининг ёнига олиб борсам. — Мэри кўплаб таниш қиёфалар орасидан ўтиб, элчи билан саломлашди.
- Мадам Дофэн сизда зўр таассурот қодиради, деган умиддаман. У ажойиб созанда.

— Мен ҳам уни эшитишга муштоқман, — деди Мэри ёлғондакам жилмайиб.

Шу пайт патнисда шампан виноси кўтариб олган официант ўтиб қолди. Мэри қабул зиёфатларида вино ичишни ўрганиб олганидан хурсанд эди. У Австрия элчиси билан саломлашиш учун ўтирилган ҳам эдики, бирдан уни жиноятчилардан қутқариб қолган халоскорига кўзи тушди. У бир бурчакда Италия элчиси ва унинг ёрдамчиси билан суҳбатлашиб турарди.

— Кечирасиз, — дея суҳбатдошидан узр сўраб, Мэри нажоткорининг олдига борди.

— Албатта, Парижни соғиндим, — деди у, — аммо, умид қиламанки, келаси йили... — У Мэрини кўриб ажабланди. — Э, бу сизмидингиз, бечора леда.

— Танишмисизлар? — дея гапга аралашди Италия элчиси.

— Расман бир-биримизни таништиришмаган, — деб жавоб берди Мэри.

— Элчи хоним, шифокор Луи Дефоржени сизга таништиришга ижозат берсангиз.

Французнинг афт-ангори ўзгарди.

— Элчи хоним? Илтимос, мени кечиринг. Бундан мутлақо беҳабар эканман. — Овозидан унинг саросимага тушиб қолгани сезилиб турарди. — Наҳотки, ўшанда сизни танимаган бўлсам?

— Танимасангиз ҳам, сиз жасоратли одамнинг ишини қилдингиз, — деди Мэри жилмайиб. — Сиз менинг халоскоримсиз.

Италия элчиси докторнинг юзига ҳайрон бўлиб қаради.

— Демак, ўша одам сиз экансиз-да? — У Мэрига ўтирилди. — Бу машъум воқеа қулоғимга чалинган эди.

— Сиз бўлмаганингизда, ҳақиқий фожаия юз бериши мумкин эди. Мен сиздан беҳад миннатдорман.

Луи Дефорженинг лабида табассум пайдо бўлди:

— Керакли жойда ва керакли вақтда бўлганимдан бағоят бахтиёрман.

Элчи ва унинг ёрдамчиси инглиз элчисининг келганини кўриб қолишди.

— Минг бор узр, — деди Италия элчиси. — Ҳозирча сизларни ёлғиз қолдиришга ижозат берсангиз.

Мэри ва доктор ёлғиз қолишди.

— Нима учун полиция келганда кетиб қолдингиз?

— Биласизми, менга ўхшаган одамларнинг полиция қўлига тушмагани дуруст. Чунки уларнинг гувоҳларни қамаб, ҳар қандай усулларни қўллаб, бор маълумотни суғуриб олиш одати бор. Мен Франция элчихонасида шифокор лавозимида ишлайман ва дипломатик дахлсизлик мақомига эга эмасман. Элчихонадаги барча ишлардан бохабар бўлганим боис, махфий полиция учун гоят қимматли маълумотлар манбаига айланишим мумкин эди. — У Мэрининг кўзларига тикилиб, жилмайди. — Мени ташлаб, қочиб кетди деб ўйлаган бўлсангиз, минг бор узр сўрайман.

Унинг тўғрисиёзлиги Мэрига ёқиб тушди. Доктор нимаси биландир Эдвардни эслатарди. Эҳтимол, у ҳам шифокор бўлгани учун Мэрига шундай туюлдимики? Йўқ, фақат шунинг учун эмас. Доктор ҳам худди Эдвард сингари кўнглидагини очиқ гапирар экан. Ҳатто кулиши ҳам бир оз ўхшаб кетарди.

— Кечирасиз, — деди Дефорже, — кетадиган вақтим бўлди.

— Сизга қабул зиёфатлари ёқмайдими?

Доктор унга бир кўзини қисди:

— Уларни кўришга кўзим йўқ.

— Рафиқангизга-чи?

У бир нима дейишга чоғланди-да, фикридан қайтди.

— Унга ёқарди. Жуда ёқарди.

— У шу ердами?

— Уни икки фарзандимиз билан ўлдиришган.

— Эй, худойим-эй! Мени кечиринг. Қандай қилиб?..

— Ҳаммасига мен айбдорман. Биз ўшанда Жазоирда яшардик. Мен террорчиларга қарши курашда иштирок этганман. — Унинг гаплари узук-юлуқ чиқди. — Улар изимдан тушиб, уйимизни портлатиб юборишди. Бу вақтда мен бошқа жойда эдим.

— Мени кечиринг, — деди Мэри унинг ғамгин кўзларига қарашга юраги бетламай. — Ярангизни янгилаб қўйдим, шекилли.

— Ҳечқиси йўқ. Вақт — дардга малҳам дейишади, лекин мен бу гапларга ишонмайман. Унинг овозида аччиқ надомат сезилиб турарди.

Мэри Эдварднинг вафотидан кейин қанчалар азоб-уқубат чекганини эслади. Аммо докторнинг дарди уникидан минг чандон оғирроқ экан.

Доктор бир пас Мэрига тикилиб қараб турди-да, кейин узр сўради:

— Кечирасиз, элчи хоним... — У ўгирилиб бошқа меҳмонлар томон юриб кетди.

Ўша куни алламаҳалгача Мэрининг уйқуси келмади.

“У сенга бир оз ўхшаб кетаркан, Эдвард, — дея пичирлади Мэри хаёлан эрига мурожаат қилиб. — Сенга албатта маъқул бўларди, деб ўйлайман. Жасоратли одам экан. Унинг ғамгин чеҳраси юрак-бағримни эзиб юборди. Чунки мен ҳам изтироб чекиб юрибман. Ўзимни қанчалар ёлғиз ҳис этаётганимни билсанг эди. Дардимни кимга айтишимни билмайман. Ишларим тезроқ юришиб кетса эди! Слейд деганлари эса мени уйга жўнатиш пайига тушган. Лекин барибир кетмайман. Сен ҳамиша ёнимда бўлишингни истайман. Тунинг хайрли бўлсин, меҳрибоним”.

Эртасига Мэри Стэнтон Рожерсга кўнғироқ қилди. Таниш овозни эшитиш нақадар ёқимли. “У мени уйим, юртим билан боғлаб турган ягона ришта...”

— Ишингиздан хурсандмиз, — деди Стэнтон Рожерс. — Бу ердаги газеталарда Ханна Мэрфи ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилди. Қойил қолмай иложимиз йўқ.

— Миннатдорман, Стэн.

— Мэри, сизни ўғирламоқчи бўлганлари ҳақида гапириб беринг.

— Мен бош вазир ва махфий полиция бошлиғи билан учрашдим. Ҳозирча улардан тайинли маълумот ололмадим.

— Майк Слейд ёлғиз юрмаслигингиз ҳақида сизни огоҳ-лантирмаганмиди?

— Огоҳлантирган. — “Унга Майк Слейднинг мени уйга жўнатиш ҳаракатига тушганини айтсаммикан? Йўқ, айтмайман. Яхшиси, бу ишни ўзим бир ёлғиз қиламан”, — деган қарорга келди.

— Ёдингизда бўлсин, ҳар қандай вазиятда мен ҳамisha ёрдам беришга тайёрман. Истаган пайтда кўнғироқ қилишингиз мумкин.

— Биладан, — деди Мэри ундан миннатдор бўлиб. — Сизнинг ишонч ва илтифотингизни юксак қадрлайман.

Бу кўнғироқдан кейин Мэрининг кўнгли анча хотиржам бўлди.

— Бизда муаммо пайдо бўлди. Элчихонадан махфий маълумотлар чиқиб кетаётган кўринади.

Мэри ва Майк Слейд иш куни бошланишидан олдин қаҳва ичиб ўтиришганди.

— Бу шунчалик жиддийми?

— Ўта жиддий. Савдо бўйича маслаҳатчимиз Руминия савдо вазири билан учрашган эди.

— Хабарим бор. Ўтган ҳафтада бу масалани муҳокама қилган эдик-ку!

— Тўғри, — деди Майк. — Лекин Дэвид у билан иккинчи марта учрашганда, бизнинг барча таклифларимизга руминларнинг жавоби тайёр экани кишини ажаблантиради. Назаримда, улар бизнинг режаларимиз ҳақида аниқ маълумотга эга.

— Эҳтимол, улар тусмоллаб билишгандир.

— Балки шундайдир. Бироқ бизнинг янги таклифларимизни улар қандай қилиб олдиндан билиши мумкин?

Мэри ўйланиб қолди.

— Ходимларнинг бирортасидан гумонингиз борми?

— Бирортаси эмас, у аниқ бир одам. Биласиз, янги таклифларимиз “Аквариум”да муҳокама этилган эди. У ерга эса элчихона ходимларидан фақат саккиз киши — бўлим бошлиқларининг киришга ҳаққи бор.

— Ким бўлишидан қатъи назар, унинг овоз ёзиб оладиган электрон мосламаси ёки мўъжазгина магнитофони бўлиши керак. Бугун “Аквариум”да йиғилиш чақириб, унга сўнгги марта у ерда бўлган ходимларни таклиф этиш керак. Электрон ускуна айбдорни аниқлаб беради.

“Аквариум”даги стол атрофида саккиз киши тўпланган: сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи Эдди Мальц; иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи Патриция Хэмфильд; савдо масалалари бўйича маслаҳатчи Дэвид Виктор; жамоатчилик билан алоқалар бўйича вакил Жерри Дэвис; маъмурий бўлим бошлиғи Лукас Женклоу ва полковник Маккинни. Столнинг бир тарафида Мэри, иккинчи тарафида эса Майк Слейд ўтиришарди.

Мэри Дэвид Викторга мурожаат этди:

— Руминия савдо вазири билан музокаларлар қандай борапти?
Маслаҳатчи бошини чайқади.

— Очиғини айтсам, мен кутгандек эмас. Ҳали оғиз очмасимданоқ, улар нима демоқчи бўлганимни билиб тургани одамни ҳайрон қолдиради. Янги таклифларимизни айтганимда ҳам уларнинг жавоби тап-тайёр эди. Улар гўё фикримни ўқиётгандек бўлиб туюлади.

— Чиндан ҳам шундай бўлиши мумкин, — деди Майк.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Улар орамиздан фақат битта одамнинг фикрини ўқийди. — Майк ёнида турган телефон гўшагини кўтарди. — Кираверсин.

Бир неча сониядан сўнг эшик очилиб, хонага электрон асбоб кўтариб олган бир одам кириб келди. Асбоб шкаласида кўрсаткич миллари бор эди.

— Бир дақиқа, — деди Эдди Мальц. — Бу хонага кириш мумкин эмас.

— Ҳаммаси жойида, — тинчлантирди Майк Слейд. — Бу асбоб бир муаммони ҳал этишга бизга ёрдам беради. — У асбоб кўтариб олган одамга қаради. — Бошлайверинг.

— Яхши. Илтимос, ҳеч ким ўрнидан жилмай турсин.

Ўтирганлар унинг Майк Слейд ёнига келиб, уни асбоб билан бошдан-оёқ текширганини кўриб турарди. Асбоб миллари қимирламади. Кейин у Патриция Хэмфильдни текширди. Миллар жойидан жилмади. Навбатманавбат Эдди Мальц, Жерри Дэвис, Лукас Женклоу ҳам текширилди. Милларда ўзгариш сезилмади. Дэвид Виктор ва полковник Маккинни ҳам худди шундай текширувдан ўтди. Навбат Мэрига келди. Бояги одам унга яқинлашган заҳоти асбоб миллари ўнг томонга кескин силжиди.

— Жин урсин! — деди Майк Слейд унга қараб. — Ишончингиз комилми? Миллар энг юқори кўрсаткичда турибди-ку!

— Бир нима деб гапиринг, — дея илтимос қилди электроника бўйича мутахассис Мэридан.

Мэри эсанкираб ўрнидан турди.

— Балки, йигилишни тўхтатармиз? — деди Майк Слейд.

— Йигилиш тўхтатилади. Миннатдорман, — деди Мэри.

— Сиз қолинг, — деди Майк мутахассисга.

Ҳамма кетгандан кейин Майк ундан сўради:

— Сиз “қўнғизча”нинг қаердалигини аниқлаб бера оласизми?

— Албатта. — У асбобни Мэридан бир неча сантиметр масофада ушлаб, секин-аста пастга тушира бошлади.

Асбоб оёққа яқинлашган заҳоти миллар қизил кўрсаткичдан ҳам ўтиб кетди.

Мутахассис қаддини ростлаб.

— Овоз ёзадиган мослама сизнинг туфлингизда — деди.

Мэри ишонқирамай унга қаради.

— Сиз янглишяпсиз. Бу туфлини мен Вашингтонда сотиб олганман.

— Малол келмаса, уни ечсангиз.

— Ахир, айтаяпман-ку... — Ҳаммаси унга кулгили бўлиб туюлди. Асбоб носоз ёки кимдир уни тузоққа туширмоқчи. Буларнинг барчаси Майк Слейднинг қилмишлари бўлса керак. У қандай бўлмасин, мендан қутулмоқчи. Шунинг учун душманга маълумот бераётганда, уни қўлга туширдик деб Вашингтонга хабар беради.

У туфлисини ечиб, Майкнинг қўлига тутди.

— Мана, олинг, — деди у ижирганиб.

Майк туфлини у ёқ-бу ёғига қараб, ундан сўради:

— Унинг пошнаси янгими?

— Йўқ, биласизми, бу... Шу пайт туфлини тузатиш учун Карменга бергани эсига тушди.

Майк пошнани синдириб олди. Унинг ичига кичкина магнитофон жойлаштирилган эди.

— Мана, ниҳоят жосусни ҳам топдик, — деди Майк. — Бу пошнани қаерда қўйдиргансиз?

— Билмадим. Уни устахонада тузатиб келиш учун хизматкорга бергандим.

— Қойил-е, — деди Майк истехзо билан. — Элчи хоним, келгусида бундай ишларни котибангизга топширсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлар эдик.

Мэрига телеграмма келтириб беришди:

“Сенатнинг ташқи ишлар қўмитаси сизнинг илтимосингизга биноан, Руминияга қарз беришга қарор қилди. Эртага бу янгилик газеталарда эълон қилинади. Табриклайман. Стэнтон Рожерс”.

Майк телеграммани ўқиб чиқди.

— Зўр янгилик. Негулеску роса хурсанд бўлади.

Мэри молия вазири Негулеску аҳволининг беқарорлигидан хабардор эди. Бу қарз уни Ионеску назарида қаҳрамонга айлантиришини ҳам биларди.

— Демак, бу янгилик эртага эълон қилинади. — Мэри ўйланиб қолди. — Бугун Негулеску билан учрашувимни ташкил этишингизни истардим.

— Мен ҳам боришим керакми?

— Кераги йўқ.

Икки соатдан кейин Мэри Руминия молия вазирининг хонасида ўтирарди. Унинг кўринишидан нимадандир хурсандлиги сезилиб турарди.

— Сиз менга хушxabар олиб келганингизни кўриб турибман.

— Афсуски, ҳозирча хушxabар йўқ, — деди Мэри афсусланиб. Вазирнинг юзидаги хурсандчиликдан асар қолмади.

— Наҳотки? Мен масала ҳал бўлибди, деб ўйлабман.

Мэри ёлғондан хўрсиниб қўйди:

— Мен ҳам шундай бўлган, деб ўйлагандим.

— Ўзи нима бўлди? Масала ҳал этилмаганининг сабаби борми? — деди у хўмрайиб.

Мэри елкасини қисди:

— Билмайман.

— Ахир, мен президентга ваъда бергандим... — Вазир бу янгиликдан эсанкираб, гапини йўқотиб қўйди. — Бир оздан кейин Мэрига қараб бўғиқ овозда деди: — Президентга бу ёқмайди. Наҳотки, масаланинг ечими бўлмаса?

— Очиғи, бу мен учун ҳам кутилмаган ҳол, — деди Мэри. — Дастлаб муҳокама кўнгилдагидек кетаётганди, бироқ овоз беришдан олдин сенаторлардан бири Ютага таклиф этилган руҳонийларга румин ҳукумати виза беришдан бош тортганини билиб қолибди. Унинг ўзи мормон лардан бўлгани учун фиғони фалакка кўтарилибди.

— Руҳонийлар учун? — деди Негулеску овозини кўтариб. — Улар шунинг учун қарши овоз берган демоқчимисиз?

— Ҳа, менга айнан шундай деб айтишди.

¹ М о р м о н — (АҚШ, Канада, Мексика, Англия ва бошқа мамлакатларда тарқалган диний уюшма аъзолари. — *Тарж.*)

— Элчи хоним, Руминияда черков учун ҳамма шароитлар яратилган. Диндорлар тўлиқ эркинликка эга. — Унинг тили айланмай қолди. — Биз уларни қанчалик эъзозлашимизни билсангиз эди.

У Мэрининг ёнига келиб ўтирди.

— Элчи хоним, руҳонийларимизнинг мамлакатингизга сафар қилишлари учун рухсат олиш масаласини ҳал қила олсам, сенатнинг молия қўмитаси бизга қарз беради, деб ўйлайсизми?

Мэри унинг кўзларига қараб деди:

— Жаноб Негулеску, мен сизга тўлиқ кафолат бераман. Бироқ руҳонийлар масаласи қандай ҳал этилганини бугун кечгача билишим зарур.

Негулеску соат икки яримда қўнғироқ қилди.

— Элчи хоним! Зўр янгилик! Руҳонийлар истаган пайтда кетишлари мумкин. Сизда нима гап?

Бир соат ўтгач, Мэри унга қўнғироқ қилди:

— Ҳозиргина телеграмма олдим. Руминияга қарз беришга қарор қилинди.

Мэрининг фикр-ёди Луи Дефоржеда бўлиб қолди. Жиноятчилардан уни кутқариб, ўзи гойиб бўлган нажоткори. Мэри қабул маросимида у билан кўришганидан жуда хурсанд бўлиб кетди. Кўнглида пайдо бўлган аллақандай эҳтиросга бўйсуниб, у валютага савдо қиладиган дўконга бориб, кумушранг қадаҳ сотиб олди-да, француз элчихонасига жўнатишларини илтимос қилди. Бу Дефорженинг хизмати учун унинг камтарона туҳфаси эди.

Мэрининг ҳузурига Дороти Стоун кирди:

— Сизга доктор Дефорже қўнғироқ қиляпти. У билан гаплашасизми?

— Албатта, — деди Мэри қувониб. — У гўшакни кўтарди. — Хайрли кун.

— Хайрли кун, элчи хоним. — Докторнинг французча талаффузда гапираётган овозини эшитиш унга жуда ёқимли туюлди. — Мен дид билан танланган совға учун миннатдорчилик изҳор этмоқчи эдим. Овора бўлиб нима қилардингиз. Мен шусиз ҳам сизга ёрдам бера олганимдан бахтиёрман.

— Бу шунчаки ёрдам эмас, — дея жавоб берди Мэри. — Имкон бўлганда, сизга алоҳида миннатдорчилик билдиришни хоҳлардим.

У жим турарди.

— Балки... — У яна жим бўлиб қолди.

— Ҳўш?

— Йўқ-йўқ, ўзим шунчаки, — деди у тортиниб.

— Илтимос, гапирсангиз-чи?

— Бўпти. — Докторнинг нимадандир истиҳола қиляётгани сезилиб турарди. — Балки, сизни бирор ерга кечки овқатга таклиф қилиш имкони бўлиб қолар. Сизнинг қанчалик бандлигингизни...

— Бажонидил, — деди Мэри унинг гапини бўлиб.

— Ростданми? — деб сўради у қувончини яшира олмай.

— Рост.

— Сиз “Тару” ресторанини биласизми?

Мэри у ерда икки марта бўлган эди.

— Йўқ, — деди у.

— Жуда яхши. У жойни сизга кўрсатиш менга катта ҳузур бағишлайди. Шанба куни кечқурун банд бўлсангиз керак-а?

— Соат олтида коктейлда бўлишим керак, ундан кейин сиз билан бирга овқатланишимиз мумкин.

— Жуда соз. Икки болангиз бор деб эшитганман. Балки, уларни ҳам бирга олиб келарсиз?

— Миннатдорман, бироқ, шанба куни кечқурун улар банд бўлишади. — У нима учун ёлгон гапирганини ўзи ҳам билмасди.

* * *

Қабул маросими Швейцария элчихонасида ўтказилаётган эди. Қабулда президент Ионескунинг иштирок этаётгани унинг биринчи даражали элчихоналар қаторига киришидан далолат берарди.

Маросимда Мэрига кўзи тушиб қолган президент унинг ёнига келди.

— Хайрли кеч, элчи хоним. — У Мэрининг қўлини олиб, таомилдагидан кўра кўпроқ ушлаб турди. — Мамлакатингиз бизга қарз берганидан жуда хурсандман.

— Биз эса, жаноби олийлари, руҳонийлар вакилларининг Қўшма Штатларга сафар қилишига рухсат берганингиздан мамнунмиз.

У қўлини силтаб қўйди:

— Руминия бу — турма эмас. Бу ерда ҳар бир одам хоҳлаган жойга боришга ҳақлидир. Менинг мамлакатим ижтимоий адолат ва демократия тимсоли ҳисобланади.

Мэри дўконлар олдидаги узундан-узун навбатлар, аэропортдаги кишилар, ўз ватанига кетмоқчи бўлган яҳудийларни эслади.

— Руминияда бутун ҳокимият халқнинг қўлида.

“Руминияда бизга ҳеч қачон кўрсатилмайдиган концентрацион лагерлар бор”.

— Сизга, жаноби олийлари, юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдириб айтмоқчиманки, юзлаб, балки, минглаб яҳудийлар Руминияни тарк этмоқчи. Аммо ҳукуматингиз уларга виза беришдан бош тортмоқда.

Президентнинг қовоғи уйилди:

— Барчаси муртад. Тинчликка раҳна соладиган одамлар. Биз уларни чиқармай ва доимо назорат остида тутиб, бутун дунё тинчлигини таъминлашга хизмат қилмоқдамиз.

— Жаноб президент...

— “Темир парда” ортидаги истаган мамлакатга қараганда бу ерда уларга нисбатан муносабат анча илиқ. 1967 йилги араб-исроил урушидан кейин Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатларининг барчаси Исроил билан дипломатик муносабатларни узишга қарор қилди. Такрорлайман, Руминиядан ташқари барчаси.

— Бундан хабарим бор, президент жаноблари, аммо далиллардан ҳам кўз юмиб бўлмайди...

— Сиз қора увилдириқдан татиб кўрдингизми? Мазаси жуда зўр.

Луи Дефорже уни олиб кетишни таклиф қилганда, Мэри Флориан билан боришини айтди. У докторга кўнғироқ қилиб, бир оз ушланиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Мэри элчихонага қайтиб, Ионеску билан учрашув тўғрисида ҳисобот ёзиши керак эди.

Элчихонада Ганни навбатчилик қилаётган экан. Денгиз пиёдаси у билан ҳарбийчасига саломлашиб, эшикни очди. Мэри хонасига кириб, чироқни ёқди. Кўзи деворга тушиб, турган жойида қотиб қолди. Унда қизил бўёқ билан “ЖОНИНГДАН УМИДИНГ БЎЛСА, УЙИНГГА ЖЎНА!” деб ёзилган эди. Юзи оқариб, хонадан чиқди-да, пастга қараб югурди.

— Элчи хоним, бир нима рўй бердимми? — деб сўради Ганни.

— Ганни, ким менинг хонамга кирган эди?

— Ҳеч ким, элчи хоним.

— Келганларнинг рўйхати қани? — У ўзини тутиб олишга ҳаракат қиларди.

— Мана, марҳамат. — Ганни унга журнални узатди.

Унда ташрифлар вақти қайд этилганди. У соат бешдан кейин, яъни ўзи бўлмаган пайтда элчихонага кимлар келганини қараб чиқди. Улар ўн икки киши эди.

Мэри навбатчига қараб сўради:

— Бунда қайд этилган одамларга кимдир ҳамроҳлик қилганми?

— Албатта, элчи хоним. Келганлар ҳамроҳсиз юқорига чиқа олмайди.

Бирор кор-ҳол юз бердими?

Жиддий ҳодиса юз берган эди.

— Бирортаси менинг хонамдаги ёзувни бўяб ташласин, — деди Мэри.

У бурилди-да, шаҳдам қадам ташлаб, элчихонадан чиқиб кетди. Ҳисобот эрталабгача ёзилса ҳам бўлади.

Луи Дефорже ресторанда уни кутиб турарди. Мэри стол ёнига келганда, у ўрнидан турди.

— Кечикканим учун узр. — У хотиржам гапиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, асабийлашгани шундоққина сезилиб турарди.

Луи стулни унга сурди.

— Ҳечқиси йўқ. Келганингиздан хурсандман.

Мэри у билан овқатланишга рози бўлганидан афсусланди. Асаби дош бериб бўлмайдиган даражада қақшаган эди.

Дефорже унга диққат билан разм солди.

— Аҳволингиз тузукми, элчи хоним?

— Ҳа, — деб жавоб берди у. — Ҳаммаси жойида. “Жонингдан умидинг бўлса, уйингга жўна”. — Виски ичсаммикан дегандим. — Вискини умуман жини суймасди, аммо шу билан ғам-ташвишларини унутишни истарди.

Дефорже буюртма бериб, ундан сўради:

— Бу мамлакатда элчи бўлиш осон бўлмаса керак. Айниқса, аёл кишига. Руминлар аёлларга менсимай қарайди.

Мэри зўрма-зўраки жилмайди.

— Яхшиси, ўзингиз ҳақингизда гапириб беринг. — У суҳбат мавзусининг ўзгаришини хоҳларди.

— Менинг кечмишларим сизни қизиқтирмаса керак, деб қўрқаман.

— Жазоирда террорчиларга қарши курашганман, дегандингиз. Шу ҳақда сўзлаб беринг.

У елкасини қисиб қўйди:

— Биз ўта таҳликали даврда яшаяпмиз. Назаримда, ҳар бир одам ҳамма нарсасидан маҳрум бўлиб қолмаслик учун нимадандир кечиши керак. Терроризмни таг-томири билан суғуриб ташлаш зарур, — деди у эҳтирос билан.

“У чиндан ҳам Эдвардга ўхшаб кетади. Эдвард ҳам худди унингдек ўз қарашлари ҳақида ҳамиша тўлиб-тошиб гапирарди”. Доктор Дефоржега ўхшаган одамларни фикридан қайтариш қийин. Ўз маслағига эришиш йўлида у ҳатто ҳаётини ҳам таҳликага қўйишга тайёр эди.

— Маслағимга эришиш мен учун бу қадар қимматга тушишини билганимда эди... — У жимиб қолди. — Мени кечиринг, элчи хоним. Ахир, ғам-ташвишларимни айтиш учун сизни бу ерга таклиф қилмаганман-ку. Бу ерда қўй гўштини маромига етказиб пиширишади. Татиб кўришни тавсия этган бўлардим.

— Қарши эмасман, — деди Мэри.

У овқат ва бир шиша вино буюрди. Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Мэри анча ўзига келиб қолган ва девордаги ўша даҳшатли ёзув ҳақида ўйламасди. Бу ёқимтой француз билан суҳбат унга хузур-ҳаловат бағишлаётганини бутун вужуди билан ҳис этарди. У Эдвардни шу қадар эслатардики, икковининг қизиқиш ва эътиқодини ўзича таққослаб кўрар экан, уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатларга ҳайрон қолмай иложи йўқ эди. Мэри Канзасдаги кичкина шаҳарчада, Луи эса неча минг километр масофадаги мамлакатда туғилган бўлишса-да, уларнинг ҳаётида қандайдир уйғунлик бордек эди. Луининг отаси фермерликдан орттирган пули эвазига уни Парижга тиббиёт институтига ўқишга юборган экан.

— Отам ажойиб инсон эди, элчи хоним.

— “Элчи хоним” деганингиз жуда расмий туюларкан.

— У ҳолда миссис Эшли деб мурожаат этсаммикан?

— Яхшиси, Мэри деяқолинг.

— Миннатдорман, Мэри.

Мэри табассум қилди:

— Марҳамат, Луи.

Мэри унинг шахсий ҳаёти ҳақида билгиси келарди. У ақл-фаросатли ва келишган. Унинг атрофида кўп аёллар гирдикапалак бўлгандир. Мэри унинг аёли бор-йўқлигини билишни истарди.

— Уйланиш ниятингиз йўқми? — Дадиллик билан берган бу саволига ўзи ҳам ҳайрон қолди.

У бошини чайқади:

— Йўқ. Рафиқамни кўрганингизда, мени тушунардингиз, деб ўйлайман. У қиёси йўқ аёл эди. Ҳеч ким унинг ўрнини боса олмайди.

“Эдвард ҳам мен учун худди шундай қадрли, — деб ўйлади Мэри. — Дарқақиқат, унинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. У ҳеч кимга ўхшамасди. Лекин, барибир, ҳар бир инсон ҳақиқий дўстга муҳтож. Фақат севиш ёки севилиш учун эмас. Одам ичидагини кимгадир ёриши керак-ку”.

— ... Ўшанда тақдир тақозоси билан бу ерда ишлаш имконияти туғилди, — дея Луи гапини давом эттирди. — Дастлаб Руминияда ишлаш менга қизиқарли бўлиб туюлган эди. Аммо, тан оламан, бу даҳшатли мамлакат, — деди у пичирлаб.

— Наҳотки?

— Гап одамлар ҳақида бормаяпти. Руминлар ажойиб халқ. Мен уларнинг ҳукуматидан нафратланаман. Бу ерда эркинликдан асар ҳам йўқ. Руминлар — қулнинг худди ўзи. Одамга ўхшаб яшамоқчи ва қимматбаҳо нарсаларни орзу қилганларни махфий полициянинг жосуси бўлишга мажбур қилишади. Чет элликлар доимий назорат остида. — У теварак-атрофга назар солди. — Шартнома муддати тугаб, тезроқ Францияга қайтишни интизор бўлиб кутаяпман.

Мэри ўйламай гапириб юборди:

— Биласизми, менинг ҳам уйга кетишимни хоҳлайдиган одамлар бор.

— Кечирасиз, гапингизни тушунмадим.

Мэри эҳтиросларини жиловлашга кучи етмай, хонасида рўй берган воқеа ва девордаги ёзув ҳақида унга гапириб берди.

— Қандай даҳшат! — деди Луи кўзлари катта-катта очилиб. — Кимдандир гумонингиз борми?

— Йўқ.

— Бир нарсага иқрор бўлишга ижозат берсангиз? — деб сўради Луи. — Кимлигингизни билганимдан буён баъзи маълумотларни сўраб-суриштирдим ва фаолиятингиздан бохабар бўлган кишиларнинг

барчаси сизга нисбатан юксак ҳурмат-эҳтиром билан қарашига ишонч ҳосил қилдим.

Мэри Луига тикилганча гапларини диққат билан эшитиб ўтирарди.

— Ҳамма сизни Америка тимсоли деб билади. Сиз оқила ва гўзал аёлсиз. Ўз ишингиз ва маслагингизга ишонсангиз, курашмоғингиз керак. Сиз шу ерда қолишингиз шарт. Сизни қўрқитишларига имкон берманг.

Мэри кечаси Луи айтган гапларни ўзича мушоҳада қилиб ётди. “У ўз маслаги учун жонини беришга ҳам тайёр. Мен-чи? Йўқ, мен ўлмайман. Ҳеч ким мени ўлдирмоқчи ҳам эмас. Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман”.

У зим-зиё хонада кўзи очиқ ҳолда, қўрқувдан дир-дир титраб ётарди.

* * *

Эрталаб Майк одатдагидек икки идишчада қаҳва келтирди. У яқиндагина бўялган деворга ишора қилди:

— Сизга нома ёзиб қолдиришгани ростми?

— Бу ишни ким қилгани аниқландими?

У қаҳвадан бир қултум ичди.

— Йўқ. Шахсан ўзим рўйхатни бирма-бир текшириб чиқдим. Унга қайд этилганларнинг бирортаси ҳам бу ишни қилиши мумкин эмас.

— Демак, бу элчихона ходимларидан бирининг иши, шундайми?

— Ҳа. Ёки кимдир қўриқчиларга сездирмай ўтган.

— Сиз шунга ишонасизми?

Майк идишчани столнинг устига қўйди.

— Йўқ.

— Мен ҳам ишонмайман.

— Деворга нима деб ёзилган экан?

— “Жонингдан умидинг бўлса, уйингга жўна”.

Майкдан садо чиқмади.

— Мени ўлдириш кимга керак бўлди экан?

— Билмадим.

— Мистер Слейд, менга очиғини айтинг: наҳотки менга ростдан ҳам хавф таҳдид солаётган бўлса?

Майк унга синчковлик билан разм солди.

— Элчи хоним, Авраам Линкольн, Жон Кеннеди, Роберт Кеннеди, Мартин Лютер Кинг, Марин Грозалар ўлдирилганидан хабарингиз бор. Шунинг ўзи саволингизга жавоб бўла олади, деб ўйлайман.

Мэри шу топда Луининг унга айтган гапларини эслади: “Ўз ишингиз ва маслагингизга ишонсангиз, курашмоғингиз керак. Сиз шу ерда қолишингиз шарт. Сизни қўрқитишларига имкон берманг”.

Давоми бор

*Русчадан
Баҳодир ЗОКИР
таржимаси*

Янги нашрлар

НИЗОМУЛМУЛК. **“Сиёсатнома” (“Сияр ул-мулк”)**. Адади 1000. “Янги аср авлоди” нашриёти. Тошент, 2008 йил. *Форс тилидан Шодмон Воҳид, Афтондил Эркинов таржималари.*

Мана, тўққиз асрдан ошибдики, ушбу китоб турли йилларда кўпгина халқларнинг амиру умаролари, мутафаккирлари, умуман, зиёли аҳли диққатини ўзига тортиб келади. Ҳатто Фарб мамлакатларида бу китоб барча даврлар учун давлатни, жамиятни бошқаришда, дину эътиқод поклигини, мамлакат яхлитлиги ва дахлсизлигини сақлашда, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари ва осойишталигини ҳимоя қилишда, халққа шу талаблар даражасидаги салоҳиятли раҳбарлар бош бўлишида асқотадиган маъқул қўлланма, мароқли бадиий асар ҳамда тарихий манба сифатида эътироф этилган. Ушбу китобда муаллиф давлатни бошқаришдаги энг майда масалалардан тортиб, гоят йирик ва муҳим муаммоларгача ҳаммасини ўзи яшаб турган даврга қадар тўпланган сиёсий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ёритиб берган.

МАХТУМҚУЛИ-ФИРОҒИЙ. **“Сайланма”**. Адади 5000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2008 йил. *Туркманчадан Абдумўмин Жумаев, Жуманазар Зулпиев таржималари.*

Туркий тилдаги мумтоз шеърят бой ва ранг-баранг. Қадимги битиклар-у, мумтоз шоирлар ижодига назар солсак, ўлмас гоёлар, ҳаёт ҳикматлари, қалб нидолари ва келажак орзулари юксак санъаткорлик билан ифодаланганини кўрамиз. Туркман халқининг улуг шоири Махтумқули-Фироғий асарлари ҳам халқона руҳи, бадиийлиги билан ўқувчини мафтун этади. У адолатпарварлик, эрксеварлик гоёларини, яхшилик ва мардликни, ишқ-муҳаббатни жўшиб қуйлайди. Мазкур “Сайланма”дан шоир шеърларининг янги таржималари ўрин олган. Китобга филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов сўзбоши ёзган.

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ. **“Дашту далаларда”**. Роман. Адади 3000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2008 йил.

Эзгуликка йўғрилган қалб оламни ранг-баранг тусда ҳис қилади. У ҳатто оламда мавжуд бўлмаган ранглارни ҳам туяди ва дунёга, тириклик оламига шу ранглар орқали боқади. Бундай кишиларнинг инсоний бурч ҳақидаги эзгу тушунчалари ҳамisha яхшилик дунёсини нурлантириб, жилолантириб туради.

Бунинг акси бўлганлар эса, бу оламда фақат оқ ва қора рангларнигина фарқлайди, уларнинг ҳаётга бўлган муносабати ҳам шунга яраша бўлади. Инсоният яратилибдики, мана шу икки қутб ўртасида кураш боради. Хўш, бу қандай кураш экан, унинг чек-чегараси борми? Ана шу саволларга ёзувчи Нормурод Норқобилонинг ушбу китобидан жавоб топасиз. Адиб “Дашту далаларда” романида бугунги ҳаётимиздаги долзарб муаммолар қақида баҳс юритади, фидойи замондошларимизнинг мураккаб маънавий дунёсини ҳаётий тўқнашувларда очиб беради.

ТҮЛҚИН ЙЎЛДОШЕВ. **“Атиргулга айланган умр”**. Турсуной Содикова ҳаёти ва ижодига бир назар. Адади 5000. “Давр пресс” нашриёти. Тошкент, 2008 йил.

Бугун барчамизнинг севимли шоирамиз, керак бўлганда яқин сирдошимиз, маслаҳатгўйимизга айланган адиба Турсуной Содикованинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китоб “Атиргулга айланган умр” деб номланади.

Китобнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, ниҳоятда нуктадон, сўзларнинг сарасини саралаб, оташ нафас билан кўнгиш мулкига айлантирадиган Турсуной опанинг ҳаёти ҳам, ижод йўли ҳам сабоқларга бой.

Адибанинг бугунги даражага етгунча босиб ўтган ҳаёти ва ижодидан баҳс юритувчи ушбу китоб барча мухлисларга ажойиб тўхфадир.

ТОҲИР МАЛИК. “Энг кичик жиноят”. Танланган асарлар. 7-жилд. Қисса ва маърифий суҳбатлар. Адади 5000. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Тошкент, 2008 йил.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик асарларининг навбатдаги 7-жилдига “Энг кичик жиноят” деб номланган асари ва турли йилларда қозога туширилган, маънавийт масалаларига бағишланган суҳбатлари ва мақолалари киритилган. Қиссада ризқ излаб узоқ юртларга борган одамларнинг қутилмаган азобларга дуч келишлари тасвирланган. Одамзод айрим айбларини “арзимас” деб хаспўшлашга уринади. Уша арзимас айби, кичкинагина жинояти ҳаётини остин-устун қилиб юборишга қодирлигини ўйламайди. Қиссада шу ҳақда баҳс юритилади. Китобга жамланган маънавий ва маърифий масалаларга бағишланган суҳбатларида ёзувчи кўнглидаги гаплар билан ўқувчини таништиради.

ГУЛОМ КАРИМ. “Муқанна”. Рисола. Адади 1000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Шарқшунос олим Гулом Каримнинг “Муқанна” рисоласи VIII асрнинг иккинчи ярмида Туронзаминда халифалик истибдодига қарши кўтарилган “Оқ кийимлилар кўзғолони” ва унинг раҳнамоси Муқанна фаолиятига бағишланган. Рисолада имкон қадар тарих дарсликлари ва илгариги тадқиқотлардаги мавжуд маълумотларни такрор қилмасдан, бирламчи манбалар асосида янги фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ноёб қўлёзмалардаги Муқанна кўзғолонига оид парчалар таржималари китобхонларга Ватанимиз ўтмишидаги энг йирик тарихий воқеалардан бирининг манзараларини тўлароқ тасаввур этишга ёрдам беради.

АРАБ ЭРТАКЛАРИ. “Минг бир кеча”. Иккинчи китоб. Адади 1000. “Янги аср авлоди” нашриёти. Тошкент, 2008 йил. *Араб тилидан Солиҳ Муталлибов таржимаси.*

“Минг бир кеча” эртаклари ўз мавзуларининг ранго-ранглиги билан жаҳон адабиёти миқёсида катта шухрат қозонган. Ушбу араб эртаклари саккиз жилдлик китоб ҳолида 1960 йилда Ўзбекистон Давлат бадиий адабий нашриёти томонидан кўп нусхада нашр этилган эди.

Кўпчилик ўқувчиларнинг талабига биноан “Минг бир кеча” китоби ўқувчиларга қайтадан тортиқ этилмоқда. Ўйлаймизки, бу машҳур эртаklar китобхонларимиз учун ажойиб тўхфа бўлади.

АСАД ДИЛМУРОД. “Мезон буржи”. Қиссалар. Адади 3000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Асад Дилмурод таниқли адиб. “Осмоннинг бир парчаси”, “Афросиёб суқунати”, “Гириҳ”, “Кўчки” каби қисса ва ҳикоялар, “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш” ҳамда “Паҳлавон Маҳмуд” романларининг муаллифи. Ўқувчилар орасида тарихий асарлари билан маълум ва машҳур. Тинимсиз изланаётган ёзувчи олам ва одам тушунчаларига бадиий-эстетик ва фалсафий нуқтаи назардан ёндашади, замон билан маконни бирлаштирувчи моддий ва маънавий омиллар моҳиятини қаҳрамонлари руҳий драмаси билан умумлаштирган ҳолда талқин қилади. Муаллифнинг “Мезон буржи” номли китобида кирган қиссаларини ўқир экансиз, олис тарих нафасини туясиз, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги азалий ва абадий тўқнашувларга гувоҳ бўласиз. Турли-туман қиёфа ва характерга эга бўлган бадиий образлар оламига қириб борасиз.

ИСМАТУЛЛА МАМАНОВ. **“Отамдан қолган ўғитлар”**. Адади 2000. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2009 йил.

Шарқ адабиётида панд-насиҳат йўналишида ёзилган асарлар кўп. Уларда шакл хилма-хил, мазмун ранг-баранг.

Бироқ Исматулла Мамановнинг “Отамдан қолган ўғитлар” китобида ҳаётнинг кўплаб баланд-пастини кўрган мўйсафид отанинг ўғлига бевосита мурожаати шаклида битилган ҳикматомуз фикрлар оддий ва жозибали услубда баён этилган. Бу насиҳатлардан айниқса, ёшлар ҳаётини хулосалар чиқарсалар ажаб эмас. Ундаги лавҳа ва қайдлар ўқувчида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

ҲАКИМ САТТОРИЙ. **“Вақт манзаралари”**. Танланган бадиий публицистика. Адади 1000. “Янги аср авлоди” нашриёти. Тошкент, 2009 йил.

Таниқли ёзувчи-публицист Ҳаким Сатторий халқимиз тарихининг кескин бурилиш даври – 1987-2008 йиллар орасидаги воқеалар ичида яшаб, уларни қаламга олган. У ҳамма нарсани ўз номи билан аташга, воқеликни холис ва тўлиқ акс эттиришга интиланган. Ҳаётнинг кичик лавҳалари шарҳидан йирик муаммолар таҳлилигача давом этадиган мушоҳадалар китобхонда аниқ ва ёрқин таассурот ҳосил қилади. Мустақиллик арафасида рўй берган воқеалар, истиқлол шуқуҳи ушбу китобда маҳорат билан акс этади.

ҲАМИД ФУЛОМ. **“Сайланма”**. Шеърлар ва драмалар. Адади 3000. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2009 йил.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳамид Фулом ўзининг сермазмун, бадиий етук мавзудаги романлари, шеър ва дostonлари, пьесалари, ажойиб публицистик асарлари, таржималари ҳамда ўзига хос, турфа инсоний фазилатлари билан ҳам китобхонлар ардоғида эди. Атоқли ёзувчининг “Машғал”, “Бинафша атри”, “Тошкентликлар”, “Мангулик” каби романлари, кўплаб шеърини тўпламлари ва ҳикоялари халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Адибнинг сара асарлари жамланган ушбу “Сайланма” Ҳамид Фулом таваллудининг 90 йиллигига муносиб туҳфадир.

ИЛҲОМ ЗОЙИР. **“Ажал пирамидаси”**. Роман. Адади 2000. Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2008 йил.

Инсоннинг туғилиши, ўсиб-улғайиши, турмуш тарзи, унинг атроф-муҳитга, воқеа-ҳодисаларга, ёр-дўстларига муносабати, ҳис-туйғулари жуда мураккаб жараён. Ушбу асарда ўтмиш билан бугун бир-бирига омўхта тарзда тасвирланган. Ҳозирги кунда бизни қийнаб келаётган жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатлар, кишилар орасидаги меҳр-муҳаббат туйғуларининг бир қадар сусайиб бораётгани, бойлик кетидан қувиб, турли қинғир йўлларга кириб кетиш ва охир-оқибатда жиноят ботқоғига ботиш, қолаверса, севги-муҳаббат ва нафрат, одамийлик ва тубанлик, яхшилик ва ёмонлик каби бир-бирига қарама-қарши туйғулар ўртасидаги кураш асар гоёсини ташкил қилади. Тарихий далилларнинг воқеликка синдирилиши эса асарнинг ҳаққонийлигини ва тарбиявий аҳамиятини бир қадар оширади.